



## МУАЛЛИФДАН

### **Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм.**

Қаламга хиёнат қилмай яшамоғимда тўғри йўл кўрсатгучи, ниятларимни амалга оширувимда мадад бергучи, мендайин ожиз гуноҳкор қулига вақтида жазо бериб, вақтида тавбаларимни қабул этиб, гуноҳларимни кечиргучи, улуғ устозларга берган неъматлардан менга-да насиб этгучи Оллоҳ таборак ва таолога шукроналар, ҳамду санолар айтмоқ билан бошлагумдир. Оллоҳнинг мадади ила биринчи китобга сўнгги нуқта қўйганимдан сўнг хийла фурсат ўтди. Асар ўқиғувчига етиб борди. Дашном ҳам, мақтов ҳам эшитиш насиб бўлди. Бу табиий бир ҳол. Ҳеч бир асар барчага баробар маъқул бўлмас. Асарнинг қаеридир бир одамга ёқар, бошқа бировга эса ёқмас. Ёзувчиларнинг асари ҳам бир фарзанд мисолидадур. Алҳол, фарзандингиз бировга хуш ёқар, бошқага эса ёқмас. Танқидларни тинглаб тўғри хулоса чиқаришга интилдим. Бу хусусда мазкур иккинчи китобни ўқиб чиқиб, тайин бир фикрга келарсиз. Учрашувларда кўп таклифлар айтишди, ҳатто илтимослар қилишди. «Елчинни ўлдирманг, шунча кулфат у учун етарли эмасми?», «Асадбекни ўлдирманг...» Шунга ўхшаш гаплар. Мен уларга аниқ жавоб ёки ваъда бера олмадим. Чунки асардаги қаҳрамонларга мен ҳукм чиқармайман. Ҳукм воқеалар ривожига қараб бўлади. Кўпчилик асарда ўзига таниш одамларни кўрибди. «Асадбек фалончимиз?», «Елчин пистончимиз?» деб сўрашди. Азизларим, бу шунчаки бир тасодиф. Ҳаётда ҳам кимдир кимгадир ўхшайди-ку? Бировга ўхшатсангиз ҳам, айнан шу одам, деган қарорга келманг. Ўқий бошлаганингиз мазкур китобда ҳам тасодифларга дуч келсангиз, ажабланманг. Бу асарни ҳам тоқат билан ўқиб чиқишингизда Оллоҳ сизга мадад берсин.

### **Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм.**

**Ал-явма нахтиму ала афваҳиҳим ва тукаллимуна айдиҳим ва ташҳаду аржулухум бима кану яксибуун.\***

*Бир дев бор ичимда, асти пинҳон бўлмас,  
Бошини эгмак анинг осон бўлмас.  
Иймон не эканлигин англатсам ҳам,  
Кофир у ашаддий, ҳеч мусулмон бўлмас.  
Шайх Нажмиддин Кубро*

\* Маъноси будир: Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз ва бизга уларнинг қилиб юрган ишлари ҳақида уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур. («Ёсин» сурасининг олтмиш бешинчи ояти. Алоуддин Мансур таржимаси.)

## I б о б

### 1

...Юқоридан туриб қараганида дарё суви тиниқ, сокин оқаётгандек эди. Сувни кўрди-ю, ташналик азоби яна забтига олди. Ҳаяжон билан «сув!» деб бақиргиси келади, аммо ташна лабларини жон тарк этиб бўлган. Харсанг тошларни оралаб тезроқ пастга тушмоқни истади, лекин жон тарк этган оёқлар энди ўзига бўйинсунмайди. Бўйсунмаса-да, жонсиз оёқлар уни дарёга элтади. Бироқ ташна лабларга сув тегмайди. Тепадан қараганида кўринган тиниқ сувдан асар ҳам йўқ. Дарё қуриб қолган (Наҳот етиб келгунимча қуриб битди, деб ўйлайди у), унда-бунда кўлмаклар кўзга ташланади. Кўлмаклардаги сувни ичиб бўлмайди — сасиб ётибди. Унинг кўзлари каттароқ кўлмакдаги илонга тушди. Йўфонлиги ўқловдек ҳам келмайди. Ажиб манзара! Илон бир балиқни ўлжа қилиб юта бошлагану ҳалқумининг кичиклигини ҳисобга олмаган. Оқибатда балиқнинг ярмигина илон оғзида — дам-бадам жон аччиғида думини асабий равишда силкийди. Балиқ ночор, илон эса ундан-да ночор — ютиб юта олмайди, қўйиб қўя олмайди. Балиққа раҳми келди. Уни илон оғзидан юлиб олмоқчи бўлди. Шу ниятда энгашиганида бир шовқин эшитилди — худди тунука том устига шағал ағдарилгандай бўлди. У чўчиб атрофига аланглади. Ажиб манзара! Дарёнинг қуйи томонида кўринган сел оқими ўркач-ўркач тўлқинлари билан юқорига қараб бостириб келарди. У қочмоққа шайланди. Жонсиз оёқлари бўйсунмади.

— Сувдан шунчалик қўрқасанми? — деди кимдир.

Кимдир... ким айтди бу гапни? Назарида балиқ айтгандай бўлди.

— Сузишни билмайман, — деб ўзини оқлади.

— Сузишни билмасанг бу тескари дарёга нима учун келдинг?

— Чанқадим.

— Сен бу дарёлардан сув ича олмайсан. Қочма. Ташналиқдан ўлгандан кўра сувга бўкиб ўлганинг яхши эмасми?

— Аҳмоқ! Сен ўзингни ўйла!

— Мен сузишни биламан. Аммо шу сувда ўламан...

У тошларга тирмаша бошлади. Оёқларига харсанг боғлангандай — илгарилаши оғир, жуда оғир. Қаёқдан қувват келди, билмайди, ҳарҳолда сел оқимидан қутулиб олди. Ҳозиргина тирмашаётгани харсанг тошлар баланд минора ғиштларига айланди. Минора тепасидаги шаффоф идишда сув бор эди, сув! У минора тепасига етай деганида, ғиштлар анор доналаридай тўкилди. У тубсизлик сари учди. Нафаси қайтди. Онаси «бахтсизликка учрасанг «ла илаҳа иллоллоҳ» деб айтгин», деган эди. Бу ўғитни қарийб унутган ҳам эди. Ҳозир, юраги қинидан чиқаёзган ҳолда қоронғи бўшлиқ сари учиб бораётганда шу сўзларни эслади. Айтмоқчи бўлди, тили айланмади. Ўзини зўрлаб бақирди: Ла илаҳа иллоллоҳ!

— Адаси, адаси, кўзингизни очинг, сизга нима бўлди? Вой, бирам босинқирадингиз-ей...

Зоҳид кўзларини очиб, сочлари тўзғиган хотинини кўрди.

— Ҳечам бунақанги бақирмовдингиз-а, кўчага чиққанингизда гадойга етти танга садақа беринг. Балолардан асрар экан. Тушингизда ўлик-пўлик кўриб қўрқдингизми? — хотини саволига жавоб кутмай, ўрнига чўзилди. — Чалқанча ётманг, яна босинқирайсиз.

Зоҳид хотинининг амрига бўйсуниб чап томонига ёнбошлади. Юраги тепишини аниқ сезди. Ҳаёлини чалғитиш учун юрак уришини санаб ётди. Хотинининг сўнги гапи унга ғалати туюлди. Ўйлаб қараса, шу пайтгача тушида сира ўлик кўрмабди. Иши юзасидан турли мурдаларни турли ҳолатларда кўравериш унинг дийдаси қотиб кетган. Мана, йўл четида осилиб турган мурдани кўрган баъзи одамнинг эси оғиб қолиши ҳам мумкин. Зоҳид эса уни синчиклаб қараб чиқишга мажбур. «Бир... ик-ки...» Юраги худди аскар йигитларнинг қадам ташлашидай гурсиллай бошлади. Уйқуси тамом ўчган эди. Юрагида беҳалавотлик сезиб, қадини кўтарди. Хотини

ухламаган эди, бошини сал кўтариб «чой қўйиб берайми?» деб сўради. Зоҳид «ухлайвер» деб ўрнидан турди-да, оёғига шиппакни илиб балконга чиқди.

Оқшомда ерни ямлаб ютаман деган ҳамла билан ёпирилиб келган қора булутлар тўдаси икки-уч ўт пуркаб, гулдурак солиб, заминни шиддатли томчилар билан савалагач, кучдан қолган замин осойишталик ҳукмида беозоргина нафас оларди. Осмон тоза, ҳаво беғубор... Зоҳид кўкрагини тўлдириб нафас олди. Хотинининг гапидан кейин ёқиб юборилган ўлик кўз ўнгидан кетмай қолди. Шундайгина катта йўл бўйига осилган. Ўн-ўн беш қадам наридан машиналар ўтиб турган. Аввал ҳам шундай бўлган. Аввал ҳам, ўтган куни ҳам бирон-бир машина тўхтатмаган, «ҳой, нима қиляпсанлар!» демаган. «Жон ширин-да, — деб ўйлади Зоҳид.— Тўхтаб, танбеҳ берган одам ўлиши, омади келган тақдирда, ҳушидан кетгунича калтак ейиши мумкин эди. Ҳатто милитсия машинаси ҳам тўхтамаган. Шу жойга келганда нима учундир гапга чалғиб, кўрмай ўтиб кетишган...»

Зоҳид бу сафар ишни гувоҳ топишдан бошламоқчи бўлди. Шу мақсадда Ҳамдам Толиповни автомобил назорати ходимлари билан гаплашгани жўнатди. Оқшомдан тонггача тўхтатилган машиналарнинг рўйхатини олди.

— Ўзлари ҳам тунда ўтишибди. Гап билан чалғиб бу ёққа қарашмабди,— деди Ҳамдам, сўнг уларни топган баҳоналарига қўшиб, бўралаб сўқди.

— Ҳамдам ака, шу йўлдан ўтган машина эгалари билан ўзингиз гаплашиб чиқасиз, — деди Зоҳид.

— Фойдаси бўлармикин? — деди маёр Солиев,— улар ҳам айнан шу жойга яқинлашганларида гапга чалғиган бўлишади.

— Чиқмаган жондан умид, дейдилар, бир ҳаракат қилиб кўрайлик-чи...

...Ҳамдамни кечгача учратмади. Шу иш билан машғул бўлди шекилли. Ўзи оқшомга қадар тиббий экспертиза хулосаларини кутди. Машина эгасини аниқлаш қийин бўлмади: Жамшид Суннатуллаев. 1954 йилда туғилган. Номусга тегишда айбланиб, қамалган. Муддатидан илгари озод этилган. Мактабда дурадгор бўлиб ишлайди.

— Бу ҳам номига ишлаган. Мактабга бориб юрма, уни барибир танишмайди,— деди Солиев. Зоҳид ҳам шу фикрда эди. Мактабга борса фақат чалғиши мумкин. Лекин Суннатуллаевнинг жинойи иши баёни билан танишмоқни лозим, деб топди.

Баъзан одамзотнинг ақлига қойил қолмоқ керак. Ўзининг хотирасига ишонмагани учун «Архив» деган нарсани топганки, бу ихтирога тан бермоқдан ўзга чора йўқ. Тўғри, хорижда бу вазифа компьютер зиммасига юклатилган. Аммо бизнинг қоғозлардан иборат бўлган архивимиз компьютердан ишончлироқдир. Катта жиноятларни қўя турайлик, лозим бўлса, кунда неча марта акса ургансиз — барчасини муҳрлаб қўйиши мумкин. Зоҳидга ўхшаган азамат бир куни архивдаги «иш»ингизни очиб, «Хў-ўш, йигирма беш йил муқаддам, фалон куни, фалон соатда аксирган экансиз, тўғриси айтинг, нима мақсадда аксиргансиз?» деб қолса ажабланмайсизми? Ана шу қоғозлар ичида Жамшидга алоқадор ҳужжатлар ҳам сақланар эди: бўйи 174 сантиметр, елкалари... кўкраги... оғирлиги, сочи... ранги... Сурати: ёнбошидан, рўпарадан... Жингалак сочли хушрўй йигит. Кўзлари маъюс — «ростдан ҳам мен жиноятчиманми, ростдан ҳам мени қамайсизларми?» деяётгандай.

Зоҳид аввалига «иш»ни ҳафсаласизлик билан варақлади. Ёши ўзидан каттароқ қари қизни зўрламоқчи бўлибди. Ўсмирлар орасида учраб турадиган воқеа. Уйғониш палласида ўзини бошқара олмай қоладиган ўсмирлар юрадиган йўл бу. Тергов баёнлари, гувоҳларнинг сўзларини ўқий бошлагач, сергак тортди. «Иш» билан тўлиқ танишиб чиққач, терговнинг ҳам, суд жараёнининг ҳам белгиланган режа асосида борганини, Жамшид гуноҳсиз эканини фаҳмлади. Зоҳид учун бу ажабланарли ҳол эмас эди. У фақат бир нарсани билмасди — ўсмирлар-ку табиий бир куч олдида ожиз қолишади. Аммо бу ишни олиб борган терговчи, ҳакам қандай куч олдида ожиз қолишди? Уларни қандай куч бошқарди? Асадбекми? Зоҳид уззукун шу тўдани ўйлаб юргани учун ҳам хаёлига биринчи бўлиб Асадбекнинг номи келди.

Кейин бу фикрдан қайтди: Асадбек ўсмир болани қаматиб юборадиган даражада майда бўлмаса керак. Жамшид қамалишда беайб экан, жиноятчи жандасини ўша ердан кийиб чиқдимми? Сўнг кимга қўшилди? Нима ишлар қилди? Зоҳиднинг бошини гаранг қилган саволлар беҳисоб эди. Бу саволлар ҳолва экан. Суд тиббий экспертиза хулосалари уни гангитиб қўяёзди: мурданинг ёши эллик-еллик бешларда. Жигари ва бошига қаттиқ нарса урилган. Миясига қон қуйилган. Ўнг оёғи синган. Бўйи ҳам, кўкрак қафаси ҳам Жамшиднинг «иш»идаги рақамларга тўғри келмайди. Энг муҳими, осиб ўлдирилмаган. Бу одамнинг жон берганига камида етти-саккиз кун бўлган.

Зоҳид аввалига «бошқа одам ҳақидаги маълумотни адашиб беришдимми?» деб ўйлади. Телефон қилиб суриштирди ҳам. Йўқ, бу ўша — катта йўл ёқасида осилиб турган мурда эди. Зоҳиднинг илтимоси билан етиб келган маёр Солиев ҳам, Ҳамдам Толипов ҳам бу хулосадан ажабланишди. Улар бир неча фурсат жим қолдилар. Зоҳид муаммони улар ёрдамида ҳал этмоқ ниятида эди. Хулосани ўқиғач, уларнинг кўзларида ҳам савол зоҳир бўлди. Кўпни кўрган Солиев «бунақа ҳодисалар янгилик эмас», деган маънода қараб қўйган бўлса-да, ўйга толгани муаммога банди бўлиб қолганини ошкор этарди. Сукутнинг узоқ вақт ҳукмронлик қилишига Ҳамдамнинг тоқати етмади:

— Ҳўш, унда Жамшид қани? Бу одам ким? Уни Жамшид ўлдириб, сўнг қочиб қолганми?

— Ўзининг ўрнига машинасини қолдириб, а? — деб пичинг билан изоҳ берди Зоҳид.

— Ҳа,— деди Ҳамдам,— ташриф қоғози бўлмаса ўрнига машинасини қолдираверган. «Мени би-ир мазза қилиб қидириб топинглар» деганида бу.

Унинг ҳазили жавобсиз қолди.

— Хулоса чиқаришга шошилманглар,— деди Солиев ўйчан тарзда.— Ўлдирилган одам ким? Нима учун унинг мурдасини бир неча кун сақлаб туриб, сўнг осиб, сўнг намойишкорона ёқиб юбориш-ган? Бу — олдинги ўлимга жавобми? Энди Жамшиднинг машинаси... Улар кимнидир, балки бизни Жамшиднинг ўлганига ишонтиришмоқчи бўлишганми? Ёки...

— Ёки қотил — Жамшид, дейишмоқчи,— деб изоҳ берди Ҳамдам.

Солиев ўйчан тарзда, худди ўзига-ўзи гапираётгандай эди. Ҳамдамнинг изоҳидан сўнг, унга норози қиёфада боқди:

— Уларни шунчалик калтафаҳм деб ўйлайсизми? — деди нохуш оҳангда. Сўнг Зоҳидга қаради:

— Нима қилмоқчисан?

— Ҳайронман. Ўйлаб кўришим керак. Эртага уйига бораман.

— Ўзинг хабар бермоқчимисан? — деди Ҳамдам ажабланиб.— Борма, балога қоласан.

Участкавойга айтамин.

— Сиз... ҳайдовчилар билан гаплашдингизми? — деди Зоҳид унинг гапига эътибор қилмай.

— Гаплашяпман. Учасини топдим. Кўрмадик, деб туриб олишди. Кўрдим, дейдиган марднинг топилишига ишонмайман...

Борлиққа шом қўнган маҳалда бўлиб ўтган суҳбатни Зоҳид ҳозир, ярим тунда эслади. Уйига қайтиб ўғилчасининг беҳисоб саволларига жавоб бераётганида ҳам, овқатланаётганида ҳам, ётганида ҳам муаммоларнинг чигал калаваси уни ҳоли қўймади. Хаёлан минг турли кўчаларга кириб жавоб излади. У ер остидаги зулумот йўлакка кириб қолган — рўпарада йилт этган ёруғлик йўқ. Ҳали биринчи қотиллик илдизига болта урмай туриб, иккинчиси мана мен деб турибди.

Кўчада машина кўринди. Секин юраётган машинанинг чироғи йўлни пайпаслаётганга ўхшайди.

«Ярим кечада нима қилиб юрибди? — деб ўйлади Зоҳид.— Зарурат бордирки, кўчага чиққан.

Жамшиднинг машинаси ҳам юкхонасига ўликни ортиб олиб шундай юргандир, мурдани осиганга жой қидиргандир? Э, йўқ, қидирмаган. Катта йўлдан учиб борган. Осиган жойини аниқ билган.

Кейин-чи? Кейин қаёққа қойиб бўлди? Балки... Жамшиднинг машинасидан фойдаланишгандир?

Балки... ўзи қайси бир овлоқда ётгандир? Балки... уни ҳам ўлдириб бўлишгандир?.. Эҳтимол унинг ўлигини ҳам худди ўша дарахтга осиб қўйишар?»

Эҳтимол... Эҳтимоллар кўчаси тоғдаги сўқмоқлардай беҳисоб. Зоҳидга эса биттагина йўл керак — ҳақиқатга олиб борадиган йўл.

Зоҳид яна бир оз ўйга толиб тургач, ўрнига қайтди. Бироқ уйқуси келмади — тонгни бедор тарзда қаршилади.

Ерталабки нонуштадан сўнг ўғлини боғчага олиб боргач, Жамшиднинг уйига қараб кетди. Эски шаҳарнинг кўчалари тор, кўримсиз бўлгани билан номлари асъаса-ю дабдабадан иборат эди: Шодагул, Файзобод, Қичқирик, Гулхайри... Маҳаллада дунё кезган бирон амалдор яшаганми ё олам кезишни орзу қилган хаёлпарастми — ҳар нечук жаҳоннинг машҳур шаҳарлари номларини ҳам учратиш мумкин эди. Жамшид яшаган уй Варшава кўчасида экан. Бир арава аранг сиғадиган бу кўча қачонлардир катта кўчалардан ҳисобланган бўлса керак. Уйлар бири-биридан кам фарқланади, ҳаммаси эллик-олтмиш йилнинг нарёғида қурилган. Деярли ҳаммасида болохона мавжуд, аммо дарвозаси йўқ. Дарвозага не ҳожатки, кўчага машина сиғмаса? Жамшид яшаган уй болохонаси кўпдан қаровсиз бўлганидан нурай бошлаган эди. Қўнғироқ бўлмагани учун Зоҳид кўп йилдан бери бўёқ кўрмаган икки табақали эшикни тақиллатди. Ичкаридан аёл киши овоз берди. Дам ўтмай ёши элликдан ошган бўлса-да, чиройини йўқотмаган бир аёл кўринди. «Онасимикин?» Салом беришдан аввал Зоҳиднинг хаёлига шу савол келди. Аёл саломга алик олгач, Зоҳид ўзини танитди. Аёл эсанкирамади, ажабланмади. Ичкарига ҳам таклиф қилмади. Шу сабабли Зоҳид мақсадини даб-дурустдан айтишга иккиланди. Аёл мезбонлик одобига зид иш тутаетганини билиб, хижолатомуз тарзда изоҳ берди:

— Адалари инсулт бўлганлар. Қўл-оёқлари ишламайди. У киши билмай қўя қолсинлар, дардларига дард қўшилмасин.

«Нимани билмай қўя қолганлари маъқул? — деб ўйлади Зоҳид. — Бу аёл биладими? Биров хабар қилдими? Ким?»

— Кечирасиз, сиз Жамшиднинг онасимисиз? — деб сўради Зоҳид, ажабланганини яширмаган ҳолда.

— Мен... нима десам экан... — аёл ўнғайсизланди, кейин паст овозда: — Мен ўгай онасиман, — деб қўйди.

— Узр, билмаган эдим.

— Оналари... Жамшиддон қамалганларида узилган эканлар. Менинг... болам йўқ.

Жамшиддонга она бўлармикинман, деб умид қилувдим. Хом хаёл экан. Адаларига қараб ўтирибман... Пешонам шу экан...

Бу аёлга Зоҳиднинг раҳми келди. Кўз олдига Жалолшилимиқнинг онаси келди. Бола кўрганига пушаймон еган, қошларини чимириб, одамга менсимай қаровчи у аёл киму тирноққа зор ҳолда яшаган, йигит ёшидаги болага она бўлармикинман, деб умид қилган бу аёл ким?

«Хом хаёл эканман», деб турган бу аёл қалбида озгина бўлса-да умид сақланиб қолгандир.

«Жамшиддон «она», демасалар ҳам майли, уйлансалар, фарзанд кўрсалар, шу болачалар бувижон, деса, мен уларга оналик қилсам, ювиб-тарасам, оналик меҳримни берсам, келинни қизим десам...» Зоҳид шуларни хаёлидан кечириб, беихтиёр аёлнинг кўзларига қаради.

Чиройли кўзлар атрофини ажин қоплаганини энди кўрди. «Ажинлар ўтган умрнинг муҳри», дейишади. Балки муҳри эмас, тарихидир? — деб ўйлади Зоҳид.— Агар ажинларни ўқий оладиган компьютер ихтиро қилинсами? Бу аёлнинг ажинлари нималарни ҳикоя қилар экан? Тунлари бешик тепасида мижжа қоқмай чиқишни орзу қилганлариними? Ё «она» деган биргина сўзни эшитиш илинжида яшаган йиллариними?.. Ҳозир ўгай ўғли ўлимини эшитгач, юзига яна бир ажин тушмайдими?»

Зоҳид айбдор одам қиёфасида ерга қараб, гап бошлади:

— Мен хунук хабар билан келдим. Жамшид... ўғлингизни...

— Биламан,— деди аёл Зоҳиднинг мушкулини осонлаштириб. Мушкулни-ку, осон қилди, лекин ҳайратини юз чандон оширди.

— Биласизми? Ўлдириб кетишганини биласизми?

— Ҳа, кеча айтишди. Адаларига билдирмадик. Тутинган акалариникидан чиқаришди,— аёлнинг лаблари титради, кўзига ёш келди.— Одамлар бунчаём золим бўлишмаса! Чимилдиқ кўрмай кетди, бояқиш. Бориб йиғи чиқардим. Мендан бошқа ким ҳам йиғларди... Бераҳмлар... ёқиб юборишибдими?.. Менга кўрсатишмади...

— Тутинган акалари ким?

— Маҳмуджон. Қамоқдан чиқаришда ҳам кўп ёрдамлари теккан экан. Адалари доим дуо қилардилар у кишини.

— У киши қаерда турадилар?

Аёл айтди, Зоҳид ёндафтарчасига тез-тез ёзиб олди.

— Жамшидни охири марта қачон кўрувдингиз?

— Уч-тўрт кун бўлувди. Адаларидан хабар олиб кетувдилар.

— Бу ерда турмас эдимиз?

— Шу ерда турардилар. Сафарда кўп бўлардилар-да. Ишлари шунақа...

— Қаерда ишларди? Мактабда эмасми?

— Билмасам... Ёшлар ўзингизга маълум-ку, шамолдек учиб юришади.

— Мен... фақат хабар бергани келмаганман. Уйни кўриб чиқишим керак.

— Вой... адалари сезиб қолсалар...

— Бошқа илож йўқ, мени ҳам тушунинг. Мана, ордер.—Зоҳид шундай деб рухсатномани кўрсатди.

— Ишонаман, қоғозингиз керакмас. Фақат... сезиб қолсалар... Ёмон бўлади-да... Эртами-индин келсангиз-чи?

— Эрта-индин ҳам аҳвол шу бўлади-ку?

— Йўқ... Мен адаларини касалхонага ётқизаманми, деб ўйловдим. Жамшиджон ҳам охириги келганларида шундай девдилар. Энди... бунақа бўлганидан кейин... бу ерда ҳам ис чиқариш керак. Хайри-худойи қилиш керак. Касалхонага ётқизмасам бўлмайди. Ўша ерда қарайман. Сиз хотиржам бўлинг, нарсаларига тегмайман. Тегсам, Худо урсин!

Зоҳид папкасидан ташриф қоғоз чиқариб, аёлга узатди:

— Қасам ичманг. Касалхонага ётқизганингиздан сўнг, менга хабар беринг. Танишингиз борми ё биз аралашайликми?

— Бор, сиз ташвиш чекманг. Акам ўша ерда ишлайдилар.

Зоҳид хайрлашиб, изига қайтди. Йигирма қадамча босиб, орқасига ўгирилди. Аёл ҳамон эшик олдида турарди.

«Нимага бу аёлга ишона қолдим? Раҳмим келганиданми? Шу ҳолни Ҳамдам акага айтсам, мени калака қиларди. «Бу соҳада бизнинг энг катта душманимиз — раҳмдиллик» дейди. Балки шундайдир. Жиноятчига раҳм қилсанг, у сени бераҳмларча ўлдириши ҳам мумкин. Лекин барча жиноятчи эмас-ку? Ҳозир уйга бостириб кирганида нима бўларди? Ўғлининг ўлимини сезган отанинг жони узилиши ҳеч гап эмас. Биттагина ножўя ҳаракатим билан унинг ўлимига сабабчи бўлармидим? Ҳа... Лекин мени ҳеч ким қотил демас эди. Ҳолбуки унинг ўлимига мен сабабчи бўлардим. Қизиқ ҳол... Кўпчилик инфарктдан ўлади. Суриштириб келинса, уни кимдир бир соатми ё бир кунми олдин қаттиқ хафа қилган бўлиб чиқади. Ўша хафагарчилик юрагига таъсир этган... Лекин ўша ранжитган одамни ҳеч ким айбламайди. Юрагига ханжар урса, дарров қамаймиз. Ёмон сўз юракка санчилувчи кўзга кўринмас ханжар эмасми?..» Зоҳид шу фикрга келиб, ичкари кирмагани учун ўзини айбламади. Уйдан бир оз узоқлашгач, Жамшиднинг тутинган акаси ҳақидаги аёлнинг гаплари уни шартта тўхташга мажбур этди. «Маҳмуджон, дедими?» Таниш исм. Қаерда учратганман? Ҳа, Асадбекка яқин одамлардан бири Маҳмуд эди. Ўша эмасмикин? Қизиқ, уларга ким хабар берди? Ўликни олиб чиқиб кўмишга ҳам улгуришибди... Бу оддий одамнинг қўлидан келадиган иш эмас...»

Зоҳид орқасига ўгирилди. Аёл кўринмади.

Бу боланинг турқи совуқроқ эди. Бировдан сўкиш эшитса кўзини лўқ қилиб индамай тураверарди. Кейин эса... ўз билганидан қолмас эди. Баъзан мақтов ҳам эшитарди. Шунда У совуққина тиржайиб кўярди. Турқи-тароватида совуқлик зуҳр этгани учунми бу маҳаллага кўчиб келишганидан бери болалар Уни қаторларига қўшишмасди. Тўп тепишса ҳам, чиллак ўйнашса ҳам даврага чорлашмас эди. У ҳам «мени ўйинга қўшинглар», деб ялинмасди. Ўйинни тамоша қилиб тураверарди.

Улар уч маҳалла наридаги ўйда яшашарди. Ака-укалар тор ҳовлида сиқилиб қолишгач, отаси шу маҳалладаги шинам ўйни сотиб олди. Узоқдан эмас, уч маҳалла наридан кўчиб келишган бўлса ҳам У болалар орасида «келгинди» деган ном олди. Уни «гап таъсир қилмайдиган без эди», десак хато гапирган бўламиз. Болаларнинг ўйинга қўшмасликлари, айниқса «келгинди» деб чақиришлари Унинг ғазабини келтирарди. Аммо ғазабга ошно бўлиб қолмаслик учун ўзида куч топа оларди. У зоҳиран тенгдошларининг ўйинини кузатарди. Хаёли эса бу болалар устидан ҳукм ўтказиш йўллари излаш билан банд бўларди. Бир неча кун ичида У режасини пишитди. Отаси Масковга қатнайидиган поезд ресторанида ишларди. Шунинг учун ҳам уйларида бу шаҳарда топилиши қийин бўлган сигарет, шоколад, сақичлар кўп эди. Моллар вақтида сотилмагани учун баъзан тўпланиб қоларди. Отаси кўпинча йўлда, онаси эса молларни қайта-қайта санашни ёқтирмас эди. У мана шундан фойдаланди. Бир куни мактабдан қайтди-ю, иккита «ВТ» сигаретини чўнтагига солиб, кинохона томон юрди. Кинохона икки кўча нарида, шу атроф маҳаллаларининг зўрлари шу ерга макон қуришган эди. Болалар булардан кўрқишарди. Зўрларнинг зўри — Шомил деган ғилай йигитча эрта-ю кеч шу ерда. Кинохона атрофида у ўзини подшодай ҳис этар, атрофидаги болалар эса унга мулозимдай хизмат қилишар эди.

У кинохона рўпарасидаги анҳор қирғоғида икки бола билан гаплашиб ўтирган Ғилай Шомил томон дадил юрди. Ғилай йўлга орқа қилиб ўтиргани учун унинг яқинлашганини сезмади. У Ғилайга яқинлашиб, тўхтади. Индамай тураверди. Йўлга ёнбош ўтирган, Ғилайнинг ўнг томонидаги бола Унга қараб: «Ҳе, чумо, ишинг борми?» деб сўради. У индамади, боланинг «чумо» деб ҳақоратлаганини дилига тугиб қўйди. Ғилай Унга ўгирилиб қараши билан чўнтагидаги сигаретни олиб узатди. Ғилай сигаретларни олиб, ёнидаги боладан сўради:

— Ким бу?

— Томи кетганлардан биттаси-да,— деди бола. Бу гап ҳам Унинг дилига тугилди.

— Сигарет олиб келишни сенга ким буюрди? — деб сўради ғилай.

— Ҳеч ким.

— Ўзингча олиб келдингми?

— Ҳа.

— Нима учун?

— Сизни яхши кўраман.

— Яхши кўрасанми? Вў, класс! Нима учун?

— Сиз — зўрсиз!

Бу баҳо Ғилайга ёқиб, хахолаб кулиб юборди.

— Эшитдиларингми, вў, класс! — деди шерикларига қараб.

— Ў, бор, қулоққа лағмон осма,— деди ўнг томонда ўтирган бола.

— Тўхта, ҳайдама,— деди ғилай Шомил,— ке, братишка, ўтир. Калланг бор экан, сен ҳам зўр бўлиб кетасан. Отинг нима?

— Ҳосил.

— Класс! Зўр от! Сен прўста Ҳосил эмас, Ҳосилбойвачча бўласан. Кетворган бойвачча бўласан!

— Шомил шундай деб унинг елкасига уриб қўйди. Сигаретни очиб биттасини лабига қистирди, сўнг шерикларига тутди.

У эртасига ҳам сигарет олиб келди. Таклифни кутмаёқ, Ғилайнинг ёнидан жой олди. Бундан болаларнинг ғаши келди, аммо Ғилай индамагани учун улар ҳам мум тишлаб қолаверишди. Шу-шу бўлди-ю, У ғилай Шомилнинг ёнидан доимий жой олди. Масковдан келган тоза ароқ (Шомил шундай деб баҳо берди)лардан бирини олиб чиққач, мартабаси яна ҳам юқорилагандай бўлди.

Бир куни оқшом чоғи Шомилнинг ёнидан қайтаётиб кўчасидаги болаларнинг тўп ўйинига дуч келди. Ўйинга бир оз қараб турди. Тўп ёнидан ўтаётганида шартта тутди-да, устига ўтириб олди. Уни «келгинди» деб менсимайдиган болалардан бири:

— Коптокни бу ёққа чўз! — деб буюрди.

У тиржайиб қўйди. Жойидан жилмади. Унинг мақсади жанжал чиқариш эди. «Яна бир дўқ урсин, сўксин, кейин кўрадиганини кўради», деб ўйлади. Лекин у бола бошқа бақирмади, сўкмади. Тўғрироғи, сўкишга улгурмади. Бошқа бир бола келиб, қулоғига нимадир деб пичирлади. Афтидан: «Бу билан ҳазиллашма, Шомилнинг одами», деди шекилли.

Дўқ урган бола унга ўқрайиб қаради-да, бурилиб кетди. Ўйин бузилди. Унинг жанжал чиқариш мақсади амалга ошмади — қалъа жангсиз таслим бўлди. Бу Унинг биринчи ғалабаси эди! У чўнтагидан пичоқча чиқариб, тўпни иккига бўлди. Тарқалмай турган болалардан бири «коптогим!» деб юборди. У эса ишшайди. Мағрур ҳолда чўнтагидан битта ўн сўмлик чиқариб, бўлинган тўп устига ташлади.

— Ўйнайдиган бўлсаларинг, тузукроқ коптоқда ўйналаринг, — деб мағрур қадамлар билан ўйига қараб кетди. Бу — унинг кибр йўлидаги дастлабки қадами эди. Кўп ўтмай хоинлик кўчасидаги қадамини ҳам қўйди. У Шомилнинг ўғирлик қилишини аниқ билмасди, аммо гумони бор эди. Бир куни гап орасида отасининг яқин дўсти бой экани, савдогар эканини айтди. Шомил эса уйда нималар борлиги билан қизиқди. У билганича айтди. Шомилга шу билганларининг ўзи кифоя қилди. Икки кундан сўнг уни мактабидан, дарс пайтида чақиртирди.

— Братишка, ҳозир паханингнинг оғайнисиникига борасан. Оти нимади, Ҳасанми? Ҳа, опоқингга айтасан: «Ҳасан амакимни ментлар тутиб олди, нарсаларни гум қилар экансиз», дейсан.

Унга бир гапни икки марта тушунтиришнинг ҳожати йўқ эди — Шомил айтганидай қилди. Унинг ҳовлиқиб айтган гапини эшитиб опоқиси тамом гангиб қолди. Бир оз нима қиларини билмай талмовсираб турди-да, сўнг: «Вой, айланай сендан», деб ичкарига бошлади. У эса ўзини гўлликка солиб ёрдам берди. Ҳар хил қимматбаҳо матолар, кийимлар тугилди, тилла тақинчоқлар ўралди. Энди кўшненикига олиб чиқиб яширамиз, деб туришганида эшик кўнғироғи жиринглади. Опоқи кўрққанидан тугун устига ўтириб олди. У эшикни очди. Қараса — қора «Волга», башанг кийинган икки йигит. «Бу кимнинг ўйи?» деб сўраб ҳам ўтиришмади.

«Биз тинтув қилгани келдик», деб остона ҳатлашди. Семизлигидан юрганида хансираб қоладиган опоқи тугун устида ҳайкалдай қотган, оёқ-қўлининг энгил титрашидан унинг ҳали ҳаёт эканини пайқаш мумкин эди. Йигитлар зинага яқинлашганда унда яна бир жон нишонаси сезилди: «Вой ўлдим, вой хонавайрон бўлдим», деб фиғонини бошлади. «Сизлар кимсизлар, ўзи? Тинтувга рухсат қоғозинглар борми?» дейиш хаёлига ҳам келмас эди. Назарида эри қамоқда азоб чекмоқда, ҳозир уни ҳам олиб бориб илон-чаён билан тўла зиндонга ташлашади.

— Агар молларни яширмай ўз хоҳишингиз билан топширсангиз, эрингизнинг гуноҳи энгиллашади. Уч-тўрт ойда эсон-омон қайтади. Ўжарлик қилсангиз, камида ўн йилга кетади. Шерик сифатида сиз ҳам қамаласиз, уйингиз мусодара қилинади, — деди келганлардан бири.

— Вой, қамалмай мен ўла қолай, — деди опоқи йиғламсираб. — Мана, ҳаммаси тайёр, ҳозир ўзим олиб бориб топшираман, деб турувдим, Ҳосилжон, болам, сен айтгин, топширмоқчийдим, а? Ана кўшним гувоҳ, айт, болам.

— Ҳа, топширмоқчийдилар, — деди У минғирлаб.

— Совет кишисининг фазилати шундай, — деди кўрқитаётган йигит. — Ҳалоллик — соғлик гарови.



У айвонга чиқиб тугунлардан бирининг четини очиб кўрди.

— Ҳаммасими? Яширмадингизми?

— Вой, яшириб гўримга ортмоқлаб кетаманми? Худо урсин, ҳаммаси шу, ана, гувоҳ болам айтсин.

— Қани, братишка, кўтар, машинага олиб чиқ.

«Братишка»... демак, «Шомилнинг одамлари», деб ўйлади У. Томошадан завқланган ҳолда, буюрилган ишни бажарди.

— Эртага соат ўнда идорага борасиз. Тилхат ёзиб берамиз.

Улар шундай деб чиқиб кетишди.

Томошани-ку, кўриб маза қилди. Айни чоқда, томоша нима билан тугагини фаҳмлаб, жавобларини ҳам пухталаб қўйди. Шомил ўшанда Унга қойил қолган эди. Бошқа бола бўлганида югуриб келарди, «енди нима қиламан», деб зир титраган бўларди. Ёки уйдан қочиб кетарди. У эса парвойи палак — қуёш ботишини кутиб, уйда ўтирди.

Қуёш ботдими, демак, бозордагилар ҳам уй-жойлари борлигини эшлашади. Кун бўйи минг қиёфага кириб, дам алдаб, дам ялиниб, дам мақтаб, Худодан эмас, назоратчилардан кўрқиб чарчаган бозорчилар сўнгги ҳунарларини ишга солиб, автобусга кира ҳақи тўламай, уйларига етиб оладилар. Сўнг ёстиққа ёнбошлаб пул санайдилар. Ана шу пулни санаш чоғида бир кунлик ҳордиқ кўтарилди... Ҳасан ака эса бу шом ёстиққа ёнбошлашга, пул санашга улгурмайди. У Ҳасан аканинг уйга кириб келишини, хотини билан учрашишини ўзича кўз олдига келтириб кулимсираб қўяди.

...Шубҳасизки, Ҳасан ака уйга кириб келгач, хотини довдирайди. Отаси гўрдан қайтиб келса бунчалик ажабланмас, аммо «камида уч-тўрт ой қамоқда ўтириши лозим бўлган» эрининг кириб келишидан ҳайрон бўлади.

— Вой, Худойимдан айланай, қўйиб юборишдими, а? — дейди хотин.

— Ким қўйиб юборади? — деб ажабланади эр.

Сўнг... бошланади. Сўнг... ғазаб отига минган эр-хотин узун-қисқа бўлиб кириб келишади. Шундай бўлди. «Онагинангни Учқўрғондан кўрсатаман!» деб Ҳасан ака дўқ урди. «Ергина юткур, писмиқ», деб хотини қарғади. Уларга отаси билан онаси қўшилди. У эса киприк қоқмай тураверди. Фақат отаси уриб юборганидан сўнг тилга кирди. У отасидан ҳеч бўлмаса бир шапалоқ ейишини, шапалоқдан кейин мушт тушиб қолмаслиги учун йиғламсираб бақириси лозимлигини ҳам ҳисобга олган эди.

— Урманг! Агар урсангиз, буларнинг уйини ёқиб кетишади.

— Ким ёқади? — деб сўрашди бараварига.

— Ўша одамлар.

— Сен уларни танийсанми?

— Йўқ. Кўчада турувдим. Биттаси келди. Ҳасан акангникига кириб шу гапни айтасан, деди. Мен айтмайман, дедим. Алдаётган бўлсангиз, мени ўлдиришади, дедим. У киши «агар сени биров чертса ҳам мана шу уйни ёқиб юборамиз», деди. Агар кириб айтмасанг, сени сўямиз, дейишди. Мана бу еримга пичоқ тиқиб олай деди,— У шундай деб бармоғини бўғзига ниқтади. Онаси Унинг гапига чиппа-чин ишониб, кўрқиб кетди. У эса гапи таъсир эта бошлаганини сезиб, сўнгги, ҳал қилувчи зарбани берди: — Ишонмасангиз ментларга хабар қилинг. Ҳаммасини айтиб бераман. Улар ўғриларни топишади.

— Ментларинг ким? — деди опоқиси тушунмай.

— Милиса,— деб пўнғиллади У.

— Адаси, гапи тўғри, а?

— Йўқ, милисанинг кераги йўқ. Уларни ўзимиз топамиз. Ҳасанжон ошна, буни менга қўйиб беринг, билганларини жонига қўшиб бўлса ҳам суғуриб оламан. Топилмаса, молларнинг тенг ярми менинг бўйнимда.

Улар чиқиб кетишгач, отаси яна исканжага олди. Яна урди. Энди онаси ёнини олди.

— Айтмасам ўлдиришарди, деяпти-ку? Шуларнинг моли деб менинг болам ўлиб кетиши керакмиди?

— Ҳовлиқма, э галварс, бунингни қўрқитишган. Бу ҳезалак битта гапга лаққа тушган.

— Лаққа тушмадим. Қўрққаним ҳам йўқ. Мен ҳезалак эмасман,— деди У дадил.—

Ўлдирмаслигини билардим. Лекин бошқа ишни албатта қиларди.

— Қанақа ишни?

— Ҳасан аканики бўлмаса, бизникига киришарди. Шу кўчадан иккита уйни мўлжаллашган экан. Шу гапи боши узра қуюқлашаётган абри балони тарқатди. Отаси шаштидан тушди, онаси Унинг ақлига тасанно айтди.

У қуруқ қолмади ўшанда. Чўнтаги пулга тўлди. Шомил учун қилиб юрган барча харажатлари қопланди. «Сизга билдирмай сигарет сотувдим», деб онасига ҳам пулдан бериб, олқиш олди. Қолган пулни Шомилнинг атрофидаги болаларни йдиришга сарфлай бошлади. Шомил бошқаларга нисбатан кўпроқ унга ишонарди. Шу ишонч туфайли Шомилнинг катта акалари даврасига кириб борди. Катта акалар билан Унинг орасида Шомил бор эди. Уни йўлдан олиш, катта акаларга воситачисиз яқинлашишни ўйлади. Бир неча уйни ўмаришда ёрдам бергач, катта акалар ҳам уни яхши кўриб қолишди. Ана ўшанда у ақлини ишга солди. Шомилни мустақил ишлашга ундай бошлади. Шомил ёнига уч болани олиб, у кўрсатган уйга тушди. У эса ўша заҳоти милитсияга хабар қилди. Бир марта судланган Шомил қулоғини ушлаб кетди. У эса олға бораверди. Аввал кинохона атрофининг мутлақ хўжайини бўлди. Шомил болаларни куч билан ушлаб турарди. У эса пули билан ушлади. Шомил қамоқдан қутулиб чиққанида Унинг таъсир доираси анча кенгайган, оддий Ҳосил эмас, чиндан ҳам Ҳосилбойваччага айланган эди. Шомилга хиёнат қилган бўлса ҳам, қамоқдан чиқишини аниқлаб, ўзи кутиб олди. Шоҳона иззат кўрсатди.

— Хоинлигингни билсам ҳам сени сотмадим,— деди Шомил унга.

— Сиз — зўрсиз! Сотмаслигингизни билардим.

— Нимага атрофимда пашшахўрда бўляпсан, энди қўрқяпсанми?

— Сизданми? — У кулди.— Мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Сиз менга кераксиз. Мен эсам сизга керакман. Сиз — зўрсиз, лекин катта ишлар қўлингиздан келмайди.

Шомил бир-икки кун суриштириб, мавқеини аниқлагач, Унга тобе бўла қолди. Илгарилари У Шомилнинг ёнидан жилмаган бўлса, энди Шомил унинг ёнидан жилмайдиган бўлди. Филайнинг ўқрайиб қарашиёқ кўпчилик кўнглига ғулғула соларди. Ана шу қараш туфайли айрим ишлар «Тинч йўл билан ҳал этилар эди»...

Ҳосилбойвачча ҳали кенг қанот ёймасдан аввал Асадбек пинжига киришга уриниб ҳам кўрди. Унинг нияти қалъа ичига ўтиб, сўнг аста емириш эди. Бироқ қалъа саркардалари У ўйлагандек анқов эмас эдилар — яқинлаштирадилар. Асадбек Унинг турқини кўргандаёқ энсаси қотди. Чувринди Унинг таржимаи ҳоли билан эринмай қизиқиб, Асадбекни хавфдан огоҳ этди. У ҳатто Кесакполвонга ҳам ёқмади. «Бу мижғовнинг қўлидан фақат мижғов ишлар келади», деди. На илож, йўли тўсилган экан. У ҳам анойи эмас, индамай орқасига қайтавермайди. Қалъани қамал қилади. Ўн йилми, йигирма йилми, қамал қилиб тураверади. Охир-оқибат қўлга олади. Сўнг қўпориб ташлайди.

Кейинги воқеалар, айниқса Қилич Сулаймонов воқеаси унга қалъа нурай бошлаганидан далолат берди. У аввалига винзавод бошқонига ёрдам берди. Сўнг қўл-оёғини боғлаб эгасига топширди. Қилич Сулаймонов Ҳосилбойваччага суянаман, деб гўллик қилди. Болалиқдаги воқеалар, гаплар унинг эсидан чиққан эди, Ҳосилбойваччанинг эса хотираси тиниқ, ўйинга қўшмаган, «келгинди» деб ҳақорат қилган болани у ҳали унутмаганди. Қилич Сулаймонов баҳонасида Асадбекка қарши олиб бораётган пинҳона уруши яширин ҳолатидан чиқа бошлади. Элчинни тўйга таклиф этиб шарманда қилганида буни кўпчилик сизди. У даври-даврони келаётганини сизди. Айниқса Жамшиднинг ўлими «душман лагери»нинг парокандаликка учраётганини аён этди.

Чувриндиникига фотиҳага борди. Мақсад — фотиҳа ўқиш эмас, мақсад — Асадбекнинг, аъёнларининг ранг-рўйини кўрмоқ, кайфиятлари қандай эканини аниқламоқ эди. Асадбекни ҳам, Кесакполвонни ҳам учратмади. Уни Чувриндининг ёлғиз ўзи, сир бермаган ҳолатда кутиб олди.

— Кимнинг иши экан бу? — деди Ҳосилбойвачча.

— Дунёда ғаламислар камми? — деб жавоб берди Чувринди.

— Ҳарҳолда ғафлатда қолибсизлар. Бек акамга айтинг, ғафлат ёмон нарса. Бу иккинчиси, а?

— Ҳа, иккинчиси.

— Бизга хизмат борми? Топайлик ўша ғаламисларни.

— Э, бойвачча, ташвиш чекманг. Ўрганнинг нонини яримта қилмайлик. Ғаламисларни топиш — уларнинг юмуши. Биз тирикчилик орқасида тинчгина юрган одамлармиз...

Шу суҳбатнинг эртасига «Асадбекнинг қизи ўзини осибди» деган таҳликали хабарни эшитгач, унга кўп нарса ойдин бўлди. «Бек ака тугабдилар, асфаласофилинга жўнашларига бир қадам қолибди», деб қўйди.

Шу куни Ҳосилбойвачча қамал ҳолати яқунланганини англади.

### 3

Зелихон бирон ғалва чиқмоғини кутган эди. Аммо бу қадарли фожиа юз берар, деб ўйламаганди.

Беозоргина тонг отди. Бу тонгни Исмоилбей одати бўйича намоз билан, кичкинтойлар уйқуларида кўраётган ширин тушлари билан кутиб олишаётган эди. Аҳадбейнинг илтимосига кўра бу уйда тунаган Зелихон ухлагандай бўлмади. Ҳар ярим соатда шовқин солиб ўтувчи поезднинг гулдирагига бу хонадондагилар кўникиб қолган, ухлайверишади. Исмоилбей бомдодни ўқиётганида яна бир поезд ўтди-ю, Зелихон ўрнидан туриб кетди. Аҳадбей ҳам уйғоқ эди, ошнасининг турганини кўриб, у ҳам қаддини кўтарди.

Исмоилбей намозни адо этиб бўлганидан кейин ҳам жойнамаздан жилмади. Отасининг узоқ ўтириб қолганидан ажабланиб, Аҳадбей унга қараб-қараб қўйди.

Қуёш кўтарилганида болалар ҳам туришиб, барчалари бирга ўтириб нонушта қилишди.

— Тўйни бекор қолдирдинг, ошна, мана, ҳаммаси тинчиганга ўхшайди,— деди Зелихон чой ича туриб.

— Тинчигани рост бўлсин,— деди Аҳадбей.— Энди тўйни қовун пишиғида қиламиз.

— Иншооллоҳ,— деди Исмоилбей ўйчан.— Бандаларига инсофу тавфиқ берсин. Зулмдан асрасин. Я бани Одама! Инни ҳаррату-з-зулма ала нафсии ва жаалтаҳу байнакум муҳарраман фала тазаламуу.

Одамлар билан гаплаша туриб, ора-орада ўзича пичирлаб қўйиш Исмоилбейнинг одати эди. Бу сафар пичирламай, ҳамма эшитадиган қилиб арабчалаб гапириши Зелихонни ажаблантирди.

— Гапингизга тушунмадим? — деди у.

— Тушунмадингми? Ҳа, бу ҳикматни англаш қийин. Англаган тақдирда ҳам амалга ошириш мушкулдир. Бошқаларни қўятур. Мана, сен, англаганингда ҳам ижро этолмайсан.

— Шу қадар бефаҳмманми ё ожизманми? Қани, айтинг-чи. Балки...

— Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтадики, «Ей одам фарзандлари, мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар».

— Яхши гап экан,— деди Зелихон.— Лекин менга танбеҳ берганингизга тушунмадим. Мен ҳали бировни ўлдирмаганман. Тўғри, урганман, ўмарганман, лекин ўлдирмаганман.

— Зулм фақат ўлдиришдан иборат эмасдур. Ёмон сўз айтиб бировнинг дилини оғритиш ҳам зулмдир.

— Энди бу ёғини жуда тор олиб юбордингиз. Баъзан шунақа ҳолат юз беради-ки, бирон аблаҳни ўлдириб фақат савоб топасиз. Мана, Селимни дўппосладим. Аҳадбей кўрди. Аслида

қилмиши учун уни ўлдиришим шарт эди.

— Ал қасосу минал Ҳақ! Жазо беришга сенда ҳуқуқ йўқ. Жазоловчи қодир Худодир.

— Худо у аблаҳни жазолагунича, дунёни остин-устин қилиб юборади.

Исмоилбей Зелихонга гап уқдириб бўлмаслигини билгани учун «Бандаларингга инсоф бер», деб пичирлаб қўйиб, баҳсни тўхтатди. Зелихон гапни чуваламади.

Дастурхон йиғиштирилаётган пайтда кўчанинг нариги бетидаги қўшни кўринди. Кўча эшик очик эди, шу сабабли «Домлажон, уйдამисиз?» деб кириб келаверди. Уч-тўрт кундан бери соқол олишга ҳафсала қилмаган эллик ёшлардаги киши Исмоилбей билан қўшқўллаб сўрашди. Дастурхонни қайта ёзишмоқчи эди, унамади.

— Бозорга бормоқчиман, домлажонни бир зиёрат қилай, дедим. Кўчага чиқиб қарасам, дарвозамнинг тепасига чорси боғлаб қўйилибди. Яп-янги, денг. Ечиб, белимга боғлаб олдим, — у кулимсираб белбоғни кўрсатди. — Ҳойнаҳой домлажоннинг набиралари боғлашгандир, совчи қўймасдан олдин турклар шунақа қилармикин, деб фикр қилдим.

— Йигитали ака, бизда бунақа одат йўқ. Совчи қўйишга ҳали беш-ўн йил бор.

— Энди бу бир омади гап-да, Аҳадбей иним. Ҳозирдан чорси боғлаб турилса, чорсидан ялчиб қолармидик, дейман-да. — У шундай деб кулди-да, ажабланиб қараб турган Зелихонга кўзи тушиб, жиддийлашди. — Бу ҳазил, домлажон, омади гап шуки, мен мундай қарасам, яна уч-тўрт дарвоза тепасига боғланган. Шунга бошим гаранг бўлди. Бозорга боришга ҳам оёғим тортмай қолди. Йўлдан қайтдим. Юрагимга бир ғулғула оралаганга ўхшайди.

Йигиталининг кейинги гапини эшитиб, Исмоилбей бошини эгди. Унинг юраги бир неча кундан бери нотинч эди. Бир неча кундан бери кўзини юмди дегунича, она юрти Месхетияни кўради. Денгиз мавжлари кўзларини қувнатади. Денгиз соҳилида, қирғоқдаги майда тошларни оҳиста силаётган ожиз тўлқинларни безовта қилиб югураётган иштончан болани кўради. «Сен кимсан?» деб сўрайди ажабланиб. Бола қиқирлаб кулади. «Мен — ўзингизман, мен — Исмоилбейман. Мен бунда бобомни кутаётирман». Ҳаётни фақат шодликдан иборат деб ўйловчи бола — Исмоилбей қийқириб, қувнаб югуради. Дунёдан ризқи узилай деб турган қария — Исмоилбей эса унга ҳавас билан қарайди. Унга эргашиб югургиси келади. Аммо оёқларини ердан уза олмайди. Бола — Исмоилбей югуради. Сачраган сув томчилари қуёш нурида зумрад мисол бир товланиш беради-ю, яна ўз ўрнига қайтади. Боланинг қувнашидан денгиз ҳам маст, қуёш ҳам яйраб нур сочади... Сўнг... денгизнинг уфққа туташ ерини ёндириб қуёш ботади. Сўнг Ой кўтарилиб, бу ёнғиндан азият чеккан денгиз юзини силаб, овутади. Ой нури денгиз узра узун пояндоз солади... Шу онда пояндоз устида бобоси кўринади. Бола — Исмоилбейни кўтариб, елкасига ўтқизади. Изига қайта бошлайди. Бола хурсанд. Бобоси ғамгин. Индамайди. Нур пояндоз бўйлаб юраверади. Қария — Исмоилбей бобосини чақиради. Жавоб бўлмайди. Сўнг у ҳам пояндозга оёқ қўяди. Юраверади, юраверади... Охири денгиз тубига қараб туша бошлайди. Бола — Исмоилбей билан бобосини сув ютади. Унинг эса нафаси қайта бошлайди... Чўчиб уйғонади. Калима келтиради... Неча кундан бери аҳвол шу. «Бу нимадан дарак беради?» деб ўйлайди. Ўй ўйлаб, ўйининг ниҳоясига ета олмайди.

Йигиталининг гапи хавотирини яна уйғотади.

— Кимларнинг уйига чорси боғланибди? — деб сўради Исмоилбей.

— Ҳайдарали, Мухсинали, Зиёдали, Ниёзали...

Бу маҳаллада ўзбекларга нисбатан турклар кўпроқ эди. Йигитали номини тилга олган одамлар ўзбеклар бўлгани учун, Исмоилбейнинг гумони ҳақиқатга айлангандай бўлди. Лекин Йигиталига сир бой бермади.

— Йигитали, сиз бозорга баҳузур бораверинг. Бу болаларнинг бир ўйини бўлса керак-да.

Йигитали чиқиб кетгач, Исмоилбей Зелихон билан Аҳадбейни ёнига чорлади:

— Бу ўйинда бир шумлик бор кўринади, — деди у. — Зийрак бўлинглар. Кимдир ўзбекларнинг уйларини белгилаб чиқибди. Шу уйларга бало ёғилмасин, зийрак бўлинглар.

Зелихон нонуштадан кейин кетмоқчи эди. Бу гапни эшитиб, жойидан жилмади. Барчаларининг

кўнглига булут соя ташлаган, бироқ улар бу булутнинг номи офат экани, ундан тез орада ёғажак офат ёмғирининг неча ширин жонларни суғуриб олмоғини, неча одамларнинг саргардонлик балосига мубтало этмоғини билмас эдилар.

Бу тонг қуёш беозоргина бош кўтарган эди. Одати бўйича беозор нур сочарди. Ажабки, бу беозор нур-дан ғофил бандалар ҳам, аҳли шайтанат ҳам нур эмарди.

Офат булутни кутилмаган тезликда, кутилмаган ёвузлик дўлини ёғдириб бу маҳаллага ҳам етиб келди. Булутнинг совуқ шабадасини аввал Йигитали келтирди. У ҳовлиқиб кирди-да:

— Домлажон, омади гап шуки, дам ғанимат! Туркларнинг уйларига ўт қўйишяпти! Ўзларини калтаклашяпти, қочинглар! — деди.

— Ким ёқяпти, ким уряпти? — деб сўради Зелихон.

— Ким бўларди? — деди Аҳадбей унга жавобан. Ўғлининг заҳарли гапини эшитган Исмоилбей бош чайқади:

— Ундай гумон қилма, ўғлим. Нон берган жон олмайди.

Маҳалланинг кунботар этагидан қуюқ қора тутун ўрлай бошлади.

— Қаранглар! — деди Йигитали.

— Болалар қани?! — деб бақирди Зелихон. — Тез бўл!

Улар кўчага чиқишганида оломон кўринди.

— Бизни кига, бизни кига киришлар, — деди Йигитали ҳовлиқиб.

Фикрлашмоққа, маслаҳатлашмоққа фурсат йўқ эди. Ҳаммалари ваҳима тўрига ўралган ҳолда Йигиталини кига отилишди.

— Дарвозага боғланган чорсининг маъносини энди тушундингизми? — деди Зелихон. — Ўзбекларнинг уйини белгилашган, бу уйларга тегишмайди.

— Мен аҳмоқ, уни ечиб олибман, — Йигитали шундай деб, кўчага чиқди.

Одамларнинг ҳайқириклари, фарёдлар, ёнаётган уйларнинг томидаги шиферларнинг оташ забтига чидамай қарсиллаб ёрилиши — ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

Оломон Исмоилбейнинг уйига яқинлашганида Йигитали уларнинг йўлини тўсмоқчи бўлди.

— Ҳой, яхшилар, бу уйда домла турадилар. Тегманглар, Худодан кўрқинглар!

Оломонни бошлаб келаётган малла одам унга таниш кўринди. Бироқ уни қаерда кўрганини бу саросимада эслай олмади. Малла бензин тўлдирилган пластмас идишни қўлтиқлаб олган эди. Йигитали уни қўлидан ушлади.

— Биродар, бу уйга тегманглар. Домланинг уйи. Болаларимизни ўқитган.

— Нарин тур! — малла шундай деб сўкинди-да, тирсаги билан қаттиқ туртди.

Йигитали шундан кейин эслади: буни кеча оқшом чоғи шу кўчада кўрган эди. У ўзига ўхшаган уч-тўрттаси билан кўзлари олазарақ ҳолда кўчадан секин ўтиб бораётганида Йигитали: «Биродарлар, бировни қидиряпсизларми?» деб сўраб, «Аммангнинг эрини, бор ишингни қил», деган жавоб эшитган эди.

Кўкрагидан зарба еган Йигитали аччиқланди-да, уни ёқасидан олди:

— Тегма, деяпман сенга, итдан тарқаган!

Малла унинг оёғига зарб билан тепди. Йигитали оғриққа чидолмай чўккалаб қолганида жағидан тепки еб, чўзилди. Малла бир оёғи билан томоғини эзган ҳолда устидан бензин қуя бошлади. Ана шу онда Зелихон эшикдан мўралади. Маллани таниди — Федя! У яшин тезлигида эшикни очиб, кўчага отилди. «Федя!» деб бақирди. Федя овоз қаёқдан келганини фаҳмламай туриб жағига тушган мушт зарбидан қалқиб кетди. Қорнига тушган тепкидан букчайиб, қўлидаги идишни тушириб юборди. Зелихон ҳушидан кетаётган Йигиталини турғизмоқчи бўлди.

— Ўзларингнинг ўзбекларингни ўлдиртириб томоша қилиб турасанларми! — деб бақирди Зелихон оломонга қараб.

— Урларинг, бу туркни! — деб бақирди жон аччиғида Федя. Шу заҳоти Зелихон гарданида оғриқ сезди. Йигиталининг: «Биродарлар, бу турк эмас!» деган бақирғини эшитди. Эшитди-ю,

хушидан кетди. Димоғига аччиқ тутун кириб, кўнгли айниди.

## II 6 o 6

### 1

«Ман залла фи нафсиҳи рафаъаллоҳу қадроху ва ман азза фи нафсиҳи азаллаҳу фи аъюни ибодиҳи»\*.

Асадбек бу ҳикматдан беҳабар эди. Бола чоғида, бундай ҳикматлар қалбига муҳрланиши лозим бўлган паллада отаси урушда эди. Онаси тирикчилик ташвишидан ортмасди. Маҳалладаги қари-қартанглар ҳам болаларга одоб ўргатиш юмушига бефарқ бўлиб қолган эдилар. Гўё улар уруш тамом бўлганидан кейин ҳам ҳаёт давом этажигини, жамият яхши хулқ эгаларига муҳтож бўлажигини унутган эдилар. Барча ўз қайғуси, ўз ташвиши билан банд эди. Кейинчалик оғир замонлар ўтди. Қорин тўйди. Аммо руҳ оч қолаверди. Одамлар эса баргсиз, мевасиз дарахтга айландилар.

Асадбекнинг руҳи баъзан очликдан чириллар, вужудини тилка-тилка қилиб ташларди. У чорасиз, бу ёшда энди руҳини тўйдира оладиган озуқа топа олмас эди. Руҳи оч одамнинг бу дунёда умр кечирмоғи оғир, жуда оғир. Мол-мулк ҳисобсиз, аммо руҳ оч. У баъзан ҳолатига ўзи ҳам тушунмай ўйга толади: «Менга яна нима етишмайди?» деб ўзига-ўзи савол беради. Савол беришга беради-ю, жавоб топа олмайди. Бу ожиз банда билмайди-ки, бойликда ҳеч қандай улуғворлик йўқтур. Бойлик — сокиндай кўринган денгиз узра қурилган бир қасрдир. Денгиз бир чайқалса, тамом, қасрдан ном-нишон қолмас.

Сиртдан қараган кишига балки у бахтли кўринар. Асадбек файласуфона фикрлар билан машғул бўлмоқни ёқтирмайди. Мушоҳада қилмоқни Чувриндига чиқарган. Бир куни у: «Кимнинг қалби бўлмаса — у бахтсиздир», деган эди. Кесақполвон: «Бунақа гапларинг билан миямнинг астарини тескари қилиб юборасан», деб сўзини бўлган, Асадбекка эса мана шу ҳикмат ёққан эди. Ҳатто бир неча кун бу ҳикматнинг маъзини чақмоқчи бўлиб ўйланиб ҳам юрди. Кейин эса... ёдидан чиқарди.

Зайнаб ўзини осгач, хотирасининг қай бир бурчакларида ғафлат босиб ётган бу ҳикмат уйғонди. «Менинг қалбим йўқми, мен бахтсизманми?» деган савол уни оғир аҳволга солиб қўйди. Қизининг ўзини осиб қўйганини эшитиб кўрқди. Нимадан кўрқди — билмайди. Зайнаб ўғирланиб, сўнг қайтиб келган маҳалда, «бундан кўра ўлдириб юборганлари яхши эди», деган ўйга ҳам борган эди. Қизи ажал билан юзма-юз бўлганида эса, кўрқди. Кечагина номус унга ҳукм ўтказган эди. Шу номус бандилигида Жамшидга ўлимни раво кўрган эди. Бугун номус туйғуси уни тарк этди. Боласининг ўлиши мумкинлиги уни кўрқувга солди. Шу кўрқув туфайли қизи ётган уйга киришга юраги бетламади. Манзура фожианинг сабабини билмас эди. У эса, аниқ билмаса-да, тахмин қиларди. Шу боис уйга кириб қизининг кўзига қарашга ботинмас эди. Манзура бир-икки ҳовлига чиқиб, унга маънодор қараб қўйгач, киришга мажбур бўлди. Зайнаб кўзларини шифтга қадаб ётарди. Отаси кирганини билса ҳам, ҳатто киприк қоқмади. У ўзини осганини билади. Аммо ҳозир тирикми ё ўликми эканини билолмайди. Онасининг йиғламсираган овозини эшитади. Бироқ гапларини дуруст уқмайди. Отаси кирди, томоқ қирди. Энди у ҳам «Қизим...» деб гап бошлайди...

...Кумуш ўлар чоғида қайнотаси кирар эди. Кумуш, аҳволи оғир бўлса ҳам бир кўзғолар эди. У эса қилт этмай ётибди. У Кумушнинг тақдирига йиғлаган эди, унга ким йиғлайди? Шу фикр Зайнабнинг хўрлигини келтирди. Киприклари пирпираб, кўзларида ёш қалқиди. Асадбек буни кўрди. Бирданига унинг ҳам йиғлагиси келди. Ўзини ночор сизди.

«Боланг олдида қаддингни букма! Ҳамиша адл тут. Ҳамиша дадил юр. Боланг сени ерпарчин ҳолда кўрмасин. Дардга таслим бўлганингни сезмасин. Сени ҳамиша кучли деб билсин ва фахрлансин!» — мана шу ақидага қаттиқ риоя қилиб яшаётган Асадбекда қаддини букмоққа

мойиллик сезилди. Белдан қувват, оёқдан мадор кетгандай туюлди. Аммо ожизлик ҳисси унга бир дақиқагина ҳукм ўтказди. Бир дақиқадан сўнг у аслига қайтди.

— Қизим...

Зайнаб бошини буриб, отасига қаради. Асадбек бу қарашда «Жамшид акамни нега ўлдирдингиз?» деган саволни ўқиди. Зайнаб бу саволни тилга чиқариб сўраган тақдирида ҳам жавоб ололмас эди. Кўзларда зуҳурланган саволдан қутулиш осон — нигоҳ олиб қочилса кифоя. Асадбек шундай қилди.

— Қизим... ўзингни тут. Ҳаммаси яхши бўлади, — деди. Кейин яна Зайнабга қаради.

— Нима яхши бўлади? Жамшид акамни тирилтириш қўлингиздан келадими? — деб савол берди Зайнабнинг кўзлари.

Жавоб ўрнига яна нигоҳини олиб қочди. Бу ҳолда узоқ туrolмаслигини билиб, оҳиста бурилди-да, уйдан чиқди.

Зайнаб отасининг изидан қараб қолди. «Ҳаммаси яхши бўлармиш... Бир одам бекордан-бекорга ўлиб кетди. Энди нимаси яхши бўлади? Ҳа, мен ўлмай қолдим. Буларга шуниси яхши бўлди. Бир оз ўзимга келганимдан кейин эрим олиб кетади. Вужудимизни яна сохта меҳр ниқоби билан чирмаб яшайверамиз. Кейин бола туғилади... «Бола туғилганидан кейин мени ўлдилинг», дейман. «Сизга хиёнат қилдим», дейман. Ёлғон гапираманми? Нима учун ёлғон гапиришим керак? Ўлдирсин, дебми? Ўлдирармикин? Ўлдирармикин? Мендан ўлим қочди...»

Орадан кўп ўтмай ҳовлида Элчин кўринди.

Бу пайтда Асадбек Кесакполвон билан катта хонада ўтирар эди. Элчинни кўриб, Кесакполвонга «чақир уни» деган маънода қаради. Кесакполвон ҳовлига чиққунича Элчинни Манзура қаршилаб Зайнаб ётган хонага бошлади. Манзура ичкари кирмай остонада қолди. Шунда Кесакполвон «Янга!» деб чақирди. Манзура қараши билан «куёвни бек чақиряпти» деган маънода имлади. У хонага қайтиб кирганида Асадбек ўрnidан туриб олган, қўллари орқасида, бошини сал эгган, қовоғи эса уюлган эди. «Куёвини кўриб, феъли айниди-ку?» деб ўйлади Кесакполвон. Асадбек туриб олгани учун у ҳам жойига бориб ўтирмади. Элчин келмасидан аввал ҳам гаплари қовушмаётган эди. Кесакполвон Асадбекнинг феълени яхши билгани учун «нима бўлди?» деб сўраб ўтирмади. Юпатишга ҳам ҳаракат қилмади. У хўжаси бошига савдо тушганини фаҳмлади. Бундай пайтда унинг ёнида бўлмоғи шарт эканини эслатиш ортиқча. Гап-гапга қовушмаса ҳам, умуман, гапирилмаса ҳам майли, Асадбекнинг ёнидан жилмайди. Асадбек соқов бўлса, у ҳам соқов, юрса юрар, ўтирса ўтирарди. Асадбекнинг жаҳли чиққанида ёки юраги сиқилганида Кесакполвон ўзини билмаганга олади. Хўжайинни гапга солиб, кўнглини юмшатишга ҳаракат қилмайди. Асадбек қадрдон аъённинг бу қилиғига кўникиб қолган, унинг сояга айланиб юриши ғашини келтирмайди. Ҳозир ҳам кўп йиллар мобайнида шаклланган бу анъана бузилмади.

Елчин кириб келганида улар катта хона ўртасида тик турган ҳолда гаплашишарди. Элчин остона ҳатлаб салом бериши билан Асадбек дарғазаб кўзларини унга қадади-да, устига тик босиб келди. Саломига алик бўлмади. Фақат:

— Жамшидда нима қасдингиз бор эди?! — деди титроқ овозда.

— Жамшидда? — Элчин Зайнабнинг гапларидан ажабланган бўлса, бу айбловдан тамом гангиди. — Нима бўлди ўзи, ҳозир эшитдим.

Гапини тугатишга улгурмасидан Асадбек уни гирибонидан олди.

— Жим юргин, деганмидим? Қасосингни олган эдинг-ку?

— Бек ака, аввал гапимни эшитинг. Ҳозир Фарғонадан келяпман, ахир.

— Ҳайдар, Шилимшиқ қандай ўлдирилганини кўрганмидинг? — деди Асадбек уни қўйиб юбормай. — Айт бунга, кўрганмидинг?

— Кўргандим.

— Жамшидни-чи?

— Кўрдим. Худди ўша дарахтга осиб, ҳалигиси кесиб ташланибди.

Асадбек Элчиннинг гирибонидан қўлини олди-ю, ўша заҳоти жағига мушт туширди. Элчин гандираклар кетди. Ўзини ўнглашга улгурмай Кесакполвоннинг тепкисини еди. Асадбек ғазаб отига миниб томоша кўрсатмаётган эди. У Жамшиднинг ўлимида чиндан ҳам Элчинни айбли деб топди. Назарида, Элчин дайдиб кетмай уйида ўтирганида, хотинига яхши қараганида бу кўргиликлар йўқ эди...

Кесакполвон эса Асадбекнинг ҳаракатини бошқача тушунди: Асадбек айбни куёвига ағдариб унинг қўл-оёғига кишан уриб олмоқчи. Бирга бўлганларидан бери кимки Асадбекдан мушт еса, Кесакполвоннинг тепкисидан ҳам бебаҳра қолмаган. Бу қилиқ одат даражасидан чиқиб, қонун мартабасига етган эди. Асадбекнинг қаҳридан чўчувчи одам унинг мушtidан эмас, кўпроқ Кесакполвоннинг тепкисидан кўрқарди. Ҳозир ҳам шу қонун кучга кирди. Кесакполвон калтафаҳмлиқ қилиб, тепаётган одами хўжасига куёв эканини ўйламади. Асадбек эса рўпарасидаги одам куёви эканини унутмаган эди. Яна тепишга чоғланган Кесакполвонни нари итарди.

— Бунини тепишга ҳаққинг йўқ!

Элчин тисарилиб, деворга суянди. Нафаси қайтди.

— Қадамнингни ўйлаб бос, бола, — деди Асадбек, унга ғазаб билан тикилиб. — Энди сал нари-бери юрадиган бўлсанг, Жамшиднинг орқасидан жўнайсан. Энди аяб ўтирмайман!

Элчин букчайган ҳолида ташқарига чиқиб, айвонда бир оз ўтирди. Манзура куёвининг аҳволини кўриб яқинлашмоқчи бўлди-ю, деразадан қараб турган эрига кўзи тушиб, журъат этолмади.

Асадбекнинг берган танбеҳи Кесакполвонга ёқмади.

— Илгари бунақа демас эдинг, — деди гина билан.

— У менинг куёвим. Ҳаққинг йўқ тепишга.

— Шу гапни унинг олдида айтасанми?

— Жириллама, сенга ким қўйибди нозу фиरोқни.

Кесакполвон ножоиз гина қилганини тушуниб, таранг вазиятни юмшатиш йўлига ўтди.

— Унинг бўйнига илиб яхши қилдинг. Энди ўпқасини босиб олади.

— Ақлинг етмаган ишларга аралашма.

Кесакполвон индамади. Бунақа пайтда Асадбекка Чувриндини рўпара қилиш керак. У хўжасини ғазаб отидан авайлаб тушириб олади. Баъзан Асадбекнинг ўзи бу отдан қандай тушганини билмай ҳам қолади.

---

\* М а ъ н о с и б у д и р: Кимики ўз нафсини хор тутса, Худо унинг қадрини оширади. Кимики ўз нафсини иззат қилса, Худо бандалар олдида уни хор қилади.

## 2

Қоринга бехос тушган тепкининг зарби ҳар нафас олганида ўз кучини кўрсатади — оғриқ зўрайиб, жони танасини ташлаб қочишга ҳам тайёр бўлиб қолади. Қамоқда эканида, «Ўқилон»нинг амри етиб бормай, зўрлардан бир-икки тепки еган, аммо бунчалик азоб чекмаган эди. Буниси кутилмаганда бўлгани учунми ё зарба бениҳоя кучли эдими, ҳарҳолда букчайтириб қўйди. Оғриқ забтига оларди, у ҳатто «бирон ерим узилиб тушди шекилли, ҳадемай қон қусиб ўлсам-а?» деб ҳам ўйлади. Бу фикр ориятни уйғотди. Орият тан азобидан кучлилик қилиб, айвонда кўп ўтиришга қўймади. Урнидан турди. Қаддини кўтаришга ҳаракат қилди. «Ўладиган бўлсам ҳам шу ерда, шуларнинг олдида ўлмай. Азоб чекиб, жон бераётганимни кўришмасин. Ундан кўра кўчада итдай хор бўлиб ўлганим яхши...» Элчин шу фикрда дадил юрмоққа интилди. Ҳатто болохонада ўғринча қараб ўтирган йигитларга қараб, жилмайиб ҳам қўйди. Кўчага чиқиб ўттиз қадамча юргач, орқасига қаради. Ҳеч ким



кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, дарахтга суяниб, тин олди. Сўнг қаддини бир оз эгган ҳолда яна юриб кетди. Эллиқ қадамлар юргач, оғриқ кучайди, кўнгли айниди. Тўхтади. Деворга суяниб ўтирди. «Бошланяптими? Жон талвасаси шу бўлса керак. Чиқиб кетганим яхши бўлди. Анча юриб қўйдим шекилли?..» У келган йўлига қаради. Шунда Асадбекнинг дарвозасидан бир йигит чиққанини кўрди. Йигит ён-атрофга аланглаб олди-да, машинага ўтирди. «Арининг уяси бузилибди-ку, ким чўп суқибди?» деб ўйлади у. Хаёлидаги бу саволга жавоб топмай туриб рўпарасида машина тўхтади. Ҳайдовчи йигит ўтирган ерида чўзилиб, ён эшикни очди-да: «Акахон, ўтиринг», деди. «Менга раҳм қилдиларми? — деб ёжинди Элчин. — Мехрибончилигингни онанга қил... ҳе...» У ўрнидан туриб, юра бошлади. Йигит унинг қадам олишига мослаб машинани секин юрғизди. Машина эшигини ёпмади. «Ўтиринг», деб бошқа лутф ҳам қилмади. Элчин бу томоша атрофдагилар учун кулги бўларини англаб, тўхтади. Йигитни сўкмоқчи эди, ўзини тийди. «Бунда нима айб? Унга буюришган. «Олиб бориб қўй», дейишган. Олиб бориб қўяди. «Ўлдириб кел», дейишган бўлса, ўлдириб келади. Бир жиҳатдан шуниси ҳам дуруст — мушкулумни осон қилади». Шу фикрда машинага ўтирди. Йигит «Қаёққа олиб бориб қўяй», деб сўраб ҳам ўтирмади. Ҳатто «Барибир ўтирар экансан, ноз қилишинг нимаси эди», деган маънода қараб ҳам қўймади. «Бу содиқ лайчаларнинг ҳаммаси камгап-а?» деб ўйлади Элчин. У ўриндиққа ястаниб ўтириб, чуқур-чуқур нафас олди. Оғриқ бир оз пасайгандай, тепки зарбидан гўё бир-бирига чирмашиб таранг тортилиб қолган ичаклари бўшашгандай туюлди. Оғриқ чекиниши билан фикри тиниқлаша бошлади. Хаёлига янги йил кечаси келди. Эшикнинг қия очилиши... Жингалак сочли йигит... Салом-алик йўқ, «сиз фалончимисиз?» дейиш йўқ. «Сизни Бек ака чақиряптилар», деб машинаси томон юрган эди. Элчин ўшанда ҳам ярим соат-бир соатдан сўнг тирик қайтадими ё мурдаси кўчага, қайси бир ахлатхонага олиб чиқиб ташланадими, билмас эди. Ҳозир ҳам билмайди. Йигит йўлдан кўзини узмагани ҳолда лабига сигарет қистириб, тутатди. Димоғига тутун урилиб, Элчиннинг ҳам чеккиси келди.

— Чакишдан ол! — деди буйруқ оҳангида. Бу оҳангдан ўзи ҳам таажжубланди. «Ҳечқиси йўқ, буйруқ қилишга ҳақинг бор. Сен хўжайиннинг куёвисан», деб таскин берди ички бир овоз. Шу оннинг ўзида бошқа бир овоз қитмирлик билан «ўлимга маҳкум этилган куёвсан», деб қўйди. Элчин паст овозда буюрдими ё шовқинда эшитмадими, ё ўзини эшитмаганга солдими ё «сенинг буйруғинг менга ўтмайди» дедими, ҳарҳолда сигарет узатмади.

— Чакишдан ол! — деб буюрди Элчин баландроқ овозда.

Йигит энди узр маъносида қараб олар, деб кутган эди. Йўқ, қарамади. Индамай сигарет қутисини узатди. Янги йил кечаси ҳам шундай бўлган эди. Элчиннинг «Чаксам майлими?» деган саволига Жамшид йўлдан кўзини узмаган ҳолда совуққина қилиб «Ҳа» деб қўйган эди. «Уни ким ўлдирган экан? — деб ўйлади Элчин. — Ўлдириш ниятим борлигини Асадбек қаёқдан билди? Ё тахмин қилдими?» Элчин Асадбекнинг ниятини англамас эди. Биргина у эмас, бошқалар ҳам кўпинча ғафлатда қолишарди. Агар мақсади барча учун очиқ-ойдин бўлса, унинг ўқилонлиги қайда қолди? «Нима учун мендан гумон қилади? Менсиз ҳам бир-бирларини ўлдириб юришибди-ку?» Асадбекнинг одамларини яқин йиллар ичи биров чертишга ҳам журъат этолмаётганини билмагани учун ҳам Элчин шу фикрга борди.

— Булар жинни бўлиб қолган... — хаёлига келган гапни беихтиёр овоз чиқариб айтди. Йигит бу гапни эшитиб, қараб қўйгандай бўлди. Элчиннинг яна қитмирлиги тутди.

— Акаларинг жинни бўлиб қолишибди.

Бу гапни айтишга айтди-ю, йигит бехос тарсаки тортиб юборармикин, деб кутди. Йигит ҳатто қараб ҳам қўймади. «Ҳа... ўзим жинниман... Булардан ўчимни олгунимча жинни бўламан, шекилли...»

Машина кўчасига бурилгач, «Демак, ўлдириш ҳақида буйруқ олмабди», деб ўйлади. Яширин қитмир овоз эса «уйингда ўлдириб кетса-чи? Худди Ноилангга ўхшаб...» деди. Машина дарвозаси рўпарасида тўхтади. Йигит «тушинг» ҳам демади, «келдик» ҳам демади. Элчиннинг

қитмирлиги тутиб ўтираверди. Кейин: «Бу бола билан пачакилашганимдан нима фойда?» деб ўйлаб, машинадан тушди. У эшикни ёпишга ҳам улгурмай машина худди пойгага шошилгандай шашт билан қўзғолди.

Елчин дарвозага яқинлашиб, калит соладиган ерга қистирилган қоғозни кўрди.

«Шумтакаларнинг қилиғи», деб ўйлаб, қоғозни олди. Қоғоз ҳафсала билан найча каби ўралганидан фаҳмладики, бу болалар иши эмас. Қоғозни очиб, чап томонга қийшайтириброк ёзилган ҳарфларни таниб, жилмайиб қўйди.

«Акобиру отарчи, ал ҳофизу ҳабибул Асадбек!

«Ал муриду ятлубу вал мурду яхрабу». Яъниким, хоҳловчи қидиради, мурод эса қочади, деганларидек, камина пойи қадамингиз етган туфроқни кўзга суртгали келиб, муборак остонангизни кўз ёшларим билан суғургумдир, токи бул туфроқда меҳр чечаклари унғай.

Б а й т:

*Кўпайишиб қолганмиш тўйларингиз,*

*Пулга тўлиб қолгандир чўнтагингиз.*

*Бегингиздан изн теккан маҳалларда,*

*Биз ҳам кўриб қолайлик бўйларингиз.*

*Адойи Анварингиз».*

Бу сатрларни ўқигач, унинг чеҳраси очилди. «Кайфияти яхши экан, шоирнинг», деб қўйди. Дўстини кўргиси келди. Шундай туйғу унда қамоқдан қутулиб қайтган куни уйғонган, дўстининг жиннихонада эканини билгач эса, юрак-бағри эзилиб кетган эди. Унда кўргиси келган, аммо бориб кўриш имкони йўқ эди. Ҳозир ҳам кўргиси келяпти, имконияти ҳам бор. Аммо боришни истамади. «Яна ихраб-сихраб ўтирмай, кечроқ борарман», деган қарорга келиб, уйига кирди-да, диванга чўзилди.

Ертақларда маконига учиб келган дев ёки аждаҳо «Уф-ф... одам иси келяпти!» деб чақирилмаган меҳмонни излашга тушади. Агар одам боласида ҳам шундай ис билиш қобилияти бўлганида Элчин бундан бир неча кун илгари бу хонага Жамшиднинг кириб чиққанини сезарди. Мана шу остонани ҳатлаб ўтиши ажал эшигини қоқиш билан баробар бўлганини биларди. Зайнабнинг кўз ёшлари тўкқанини англари. Балки Жамшиднинг «Сен учун мен ўч оламан... Қасам ичаман... Агар сени ҳимоя қиладиган эркак зоти қирилиб битса, ўзинг ўч оласан...» дегани ҳам қандайдир сеҳрли йўллар билан аён этилармиди...

Шу дивандан уч қадамгина нарида Жамшид турган эди. Қасам ичганидан кейин Зайнаб унинг бўйнидан қучиб, ўпиб қўйган эди... Алҳол эртақ бошқа, ҳаёт бошқа. Инсон сезилари эса чегараланган.

Елчин диванга чўзилиб, битта ёстиқни қорнига босди. Шу фойда қилдими, ҳар нечук оғриқ нари чекинди. Бадани ором ола бошлагач, фикрлари янада тиниқлаша борди. Ҳали машинада эканида уйғонган ўйлари яна хаёлини банд эта бошлади. «Жамшид... Жамшид... қандай ҳаромхўр эди у, — деб ўйлади. Гарчи марҳумлар ҳақида ёмон гап айтиш дуруст эмаслигини билса-да, уни яхши сўз билан эслашни лозим топмади. — Ҳаромхўр эди у, ҳа, ифлос эди, аблаҳ эди. Қайси аблаҳ ўлдирди уни, қайси аблаҳ мени лаззатдан маҳрум қилди? Мен унинг қонини ичгим бор эди. Шунда қасос чанқоғи оз бўлса-да, босиларди. Энди-чи? Энди навбат Асадбекками? Ҳа!» У ҳозироқ бориб Асадбекни ўлдирмоққа қасд этгандай қаддини кўтарди. Бироқ ўрнидан турмади. Ёстиқни қучоқлаганича ўтираверди. Хаёли эса уни шошириб қўйди. «Шилимшиқнинг гапи тўғрими? Жамшид ҳам кирганмиди бу уйга? Зайнабнинг гапи-чи? Наҳот? Келиб-келиб шу исқиртни яхши кўрадими? Ўшани деб ўзини осадими? Отасини ўлдирсам-чи? Отасини ўлдирганимда ўзини осармиди? Йў-ўқ... Ҳали шу пайтгача ҳеч ким отасининг ўлиmidан куйиб ўзини осмаган. У эса ўша ҳайвоннинг изидан бормоқчи бўлибди!...» Элчин жаҳл билан ёстиқни четга улоқтирди-да, ўрнидан туриб кетди. Дераза олдига бориб ҳовлига қаради. Сада

бўлиб қолай деган райҳонлар сўлибди. Сувсизлик азобига, қуёшнинг ўтли тиғига бардош бера олмабди. Кираётганида буни сезмаган эди. Нечукдир у ҳозир ўзини шу садарайҳондай ҳис этди. Унинг кўнгли, наинки кўнгли, руҳи ҳам сўлиган. Райҳонга-ку сув қуйилса дарров жон кирар. Сўлиган руҳга, кўнгилга даво борми? Илгари қонининг ҳар томчисида муҳаббат бор эди. Бу томчилар Ноиланинг ўлиmidан сўнг чак-чак томиб адо бўлди. Унинг ўрнини эса адоватнинг заҳарли томчилари эгаллади. Шилимшиқнинг гапидан сўнг бу томчилар томирларда кўпира кетган эди. Бугун эса янада қизиди, янада қудрат касб этди.

Жамшиднинг ўлими... Зайнабнинг ўзини осиши... Асадбекнинг қаҳри... Элчин бу уч воқеани боғлаб турувчи кўринмас занжир мавжудлигини ҳис этиб турар, аммо ҳар қанча ўйламасин, фикри ҳақиқат олдида ожиз қолар эди. «Жамшидни қизи билан айб устида ушлаб, ўлдиртириб юборди», деган гумон нечундир шу тобда хаёлига келмасди.

«Зайнаб рост айтдимми? — деб ўйлади у. — Бу гап ёлғон бўлса ҳам, жаҳл устида айтилган бўлса ҳам барибир — дилни яралади. Бу дил ярасига эса чора йўқ. Бир-икки кундан кейин у яна шу уйга келадими? Шу уйга ҳаром қадамини босадими? Аслида шу уйнинг хосияти қолмабди. Қамоқдан келишим билан сотиб юборсам бўлар экан...»

Одам боласи бошига кулфат тушгудай бўлса, хаёлга берилиб «бу кулфат булутини ким юборди-ю, ким ташвиш ёмғирини ёғдирди», деб ўйлай бошлайди. У ҳеч қачон «мен шу феълим ёинки ҳаракатим туфайли кулфат булутини ўзим чақирдим», демайди. Мана ҳозир Элчин ҳам уйда хосият йўқ, деган қарорга келиб турибди. Билмайдики, уйдан хосиятни ўзи қувиб чиқарди. Унга «Зайнабни айблама, у бокира эди, гуноҳкор сенсан, туғилажак бола валади зинодир ва унинг гуноҳи ҳам сенинг бўйнингда» дейилса, айбни зинҳор бўйнига олмас, «Мен Ноилам учун қасос олдим», дер. У ғофил банда билмаски, ал қасосул минал Ҳақ — қасос ёлғиз Ҳақдандир, банданинг қасос олмоққа ҳуқуқи йўқдир. Машойихлардан бири «Дунё шайтоннинг дўконидир, ундан бирон нима ўғирламаки, шайтон уни қайтариб олишга келиб, додингни бермасин», деган экан. Бу не бахти қароликки, Элчин шайтон-нинг дўконидан кўп нарса олиб қўйди. Энди ҳар бир ўғирлиги учун додини ер. Энди арзини кимга айтади? Унинг арзини ким эшитар экан?

### 3

Манзура эшиқдан узоқлашмагани учун қизининг гапларини эшитди. Эшитди-ю, «вой шўргинам қурси-ин...» деб лабини тишлади. Юраги узилиб тушгандай бўлди. «Вой қизим-а, айтмасанг бўларди», деб қизига хаёлан танбеҳ берди. Элчин катта хонадан букчайиб чиқиб, айвонда ўтириб қолгач, юрагида бир нима узилгандай бўлди. Баданига муз югурди. Куёвигга қарамоқчи эди, эрининг қаҳрли нигоҳи йўлдан қайтарди. Шу нигоҳ бўлмаганида Зайнаб-нинг гаплари ёлғон эканига куёвини ишонтирармиди... Иснод... Иснод... Энди қандай ҳаёт кечиради? Кўпни кўрган бу одам иснодга кўникиб кетармикин? Худо қизидан омонатини олмади. Лекин уни тирик мурдага айлантириб қўймадимикин?

Шу хаёл билан уйга кирди. Қизига мўлтиллаб қараб турди-да, нима мақсадда кирганини эслай олмай, изига қайтмоқчи бўлди. Остона ҳатлашга улгурмай, Зайнабнинг овозини эшитиб, тўхтади:

— Ойи, ҳадеб кириб-чиқаверманг. Қўрқманг, энди ўзимни ўлдирмайман. Бола... — у нима учундир «болам» дея олмади, — бола... яшаши керак экан. У туғилгунича...

— Вой, болам, — деб унинг гапини бўлди Манзура. — Худо хоҳласа...

Зайнаб уни гапиртирмади.

— Ундан кейин нима бўлади — Худо билади. Нима бўлишини ўзим ҳам билмайман, сиз ҳам билмайсиз, ҳатто адам ҳам билмайдилар.

— Вой болам-ей... Қўй, бу ўйларингни.

— Куёвингиз кетдимми?

— Ҳа. Қизим... ҳалиги гапни бекор айтдинг.

— Бекор айтмадим, билиб айтдим.

— Ундай дема, болам, наҳотки сен...

— Йўқ, ойи, гапим ёлғон эди. Мен унақа эмасман. Аммо у шундай деб ўйласин. Ўйлаб эзилсин, сиқилиб сил бўлсин, сил бўлиб...

— Қўй, қизим, бировга ёмонлик тилама. Гуноҳи бўлса Худонинг ўзи жазолайди.

— Худо жазолагунича...

Зайнаб гапининг давомини ичига ютди. Онасининг мўлтиллаб турган кўзларини кўриб, ноўрин, фойдасиз гапларни айта бошлаганини фаҳмлади. Онасига ачинди. Ўзини осаётганида онасини ўйламаган эди. «Онам бечора бу кулфатга чидай олмай юрак-бағри куйиб адо бўлади», демаган эди. Ҳуши ўзига келганидан кейин ҳам онасининг тақдирини ўйламаганди. «Худо уни жазолагунича мен ўлиб бўламан», дейишга оғиз жуфтлагандагина онасининг ғарибона кўриниши уни сергак тортишга мажбур этди.

Манзура қизининг нима демоқчи эканини англади. Бирдан йиғлагиси келди. Қизи ўзини осганидан бери аҳвол шу. Йиғи босиб келади, кимнингдир елкасига бош қўйиб ҳўнграб-ҳўнграб йиғлашни истади. Ҳасрат қилмоқни, дардини айтмоқни хоҳлайди. Аммо йиғлолмайди, йиғини куч билан қайтаради. Хўрсиниб қўяди. Бироқ, бу хўрсиниш дардини енгиллатишга ожиз. Бу муштипар биладика, қувончни баҳам кўриш учун шерик ахтариш шарт эмас. Бировнинг қувончидан баҳраманд бўлиш ишқибозлари етарлидир. Қайғуга эса ҳеч ким шерик бўлишни истамайди. Ҳаммининг ўз ташвиши бор. Бировникени бошига урадимиз?!

Ҳозир Манзура ҳамдарди бўлмагани учун хўрсинмади. Йиғлашга мажбур этаётган куч ҳам бошқа. Манзура эри билан гаплашганида Худони тилга олишга қўрқади. Сабабки, Асадбек ўз аъёнларига қандай қўрс муомала қилса, Худо тилга олинганида шундай беписанд бўларди. Худодан қўрқиш, деган тушунча унга ёт эди. Эри масжид қурдира бошлаганида у бирам қувонди, бирам қувонди. «Еримга инсофу тавфиқ берганинг рост бўлсин», деб Яратганга шукрлар қилди. Бироқ Асадбек феълининг ўзгаришсиз қолаётганидан ажабланди. Бир куни Асадбек нимадир деганида Манзура «Худо хоҳласа, адаси», деди. Асадбекнинг кайфияти чатоқ эди, бу жавобдан жаҳли чиқиб: «Худа-беҳудага Худони ўртага солаверма. Худонинг сендан бошқа ташвиши йўқми?» деб жеркиди. Манзура қўрқибгина: «Унақа деманг, адаси, Худодан қўрқинг», деб яна балога қолди. «Худодан қўрқиб бўлганман. Худо менга аталган ёмонликни бериб бўлган. Мен ёмон эканманми, бунга Худонинг ўзи айбдор. Мен ҳам одамларга ўхшаб ота-онамининг бағрида яшаганимда бунақа бўлмасдим. Меҳрга зор ҳолда ўстириб, энди мenden меҳр талаб қиладими?» Асадбек ўшанда яна аллақанча гапларни айтиб юборди. Манзура ўша тун ухламай, билганича тавба қилди. Эрини кечирини сўраб Яратганга ёлборди. У ибодат қилишни билмас эди. Унинг болалик хотирасига муҳрланган ўғитлардан бири шуки, Худодан қўрқмоқ керак. Ҳамиша тавбада бўлмоқ зарур.

Ери-ку, эри, Худони тилга олса болалари ҳам беписандлик билан тинглашади. Баъзан эса оталари каби терс жавоб қайтаришади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Худодан инсоф тилади. Йиғини босди. Қизига бир оз тикилиб турди-да, ташқарига чиқди. Ишининг унуми ҳам, тайини ҳам йўқ эди. Бир неча дақиқа ҳовлида, ошхонада ивирсиб юрди-да, қизининг танбеҳини унутиб, яна уйга кирди.

Зайнаб бу сафар онасига индамади. Онасига ачинган ондан унда пушаймонлик туйғуси ҳам уйғона бошлаган эди. Аввал айтган гапидан пушаймон бўлди. Сўнгроқ эса ўзини осганидан афсусланди. Онаси бир неча нафасга кечикканидами, у ҳозир лаҳадда ётган бўлармиди... Шу гап хаёлига келиши билан баданига муз югурди. Қайси бир китобда ўқиб эди: одам ўзининг лаҳадда ётишини ўйласа, қўрқувдан тилигача терлаб кетаркан. Зайнаб ҳозир шу ҳолга тушди. Ўзини осаётган маҳалида қўрқмаган эди. Нечун энди қўрқяпти? У-ку, қоронғи гўрида ётарди. Онаси-чи? Бу ёруғ дунё унинг учун зулматга, бу ҳовли эса дўзах қозонига айланмасмиди? Зайнабнинг руҳи бу хонадонга учиб келганида онасининг аҳволини кўриб, зор-зор қақшамасми эди? Шуларни ўйлаб, кўзига ёш келди. Янги йил арафасида ўғирлашганида, зўрлашганида ҳам

жонига қасд қилмоқни мўлжаллаган эди. Орзулари поймол этилгач, бу дунёда яшамоқдан маъно кўрмай қолганди. Неча кун ўзимни оссамми, заҳар ичсамми, ёқсамми... деган хаёлларга банди бўлиб юрди. Энди бир тўхтамак келганида кўз олдида сочларини юлиб йиғлаётган онаси гавдаланиб уни бу йўлдан қайтарарди. Кечаги кун нечукдир шундай бўлмади...

Кечқурун ярим коса маставани онасининг қистови билан ичгач, баданига иссиқлик югурди. Она-бола бир оз гаплашиб ўтиришди. Кейин Манзура дераза томонга ўрин солди.

— Ойи, жойингизга чиқиб ётаверинг, мендан хавотир олманг, — деди Зайнаб.

Манзура унга жавоб бермади. Чироқни ўчирмади. Устидаги кўйлакни ҳам ечмай, ўрнига омонат чўзилди. Қизи гўдаклик чоғида, уни ухлатиб, сўнг юмушларини бажариш учун шундай ётарди. Зайнаб онасининг секин чиқиб кетаётганини баъзан сезарди, аммо уйқу кучлилиқ қилиб ўрнидан жилмасди...

Манзура ярим тунда қизининг ғалати овозидан чўчиб уйғонди. Зайнаб безгак тутгандай титраб, хирилларди. Манзура шошиб туриб унинг пешонасига кафтини қўйди. Кафтига теккан муздек тердан сесканди.

— Жон қизим, нима бўлди?

— Билмайман... ҳаммаёғим оғрияпти. Белим...

Манзура қизининг қўл-оёқларини уқалаган бўлди. Устига яна бир кўрпа ташлади. Сўнг чиқиб, Асадбекни уйғотди.

— Дўхтир чақирмасангиз бўлмайди. Хотин дўхтир чақиринг.

Асадбек ҳовлига чиқиши билан болохонадаги йигит деразадан қаради. Асадбек қўли билан имлагач, бир неча сонияда қаршисида пайдо бўлди.

— Дўхтир топиб кел. Хотин дўхтир бўлсин. Маҳмуд акангни топ.

Шундай деди-ю, бурилиб, қизи ётган хона томон юрди.

Зайнаб белида оғриқни кундузи сезган эди. Лекин оғриқ босилиб қолар, деб ўйлаб, онасига айтмади. Кечқурун онаси ётгач, у ҳам ухлагандай бўлди. Кўзи уйқуда, айни чоқда, шитир этган товушни эшитадиган даражада сергак эди. Озгина муддатли уйқусида туш ҳам кўрди: бир ўрмонда адашиб юрганмиш. Бир маҳал итми ё бўрими, ажрата олмади, рўпарасида пайдо бўлибди. Нимадир еяётган эмиш. Яқинроқ бориб қараса... чақалоқ эмиш... Шунда қўрқиб уйғонди. Шунда оғриқ ҳам кучайди. Вужудини титроқ ихти-ёрига берди.

### III 6 o 6

#### 1

Зелихон ҳушига келиб, ўзини Йигиталининг айвонида кўрди. Уни бир қават кўрпача устига ётқизишган, бошига ёстиқ қўйиш ҳеч кимнинг эсига келмаган эди. Бу кутилмаган офат барчанинг эсини тесқари қилиб ташлаганди. Исмоилбей айвон панжарасига суяниб, нималардир деб пичирларди. Аҳадбей Зелихоннинг яқинида ўтирарди. Унинг хотини, болалари ичкарида, қўрқувдан дир-дир титрашарди. Қўрқув шу даражада қудрат касб этган эдики, бундай пайтда йиғлаш мумкин эканини ҳам киши ёдидан суриб чиқарди. Атрофни гўё туман қоплаган — ҳаммаёқ қоп-қора ачимсиқ тутун бағрида эди. Нафас олиш оғирлашган, каттаю кичик кўзлари ёшланиб, дам-бадам йўталиб қўяр, шу йўталгина уларда жон мавжуд эканидан далолат берар эди.

Зелихон қаддини кўтарди. Аҳадбей «тузукмисан?» деган маънода қараб қўйди. Унинг гапирмоққа ҳоли йўқ эди. Зелихон ўрнидан турмоқчи бўлди — боши айланиб айвон устунини ушлади-да, жойига ўтирди. Рўпарадаги уй, Исмоилбейнинг омонат Ватани ёнар эди. Дастлаб шу ер берилиб, бир бостирма солиб кўчиб кирганида «Шу уй бизнинг омонат Ватанимиз, Худо ҳоҳласа, катталарга инсоф берса, Месхетиямизга кетамиз» деган эди. Аҳадбейнинг икки синглиси шу бостирмада туғилди, шу бостирмада жон берди. Сўнг онаси... Йиллар ўтаверди.

Омонат бостирма ёнига кенгроқ хоналар қурилди. Келин тушди... Исмоилбей ҳам, унинг тенгқурлари ҳам Месхетияга йўл йўқ эканига ишона бошлашган эди. Демократия деган гап чиқдию яна умид чироғи ёнгандай бўлди. (Ана шу умид чироғининг охир-оқибат уйларга ўт қўяжagini ким ўйлабди?) Юрагида ўти борлар Москвага қатнай бошлашди. Кўпчилик Ватанига қайтажaгига ишонарди. Улар эртақдаги адолатга ишонувчи гўдак ҳолига тушгандилар. Исмоилбейга эса буларнинг бари хатарли ўйиндай бўлиб туюларди. У давлат юритиш синоатидан беҳабар, лекин Месхетиядан қувғин бўлишлари узоқни кўзлаб қилинган сиёсат эканини сезиб турарди.

Уруш тугаганидан бери қанча раҳбар келиб-кетди. Юрғизган сиёсатларининг оёғи осмондан бўлди, лекин ватангадолар тақдирини биронтаси ўйламади. Оқибат эса мана бу: Ватанидан ажралган бечораларнинг омонат Ватани ҳам ёняпти! Бор мол-мулкларига қўшилиб умидлари ҳам ёняпти. Кечагина бу хонадонда тўй гулхани ёқилмоғи лозим эди, бугун ажал алангаси яйраб қулоч отади. Бир сидра кийим билан қолган бу одамлар жонлари ҳозирча ўзлариникими ё бу омонатни ҳам эгасига ҳадемай топширадиларми, билишмайди.

Зелихоннинг қулоғига оломоннинг шовқини кирмади. У аввалига карахтман, деб ўйлади. Бошини силкиди, бармоғи билан қулоғини уқалади. Кейин айвон зинасида тик турган Йигиталига қараб:

— Одамлар жимиб қолдими? — деб сўради.

— Қайси одамларни айтасиз? Ҳалигиларми? Улар одаммиди? — деди Йигитали ёнаётган уйлардан кўз узмай. — Бунақасини кўрмаганман. Селдай келиб, селдай кетишди.

— Қаёққа кетишди?

— Билмадим. Тушунмадим, биродар, мен ҳеч нарсага тушунмадим, — Йигитали шундай деб ўгирилди. Зелихон унинг юзи шилиниб, қонталаш бўлиб қолганини кўрди.

Бу кўчага фақат ёнғин ҳукмрон эмас экан, фиғоннинг ҳам ҳаққи бор экан. Оломон бу кўчадан нари кетгач, жон талвасасида ўтирганлар нимага гирифтор бўлганларини англаб, кўраётганлари туш эмаслигига ишондилар. Ана шунда бир-бирларини қидириш, йўқлаш бошланди. Ана шунда дастлабки нола эшитилди. Нолага нола уланиб, бирпасда атрофни қий-чув босди. Бир неча дақиқа илгари ёвузлик нафаси келиб турган шовқин ўрнини яраланган қалбларнинг ноласи тутди. Исмоилбейга ўхшаганлар Оллоҳга муножот этиб «Гуноҳимиз не эди, бизга бу офатни раво кўрдинг? Энди раҳм қил. Парвардигорим, ўз паноҳингда асра, шайтон васвасасига тушганларга инсоф бер», деб ёлборса, бошқалар оғизларига қандай гап, қандай қарғиш келса, қайтармай бақириб, фарёд уришарди. Кулфат миллат танламайди, одамларни ажратиб ўтирмайди. Устига шолча ёки тўн ёпиб, ёки сув сепиб ўчирилган мурдалар атрофида турк ҳам, ўзбек ҳам, татар ҳам баравар йиғларди.

Зелихоннинг диққатини ҳовлидаги одам тортди. Бошқаларга нисбатан кўркамроқ солинган бу уй эгаси кранга резина ичак улаб, ўтни ўчирмоқчи бўларди. Сув ташна сахро бағрига синггандай йўқ бўлади, аланга деразалардан олов тилларини чиқариб уни калака қилади. «Мол аччиғи ҳам ёмон», деб ўйлади Зелихон, сўнг хаёлига «Ичкарида бола бўлса-чи?» деган фикр урилиб, ҳовлига отилди.

— Одам борми? — деб сўради уй эгасидан. Уй эгаси унинг саволига тушунмади. Зелихон гапини қайтаргач, бош ирғаб «йў-ўқ» деди. Зелихон уни бўралаб сўқди-да, изига қайтди.

— Орқадощлар! Ҳақиқат борми бу дунёда?! Юринглар, обкомга борамиз! Арз қиламиз!

Зелихон кўчанинг ўртасида туриб олиб арзга даъват этаётган одамни танимади. Исмоилбей унга қараб бош чайқаб «нодон» деб қўйди. Даъватчи яна тўпланишга чорлади. Унинг гаплари таъсир қилиб, ночор одамлар тўплана бошлашди.

— У ҳам Московга борган эди, — деб изоҳ берди Аҳадбей.

Зелихон бир дўстига, бир унинг отасига, бир хотини, болаларига қарайди. Хотини билан болалари ёнаётган уйларига мўлтиллаб қараб туришибди. Исмоилбей кўчага чиққач, уйига бир қараганича бошқа қарамади. Аҳадбей дам-бадам ўгирилиб қарайди. Ҳар- ҳолда суюнчли,

қайғули кунлари кечган уй, омонат бўлса ҳам Ватани эди.

Офатдан қутулиш йўлини билмай турганларга даъватчининг гаплари таъсир қилиб, ҳамма арзга бормоққа шайланди.

— Онангни қози урса, додингни кимга айтасан? — деди Зелихон.

— Бу нима деганинг? — ажабланди Аҳадбей.

— Бу офат қайси ғордан чиққанига ҳали ҳам тушунмадингми?

— Федяни айтасанми?

— Федя нима? Федя исқирт бир томчи. Қолганини кейин тушуниб оласан.

— Қаёққа борайлик бўлмаса, билсанг ўзинг айт.

— Мен ўғриман, донишманд эмасман. Мендан қочганлар милисага боришларини биламан.

Иблисдан қочиб қайга бориш кераклигини билмайман.

— Иблисдан қочиб Оллоҳнинг паноҳига борилади, — деди Исмоилбей уларнинг баҳсига яқун ясаб.

— Орқадощлар! Мурдаларни олингиз! Кўришсин раҳбарлар! — деб қичқирди даъватчи.

Шу онда кўчанинг муюлишида пайдо бўлган йигит барчанинг эътиборини тортди. Оғзи-бурни қон, уст-боши йиртилган бу йигитга қараган одам унинг офат чангалидан бир мўъжиза туфайли омон қолганини фаҳмларди.

— Зухур-ку? — деди Аҳадбей, — машҳур боксчи йигитимиз...

Йигит узоқ йўлни югуриб босгани учунми, ҳансирарди. Оломонга яқинлашиб, бир қўлини кўтарди, сўнг тиззалаб қолди.

— Бўлинглар! — деди у. — Бўлинглар! Қочинглар! Оломон босиб келяпти!

— Қанақа оломон? — деб сўради даъватчи.

— Билмайман... Шаҳарда, ҳаммаёқда миш-миш. «Турклар ўзбекларни ўлдираётганмиш, турклар автомат билан қуролланганмиш... Турклар боғча болаларини оловда ёқишибди...» Ўзбеклар ишонишяпти шу гапларга. Ёшлар қасосга чорляпти...

— Астағфируллоҳ! — деб юборди Исмоилбей.

— Беркиниш керак, — деди Зелихон Йигиталига қараб.

— Уйга кирайлик, — деди Йигитали.

— Йўқ, — деди Аҳадбей. — Қасосга чорлашаётган бўлишса, ёмон. Қочиш керак.

— Қочиш?..

Қочиш кераклигини ҳамма биларди. Лекин «қаёққа?» деган саволга ҳеч ким тайинли жавоб бера олмасди. Бу саволга биринчи бўлиб жавобни даъватчи топди:

— Обкомга! — деб чинқирди у. — У ерга ҳеч ким яқинлаша олмайди!

Бу орада йигитлар иккита тобут кўтариб келишди. Мурдаларни солиб шаҳар сари жадал юриб кетдилар. Қуёшнинг қиздираётгани, ҳозиргина оташ бағридан чиқиб келганларига қарамай тез юрдилар.

Обком биносини ўраб турган милитсионерлар уларни тўхтатишга журъат этолмадилар.

Ичкаридан чиққан раҳбарлардан бири зинадан югуриб тушди-да, олдинда тобут кўтариб келаётганларни тўхтатди:

— Тўхтанглар, ўртоқлар, тинчланинглар!

— Қандай тинчланиш мумкин? — деди даъватчи олдинга чиқиб. — Уйларни ёқишди, одамларни ёқишди. Ким булар, нимага индамайсиз?

— Биламиз, вазият кескин. Сизлар бу ердан тез кетинглар. Ўзбеклардан бир йигит ўлдирилган. Маълумотга қараганда, унинг мурдасини кўтариб шу томонга келишяпти. Туркларни айблайдиган миш-мишлар тарқалган.

— Қаёққа кетайлик?

— Ҳозир автобуслар келади. Сизларни бежавотир жойга олиб борамиз. Фақат ваҳимага берилманглар. Жинойтчилар албатта жазоланади!

Чиндан ҳам кўча оғзида ўнга яқин автобус кўринди. Оломон автобусларга чиқиб улгурмасидан

кўчанинг нариги бошида тобут кўтарган бошқа оломон кўринди.

— Бўлди, бўлди, юринглар! — деб буюрди раҳбарлардан бири.

— Мурдаларни нима қиламиз? — деди даъватчи.

— Кетаверинглар, ўзимиз кўмамиз!

Автобуслар худди пойгадагидай шошилиб кўзғолишди. Мурдаларнинг эгалари фарёд урдилар. Тўхташнинг иложи йўқ эди. Озгина фурсат бой берилса, яна бир қирғин бошланиб кетмоғи мумкин эди.

Автобус шаҳардан чиқар маҳалда Зелихон Йигиталига қараб, ажабланди. Шунча пайтдан бери унинг бирга эканига аҳамият бермаган экан.

— Сиз нима қилиб юрибсиз? — деб сўради Зелихон ундан.

— Сизлар нима бўлсангиз, бизлар ҳам шу-да, — деди Йигитали.

Исмоилбей ҳам унга ажабланиб қаради. Афтидан, ўз ғамига банди бўлиб у ҳам Йигиталининг бирга юрганига эътибор бермаган эди.

— Иним, сиз бола-чақангизнинг ёнига боринг. Яна сизни йўқотиб ҳайрон бўлиб юришмасин.

Раҳмат сизга. Эсон-омон кўришмоқни Оллоҳ насиб этсин.

— Ие, домлажон... — Йигитали эътироз билдирмоқчи эди, Исмоилбей унинг гапини узди:

— Биз сиздан розимиз, сиз ҳам рози бўлинг. Бу ғалвалар ўтар-кетар, иншооллоҳ, фарзандларимиз омон бўлишсин. Йигитали, иним, сиз бошқалар учун хижолат бўлманг.

Мусулмон мусулмонга қўл кўтарар экан, билингки, орада шайтон бор. Шайтон борлигини унутдик, шайтон ҳукмига бўйсуниб қолдик. Бу ҳам қиёматнинг бир белгиси. Қалбимизни дунё ҳаваслари билан банд этмасак эдик... — Исмоилбей яна одати бўйича пичирлади. — Ад-дунёя мазраъутул-охира...\*

Зелихон ҳайдовчига яқинлашди.

— Биродар, қаёққа кетяпмиз?

— Билмайман. Айтишмади. Олдиндаги мошин қаёққа юрса, биз ҳам ашаққа юроврамиз. Аққа-баққа қарамасдан юришасанлар, деб буюришган.

— Бирпасга тўхтанг, ўзбак ошнаимиз адашиб чиқиб қолибди.

— Мумкин эмас, колонна тўхтади. Кетовурсинлар, қайтишимда ҳамроҳ бўлаллар.

Зелихон жойига қайтиб, ҳайдовчининг гапини айтгач, ҳаммалари яна жимиб қолишди. Ортиқча гапга ҳеч кимда тоқат йўқ эди. Ҳамма автобус деразаси оша ташқарига эътиборсиз боқиб, ҳар бири ўз хаёлига банди бўлиб борарди.

Шаҳар ҳам, қишлоқ уйлари ҳам ортда қолди. Асфалт йўл тугаб, адирнинг нотекис йўли бошланди. Автобуслар чайқала-чайқала, йўлдаги тупроқни тўзитиб боришади. Шаҳарда тутундан бўғилаёзган одамлар тўзон туфайли ҳолдан тойган бир пайтда автобуслар тўхтади. Атрофда на бир уй, на бир дарахт кўринади. Адирнинг уфққа туташ қисмида самолётларнинг қораси кўзга ташланади. Уша томондан бўғиқ гулдуррак овози келади.

Автобуслардан тушган одамлар бир-бирларига ҳайрон боқишади. «Қаерга келдик?» Барчамиз мана шу ўт-ўланлардай қовжираймизми шу ерда, барчанинг хаёлида шу савол. Олдиндаги машинадан тушган вакил баланд овозда гапириб, одамларга тасалли бермоқчи бўлади:

— Озгина чиданглар, ўртоқлар. Ҳозир нон-сув, озиқ-овқат, чодирлар олиб келишади. У ёқда оломон тинчлангунича шу ерда кутамиз.

— Шундай деб авраб жўнаб қоласизлар, биз қовжираб ўтираверамиз.

— Жўнамаймиз. Биз сизлар билан шу ерда қоламиз. Фожиа биз учун ҳам тасодифан бўлди, қурбонлар сони кўпаймаслиги учун шундай қилишга мажбурмиз.

— Ўзбекларга нима ёмонлик қилувдик? — деди кимдир.

— Бунақа гапларни қўйиб туринг, илтимос. Олдин тинчиб олайлик, жинойтчилар билан кейин гаплашамиз.

«Гаплашиб бўпсан!» деди Зелихон ўзича. Сўнг вакилнинг гапларидан энсаси қотиб, нари кетди. Кунни офтоб тиғида, очлик, ташналик азобида ўтқозишди. Ваъда этилган нарсалар ўрнига яна



автобусларда одамлар келишди. Фақат қуёш бота бошлаган онда юк машиналари кўринди. Одамлар ҳеч нарсага қарамай сувли машина атрофини ўраб олишди. Бошқа пайтда кўнгилни айнитиши мумкин бўлган илиқ сув жонга роҳат ато этди. Шундан сўнггина очлик эсга тушди. Шундан сўнггина тунни қай аҳволда ўтказиш ташвиши уйғонди. Шундан сўнггина таҳлика билан ўтган кундаги фожиалар кўз олдиларида қайта қад ростлади. Кечагина кимсасиз бўлган бу адирга яна одамлар келди. Одамлар бу ерга қўлга илинган нарсалари билан келишарди. Ким тўн, ким кўйлак, ким чойшаб... олишга улгурган. Кимдир боласини йўргаклашга ҳам улгурмаган. Тўплаган мол-мулклари уйларида қолди. Бу ердагиларнинг ягона мулки — ташвиш, алам, таҳлика... Бу мулкдан барчага мўл берилган.

Зелихон ботаётган қуёшга қараб ўтириб, ўйга толди. Аёлларнинг нолалари, болаларнинг чинқираб йиғлаши уни унутиб бўлмас хотираларини қитиқлаб уйғотди. Тун... икки тугунни орқалаб йўл юриш... бобоси, онаси... Сўнг поезддаги йўл машаққати... Аёлларнинг нолалари, гўдакларнинг биғиллаб йиғлаши, қорни оч болаларнинг инграшлари... қарияларнинг яратганга муножотлари... Қандайдир ўхшашлик бор. Фарқ шундаки, қишлоқларга ўт қўйишмади. Бир кечада, ҳеч қутилмаганда, важ-корсон кўрсатиб ўтирмай кўчиришди. Бунисига ҳам важ-корсон кўрсатилмади. Тунда эмас, куппа-кундузи ёқишди... ўлдиришди... Энг ашаддий жиноятчилар ҳам бунчалик очиқ ишлашга журъат этишолмас эди. Федя... улар қандай журъат этишди? Нима учун ҳеч кимдан қўрқишмади? Уларни ким ёллаган ўзи? Зелихон дастлаб бу иш тепасида Асадбек ёки Ҳосилбойваччага ўхшаганлар турибди, деб фикр қилган эди. Бугунги даҳшатни кўриб, фикридан қайтди. «Йўқ, улар бундай кенг миқёсда ишлай олишмайди», деган хулосага келди. Бугунги ишбоши лозим бўлса юзта, балки мингта, балки ундан ҳам кўпроқ Асадбекларни ўлик сичқондай ўйнатиб, сўнг бир чеккага тахлаб қўйиши мумкин. Зелихоннинг ўткир зеҳни буни фаҳм этиб турибди. У фақат бир нарсага тушунмайди: нима учун қирғинга айнан турклар танланди?

Исмоилбей аста юриб келиб Зелихоннинг ўнг томонидаги дўнгликка Йигитали ташлаб кетган чорсини ёйди. Таяммум қилди-да, шом намозига азон чақирди. Азон чақирғини эшитганлар орасида намоз ўқиғувчилар йўқ эди. Исмоилбей такбир тушириб, ёлғиз ўзи ўқий бошлади. Зелихон унга қараб туриб яна бобосини эслади. Кўнглида ўзи ҳам тушунмаган ғалати бир туйғу уйғониб, энтиқди. Ўрнидан туриб, Исмоилбей ёнида намоз ўқигиси келди. Ўрнидан турди ҳам, чолга яқинлашди ҳам... Аммо намоз ўқишни билмасди. Ҳатто намоз ўқиётган мўъмин бандага иқтидо қилиб турмоқни ҳам билмас эди. Шу боис Исмоилбейдан бир қадам орқароқда ўтирди. Исмоилбей намоз ўқиб бўлиб ҳам жойидан жилмади. «Қиблага қараб Худодан бир нарсалар сўраётгандир», деб ўйлади Зелихон.

Исмоилбей Оллоҳдан кўп нарсани сўрамади. Бандаларига инсофу тавфиқ, фарзандлар умрига барака... Ҳар куни сўрайдиганига бугун «Бизга-ку ватангадоликни раво кўрдинг, шу жойлардан ризқ бердинг, нолимаймиз. Биламиз, имон икки нарсдан иборат, бири шукр, бири сабр. Ўзингга шукр қиламиз, чунки биздан бешбаттар аҳволга тушганлар ҳам бор. Шунча йил сабр қилдик, бундан кейин ҳам сабрли бўламиз, иншооллоҳ. Аммо болаларимизни ватангадо қилма. Шу ерга киндик қонлари тўкилди, энди бу азиз ерларга бегона қилма», деб қўшимча қилди. Сўнг кун ботишга тикилиб она юртини кўз олдига келтирди. Чунки унинг Месхетияси ҳам шу томонда, кунботарда эди...

---

\* М а з м у н б у д и р: Бу дунё у дунёнинг полизи.

## 2

Одамлар тушиши билан автобусларнинг ҳайдовчиларига «шаҳарга қайтилсин!» деб буйруқ берилди. Йигитали шошилишда қўшилари билан дурустроқ хайрлашишга ҳам улгурмади. Автобуслар чангли доира ясаб бурилдилару чайқала-чайқала тезликни оширдилар. Катта йўлга

чиққунча Йигитали ҳам, ҳайдовчи ҳам жим кетишди. Чанг босилиб, юриш енгиллашгач, ҳайдовчи пешойна тепасидаги кўзгу орқали Йигиталига қараб олди-да:

— Буларнинг ичида нима қилиб юрибсиз, тоға? — деди.

Унинг «булар» деб беписанд гапиргани Йигиталига малол келди. Шу сабабли «булар» сўзига атайин урғу бериб, жавоб қайтарди:

— Булар, менинг қиёматли қўшниларим. Иссиғим ҳам, совуғим ҳам шулар билан эди.

— Қўшнилардан ҳам тоз-за буюрган экан-да, а? — деди ҳайдовчи яна кўзгу орқали қараб.

— Нега ундай дейсиз? Худога шукр, қўшниларим тилло одамлар.

— Ҳа, энди битта-яримтаси тузукдир, қолганлари ярамайди. Мана мен уларни бежавотир жойга олиб бориб қўйдим. Мен уларнинг жонини сақлаб қолдим, тўғри эмасми? Биз бўлмасак ашақда гум бўлишарди. Мен жонларини сақладиму, омма хизматимга рози эмасман.

— Гапларингиз қизиқ-ку, иним, улар сизга нима ёмонлик қилишди?

— Менга-ку ёмонлик қилишмади. Қилиб ҳам кўрсин-чи, киндигидан томоғигача тилиб ташларман. Омма тозза қирғин қилишган-да, булар.

— Қаерда?

— Кўп жойларда. Автоматлари бор экан. Тўрт ойли чақалоқни оловда куйдиришганмиш.

— Ўзингиз кўрдингизми?

— Йўқ, эшитдим.

— Эшитган бўлсангиз... балки ёлғондир? Эсимни таниганимдан бери шу одамлар билан биргаман. Ўзимизга ўхшаган мўмин-мусулмон улар. Тўғри, ёшлари ичади, муштлашади. Жуда ошириб юборса пичоқ тиқиб олар. Лекин сиз айтгандай болани тириклайин куйдирмайди.

— Биттагина сиз ишонмас экансиз. Ағда Қувасой, бағда Марғилон, ана ағда яна Фарғона.

Ҳаммининг оғзида шу гап. Шу пайтгача биров буларнинг мушугини пишт дедими? Уруш пайтида келишган эканми, ҳа, шундан берисига юришибди кайфини суриб. Омма бойиб, босар-тусарларини билмай қолишувди. Ўзинг-ку, бировнинг уйида меҳмонсан. Нима қиласан керилиб, — йигит шундай деб сўкинди. Йигитали унга эътироз билдириш ортиқча эканини фаҳмлади.

— Ҳа, тоға, индамай қолдингиз? Гапимнинг чатағи бўлса айтовринг.

— Гапингизнинг чатағи шуки, ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз, бу бирламчи. Иккиламчиси — беш қўл баробар эмас. Кўрмаганнинг кўргани қурсин, дейишганини эшитганмисиз? Одамнинг қорни тўйиб, чўнтаги қаппайса, ўзидан кетади, туғёнга келади. Босар-тусарини билмайди. Буниси миллатга қараб бўладиган иш эмас.

— Энди тоға, ўзимизнинг бойлар бир нима қилса ярашади. Ҳар ҳолда ўзимизники-да. Буларчи?.. Одаммисан дейишмайди. Бўламни пивохонадан ҳайдаб чиқаришибди энағарлар.

— Тўғри қилишибди.

— Ие, тоға, бу нима деганингиз? Жудайла ён босаверманг-да буларга.

— Ён босаётганим йўқ. Пивохонада ўтирган йигитларни кўрсам, ғашим келади.

— Энди ичмасангиз мазасини билмайсиз-да. Ишдан кейин шундан бўлмаса ҳордиқ чиқмайди. Йигитали ҳайдовчининг гап уқмайдиганлар хилидан эканига ишонч ҳосил қилиб, у билан суҳбатни давом эттирмади. Йигит ҳам яна бир-икки гап айтгач, тинчиди. Йигитали шаҳарга яқин қолганида автобусдан тушди. Ҳайдовчи унга хайр ҳам демади. Йигитали айтган «рахмат»га жавоб ҳам бермади.

Йигитали шаҳарга кираверишдаги қишлоққа бориб синглисининг оиласидан хабар олиб кетмоқчи эди. Шу ниятда йўловчи машиналарни тўхтатмоқчи бўлди. Бирок, юзи шилинган, уст-боши кирланган одамни кўрган ҳайдовчилар тўхтамай ўтиб кетаверишди. Оқибатда у пиёда юрди. Синглиси тинч-омон экан. Бу томонларга фақат миш-мишлар, ваҳимали гаплар етиб келибди.

Йигитали уйга кириб, синглиси билан кўришаётганда қуда хола айвонда, жойнамоз устида ўтирган эди. Йигитали намоз ўқияптими ё шунчаки ўтирибдими, деган хаёлда унга бир-икки қараб қўйди. Унинг ажабланаётганини сезган синглиси изоҳ берди:

— Турклар мошинларда юришибди экан, одамларни шартта-шартта отишяпти экан. Ўлсам имон билан кетай, деб шу ҳолда ўтирибдилар-да.

Бу гапни эшитиб, Йигиталининг жаҳли чиқди. Кампирга яқинлашиб салом берди-да, унинг алиқ олишини кутмай заҳрини сочди:

— Қуда хола, ким нима деса ишонаверасизми? Туркларнинг ҳаммасини адирга кўчиришди. Боши бузуқлар уларнинг уйларини ёқишди, одамларини ёқишди, ўз кўзим билан кўрдим. Лекин одам қириб юрган туркларни кўрмадим. Қўйинг бундай ўтиришни. Қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади...

Кампир Йигиталининг гапларига ишониб-ишонмай яна пича ўтирди. Бундан Йигитали баттар хуноб бўлди. Чой ичишга ҳам унамай, изига қайтди.

Қуёш ботай деб қолганида шаҳарга етиб борди. Кўчада қуролланган аскарларни кўриб, ажабланди. Автобус кутишнинг фойдаси йўқ эди. Яна пиёда юрди. Маҳалласига яқинлашганида димоғига куюк ҳиди урилди. Ёнғин асосан ўчган, фақат аллақаерларда нималардир хануз тутар эди. Кўчасига бурилиши билан иккита қуролли йигит рўпарасидан чиқиб, уни тўхтатди. Ҳе йўқ, бе йўқ, иккала қўлини кўтартириб қўйиб тинтиб чиқди. Йигитали жосуслар ҳақидаги филмларда шунақа қилишларини кўрган эди. Аввалига йигитларнинг бу қилиғини ҳазилми, деб ҳам ўйлади. Қўлини туширмақчи эди биттаси автомат қўндоғи билан елкасига уриб «Стоят!» деб бақиргач, «ёпирай, буниси қандоқ бўлди?!» деб қўйди. Аскар Йигиталининг камарига осилғиқ пичоқни қинидан чиқариб чироққа тутди. «Холодное оружие» деб шеригига кўрсатди. Сўнг қинга ишора қилди-да, Йигиталига «сними!» деб буюрди. Йигитали камарни бўшатиб, қинни чиқариб бергач, пичоқни жойлаб, чўнтагига солди-да:

— Пошли, — деб яна елкасига туртди.

— Ие, қаёққа пошли? — деди Йигитали. У русчани дуруст билмагани учун ярим русча, ярим ўзбекча қилиб тушунтирмақчи бўлди. — Моя дом ҳов анави ерда. Моя жена, детиларим ҳам кутиб туришибди. Қаёққа пошли?

Аскарлар унинг гапларига қулоқ солмай, қўндоқ билан туртиб, изига қайтишга мажбур қилишди. Йигитали гузардан ўтиб келаётганида усти ёпиқ иккита юк машинаси турганини кўрган, аммо эътибор бермаган эди. Уни машина ёнида турган зобитга рўпара қилиб, пичоқни беришди. Йигитали унга ҳам шу маҳаллада туришини айтиб, тушунтирмақчи бўлди. Зобитнинг боши гарангмиди, унинг гапларини эшитишни ҳам истамади. Йигитларга имлаган эди, улар дарҳол Йигиталининг қўлтиғидан олиб, машинага чиқаришди-да, орқасидан эшикни ёпишди. Ичкари қоронғи эди, кимдир йўталди.

— Оёққа эҳтиёт бўлинг, биродар, — деди кимдир. Овоз танишга ўхшади.

— Овозингиз танишга ўхшяпти. Шу ерликмисиз? Мен, Йигиталиман.

— Ие, Йигитали, тозаям тўпланибмизми, а? Мен Ҳамдамалиман. Соё бўйиданман. Қўшнингиз Юсуфалининг тоғасиман. Хабар олгани келувдим, денг. Мен нодон шомни ўқиб кета қолай, дебман. Шу ердан ўтаётсам, аскар болалар тўхтатиб туришибди, денг.

Йигиталининг тахминича бир соатча туришди. Яна икки киши сафларига қўшилди. Улар ҳам қариндошларидан хабар олгани келганлардан эди. Шундан сўнг машина жойидан жилди. Кўп ўтмай улар ўзларини милисахонада кўришди. Йигитали илгари бунақа жойда бўлмаган, бунчалик кўп милиса борлигини тасаввур ҳам қилмаган эди. «Кичкина милисахонада шунча одам ишларкан-да, а?» деб ажабланишди. У фавқулодда ҳодиса муносабати билан қўшни вилоятлардан ёрдамга қўшимча куч келганини қаердан билсин?

Уларни нимқоронғи, дим, сассиқ бир нарсанинг ҳиди келиб турган бир хонага киритишди. Хона тирбанд эди. «ёпирай, — деб ўйлади Йигитали, — шунча одамни тўплаб нима қилишар экан?» «Шунча одам» сафи орта берди. Ётиш, ёнбошлаш қаёқда, тик турган ҳолда тунни ўтказишга тўғри келди. Тонг отгач, бирин-сирин чақираверишди. Хонада одам камаяверди. Йигитали номини эшитганда «бу гўрхонадан қутулганим рост бўлсин-а», деб Худога шукр қилди. У чақирилганлар билан бир-икки оғиз гаплашиб, қўйиб юборишяпти, деб ўйлаган эди. Тўғри,

айрим одамлар гумондан нари бўлиб, уйларига қайтишарди. Айримларга эса қачон рухсат тегиши номаълум эди. Йигитали ана шу иккинчи тоифа одамлар рўйхатига киритилиб, шаҳар қамоқхонасига жўнатилди.

### 3

Тонгда уфқ қонталаш эди. Гўё кимдир кеча тўкилган қонларни бир идишга эринмай тўплагану туни билан эрмак қилиб осмон этагини бўяб чиққандай... Хушқайфият одам учун тонг отишини кузатишдан завқлироқ юмуш йўқ. Ҳатто энг уйқучи одам ҳам тонгда қушларнинг сайрашини бир эшитади. Эшитиб бир роҳатланади-ю, сўнг уйқусини келган жойидан давом эттираверади. Кеча адирга келиб жон сақлаган одамлар учун тонгнинг бундай сурури йўқ. Бу дилларни андуҳлардан тозаламоқ учун яна неча тонг отмоғи лозим экан? Бир неча лаҳзада вужудга эгалик қилиб олган ранждан холи бўлмоқ учун неча кун, неча ой, неча йиллар даркор экан? Кеча хуфтонга яқин келтирилган чодирлар, тўшаклар ҳаммага етмади. Уйқу асосан болаларга ҳукмини ўтказди. Катталар деярли ухлашмади. Зелихон Исмоилбей билан ўша бир чеккадаги дўнгликда ўтирди. Аҳадбей ҳам уларга қўшилган эди, Исмоилбей «болаларингни ёлғизлатма», деб изига қайтарди.

Исмоилбей кунботишга қараб узоқ ўтирди. Зелихон ибодатнинг тугагини тоқат билан кутди. У намоз ўқиганларни кўп кўрган, назарида ибодат бир неча лаҳзада тугагучи эди. Шу боис Исмоилбейнинг узоқ ўтириши унга ажабланарли туюлди. Сўнг: «Оғам илмли одам, қандай ибодат қилишни билади. Балки ҳамма шундай узоқ ўқир, мен аввал эътибор бермагандирман», деди.

— Ҳуббул Ватани минал иймани...

Исмоилбей бу гапни пичирлаб айтган бўлса-да, Зелихон эшитди. Эшитди-ю, аммо тушунмади. Ибодат давомида ўқилгучи дуо деб ўйлаб, индамай ўтираверди. Бир неча нафасдан сўнг Исмоилбей яна тилга кирди:

— Менинг Ватаним шу томонда, — деди у кунботарга тикилганича. — Ватанни севмоқ иймондан. Менинг эса Ватаним йўқтур. Мен Ватандан юз ўгирмадим. Ватан мендан юз ўгирдими? Ё Оллоҳ, Ватани йўқнинг иймони бўларми энди?..

Йиллар ўтар, балки асрлар ўтар, аммо ҳеч ким, ҳеч қачон уларнинг ватангадо бўлиб қолишлари сабабини аниқ айта олмас. Балки бу фақатгина қиёматда аён бўлгуси синоатдир? Тўғри, унга қадар аҳли илм, аҳли қалам турли гумонларини баён этаверарлар, кимларнидир айбларлар, кимларнидир оқларлар... Банда тўқиган гаплар ўткинчи эканини фаҳм этмайми, баҳслашаверарлар...

Зелихон Исмоилбейга оғир бўлганини билиб турса-да, чолнинг дарди у учун бегона эди. Чунки унда Ватан туйғуси йўқ эди. Тўғри, дастлабки қамалганида шунга ўхшаш бир туйғу бир уйғонди, аммо тарбияга муҳтож бу туйғунинг умри қисқа бўлди. Онгида охират тушунчаси бўлмаган одам шайтоннинг ўлжаси ҳисобланади. Шайтонга тобе одам қалбида эса бундай туйғуларни тарбия этмоқ мутлақ мумкин эмасдир.

Машойихлардан бири куйиб айтган эканки, ё Раббим, мен баъзи кимсаларнинг ҳолига ҳайрон қоламан: ўлимнинг муҳаққақлигини билгани ҳолда, қандай қилиб хурсандчиликка берила олади? Жаҳаннам азобининг ҳақлигини билгани ҳолда қандай кулади? Воқеан шундай. Ўлим билан юзма-юз келиб қолган дамдагина одам дунёда қувонч, хою ҳавас борлигини унутади. Аксинча, ягона қудрат соҳибини эслайди. Яна бир неча йил, ёки, майли, бир неча ой, у ҳам мумкин бўлмаса бир ойгина, бир кунгина, ҳеч бўлмаганда соат ёки дақиқа умр кўришни истаydi. Кечагина уларнинг хаёлига бу нарсалар келмаган, дунё фақат қувончлардан иборатдай беташвиш ўтиришган эди. Мана энди кутилмаганда ўзларини адирда бошпанасиз кўргач, хаёллари охират билан банд бўлди. Ота-оналар фарзандларига, болалар эса волидайн умрига барака беришни сўраб Яратганга ёлбордилар. Умр бўйи Оллоҳ номини тилга олмаганлар хаёли ҳам шу билан банд...

Яна машойхлар дерларки: бу дунёда моли омонат, ўзи эса меҳмон бўлмаган бирон кимса йўқтур. Меҳмон деган келади, кетади. Омонат эса буюрилган вақти етганда эгасига қайтиб берилмоғи жоиздир. Бешафқат ҳаёт бу ҳақиқатни бир ҳамлада аён этиб, одамларнинг юмук кўзларини очди.

Зелихон яна жимиб қолган Исмоилбейнинг ёнига яқинроқ сурилди.

— Оға, — деди у, — ҳали ҳушимдан кетган пайтимда тушга ўхшаган ғалати нарса кўрдим. Исмоилбей унга қаради. Чолнинг қарашида «қанақа туш?» деган савол зухур эди. Зелихон гапини давом эттириш мумкинлигини фаҳмлади:

— Бошимга зарба тушиши билан ҳаммаёқ гир айланди, кейин атрофимни зулмат ўраб олди. Иккита шарпа келиб, қўлтиқлаб кўтарди. «Яхши бўлди, булардан қутқаради», деб ўйладим. Шарпалар қўлтиқлаб кўтарганича мени чир айлантриб баландга, жуда баландга олиб кетишди. Худди саҳродаги гирдобга тушиб қолгандай бўлдим. Кейин бирдан зулмат тугаб, ёруғликка чиқдик. Атроф шу даражада ёруғ эдики, кўзларим қамашиб кетди. «Бунини нимага олиб келдиларинг, ҳали муҳлат бор», деган ғалати овоз эшитилди. Кейин яна гирдобга тушдим, яна зулматда қолдим. Шарпалар мени ерга ётқизиб, йўқ бўлишди. Кейин кўзимни очсам... Йигиталининг айвонида ётибман.

Зелихон жавоб кутиб, Исмоилбейга тикилди. Исмоилбей бир оз ўйга толди-да, чуқур хўрсинди. Сўнг:

— Бунинг таъбирини айтишга фикрим ожиз, — деди. — Валлоҳи аълам, Тангрим жонингни қайтариб берибди. Бунинг маъноси шуки, энди саёқ юришингни ташла. Қалбингни зангдан тозала.

— Қалб занги? — Зелихон кулимсиради. — Роса зўр гапларни топиб гапирасиз, тоға. Ҳозир намоз ўқиётганингизда нима учундир менинг ҳам ўқигим келди. Шунинг учун сизга яқинлашиб ўтирувдим.

— Ҳа-а... — Исмоилбей қўлини унинг елкасига қўйди. — Дилингдаги қулфни Тангрининг ўзи очибди, валлоҳи аълам. Бу — яхшилик аломати. Иймон келтир, биласанми?

Зелихон бош чайқади. У жинойтчилар тақдирини ҳал қилувчи жаъми қонунларни ёд биларди. Шу ёшга кириб, учтагина муқаддас сўздан иборат калимани айта олмади. Исмоилбей калимани айтди, у қайтарди:

— Ла илаҳа иллоллоҳ...

Бир неча марта қайтарди. Ҳар айтганида вужудини эзиб турган нимадир қочгандай бўлаверди. Ўша «нимадир»ни у билмас эди. Енгил тортаётганини ҳис қилиб туриб «қалбнинг зангдан тозаланиши шу бўлса керак», деб ўйлади.

Шу пайтда эллик қадамча наридан даъватчининг овози эшитилди. У атрофига ўн-ўн беш чоғли одамларни тўплаб Ватан, озодлик ҳақида гапирарди. Аввал Зелихон, сўнг Исмоилбей туриб, давра сари юрдилар.

— Аёлларимиз месхетияликлар орасида эркак зотидан борми, дейишяпти. Хўш, айтинг-чи, биз итмизми, ким ҳайдаса думимизни қисиб қочаверадиган. Ўзбекларни биз қариндош дердик, орқадош дердик. Улар номардлик қилдилар.

Шу пайт давра орасидаги бир йигит қўлини баланд кўтариб қичқирди:

— Қонга қон!

Унинг бу қичқириғи Исмоилбейнинг бошига гурзи каби урилиб, товонига қадар зириллатиб юборди. Баданига қалтироқ югурди:

— Зинҳор! — деб юборди у. Тўпланганлар давра четидаги қарияга ажабланиб қарадилар. — Зинҳор! — деб такрорлади Исмоилбей. — Худодан қўрқинглар! Ўзбекларни айбламанглар! Нон берган жон олмайди.

— Ватан бир боғдир. Бу боғнинг дарахтлари инсон қони ила суғорилмаги керак, — деди даъватчи. Исмоилбейнинг лаблари титраб «Астаффируллоҳ!» деди-ю, бошқа гапиролмай қолди.

— Чиройли гапирдинг, — деди Зелихон унга яқинлашиб. — Лекин бу боғ сеники эмас-ку? Боғни яшнатиб юборгинг келса, ана, қўлингга қурол ол, Месхетияннга бор. Уйингга кириб олганларни ҳайдаб чиқар. Қўлингдан келадими бу иш?

Даъватчи бу гапдан гангиди, бироқ сир бой бермаслик учун Зелихонга дағдаға қилди:

— Сен кимсан ўзинг? Қаёқдан келиб қолдинг?

— Мен — чеченман! Мен ҳам Ватанидан ҳайдалган инсон боласиман. Сен вайсашга уста экансан. Аммо сен бизга жой берган, нон берган, ўлганларга кафан берган ўзбекларни билмайсан. Сен унда йўқ эдинг. Кеча тухумни ёриб чиқиб, бугун элга ақл ўргатасанми? Билиб қўй, овозингни ўчирмасанг, кекирдагингни мана шу бармоқларим билан суғуриб оламан. Бу панжа шунақа ишларга мўлжалланган. Анча-мунча кекирдакларни суғуриб, роҳатланган. Кимсан, дединг, а? Билиб қўй, мен қамоқдаги карамшўрваларни ичиб катта бўлган одамман. Пачакилашиб ўтирмайман. Мен милисангдан ҳам, ҳукуматингдан ҳам қўрқмайман. Ҳамманг бола-чақаларинг билан индамай ўтирларинг. Яна ким «қонга қон!» деса шу ерда қон қусиб қолади. Мен — чеченман! Чеченлар бир сўзли бўлади, ҳа!

Даъватчи гапиролмай қолди. Даврадагилар аста тарқалишди.

— Уларни қўрқитиб юбординг, — деди Исмоилбей.

— Қўрқитганим йўқ. Агар яна гапирса, ростданам қилардим шу ишни. Ҳамма ғалвани мана шунга ўхшаганлар бошлайди. Юзта милтиқ топиб, тарқатинг, анави гўл йигитлар олади. Бу аҳмоқ эса олмайди. Биринчи бўлиб қочади.

— Булар серка тоифа одам бўлади. Қўйларни кушхонага бошлайди, ўзи эса омон қолади. Шунақалардан ўзинг асра, эй Тангрим!

Бу орада тўшак, чодир келтиришди. Зелихон битта тўшакни олиб келиб, дўнгликда ёлғиз ўтирган Исмоилбейга тўшаб берди.

— Оға, ётиб дам олинг.

— Сен ўзинг ётавер. Мен бу тунни Оллоҳнинг зикри билан ўтказарман. Аҳадбейга ҳам етдими тўшак?

— Ҳа, болаларига жой қилиб олди.

Исмоилбей айтганидай қилиб, ухламади. Яйдоқ ерга тиз чўкиб ўтирганича ибодат билан машғул бўлди. Зелихон тўшакка ёнбошлади. Унга халал бермади. Бир-икки кўзи илингандай бўлди. Субҳга яқин қаттиқ мудроқ босди. Исмоилбейнинг азон чақириғини эшитиб, уйғонди. Исмоилбей ўргатганидек таямум қилди, унга эргашиб намоз ўқий бошлади. Исмоилбей фарз намозини ўқиб, қаъдага ўтирганича қимир этмади. Зелихон анчагача тоқат билан ўтирди. Бу орада уфқ қонталаш бўлди. Атроф ёриша бошлади. Зелихон нима қиларини билмай, кечаги воқеаларни эслаб ўтираверди. Аҳадбей келмаганида, билмайди, қанча ўтирар эди... Аҳадбей ён томондан келди. У ҳам отасининг намоз ўқиётганини кузатган, узоқ ўтириб қолганидан ажабланган эди. Отасига яқинлашаётиб тиззаси устидаги ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи кўтарилганича қотганини кўрди. Отаси одатда ташаҳхуд ўқиётганида бу бармоғини бир кўтариб қўярди. Ҳозир эса бармоқ қотиб турибди.

— Ота, — деди Аҳадбей Исмоилбейга яқинлашиб. Садо бўлмагач, энгашиб, уни елкасидан ушлади.

Исмоилбей ўғлининг бағрига беозоргина бош қўйди. Аҳадбей отасини бағрига маҳкам босганича нима қиларини билмай қотиб ўтираверди. Зелихон ирғиб ўрнидан турди-да, чолнинг рўпарасига ўтди. Исмоилбейнинг кўзлари очиқ, бармоқлари ҳануз кунботар томонни кўрсатиб турарди.

#### 4

Бир неча дақиқалик саросимадан сўнг барчалари бир муаммо устида бош қотирмоққа мажбур бўлдилар: майит қаерга ва қай ҳолда кўмилади? Зелихоннинг хаёлига бобосининг қисмати келди. Бобоси қайтиш қилганида кафанни уй эгаси берган эди. Исмоилбейга ким беради? Бу

масала оғир эмас. Ҳукумат вакиллари топиб беришар. Аммо қаерга дафн этилади? Ғассол ким? Қаерда ювади? Агар пешингача дафн этилмаса, бу иссиқда... Оқсоқоллар турлича фикр билдиришди. Вакилнинг боши қотди. Бунақа ҳолатда кўпчиликнинг маслаҳатига қулоқ солинавверса ош пишмайди. Зелихон буни яхши билади. Аҳадбей отасига ўхшаган мўмин одам, ким нима деса кўнаверади. Шу сабабли Зелихон ўзича тадбир белгилаб, амалга оширишга киришди:

— Хўжайин, менга машинангни бериб тур. Чолни қишлоқдаги қабристонга кўмамиз, — деди у қатъий оҳангда.

— Йўқ, мумкин эмас. Аҳволни кўриб турибсиз, — деди вакил.

— Нимага мумкин эмас? Қишлоқда ўзбеклар турадимиз? — Вакил бош ирғаб тасдиқлади. — Менга қара, хўжайин, сенга тушунмайроқ турибман. Сен ўзинг ўзбекмисан, ахир? Вакил бу саволдан довдиради. Одамларга бир-бир қараб олиб, ўзбек эканидан хижолат чеккандай «ҳа» деб қўйди.

— Иккидан бири, — деди Зелихон унга қаттиқ тикилиб, — ё сен ўзбек эмассан, ё ўзбекларнинг кимлигини билмайсан. Исмоилбей оғам кеча «Нон берган — жон олмайди» деган эди. Билиб қўй, нон берган кафанлик ҳам беради, мазоридан жой ҳам беради. Сени қара-ю, яна ўзбекман, дейсан. Ўзбек бўлганинда ўликнинг устида бунақа мажлис қилиб ўтирмасдинг. Машинангни бер, Аҳадбей иккаламиз тушамиз.

— Яхши, машина бераман, — деди вакил, — омма, мен сизларни огоҳлантирдим. Бир гап бўлса мен икки киши учун жавобгар эмасман.

— Қўрқма, хўжайин, менга тегишмайди. Мен чеченман. Ўлдиришса, мана, Аҳадбейни ўлдиришар. Бир кишига жавоб берасан.

— Биз ҳам борамиз, — деди қариялардан бири, — икковинг шўппайиб кўтариб борасанларми?

— Сизлар шу ерда дуо қилиб ўтиринглар. Икковимиз шўппайиб қолмасмиз.

Зелихон айтганидай бўлди. Улар юк машинасида йўлга чиқдилар. Хотинлар қий-чув билан қолдилар. Зелихон дафн маросими қандай бўлишини яхши билмас эди.

— Ҳозир қаёққа борамиз? — деб сўради Зелихон Аҳадбейдан.

— Қишлоққа, — деди Аҳадбей унинг саволидан ажабланиб, — ўзинг айтдинг-ку.

— Қишлоққалигини биламан. Тўғри мазорга олиб бормаймиз-ку?

— Ҳа... балки мачитга борармиз?

Қишлоққа кираверишда учраган биринчи кишидан «мачит қаерда?» деб сўрашди. У берилган саволга аввал тушунмагандай бўлди. Қайта сўрашгач, бош ирғаб «қишлоқда мачит йўқ», деб жавоб берди. Зелихон билан Аҳадбей «енди нима қилдик?» деган маънода бир-бирларига қараб олдилар.

— Чойхона борми? — деб сўради Зелихон йўловчидан.

— Бор-да. Тўғрига юриб чапга бурилсанғиз гузарга чиқасиз. Чойхона ашатда.

Ҳовуз лабидаги сўрида икки оқсоқол нонушта қилиб ўтирарди. Аҳадбей машинада қолиб, Зелихон тушди-да, уларга яқинлашиб, салом берди. Чоллар ўринларидан туриб, қўшқўллаб сўрашгач, меҳмонни нонуштага таклиф қилдилар. Меҳмон ўтириб, фотиҳа ўқилгач, унга чой тутдилар. Зелихон чойдан бир хўплади-да, муддаога кўчмоқчи бўлди:

— Оталар, мен чеченман, анави машинада қолган шеригим — турк, — деди.

Сийрак соқолли чол кулимсиради.

— Меҳмон, сизнинг кимлигингизни сўраганимиз йўқ-ку? Чеченмисиз, бошқамисиз, бизга меҳмонсиз, бизга шуниси бас.

— Раҳмат, ота, замон алғов-далғов бўлганига шунақа девдим.

— Э меҳмон, замонни қўяверинг, ҳозир дийдор ғанимат. Насибангизда бор экан, қишлоғимизга келдингиз. Бир пиёла чой ичдингиз. Насибангизда бўлмаса, туя сўйиб чақирсак ҳам келмаган бўлардингиз. Шеригингизни ҳам чақиринг, чой ичсинлар, нимага тушмаяптилар.

— Машинада яна бир одам бор... Шеригингизнинг отаси...

— Хастамилар, ётибдиларми?

— Жон бердилар яқинда, намоз ўқиб туриб... Турклар адирда, биларсизлар. Кўмиш керак, мусулмонча қилиб.

Қариялар «Оллоҳ раҳмат қилсин», деб юзларига фотиҳа тортдилар.

— Оталар, хафа бўлмайсизлар, бир гап айтай?

— Ҳеч қанақа гап айтманг, меҳмон, биз тушундик. Сиз чой ичиб ўтиринг, хўбми, қани, Сотволди, тур.

— Тўхта, ҳовлиқмасанг-чи, гаплари бўлса айтсинлар. Меҳмон, ранжиманг, Ҳайитали тоғангиз сал шунақароқ. Айтовринг гапингизни.

— Айтмоқчиманки... чиқимини тўлаймиз.

— Астағфируллоҳ! — деди Ҳайитали оқсоқол. — Сотволди, эшитдингми? Шунақа гап чиқишини билганим учун айтманг, девдим. Энди меҳмон, айтишга-ку, айтдингиз, а? Энди пича уялинг. Бизларни ким деб ўйладингиз?

Ҳайитали гапира-гапира сўридан тушиб, кавшини оёғига илди. Сотволди оқсоқол унга эргашди. Зелихон учинчи пиёладаги чойни ичишга улгурмай Ҳайитали оқсоқол кўринди. У чойхона сари эмас, машинага қараб юрди. Аҳадбейга қараб: «Энди бандалик-да, иним, худо сабр берсин», деди-да, ҳайдовчи ёнига ўтирди. «Қани ҳайданг иним», деб йўл кўрсатди. Зелихон югуриб келиб жойидан жилаётган машинага чиқиб олди.

Машина бир уй қаршисида тўхтади. Бу ерда бир неча одам тўпланиб турган эди. Зелихон ҳам, Аҳадбей ҳам бу уй Ҳайитали оқсоқолники эканини кейинроқ билишди. Майитни уйга олишгач, Ҳайитали Аҳадбейга яқинлашди.

— Иним, отангизнинг биродарлари, қўни-қўшни, қариндош-уруғингиз бордир, а?

— Бор, — деди Зелихон ўртоғи учун жавоб бериб. — Адирда қолишган.

— Нимага қолишди? Нимага келишовурмади?

Зелихон ҳам Аҳадбей ҳам бу саволга жавоб беролмай кўзларини олиб қочишди. Ҳайитали ҳам саволига жавобни талаб қилмади.

— Сиз, иним, — деди Аҳадбейга қараб, — ичкарига киринг. Ғассолга қарашасиз. Сиз эса мен билан юринг, — деди Зелихонга. Зелихон «қаёққа?» деб ўтирмай, унга эргашди.

Адирдаги қўни-қўшни, Исмоилбейнинг биродарларини олиб қайтишганда дафн маросимига лозим бўлган юмушлар бажариб бўлинган эди. Ҳовлига жой қилинган, катта қозонда эса шўрва қайнаб турарди.

Аҳадбей машинадан тушаётган орқадолларини кўриб, йиғлаб юборди. Отасининг жони узилганидан бери кўзига энди ёш келди. У отасининг ўлганидан ёки унинг қадридан эмас, қишлоқдагиларнинг оқибатидан ҳаяжонланиб йиғларди.

Ҳайитали оқсоқол чўрткесар, бир сўзли эди: дафн маросимидан кейин ҳам меҳмонларга ижозат бермади. Шомга яқин вакил хавотирланиб етиб келди. Вақтида қайтмаганлари учун улардан ўпкалади.

— Қишлоғимизда авбошлар йўқ, Худога шукр. Шу ерда тураверишсин. Бийдек чўлда нима бор экан? Чолларни уринтириб қўйибсиз, иним, — деди Ҳайитали унга.

— Бошқа чорамиз йўқ, отахон, қишлоғингиз тинч, биламиз. Лекин бу ерда турклар борлигини билса, шаҳардаги бетамизлар етиб келиб бир балоларни бошлайди. Адирда буларни аскарлар қўриқлайди.

— Тўртта-бешта безорини жиловлай олмасангиз, нима қилиб ҳукумат бўлиб юрибсиз, иним, шу ҳам ишми? Ёмонга ёмон бўлинг, шартта-шартта отинг-да, вассалом!

— Айтишга осон... — деб минғирлади вакил, сўнг Зелихонга «бу ғалвани сиз бошлаб эдингиз, энди ўзингиз эпланг бу ёғини» дегандай нажот кўзи билан боқди. Зелихон Ҳайитали оқсоқолга, унинг ҳамқишлоқларига миннатдорлик билдириб, қарияларни машинага таклиф этди.



Ўша дўнглик... Яна икки киши... Яна шом... Аммо шом азони эшитилмайди. Ҳеч ким намоз ўқимайди. Дўнгликдан икки қадам нарида Аҳадбейнинг оиласи, қўшни хотинлар, болалар... Аҳадбей билан Зелихон қонталаш уфққа тикилишган. Айтадиган сўзлари йўқдай... Жим... Жимликни болаларнинг овозлари бузади:

— Зарине, кел, меҳмон-меҳмон ўйнаймиз. Сен меҳмон бўласан...

— Ўйнамайман. Ҳали ҳайдаб юбординг-ку. Сенга меҳмон бўлмайман...

Болаларнинг суҳбатига Аҳадбейнинг хотини қўшилади:

— Зерине, ўйнай қол, Гулсине меҳмонни ҳайдамайди, у ўзбек эмас.

Бу гап хаёлга берилган дўстлар қулоғига ўқдай урилди. Аҳадбей сапчиб ўрnidан турди-да, хотинига яқинлашиб юзига тарсаки туширди. Бунга ҳам қаноат ҳосил қилмай тепди. Яна тепмоқчи бўлганида Зелихон ўртага тушди.

— Нимага урасиз? Гуноҳим нима? — деди хотин йиғламсираб.

— Сен аҳмоқ одам айтадиган гапни айтдинг, — деди Зелихон.

— Қайси гап? — деб ажабланди хотин.

Аҳадбей унга жавобан сўқинди. Зелихон уни елкасига қўлини қўйиб нарига бошлади. Хотин жавраб қолаверди.

— Парво қилма, хотин зоти нима гапирганини ўзи ҳам билмайди, — деди Зелихон дўстига тасалли бериб.

Атрофга қоронғилик чўка бошлади. Катта чодир яқинида овқат улашилди. Улар боришмади. Яна кунботарга тикилганча жим ўтирдилар.

— Бармоқларини тўғрилаш мумкин бўлмади, — деди Аҳадбей.

— Нимага кўтарган эканлар, билмайсанми?

— Намозда шунақа одатлари бор эди. Бир куни сўрасам, пайғамбар афандимиздан суннат девдилар. Муҳаммад алайҳиссалом намоз ўқиб ўтирганларида тоғ қулай бошлаган экан.

Намозни бузмай кўрсаткич бармоқларини кўтарганларининг ўзида тоғ қулашдан тўхтаган экан.

— Мен «Месхетиям шу ёқда» деб кўрсатмоқчи бўлганмилар, деб ўйлабман.

Аҳадбей бош чайқайди-ю, енгил хўрсинди. Сўнг ўзига-ўзи гапиргандай деди:

Қўнма булбул, қўнма булбул

Дарахт шохига,

Налар келди, налар келди

Юртим бошига...

— Нима дединг, тушунмадим?

— Болалигимда отам шуни хиргойи қилиб юрардилар. Халқ қўшиғи, дер эдилар.

Бу гапдан кейин Зелихон кеча тундаги суҳбатни ёдга олди. Исмоилбей Ватан ҳақида гапира туриб: «Агар сендин тонар бўлсам, насибам оҳу зор ўлсун», деб хўрсиниб қўйган эди. Зелихон бу гапни хотирасига муҳрлашга ҳаракат ҳам қилмаганди. Ҳозир нечундир эслади. Эслаб туриб, баданида худди минглаб чумоли баробар ўрмалагандек сесканди.

Ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтирдилар. Тонгга яқин бир-бирларига суянган ҳолда пинакка кетдилар. Зелихон бир тутамгина уйқусида икки марта чўчиб уйғонди. Ҳар сафар ёнига Исмоилбей келиб хўрсинади-да, қулоғига шивирлайди: «Агар сендин тонар бўлсам, насибам оҳу зор ўлсун».

Ерталаб «йўлга ҳозирланинглар» деган буйруқ берилди. Пешинга яқин турнақатор бўлиб автобуслар кўринди. Қаёққа боражакларини ҳеч ким билмас эди. Кимдир умид билан «Месхетиямизга олиб боришса эди», деди. Дам ўтмай бу умид «Месхетияга қайтар эканмиз» деган ҳақиқатга айланиб, тирналган қалбларга малҳам бўлди.

Автобуслар шаҳарга яқинлашаётганда Зелихон Аҳадбей билан хайрлашди.

— Қаерга борсанг ҳам, сени топаман. Бу ерда қиладиган чала ишларим бор.

— Тинч юр. Биз билан кетавер. Чала ишларинг чалалигича қолаверсин.

— Ҳозир кета олмайман. Сени топаман...

Автобус аэропорт ёнидан ўтаётганида Зелихон тушиб қолди. Автобуслар шошилмай, секин юришарди. Зелихоннинг назарида улар одамлар қалбидаги дарднинг оғирлигини тортолмаётгандай эди. У автобуслар ортидан келаётган ҳарбийлар машинаси кўздан йўқолгунча кўзини йўлдан узмади. Шу ҳолда турганида ўша таниш овоз қулоғи остида яна шивирлади: «Агар сендин тонар бўлсам, насибам оҳу зор ўлсун...»

## IV Б О Б

### 1

Зоҳид Маҳмуд Эҳсоновни сўроққа чақиришга чақирди-ю, кейин тўғри қилдимми, деб боши қотди. Шу ҳолда гаранг бўлиб ўтирганида хонасига маёр Солиев кириб келди. Зоҳид унга Жамшиднинг уйига боргани, ўгай онаси билан гаплашгани ҳақида гапириб берди. Қисқа ҳисоботнинг охирида Маҳмуд Эҳсоновни чақиртирганини ҳам айтиб «бунисига нима дейсиз» деган маънода маёрга тикилди. Маёр унинг нигоҳидаги саволни тўғри уқиб, жавоб берди: — Бекор чақирибсан. Унинг кимлигини билардинг-ку? Асадбек кўпроқ шунинг маслаҳатига юради, дейишади. Бу Чувринди Асадбекнинг боши, Кесакполвон деганлари оёқ-қўли. — Демак, чақиртириб тўғри қилибман. Демак, ҳамма ишларнинг тепасида шу одам турган. Демак, калаванинг учи шунинг қўлида. Демак...

— Демак, — деди Солиев истехзо билан, — демак, сен ҳали ҳеч нарсага тушунмабсан. Ма, ўқи. — У ён чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, Зоҳидга узатди.

Зоҳид ёзувларга бир кўз югуртириб, кейин маёрга ҳайрат билан қаради. Сўнг яна ўқиди.

— Мурда аввал ёриб кўрилган? Бош мия, буйраклари олинган? Ўша ёндирилган мурдами? Қаяқдан чиқди бу гап?

— Аввалги экспертиза хулосасини амалиётчи талаба ёзган экан. Буларни ёзиш шартмасдир, деб ўйлаганмиш. Бўлим бошлиғи бугун билиб қолиб, менга қўнғироқ қилди. Узр сўради. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолсин, деб ялинди.

— Бировга жон ширин, бировга жой ширин, — деб тўнғиллади Зоҳид. — Бунақа бошлиқларнинг онасини...

Зоҳид ўша бўлим бошлиғининг онасини нима қилиш лозимлигини айтди-ю, тилини тиёлмагани учун Солиевдан хижолат бўлди. Бир томондан, ғазаб, бир томондан, хижолат исканжага олди. Маёр «ўзига келиб олсин», деб индамай ўтирди. Зоҳид одати бўйича, бир вараққа қандайдир формулалар ёзди, ўчирди, яна ёзди. Фикрини сал жамлаб олгач, маёрга қараб кечирим сўради.

— Бу қўшимча хулосасиз ҳам мурда Жамшидни эмаслиги бизга аниқ эди. Мурданинг кимлигини энди аниқлаб бўлмас. Фалокатга учраган, ўликхонада эгасиз ётган балки бирон меҳмондир.

— Бу томоша уларга нима учун керак? Шунга ақлим етмаяпти.

— Уларга, деганинг ким?

— Асадбекка-да.

— Бу ишни Асадбек қилган, деб ишоняпсанми?

— Ахир Жамшид деб кўмишибди-ку? Ўликхонадан бизнинг рухсатимизсиз олишган. Қалбаки ҳужжат тайёрлашган.

— Эҳсоновга шуларни айтасанми?

— Айтмайинми?

— Арқонни узун ташла. Улар бизни лақиллатмоқчи бўлишибдими, майли, лақмага ўхшаб кўринавер. Биз Жамшидни қидиришимиз керак.

— Тирик деб ўйлайсизми?

— Билмадим. Балки тириқдир. Балки ўлдириб кўмиб ташлашгандир. Ҳарҳолда, улар

Жамшиднинг тирик эканига ишонишимизни исташаётганга ўхшашади. Экспертиза хулосасидаги камчилик бекорга аниқланмагандир. Бўлим бошлиғи индамай қўя қолса ҳам бўларди.

— Яна бир гумон бор: балки иккала ўлимнинг қотили бир эканига ҳам ишонтиришмоқчидир? Биринчиси — чинакам қотиллик. Жалол Комилов қийнаб ўлдирилган. Балки қотил Жамшиддир? Бугун уни ўлдига чиқариб, эртага бошқа ҳужжат, бошқа исм билан тирилтиришса-чи? Иккинчиси қотиллик эмас, шунчаки ўйин. Бир неча кун аввал ўлдирилган одамнинг эркаклигини кесиб ташлашдан мақсадлари нима? Қотилнинг услуби шу, дейишмоқчимизми? Жамшид аввал бир қизни зўрламоқчи бўлгани учун қамалган. Эркакликнинг кесиб ташлангани шунга ишора эмасми? Ҳа, айтмоқчи, марҳумнинг буйраклари нега йўқ бўлди? Жигар эзилган, бош майиб. Ҳар ҳолда, машина уриб юборган бўлса керак. Буйракларнинг кимга кераги бор?

— Илмий тадқиқот учун олишгандир. Буйракни кўчириб ўтказиш маркази бор, эшитмаганмисан? Буйраги қурий бошлаган одамлар шунақа ҳодиса бўлишини кутиб ётишади. Қизиқ-а, ўлмай қолиш учун бошқа бир одамнинг ўлишини кутиб ётишади.

— Ҳа... — деди Зоҳид, енгил хўрсиниб, — ўлмай қолишнинг турлари кўп.

Шу пайт хонага Ҳамдам кириб келди. Кўринишдан кайфияти яхши эди. Зоҳид билан кўриша туриб «битта ошга тушдинг, прокурор» деб қўйди.

— Зоҳидни битта ош билан қўрқита олмайсан, — деди Солиев. — Қотилни топган бўлсанг, қўй сўяди. Ароқ-шароғи мендан.

— Буниси ҳам бўлади, — деди Ҳамдам кафтларини бир-бирига ишқаб. — Бугунгиси битта ошга арзийдиган гап. Зоҳид, акангнинг таги қимирлаб қолганга ўхшайди.

— Қайси акамнинг?

— Собиқ бошлиғинг, капитан Мирсултонов аканг эмасми? Хў-ўш... биздан ўтган икки-уч ишни шаҳар суди қайтарган эди. Бугун юқорида капитанни бурашибди шекилли. Ҳозир менга ҳасрат қилиб қолди. «Жойимга биров кўз тикиб турибди, эзмасдан тўғриси айтиб қолишмайдимиз?» дейди. Мен ҳам тўғриси айтдим-қўйдим. «Акахон, — дедим, — айб ўзингизда, қўрқоқлик билан узоққа бориб бўлмайди. Қўлга тушган жиноятчи албатта фалончининг ўғли бўлади ёки пистончининг жияни, ё қўшниси бўлади. Бусиз илож йўқ. Ҳамманинг кўнглига қараб иш тутсак, эрталаб қўлга олиб, кечқурун узр сўраб чиқариб юбораверамиз. Шунинг учун ҳам бизни биров бир тийинга олмайди», дедим. Шунақа, прокурор, йиғлаб юборай деб ўтирибди аканг. Зоҳидга бу гаплар малол келди. Айниқса Солиевдан хижолат бўлди. Унга қарамасликка тиришиб:

— Ҳамдам ака, бировнинг ташвишидан қувонганимни аввал кўрганмидингиз? — деди.

— Бунинг нимаси ташвиш? Сен ҳақиқатпарастсан-ку? Ҳақиқат истар эдинг, рўёбга чиқяпти. Ўз ўрнига номуносиб одам кетадиганга ўхшайди.

— Ўз ўрнига муносиби келадими? — деди Солиев унинг гапини бўлиб.

— Буниси энди Худога боғлиқ. Бўпти, бу гапим ёқмаса, ёқадигани ҳам бор: битта инсофли одам топилди. Шоир экан. Гувоҳликка чақирмасликка минг марта қасам ичириб, кейин бир машинанинг номерини айтди. Керак бўлади, деб ёндафтарига ёзиб қўйибди. Айтгиси келади-ю, қўрқади — у кўкрак чўнтагидан бир парча қоғоз олиб Солиевга узатди. Маёр қоғозга кўз югуртирди-ю, бетоқат қараб турган Зоҳидга узатди.

— Яна ўша таксопаркми? — деди Зоҳид ажабланиб. — Нима, бу тасодифми?

Солиев «билмайман» дегандай елкасини қисиб қўйди.

— Иккидан бири: ё тасодиф, ё кимнингдир бефаҳмлиги.

— Ёки, — деди Солиев, — бизни кимдир майна қилмоқчи, лақиллатмоқчи. Шу учинчиси тўғри бўлса керак. Рақибни ҳеч қачон бефаҳм деб ўйламанглари. Агар шундай ўйласанглари, ўзларинг калтафаҳм бўлиб қоласанлар. Таксопаркка бормагандирсан?

— Қаранг, шу ишга келганда фаҳмим узунлик қилиб, бордим, — деди Ҳамдам кесатиб.

Ҳайдовчи Сайфи Турдиев. Уч кунга рухсат олиб Учариққа кетибди. Укаси қамоқда экан. Эртага

ишга чиқади.

— Эртагача Учариқ билан боғлана оламизми? — деб сўради Зоҳид маёр Солиевдан. У маёрга тўғридан-тўғри иш буюраверишдан андиша қилиб, баъзан шундай савол билан мурожаат этарди. Солиев бу ишнинг муҳимлигини билгани учун телефон гўшагини кўтариб, керакли бўлим билан суҳбатлашиб топшириқ берди.

— Бугун кун исиди, — деди Ҳамдам елпиниб. — Прокурор деса, савлатингдан эшак ҳуркади-ю, хонангга битта кондитсионер қўйдирсанг бўлмайдими? Ўртоқ маёр, сиз телефонда гаплашгунингизча мен калтафаҳмлик давосини ўйлаб топдим. Айтайми?

— Айт, — деди Солиев кулимсираб, — пичинг дарсидан баҳоинг аъло, қани гапир-чи, узунфаҳм.

— Дўхтир ёзиб берган зўр дори бор. Номи «Витамин-П». Уни топиш учун ҳозир шогирдингиз навбатчи машинани чақиради. Икки соатга «махсус топшириқ» билан бир жойга бориб келамиз. Қаяққа, деб сўрамайсанми, прокурор?

— Сўрамайман, гапингиздан қитмирликнинг ҳиди келиб турибди.

— Қитмирлик эмас. Ҳали бу таклифим мойдек ёқиб, менга раҳмат, акахон, ҳам дейсан. Хуллас, гап шуки, сен машина чақирасан, биз ўтирамыз, кейин анҳор бўйидаги ўзинг билган пивохонага борамиз. Сен битта, мен иккита пиво ичамиз. Жаз-буз дегандай, а?

Зоҳид Ҳамдамнинг мақсадини англаб, жилмайди. У анҳор соҳилидаги кўримсиз пивохонани биларди. Ҳамдам «бу пивохона эмас, миш-мишхона, ҳар қандай ахборот шу ерга оқиб келиб, жамланади», дерди. Ҳамдам пивохона хўжайини билан ўзаро оғзаки шартнома тузиб олган эди. Бу шартномага мувофиқ Ҳамдам уни назоратчилардан ҳимоя қиларди, у эса барча миш-мишларни оқизмай-томизмай Ҳамдамга етказарди. Ҳам тижорат, ҳам сиёсат, деганларидай, Ҳамдам ҳам бўлаётган ёки содир бўлиши кутилаётган воқеалардан огоҳ этиларди, ҳам бақалоқнинг зиёфатидан ҳузур топар эди. Айнан шу миш-мишхонадаги гаплар унга баъзан чигал масалаларни ечишга ёрдам берарди. Зоҳид бунини билгани учун ҳам жилмайиб:

— Раҳмат, акахон, — деди, сўнг Солиевга юзланди. — Мақсуд ака, бу топшириқни бажармасак бўлмайди. Фаҳмни чарҳлаб келайлик.

Бир неча дақиқадан сўнг уччовлари машинага ўтириб, эски шаҳар томон юрдилар. Бозордан ўтганларидан сўнг йўл бўйида икки-учта ғишт устига қўйилган бўш пиво идишлари кўринди.

— Кўча ҳаракатининг янги белгилари, — деди Зоҳид кулиб.

— Милитсияда энди иш бошлаганимда устозим бўларди, урушда жанг қилган, ҳалол инсон эди,

— деди Солиев. — Аммо хаёлпарастроқ эди, бечора. Ўша одам, ҳадемай тўқчилик бошланиб,

жиноят камаяди, дерди. Тўқчилик ҳам бошланди, эркинликни ҳам бериб юборишди. Мана

аҳвол. Хоҳла молингни сот, хоҳла ўзингни сот. Пул топиб ўзингни хурсанд қилсанг бўлди.

Маёرنинг гапларини эшитиб келаётган Ҳамдам бир шумликни ўйлаб машинани тўхтатди.

Пастга тушиб йўл ёқасидаги бўш шишаларни бир чеккадан йиғиштира бошлади. Тол соясидаги пивони шишаларни олаётганида сал нарида турган хотин «ҳай-ҳай»лаб югуриб келди.

— Ҳой, балойи нафс, нима қилбсан?

— Мусодара қиляпман.

— Кимсан ўзинг, мусодара қиласан?

— Мелисаман.

— Кўрсат қоғозингни.

— Ана, — деди Ҳамдам машинани кўрсатиб.

— Бунақа мошин Ҳайдар жиннида ҳам бор.

— Қани юр, бўлмаса. Мошинга ўтир, Ҳайдар жиннини мелисада айтасан.

— Ҳа, балойи нафс, пивони қўй жойига. Ҳаққингни берай. Шуне сотмасам болаларем оч.

— Боланг ҳозир оч эмас, ёлғон гапирма. Ҳозир олиб бориб қамайман, кейин оч қолади.

— Ҳай, ҳай, совуқ гап гапирма, бачам. Ўртоғунг дуруст бача экан, сен нодуруст иш қилма.

— Қайси ўртоғим?

— Дониёр-да. Эрталаб келаде, ҳаққини оладе, кетаде. Қамайман, демайде, сенга ҳам берайинме?

— Дониёрни ҳам қамайман, — деди Ҳамдам жиддий тусда. Аёл: «Дониёрни қамаса каттароқ киши экан», деб ўйлаб, довдиради. Ҳамдам Дониёр деган йигитни танирди. Унга ҳам бир қитмирлик қилиб қўйгиси келиб аёлга қатъий тарзда буюрди: — Хў-ўш, бугунча сени қамамайман. Шу кўчадаги ҳамма чайқовчиларга айтиб чиқасан: агар шу ишни йиғиштирмасаларинг, Сибирга олиб бориб қамайман. Дониёрга ҳам айт, генерал келиб сени сўқди, деб айт.

— Иби, сиз гинролми?

— Ишонмайсанми? Қоғозимни кўрсатайми?

— Ишондим, ўртоқ гинрол. Ҳаммаси ест бўладе. Уйда халадийнада муздаги бор, олиб чиқайми? Сизга текун.

— Пора бермоқчимисан?

— Пора эмас, болангдан айланай гинрол. Ёрдамчиларингиз ичсун, дуо қилсунлар.

— Сен буюрган ишимни бажар. Машинанинг нўмерини кўрдингми? Ёдлаб ол, Дониёр сўрайди.

— Ҳамдам шундай деб юкхонаси эшигини ёпди-да, машинага ўтирди. Аёл: «Бу ростдан гинрол бўлса, нима учун шиша йиғиштириб юрибди», деб ўйламади ҳам.

Машина юргач, Ҳамдам қилган ишидан завқланиб, хахолаб кулди.

— Дониёрни танийсан, а? Анави юмшоқ супурги-чи? Буларни соққани келганида хотиндан бу гапларни эшитади. Генерал ким экан, деб боши қотади. Машина номерини билгач, прокуратурадан ким келибди, деб пайтавасига қурт тушади.

Зоҳидга ҳам, маёрга ҳам Ҳамдамнинг бу шумлиги маъқул келиб, кулимсираб қўйишди.

Анҳор соҳилидаги пивоҳона бўш, кўйлаги тугмачаларини ечиб, елкасига кирланган сочиқ ташлаб олган хўжайин ҳисоб-китоб билан банд эди. Йўл четида тўхтаган «Волга»ни, ундан тушаётган Ҳамдамни кўриб, ирғиб ўрnidан турди-да, йўл-йўлакай кўйлаги тугмаларини солиб уларга пешвоз чиқди.

— Ҳисоб-китоб қалай, қуруғидан тушиб турибдими? — деди Ҳамдам у билан сўрашиб.

— Ҳа энди, сизлар бор, ҳисоб ҳам қойили мақом-да.

— Ҳисобинг биз билан эмас, лўлилар билан битади. Лўлилар пивофурушликни ўрганганларидан бери яйраб қолдинг, а?

— Ҳа энди, акахон, тирикчилик, ўзингиз биласиз. Жойни қаерга қилай?

— Шу сўрайдиган гапми? Мана бу йигитни танийсан, а?

— Ҳа. Акахон, камнамо?

— Бу ҳозир прокурорларнинг каттаси бўлиб кетган. Машинасини кўрдингми?

— Кўрдим, қойили мақом. Муборак бўлсин, акахон.

— Бу киши шу прокурорнинг устози. Билдинг, а, шунга қараб муомала қилавер.

— Муомаланинг зўри бизда-да. Чехникдан олиб қўйибман.

Улар пивоҳонанинг орқа томонига ўтишди. Хўжайин бақалоқ бўлгани билан чаққон эди.

— Акахон, каллангиз ғиж-ғиж ақл-да. Келиб жуда яхши қилибсизлар. Иссиқни қаранг, ямламай ютаман, дейди. Бугун қирқдан ошар, а?

— Шу ҳам иссиқми? — деди Ҳамдам. — Эллик бўлганда эди, суякларга сал иссиқ ўтарди.

— Гапни ҳам оласиз, а? — деб қоринларини селкилатиб кулди хўжайин.

— Биз юз даражада қайнайдиган одамлармиз. Қирқинг нима экан.

— Гапни ҳам эвордингиз.

— Ўзинг етмиш олти бўлиб олибсан шекилли?

— Ҳа энди, акахон, кеча кўпайиб кетган экан. Қултомитсиндан сабуҳий айламасак бош оғриқ босилмайди.

— Эшитдингизми? — деди Ҳамдам маёрга қараб. — Похмелни «сабуҳий» дейдилар, бу акам. Одамларнинг иссиғи ўттиз олти бўлса, бу акахонники ҳамиша етмиш олти. Ароқдаги қирқ

даражани қўшиб юрадилар. — Ҳамдам унинг қорнига қўлини бигиз қилди. — Бу қорин эмас, рестораннинг омбори.

Солиев бу ҳазилдан кулиб қўйиб, пивохоноа хўжайинига зимдан назар ташлаб қўйди.

Муздек пиводан ичишаётганда хўжайин ғойиб бўлди. Дам ўтмай иккитадан нон орасига қўйилган кабобни кўтариб келди.

— Шунга тамадди қилиб турунглари. Димламани ҳам бошлаб қўйдим. — У шундай деб изига қайтмоқчи эди, Ҳамдам тўхтатди:

— Янгиликлардан гапир.

— Янгилик унча йўғам. Кеча тўққизинчи қаватдаги битта жувон ўзини ташлабди. Аввал ўзини осмоқчи бўлган экан. Сал эси оғиброқ қолган экан, дейишди. Эри...

— Хўп, буни биламан.

— Бошқа гап йўқ, бўлмасам.

— Бордир, эслаб кўр. Битта одамни осиб, ёқиб юборишибди-ку?

— Э, уми?.. — Хўжайин сал довираб Солиевга хавотир билан қараб қўйди.

— Гапиравер, — деди Ҳамдам унинг хавотирини сезиб. — Сени сўроқ қилгани келишгани йўқ. Димламангни мақтаб олиб келганман буларни. Хўш, одамлар нима дейишяпти?

— Ҳа, энди одамларни биласиз-ку?

— Гапни ямлама.

Хўжайин гапимни биров эшитиб қолмасин, дегандай қаддини сал эгиб, пастроқ овозда деди:

— Асадбекнинг одамини ўлдириб кетишганмиш. Асадбек уни ўз ўғлидай яхши кўраркан.

Шунинг учун ўзининг уйдан чиқаришибди.

— Буниси ёлғон, — деди Ҳамдам. — Шеригининг уйдан чиқаришган.

— Эшитганимни айтдим, ўзимдан қўшмадим.

— Хўп, ким ўлдирибди?

— Бири у дейди, бири бу дейди.

— «У», «бу»нинг оти борми?

— Ҳосилбойваччанинг Шомил деган йигити бор экан, ўшанинг иши дейишяпти. Яна биттаси Мойсянмиди... ўшанинг одамлари ҳам чатоқ эмиш-да. Асадбек билан винзаводни талашишаётган экан.

— Яна?

— Бўлди.

— Бу димламангни хом пиширибсан. Гапларингга беш кетмадим. Бор, овқатга қара. Ҳа, шопирнинг қорнини тўйғаз. Юкхонада шишалар бор, лўли хотинларинг бериб юборишди. Сенга дуойи салом, ўша. Шунинг ҳисобига шопирга ҳам бер пивондан, уйига борганида ичар. Билиб қўй, ўша одамни Асадбекнинг ўзи ўлдиртирган. Яна бировга гуллаб қўйма.

Хўжайин узоқлашгач, Зоҳид Ҳамдамга норози қиёфада боқди.

— Нега ундай дедингиз? Гуллаб қўйма, деганингиз билан бугуноқ оламга ёяр?

— Менга шуниси керак-да. Шу гап Асадбекка етиб борсин. Буни асп юриш дейдилар.

## 2

Анвар Элчинни йўқлаб келганида чиндан ҳам хуш кайфиятда эди. У бир неча йилдан бери руҳиятдаги ўзгаришларни кузатиб, бу кун кайфияти яхши ё ёмон бўлишини тонгдаёқ сезадиган бўлиб қолган. Мана шу сезги руҳига ўзи хўжайин эмаслигини англатган. Баъзан сабабсиз ҳолда кўнгли равшанлашиб кетади. Баъзан эса ғашланади. Биров уни уришмайди, сўкмайди. Лекин кўнгли ғашланиб юраверади.

Бу тун уйқуси яхши бўлмаса ҳам тетик ҳолда уйғонди. Нонушта пайти чой узатаётган хотини ширингина жилмайиб қўйди. Мана шу жилмайиш унга ёқиб кетди, туйғуларини қитиқлаб уйғотди. Онаси бўлмаганида шартта туриб, бағрига олиши тайин эди. Онаси ҳам нонушта пайти насиҳатларини, ҳасратларини унутиб, Хонзода келинига ёшлигидаги ажиб воқеаларни

сўзларди. Ишга отланиш чоғида хотини яна бир жилмайиш билан кўнглига навбатдаги чироқни ёқди. Бу сафар жилмайгани учун эридан мукофотини олди.

— Нимага эрталабдан жилмайиб қолдинг? — деди Анвар уни бағридан бўшатиб.

— Жилмайиб бўлмайдимми, хўмрайиб юрайинми?

— Энди айтаман-да. Бекорга жилмаймассан?

— Бекорга эмас, ҳаққини олдим-ку?

Бу нозли гапдан сўнг бир жилмайишнинг ҳаққи икки ҳисса тарзида тақдирланди.

— Ойим айтдилар, эрингизга эрталабдан жилмайсангиз, уйингизга фаришта киради, дедилар.

— Яхши гап экан. Олдинроқ айтмайдиларми шу гапни.

Анвар кузатган: яхши кайфият билан уйдан чиқса, автобус ҳам дарров кела қолади, одам кўп бўлмайди, энг қизиғи — фақат чиройли қиз-жувонларни учратиб, кўнгли яйрайди. Аксинча, дили хуфтон тарзда чиқса, автобусни узоқ кутади, одам кўп бўлади, хунук қиз-жувонларни кўриб, ғаш келади.

Бугун малоҳатли қиз-жувонларни кўриш насиб этган кун эди. Автобусда, худди атайин уюштиргандай, биттагина жой бўш эди. Анвар гўзаллигини таъриф этмоққа сўз ожиз бир қиз рўпарасига ўтирди. Қараб қизни ҳижолат қилмай деса ҳам, кўзи қурғур бўйсунмади. Қиз бундай сукли қарашларга кўниккан ёки бешиб кетганми, бепарво ҳолда дераза оша кўчага кўз тиккан эди. Анвар беихтиёр равишда:

Лабинг малоҳати ғавғо кўпорди оламдин,

Шакарни бўйла киши қайда кўрди шўрангиз, —

деб юборгиси келди-ю ўзини тутди. Манзилига етганида уни биров бўйнидан бўғиб туширгандай бўлди. Автобус изини кўзлари билан ўпди — чунки унда малоҳат соҳибаси бор эди. Упа туриб алам қилди: сен ҳам одаммисан, деб бир қараб қўймади-я!

Институтга кираверишда тўрхалта кўтарган ўрта ёш киши уни тўхтатди:

— Жиян, шу ерда ишлайсизми? — деб сўради у.

— Ҳа, — деди Анвар унга салом бериб.

— Менга бир одам керак. Холидий деган олим. Шу ерда ишлар экан?

Анвар бу номни эшитиб унга зимдан кўз югуртирди. Кўринишидан камбағалгина, соддагина киши. Тўрхалтада иккита китоб. Белбоққа ўралган нарса нон бўлса керак. Шимлари ғижим. Поездда шу ҳолда етгандир. Ювилавериш ҳолдан тойган қўйлак ёқасининг учлари шойигулнинг баргларига ўхшаб буралиб қолган. «Қариндошига ўхшамайди. Қизиқ, нимага керак экан?»

— Холидий домлангиз ҳали келмагандирлар. Иш вақти бўлгани йўқ.

— Чой-пой ичиб келсаммикин? Икки соатдан бери шу ерданман. Поезддан тушиб тўғри келаверган эдим.

— Ие, шунақами, юринг, бўлмаса, чой-пойни бирга ичамиз.

У «қандай бўларкин?» деб истиҳолага бориб ўтирмай, Анварга эргашди. Анвар хонага кириб чой қўйди. У киши тўрхалтадан белбоғни олиб, очди. Битта нон, уч-тўрт қант-қурсни ўртага қўйди. Нонни синдирди-да:

— Олинг, жиян, мозорбосди, — деди.

Чой ичаётган маҳалда Анвар сўрамаса ҳам, ўзи муддаога кўчди:

— Мен мактабда тарихдан дарс бераман. Уч-тўрт кун бурун битта китобча қўлимга тушиб қолди. Чиққанига анча бўлган экан. Мана, — у тўрхалтадан китобчани олиб Анварга узатди. — «Қишлоқларда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда партия ячейкаларининг рўли» экан.

— Биламан, кўрганман, — деди Анвар, китобни қўлга ҳам олмай.

— Билмайсиз, жиян, — деди меҳмон китобни варақлаб. — Китоб асосан Шотўра, Султонобод, Мушкетди қишлоқлари мисолида ёзилган. Битта гапи ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

— Унчалик эмасдир, — деди Анвар. — Шу иши учун бу одамга фан дўктўри деган илмий унвон берилган.

— Э бало берилмайдимми, менга деса! Ёлфон гаплар ёзилган деяпман-ку, сизга! Ўн етти-ўн

саккизинчи йилларда бу қишлоқларда партиянинг урвоғи ҳам бўлмаган. Партия нималигини билишмаган. Ҳамзанинг «Фарғона фожиаси» деган асарини эшитганмисиз? Фақат ўқиганман, деб ёлғон гапирманг.

— Ўқиганман, десам нега ёлғон бўлади?

— Ана кўрдингизми, сиз ҳам бунинг тарихини билмайсиз. Бу асарнинг номигина қолган, холос. ЧеКа уни ўша йиллариёқ йўқ қилиб юборган. Бу асарда Ҳамза дашноқларнинг ёвузлигини тасвирлаган экан. Томошани Тошкентда бир мартагина кўрсатишган. Иккинчисида ЧеКа босган. Кейин Турккомиссия Фарғонани текшириб, Ҳамзани ҳақ деб топган. Дашноқларга чора кўргандай бўлишган. Ана ўшандан кейингина маҳаллий миллатдан партияга олиш керак, деган масала кўтарилган. Биринчи болшевик пайдо бўлганда босмачиларни қириб битиришган эди. Холидий деганингиз тарихчими ўзи?

— Ў, нимасини айтасиз, тарихчи бўлганда ҳам зўрларидан.

— Э, ўргилдим.

— Чойни ичиб бўлганга ўхшайсиз, а? Мен сизни бир хонага кузатиб қўйсам. Ўлмас Ақром деган бир йигит шу даргоҳнинг хўжайини. «Менга Холидий домла кераклар, китобларини ўқиб, атай йўқлаб келдим», дейсиз. Бошқа гапни айтмай турсиз. Холидийни дарров чақиртиради. Ана ундан кейин айтасиз.

Анвар шундай деб уни қабулхонага бошлади. Котибага меҳмонни таништиргач, изига қайтди. Яна бир неча дақиқадан сўнг содир бўлажак воқеани кўз олдига келтириб ўзича жилмайиб қўйди: ...аввалига Ўлмас Ақром ҳам, Холидий ҳам қувонади. Китобимни ўқиб, зиёрат қилгани келибди, деб талтаяди. Сўнг... тарих ўқитувчисидан эшитадиганини эшитиб, етти қават териси шилиниб тушади. Ўлмас тарих ўқитувчисини «иззат-икром билан» кўчага қадар кузатиб қўяди. Сўнг котибадан меҳмонни ким бошлаб келганини сўрайди...

Кўп ўтмай ҳамхоналари келишди. «Енг кичик илмий ходим» Анвар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрагач, китоб варақлашга тушди. «Е ғофил банда, — деб ўйлади Анвар, — тарих илмини сувдек ичиб юборсанг ҳам, Холидийга муте бўлиш илмини эгалламасанг, шу ҳолда қоғоз титиб умрингни ўтказасан. Сен ишга вақтида келдинг. Аҳмоқ бўлиб жойингда ўтирибсан. Бошқаларга қара, даҳлизда туришибди. Устозга салом бериш учун унинг йўлини пойлашяпти. Улар тарихни титгани эмас, устозларини зиёрат қилгани келишади. Сен аҳмоқ эса, зиёрат қилишга бўйнинг ёр бермагани учун кичик илмий ходим маоши билан пенсияга чиқасан. Ўлганинга миянгни очиб қарашса, ғиж-ғиж ақлни кўришади. Академик бўлса керак, деб ўйлашади. Сен эса кичик илмий ходимсан. Афсуски, ақлни тирикликда ҳам, ўлгандан кейин ҳам кўриб бўлмайди...»

Гулнора кириб, Анварнинг хаёли бўлинди. У шошиб кириб, шошиб саломлашиб, сумкасидан бир нимани шошиб олди-ю, шошиб чиқди. «Устоз келгунга қадар, пайтдан унумли фойдаланиб, сотадиган матахини кўрсатиб олиши керак», деб ўйлади Анвар.

Анварнинг мўлжалидаги ярим соат ўтгач, даҳлиздаги ҳаракатлар тинди-ю, эшик очилиб, кадрлар бўлимнинг мудираси кўринди. Анвар уни кўргани ҳамон, қизиқ ҳангомани келган жойидан давом эттираётгандай гап бошлади:

— Сиз ишонмайсизу Собиржон, бўлган воқеа эмиш, — деди «енг кичик илмий ходим»га қараб, — қассоблар дўмбоқ хотинларни ўғирлаб, сўйиб сотишаётган эмиш. Мана, кеча кечаси бир эркак заҳарланиб ўлибди. Бозордан олган гўштдан заҳарланибди. Текшириб қарашса, ўз хотинининг гўшти экан. Қаранг-а, баъзи хотинларнинг, — Анвар шу сўзларни чертиб-чертиб айтди, — гўшти заҳарли бўларкан, а?

— Сиз менинг орқамдан юринг, — деди мудира жеркиб.

— Қаёққа? Жиннихонагами? — деди Анвар ўрнидан туриб.

— Очиқ гўрга, ундан ҳам нарига, — деди мудира жаҳл билан.

— Очиқ гўрдан нарига бўлса, демак, директор чақираётгандир...

Анвар янглишмаган эди. Мудира уни кузатиб кириб «Яна хизмат борми?» дегандай бошқонга



қаради. Ўлмас Ақром «ишингизга бораверинг» дегач, бурилиб чиқди.

Анвар бир нарсада — бу суҳбатда Холидий ҳам иштирок этар, деб янглишган эди. Ўлмас Ақромнинг ёлғизлигини кўриб, кўзига тикилганича жилмайди.

— Бугун хурсандга ўхшайсанми? — деди Ўлмас Ақром.

— Жиннилар шунақа бўлишади. Бекордан-бекорга кулаверишади.

— Жиннилигингни бошқа ерда қил. Ҳалиги ўқитувчини сен бошлаб келдингми?

— Қайси ўқитувчи?

— Ўзингни гўлликка солма.

— Ҳа, эрталаб бир киши турган экан. Икки соат пойлабди, бечора. Устознинг китобларини ўқиган экан, зиёрат қилгани келибди. Ҳар ҳолда қора халқ-да. Халқ ўз отасини кўргиси келса, айбми? Шу ерда пойланг, деб бошлаб келдим. Нотўғри қилибман-ми?

— Анвар, сени бошқалар билмаса ҳам мен яхши биламан. Нималарга қодир эканингни ҳам биламан. Юрагингда нималар яширингани ҳам менга маълум. Майнавозчиликни йиғиштир. Устоз билан олишма. Ўзингни ўйла. Олдинлари сен айтмоқчи бўлган гапларга йўл йўқ эди. Энди ҳамма дарвозалар очилди. Истаганча гапир, истаганча ўрган, истаганингда илм қил. Фурсатдан фойдаланиб қолсанг-чи?!

— Чиройли гапиряпсан. Истаганча илм қилиш мумкин, тўғри. Лекин сен истаган илм жамиятга кераксиз бўлса-чи?

— Майдалашма!

— Хўп, майдалашмайман. Унда сен менга бир масалани ечиб бер: қадим-қадимда аждодларимиз одам гўштини оддий таом сифатида ейишган. У дамларда ёввойи бўлишган, нодон бўлишган. Улар қорин тўйдириш учун бир-бирларини аввал ўлдириб, сўнг гўштарини еганлар, тўғрими? Хўш, энди-чи? Бир-бирларининг гўштарини тирик ҳолда емайдиларми? Тирик ҳолда еб битирадилар. Алҳазар!

— Ҳамиша шундай бўлиб келган. Буни ўзинг яхши биласан. Фалсафа сўқимай қўяқол. Мен сенга дўст сифатида айтяпман бу гапларни.

Анвар унга тикилиб қаради: «Астойдил гапиряптими ё тил учида гапириб аврамоқчимми? Ё устозининг топшириғини бажаряптими?» Шу нафаснинг ўзида ғойибдан бир овозни эшитгандай бўлди: «Нима учун ҳаммадан хавфсирайверасан? Нима учун одамларнинг холисона яхшилик қилишларига ишонмайсан?» Ўлмас Ақромга нисбатан кўнгли юмшай бошлаган маҳалда бошқа бир овоз гулдираб келди: «Ишонма, айтаётган эркинлигига ҳам ишонма. Меҳрибонлигига ҳам ишонма. Жону дили амал, шуҳрат бўлган одамдан яхшилик кутма!..»

Шу овоз кучлилик қилиб, юмшай бошлаган дилни яна тошга айлантирди.

— Ишонмайман, — деди у беихтиёр.

— Нимага ишонмайсан?

— Гапларингга. Масалан, эркин равишда илм билан шуғулланишимизга. Тизгин Масковда экан, эркинлик ҳақида гапирмай қўяқол.

— Гапни сиёсатга бурма.

— Ана, кўрдингми, дарров кўрқасан. Бизда илм билан шуғулланиш эркинлиги йўқ. Бизда амалпарастлик эркинлиги, дунёпарастлик эркинлиги, ҳақиқат кўзига чўп тиқиш эркинлиги, лаганбардорлик эркинлиги бор. Булардан устозинг тўла фойдаланиб, маза қилиб яшади. Энди сен шундай яшайсан. Сўнг сенинг шогирдинг. Шундай кетаверади занжир реактсияси бўлиб. Сенга бир ҳикматли гап айтайми?

— Бўлди қил, бошимни ғовлатиб юбординг. Сен билан гаплашган одам барака топмайдиган бўлиб қолибди. Сен илмда орқада қолиб кетаётганинг учун бошқалардан гина қилма. Айб ўзингда, бутун кучингни жағларингга берибсан. — Ўлмас Ақром столи устидаги бир варақ қоғозни олиб, унга узатди. — Хавфсизлик қўмитаси архивидан фойдаланмоқчи эдингми? Рухсат беришди. Мана бу одамга телефон қилиб, истаган пайтингда боришинг мумкин. Анвар қоғозни олиб буклади-да, эътиборсиз нарсадай чўнтагига солди.

— Кетаверайми?

— Ҳа.

— Гапим ичимда қолмасин, ҳалиги ҳикматни айтай: бу жинниларнинг гапи эмас: «Саҳли Суълукий дебтурки, ман тасаддара қабла авониҳи фа қад тасаддо ли ҳавониҳи». Англадингми?

— Тушундим, бор кетавер.

— Йўқ, тушунмадинг. Тушунганинда сапчиб кетардинг. Мени тезроқ чиқариб юбориш учун шундай деяпсан. Бу ҳикматнинг маъноси шуки, кимда-ким вақтидан олдин бошлиқ бўлса, ўзининг хорлигига мутасадди бўлади. Яна ҳам содда айтилса, лаёқатсиз одам бошлиқ бўлиб олса, одамлар кўзи олдида ўзини- ўзи хорлаган бўлади.

— Йўқол, аҳмоқ!

— Ана, айтдим-ку, тушунганинг энди аён бўлди, — Анвар унга бир жилмайиш ҳадя этиб, хонадан чиқди.

У жиннихонада ўтган ҳар бир куни учун булардан шу зайлда ўч оламан, деб ўйларди. У ўз назарида ҳужумга ўтган, булар эса ҳимояда эдилар. Булар Асадбек номини эшитибок гангиб қолдилар, деб ўйларди. Унинг кўп нарсаларга етадиган ақли Холидийни гангитиш мумкин эмаслигига етмас эди. Холидий ажабланиши мумкиндир, аммо гангимайдиган тоифадан эди. Анвар жиннихонада нур билан гаплашганида эшитганларини унутаёзган эди: «Сен унинг келажакни кўра билиш хусусияти борлигини билмайсан. Унга эртага нима бўлиши маълум». Анвар Ўлмас Акроннинг жиғига тегаётганида Холидий уни кўздан йўқотиш чораларини излаётган эди.

### 3

Анвар пешинга қадар хуш кайфиятда юриб, тушлиқдан сўнг архивга бориш учун рухсат сўраб кетди. Ўлмас Акрон алдамаган эди, чиндан ҳам архивда истаган ҳужжатни берадиган бўлишди. У бувасига оид маълумотни кўриш истагини билдирган эди, икки кун ичида топиб қўядиган бўлишди. Ишга қайтишни ихтиёр қилмай, Элчинни кўргиси келиб, унинг уйига йўл олди. Ўтган куни ҳам уйида ҳеч ким йўқ эди. Бугун ҳам дарвоза берк. У дўстига ҳазилнамо нома битди-да, найча қилиб ўраб, калит солинадиган тирқишга тиқиб, уйига жўнади.

Хотинининг ишдан қайтишини кутмай, ўзи ошга унади. Оқшом чоғи уйга кириб келган Хонзода эрини ошхонада кўриб «кўз тегмасин-ей» деб кулимсиради.

— Эрталабки жилмайишининг ҳаққини адо этипман, — деди Анвар.

Ош сузилаётган дамда Элчин кириб келди.

— Қайнотаси суйган йигит ош сузилганда кириб келаркан, — деди Анвар унга пешвоз чиқиб. Анвар унинг ғашига тегиш учун атайин «қайнона» эмас, «қайнота» деган эди. Элчин ҳозир қитмирликни кўтарадиган аҳволда эмасди. Шу сабабли дўстига хўмрайиб қаради. Анвар ҳам ҳазили ўринсиз бўлганини сезди. Элчиннинг ёноғидаги кўк доғни кўриб: «Ҳа, тинчликми?» деди. «Ўтин тегиб кетди», деди Элчин тўнғиллаб. У Рисолат кампир билан сўрашиб чиққач, меҳмонхонага ўтишди. Ош икки лаганга сузилди. Элчиннинг қорни оч бўлса-да, томоғидан овқат ўтиши қийин эди.

— Биз кундошларга ўхшаб қолибмиз. Менинг кайфиятим яхши бўлса, сеники чатоқ. Сеники яхши бўлса, меники чатоқ. Нима гап, дилингни ёрсанг-чи?

— Ўзи ёриладиган бўлиб турибман.

— Ичасанми?

— Борми?

— Топамиз. Лекин мени зўрламайсан.

— Зўрлаган — ўғри.

Анвар китоблар орасига яшириб қўйган шишани олиб очди-да, пиёлани лим-лим қилиб тўлдирди. Элчин бир кўтаришда ичиб, хўрсиниб қўйди. «Дарди оғир, ошнамнинг», деб ўйлади Анвар.

— Қуй яна.

— Ошдан е.

— Олдин қуй, кейин ейман.

Елчинни эзаётган дард икки пиёла ароқнинг кучи билан тарқайдиган анойи дардлардан эмасди. Элчин ароқни ичиб бўлганидан кейин ҳам ош емади, тунд ҳолда ўтираверди. Анвар ҳам тоқат қилиб, унинг гап бошлашини кутди. Ароқ деганлари дардни енгиллатмаса ҳам одамни сайратади. Ниҳоят, Элчин тилга кирди. У Анварга эмас, худди ўзига-ўзи гапиргандай сўзларди:

— Менинг суратим одам... Аслида мен илон бўлишим керак эди. Уларни бўғиб қийнашим лозим эди, қонларини сўриб лаззат топмоқчи эдим. Мен уларнинг кўзларини ўймоқчи эдим, тилларини суғуриб, қўлларини синдириб, қулоқларига қўрғошин қуймоқчи эдим. Умримнинг мазмуни шу эди... Илонман, десам... чувалчанг эканман... мен уларни бўғиб роҳат қила олмадим...

— Йиғла, тўйиб-тўйиб йиғла, жуда ярашар экан, — деди Анвар кесатиб.

— Анвар, сен индамай ўтириб қулоқ сол. Мени аҳмоқ қилишмоқчи. Жамшиднинг ўлимини менинг бўйнимга илишмоқчига ўхшайди.

— Жамшиднинг ким?

— Асадбекнинг содиқ қўлларидан эди. Мен уни ўлдиришим керак эди.

— Сен? Нима учун?

— Шунинг учунки... у... у... Ҳароми...

— Бўлди, тушундим.

— Ҳа... тушундинг... Уни ўлдиришибди. Худди Шилимшиққа ўхшатиб...

— Шилимшиқ ким?

— Индамай ўтир, дедим сенга... Шилимшиқни мен ўлдирган эдим. Қара-я, уни қармоққа ўзлари илинтириб, шундай тайёргина қилиб менга тортиқ қилишувди. Нимага шундай қилишганига ўшанда ақлим етмабди. Мақсадлари Жамшид экан... Зайнаб шу ҳаромини яхши кўрар экан. Ўзини осибди-я!..

— Ўлибдимми?

— Йў-ўқ... у ўлса ҳозир мен бу ерда ўтирмас эдим. Ўлигим ахлатхонада ётган бўларди. Зайнаб тирик экан, мен тирикман. Мен уни... яхши кўра бошлаган эдим... Одам кепатасига кира бошлаган эдим... Балки у алам устида ёлғон гапиргандир, а? Лекин барибир дилни яралади. Бу яра тузалмайди.

— Агар қотилликни сенинг бўйнингга илишмоқчи бўлишса, айтиш керак.

— Кимга?

— Кимга? — Анвар ўйланди, бирдан эсига Зоҳид тушди. — Акамнинг бир шогирди прокурор бўлган. Ҳалол бола. Олиб борайми?

— Йў-ўқ, аралаштирма уни. Мен Асадбекдан қўрқмайман. Охиригача олишаман. Ўлсам ўларман, ўлишим аниқ, аммо орқага чекиниш йўқ. Қуй яна.

Елчин пиёла бўшатиб ўрnidан турди.

— Бўш келиш йўқ, оғайни, сен гапларимни унут. Дардимни сенга тўқдим, ўрнига адоват уруғини сепдим. Бу уруғ ҳадемай униб чиқади, кўрасан.

Елчин шундай деб бир оз гандираклаган ҳолда уйдан чиқди. Анвар кузатиб қўймоқчи эди, унамади. Шу бўйи ярим тунгача тентираб юрди.

Анвар эрталаб барвақтроқ йўлга чиқиб прокуратура томон кетди.

Пивохонадан чиқиб машинага ўтиришгач, Ҳамдам ҳамроҳларига сақич узатди:

— Пивонинг ҳидини олади. Ҳар ҳолда ишга борарсизлар, а?

Машина ўрнидан жилгач, Зоҳидга қараб деди:

— Намозовнинг уйида яқин орада бўлдингми? Ўша кўчадан ўтиб кетайлик.

Зоҳид унинг мақсадини Шариф Намозов яшайдиган кўчага бурилишганда англади. Лола кўчасида кўкрак кериб турган иморатлар қаторида бостирмага ўхшаб ғарибгина кўринувчи уй олди қурилиш майдонига айланган эди. Ёғочлари чирий бошлаган эски дарвоза энди темирдан бўлибди. Сувоқдан чиққан болохона эса савлат тўкиб турибди. Пештоқсиз уй томи очиб ташланган, офтобнинг ўтли нафасига қарамай, усталар ишлашяпти. Машина уй қаршисидан ўтаётганида секинлади, аммо Ҳамдамнинг буйруғи билан тўхтамади. Дарвоза олдида Насиба қўшни аёл билан суҳбатлашиб турар эди. Эри қамалиб чиққанидан бери, айниқса катта қурилиш бошланганидан бери атрофдаги ҳар бир ҳаракатга чўчиброқ қарайдиган бўлиб қолган бу аёлнинг секинлаб ўтаётган «Волга»ни сезмаслиги, Зоҳид билан Ҳамдамни кўрмаслиги мумкин эмасди. Насиба уларни кўрди, таниди. Гапираётган гапидан адашди, ранги ўзгарди. Қўшни аёл буни сезди. «Нимани кўриб бунчалик ўзгарди?» деган муаммо билан орқасига ўгирилди.

Ҳамдамнинг режасида Насибага дуч келиш кўзда тутилмаган эди.

— Бизни кўргани яхши бўлди, — деди у. — Эри келиши билан айтади. Намозовнинг тинчи бузиладиган бўлди.

— Бугун нечта арининг уясига чўп суқдинг ўзи? — деди Солиев кулиб.

— Мен манови одил прокурорга ҳақиқат қанақа бўлишини кўрсатиб қўймоқчи эдим. «Бу одам олим экан», деб бино қўйган эди. Мана, олимнинг аҳволи. Олимда ҳам жиғилдон бор, жигарим. Сенга маслаҳатим: буни ҳам тинч қўйма. Бурчакка сиқиб олиб боравер. Шундай сайраб берадики... Асадбек қафасга тушиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади.

— Сенинг ишинг осон, — деди Солиев. — Кўрдинг, гирибонидан бўғдинг, қафасга тикдинг.

— Ҳамдам ака қадим замонда миршаб бўлишлари керак эди, — деди Зоҳид, маёрни қувватлаб.

— Ўғрини ушлардилару қўлларини кесардилар, тамом-вассалом.

— Қадим замонда сен ўйлаганчалик бўлмаган, — деб эътироз билдирди маёр Солиев. — Жиноятчини қози сўроқ қилган, гувоҳларни эшитган. Гуноҳ аниқ исботланганидан кейин жазо берган. Каттагина подшолик зиндонига нари борса ўттиз-қирқ одам сиғади. Темур замонасида ўғирлик деган нарса унутилган экан. Бир бола бошига бир товоқ олтин қўйиб мамлакатнинг кунчиқар чегарасидан пиёда юриб кунботардаги чегарасига етгунча йигит ёшига етаркану аммо товоқдаги олтинга биров тегмас экан. Бундан хулоса шуки, қадим замонда ҳукм қатъий бўлган. Одамлар гуноҳлари учун қандай жазо олишларини билганлар, билганлари учун қўрқиб, ўзларини тийганлар. Ўғирлик қилдими, гуноҳи исботландими, тамом, қўли кесилади. Бошқача жазо бўлиши мумкин эмас. «Бу ўғри бекнинг амма-холасига жигар экан, жазони енгиллаштиринг, илтимос, қўлига игна санчиб қўя қолинг» дейилмаган. Яқинда бир йигитча «ўтмишда темир қошиқ бўлмаган, шавлани қандай ейишган, а» дейди. Сенларнинг гапларинг ҳам ўша боланикидан қолишмайди. Назарларингга одил суд ўн еттинчи йилдан кейин пайдо бўлган, а?

— Энди биз билганимизни гапирамиз, ака, — деди Ҳамдам. — Лекин қадим замонда фақат адолат бўлган, деган гапингизга қўшилмайман. Гуноҳни исботлаш учун иккита гувоҳ керакмиди? Ўша замонда иккита аҳмоқ, иккита ғаламис, иккита ифвогар топилмаган, дейсизми? Минглаб каллалар ўша ғаламисларнинг гувоҳлиги билан узилгандир? Зиндонда кам одам бўлишига бошқа сабаб бордир. Подшолар жиноятчиларни қайта тарбиялаш билан шуғулланишмагандир. Жиноят қандай жазога лойиқ? Улимгами? Кесилсин, осилсин, чопилсин, тамом! «Беш йилдан ўн йилгача ахлоқ тузатиш колониясига юборилсин» деган гап бўлмаган, дейман, а? Улар тўғри қилишган. Мана, Асадбекни юз йил ахлоқ тузатиш колониясида сақланг,

фойда бўлармикин?

— Адашганлар-чи? — деди Зоҳид, унинг гапини бўлиб.

— Адашганларми? — Ҳамдам бир оз ўйланди. — Агар чиндан ҳам адашган бўлса, кечириш керак. Агар адашган одам қамалса, ўндан бири тузалади, бир қисми аламзада бўлади, бир қисми қамоқдаги «жиноят малака ошириш курсида» таълим олиб чиқади. Лекин ким адашди, ким астойдил тавба қилди, билиб бўлмайти-да. Сен раҳм қилган одамни биттаси шу Намозовми? Энди у тамом бўлган олим. Ҳалқумини ҳаром қилдими, энди нафсини ўлса ҳам тиймайди.

Машина депара ички ишлар бўлими қаршисида тўхтаб, Ҳамдам тушиб қолди. Кўп ўтмай маёр Солиев машинани тўхтатди. «Ҳамдам билан қиладиган ишим бор», деб у ҳам тушди.

## 2

Зоҳид Чувринди билан учрашувга тайёрланиш учун атайин барвақтроқ келаётган эди. У Маҳмуд Эҳсоновни Элчиннинг тўйида кўрган эди. У ҳақда жуда оз нарса биларди.

Билганларининг қай бири ҳақиқат, қай бири миш-миш, ҳали фарқига бормаган эди. Дастлабки учрашув чигални ечишдаги дастлабки уриниш бўлмоғи мумкин. Зоҳид шу соҳага кирганидан бери кўп одамни сўроқ қилди. Лекин бугунгисининг бошқачароқ бўлишини кўнгли сезарди. Ҳар ҳолда лақаби «Чувринди» бўлгани билан киссавур ёки йўлтўсар эмас, ҳатто, бу олам ибораси билан айтилганда, «торпедо» — бир-икки пулдорни ҳимоя қиладиган зўрлардан ҳам эмас. Асадбеклар ҳақида сўз кетгудай бўлса, маёр Солиевнинг унга ҳамиша юқори баҳо бериши бежиз эмасдир.

«Тарози палласини у томон босиб турибди, — деб ўйлади Зоҳид. — Мен улар ҳақида оз нарса биламан, улар эса мени беш қўлдай яхши билишади. Ҳатто акамнинг қотилларигача билишади. Мен уларни жиноятчи деб гумон қиляпман. Менга тегишли тарози палласида фақат гумон бор. Гумон пуфакка ўхшайди. Шишиб, баҳайбат тус олавериши мумкин, аммо тош босмайди. Аксинча, вақти келиб ёрилса, одамни шарманда қилади».

Зоҳид шу хаёллар билан идорасига яқинлашиб, Анварни кўрди-ю, ажабланди. Ҳатто «бирон кори ҳол бўлдимикин?» деб хавотирланди.

— Ҳабиб ака тинчмилар? — деб сўради салом-алиқдан сўнг.

— Ҳабиб акангизнинг ишлари беш. Масковдан нари Лондонга жўнаб қолибдилар. Халқаро академияга аъзо бўладилар, деган хабар эшитдик.

Зоҳид Анварни ичкари бошламоқчи бўлди. Анвар ишга шошаётганини баҳона қилиб, унамади.

— Кеча бир гап эшитиб, шуни айтгани келган эдим, — деди у, соатига қараб олиб. — Тунов куни бир одамни осиб ўлдириб, ёқиб юборишган экан, эшитгандирсизлар?

— Эшитдик, — деди кулимсираб Зоҳид.

— Ҳа-я, — деди Анвар ҳам кулимсираб, — сизлар эшитмаган, билмаган гап бўлмайти-ку.

Хуллас, ўша йигит Асадбекнинг одами эмишми?

— Шунақа миш-миш бор.

— Аниқ гап эмасми, ҳали?

— Исботланмаган гап биз учун миш-миш.

— Хўп, миш-миш бўлса бўла қолсин. Менинг бир жонажон дўстим бор, Элчин, эшитганмисиз? Ўша Асадбекнинг куёви бўлган. Ўн йил ўтириб келди.

— Эшитганман.

— Лекин бегуноҳ қамалганини билмайсиз. Хотинини ўлдирмаган эди.

— Тўхмат билан кетганмиди?

— Балки тўхматмасдир. Айбни бўйнига олган, у ўжар. Нимага шундай қилганини мен ҳам тушунмайман.

— Бўйнига олган бўлса... балки жаҳл устида ёки кайфда...

— Йў-ўқ, унақа боламас у. Одам ўлдиролмайди. Одам ўлдириш осон эканми?

— Қийинми?

Анвар «калака қиялпими ё жиддий сўраяптими?» деб ўйлаб Зоҳидга қаради. Зоҳиднинг кўзларида қувлик нишонаси йўқ эди. Шу сабабли саволга жавоб беролмай ўйлашга мажбур бўлди.

— Билмадим, — деди ниҳоят. — Ҳар ҳолда қийин бўлса керак. Одам қўй эмас, пичоққа бўйнини тутиб берадиган... Гапнинг қисқаси, Асадбек куёвидан гумонда экан.

— Қанақа гумон?

— Тушунмадингизми? Менинг ўша ўлдирилган одамимда қасдинг бормиди, дегандай қилибди.

— Нима учун гумонсирайди?

— Ҳайронман... билишимча, Ноиланинг ўлимида унинг ҳам ҳиссаси бўлгандир-да.

— Буни дўстингиз айтдимиди?

— Йўқ, бу ўзимнинг гумоним, — Анвар шундай деб Зоҳиднинг жиддий тикилиб турган кўзига қараб, кулимсиради.

— Нимага куляпсиз? — деди Зоҳид ажабланиб.

— Яхши ҳам хонангизга кирмаганим. Тикка туриб олиб шунчалик сўроққа тутяпсиз, ичкарида кечгача тергов қиларкансиз-да, а?

— Ишимиз шунақа-да, хафа бўлманг.

— Ҳазиллашдим. Бу ерга келишимдан мақсад — ўша ўлим билан шуғулланадиган одамни танисангиз тайинлаб қўйсангиз, Элчиндан гумон қилиб юрмасин, иғволарга учмасин.

Асадбекдан ҳар балони кутиш мумкин-да. Кўр ҳассасини бир марта йўқотар экан, кўзи очиклар икки марта йўқотмасин, тағин.

— Яхши, айтиб қўяман. Лекин... ўртоғингизни сўроққа чақиришга тўғри келади-да.

— Нима учун?

— Ҳақиқатни ойдинлаштириш учун. Уни гумондан халос этиш учун.

— У одам ўлдирилганида Элчин Фарғонада эди. Кеча келди. Мен ўзим икки марта уйига бордим. Дарвозаси берк эди.

— Сиз хавотир олманг, бегуноҳ одамни гумонга қурбон қилдириб қўймасмиз.

Анвар хайрлашиб, изига қайтар чоғида Зоҳиднинг саволларини бир-бир эслаб, «оғайнимга ёрдам бераман, деб ишини чалкаштириб юбордим шекилли», деб келганига пушаймон еди.

Зоҳид учун эса бу кутилмаган учрашув, кутилмаган гаплар калавани яна чигаллаштирди.

«Ҳамонки Асадбек куёвидан гумонсирабдим, бунда бир гап бор, — деб ўйлади у. — Ажаб...

нима учун айнан Жамшидни ўлдирди, деб гумон қиялпти? У ҳолда Жалол Комиловни ким ўлдирган? Куёвидан гумонсирадим, демак... гуруҳлар уруши эмас бу. Унда Мақсуд аканинг фикрлари тўғри бўлиб чиқади. Гуруҳлар ҳали олишув учун пишиб етилмаган, олишувнинг бошланишига асос йўқ ҳали. Хўш, унда ким? Балки бирон-бир гуруҳ Элчинни ўзига оғдириб олишга ҳаракат қилгандир. Асадбекнинг гумони шундадир?...»

Зоҳиднинг хаёли Чувринди келгунига қадар шу муаммолар билан банд бўлди. Маҳмуд Эҳсонов айни айтилган вақтда, бир дақиқа нари-бери қилмаган ҳолда келди. У билан бирга хонага ёқимли атир ҳиди ҳам кирди. Чувринди кун иссиқ бўлишига қарамай, оқ-пуштига мойил костюм кийган, қизил галстук боғлаб олган эди. Сочларини силлиқ тараган, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғига тилла узук таққан одамни биров «Чувринди» деб чақирса, кулгили ҳолат юз берарди.

Чувринди башанг кийингани билан ҳаракатида, қарашларида, ҳол-аҳвол сўрашаётганидаги овозида кибр сезилмади. Унинг бу қадар маданиятли бўла олишини Зоҳид ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Уларнинг орасида — уриниброқ қолган ёзув столи. Аслида, ҳаётнинг қитмирликлари олдида ожиз қолишмаганида илм бобида баҳс юритиши мумкин бўлган икки одам прокуратура маҳкамасида юзма-юз ўтирар эди. Юзаси иссиқ чойнак изларидан доғланган бу стол жуда кўп одамни кўрган, аммо илм кўчасидан нари кетишга мажбур бўлганларнинг учрашувига энди

гувоҳ бўлгандир. Уларнинг тақдирларида юзма-юз келиш бор экан. Маълум бир нуқтада илм кўчасидан бурилмаганларида эди, айна фурсатда қайси бир илмий кенгашда даврнинг муҳим илмий муаммоси бўйича баҳс юритган бўларми эдилар. Зоҳид ярим йўлда бошқа кўчага бурилди. Чувринди ҳали илм кўчасига яқин ҳам келмаган эди. Катта шаҳарга ўқирман, деган умидда келди-ю, бошқача «ўқиш»га кириб қолди. Бу «ўқиш»ни аъло даражада адо этгани учун «муаллим»лари уни ўз ёнларида олиб қолдилар. Унинг зийрак ақли қачондир шу маҳкамада сўроқларга жавоб беражагини биларди. Шу сабабли остона ҳатлаётганида гувоҳ сифатида чақирилганига шукр қилиб қўйди.

— Ёлғон гувоҳлик бериш қонун бўйича жазоланажагини эслатиб қўймоқчиман, — деб гап бошлади Зоҳид, расмий оҳангда.

«Баланд дорга осилмоқчига ўхшайди-ку», деб ўйлади Чувринди. У Зоҳидга бир оз тикилиб турди-да, кулимсиради.

— Ёлғондан Худонинг ўзи асрасин. Ёлғон гувоҳлик бериш учун атай келган аҳмоққа ўхшайманми?

— Бу ерга фақат аҳмоқлар келади деб ўйлайсизми?

Саволга савол билан берилган жавоб Чувриндини зийрак торттирди. Гарчи у айна дамда кибрдан узоқ бўлса-да, Зоҳидни менсимай турган эди.

— Айтдим-қўйдим-да, — деди у, ҳазил оҳангига кўчиб.

— Расмиятчилигимиз шунақа, узр, — деди Зоҳид, гап оҳангида бир поғона пастга тушиб. Сўнг қоғоз-қалам олиб, расмиятчилигини давом эттирди. — Исми шарифингиз, туғилган йилингиз... Чувринди айтиб турди, у ёзди. Расмиятчилик тугагач, асосий мақсадга кўчилди:

— Жамшид Суннатуллаев кимингиз бўлади?

— Танишимнинг ўғли.

— Нима учун сизникидан чиқарилди?

Чувринди «Билмайсизми? Ажаб... Мен эсам Жамшиднинг уйига борганингиздан хабардорман. Мен билан мушук-сичқон ўйнаманг», дегандай қараб турди.

— Отаси ана кетаман, мана кетаман, деб ётибди. Билмай қўя қолсин, дедим. Шум хабарни эшитса, ажалидан олдинроқ ўларди, шундай эмасми?

— Балки... Отаси билан яқин дўст эдингизми?

— Яқин десам ҳам бўлади. Аммо дўст эмас эдик. У кишининг ёшлари улуғроқ. Мен кооператив очаётганимда ёрдам берганлар. Лимонад тсехини бирга очганмиз, десам ҳам бўлади.

Винзаводда қўли гул усталардан бўлган эканлар.

Бу гапни эшитган Зоҳид ёзишдан тўхтаб, ўйланиб қолди. «Винзавод? Қўли гул эканми?»

— Сехни қачон очгансиз?

— Икки-уч йил бўлди. Ҳаммаси қонуний равишда бўлган.

«Ўгай онаси қамоқдан чиқаришга ҳам ёрдам берган девди. Қамоқдан чиққанига ўн икки йилдан ошган-ку?»

— Жамшиднинг отаси билан ҳам ўша кезлари танишганмисиз?

— Шунақа шекилли, аниқ эсимда йўқ.

— Хотиранингиз... яхши эмасми?

— Хотирамдан нолимайман, аммо ким билан қачон танишганимни аниқ эслаб қолишим лозим, деб ўйламаган эканман. Бугундан бошлаб шу хатони тузатаман. Бугун — учинчи июн, бир минг тўққиз юз саксон тўққизинчи йил. Шанба. Соат, — у шундай деб, билагидаги тилла соатга қараб олди. — Соат ўндан ўн беш дақиқа ўтди. Прокурор Зоҳид Шарипов билан танишиш бахтига муяссар бўлдим.

Зоҳид истеҳзо билан жилмайиб қўйди.

— Сизга ярашмас экан.

— Нима ярашмас экан?

— Майнавозчилик. Ундан ташқари, хотиранингизга ўзгартиш киритинг, Зоҳид Шарипов прокурор

эмас, прокуратура терговчиси.

— Яхши, компьютерга ёзиб қўйилди, — Чувринди шундай деб кўрсаткич бармоғини чаккасига тиради.

— Жамшидни охирги марта қачон кўрган эдингиз?

— Ўлимидан бир кун олдин.

— Ёқилган мурданинг Суннатуллаев эканига аниқ ишонасизми?

— Бошқа одам деб ўйлайсизми?

— Мен ҳозирча ҳеч нима деб ўйламайман. Мурда Суннатуллаевники эканини қаердан билдингиз?

— Машинаси турибди-ку?

— Сизга ким хабар берди?

— Билмадим, уйга кимдир телефон қилибди.

— Нотаниш одамнинг хабарига ишондингизми?

— Машинаси турибди-ку?

— Мурданинг афтини таниб бўлмасди. Жамшиднинг алоҳида белгилари бормиди?

— Қанақа алоҳида белгилари?

— Масалан... бир оёғи калта эмасмиди?

— Чўлоқ, демоқчимисиз? Йўқ, соппа-соғ эди... — Чувринди шундай жавоб берди-ю, «нима бало, чўлоқ мурдани топишган эканми?» деб ичидан зил кетди.

— Демак, уни бир кун олдин кўргансиз.

— Ҳа, бир кун олдин ишда эди.

— Қаерда ишларди, мактабдами?

— Мактабда нима қилади? Менда, лимонад тсеҳида ишларди.

— Биздаги маълумотларга қараганда, мактабда дурадгор экан?

— Билмадим. Балки менга келгунича ишлагандир. — Чувринди шундай деди-ю, ичида Кесакполвонни сўқди: ҳамиша ишни чала қилади.

— Суннатуллаев уйланганмиди?

— Йўқ, аёлларга тоқати йўқ эди. Нима учун қамалганини билсангиз керак. Менга бир ёрилиб, «туҳматга қолганман» девди. Аёлларга ишонмай қўйганди.

— Отаси оғир ётибди, дейсиз. Тузалиб кетса-чи? Сиздан хафа бўлмайдимми?

— Аввал тузалсин-чи? У тузалиши мумкин дир, аммо ўғли тирилмайди-ку? Ё тирилтириш қўлингиздан келадими?

— Келмайди, айниқса ёқиб юборилган мурдани тирилтира олмаймиз. Жамшидда кимнинг хусумати бўлиши мумкин?

— Билмайман, мўмин бола эди. Биров билан жанжаллашганини кўрмаганман.

— Қизиқ... Мурда ёқиб юборилган... — Зоҳид «мурданинг буйраги олинган» демоқчи бўлди-ю, «ҳозир вақти эмас» деган қарорга келиб, ўзини тутди. Иккиланганини билдирмаслик учун гапини бир маромда давом этди: — Машинага эса тегилмаган. Бу сизга ғалати туюлмаяптими? Қотил нима учун ҳеч нарсага тегмади экан?

— Бу менга эмас сизга ғалати туюлиши керак. Сиз мендан лимонад нима учун бемаза, деб сўранг, нима кам солинганини аниқлаб, айтиб берай.

— Балки бу ажабланарли ҳолни ўйлаб кўргандирсиз, дебман. Унда бошқа саволга жавоб беринг: нима учун мурдани ўликхонадан берухсат олдинглар?

— Ўликни олишга ҳам рухсат керакми? Бордик, сўрадик, беришди, кўмдик. Ўлик «қачон мени кўмишаркин, қачон рухсат беришаркин», деб махтал бўлиб ётмайди-ку? Мурда қочиб ҳам кетгани йўқ, аниқ бир жойда ётибди, керак бўлса кавлаб олаверасизлар, шунақа одатларинг ҳам бор шекилли?

— Бу гапингиз ҳам тўғри. Мана, ўқиб кўриб, имзо чекинг, — деди Зоҳид қоғозни узатиб, — агар лозим бўлиб қолса яна безовта қиламиз. Хизматчилик, қотилни топмагунимизча тинчий



олмаймиз.

— Қотилни топишга ишонасизми? — деди Чувринди қоғозга имзо чека туриб.

— Юз фоиз ишонаман, — деди Зоҳид қатъий тарзда. Бу гапдан Чувринди мийиғида кулимсираган бўлса-да, Зоҳиднинг тик қарашига бас келолмай кўзларини олиб қочди.

— Омадингизни берсин, — деб хонадан чиқмоқчи бўлганида Зоҳид тўхтатди:

— Ҳа, айтмоқчи, эксгуматсия лозим бўлса, сизни яна безовта қиламиз.

— Тушунмадим?

— Эксгуматсия... Ўзингиз айтдингиз-ку, мурдани гўрдан кавлаб олиш-да. Отаси ётган бўлса, яқин кишиси сифатида сиз қатнашишингиз керак.

Чувринди «чақирсангиз қатнашармиз» деб хонадан чиқди.

## VI б о б

### 1

Ровийлар дерлар: дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқки, кетидан хафа қилгувчи бир нарса келмаса.

Тоғ қишлоғининг этагидаги ғарибгина уйда ғарибгина кун кўрувчи эр-хотиндангина иборат бу кичик оила бошига тушган ташвишлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Уларнинг дардларини баён этмоққа қалам ожиз. Бу дардларни фақат тирноққа зор одамларгина ҳис қила олишар. Йўқ, бу эр-хотинни Яратган фарзанддан қисмади. Никоҳларидан бир йил ўтар-ўтмас ўғил кўрдилар. Ғариб кулбалари севинчга тўлди. Сўнг... севинч кетидан ғам кириб келди. Бу ҳол оз эмас, яна олти карра такрорланди. Болалари дам ёшга етмай, дам энди тили чиқиб ширин бўлган маҳалда уларни доғда қолдириб кетаверишди. Охир-оқибат ҳомила нишона берган дамдан бошлаб ҳам умид, ҳам кўрқинч билан кутадиган бўлишди. Тўртинчи фарзандни ерга қўйгач, ирим қилиб бир-бирларини «Турди» деб чақира бошлашди. Еттинчисида Худо марҳамат қилди. Бир йил эмас, роппа-роса йигирма йил умр берди. Келин туширдилар. Улар набира кўрмоқ умидида бахтиёрлик ичра чўмиб яшай бошладилар. Еттинчи ўғилнинг умри ҳам омонат эканини улар қаердан билишсин! Дунё абадий истиқомат жойи эмас, балки ўтқинчи ўлароқ қолувчи бир кулба эканини ҳамма ҳам вақтида билавермайди. Ёзда ўғил хашак ўримиغا кетди-ю, изсиз йўқолди. Ўғилнинг на тириги топилди, на ўлиги. Келин уйларида узоқ яшаб қолмади. Уйига кетди. Эрининг қайтишига ёки топилишига умид қилмади. Кампир «келиним сабр қилмагани учун ҳам ўғлим топилмади», деб то сўнги нафасигача уни айблади. Унинг назарида келин сабр билан кутса эди, Оллоҳга йиғлаб муножотлар қилса эди, у қайтиб келарди.

Аввал қишнинг совуқ нафаси сезилди. Сўнг тоғларнинг, унинг этагидаги қишлоқларнинг айбини беркитмоқчи бўлгандай қор ёға бошлади. Биринчи қор уларнинг фарзандларидай узоқ турмади. Бир кунда эриб кетди. Иккинчиси эринмай ёғди. Юрганда тўпиққача ботадиган бўлди. Ҳали олтмишга бормаган, лекин кўриниши камида етмиш ёшли чолларга ўхшаб қолган оила бошлиғи ўша куни танчани очиб, айвондаги жойини ичкари уйга кўчирди. Келини кетиб қолганидан бери икки-уч кунда бир қозон осишарди. Бугун танчага чўғ зарур бўлгани сабабли ўчоққа ўт қаланди.

Ерталаб, хўрозлар ҳали субҳ кирганидан дарак бермай туриб уларнинг қулоғига чақалоқ овози эшитилгандай туюлди. Иккови ҳам ширин туш кўргандай бўлди. Овоз тинмади. Эр кўзини очиб, қаддини хиёл кўтарди.

— Турди, эшитяпсанми? — деди. — Чақалоқнинг овозими ё шамол увилляптими?

— Шамол шунақа увиллаганми ҳеч қачон? Қаранг-чи, балки мушукдир?

Ер ўрnidан туриб ташқарига чиқди. Дам ўтмай эшикни зарб билан очиб, қўлида кўрпачага ўралган чақалоқ билан ичкари кирди.

— Турди, тура қол, тезроқ. Биров чақалоқ ташлаб кетибди.

— Вой ўлайн, вой ўлайн, чақалоқни ҳам ташлаб кетадими?

Хотин қора чироқни ёқди. Эр кўрпачага ўралган болани танча устига ётқизди. Биғиллаб йиғлаётган чақалоқ бирдан жимиб қолди.

— Нима қилдингиз? — деди хотин кўрқиб. Чироқни эрининг кўлига тутқазиб, кўрпачани очди. Чақалоқ мунчоқ каби кўзларини мўлтиллашиб унга қаради. Хотиннинг назарида жилмайиб кўйгандай ҳам бўлди.

— Вой ўлайн, кимнинг боласи экан, а? Ўн кунлик ҳам эмасдир?

— Кимникилигини кўявер, бизга ташлаб кетишибдим, демак, Худо шуни ирода қилибди. Қара-чи, қизмикин ё ўғилмикин?

— Аввал печкани ёқинг. Мен сизга кеча айтувдим ёқинг, деб. Тутунидан безорман, деб ўжарлик қилдингиз.

Уй исиди, боланинг йўргаги ечилди — ўғил экан.

— Турди, ҳукуматга билдириб кўйсамми? — деди эр.

— Ҳукуматга билдирсангиз нима, билдирмадингиз нима? Билдириб туриб берворармидингиз. Худо бизга насиб қилди, деддингиз-ку?

Кун ёришгач, эр ташқарига чиқиб қордаги изга кўзи тушганида юраги бир нарсани сезгандай жиз этди.

— Бир одамнинг изи қолибди, — деди уйга қайтиб кириб. — Турди, бу бола бегона эмасга ўхшайди. Юрагим сезяпти, ўзимизнинг набира бўлса керак-ов... Келининг юкли эди, бир марта хабар олмадинг.

— Унақа деманг, хабар олганман. Бир ой бор девди. Бу эмасдир?

— Мен қудамникига бориб келай.

— Болани сизлар ташлаб келдиларингми, дейсизми?

— Менда ҳам калла бордир. Бунақа демасман...

У уйига бўшашиб қайтди: келини ўн беш кун бурун шаҳарга кетган эмиш...

Болага Маҳмуд деб исм кўйишди. Икки уй наридаги ҳамсояларининг келини эмизиб турди. Кейинроқ эчки сотиб олишди. Бола уч ойли бўлганида келин шаҳардан қайтганини эшитиб, эр яна қудасиникига борди. «Қизингиз юкли эди, нима бўлди?» деб сўраб, «бола ўлик туғилибди», деган жавобни эшитди. Эшитди-ю, баданига муз югуриб, тахта бўлиб қотиб қолди. Тили гапга келмади. Оллоҳнинг ҳар нарсага кўникувчи бу содда бандаси «ўлик туғилган бўлса қаерга кўмдинглар, нима учун бизга хабар қилмадинглар, тирикми, ўликми, боламиздан зурриёд эди, нима учун шаҳарда туғди, нимадан уялди, бола валади зино эмас эди-ку?..» деган саволларни бермади. Қудасининг гапини оғир юкдай ортмоқлаб, уйига шумшайиб кириб борди. Бу шум хабар хотинининг жонини суғуриб олгандай бўлди. Яхши ҳамки, йиғи деган нарса бор, шу йиғи билан жонини қайтарди. Сўнг қиёмат қойимни бошламоқ қасдида қудасиникига отланди. Эр остонага туриб олиб, унга йўл бермади. Чақалоққа термулиб ўтириб, тунни бедор ўтказишди.

— Турди, уларнинг гапига ишонма, ёлғон айтишди, — деди эр. — Маҳмуд — боламизнинг боласи, аслида исмини Ёдгорбек деб кўйсак бўларкан.

— Бир қарашдаёқ кўнглим сезган, бегона эмас, ўзимизнинг набирамыз. Сиз лақмасиз, уларнинг гапига ишониб ўтирибсиз.

— Ишонмадим, Турди, ҳеч ишонмадим. Маҳмуджоннинг чап курагида доғ бор, эсингдами, боламизда ҳам бор эди.

— Бурни ҳам худди ўзи.

Бола улғайгани сайин унинг юзларида, қилиқларида, гапларида, овозида... отасига ўхшашликни топаверишди. Айни чоғда, келинларининг, келин-ку, ёш кўп нарсага ақли етмайди, қудаларининг бу қилиқларига тушунишмади. «Остонага ташлаб кетмай, «бола эсон-омон туғилди, энди ўзингиз боқиб олинглар, қизимизни боласи билан эр олиши қийин» десалар олам гулистон эди-ку?..» деб ўйлаб, ўйларига етишолмади.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтаверди. Бола улғаяверди. Ота-онасини сўрайдиган бўлди. Улар ўғилларининг тирик эканига, қачондир қайтиб келишига ишонишарди. Ҳатто келинларига инсоф киришига, унинг ҳам қайтишига, боласини бағрига босишига ишонч бор эди. «Даданг билан аянг узоққа кетишган, яқинда келишади», деб болани алдашар эди. Бир куни эр «Мардонқул шаҳарда келинингни кўрибди, суюқоёқ бўлиб кетган экан, ресторанда ўз кўзи билан кўрибди, энди боламга «онанг ўлган», деб қўя қолайлик», деди. Фикр хотинга ҳам маъқул бўлди, аммо айтишолмади.

Ўн тўрт ёшга қадам қўйган йили куз серёғин келиб, пахтани териб олиш оғирлашгани сабабли қуйроқ синфларнинг ўқувчиларини ҳам сафарбар қилишди. Ана шунда эр-хотин хашак ўримига кетиб қайтмаган ёлғиз ўғилларини эслашди. Кўнгилларига безовталиқ оралади, сўнгроқ бу безовталиқ юракдаги ғам тоши билан бостирилди. Аввалига Маҳмуджонни юбормаймиз, дейишди. «Пахта сиёсати нозик масала, бормаса боланг қамалади», деб қўрқитишгач, ноилож қолишди. Болани кўз ёши билан кузатишди. Эр ҳам йиғлади, хотин ҳам йиғлади — болани сўнгни марта кўраётганларини кўнгиллари сезди. Дийдор қиёматга қолди. Болаларни чўлдаги бир бостирмага жойлаштиришди. Ота-оналари бағридан илк дафъа узоқлашган болалар совуқда қунишиб, бемаза овқатдан кўнгиллари айниб, тунлари бир-бирларининг пинжигга кириб, тонг оттиришарди. Тераётган пахталарининг тайини бўлмаса ҳам бунда яшашга мажбур эдилар. Чунки юқорига борувчи маълумотларда фалон бўлимда қирқ саккизта норасида бор дейилмайди. Билъакс, «фалон бўлимда қирқ саккиз азамат об-ҳаво инжиқликларини мардонавор енгиб, фидокорона меҳнат қилмоқда» деб ёзилади. Қор аралаш ёмғир тиниши билан далага ҳайдалувчи бу «азаматлар» кунига уч-тўрт кило эмас, қоғозда олтмиш-етмиш кило тераётганларини билмас эдилар. «Еган овқатларингга лойиқ термаяпсанлар!» деган миннатдан тезроқ қутулиб, уйга тезроқ қайтиш илинжида шу бостирма остида яшардилар.

Ўн саккизинчи куни Маҳмуд ланж ҳолда турди. Ўнг биқинида оғриқ сезди. Кўнгли айниб, қайт қилди. Нонуштада иштаҳаси бўлмади. Иситмаси кўтарилди. Синф раҳбарига аҳволини маълум қилган эди, у: «Далага чиқсанг, тузалиб кетасан, ўғил бола чайир бўлиши керак», деди. У чайир бўлиш учун яна уч кун шу аҳволда юрди. Биқинидаги оғриқ кучайди. Овқат емаётгани учун ҳолдан тойди. Тўртинчи куни саҳарда, ҳамма ухлаб ётган маҳалда ўриндан турди-ю, катта кўча сари юрди. Ёмғир шивалаб турган эди: бирпасда мушук боладай ивиди. Катта, оғир этигини судраб бирон машина кўриниб олиб кетармикин, деган илинжда юраверди. Ниҳоят, машина чироғи кўринди. Машинага қўл кўтаргани эсида, чироқ нуридан кўзлари қамашгани, боши айлангани ҳам эсида, қолгани ёдида йўқ.

Машинадагилар болани кўришган, аммо тўхташ ниятлари йўқ эди. Ҳайдовчи ёнида ўтирган одам бирдан бақириб юборди:

— Тўхта! Нима бало, туртиб юбордингми?!

— Йўғ-е, — деди ҳайдовчи тормозни босиб, — четда турувди-ку?

— Йиқилди бола.

Улар тушиб, беҳуш ётган Маҳмудни машинага олишди. Йўлни ўзгартириб, касалхона томон юришди.

Маҳмуднинг жигари шишиб кетган эди. Табиблар аввалига «тузалишига умид йўқ», деган тўхтама келишди. Агар уйига яқин ерда бўлганида шундай деб ота-онасини чақириб бериб юборишарди. Маҳмуднинг бахтига уйлари юз чақиримнинг нари-берисида эди. Бунинг устига у «пахтадан қочганим учун қамаб қўйишмасин», деб қўрқиб, кимлигини, қаерда яшашини нотўғри айтган эди.

Синф раҳбари Эҳсонов уйига қочиб кетди, деб хотиржам, буваси, бувиси эса «болам пахтада» деб ўйлашарди. Шу боис уни қидириш ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди.

Бу орада, ҳеч кутилмаганда, бутун ғам-аламларни бирга баҳам кўрган, бир-бирига суяниб яшаётган эр-хотин олдинма-кейин боқий дунёга рихлат қилдилар. Ажабланарлиси шуки, касал

бўлиб ётмадилар. Аввал Эр кетди. Тунги уйқуси абадий уйқунинг дебочаси эканини билмай кетди. Кечқурун ётди-ю, тонгда уйғонмади. Эрнинг еттиси куни айтиб йиғлаётган Хотиннинг нафаси қайтди, беҳуш йиқилди. Бир соатча алаҳсираб ётиб, жони узилди. Ҳирқираб ётган ҳолида «болам!» деди-ю, тилини тишлади...

Худди ўша куни Маҳмуднинг соғая бошлаганини билиб, табиблар ажабланишди. Даволаётган табибни табриклашди. «Буни диссертатсия қилиш керак», деб маслаҳат беришди.

Яхшики, мактаб болаларининг бахтига йил ўттиз биринчи декабрда яқунланади. Агар йил декабрда эмас, ўттиз биринчи январда охирласами, улар яна бир ой қор босган далада шумтираб юрар эдилар. Қўллари, юзлари ёрилган болалар ўттизинчи декабрда уйларига қайтдилар. Ана шундагина Маҳмуднинг йўқолгани маълум бўлиб, қидир-қидир бошланди. Синф раҳбари топиб келганида Маҳмуд анча соғайган, оёққа туриб қолган эди. Синф раҳбари бу бевош болани уришди, сўқди, гина қилди, охири бувиси билан бувасидан ажраб қолганини маълум қилиб, изига қайтди.

Синф раҳбари ўқувчисининг соғ-саломат эканини билиб, кўнгли тинчиди. Шум хабарни айтиб, ўз елкасидаги ташвиш тоғини мурғак вужудга, мурғак юракка ағдариб кетди. Аждодларимиз фалакнинг айланишига қараб, ўн икки мучални белгилаб, ҳар мучалга жониворлар номини берганлар. Дейдиларки, ким қайси мучалда таваллуд топса феъли ўша жониворга ўхшаб кетади. Агар шу рост бўлса, яна бир — ўн учинчи мучал жорий этилиб, бефаросатларни шунга жамламоқ ва бу мучалга эшакнинг номини бермоқ дуруст бўларми эди. Агар шундай қилинса, синф раҳбари шубҳасиз эшак йилида туғилган бўлар эди.

Шум хабарни эшитганидан сўнг Маҳмуд икки кунгача ўзига келолмай юрди. Учунчи куни шомдан сўнг оёқлари уни беихтиёр касалхона яқинидаги темир йўл сари бошлади. Буваси ва бувиси қабрини, қишлоқни, уйни зиёрат қилиш деган тушунча ҳали унда йўқ эди. У фақат бир нарсани — ёлғиз қолганини ҳис этарди. Ёлғизлик чорасини шаҳардан изламоқчи бўлган эди. Балки онамни топарман, балки отам ҳам шаҳардадир, деган умид уни касалхонадан етаклаб чиқди. Унинг назарида шаҳар — маъмурлик қасри эди. Барча меҳрибон, саховатли одамлар, донолар шаҳарга тўпланган, деб ҳисобларди.

Вагон оғаси «онасини излаб кетаётган» касалхона кийимидаги болага раҳм қилиб, тушириб юбормади. Аксинча, бўлмасига олиб кириб, чой-нон билан сийлагач, боладаги «ҳамма яхши одамлар шаҳарда» деган фикр қатъийлашди. Аммо шоҳбекатда унга биров қарамади, эътибор ҳам бермади. Нима қилишни, қаерга боришни билмай, кун бўйи шу бино ичида санқиб юрди. Бир-икки ташқарига чиқди, касалхонанинг юпун кийимида совқотиб, тез изига қайтди. Қорни очди. Касалхонада қоғозга ўраб олган икки бурда нонни еди. Қоронғи тушганида силласи қуриб, ўриндиққа чўзилди.

Ҳайдар (унда «Кесакполвон» «унвони»га мушарраф бўлмаган эди) ўша кеч «ов»да эди. Касалхона кийимида ғужанак бўлиб ётган болага аввал эътибор бермади. Ўлжа қидириб бир оз айлангач, болани туртиб уйғотаётган милитсионерга кўзи тушди. Болани бу ерга дайдиб келиб қолганини дарров сезиб, уни қутқармоқчи бўлди. Тез-тез юриб яқинлашди-да, қаддини кўтараётган Маҳмудни елкасидан қучди.

— Калла пишдим, братишка, — деди худди яқин одамани суйгандек, сўнг милитсионерга қаради: — Бу менинг укам, тоби йўқ, шаҳардаги дўхтирга кўрсатгани олиб келганман.

Милитсионер Ҳайдарни танирди, шу боис унинг гапига «ишониб» нари кетди.

Ҳайдар боланинг юзига қараб, кейин пешонасига кафтини босди.

— Иситма бор-ку, қаёқдан қочиб келяпсан, чувринди ука, — деди.

Маҳмуд айтди.

— Юр, дўхтирга олиб бораман, — деди Ҳайдар.

«Шаҳарда яхши одамлар кўп», деб ўйлади Маҳмуд.

Ҳайдарнинг ёши катта бўлгани билан новча, хипчиндай қилтириқ Маҳмуд билан бўйи қарийб барабар эди. Маҳмуд боши айланиб юролмагани учун уни опичиб олди. Узун болани опичиб

юриш ташқаридан қараган одамга кулгили туюлар эди.

Шу-шу уларнинг тақдирлари боғланди. Аввал Асадбекникида яшади, сўнг, Асадбек уйлангач, Ҳайдар билан бирга турди. Асадбек қимордан кўра ўғирлик дуруст, деб ҳисоблагани учун Ҳайдар билан ишлади. Асадбек уни қиморга яқин йўлатмади.

Ишлар юришиб, бел бақувватлашгач, уй-жой қилди, уйланди. Онасини ҳам топди...

Аниқроғи, сўраб-суриштириб, Ҳайдар топди. Бир куни Асадбекка:

— Онасини топдим, аммо шалағи чиқиб кетибди, — деди.

— Кўрсатиб қўй, умидвор бўлиб юрмасин, — деди Асадбек.

— Кўнглини чўктириб нима қиламиз?

— Кўрсин, ҳаётнинг қанақалигини билсин.

Ҳайдар Асадбек амрини бажарди. Маҳмуд онасини шармандали ҳолда кўрди. Аввалига ишонмади. Ҳайдарнинг далиллари ҳам кор килмади. Туғилиб ўсган қишлоғига бориб келганидан сўнггина ишонди.

Ишонди-ю, яна бир ўлиб тирилди. Касалхонада бир ўлиб тирилган эди, бу сафар ўлди-ю, бошқа одам бўлиб тирилди. Дунё кўзларига жирканч ҳолда, сассиқ балчиқ ҳолида кўриниб, ҳамма нарсадан нафратлана бошлади. Ҳатто яқинлари бўлиб қолган Ҳайдар билан Асадбекдан ҳам нафратланди. Онасини бу ҳолда кўрсатгани учун Ҳайдарга нисбатан бўлган нафрати то ҳануз сўнмаган, бу нафрат вужудининг аллақаерида уйғонмоқ учун худди буйракдаги тошдай фурсат пойлаб ётарди.

## 2

Прокуратура маҳкамасидан чиққан Чувриндининг кўнгли хира эди. У пахтадан қочган кезлари ҳаётида илк марта қамалиб қолишдан кўрққан эди. Синф раҳбарининг қамоқдаги даҳшатлар хусусида гапирганлари ҳамон эсида. У дамда бу гапларнинг аксари лоф эканини болалар билишмас эди. Ўқитувчига ишонишарди, кўрқишарди. Биринчи марта Ҳайдарга қўшилиб ўғирлик қилганида яна кўрқди. Беш-ўн кун эшик тик этса ҳам милитсионер кириб келаётгандай чўчиб тушаверди. Кейинчалик бу кўрқув анча чекинди, аммо уни бутунлай тарк этмади. Уни ҳамиша ақл билан иш кўришга мажбур этувчи ҳис ҳам ана шу кўрқув эди.

Ровийлар дерларки, бу алдоқчи ҳаёт киши билмасдан еб-ичиб қўядиган заҳарга ўхшар. Киши заҳар борлигидан беҳабар ҳолда уни иштаҳа билан ер ва билмаски, унда ўз ўлими яшириндир. Чувринди еяётгани аста-секин таъсир этувчи заҳар эканини аниқ билмаса-да, бахтиёрлик ичра яшай туриб бахтсизликка учрамоқдан кўрқмоқ лозимлигини сезиб турарди. Омаднинг фоҳиша хотин каби эканлиги, бугун сенга кулиб турса, эртага бошқага илжайиб қаражаги ҳам унга аён эди.

Бугунги ташриф унинг учун айтарли жиддий аҳамият касб этмаса-да, кўнглини хира қилди. Бунақа маҳкамаларга ҳатто шунчаки саломлашиб чиқиш учун ҳам киргиси йўқ эди. Зоҳиднинг чақирув қоғозини йиртиб ташлаб, бу идорадаги танишларига сим қоқиб қўйиши ҳам мумкин эди. Аввало иш чувалашмасин, деди. Ўжар, ҳақиқатпараст деб таърифланаётган Зоҳидда шубҳа уйғотишни истамади. Қолаверса, руҳидаги нафсни ўлдира олган терговчини яқиндан бир кўриш иштиёқи туғилди.

Асадбек ҳеч ёлғиз юрмасди. Бу табиий ҳол. Катта одамнинг ташвиши ҳам катта бўлади, атрофидаги хавфи ҳам. Кесакполвон атрофидагиларга қадрини намойиш этиш учун, оғайнисига тақлид қилиб, у ҳам доимо бир-икки йигит билан бирга бўларди. Бу гуруҳда фақат Чувриндигина ёлғиз юрарди. У бировга тақлид қилишни хушламас эди, қолаверса, гавдасига, кучига ишонарди.

Шаҳар марказидаги уч қаватли бино ертўласига жойлашган қароргоҳига кетатуриб машинасини кўп қаватли иморатлар орқасида қолиб кетган маҳалла сари бурди. Маҳаллага урушдан илгари асос солингани учун иморатлари унчалик ҳашаматли эмасди. У машинасини сувоқлари кўчиб туша бошлаган уй қаршисида тўхтатди. Бу уй бир вақтлар Асадбекларнинг

макони эди. Уй эгаси бир кечада уйни ҳам, хотинни ҳам Асадбекка бой бериб, аламига чидай олмасдан ўзини осиб қўйган эди. Асадбек у билан қалин дўст бўлмаса-да, ўзаро яқинликлари бор эди. Шу сабабли унинг ўлимидан ҳам изтироб чекди, ҳам жаҳли чиқди.

— Эринг аҳмоқ экан, — деди маъракалари ўтганидан сўнг. — Уй ҳам, хотин ҳам топиладиган нарса, жон топилмайди. Кеча ютқизган бўлса, бугун ютарди. Мен унга уйни бўшат, хотинингни бер, деб қисталанг қилмовдим. Ҳозир ҳам бундай демайман. Уй ўзингга буюрсин. Хоҳласанг эрга тег. Фақат эрингни қиморга яқинлаштира.

Аёл нима учундир эрга тегмади, Асадбеклар даврасидан узоқлашишни истамади. Дам-бадам шу уйда қиморбозлар йиғиладиган бўлишди. Хотин уларнинг хизматини ўрнига қўйиб юраверди. Умри шу зайлда ўтиб, олтмишни қоралаганда ёлғизлигини ҳис қила бошлади. Бу орада Чувриндининг онаси ҳам чиройини, ёшлигини бой бера борди. Бозори чаққон хонимнинг ишлари орқага кета бошлади. Майхўрлик уни одам кепатасидан чиқариб ташлади. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда хор ҳолида ётиб юрганида Чувринди уни шу уйга олиб келди. Уй бекасидан «кўз-қулоқ бўлиб турунг» деб илтимос қилди. Чувринди уни она сифатида қадрламаса ҳам, одам сифатида раҳми келарди. Кўча-кўйда ўлиб-нетиб қолмасин, деб хавотирланарди.

У ҳовлига кириши билан айвон пойдеворига суюнганича бошини осилтириб ухлаб ўтирган онасини кўрди. У ахлатхонада ағанаб ётганми кўйлагига қараб бўлмайди, сочлари тўзиб кетган... Сўлаги оқиб ўтирган онасини кўриб, ижирғанди. Шу хотин энди эллик ёшдан ошди, деса биров ишонмас эди. Айвонда уй бекаси кўриниб, саломлашгач, изоҳ берди:

— Икки кун кўринмай кетди. Тиланчилик қилиб пул топганми, билмайман.

Чувринди ёнидан пул чиқариб, унга узатди:

— Қанча ичса, шу ерда ичсин, кўчага чиқарманг.

— Шериклари билан ичмаса кўнгли жойига тушмайди-да. Анави куни учтасини бошлаб келибди. Хафа бўлманг-у, киритмадим. Кўни-кўшнилardan уяламан-да.

— Тўғри қилибсиз, — Чувринди шундай деб, онасига яна бир қараб олди. — Телефон қиламан, ҳали олиб кетишади.

— Қаёққа?

— Диспансерга.

— Даволаб бўлармикин буни?

— Даволаб бўлмаса ҳам ўша ерда ётсин.

Чувринди шундай деб чиқиб кетди.

Уч қаватли бино ертўласида уни Бўтқа одатдагидек жилмайган ҳолда кутиб олиб, «шу ердалар» дегандай им қоқиб қўйди.

Кесакполвон билан гаплашиб ўтирган Асадбек ўтирган ерида қўл узатиб, кўришди.

— Зайнаб тузукми? — деб сўради Чувринди, унинг қаршисидаги ўриндикқа ўтириб.

— Янганг ёнида қолган. Телефон қилсам тузук, деяпти. Дўхтирга яхшилаб тайинладингми?

— Ўзимизнинг одам. Тузалгунича ёнидан жилмайди.

— Прокурор нимага чақирибди?

— У-буни суриштиради... Жамшид масаласида.

— Кавляептими?

— Ҳа, энди бир уриниб кўради-да.

— Ҳайдар, кавказликларингни рўпара қилмоқчи эдинг-ку?

— Улар тайёр, прокурор озгина кавлаштиради, бирдан рўпара қилсам, хитлашади. Кеча шўпирни изига тушишди. Шўпир бугун Учариқдан келса, таппа босишади. У оғзидан гуллади. Ҳаммасини пишитиб қўйганман. Ош тайёр, ўзи сузиб олади.

— Каллангни ишлат, ош тагига олмасин.

Кесакполвон «бир-икки марта тагига олдирганмидим?» демоқчи бўлди-ю, Асадбекнинг кайфияти ёмон эканини эслаб, индамай қўя қолди.

— Бек ака, заводдаги йигитлар хунук хабар етказишди, — деди Чувринди.

— Яна нима бўлибди?

— Шариф қуруғидан тортаётган<sup>1</sup> эмиш.

Бу гапни эшитиб, Асадбек Кесакполвонга қаради.

— Нимага менга қараяпсан, мен ўргатибманми?

— Йигитларнинг гапига қараганда, сиз қўйган жонон билан тортаркан, — деди Чувринди.

— Бўлмаган гап! У чекмайди. Нинадан олиши тўғри, лекин қуруғидан тортмайди.

— Маҳмуд, жонон буники бўлса ҳам сенга бир иш бор: агар ўша ўргатган бўлса, хотини йириб, оёғидан дарахтга осиб қўй. Шарифни дўхтирга рўпара қил, тузатсин.

— Бормайман, деса-чи?

— Боргиси келмаса, ўласи қилиб калтакла. Қон чиқмайдиган жойига ур. Калтакдан қўрқади у хунаса.

— Қиличнинг ўзи дуруст эди, буни бекорга талтайтирдинг. Фойдаси тегадиган олим, деб елканга чиқариб олдинг. Ана энди ўзи бошингга ўтириб олиб кўллатиб ётибди.

— Ўчир, ақлинг етмаган ишларга аралашма. У бугун бўлмаса, эртага керак бўлади бизга.

Маҳмуд, дўхтирдан сўра, неча кунда тузатаркин, шунга қараб, Португалияга боришини ҳал қил. Азалдан шу: Асадбек бир ишни амалга оширмақчи бўлганида Кесакполвон тушунибми, тушунмайми, фикр билдирса, «ақлинг етмаган ишга аралашма», деб шарт кесади. Бошқа одамга бу ҳақоратдай ёки камситишдай туюлиши мумкин. Кесакполвон эса бунақа жеркишу, сўкишу, лаънатлашларга кўникиб кетган. Оғайнисининг сўккани сўк оши, ургани ун оши, дейиш ноўрин, чунки Асадбек унга ҳеч қачон қўл кўтармаган. Чувриндини ёшлиқдаги хатолари учун бир-икки урган, аммо Кесакполвонни чертиб ҳам қўймаган.

Асадбекнинг ҳозирги жеркиб бақариши саҳродаги қумга сингган томчидай бетаъсир бўлди — орага ноқулайлик чўкмади.

— Жамшиднинг ўрнига кимни берасан? — деди Асадбек Кесакполвондан.

— Чақирайми, шу ерда, — Кесакполвон шундай деб ўрнидан турди. Эшикка яқинлашиб, қия очди-да, Бўтқага имлади.

Хонага қорувли, мушаклари ўйнаб турган, қалин қошлари туташ бир йигит кирди. Сақич чайнаб турган бу йигитнинг турқи Асадбекка ёқмади.

— Кавш қайтарма, бу ер сенга молхона эмас! — деди жеркиб.

Йигит сақич чайнашини тўхтатиб, кўзини лўқ қилганича тураверди.

— Ташқаридаги аканг билан солишсанг эплайсанми? — деб сўради Чувринди Бўтқага ишора қилиб.

— Менга чўт эмас.

— Шунақасидан иккита бўлса-чи?

— Эплаштираман.

— Нимага ишониб айтяпсан бу гапларни?

— Ўзимга ишонаман.

— Ҳозир чиқиб ўшани мажақлаб ташла, десам бажарасанми? — деб сўради Асадбек.

— Мажақла десангиз, мажақлайман, — деди йигит ўйлаб ҳам ўтирмай.

Жамшид билан дастлабки учрашувда ҳам шундай савол беришганди. У саволга сукут билан жавоб қилган эди.

— Ўлдир, десам-чи?

— Ўлдириш керак бўлса, ўлади.

— Кейин-чи?

— Кейин... сиз нима десангиз шу.

Асадбек ўрнидан турди. Йигит без бўлиб қотиб тураверди. Асадбек худди ташқарига чиқмоқчидай эшик томон юрди. Аммо йигитнинг ёнидан ўтаётганида кескин бурилди-да, унинг жағига мушт туширди. Зарбани кутмаган йигит чайқалиб кетди. Нима воқеа юз берганини тушуниб етмасидан қорнидан тепки еб букчайди, букчайди-ю, гарданидан мушт еб йиқилди.

— Бир қоп гўшт-ку, бунинг, — деди Асадбек жойига ўтириб. Шу дамда яна Жамшидни эслади. Жамшид ҳам шундай синалган, аммо зийраклик қилиб муштга чап берган эди.

— Мен сени эркак деб юрсам, ҳеббим экансан-ку, — деди Кесакполвон йигитга. — Яна Бўтқадан иккитасини ёпиштираман, деб кериласан-а?! Бўтқа сендақадан ўнтасини сихга териб қўяди. Нафас олиб, чиқаришга улгурмай қоласан. Тур ўрнингдан, туққан хотинга ўхшаб ялпаймай, тур!

— Бек акамга қўл кўтаролмайман-ку, — деди йигит ўзини оқламоқчи бўлиб.

— Қўл кўтариб ҳам кўр-чи! — деди Кесакполвон.— Мен сенга қўл кўтар, демадим, ҳеч бўлмаса ўзингни ҳимоя қилмайсанми?

— Айтмагандингиз-ку?

— Ўзингни ҳимоя қилишингни ҳам биров айтиб туриши керакми? — деди Чувринди.

— Бор, ишингни қилавер.

Йигит чиқиши билан Асадбек Кесакполвонга савол назари билан қаради.

— Зўри шу эди. Ҳали ёш, ўрганиб кетади. Билиб турибман, сен Жамшидга ўхшаганини хоҳлаяпсан. Йигитлар орасида унақаси йўқ бошқа.

— Жамшидни гапирма! — деб бақирди Асадбек.

Жамшидни кўмиб келишганидан бери, айниқса қизи Зайнаб ўзини осиб қўйганидан бери Асадбек юрса ҳам, турса ҳам содиқ йигитини ўйларди. Кўзини юмди дегунича, жингалак сочли Жамшид кўринаверарди. Бу ҳолни у ўткинчи деб ўйларди. Кейинги кунлар ичи Жамшидни ўлимга ҳукм қилганидан ўкина бошлаган ҳам эди. Бошқа одам томонидан бу исмининг тилга олиниши юрагини жизиллатиб қуйдириб турган чўғ устига сепилган мой каби эди.

— Менинг олдимда уни эслай кўрма!

Аёнлар унинг руҳидаги ўзгаришдан беҳабар, ҳали ҳам ғазабдан тушмабди, деб ўйлашди. Шу пайт эшик очилди-да, Бўтқа Чувриндини имлаб, «телефонга» деб қўйди.

— Ким экан, шу хонага улавермайсанми?

Бўтқа сирли равишда бош чайқаб қўйгач, Чувринди ажабланиб, ўрнидан турди. Остона ҳатлаши билан Бўтқа секин шипшиди;

— Дўхтир чақиряпти. Бек акамдан яширадиган гапи бор, шекилли?

Чувриндининг назарида табибнинг овози титраётгандай бўлди, шу сабабли хавотирланиб:

— Зайнаб соғми? — деб сўради.

— Зайнаб-ку соғ... — деди табиб мужмал оҳангда.— Боласи тушди. Шуни Бек акамга ўзингиз ётиғи билан айтасизми?

— Янгам қаердалар?

— Қизларининг ёнида йиғлаб ўтирибдилар. Энг муҳими, Зайнаб омон қолди. Хавотир олманглар, ўн-ўн беш кунда оёққа туриб кетади. Кейсерово қиламизми, деб чўчиб турувдик, бу ёғини Худонинг ўзи енгиллаштирди.

Чувринди «хайр» деб гўшакни жойига қўйгач, бир оз ўйланиб турди. Табиб ўзининг зиммасидаги оғир вазифани унинг елкасига ағдарган эди. У хонага қайтганида Асадбек ҳам, Кесакполвон ҳам жим ўтирган эди.

— Нима гап? — деди Асадбек Чувриндининг бўшашиброқ турганини сезиб.

— Касалхонада экан... Зайнабнинг соғлиғи яхши. Фақат... боласи тушибди.

— Нега тушади? — деди Кесакполвон. — Нега яхшироқ қарамадиларинг, демадингми?

Чувринди «нима деяпсиз, эсингиз жойидами?» дегандай им қоқди. Асадбек Кесакполвонга «жим бўл» деб қўйди-да, хаёлини бир ерга жамлаш учун бармоқларига тикилди.

Қизининг юкли эканини билганидан бери дам-бадам туғилажак набирасини кўз олдига келтирмоқчи бўларди. Шириндан-ширин чақалоқ тушларига кирарди. «Тушимда яна чақалоқ кўрдим», деб суюнганида хотини Манзура лабини тишлаб бош чайқаб қўяр- ди-ю, таъбирини айтмасди. Таъбири... демак, шу экан-да? Асадбек ўрнидан туриб, эшик томон юрди. Бир-икки одим босгач тўхтаб, Чувриндига қаради.



— Элчинга хабар бер. Шов-шув қилмаларинг. Одамларнинг билмагани маъқул. Кесакполвон кузатаман, деган мақсадда ўрнидан турган эди, Асадбек «ўтиравер, эргашма», деди. Кесакполвон остонага қадар кузатиб бориб «ёлғиз қолдирманглар», деб Бўтқага имлагач, жойига қайтди.

— Бугун жа жириллаб қолдингми? Прокурор билмасдан думингни босиб олдимми? — деди Кесакполвон ўриндиққа ястаниб ўтириб.

— Бир ниманинг ҳидини олганга ўхшайди, — деди Чувринди унинг қаршисидан жой олиб. — Очиқ айтмади-ю, аммо сездириб қўйди. Ўлик чўлоқмиди?

— Нима?

— Бир оёғи калтамиди?

— Мен қаёқдан биламан, юрғизиб кўриб олибманми? Битта ўлик топиш керак дединг, топиб келдим. Энди менинг бошимни оғритма.

— Ўхшамаганидан топилибди-да. Бек акам-ку, ишондилар. Прокурор дарров ишонадиганмас.

— Ҳей, акоси, эгасиз ўликлар тахланиб турган жой борми? Ё Ҳайдар аканг жингалак соч ўлик туғиб бериши керакмиди?! Айтавер, сен айтсанг, ўлик туғиб бермаган — номард!

— Жаҳлингиз чиқмасин, шошилишда бўлган иш... Чорасини ўйлашимиз керак.

— Сен бола, бир хил пайтларда жа ўзингдан кетяпсан.

— Ҳайдар ака, сиз шу гапни кўп айтасиз, мен ҳам бир хил жавоб бераман: менинг мақсадим бир — ҳаммамиз бежавотир яшайлик. Биз қилкўприкда юрадиган одамлармиз. Буларнинг қачон оёғи тойиб кетаркин, қачон йиқиларкин, деб умид билан тикилиб турган кўзлар мингта. Ўзимиз эҳтиёт бўлмасак, биров бизни эҳтиёт қиладими, бизга бировнинг жони ачийдимми?

— Бу ишинг яхши, гап йўқ! Лекин оширворма, бола. Қил кўприкда юрсак ҳам қўлимиз узун, пастда йиқилишимизни кутаётганлар кўп бўлса, тепада қўлимиздан ушлаб қоладиганлар ҳам бор. Шуни унутма, бўлар-бўлмас гапларни Бекка айтаверма.

— Бек акамга нима дебман?

— Бугунги гапинг шарт эмас эди. Шариф масаласини ўзимиз ими-жимидида тўғрилмасак ҳам бўларди. Орага жононни қўшиб, мени айбдор қилиб қўйдинг.

— Ими-жимидида иш қилишга ҳаққимиз йўқ. Бек акам ҳамма нарсадан хабардор бўлишлари керак. Ўнг қўлнинг ишини чап қўл билмаса чатоғи чиқади.

— Сенга ақл ўргатган мен аҳмоқ, — деди Кесакполвон жилмайишга ҳаракат қилиб. — Эҳтиёт бўл, бола, жағингни эзиб қўймайин. Илдизимга болта ураман, деб уриниб юрма.

Кесакполвон бу гапни ҳазил оҳангида айтаётган бўлса ҳам Чувринди ҳазил таги зил эканини фаҳмлади. Аммо сир бой бермаслик учун жилмайиб қўйиб жавоб берди:

— Ҳаммамизнинг илдизимиз бир. Яшамоқ ҳам бирга, ўлмоқ ҳам бирга.

### 3

Асадбек қизи ётган хонага кирмади. Тўғри, одатда ичкарига эркак зоти қўйилмасди, лекин Асадбек ўтмоқни ихтиёр этса, истисно тариқасида бу қоида бузилуви мумкин эди. У қоидани бузгиси келмади, демоқлик лофга яқин гап бўлар. Асадбек қизи олдида ўзини айбдор ҳис қилар, ана шу ҳис Зайнабга рўпара бўлишига йўл қўймас эди. У қизининг мунгли кўзларига ботиниб қарай олмасди. Фарзандга илашган бир мисқол бахтсизлик отага юз ботмон миқдорида оғир бахтсизлик юки бўлиб эзажагини қизи йўқолиб, топилганидан сўнг ҳис этди. Табиббошининг хонасида ўтирганида даволовчи табиб тиб илмига хос тилда хасталик сабабларини баён қилди. Унинг гаплари Асадбекнинг қулоғига кирмади. У қовоқларини уюб, бир нуқтага тикилганича ўтирди. Табиб гапини тугатиб, жим бўлгач, унга қаради-да:

— Янгангни чақир, — деди.

Еллик учинчи йилда укаси Самандарнинг ҳеч кутилмаганда шамоллаб, ўлиб қолиши юрагига битмас жароҳат солган эди. Бу жароҳат йиллар ўтиб ҳам тузалмади. Билъакс, яраланган жангчи баданида қолиб кетган темир парчасидай дам-бадам қўзғолиб азоб бериб турди.

Бадандаги темир парчасини жарроҳ олиб ташлаши мумкин, аммо яраланган руҳга даво йўқ...  
Биринчи фарзанди туғилганида бахтиёрлик денгизи узра сузди. Бироқ, бу денгизнинг пўртаналари ҳам бор эди. Бола йўталса ёки иситмаласа Асадбек шайтонлаб қолай дерди. Бола тuzалмагунича минг хаёлга борарди. Танчанинг бир четида ётган укаси кўз олдига келаверарди. Самандарнинг иситма оташида ёниб айтган сўзлари қулоғи остида жаранглайверарди: «...самалўт, қанотийни пастлаб ўт...»

Дунё юзини кўрмай ўтган набираси яна жароҳатини янгилади...

Манзура остона ҳатлади-ю, қаддини букиб ўтирган эрига яқинлаша олмай, тўхтади. Назарида эри «Ҳе, ношуд!» деб сўкиб қоладигандай эди. Асадбек хотинига қаради, унга раҳми келди. Манзурага яхши гап айтгиси, кўнглини кўтаргиси келди. Лекин гап тополмади. Рўпарасидаги бўш стулни кўрсатиб, «ўтир» деди. Иккови анчагача жим ўтиришди.

— Бир ойдан кейин ўғилларинг келишади. Икковини баравар уйлаб қўямиз, — деди Асадбек жимликни бузиб. Кўпдан бери хаёлини банд этиб келатган бу фикрни айнан шу дамда, уйда эмас, айнан шу ерда айтишига сабаб, хотинининг зимистон кўнглига умид чироғини ёқиш эди. — Худо ўша кунга етқазсин, — деди Манзура титроқ овозда.

«Ҳозир яна бир нарса десам йиғлаб юборади», деб ўйлади Асадбек.

— Сен пиқиллама, ҳали ёш, истаганича бола кўраверади.

— Айтганингиз келсин, илойим... дадаси... болани олиб кўмиш керак. Бу ердагилар ташлаб юборишади.

— Ҳа, ҳа, албатта, — Асадбек шундай деб, телефон гўшагини кўтариб, лозим рақамни терди. Уч қаватли уй ертўласидаги телефончи қизлар унинг овозини таниб, дарров, хос хонани уладилар. Гўшакни Чувринди кўтарди.

— Маҳмуд, — деди Асадбек, — Ҳайдар аканг бу ерга етиб келсин. Сен ўзинг Элчиннинг уйига бориб тур, қабристонга одам юбор. Болани кўмиш керак.

Шундай деди-ю, гўшакни жойига қўйди — ортиқча гап-сўзга ҳожат йўқ эди. Табиббоши дарсга кеч қолган боладай эшикни аста очиб, қаради.

— Кираверинг, — деди Асадбек унга марҳамат қилиб. — Айтинг, болани тайёрлаб қўйишсин...

— Олиб кетасизларми? — деди табиббоши ажабланиб. — Одатда кўпчилик...

— Мен кўпчилик эмасман...

Ҳайдар етиб келиши билан Элчиннинг уйига жўнашди.

...Асадбек қабристонларда кўп марта бўлган. Аммо бу сафар ўзи ҳам англамаган ғалати бир кайфиятда кириб, ғалати бир кайфиятда чиқди. Илгари у баҳайбат қабртошларга эътибор бермас эди. Бугун не учундир бу тошлар ғашига тегди. Гарчи ер остида, индамаслар оламида ётганлар бир хил либосда, бир хил кўринишда бўлсаларда, уларнинг тепалари турли ҳолда безалган: бир қабр шунчаки сомон сувоқ қилиб қўйилган, бошқаси устида оқ мрамор, қора мрамор... ҳатто ҳайкаллар... Бўй баравар бир ҳайкал қўлини кўксига қўйиб турибди. Шом қоронғусида ўтган одам кўрқиб кетиши ҳеч гапмас — худди майит ер остидан чиқиб «Хуш келибсиз, қани, ичкарига марҳамат», деб тургандай...

Баҳайбат қабртош ёнида боланинг қабри бир уюмгина тупроқ бўлди. Худди болалар ҳаммомпиш ўйнашга тўплаган тупроқдайин...

#### 4

Қуёш ботаётган маҳалда Манзура касалхонага — қизи ёнига, Асадбек ҳувиллаб ётган уйига қайтди. Унинг кўнгли ёлғизликни истаётган эди. Танҳо қолиб, танҳолик исканжасида эзила бошлади. Уйга кирди, ҳовлига чиқди. Худди йўқотган бир нарсасини қидираётгандай ивирсиди. Кесакполвонни чақиртирмоқчи бўлганида, дарвозахонада таниш овоз эшитилди — Жалил! У одати бўйича, биров эшитса-ешитмаса дарвозахонадаёқ гапини бошлаб юборган эди.

— Сен ҳам одамга ўхшаб уйингда ўтирар экансан-ку, а? — деди у Асадбек билан саломлашгач.

— Дайдиб юрганнимни кўрганмидинг? — деди Асадбек, уни айвонга бошлаб.

Жалил икки киши бемалол сиғадиган юмшоқ ўриндиққа ўтириб, чордана қуриб олди-да, фотиҳа қилди. Сўнг «ширин сўзлик» билан ҳол сўради:

— Ҳа, тинчликми, қовоғингдан қор ёғиб турибди?

— Қовоғим жойида, қор ёғаётгани йўқ.

— Бекор айтибсан. Мен девор бўлмаса кўчани кўрадиган одамман. Манзуранг қани?

— Касалхонада.

— Ана, биламан-да! Зайнаб тузукми?

Асадбек «Зайнабнинг тоби йўқлигини қаёқдан билдинг?» дегандай унга ажабланиб қаради.

— Менга бунақа қарама. Ҳовлига ўтувдим. Эшитдим. Зайнаб ўзини осиб қўйганмиш. Шу ростми ўзи?

— Рост...

— Нима гап ўтувди?

— Ҳеч гап.

— Бекордан-бекор одам ўзини осарканми? Каллангни ишлатиб кўрмадингми?

— Сасима. Ишинг бўлмасин.

— Ишим-ку, бўлмайди, оғайничалиш. Сенга ачинаман-да. Ҳар ҳолда қиз ўртоғимсан. Жаҳлинг чиқса ҳам рост гапни айтайми?

— Айт.

— Пули кўпнинг ақли камроқ бўларкан. Худо сенга бойлик бердими — берди. Обрў берди, хуллас, нимаики хоҳласанг ҳаммасини берди. Эвазига биттагина иш буюрди, шуни қилмайсан, а?

— Нима иш?

— Намоз ўқиш-да! Ўқисанг ўлиб қоласанми?

— Вақт-соати келар.

— Масжид қурдирганинг нимаси-ю, ўзинг намоз ўқимаганинг нимаси?

— Ишинг бўлмасин, дедим.

— Хўп, ишим бўлмаса бўлмай қўя қолсин. Ҳозир жаҳлинг чиқиб турибди, гап ёқмайди сенга. Лекин билиб қўй: мендақа оғайнини бошқа топа олмайсан.

— Ким ўзини мақтарди?

— Хўп, мен аҳмоқман. Лекин билиб қўй: ўша аҳмоқ ошнанг сенинг фақат бугунингни эмас, охиратингни ҳам ўйлаб гапиряпти бу гапларни. У дунёда мен жаннатда юрсаму сен дўзахда юрсанг, менга алам қилади.

Бу гапни эшитиб Асадбек кулимсиради.

— Нимага ишшайяпсан? — деди Жалил аччиқланиб.

— Ўзинг намозни қачон бошладинг?

— Ярим йилдан ошди.

— Жаннатга кириш учун ярим йил намоз ўқиш етарли эканми? Сенга ҳозирнинг ўзида «жаннатга кирасан» деган патта бериб қўйишдими?

— Сен бола мени масхара қилма. Мен ярим йил намоз ўқиб, эрта-индин ўлиб берадиган аҳмоқ эмасман. Худо хоҳласа, юзга кириш ниятим бор. Ҳассага суяниб, мункиллаб юрганингда бир кулайин...

— Ўзинг мункаймайсанми?

— Йўқ, менинг суягим меҳнатда қотган. Маишатни зўр қилган одам тез мункаяди. Кам еб, сабр қилиб юрган одам қариганида ҳам бақувват бўларкан.

— Қаригунча йўғон ингичкалашиб, ингичка узиларкан...

Бир оз асабий ҳолда бошланган суҳбат шу зайлда юмшаб қоронғи тунга қадар чўзилди. Жалил Зайнабни ҳам, бўлиб ўтган нохуш воқеаларни ҳам бошқа эсламади. Ўзининг содда гаплари билан ошнасининг кўнглини овлаб ўтирди. Уйига кетишга ҳаракат ҳам қилмади. Асадбек ичкаридан кўрпачалар олиб чиқиб, ҳовлидаги сўрига ўрин солди. Яна аллақанча вақтгача

суҳбатлашиб ётдилар. Жалил «ерталаб ишга бораман» деб кўрпага бурканганида тун яримлаб қолган эди.

«Чиндан ҳам бунақа ошнани топа олмайман», деб ўйлади Асадбек.

Асадбек шу пайтгача ҳовлидаги сўрида ётмаган эди. Шунинг учун ҳам болохонадаги йигитлар бу тунни янада сергак ҳолда ўтказдилар.

## VII 6 0 6

### 1

Аэропортга кираверишда йиғлаб турган аёл Зелихонга танишдай туюлди. Бу гўштор аёл туркларни олиб кетган автобус карвони изига кўз тикканича йиғларди. Ичкаридан узун бўйли, қорин қўйган, башанг кийинган Селим чиқиб келгач, ўн беш кун илгари эрини жон-жаҳди билан ҳимоя қилган бу хотинни таниди.

— Нима қилиб турибсан, кир ичкарига! — деб жеркиди Селим.

— Бувимларни кўрдим,— деди аёл йиғидан тўхтамай.

— Кўрган бўлсанг, яхши, тирик экан. Кейинроқ топамиз. Осмонга чиқиб йўқ бўлиб кетишмайди, ўлмай қолганига қувонсанг-чи! — Шундай деб ўзига яқинлашаётган Зелихонга кўзи тушди-ю, ранги оқариб кетди: — Зели оға?

— Кўринишинг бинойи...— деди Зелихон унга бошдан-оёқ разм солиб.— Уйинг ёнмаганга ўхшайди, а? Бўри билан шундай шартлашганмидинг?

Аёл эрининг қўлидан ушлади.

— Юринг, бу ерда турмайлик.

— Сен ичкарига киравер, кўрқма, эрингни еб қўймайман. Буни ит еса, ит ҳам ҳаром ўлади.

— Агар яна тегсангиз дод соламан, милиса чақираман,— деди аёл.

— Милисанинг эрингни ҳимоя қилишдан бошқа ташвиши йўқми? Бор, деяпман, эркакларнинг гапига сен аралашма. Ҳозир буни чертишдан ҳам ҳазар қиламан. Буни уриш билан иш битмайди, буни биратўла отиш керак!

Бу гапдан кейин аёлнинг эсхонаси чиқиб, эрига қалқон бўлмоқчи эди, Селим уни силтаб ташлади:

— Ичкари кир, дейилгандан кейин кир. Болаларга қара!

Аёл эрига бўйсуниб, ичкарига кирди.

— Мен бунчалик бўларини кутмаган эдим,— деди Селим ўзини оқлаш ниятида.

— Қанақа бўлади, деб ўйловдинг?

Селим «билмайман» дегандай елка қисди.

— Бўри қаерда?

— Билмайман, уни ўшандан бери кўрмадим.

— Нега кетяпсан, сенга тегишмабди-ку?

— Билиб бўладими, бугун бўлмаса, эртага...

— Шундай уйни ташлаб кетаверасанми?

— Пича вақт ўтсин, тинчисин, келиб сотиб кетарман.

— Сотолмайсан.

— Нега, Зели оға?

— Уйингни бугуноқ ёқаман.

— Йўқ, Зели оға, болаларимга раҳмингиз келсин, мени хонавайрон қилманг.

— Сени хонавайрон қилиб бўларканми? Нечта чамадон билан кетяпсан.

— Кўп эмас,— деди Селим довдираб,— олтита. Кичкина чамадонлар.

— Бошқалар,— Зелихон автобуслар карвони кетган томонга қараб қўйди,— битта қўйлак билан кетишди. Оғам Исмоилбейга кафанни ўзбеклар беришди.

— Оғам ўлдиларми?

— Ҳа... менинг бобомни ҳам ўзбекларнинг ўзлари кафанлаб кўмишган эди. Шу нарсага ақлинг етадими сенинг?

— Ҳа, тушунаман. Ёмонлик ишасмас эди.

— Йўқ, тушунмайсан. Тушунганинда олтига чамадонни лик тўлдириб қочмас эдинг. Бошқалар билан бирга бўлардинг. Сен хунасани барибир отаман. Қаёққа борсанг ҳам излаб топиб, отаман. Тўппончам бўлганида ҳозироқ отар эдим. Майли, яна озгина яшай қол. Озгина бўлса ҳам дарбадарлик нима эканини билиб қўй.

— Зели оға, ундай деманг, сизни ҳурмат қиламан.

— Ҳурмат қилмай қўя қол. Бор, ичкарига кир, хотинингнинг юраги ёрилиб кетмасин. Сен мени кутгин, бир кунмас-бир кун уйингга кириб бораман. Агар бир бало бўлиб қамалиб кетсам, одам юбораман. Сени ўлдириш энди менга қиёмат қарз!

Зелихон бу гапларни атайин уни қўрқитиш учун айтган эди. Унинг назарида Селимга битта ўқ кифоя эмас. У бундан буёнги ҳаётини қўрқувда, талвасада ўтказиши лозим эди.

Селим чиндан ҳам қўрқди. Аммо шу оннинг ўзида Зелихондан осон қутулаётганига қувониб, хайр-маъзурни насиё қилгани ҳолда ичкарига кирди. Бундан Зелихоннинг аччиғи чиқди.

Ичкари кириб бир адабини бермоқчи ҳам бўлди. Шу онда қандайдир бир ғойибона овоз: «ўзинг-чи, жонингни сақлаб қолган одамга хайр ҳам демай кетмоқчисан-ку?»— деди. «Ҳа-я,— деди у ўзига-ўзи,— Йигиталига учрашмай кетсам, дуруст бўлмас». Шу қарорга келиб, шаҳарга қатнайдиган автобусга ўтирди. У Йигиталини кига бу усти-бош билан бориб бўлмаслигини, соқчилар кўпайгани, шубҳали одамлар ҳибсга олинмоғи мумкин эканини биларди. Шу боис аввал Надяни кига бормоқни, ювиниб-тараниб, сўнг Йигиталига учрашмоқни афзал кўрди...

...Ешик дарров очилмади. Қўнғироқнинг иккита қисқа, учта узун жиринглаши ҳам

ичкаридагиларга таъсир этмади. Қўнғироқни қайта-қайта босавергач, эшик қия очилиб, сочлари тўзғиган, ўнг қўл бармоқларига сигарет қистирган Надя кўринди.

— Зея, сенмидинг? — деди у хушламаган бир оҳангда.

— Надуля, меҳмонни яхши кутиб олмаяпсан? — деди Зелихон ичкари кириб, унинг белига қўл юбориб,— нима бўлди, тинчликми?

— Жонимга тегдиларинг, ҳаммаларинг! — Надя шундай деб унга эш бермай, ошхона томон юрди. Газ плитаси устидаги гугуртни олиб, сигаретни тутатди.

Зелихон ажабланиб, катта хона эшигини аста қиялатиб, ичкарига мўралади: икки йигит диванда бир-бирининг елкасига бош қўйиб ухлаб ўтирибди, яна бири устол оёғини қучоқлаган ҳолда қотган. Димоғига наша ҳиди урилиб, бурнини жийирди. Зелихон бу йигитларни танимади. Ичкарига кириб ўнг томондаги ётоқ эшигини очди. Икки ўринли каравотда ётган, чап қулоғининг остидан оғзигача тиртиғи бўлган йигитни дарров таниди — Федя. Устига бостириб бориб, бўғиб ўлдиргиси келди. Лекин бу уйда гувоҳ борлигини эслаб, ўзини тутди. Ғижим ёстиққа қараб, захарли жилмайди. — Надянинг ҳозиргина шу ўриндан туриб чиққанини фаҳмлади. Ошхонага чиқиб, унинг белидан қучди.

— Надуля, базм зўр-ку? Ҳалақит берибман-да? — деди уни эркалаб.— Беармон тортишибди-ку?

— Бунинг Бўри эмас, тўнғизнинг ўзи бўлибди. Кечадан бери тортишади. Қаёқдан келишди бу бошимга битган балолар? Ўзинг қаёқда эдинг? Башарангдан ит ҳам қўрқади.

— Олатасирнинг ичида юрибман.

— Сенга ярашмас экан.

— Нима ярашмайди?

— Эгасиз уйларни ўмаришни айтяпман. Бу Академикнинг иши эмас, ё шунчалик тубанлашиб кетдингми?

Зелихон «дўстим билан бирга эдим», демоқчи бўлди-ю, «барибир тушунмайди», деб индамай қўя қолди.

— Ичасанми? — деди Надя қопқоғи очилган ароқ шишасини қўлга олиб.

— Йўқ,— деди Зелихон.

— Мен билан озгина ич, юрагим тарс ёрилай деяпти,— шундай деб икки қадахни тўлатди-да, бирини олиб, сўз айтмаёқ ичиб юборди.

— Сенга нима бўлди? — деди Зелихон.

— Нима бўлганини сезмаяпсанми? Дўзахнинг эшиги очилиб кетганга ўхшайди. Қўрқяпман. Худди уйимга бостириб кириб, ёқиб юборишаётганга ўхшайди.

— Бу ерларга қачон келгансан?

— Бу нима деганинг? Шу ерда туғилганман.

— Шу ерда туғилсанг ҳам бу одамларни билмас экансан.

— Ҳозир ҳеч кимни билиб бўлмайди.

— Надуля, сен бу ердан кетишинг керак. Истасанг, олиб кетай?

— Нима учун?

— Анавиларнинг изига тушишган. Буларга қўшиб сени ҳам жойлаб қўйишмасин. Фалваларнинг бошида шулар туришди. Белгили одамлар. Булар қутулиб, сен эса тутилиб қолишинг мумкин. Уйда қўрқиб ўтирувдим, деган гапингга ишонишмайди.

— Шунга айтгани келдингми?

— Ҳа.

— Овора бўлибсан, мени ҳеч ким илинтира олмайди.

— Академикнинг гапига кирмаганлар хор бўлади, билиб қўй. Мен бекордан-бекорга гапиравермайман.

Надя бир оз ўйланди. Шу пайт Зелихон хаёлига яхши фикр келди:

— Надуля, менга игна бер,— деди у.

Ўйга ботиб турган Надя бу гапдан кейин ажабланиб, унга қаради.

— Нима қиласан? Сенинг бунақа одатинг йўқ эди-ку?

— Одам ўзгариб туради, Надуля. Игна бер. Доридан ҳам бер, кўпроқ бер.

— Кўпроқ? Кўпроқ учун кўпроқ пул керак, яхши йигит.

— Мен сендан қарз бўлиб қолганманми ҳеч? Дорини беру ўзинг кет бу ердан. Пулни кечки пайт оласан. Қаерда бўлишингни айтсанг бас.

— Шу ерда тур,— Надя хожатхонага кириб, эшикни занжирлади. Бир оздан сўнг бешта тселлофан халтачадаги кукунни узатди:

— Бори шу.

— Надуля, сен менинг қуёшимсан! — Зелихон шундай деб томоғидан ўпмоқчи эди, у ўзини олиб қочди.— Сен кетавер, Надуля, мен Бўрининг ўзига келишини кутаман. Унда ҳисоб-китобли ишим бор.

— Ҳали-бери ўзига келмайди, роса тортиб, ўлгудек ичган. Сен шу ерда тур.

Надя ярим соат мобайнида нарсаларини йиғиштирди-да, бир-икки кун мобайнида қаерда бўлишини айтиб, чиқиб кетди.

Надя чиқиб кетиши билан Зелихон ишга киришди. Хожатхонага кириб қорадори кукунини излади. Надя, гарчи узоқ йиллардан бери ўғрилар билан бирга бўлса-да, хотинлигига борган, хожатхонага кириб, кукун қаерда бўлиши мумкин эканини билдириб қўйган эди. Зелихондай тажрибали ўғри учун кукун конини топиш оғир вазифа эмасди. Катта-кичик турли қувурлар ўтган мўри эшигини очиб, диққат билан кўздан кечирди. Унинг зийрак кўзи қувурлар ортидаги ингичка, пишиқ оқ канопни илғади. Канопни аста тортди. Бир қулоч узунлигидаги канопга пишиқ капрон халта боғланган, халтада эса сотиш учун тайёрлаб қўйилган йигирмага яқин халтачалар бор эди. Зелихон яна бешта халтача олди-да, халтани жойига туширди. Сўнг чиқиб, рўмолчасини хўллагач, қўли теккан эшик тутқичларини артди. Кейин кукунга сув қўшиб, суюлтирди. Федя ётган хонага кирди-да, ҳар эҳтимолга қарши унинг оёқларини боғлади. Сўнг резина ичак билан билагини маҳкам боғлаб, қўл томирларини аста шапатилади. Томир бўртиб чиққач, игна санчди. Ҳам нашанинг, ҳам ароқнинг кайфидан беҳуш ётган Федя қимирлаб ҳам

қўймади. Миқдори анча оширилган қорадори томирдаги қонга қўшилиб, уни йўқлик дунёсига олиб кетмоғи лозим эди. Катта хонадаги йигитлар қисмати ҳам шу эди. Ишни бажариб бўлгач, уларнинг чўнтақларини кавлаб, пулларини ола бошлади. Ерда ётган йигитнинг чўнтагидан чиққан тугилган рўмолчани ечиб, тилла тишларни кўрди-ю, ғазабига чидолмай унинг қорнига тепди.

Зелихон бармоқ излари тушиши мумкин бўлган жойларни яна бир карра артгач, уйдан чиқди. Шу яқин орадаги телефонга бориб, милитсияга қўнғироқ қилди. «Туркларнинг уйини ёққанлар» қаерда ётганлиги ҳақида маълумот берди. Орадан ярим соат ўтгач, милитсия машинаси келиб, тўхтаганини кўриб, хотиржам кетди. Марказий магазинга кириб ўзига янги уст-бош олди, сартарошхонага ўтди, ундан ҳаммомга тушди. Шундан кейингина Йигиталиникига қараб кетди. Йўл-йўлакай китоб дўконидан муқоваси чиройли иккита қалин китоб сотиб олди.

Кечагина қиёмат содир бўлган ерда энди осойишталик ҳукм сурмоқда эди. Ёнган уйлар, кўчада юрган қуролли аскарларгина нотинчликдан дарак бериб турарди. Соқчилар башанг кийинган, сочларига оқ оралаган, китоб кўтариб олган бу одамни тўхтатмадилар. Зелихон ҳам атрофига аланглаб, уларда шубҳа уйғотмади. Фақат Исмоилбейнинг ёниб кетган уйи олдида бир зум тўхташга мажбур бўлди, тескари қараб ўтиб кета олмади. Ўша томонда Исмоилбей хўрсингандай бўлди, сўнг гўё пичирлади: «Қўнма булбул, қўнма булбул...»

Йигиталининг эшиги очик эди. Зелихон ичкари кириб, айвонга яқинлашгач, овоз бериб чақирди. Йигиталининг хотини ҳовли этагида, қўйхонада экан, Зелихонни кўриб, аввал танимай бир оз довдиради.

— Мен қўшнингиз Аҳадбейнинг ошнасиман. Анави куни Йигитали акам мени қутқариб қолувдилар, раҳмат айтай деб келдим.

Аёл энди уни таниган бўлса ҳам дарров жавоб қайтармади. Зелихоннинг назарида у нимадандир чўчиётгандай эди.

— Йўқ бўлсалар майли, раҳматимни етказиб қўярсиз. Яна айтингки, Исмоилбей оғам оламдан ўтдилар. Кеча кўмдик. Аҳадбейларни бугун самолётга ўтқазиб олиб кетишди. Жойлашиб олишганидан сўнг сизларга хат ёзишади. Унгача уйларида хабардор бўлиб турарсиз... Хабар оладиган уй ҳам қолмабди...

— Тўхтанг, у кишим уйдалар, дам олаётувдилар,— аёл шундай деб, шошилганича уйга кирди. Дам ўтмай бошини оқ белбоғ билан боғлаган Йигитали кўринди. Зелихон унинг ўнг кўзи атрофи кўкариб қолганидан ажабланди. Назарида бурни ҳам шишгандай эди.

— Бошга тушганни кўз кўрар экан,— деди Йигитали, худди Зелихон уни айблагану энди ўзини оқлаш лозим бўлгандай.— Емаган сомсага пул тўлаб келдим. Сизлар билан хайрлашганимдан бери уйга эндигина етиб келдим.

Йигитали шу кўча бошида соқчилар тўхтатишганини, тунни тор қамоқхонада ўтказганини айтиб берди.

— Шу пайтгача биров «нима учун ёнингда пичоқ олиб юрибсан?» демовди. Қаранг-а, шу ҳам қурол ҳисобланаркан. Бошимга бало бўлди-да. Аввал бир номард йигитнинг қўлига тушиб қолдим. «Бўйнингга оласан, шерикларингни ҳам айтасан», деб туриб олди. «Энди ўлдим, шу қамоқда чирийман» деб ўйладим. Йўқ, Худонинг раҳми келди. У номарддан мана бу,— Йигитали кўз остини силаб қўйди,— эсдалик бўлиб қолди. Ўрнига бир инсофлиси сўроқ қилди. Бахтимга маҳалладан йўқлаб боришди, барака топишсин. Автобусда адирга бориб келганим ҳам бахтимдан бўлган экан, буни қаранг-ки автобус нўмерини эслаб қолган эканман. Шопир йигитни бугун эрта-маттан топиб келишди. Шундан кейин чиқаришди, денг. Шунда ҳам тилхат ёздириб олишди.

— Қанақа тилхат? — деб сўради Зелихон.

— Берухсат ҳеч қаёққа чиқмайман, деб тилхат бердим. Шу ёшга чиқиб, борган ерим бу ёғи Марғилон, бу ёғи Фарғона бўлди. Қўқон билан Тошканни телевизорда кўрганман, энди қаёққа

борардим?

Йигитали соддалигига бориб, тухмат балосидан бутунлай қутулдим, деб ўйлаётган эди. Бу соҳани ипидан-игнасигача яхши билувчи Зелихон эса дўппи тор келиб қолиб, айбдорлар топилмаса, яна Йигиталига ёпишишлари мумкинлигини ҳис этди. Шу сабабли суҳбатлаша туриб, у ён-атрофда яшаган туркларнинг исм-шарифларини сўраб-билиб олди. Йигитали Зелихон нима учун синчков бўлиб қолди, деб ўйлаб ҳам ўтирмади. У орадан бир ой ўтиб, Аҳадбей ва бошқа қўшнилари номидан ёзилган миннатдорлик мактубини олади. Худди шундай мактуб обкомга ҳам келиб, матбуотда эълон қилинади. Йигитали бу мактублар Зелихон қўли билан ёзилиб, Кавказдан жўнатилганини билмайди. Орадан икки ярим ой ўтиб, яна турмага тушай деганида шу мактуб жонига ора киргандагина Зелихон билан бўлган сўнгги суҳбат ёдига тушади...

## 2

Зелихон охири самолёт билан қайтди. Тўғри Элчиннигига кириб, у билан хайрлашмоқчи, эрталабки рейс билан Адлерга учиб кетмоқчи эди. Элчиннинг ёлғиз шумшайиб ўтирганини кўриб, кетишга шошилмади. Бўлиб ўтган воқеаларни эшитгач, боши қотди.

— Ўқилоннинг ҳийласига тан бермасдан бошқа илож йўқ,— деди Зелихон,— буни аввал бошдан ҳисобга олишимиз керак эди. Оддий масалага ақлимиз етмабди. Аҳмоқ одам бу даражага кўтарилмайди, тўғрими? Сен билан мен уни аҳмоқ қилмоқчи бўлибмиз. Энди сен бу ерлардан кетишинг керак.

— Нима учун?

— Энди Зайнаб сенга хотин бўлмайди. Туғиб берганида Асадбекнинг соясида роҳат қилиб яшайверардинг. Зайнаб сен билан яшамаса, Асадбекка керагинг йўқ. Жамшиднинг ўлимини сендан кўраётган бўлса, энди тинч қўймайди. Бугун бўлмаса эртага ўлдиради сени. Лаш-лушларингни йиғиштиру мен билан бирга кет.

— Сиз қаёққа кетмоқчисиз?

— Ҳозирча Адлерга. Кейин ўйлаб кўраман. Балки ота юртимга борарман. Балки Сочида дам оларман. Хўп, де, мен билан бирга кетавер.

— Ўйлаб кўрай... Шу туришимизда ҳозир оҳанрабонинг икки қутбига ўхшаб қолибмиз. Сизни қон ота юртга тортяпти, мен эсам ота юртни ташлаб чиқиб кетишим керак.

— Сафсатангни қўй. Ота юртимнинг «Зелихон қачон келаркин?» деб кўзи учиб тургани йўқ. Мени Қувасойда ёки Фарғонада кўрган бўлишлари мумкин. Анави хунаса Селим эсингдами, шулар ёлғон гувоҳлик ҳам бериб юборишдан тоймайдилар. Фалвалардан четроқда юра турай. Кейинроқ қайтиб келаман. Сен ҳам, мен ҳам оғайни, бу дунёга ўлим билан беркинмачоқ ўйнагани келганмиз. Ўлим тўр ташлайди, биз эса чап берамиз, ўлим йўлларимизга қопқон қўяди, биз эса зийраклик қилиб сақраб ўтиб кетамиз. Оғзимизни очиб лалайдикми, тамом! Зелихон шундай деб соатига қаради:

— Телевизорни қўй, «Время»ни кўрайлик-чи?

Бир неча дақиқадан сўнг Фарғонадаги фожиалар ҳақида хабар берила бошлади. Мухбир жангарилар тушган катта юк машинаси Қўқон сари катта тезликда бораётганини хавотир билан баён қилар эди. Вертолётдан туриб олинган тасвирда калтаклар билан «қуролланган» йигитлар кўринди. Мухбир уларнинг гиёҳванд эканликларини қайта-қайта таъкидлади.

— Вой галварслар! — Зелихон шундай деб тиззасига урди-да, ўрnidан туриб кетди.— Эшитяпсанми? Гиёҳвандлар экан?! Тўғри, наша чекиб, балки устидан ароқ ҳам ичиб олишгандир бу хумсалар! Қараб тур, улар Қўқонга эсон-омон етиб олишади. Кейин ўша ерда тўполон бошлашади.

— Нега жаҳлингиз чиқяпти, ёлғон гапиряптими?

— Рост гапиряпти! Лекин бу хумсаларни нима учун тўхтатишмаяпти?! Қара, тепадан вертолёт билан кузатиб боришяпти. Вертолётни пастлатсин, болаларнинг кайфи учиб қочиб қолишади.



Йўлга биттагина тракторни кўндаланг қўйсин, қаёққа ўтишади булар? Сен банкни уриб шу йўлдан қочгин, қанча юришга улгураркинсан? Йў-ўқ, кимгадир керак бу. Кимдир шу болаларнинг Қўқонга етиб боришини истаяпти. Улим тўрини ёйиб турибди буларга, булар эса нодон қушга ўхшаб ўзларини тўғри шу тўрга уришади. Булар тўрга чап беришни билишмайди. Зелихон шундай деб телевизорга яқинлашди-да, муштлади. Тасвирдаги машина бир сапчидию, сўнг йўлида давом этаверди.

— Сиз бировлардан гумон қиляпсиз. Ким қилади бу ишларни? Қирғин кимга керак?

— Агар сиёсатчи бўлганимда калламни ишлатиб, сенга аниқ жавоб берардим. Мен оддийгина ўғриман. Ҳамиша гумонда юриш менинг касбим. Бировга ишонган куним мен тамом бўламан. Бир одамдан эшитганман — сиёсатни фоҳишага ўхшатган. Сиёсат бировга вафо қиладиган нарса эмас экан. Шунинг учун ҳам саволларингга ҳеч ким, ҳеч қачон жавоб бера олмайди. Зелихон бу кеч иситилган кабобдан озгина еб, тўйиб ароқ ичди. Эрталаб Элчиндан икки минг сўм қарз олди-да, Адлерга учиб кетди.

## VIII 6 о 6

### 1

Зелихон телевизорни жаҳл билан муштлаган маҳалда Асадбек ўз уйида аъёнлари қуршовида ўтирар эди. У ҳам мухбирнинг гапларидан ғижиниб, сўкинди. Кесакполвон эътиборсиз ҳолда, Чувринди эса жағини муштига тираб, диққат билан қулоқ тутарди. Мухбирнинг сўзлари тугаб, Масковдаги Олий кенгаш сессияси уланди. Фарғонага келиб кетган раҳбар депутатлар талаби билан сўзга чиқиб тушунтириш бера бошлади. «Жанжал қулупнойдан чиқди», деб ишонтирмоқчи бўлганида Асадбек унинг етти пуштини ўқиб ташлади.

— Маҳмуд,— деди у,— ҳозир шу телевизорни қанча одам кўриб турибди?

— Бир-икки юз миллион бордир? — деб жавоб берди Чувринди, диққатини бўлмаган ҳолда.

— Бир ўзи шунча одамни аҳмоқ қила оламан, деб ўйляптими?

— Гапига ишонмаяпсанми? — деди Кесакполвон суҳбатга қўшилиб.

— Сен ишондингми?

— Ишондим нимаю ишонмадим нима?

— Ҳа сенга барибир. Сен ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесаксан.

— Сал пастроқ туш,— деди Кесакполвон сал ранжиганнамо оҳангда.

— Пастга тушсам, тушмасам, шунақасан. Кеча депутатга қўшиб сени жўнатсам бўларкан.

— Қаёққа?

— Фарғонага?

— Кетдими? — деди Чувринди, телевизордан кўз узиб.

— Ўчириб қўя қол,— деди Асадбек. Чувринди буйруқни бажаргач, кечаги воқеани айтиб берди:

— Кечга яқин телефон қилиб қолди. «Ака, аҳвол чатоқ, мен билан Фарғонага бориб келмасангиз бўлмайди», дейди ҳовлиқиб. «Нима гап?» десам, «Йўлда тушунтириб бераман, аэропортга келаверинг», дейди. Аҳмоқ бўлиб борибман. «Сиз у томонларда кўп одамларни танийсиз. Мени ўша ердан сайлашган бўлса ҳам ҳеч кимни танимайман, ёнимда юринг», дейди. Қип-қизил аҳмоқ, ўша депутатинг. Онасини учқўрғондан кўрсатмоқчи бўлдим, жойи эмас, дедим.

— Яхши қилибсан, бу тўполонни тинчитиш бизнинг ишимиз эмас,— деди Кесакполвон.

— Сизни бир балога гирифтор этиши мумкин эди,— деди Чувринди.

— Ҳа-да! Ўша заҳоти Академикнинг гапларини эсладим. Бало экан, у Академик! Ўшандаёқ сезган экан-а. Мен боргудай бўлсам, бизнинг бўйнимизга илиб қўйишлари ҳам мумкин эди. Бундан қутулиб бўлмайди. Катта ғалламисликнинг иси келиб турибди. Анави думбулнинг «қулупнайдан чиққан жанжал», деб туришини қара!

- Буларга аралашмаслик керак. Сиёсатдан узоқроқ юраверайлик,— деди Кесакполвон.— Бизнинг сиёсат мана бу,— у шундай деб чўнтагига шапатилаб қўйди.
- Чўнтак ҳамиша тўлиб туриши учун бу сиёсат қаёққа бориб, қаерда бурилишини аниқ билиб туриши керак,— деди Чувринди.— Буларнинг ўзгаришини вақтида пайкамай қолсангиз, бир кунда шип-шийдам бўласиз.
- Чувриндининг бу гапи Асадбекка маъқул келди. Кесакполвонга қараб «Бу сенга киссавурлик эмас», демоқчи бўлди-ю, «яна жириллаб бермасин», деб индамай қўяқолди.
- Бек, хабаринг борми, винзаводнинг тушуми анча камайди. Ўйлаб кўр, олимнинг эплай олмайди заводни. Олимлигини қилиб юраверсин, майли, лекин Қилични жойига қўймасак бўлмайди.
- Мен тупурган тупугимни қайтиб оғзимга олмайман,— деди Асадбек.
- Ўжарлик қилма, бурнига сув киргандир.
- Маҳмуд, сен аниқлаб кўр, нима учун тушум камайибди?
- Аниқлашнинг ҳожати йўқ,— деди Чувринди хотиржам оҳангда.— Ҳайдар акам тўғри гапиряптилар. У заводни эплай олмайди. Қуруғидан тортишга берилиб кетибди. Хонасига кирган одам дарров билади. Яна тортмайман, деб тонади. Ейдиганини еди.
- Дўхтирга кўрсат, девдим-ку?
- Олиб бордим. Дўхтир бир илож қиламиз, деди. Лекин дўхтирдан дорини олиб чиқиб, бу ёқда яширинча тортиб юравериши ҳам мумкин. Иродаси бўш унинг. Агар хўп, десангиз бир таклиф бор.
- Айтавер.
- Қилични чиқартириш керак. Лекин уни ўрнига қўйиб бўлмайди.
- Нега? — деди Кесакполвон ажабланиб.
- Негаки, ўтириб чиқди, деган номи бор. Яна партиядан ўчириб қўйишган. Жойига қўймоқчи бўлсак, юқоридагилар хитланишади. Тикланиб олгунича Шарифга ёрдамчидай бўлиб турсин, аммо ҳамма ишни ўз қўлига олсин.
- Асадбекка бу таклиф маъқул бўлса ҳам «Ўйлаб кўрай», деди.
- Кўп ўйлама,— деди Кесакполвон.— Заводга харидор чиқиб турибди. Оғзингдаги луқмани олдириб қўймагин тағин.
- Ким экан ўша харидор? — деди Асадбек жеркиб.
- Бегона эмас, уканг Ҳосил-да. Бир жойда «винзавод бизга ҳам насиб этиб қолар» дегандай гап қилибди.
- Тушини сувга айтсин,— деди Асадбек.— Винзаводга яқинлашадиган одам ҳали отасининг белида юрибди.
- Бу гапдан кейин Кесакполвон билан Чувринди маънодор равишда кўз уриштириб олишди. Улар ташвиш булути Асадбек боши узра ҳамон кўланка ташлаб тургани учун унинг жиғига тегадиган гаплардан ўзларини тияётган эдилар. Винзавод тақдири эртага қолдирилмай шу бугуноқ ҳал этиладиган масалалар тоифасидан бўлгани учун Кесакполвон эҳтиётлик билан шамаъ қилиб қўйган эди.
- Гарчи Асадбек катта кетган бўлса ҳам, айўнларининг ташвиши бекор эмаслигини фаҳм этди.

## 2

- Манзура ҳали ҳам касалхонада бўлгани учун ошхона болохонадаги йигитлар ихтиёрига берилган эди. Улар овқатланиб бўлишгач, хизматдаги йигит дастурхонни йиғиб олди.
- Ҳалиги гапни домлангдан сўрадингми? — деди Асадбек Чувриндига қараб.
- Сўрадим,— деди Чувринди, чойни қайтара туриб.— Кўнгиллари нима истаса шуни қилсинлар, кичикроқ худойи бўлса худойи, каттароқ ош бергилари келаётган бўлса, унга ҳам йўл бор, бераверсинлар, деди.
- Ҳа, худойи қилмоқчимисан? — деб сўради Кесакполвон Асадбекдан.

— Шунга бошим қотиб турибди. Бир нима қилиш керак-ку? Анави куни, Жалилдан сўровдим. Ош-пош берсамми, десам бобиллади. «Неваранг ўлик туғилганига қувониб ош берасанми?» дейди. Шунга хайрон бўлиб Маҳмудга «домлангдан сўраб кўр» дедим. Домла бунақа деб турибди.

— Домланинг айтганини қиласиз-да, Жалил ака домла эмас-ку?

— Домла эмас, тўғри, лекин одамлар ичида кўп юради, паст-баландни билади. Собитхон қорининг этагидан ушлаб юради, у-бу гапларни эшитиб ўрганган.

— Бунақа гапларни мен ҳам унча яхши билмайман. Лекин менга қолса ҳеч нима қилмаганинг дуруст.

— Нега?

— Масжид қурдирыпсан, шунинг ўзи етади. Худойи бўлса, шунчалик бўлади-да. Домлаларнинг гапларига учаверма. Об-ҳавога ўхшаб гаплари ҳам ўзгариб туради. Худойига бориб, ош-овқатни еб, кетишида яна чўнтакка кўз тикиб турадиган домлангни мен сариқ чақага ҳам олмайман.

— Унақа деманг, Ҳайдар ака, улар берсангиз олишади, бермасангиз ҳам дуо қилиб, индамай кетишади.

— Ёнини олма уларни. Бек худойи қилса, ўнтаси келиб қўл қовуштириб туради. Жалил қилсинчи, ўнтаси ўнта баҳона қилади. Отарчи нимаю улар нима?

— Унчалик эмас, Ҳайдар ака, яхши билмасангиз гапирманг.

— Хўп, мен яхши билмайман. Лекин шунда ҳам сен билан гаров ўйнайман. Сен каттароқ нарсангни тик. Бек, сен худойи қил, ўша куни, ўша соатга битта камбағал номидан домлани айттираман. Кейин сен айттирасан. Қани, кимникига келаркин?

Агар болохонадаги йигит тушиб, бир одам йўқлаётганини айтмаганида уларнинг баҳси яна пича чўзилиши мумкин эди.

— Ким экан? — деди Кесакполвон, энсаси қотиб.

— Собитхон қори номидан келганмиш.

— Оббо,— деди Кесакполвон,— Ҳизрни йўқлаётган экансан-да?

— Чақир, кирсин,— деди Асадбек.

Дам ўтмай ўрта бўйли, истараси иссиқ, бежирим мўйлабли бир йигит кириб, қироат билан салом берди. Асадбек саломга алик олиб рўпарасидан жой кўрсатди-да:

— Қалай, қори яхши юрибдиларми? — деб сўради.

— Худога шукр, дуо деб юбордилар. Қорим... аҳволлари пича оғир.

— Нима бўлди?

— Яраланганлар.

— Яраланганлар? Нимага яраланади?

— Қўқондаги воқеаларни эшитгандирсизлар?

— Чала-чулпа эшитдик.

— У ерда ҳам қулупнайдан жанжал чиқдимми? — деди Кесакполвон кесатиқ оҳангида.

Йигит газетага ўроғлиқ нарсани узатди:

— Хоҳласангиз кўринг.

Маҳмуд газетани очиб, видеокассетани олди-да, савол назари билан Асадбекка қаради.

Асадбек «қўявер» деган ишора қилгач, видеомагнитофонни улади. Телеэкран пирпираб туриб, сўнг Қўқон манзараси кўринди: одамлар оқими марказга шошилади... марказда, машиналар айлана ясаб ўтадиган йўлларда одамлар тирбанд. Болалар қизиқиб, дарахтларга чиқиб олишган... Осойишта оломон бирдан тўзиди...

— Аямай ўқ узишди,— деб изоҳ берди йигит.— Болалар ўлди, катталар ўлди... Қорим ҳам шу ерда эдилар.

— Шунча одам нимага тўпланди ўзи? — деб сўради Кесакполвон.

— Митинг бўлиши керак эди.

- Қори қаерда, касалхонадами? — деб сўради Асадбек йигитдан.  
— Ҳа, ётибдилар. Сизни эсладилар. Сизни кўрмоқчилар.  
— Мени? — Асадбек ажабланди.— Иши бор эканми?  
— Гаплари бор шекилли,— йигит шундай деб кетишга рухсат сўради.— Мен бу кассетани депутатларга кўрсатишим керак. Шунини деб доволон ошиб келдим. Бугун буни топширсам, эртага саҳарлаб, Худо хоҳласа, қайтаман. Қоримга нима деб қўяй?  
— Ўйлаб кўраман.  
— Имкон топилса борадилар,— деб изоҳ берди Чувринди.  
Бу изоҳдан кўнгли хотиржам бўлган йигит хайрлашиб чиқди.  
— Эсинг жойидами? — деди Кесакполвон, меҳмон чиқиб кетгач.— Нима дединг? Билиб гапирдингми?  
— Нима дебман?  
— Ҳозир бориб бўларканми ўша ёққа? Кўрдингми нима бўлганини? Бек, сен ўйлаб ҳам ўтирма, бормайсан!  
— Бир нарсага ҳайронман, Қори нима учун мени эслаб қолди?

### 3

Айрим ишлар мулоҳазанинг интиҳоси ўлароқ амалга оширилади, айримлари эса кўнгли ҳукми билан бўлади. Кўп ҳолларда кўнгли ҳукми мулоҳазадан устун туради. Асадбекнинг Қўқонга бориши масаласи ҳам кўнгли ҳукми асосида ҳал этилди. Вазиятнинг оғирлиги, бормоқлик — жонни хатарга қўймоқлик ила баробар эканини билса ҳам, Кесакполвон «борма!» деб вайсаб турса ҳам йўлга отланди. «Ерталаб йўлга чиқиб, шомгача бориб қайтамыз», деди у. Асадбек бир қарорга келгач, аёнлар ожиз қоладилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди — Асадбек эрта тонгда Чувринди ҳамроҳлигида йўлга чиқди. Жамшиднинг ўрнига тавсия этилган яна икки йигит Асадбекнинг кўнглига ўтирмагани учун Чувриндининг ўзи унга ҳамроҳ бўлди. Довондан ошгунларига қадар эркин қўшдек эдилар. Қўқонга яқинлашганлари сайин машинани тез-тез тўхтатишга тўғри келди. Машина обдан текширилгач, соқчибошига «ўлим тўшагидаги қариндошларини кўргани кетаётганларини» тушунтиришга мажбур бўлишарди. Улар пешинга яқин касалхонани топиб бордилар.

- Сен дўхтирлар билан гаплаш,— деди Асадбек Чувриндига,— касали нима, шу ерда тузатса бўладими ё бошқа ёққа олиб бориш керакми?  
Чувринди буйруққа итоат этиб, табиблар хонаси томон юрди. Асадбек эса Собитхон ётган хона эшигини очди. Уч кишилик хона тўрида, дераза ёнида Собитхон шипга кўз тикиб чалқанча ётар, икки каравот эса бўш эди. У Асадбекни овозидан таниб, бошини бурди.  
— Ҳа, Қори, тузукмисиз? — деди Асадбек, саломлашгач.  
— Худога шукр,— деди Собитхон хаста овозда.— Мен сизни уринтирганимдан ҳижолатдаман. Аслида узримни ўша сиз кўрган биродарим орқали айтиб юборсам ҳам бўларди, аммо узримни аз тахи дил қабул этдингизми ё йўқми, ўз қулоғим билан эшитай дедим.  
— Қанақа узр?  
— Мен сизни ранжитган эдим. Мошинамнинг йўқолишида сизни гумон қилиб эдим. Мен ҳам Оллоҳнинг гуноҳкор қулиман-да, бу дунё моли учун сизга тўхмат қилибман.  
— Э, Қорижон, шунини ўйлаб юрибсизми, куйинманг, бунақа гапларга ўрганиб кетганман. Мен гумонлару миш-мишлар орасида яшайдиган одамман, сиздан хафа эмасман. Мен ҳақимда миш-миш чиқмай қолса бир нарсамни йўқотгандай гангийдиган бўлиб қолганман. Гапнинг бу зайлда ҳазилга бурилиши Собитхонга таъсир этмади. У кўзларини маъюс тиккан ҳолда:  
— Мендан рози бўлинг, Бек ака,— деди.  
— Э Қорижон, нима деяпсан, ёш одам, дарров...  
— Гап ёшда эмас. Кимдан қачон омонатини сўрамоқ Оллоҳнинг ўзигагина маълум. Розилик

фақат жон ҳалқумга келгандагина сўралмайди. Мўмин айбини тушуниб етгани ҳамон биродаридан розилик сўраши керак. Мен сизнинг олдингизда айбдор эканман, то сиз рози бўлмагунингизча Оллоҳ менинг бу гуноҳимни кечира олмайди. Розилик шунинг учун сўралади. Рози бўлинг, Бек ака.

Асадбек ҳеч иккиланмасдан «Розиман» дейишга тайёр эди. Айтишга оғиз жуфтлади ҳам, аммо ана шу оддийгина сўз тилидан учишга қийналди. Назарида шу сўзни айтиши билан, юзидан нур ёғилиб турган бу одам жон берадигандай эди.

— Бек ака, ўйланиб қолдингиз, рози эмасмисиз?

Хавотирли бу саволдан сўнг сўз беихтиёр учди:

— Розиман, Қорижон, розиман. Сиздан хафа эмасман. Тўғри, ўшанда сал жаҳлим чиққан, шунинг учун сизга қаттиқ гапириб юборганман. Лекин кўнглимда кир сақлаб қолмаганман.

— Қаттиқ гапларингиздан мен ҳам хафа эмасман. Сиздан розиман,— Собитхон шундай деб чуқур нафас олди.— Оллоҳнинг қудратини қаранг, вужудим бирдан енгиллашди. Биз ғофил бандалармиз-да. Биримиз бу дунёни севиб яшаймиз. Биримиз жирканиб яшаймиз. Мен Оллоҳ берган шу бир тутам умримда дунёдан жирканиб яшадим, шунисига қувонаман.

— Жирканиб? — Асадбек Собитхоннинг гапига тушунмади.— Нимага жирканиб яшайсиз?

— Гапимни бошқачароқ англадингиз чоғи? Бу дунёни севмоқ — охиратни унутмоқ дегани. Бу дунё ҳаёти, ҳою ҳаваслар бир соя кабидир. Биласиз, соя бирданига ғойиб бўлиб, кишини ғафлатда қолдиради. Ҳазрат Али, разияллаҳу анҳу, дер эканларки, дунё ҳаёти билан охират ҳаёти бир эркакнинг айни бир вақтда никоҳида бўлган икки хотин кабидур, бири мамнун бўлса, иккинчиси куяверади. Бир куни Муовиянинг, Оллоҳ ундан рози бўлсин, ҳузурига икки юз йил умр кўрган бир одам келибди. Муовия «Шунча йил яшабсан, дунё ҳаёти назарингда қандай кўринди?» деб сўраганида у киши «Балоли йиллар, фаровон йиллар... Кун ўтади, тун ўтади. Тукқан туғади, ўлган ўлади. Тукқан туғмасайди — мавжудот тугарди. Ўлган ўлмасайди — ер юзи ундагиларга тор бўлиб қоларди», дебди. Муовия «Тила тилагингни», дебди. У киши «Ўтган умримни орқага қайтар ёки яқинлашиб келаётган ажалимни даф эт!» деб сўрабди. Муовия «Менинг бунга қудратим етмайдир», дебди. Шунда у киши «Ундай бўлса менинг сендан тилагим йўқ», деган экан.\* Ана шунақа...— Собитхон шундай деб тин олди. Баданида оғриқ қўзғолдими, кўзларини юмди. Бир неча нафасдан сўнг кўзларини очиб, Асадбекка қаради.— Шунақа, Бек ака. Умр изига қайтмайди, ажални ҳам даф этиб бўлмайди. Чақалоқлигимизда қулоқ остида чақирилган азон товуши билан ўқиладжак жаноза намози орасида бир тутамгина умримиз бор. Я айюҳаннасу инна ваъдаллоҳи ҳаққун фала тағрурраннакум-улҳаятуд-дуня ва ла яғрурраннакум биллоҳим-ғурур\*. Қаранг, Бек ака, «Сизларни дунё ҳаёти алдаб қўймасин», деб ким айтяпти? Дунёни яратган айтяпти. Дунё ҳаётини уни яратгандан ҳам яхшироқ билувчи бошқа зот бўлиши мумкинми? Йўқ... Зинҳор йўқ,— Собитхон яна бир оз кўзини юмиб, сўнг очди.— Яхшилаб ўйлаб қаралса, бу дунё ҳаётидан тубанроқ нарса йўқ. Дунёни йиқилишга юз тутган деворга ҳам ўхшатишади. Деворнинг йиқилажагини билган ҳолда унга сўянамиз, а? Дунё ҳаётини сирпанчиққа ҳам ўхшатади. Бу сирпанчиқда ҳеч кимнинг оёғи собит туролмайди... сирпаниб яшаймиз... Кейин эса... сўнгги зиёратгоҳга қараб жўнаймиз. Сўнгги зиёратгоҳимиз — қабр. Бу зиёратгоҳни ҳеч эсламаймиз, эслагимиз ҳам келмайди. Ажални унутишда бир-биримизни ортда қолдириб кетганмиз. Ажал ёшга қарамайди: ёш экан, яна пича яшасин, демайди. Амалга ҳам қарамайди: амалдор экан, тегмай турайлик, пича айшини сурсин, демайди. Бойлигига ҳам қарамайди: тўплаган шунча бойлигини ташлаб кетаверадими, тўхта, бойлигини сарфлаб олсин, демайди. Вақти-соати етдими, тамом. Аввал «фалончи касал экан», дейишади. Кейин «дарди оғирлашибди», дейдилар. Сўнг «васият қилганмиш, рози-ризолик тилаганмиш, дейдилар. Ниҳоят, «омонатини топширибди, Худо раҳмат қилсин», деб дуо қиладилар. Сўнгги дуо шундай бўлса Яратганга шукрлар қиламиз-а. «Ие, ўша ўлибдими, яхши бўлибди, қутулибмиз», дейишликдан Ўзи асрасин. Хуллас, кейин ёғоч отга миндирадилар. Қабрга элтадилар. Кўмадилар. Ким оҳ дейди, ким дод дейди, ким жимгина хўрсинади. Ўша

фалончи эса бошини гувалага қўйиб жимгина ётаверади, умр бўйи тўплаган бойлиги эса бу дунёда қолаверади. Бойнинг бошига пар ёстиқ, камбағалникига тош қўйилганини ҳеч эшитганмисиз? Бойликни олиб кетиш имкони бўлганида эди Оллоҳ таборак ва таоло бандаларига мурожаат қилиб, «дунёга алданманглар», демас эди. Маййитни қўйиб, жамоат тарқалгач, Мункар ва Накир сўроқни бошлайди. Камбағал ётган лаҳадга гурзини кўтариб бостириб кириб, амалдордан «кечирасиз, вақтингиз борми, бугун қабул қила оласизми?» деб сўраб ўтирмайди. Барчанинг қисмати бир... Ана шунақа... — Собитхон гапириб чарчади. Чуқур-чуқур нафас олди. — Бек ака, яна «менга ақл ўргатяпти», деманг. Хаёлимга тўсатдан келиб қолган гапларни айтдим. Бек акам келиб қолсалар айтарман, деб атайин тайёрламовдим бу гапларни. Аҳли муслимининг вазифаси бир-бирига даъват қилиш. Сиз масжид қурдирыпсиз. Мен ўшанда ноўрин гап айтиб эдим. Топган пулингизнинг ҳаром-ҳаллоллигини ажрим қилиш ҳуқуқи менга берилмаган. Бу Оллоҳнинг ўзигина биладурган нарса. Қандай топишингиздан қатъий назар, уни фойдали ишга сарфладингиз, буни инкор этиб бўлмас. Сиз бу пулларни фаҳш ишларга сарфлаб юборсангиз ҳам бўларди. Оллоҳ дилингиз қулфини ўзи очсин.

«Айтадиганини айтиб олсин», деб жимгина тинглаётган Асадбекка бу гап малол келди:

— Дилингиз қулфини? Дилим қулфолоғлик эканми?

— Аччиғингиз чиқмасин, Бек ака. Зинони, зулми, ҳаром ишларни тарк этмаган одам чин муслим бўла олмайди. Мен сизни мана бу йўлдан юринг, деб зўрламайман, менда бундай ҳуқуқ йўқ, Менинг вазифам— айтиб қўйиш. Бек ака, очиғини айтсам, келишингизга ишонмаган эдим.

— Мен ҳам очиғини айтай: дастлаб оёғим тортмади. Лекин кўнглимда бир истак уйғонди.

— Бу Оллоҳнинг қудрати-да! Бизни учраштиришни лозим топибди, ўзига шукр. Биродаримиз тасвирни кўрсатдиларми?

— Ҳа, кўрсатди.

— Бу ҳолга нима дейсиз? Даҳшатми?

— Ҳа, даҳшат... аммо нима дейишга ҳайронман.

— Сиздайин ақл эгалари, куч эгалари ҳайрон бўлиб турса... Одамлар кўзғолишди. Эрка бошлаш фурсати етмадимми экан?

Асадбек бу саволга дарров жавоб бера олмади. Шунга ўхшаш гапларни у аввалроқ депутат Орзубек Болтаевдан ҳам эшитган эди. Асадбек, гарчи шундай дегувчиларга ҳайрихоҳ бўлса-да, ўзининг қалбида, руҳида бу туйғу йўқ даражада эди. Бундай туйғу бир-икки одамнинг даъвати билан уйғона қолмайди. Аниқса ёш ўтиб қолгандан сўнг ватанпарварга айланиш қийин, жуда қийин. Собитхон Асадбекка ўхшаганлар бирлашиб, одамларни эргаштириши мумкин, деб ўйлаб хато қилган эди. Асадбеклар тор бир хум ичида улғайишганини, уларнинг дунёқарашлари ҳам, туйғулари ҳам шу хум қадар эканини англай олмаган эди. Асадбек масжид қурдириб, ўзи намоз ўқимагани каби, шу Ватанда яшаб, ватан туйғусидан бенасиб эди. У винзаводни қўлдан чиқармаслик учун жон фидо қилар даражада олишмоғи мумкин, аммо «юрт эрки учун жон фидо қила оласанми?» деган саволга «нима учун мен фидо бўлишим керак экан?» деб жавоб бериши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шу сабабга кўра Собитхон саволига дарров жавоб қайтармади. Алҳол у «Ҳозиргина охиратни гапириб алаҳсираётган бу қори нима учун гапни сиёсатга бурди?» деб ажабланди.

Собитхон ундан жавоб кутиб толиқди. Кўзларини юмди-да:

— Қани эди, бир мард чиқиб «Ўзбекистон ўзига мустақилдир, Ўзбекистон ҳеч кимга бўйсунмайди!» деб жар солса. Шу хитобни эшитиб кетсам армоним қолмас эди, — деди.

— Қорижон, дўхтирлар билан гаплашиб, олиб кетайми?

— Қуллуқ, Бек ака. Шу гапингизнинг ўзиёқ менга жон бергандай бўлди. Дардни оллоҳ берди, шифосини ҳам ўзи беради, иншооллоҳ. Шифони шу ерда берадимми, бошқа ердами, фарқи йўқ. Асадбек яна бир оз сўхбатлашиб ўтириб, сўнг хайрлашди. Чувринди уни даҳлизда кутиб турган эди. Йўл-йўлакай ҳисоб берди:

— Яраси оғир экан, ҳозирча қимирлатмаслик керак, дейишди. Жони омон қолса ҳам, оёқлари

ишдан чиқиши мумкин экан.

— Яхши, кейинроқ олиб кетамиз. Бунақа одамлар ўлмаслиги керак. Сен... кириб дўхтирни рози қилиб чиқ, яхшироқ қарасин.

Қўқондан чиққунларича худди суҳбатларини биров пойлаб, эшитиб қоладигандай жим кетишди. Сўнги текширувдан ўтишгач, Чувринди:

— Нимага чақиртирган экан? — деб сўради.

— Мошинасини ўғирлатганида бир-иккита сассиқ гап айтувди, эсингдами? Шунга рози-ризолик сўради.

— Рози-ризолик? Нима, аҳволи шунақа оғирми?

— Бунга сен биласан, дўхтир билан сен гаплашдинг.

— Дўхтир яқин орада ўлади, дегани йўқ.

— Билиб бўлмайди, дўхтир сезмаган нарсани кўнгил сезади. Лекин тили заҳар бўлса ҳам дили тоза, яхши одам. Домлалар орасида фақат шуни ёқтираман. Лекин кўп гапларига, ишларига тушунмайман. Мана шу митингга бурнини тиқиб нима қиларди? Етишмовчилик жойи бўлмаса, обрўси баланд, топар-тутари ҳам ёмонмасдир. Ибодатингни қилиб юравермайсанми?..

— Ҳозир халқпарвар бўлиш — мўда. Ким билан гаплашсанг «халқим», «халқим» дейди.

— Ўшаларнинг ярмиси «халқим» эмас, яхшилаб қулоқ солсанг «халқум» дейди.

— Бу гапингиз ҳам тўғри, — деди кулиб Чувринди.

— Қорининг яна бир гапига тушунмадим: у ҳам мени бу ғалваларга аралашишимни истаяпти шекилли. Ҳайронман, мен аралашганим билан нима ўзгаради? Маҳмуд, улар мени ким деб ўйлашади ўзи? Одамларнинг ярми мени ўғри, муттаҳам, каллакесар, ярми эса қўлида миллион аскар бор маршал Жуков деб ўйлайди шекилли, а?

— Парво қилманг, одамлар ўйлайверишади. Биз чайқалиб турган денгиздаги томчилармиз, баҳайбат тўлқинларни тўхтатиш, денгизни тинчлантириш қўлимиздан келмайди.

Шаҳарга шом қоронғисида кириб боришди. Асадбекнинг хаёли йўл бўйи Собитхоннинг гаплари билан банд бўлди. Қанча ўйламасин, қорининг асл муддаосини англаб етмади. Муддао унчалик мураккаб эмас эди: Собитхон одамларнинг қўзғалганини кўриб, уларга бошчилик қила оладиган Дукчи эшон, Намоздек ёки Мадаминбекдек бир довюрак ўғлоннинг майдонга чиқишини умид қилганди. Бу зотларнинг жон фидо этмакка ҳам рози қилган туйғуларнинг Асадбекда йўқ эканини у бечора қайдан билсин?

---

\* Бу ҳикматлар имом Ғаззолийнинг «Мукошафатул қулуб» («Қалбларнинг кашфиёти») асаридандир. (Миразиз Аъзам ўзбекчалаштирган.)

\* М а з м у н б у д и р: Эй инсонлар, албатта Оллоҳнинг (қайта тирилтириш ва бу дунёда қилиб ўтилган яхши-ёмон амалларнинг мукофоти жазосини бериш тўғрисидаги) ваъдаси (ваъдадир). Бас, харгиз сизларни дунё ҳаёти алдаб қўймасин! Ва харгиз сизларни, Оллоҳ (барча гуноҳларни кечириб юбораверади, деб) алдагучи (шайтон) алдаб қўймасин. («Ал-малонна» («фотир») сурасининг бешинчи ояти. Алоуддин Мансур таржимаси.)}

## IX б о б

### 1

— Сайфижон, эсон-омон бориб келдингми, уканг тинчми, чиқай деб қолдими? Сени анчадан бери бир йигит кутиб турибди. Ҳов ана, мошинанг олдида.

Автобаза дарвозаси олдида кутиб олган қоровулнинг бу гапидан Сайфи унчалик ажабланмади. Чунки уни сўраб келадиган одам кўп. У Ҳамдамнинг ким эканлигини билиб, сал чўчигандай бўлди-ю, аммо саросимага тушмади. Чунки милитсиядан одам келишини ёки чақирилишини

биларди. Уларга нима дейиш, кимларни кўрсатиш ҳам олдиндан пухта равишда белгиланган эди. Унинг вазифаси аниқ — дарров гуллаб қўймай, бир оз таранг қилгач, кавказлик икки йигит ижарага олган уйни кўрсатиб қўйиш.

Ҳамдам машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб, Сайфини ҳам ўтиришга таклиф этди.

— Учариққа нима сабабдан бордингиз? — деб сўради Ҳамдам.

— Укам ўша ерда ўтирибди. Майда-чуйда ташлаб келдим. Вақтида мойлаб турилмаса, қийнашади.

— Ким қийнайди?

— Билмагандек сўрайсиз, а?

— Укангиз нима гуноҳ қилган эди?

— Дўконидан озгина камомад чиққан экан.

— Озгина деганингиз қанча?

— Ўттиз минг...

Бу гапни эшитиб Ҳамдам ҳуштак чалиб қўйди.

— Камида ўн йил қатнар экансиз-да?

— Ўн икки йил беришди, ноинсофлар.

— Учариққа қачон жўновдингиз?

— Йигирма тўққизинчи майда.

— Учариққа бир кунда, боринг, ана, икки кунда бориб келса бўлади. Кўп юрвормадингизми?

— Учариқда бир кун бўлдим. Кейин Бухоро, Самарқанд дегандай... айланиб келдим.

— Йигирма саккизинчида ишдамидингиз?

— Ҳа.

— Қаерларда бўлдингиз, кимларни олиб юрдингиз, эслай оласизми?

— Шаҳар катта бўлса, ким қўл кўтарса тўхтаимиз. Айтган жойига олиб борамиз. Пулини оламиз. Қўлимиз рўлда, кўзимиз йўлда, хаёлимиз пулда. Отнинг калласидек план қўйиб қўйган, бажаришга мажбурмиз.

— Машина янги экан?

— Ҳа, хўжайинлар бир тантилик қилиб юборишди.

— Қачондан бери ишлайсиз?

— Ярим йил бўлиб қолди.

— Ярим йилда янги машина олибсиз, омадингиз бор экан. Омад кимга кулиб боқади, биласиз, а?

— Омади борга-да.

— Йўқ, харажатдан қочмайдиган мард одамга, топдимми?

— Сизлар билмайдиган нарса йўқ.

— Сиз менга ёқдингиз, дангал гаплашаркансиз. Мен мард йигитларни яхши кўраман. Энди би-ир мардлик қилиб юборасиз: йигирма саккизинчи майдаги воқеани айтиб берасиз.

— Қайси воқеани?

— Бизни қайси воқеа қизиқтириши мумкин?

— Билмадим.

— Жиноятга алоқадор ҳеч нимани кўрмадингизми? Хўп, вақтини айтай: тахминан соат олти билан еттининг ўртасида. Шаҳардан чиқувчи катта йўл ёқасида. Эсладингизми?

— Йў-ўқ.

— Қани, машинани ҳайданг.

— Қаёққа?

— Ҳайдайверинг-чи, кўчага чиққач, айтаман қаёққа юришингизни.

Сайфи ўз ўрнига ўтириб машинани юрғизди. Ҳамдам «чапга», «ўннга» деб ўтирди. Шаҳарни кесиб ўтиб катта йўлга чиқишди. Мурда ёқилган ерга яқинлашганда Ҳамдам:

— Жуда тез ҳайдар экансиз, сал секинлатинг, табиатни томоша қилгим келяпти, — деди.



Сайфи мурда ёқилган дарахт ёнидан ўтаётганида ўнг томонга қараб ҳам қўймади. Йўлдан кўз узмай кетаверди. Бир чақиримча юришгач, Ҳамдам машинани орқага қайтаришни сўради. Сайфи қайтишда ҳам сир бой бермади. Бир-икки чақирим юришгач, Ҳамдам машинани яна орқасига қайтарди. Мурда ёқилган ерга етгач, «тўхтатинг» деб буюрди.

— Шу ер кўзимга яхши кўриниб кетди, — шундай деб машинадан тушди. Сайфига «сиз ҳам тушинг», деб буюрди-да, тарвақайлаб ўсган дарахт сари юрди. — Бир-икки улфат билан ёнбошлаб олиб пивохўрлик қиладиган маза жой эканми, а? — деди Ҳамдам ҳамроҳига савол назари билан қараб.

— Ифлос-ку? — деди Сайфи ажабланганича елка қисиб. — Йўл бети, шовқин. Улфатчилик қиламан, десангиз зўр жойлар бор.

— Ифлосликка ифлос. Лекин тозаласа бўлади... Шу ерда улфатчилик қилиб ўтириб, кейин битта шеригимни осиб қўйсаму ўшанда сиз шу йўлдан ўтсангиз, кўрармидингиз?

— Билмадим. Тез юрадиган бўлсам, у ёқ-бу ёққа қарамайман.

— Ўлик ёниб турса-чи? Кўзингиз тушади-ку? Шунда тўхтайсизми?

— Аниқ бир нарса дейишим қийин.

— Тўхтамай ўтиб кетаверасизми? Ахир у ёнаётган ўлик укангиз бўлиши ҳам мумкин-ку?

— Совуқ нафас қилманг, ака, товонимгача зириллатиб юбордингиз.

— Ҳа, гапим сал қўпол чиқди. Узр. Лекин... ўша одам кимнингдир укаси ё акаси, ё отаси, ё эри... Боринги, ҳеч кими йўқ ғирт етим. Осилиб тураверади, ёниб тураверади... Хафа бўлманг, баъзан калламга шунақа бемаъни хаёллар келиб қолади.

— Ишингиз шунақа-да. Йўл четида одам бошини қашиса ҳам машинага қўл кўтараётганга ўхшаб туюлади менга. Сизга эса сал шубҳали кўринган одам жиноятчи бўлиб кўринаверади, тўғрими?

— Қойилман, топдингиз! — деди Ҳамдам совуққина жилмайиб.

У сир бой бермай турган Сайфига қараб таажжубланди: «Пихини ёрган жиноятчи ҳам бунақанги без бўлмас. Ранги ҳам ўзгармайди-я... Ким бу ўзи? Шунчалик устами? Мени лақиллатмоқчими ё шоир машина номерини адаштирганми? Бу келмаганми?..»

Сайфи жилмайишнинг сохталигини сизди. Инспекторнинг гапларидаги илмоқни ҳам фаҳмлади.

Мушук-сичқон ўйнаётганини ҳам билди. Аммо унинг нима учун тўқ мушук сингари ўлжасини ўйнаётганига тушунмади. Сайфи бу вазифани бўйнига олганида милисахонага бир-икки чақиритиб сўрашганидан кейин айтиб берарман, деб ўйлаган эди. Ишинг бу тарзда бошланиши уни бир оз гангитди. Ҳамдам ўйинни яна бир оз давом эттирганида довдираши эҳтимол эди.

Ҳамдам уни синовли назари билан кўп таъқиб этмади. «Қани, кетдик», деди-да, машина сари юрди.

— Акахон, ҳали кўп юрамизми? — деди Сайфи шаҳар марказига яқинлашганида. — Ўзингиз биласиз, отнинг калласидай план бор. Бу ёғи тирикчилик...

— Тирикчиликми, тирриқчиликми? — деди Ҳамдам кесатиб.

Сайфи ўзини мажбурлаб кулди:

— Гапни ҳам қийиб юборар экансиз.

Ҳамдам «милисахонага қараб ҳайда», деса Сайфи қийналмай юрган бўларди. Машинани ҳали ўнгга, ҳали чапга буравериб чарчади. Ҳамдам худди шаҳар кўчаларини билмайдигандай уни роса сарсон қилиб, ниҳоят ўзи ишлайдиган ички ишлар бўлимига етиб келди. Сайфини сўроқ қилиш учун ўз хонасига эмас, балки айбланувчилар вақтинчалик сақланадиган темир панжарали тор ва зах хонага бошлади. Панжарали эшик шарақлаб очилганида Сайфининг эси чиқиб кетаёзди.

— Кир, — деди Ҳамдам совуқ тарзда.

— Нимага? Гуноҳим нима?

— Қўрқма, киравер. Бу ер бизнинг дўхтурхонамиз. Унутилган нарсалар шу ерда эсга тушади. Бу

ерда тузалмайдиганлар учун бошқа дўхтурхонамиз ҳам бор. У ерда унча-мунча дори-дармон қилинади, — Ҳамдам уни гарданидан ушлаб ичкарига итарди. — Йигирма саккизинчида юрган йўлларинг эсингга тушиб қолса, чақирасан.

Ешик шарақлаб ёпилиши билан Сайфи лаҳадга тушиб қолгандай сесканиб кетди. Бир неча соатга эмас, бир умрлик қамоққа тушгандай баданига қўрқув титроғи югурди. «Ҳаққингиз йўқ!» деб бақирмоқчи эди, ўзини тутди. Ҳайдар акасининг гапларини эслади: «Сени қамаб қўйсалар ҳам чурқ этма. Кейинроқ гапириб берасан. Улардан қўрқдим, шу сабабли дарров айтмадим дейсан. Укангни вақтлроқ қутқариш учун озгина жабр чексанг ўлиб қолмасан». Сайфи кавказлик икки йигит оғир жиноят қилган бўлса ҳам, бунга менинг даҳлим йўқ, деб ўйлаётган эди. Ҳали, мурда осилган дарахт ёнида довирамаганининг сабабларидан яна бири — мурда ёқилган пайтда у нарироқда, машина ичида эди. Бу томонга қарашга қўрқиб, писиб ўтирганди. Йигитлар мурдани осиш учун ингичка сим арқон тайёрлашаётганини кўрган, «сим арқонда осишмоқчимиз?» деб ажабланган эди. Ўша кунги кечқурунги поездда жўнаб қолгани учун шаҳардаги гап-сўзлар, миш-мишлар ҳали қулоғига етиб келмаган эди.

## 2

Ҳамдам Толипов хонасига кириб сигарет тутатди. Ўриндиққа ястаниб ўтирди-да, оёқларини стул устига чалиштириб қўйди. У Сайфини жиноятчилардан бири деб ҳисобламаётган эди. Сайфи унинг учун чигални ечишдаги кичик тугунча эди. Ҳамдамга икки нарса қоронғи: Сайфи қайси тўданинг одами? Нима учун машина номерини яширмади? Қотиллар нима сабабдан этакларининг бир учини ўзлари кўтариб қўйишди? Тасодифми бу ё пухта ўйлаб қилинган ишми? Ҳамдам икки-уч соатдан сўнг уни олиб чиқиб, қорнига мушт туширсам сайраб қолар, деб ўйлаган эди. Шу ўтиришида хаёлига ажойиб фикр келиб, ўрнидан туриб кетди. Телефон гўшагини олиб лозим рақамни терди. Зоҳид хонасида экан, гўшакни дарров кўтарди. — Шопирни топдим, — деди Ҳамдам, «суюнчи бер», дегандай бир оҳангда. — Нима дейди? — деди Зоҳид, бу гапни арзимас хабардай қабул қилиб. — Ҳозирча жим. Без бўлиб ўтирибди. Парвойи фалак. Ўша дарахтнинг тагига ҳам олиб бордим. Кўзини лўқ қилиб олган, туси ҳам ўзгармайдими-я! Бунақасини энди кўришим. Тўдага киришдан олдан сурбетликдан имтиҳон топширган бўлса керак. Лекин у бугуннинг ўзида сайраб беради. Сайратмасам отимни бошқа қўяман. — Яна муштми? — деди Зоҳид норози оҳангда. — Э йўқ, ўртоқ прокурор, ҳозир қанақа давр? Қайта қуришми? Ҳа, шундай. Толипов ҳам ўзини қайта тарбиялаган. Шундай бир ишни ўйлаб қўйдимки, сендақадан юзтаси, комиссар Катанидан ўнтаси қойил қолиб, рўпарамда қўл қовуштириб туради. — Қанақа иш? — Сен соат олтида мурда ёқилган дарахт яқинига келиб тур, кўрасан. Агар Мақсуд акани топсанг, яна яхши. — Рўпарангизда қўл қовуштириб туриш учунми? — Ҳозирча пичинг қилавер, майли, аммо соат олтида «акахон, қойилман, сизга!» деб юборганингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Сен олтида ўша ерда бўл. Мен бир оз кечикиб бораман. Ҳа, сенинг вазифанг индамай, жим туриш. Зоҳид унинг айтганларини бажаришга сўз бергач, гўшакни жойига илди. Соат беш яримда Сайфини панжарадан бўшатди. — Қани, юр, — деб кўча томон бошлади. Унинг дағал муомаласи Сайфини ташвишга солди. «Бир балога гирифтор қилмасайди», деб қўрқди. — Бояги жойга ҳайда, — деб буюрди Ҳамдам машинага ўтиргач. Кейин сўради: — Канистрангда бензин борми? — Йўқ, — деди Сайфи ажабланиб.

— Йўлда олвол, ўн литр етади.

— Узоққа борамизми?

— Узоққа... шунақанги узоққа...

Сайфини энди росмана қўрқув ўз тўрларига ўрай бошлади. Бармоқларига титроқ югурди.

Ҳамдам буни сезиб, қувониб кетди. Сайфи йўлда тўхтаб, бензин олди. Хўжалик моллари дўкони ёнидан ўтаётганида Ҳамдам машинани тўхтатди-да:

— Икки қулоч арқон олиб чиқ, — деб буюрди.

— Қанақасидан?

— Мол боғлайдиган, пишиқроқ бўлсин.

Сайфи бу буйруқни ҳам бажарди.

Катта йўл ёқасидаги ўша дарахт ёнида бир «Волга», унинг ёнида эса Зоҳид билан маёр Солиев туришарди.

— Моторни ўчириб, калитни менга бер, — деди Ҳамдам. Сайфи титроқ бармоқлари билан калитни узатди.

— Эсладингми? — деди Ҳамдам кўзини дарахтга тикиб.

— Нимани?

— Ўзингни овсарликка солма. Нимани сўраётганимни билиб турибсан. Йигирма саккизинчи майда бу ерга ким билан келгансан, нима иш қилгансан?

— Бу ерга биринчи келишим.

— Шунақами? Қани, туш машинадан, — Ҳамдам шундай деб арқонни қўлига олиб, машинадан тушди. — Юкхонани оч, канистрни ол.

— Нимага?

— Олавер, менга керак.

Кўнгли ёмон бир шумликни сезган Сайфининг оёғидан мадор қочди. «Волга» ёнида турганларга хавотир билан қараб, Ҳамдамнинг буйруғига итоат этди. Дарахт остига боришганда Ҳамдам арқондан сиртмоқ ясади. Сайфи кўзларини жавдиратиб, атрофга аланглади.

— Қочишни ўйлама. Бир қадам нари-бери қўйсанг, отиласан. Ёрдам ҳам кутма, машинасини тўхтатиб ёрдам берадиган аҳмоқ йўқ бу ерда.

— Нима қилмоқчисиз? — деди Сайфи титроқ овозда.

Унинг бу ҳолатидан Ҳамдам мамнун бўлди — унга айнан шу керак эди.

— Сени осмоқчиман, — деди хотиржамлик билан. — Кейин... ёқаман.

— Ҳаққингиз йўқ!

— Нега ҳаққим бўлмас экан, ҳаққим бор, оғайни. Бу шохга иккита одам осилди. Сен учинчиси бўласан. Биз эса қотил топилмади, деб ишни ёпди-ёпди қилиб юбораверамиз.

— Ҳаққингиз йўқ! — деб бақариб юборди Сайфи.

— Сенинг ҳаққинг бормиди?

— Мен ўлдирганим йўқ!

— Ким ўлдирди?

— Билмайман.

Ҳамдам тесқари қаради. Унинг ҳаракатини диққат билан кузатаётган Сайфи ҳам бошини бурди. Шу заҳоти Ҳамдам чаққонлик билан бўйнига сиртмоқни ташлади. Сайфи арқонни икки қўли билан чангаллаб, жон ҳолатда бақариб юборди. Зоҳид у томон интилиб қадам қўйган эди, маёр Солиев тўхтатди.

— Йигирма саккизинчида келганмисан? — деб сўради Ҳамдам.

— Келганман, — деди Сайфи жон талвасасида.

— Нима учун эрталабдан бери мени лақиллатасан?

— Айтсанг, ўлдирамиз, дейишган. Бола-чақанг гаровда дейишган...

- Ким?
- Билмайман, танимайман уларни.
- Нечта одам эди?
- Иккита... улар бу ернинг одами эмас, тили бошқача эди.
- Бу ерда «Жигули» ҳам бор эдими?
- Бор эди, бир жингалак сочли йигит турувди.
- Кейин нима бўлди?
- Гаплашишди. Кейин менга жавоб беришди.
- Уришишмадимми?
- Йўқ.
- Осишганда қаерда эдинг?
- Менга жавоб беришди, кетувдим.
- Ёлғон гапирма! — Ҳамдам шундай деб арқонни тортди. — Ўлик ёнаётганда ҳам шу ерда бўлгансан. Машинангни кўрганлар бор.
- Ҳа... Ҳа... мошинангда қимирламай ўтир, дейишди. Ўтирдим. Бола-чақам гаровда эди...
- Сен ҳозир ҳам гаровдасан. Икки йўлинг бор: ё ўша одамларни бизга топиб берасан, ё шу ерда кўмирга айланасан.
- Мен уларни танимайман... Кира қилиб олган эдим. Лекин бир уйга кириб чиқишган эди. Балки ўша ерда туришар?..
- Режа бўйича Сайфи бу гапни сўроқнинг ё учинчи ё тўртинчи куни айтиши лозим эди. Иш шу даражада тезлашиб, мураккаблашиб кетдики, айтмасликнинг иложи қолмади.
- Қайтишда машинани Ҳамдам ҳайдади. Сайфи қил кўприқдан ўтиб, аранг омон қолган одам ҳолига тушган эди. У укасини қамоқдан чиқариш, ҳеч бўлмаса муддатини камайтиришга ёрдам сўраб Ҳайдарга мурожаат қилгани учун энди ўзини ўзи лаънатлади. Тўғри, укасига жони ачийди. Лекин, ҳозир аён бўлдики, ўзининг жони янада ширинроқ экан. Дастлаб унга вазифа осон кўринган эди. Икки кавказликни ижарадаги уйдан олади, ўликхонага боради, улар ўликни ўраб олиб чиқишади, сўнг катта йўл ёқасидаги дарахтга осишади, тамом вассалом. Милиса сўраган тақдирда фақат ўликхонага борилганини айтмайди. Кавказлик йигитлар ижарада турадиган уй кўрсатиб қўйилади, холос... Сайфи бир-икки сўроққа чақиривади-ю, сўнг ҳоли қўйивади, деб ўйлаган эди. Агар унинг изига Ҳамдам тушмай, бошқа одам, масалан Зоҳид тушганида балки шундай бўлармиди... Бир кунда гуллаб қўйгани учун энди Ҳайдардан кўрқа бошлади. «Бу балки ёлғондан кўрқитгандир, Ҳайдар ака пўписа қилиб ўтирмас», деб юраги орқасига тортиб кетди. «Балки ўзимни мошинадан ташлаб, биратўла қутулуб қўя қолсаммикин», деган хунук фикрга ҳам борди. Шу онда Ҳамдам худди унинг фикрини ўқигандай бир қараб олди:
- Сен кўрқма, — деди у, — сенга тегишмайди. Бизга тўғриси айтиб, ёрдам берсанг жонинг омон қолади. Керак бўлса, одам қўйиб сени кўриқлаймиз. Алдайдиган бўлсанг, уларга шерик ҳисобланиб, халта-хуржунингни кўтариб жўнайсан. Бу ўйин шунақа бўлади: ё остидан, ё устидан!
- Бу сафар «чапга», — «ўнгга», деб Сайфи йўл кўрсатиб турди. Эски шаҳарнинг тор кўчаларидан ўтишаётганда ўнг қўлдаги темир дарвозани кўрсатди:
- Шу уйга кириб чиқишган.
- Адашмадингми?
- Йўқ, ана, чап томондаги ахлатхона эсимда қолган.
- Ҳамдам «яхши», деди-ю, машинани тўхтатмади.
- Тўхтатмайсизми?
- Нега?
- Ушламайсизми?
- Бу ёғини ўзимга қўйиб бер. Сен бугунги ишингни бажардинг. Энди оғзингга қулф уриб, жим

юр. Учариқ-тўртариқ қилиб жўнаб қолма. Шаҳардан бир қадам нари-берига чиқмайсан, тушундингми?

Сайфи «тушундим», деб бош ирғади. У фақат Ҳамдамнинг бу гапига эмас, балки булардан ҳали-бери қутулмаслигига ҳам тушуниб етди.

Кўприқдан ўтгач, Ҳамдам машинани тўхтатиб, тушиб қолди. Сайфи узоқлашиши билан, изма-из келаётган «Волга» тўхтади.

— Тўқсон биринчи уй экан, — деди Ҳамдам, машина эшигини очиб. — Одам чақириш керак. Унгача мен бир қараб чиқаман.

Ҳамдам машиналар оқимига муқобил юриб, тўқсон биринчи уй эшигини тақиллатди. Иккинчи марта тақиллатганида ичкаридан «ҳозир» деган заифгина товуш чиқди. Сўнг дарвозанинг бир табақаси мунгли овоз чиқариб қия очилди-да, узун энгли кўйлак кийган кекса аёл кўринди.

— Келинг, болам, — деди у, Ҳамдамнинг саломига алик олгач.

— Келинингиз билан ижарага уй қидириб юрувдик. Сизникида бўш жой бор, деб эшитдим.

— Вой, болам-ей, сал кеч келибсиз-да. Жой борида, одам қўйиб қўйдик. Сиз оилангиз билан турмоқчимидингиз? Нечта болангиз бор?

— Биттагина. Уч ёшда.

— Вой, аттанг-е, биз боп экансизлар-а, чолим қайсар-да, сабр қилайлик, десам, кўнмади. Иккита йигитни бошлаб келиб, жойлади. Чулчитми-ей, тилига тушунмайман. Бир пайдо бўлади, бир кўринмай кетади. Бунақаси менга ёқмайди, болам. Чол-кампирга оилали одам афзал-да. Бола эрмак бўлади, лозим бўлиб қолса, иссиқ-совуқдан ҳам хабар олиб туришади. Сиз, болам, ноумид бўлманг-а, ҳали чолим келсин, бир гаплашай, буларга жавоб берсин.

— Ижарачиларингиз шу ердами?

— Шу ерда бўлмай қолишсин. Уйқуга тўйишмайди булар. Ақли бўлса, шом кирганда ухлармиди...

Ҳамдам эрта-индин хабар олажагини билдириб, изига қайтди. Кўп ўтмай, қўшимча кучлар етиб келгач, тўрт йигитни ёнига олиб, яна дарвоза олдида пайдо бўлди.

— Вой, чолим ҳали келмадилар, — деди аёл ажабланиб.

— Холажон, бир гап айтаман, фақат сиз ваҳима қилманг. Мана бу йигитлар милисадан, ижарачиларингизни кўришмоқчи. Сиз улар ётган уй эшигини кўрсатингу, ўзингиз тез четга чиқинг, — деди Ҳамдам.

— Вой ўла қолай, вой Худо урди, — деди аёл.

— Ваҳима қилманг, дедим-ку.

Аёл қўли билан чап томондаги эшикни имлаб кўрсатиб, ўзи тўғридаги айвон сари юрди. Титроқ овозда нимадир деди.

Ҳамдам эшикни зарб билан тепиб очиши билан тўрт йигит отилиб ичкари киришди. Донг қотиб ухлаб ётган йигитлар қимирлаб ҳам қўйишмади. Хонтахта устидаги бўшаган ароқ идишлари, димоққа урилган наша ҳидидан ҳаммаси аён эди. Йигитларнинг бетларига шапатилаб, сув сепиб аранг ўзларига келтиришди. Улар уйғонгандай бўлишса-да, ҳали кайфдан қутулмаган, нима бўлаётганини англаб етмаган эдилар. Уларнинг қўлларига кишан уриб олиб чиқилгач, Зоҳид аёлни чақириб, хонага кирди-да, кўздан кечира бошлади.

— Кўрпа-тўшаклар меники, айланай болам, — деди аёл қўрқибгина. — Улар қуп-қурук келишган. Ҳали ижара пулини ҳам беришмовди.

— Буларнинг ўзлари излаб келдими ё биров илтимос қилдими? — деб сўради Зоҳид.

— Чолим бошлаб келувдилар.

— Чолингиз ҳозир қаердалар?

— Қайдам... Балки самоворхонададилар?

Зоҳид «топиб келасизми?» дегандай қилиб Ҳамдамга қаради. Бу қарашнинг маъносини англаган Ҳамдам индамай ташқарига чиқди. Зоҳид бир чети ёстиқ остидан чиқиб турган суратни олди — Жамшид кулимсираб турибди.

— Мана бу йигит ҳам келиб турармиди? — деб суратни аёлга кўрсатди.  
— Йўқ-а, — деди аёл суратга дурустроқ ҳам қарамай. — Буларни ҳеч ким сўраб келмади. Зоҳид тоқчадаги бўш тселлофан халтачалар билан қон теккан эм игнасини кўриб:  
— Хола, энди бу хонага кирмай турасиз, ҳеч нарсага тегманг. Нарсаларингизни текшириб бўлганимиздан кейин оласиз, — деди.  
Бу орада ҳовлига гавдали, аёл «чолим» дегани билан кўриниши чоллик мартабасига етмаган, оёқлари оғир гавдани кўтаришга мажолсизлигиданми, ўрдак каби лапанглаб юривчи уй эгаси кирди. Зоҳид у билан саломлашгач, аёлга берган саволларини қайтарди. Ўзи кутганидек, тайинли жавоб ололмади: чол чойхонада ўтирганида бу йигитлар жой сўраб келишган, дурустгина ақча беришмоқчи бўлишган, вассалом.  
Экспертлар келиб хона кўздан кечирилгач, қўлга илинарли ашёвий далил ҳам топилмади.

### 3

Терговни ташқаридан кузатган одам бу йигит ўзининг исмини ҳам дуруст билмас экан, деб ўйлаши мумкин. Зоҳид исми-шарифини уч марта сўраганида уч хил жавоб берди. Зоҳид «бу лақиллатмоқчимиз ё дорининг таъсиридан ҳали қутулмадимиз?» деб ўйлади. Иккинчи йигит ҳам шундай ҳунар кўрсатгач, терговни кечиктирди.  
Ертасига уларнинг гаплари пойинтир-сойинтир бўлмади. Бу вақт ичида маёр Солиев уларнинг кимлигини, қамоқхоналарда беармон ўтириганини аниқлади. Зоҳид аввал ёши каттароғи — Петрашвилини сўроққа чақирди.  
Расм-русм бўйича дастлабки маълумотларни сўраб, ёзиб олгач, асосий муддаога кўчди:  
— Йигирма саккизинчи майда қаерда эдингиз?  
— Йигирма саккизинчи?.. Неча кун олдин бўлган бу йигирма саккизинчи?  
— Ўн кун бўлди.  
— Э, гражданин начальник, ўн кун олдинги гап эсимда турадимиз? Кеча қаёқда эдим, билмайман. Зоҳид Жамшиднинг расмини узатди:  
— Бу йигит ким?  
Петрашвили суратга узоқ тикилди.  
— Танимайман.  
— Ёстиғингиз тагида экан?  
— Балки кампирнинг ўғлидир. Уйда ҳар хил расм кўп эди.  
— Чол-кампир ҳам танишмади. Аммо... шеригингиз таниди.  
— Шеригим таниган бўлса ўзидан сўрайвер, нега мендан сўрайсан?  
— Ҳайдовчи ҳам таниди.  
— Қайси ҳайдовчи?  
— Сизларни олиб борган. Биз уни топдик.  
— Ҳар куни ўнта машинада юрсам, ўнта ҳайдовчи танийди мени. Началник, тўғриси айт, сен бўйнимга нима илмоқчисан? Айтавер, келишамиз, мен бунақа ишларга ўрганиб кетганман.  
— Йўқ, келишолмаймиз, гражданин Петрашвили.  
— Нега гражданин, деяпсан, сен аввал айбимни исботла, қама, ундан кейин гражданин, деявер.  
— Гражданин начальник деб аввал ким айтди?  
— Менми? Ҳа... мен бунақа сўроқларда ўтиравериб ўрганиб кетганман. Ҳали бунақа сўроқларни кўп кўрсам керак.  
— Йўқ, кўп кўрмайсиз, буниси охиргисидир.  
— Нега энди? Чиқариб юбормоқчимисан?  
— Йўқ, энди чиқиш тушингизга ҳам кирмайди. Эндиги ҳукм биттагина ўқ бўлади.  
— Қўрқитма, начальник. Қўрқадиган аҳмоқлар ўлиб кетишган. Менга қара, сен ёш экансан, мен сендақаларнинг кўпини кўрганман. Сен бошни қотирмагину мақсадингни айт. Фақат майда

безориликни тиркама. Обрўйим тўкилишини истамайман.

«Ҳали бунда обрў ҳам бор-а?!» деб кулиб қўйди Зоҳид.

— Гап бундай, Петрашвили, биз обрўингизни тўкмасликка ҳаракат қиламиз: бўйнингизга биратўла қотилликни иламиз, маъқулми?

— Қанақа қотиллик?!

Петрашвили бу саволни хотиржам тарзда, худди яқин ошнасига «Қаёққа кетяпсан, аҳволларинг яхшими?» деб сўрагандай берди. Қамоқларда кўп юрганидан шундай совуққонмиди ё табиатан безмиди, Зоҳид фарқлай олмади. У яна Жамшиднинг расмини ўртага қўйди:

— Шу йигит ўлдирилган.

— Бунақа шилта ишни менга илма, начальник, овора бўласан, исбот қилолмайсан. Бу қилиғингдан вишканинг ҳиди келиб турибди1.

— Ҳа, ана, билар экансиз-ку?

— Далил керак.

— Мана битта далил, — деди Зоҳид суратни қўлига олиб.

— Бизни кайфлигимизда қўлга олгансан. Суратни ўзинг ташлаб қўйгансан. Сурат чепуха, шу боланинг калласини узиб ёнимга ташлаб қўйганингда ҳам исботлай олмайсан.

Кавказликнинг иккинчиси ҳам қарийб шундай жавоб берди. Икки кундан сўнг Зоҳид Сайфини чақиртирди. Сайфи қатор турган етти киши орасидан икки кавказликни таниди. Шундан кейин ҳам улар йигирма саккизинчи майда катта йўл бўйида бўлганларини тан олишмади.

## Х Б О Б

### 1

Бу хабар Ҳосилбойваччага хуш ёқди. Набирасининг ўлик туғилиши нима экан, кимда-ким Асадбек ўлибди, деб келса катта суюнчи беришга ҳам тайёр эди. Айрим хотинлар «бирон нохуш гап чиқармикин» деган илинжда уззукун қўшнисиникига қулоқ тутди. Бақирик-чақирикни эшитса, ёинки бирон ташвиш шабадасини сезса, қувонади. Қўшнисининг томи узра кулфат булутини кўрса-ку, уникида байрам деяверинг... Ҳосилбойвачча ҳам шу тоифадан эди. Янги йил арафасида Асадбекнинг қизи йўқолганини эшитганида қалбини шодлик офтоби бир ёритиб ўтган эди. Элчинни кувёв қилганида бу офтоб яна булут орасига яшириниб, уни икки ўт орасига ташлади: Асадбекнинг мақсадини билолмай, каловланди. Элчинни кўпнинг ичида масхара қилмоқчи бўлганида ҳам шу ҳол юз берди. Жамшиднинг етиб келиб, Элчинни оғир аҳволдан қутқариши Ҳосилбойваччага «Асадбекка тегишли одамни хор қиладиган ҳали туғилмаган», деган маънони англаган эди.

Ҳосилбойвачча учун Асадбек йўлдаги тоғ, уни қандай қилса-да, ағдариши, кемириб бўлса-да, ту- гатиши лозим эди. Айланиб ўтиш мумкин эмас — тоғ орқа томондан ҳам босаверади.

Зайнабнинг ўғирланиши — бемалол ҳужумга ўтса ҳам бўлади, деган ишора эди. Асадбекка ҳамла қиладиган довюрак топилибдими, демак, юришни бошлаш вақти етибди. Элчинни тўйга таклиф этиш — шунчаки бир синов эди. Зайнабнинг ўлик бола туғиб, касалхонада ётиши уни қатъий ҳужумга киришишга даъват этди.

У хушxabар олиб келган Шомилнинг қўлидан гугуртни олиб, тўртта чўпни чиқарди. Учтасининг бошини бирлаштириб, тўртинчисини ёқди-да, тезлик билан шу учта чўпга тутди. Пов этиб ёниши билан пуфлаб ўчирган эди, тўртала чўпнинг боши қовушиб, учоёқли минорага ўхшаб қолди. Шомил хўжасининг маҳоратига беш кетиб, кулиб қўйди.

— Шомил, мана буни қара, Асадбек Элчинни кувёв қилди, Жамшид ўлдирилди, қизи ўзини осди, боласи ўлик туғилди... Ҳамма воқеаларнинг боши қовушмаяптими?

— Шунга ўхшайди, — деди Шомил ўйлаб ҳам ўтирмай. У собиқ шогирдини, ҳозирда эса хўжайинининг ақлига тан берган, шу боис айтганларини мулоҳаза қилиб ҳам ўтирмас эди.

Ҳосилбойвачча чўп устини бармоғининг учи билан босган эди, «минора» сочилиб кетди. — Асадбекни кимдир чинор деган эди. Чинорнинг ичини қурт ея бошлабди. Четдан томоша қилиб тураверсанг, фирт аҳмоқ бўласан. Темирни қизифида босиш керак, дейишганми? Асадбекнинг қизи ётган касалхонада одамнинг борми?

— Бор. Ўзимга тегишли бир жонон бор.

— Менга Зайнаб керак.

— Олиб чиқайми? — деди ажабланиб Шомил.

— Қани ўйла-чи, ё томинг кетганми?

Ҳосилбойвачча ўйлаш учун фурсат бергандай жим қолди, сўнг ўзига-ўзи гапиргандай деди:

— Зайнаб у ердан гиёҳванд бўлиб чиқиши керак. Жононинг уни игнага ўргата олармикин?

— Мен айтсам, ўргатади.

— Ўргатсин, аммо эҳтиёт бўлсин. Биринчисини ўзига сездирмасин. Ўзи ҳам олиб турадимми?

— Олганда-чи!

— Агар қовун туширса, мен сени ҳам, уни ҳам танимайман.

Бу пўписага жавобан Шомил тиржайиб, ғилай кўзларини ўйнатиб қўйди. Шомил хўжасининг бу пўписаси қуруқ эмас, амалга ошуви муқаррар эканини билгани каби, Ҳосилбойвачча бу тиржайишнинг маъносини яхши англайди. Бу тиржайишга ғилай кўзларнинг ўйнаши қўшилгани — «кўнглингиз тўқ бўлаверсин, шу ишни эпламасам, бу дунёда нима қилиб юрибман», деганидир.

Шомил музлатгични очиб, ундан тунука идишдаги фин пивосидан олди-да, бирини очиб хўжасига узатди. Иккинчисини очиб, бир кўтаришдаёқ бўшатди. Ҳосилбойвачча бир-икки ютум ичиб, ўзига қайтарди. Шомил «сизники табаррук» дегандай тиржайиб уни ҳам бўшатди. Зайнабни қўлга киритиш фикри Ҳосилбойваччада анча бурун уйғонган эди. Жувоннинг ўзини осииши бу хаёлни ҳақиқатга тезроқ айлантириш имконини яратгандай бўлди. Боланинг ўлик туғилиши эса имкон дарвозаларини кенг очиб юборди. «Ўзини осдими, демак, чорасиз қолган, — деб ўйлади у. — Отасига ишончи йўқ. Отасининг ҳукмида яшаш жонига теккан. Ҳамма нарсага эга аёл бекордан-бекорга ўзини осмайди...»

Ҳосилбойвачча Зайнабни қўлга киритган тарзда нима қилишни ҳам ўйлаб қўйган. Зайнаб бўйин бергач, уни қўйнига олмайди, бирга бўлмайди. Тўғри, кўриниши, қад-қомати бинойи, ёш... лекин отарчининг сарқитига куни қолибдими, деган маломатга тоқати йўқ. Балки кайфчиликда тотиб кўрар... Зайнаб — йигитларники. Кимга ҳадя этишни Шомил билади. Зайнабнинг биринчи вазифаси шу — йигитлар кўнглини овлаш. Бу қилиғи эртами-кечми, отасига маълум бўлади. Асадбек қизининг нақадар ифлослигини ўз кўзи билан кўрса яна-да яхши! Унгача Зайнабнинг яна бир юмуши бор — уйдаги гапларни етказиб туради. (Буниси энди Ҳосилбойваччанинг хом хаёли. У Асадбекнинг уйда, айниқса хотини, фарзандлари ҳузурида ишдан гапириш одати йўқлигини билмайди). Ҳосилбойвачча гиёҳвандларни яхши билади. Хумори тутганида қорадори учун отасинигина эмас, қўлида бўлса бутун дунёни ҳам сотиб юборади.

Шомил хўжасининг ўйга толганини кўриб индамай ўтираверди. У шунга ўрганган.

Ҳосилбойвачча ярим кун ўйланса, ярим кун жим ўтиради. Дунёни сув босиб кетса ҳам жим ўтираверади, хўжасининг хаёл суришига ҳалал бермайди. Ҳосилбойваччанинг Асадбекдан фарқи шуки — бир ўзи ўйлайди, бир ўзи ҳукм чиқаради. Унинг бу одати Чувриндига ўхшаган ақлли аёни бўлмагани важдан эмас, балки ўз ақлининг мукамаллигига ишонганидандир. «Шу пайтгача ўз ақлимга суяниб панд емай, шу даражага етдимми — демак, нотўғри иш қилмабман», деб ўйлайди. Кимдир ўғлига «сен чинор сояси бўлма, чинорнинг ўзи бўл», деган экан. Шу ҳикмат Ҳосилбойваччага жуда ёқиб қолган. Ўшанда умри мазмунини чинор бўлмоқлик учун курашдан иборат, деб белгилаган эди. Чинор бўлмоқлик — бировнинг ақли, бировнинг маслаҳати билан битмайди. Бировнинг ақли билан ишлаш — чинорнинг эркин ўсаётган шохларини кесиб туриш демақдир. Ҳосилбойвачча бунга тоқат қилолмайди. У чинор шохларининг эркин ўсмоғини, янада кенгроқ майдонни қамраб олмоғини истайди.



— Сен Қиличдан хабар олдингми? — деб сўради Ҳосилбойвачча хаёл суришни бас қилиб.  
— Хабар олдим. Ишлари ништяк. Қачон чиқариб оласизлар, дейди. Ўтган куни уйига ҳам келиб кетди.

— Қачон чиқариб оласизлар, дейдими? Уни биз чиқариб олмаймиз, ким тикқан бўлса, ўша чиқаради.

— Қанақасига?

— Шунақасига. Бир жойда «Винзаводни Қиличдан бошқа одам эплай олмайди, бизга ҳам винзавод насиб қилиб қолар», дедим. Бу гапим ўша кунидек эгасига етиб борган бўлиши керак. Асадбек аканг Қилични чиқариб олишимга йўл қўймайди. Унинг икки чораси бор: биринчиси — Қилични ўша ёқда йўқ қилиб юбориш, иккинчиси — тезроқ чиқариб олиш ҳаракатини бошлаш. Унга иккинчи чора маъқул келади. Чунки заводни олимчаси эплай олмайди. Буни аҳмоқ одам ҳам дарров сезиши мумкин. Асадбек чиқараверсин, Қилич меров, ундан эмас, биздан миннатдор бўлади. Уни ҳеч бир чиқимсиз қўлга киритамиз.

— Чиқариб олишганини ўзлари айтишса-чи?

— Ишонмайди. Ундан ким хабар олиб турди? Зўрлардан ким ҳимоя қилди? Менми? Сен, томи кетган аҳмоқ, «Қиличдан хабар олиб тур», деганимда бурнингни жийирган эдинг. Энди тушундингми? Буни бир ўқ билан икки кўённи уриш, дейдилар. Мен уларнинг карталарини чалкаштириб ташладим. Яқинда қўлларидан кўзирлари қолмайди. Ўшанда банкка урамиз. Қойилмисан?

— Мен сизни биринчи кўрганимдаёқ қойил бўлганман.

— Сен ҳозир бир иш қиласан: Қилични бир-икки соатга сўраб, шу ерга олиб келасан. Мен бир унинг сўхбатини олай.

Шомил «бундан осонроқ иш йўқ», дегандай тиржайиб, ўрнидан турди. Аммо ўзига бўлган ишончи бу сафар панд берди: лагерда комиссия бор экан, Қилични чиқара олмади. Хўжасига қўнғироқ қилиб вазиятни билдиргач, «комиссия кетганидан кейин олиб келасан», деган буйруқ олди.

## 2

Қилич Сулаймонов Асадбекка ёқиб қолган олимнинг бурнини ерга ишқаб, тавбасига таянтирмоқчи бўлиб, ўзи қазиган чоҳга ўзи тушганини билмай ҳам қолди. Агар Ҳосилбойвачча сотмаганида бу кўргуликлар йўқ эди. Асадбек бир-икки сўкиб, уришиб, кейин айбидан ўтарди. Ҳосилбойвачча нима учун сотди, деб ҳайрон бўлиб юрганида Шомил келиб, янада баттар ажаблантирди. «Сотгани нимаю энди меҳрибончилик қилгани нима?» деган муаммо уни бир нафас бўлсин, ҳоли қўймади. Лагер зўрларининг тегажожлиқ қилмаётгани, айниқса, уйга бориб келишга рухсат теккани унда умид уйғотиб, Ҳосилбойваччага нисбатан бўлган ғазаб ўтини ўчира бошлади.

Уйига бориб, хотини, фарзандларини кўриб йиғлаб юборди. Худди ёш боладай йиғлади. Кейин эса... авваллари апоқ-чапоқ бўлиб юрувчи оғайниларининг хабар олмай қўйишганини эшитиб, юраги баттар эзилди.

«Қиличхон ака, хизмат борми?» деб қўл қовуштириб турувчилар, «Қиличбой ошнам, сендан бошқа ҳеч кимим йўқ бу дунёда, ошнам ҳам, акам ҳам, отам ҳам ўзингсан», дегувчилар, «Қиличбек, ўла-ўлгунимча қарздорман, сендан тонсам — Худо урсин!» деб онт ичувчилар қайларда қолишди экан? Қиличдан ҳазар қилдиларми, ё Асадбекдан қўрқдиларми?

— Эсон-омон кутулиб чиқай, бу даюслар билан ҳисоб-китоб бошқача бўлади, — деди Қилич хотинига.

— Қўйинг, тинч яшайлик. Худога солинг, жазосини Худо берсин уларни, — деди хотини. Қилич белгиланган вақтда лагерга қайтди. Биров ундан «қаёқдан келяпсан, ким чиқарди сени?» деб сўрамади. Ётоққа кириб, олиб келган емак-ичмакларидан бир улушини хона тўрида давра қуриб ўтирганларга берди. Таомил шу: уйдан олинажак ҳар нарсанинг сараси шуларга

берилиши шарт. Айримлар «ўзим емасам емай, қулоғим тинч бўлсин», деб ҳаммасини тутқазиб қўя қолади.

Қилич бу ерга бир йил олдин келган эски таниши Шоалини таклиф этиб, каравоти устига кичик дастурхон тузади. Нон устига нориндан солиб меҳмон қила бошлади.

— Норинни кўрсам, доим бир воқеа эсимга тушади, — деди кулиб Шоали, бир чимдим норинни оғзига олиб бориб. — Бир қадрдонимиз бошқа вилоятдан келин туширадиган бўлди-ю, биз ўша ёққа тўй олиб бордик. Кечаси поездга ўтириб, эртаси азонда манзилга етдик. Иззат-икром зўр бўлди. Бир маҳал қарасак, норин кирди. Биз олиб борган тугунлар ичида норин ҳам бор экан. Етиб келишгунча норин совуб қолибди, деб истишибди, денг. У ерларда норин қилишмас экан-да...

— Ҳар жойнинг таомили ўзига яраша-да, — деди Қилич кулиб.

Шоали нориндан иккинчи ё учинчи олишида хона тўридаги даврабоши ўрнидан туриб, буларга яқинлашди. Куйлак кийишни ёқтирмаганиданми, ё баданидаги хилма-хил суратларни кўз-кўз қилишни яхши кўрганиданми, ярим-яланғоч юрувчи бу Зўр бировга бежиз яқинлашмас эди.

Унинг кимгадир яқинлашуви ё мушт тушириш билан, ё бўйнига бир нима илиш билан яқунланарди. Шу сабабли Қилич унинг ўзи томон келаётганини кўриб, хавотирланди.

У Қиличга рўпара бўлди-да:

— Братан, бу ёққа қараворинг, — деб эшик томон юрди.

«Нима гуноҳ қилибман, ё овқатдан бир нима чиқдимми?» деб ҳадиксиради Қилич.

— Братан, келганингизга тўрт ойдан ошдимми? — деди Зўр, эшикка етмай тўхтаб.

— Ошди, — деди Қилич, бир қадам берида тўхтаб.

— Биров чертдимми?

— Йўқ.

— Нимагалигини биласизми?

— Йўқ.

— Қош-кўзингиз чиройли бўлгани учун эмасдир, а? У ёқдаги бойвачча братанларнинг ҳурмати бор. Улар нима деса, бизга закон, гап йўқ. Лекин ҳаддингиздан ошсангиз, отечайт қиласиз.

Сиз кимни сийлаяпсиз, биласизми.

— Ҳа, биламан. Эски танишим.

— Уни ҳеч ким овқатга таклиф қилмайди, сезмаганмисиз?

— Йўқ.

— Каллаварам экансиз. У билан ҳеч ким бирга овқат емаслиги керак. Закон шунақа.

— Нега?

— Негами? У бир пайтлар мент бўлган.

— Йўғ-е, у дўкон мудирди эди.

— Ўзидан сўранг. Биз янглишмаймиз. Законни бузганнинг иши чатоқ бўлади. Амма-холасига қараб ўтирмаймиз.

У шундай деб Қиличга қаттиқ тикилди-да, жойига қайтди.

Шоали Қиличдаги ўзгаришни бир қарашда сезди:

— Нима гап? Овқат берма, деяптими?

— Ҳа... мент бўлган дейди.

— Булар ҳар балони билишади. Ўттиз йилча олдин ҳарбий хизматдан қайтганимда ўн кунча милисада ишлаганман. Ёшлиқда қизиқиш бўлган-да. Ушанда адам раҳматли қулоғимни бураб, бўшатиб олган эдилар. Шу ерда эслатишди бунини. Буларнинг қонуни бутунлай тескари: у ёқда бир ҳужжат тўлдирсак, ўзинг қамалганмисан-йўқми, қариндошларинг ичида судланганлар борми ё йўқми, чет элларда қариндошларинг борми, деб суриштиришади. Булар эса «милисада ишлаганмисан, милисада қариндошларинг борми, комсомол ё коммунист бўлганмисан», деб суриштириб, шунга қараб муомала қилишади. У ёқда озгина харажат қилиб ҳужжатни эплаштириш мумкин. Бу ёқда гапнинг ҳам фойдаси йўқ, пулнинг ҳам. Сиз билан биз уларнинг

қаторида бўлишни истасак ҳам давраларига қабул қилишмайди. Биздан нафратланишади. Таклиф қилганингизда рад этиб, тушунтирмоқчи эдим, сизга муносабатлари ўзгача, индашмас, деб ўйлабман.

— Ўттиз йил олдинги гапнинг буларга қандай фойда-зарари бор?

— Ҳеч қандай. Фақат улар ўз қонунларини бузишмайди. Уларнинг қонунида имтиёз, изоҳ, сабаб деган гаплар йўқ.

— Буларга таъсир ўтказадиган одамлардан илтимос қилиб кўрайми?

— Қайдам? Фойдаси бўлармикин? Баъзи масалаларда уларга Худонинг ўзи ҳам бас келолмас, — Шоали шундай деб хўрсинди. — Ҳа, майли, бошга тушганни кўз кўрар... Болалигимизда адам раҳматли бузоқ олиб берган эдилар. Қарасақ, ҳаммаёғини кана босибди. Биттадан терганмиз. Биласизми, Қиличбек, биз ўша кана босган бузоққа ўхшаймиз.

Қилич кулимсиради:

— Қўйсангиз-чи, Шоали ака, ўхшатишга топган жониворингизни қаранг. Ҳеч бўлмаса буқа денг... — деб гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

— Биз буқа бўлолмаймиз, йўл беришмайди бунга. Одамлар бизларга ҳавас қилишади, а? Пулни қоплаб топади, егани олдида, емагани кетида, дейишади. Тўғри, топамиз. Лекин топганимизнинг ҳаммасини ўзимиз емаймиз-ку? Харидордан бир сўм уриб қолсам, менга ўн тийини қолади. Лекин ҳамманинг кўзи олдида мен ўғриман, мен муттаҳамман. Тўқсон тийинни еб ётганлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Улар фариштага ўхшаб юришади. Чиройли гапиришади, чиройли кийинишади. Уларга қараб туриб этагида намоз ўқигинг келиб кетади. Ичи ёриб қаралса-чи? Ҳамма бузуқликларни кўриб, кўнглинг ағдарилади. Ҳа... Биз бузоқмиз. Канани ҳеч ким тергани келмайди. Силламизни қуритишиб, сўнг яхши семирмади, берадиган қони кам деб, қассобга оширишади, — Шоали шундай деб фотиҳа ўқиди. — Жойимга борай, қараб-қараб қўйишяпти, яна сизга осилиб юришмасин.

Қиличнинг танишига меҳр кўргазгани беиз кетмади — нонуштада унга нон «етмай қолди». Сал нарида ўтирган Зўрнинг қараб-қараб қўйишидан билдики, бу кечаги қилмиши учун берилган мукофот. Янада ойдинроқ айтилса — огоҳлантириш. Ишга кетаётганида бир йигит қаттиқ туртиб ўтди. Узр сўраш ўрнига тиржайиб қўйишидан фаҳм этдики, булар билан ҳазиллашиб бўлмайди. У кун бўйи бир нарсани ўйлади— бу ердан чиқариб олишга Ҳосилбойвачча журъат этолмас, Асадбекдан ёрдам сўраш керак. «Хат ёзиб чиқараман, ё хотиним бориб оёғига йиқилади. Шунча азоб чекканим етар».

Шу фикрга келиб турганида унга «шаҳарни бир айланиб келиш учун» рухсат беришди.

Лагер дарвозасидан сал наридаги машина олдида Шомилни кўриб, ажабланди.

«Тинчликмикин?» деб кўнглига хиралик оралади. Шомил «Тезроқ юр», дегандай қўл силтаб, жойига ўтирди. Қилич қадамини тезлатди.

— Бўсснинг гапи бор экан, — деди Шомил.

— Қанақа гап?

— Билиб қўй: Бўсс яхши гапи бўлса чақиради. Ёмон гапи бўлса ўзим етказиб қўя қоламан. Сен унинг оёғини ялашинг керак, билдингми?

Улар кириб келишганда Ҳосилбойвачча ширакайф бўлиб олиб бир қиз билан маишатни бошлайман, деб турган эди. Шомил бунақа ҳолатга кўникиб кетгани учун ҳеч бир мулозаматсиз ичкари кириб стол устидаги фин пивосидан биттасини очиб, ичди. Қилич Асадбек ҳузурига кўп кирган, аммо бунақа ҳолатни учратмаган эди. Маишатга ишқибоз бўлган Кесакполвон ҳам бундай қилиқ қилмасди. Шу сабабли Қилич ичкари киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, остонада туриб қолди.

Ҳосилбойвачча унга бир қараб қўйди-ю, қизни эркалашда давом этди. У бефаросат эдими ё «кўриб қўй, бу дунёда мен истаган ишимни қила олиш қудратига эгаман», демоқчи бўлдим — буниси Қиличга қоронғу.

Ҳосилбойвачча қизнинг бақбақасидан чимчилаб Шомилга қаради-да:

— Қалай, зўрми?

— Гап йўқ, шикалад! — деди Шомил, кейин Қиличга қаради. — Қоққан қозикдай туришини қаранг уни, киравермайсанми? Ўзингнинг аканг-ку!

Қилич ўзидан бир неча ёш кичик «ўз акаси»га яна бир марта салом бериб, ичкари сари икки-уч қадам қўйди.

Ҳосилбойвачча қизни тиззасидан тушириб, «нариги хонага кириб тур», деди-да, Қиличга рўпарасидан жой кўрсатди. Шомил чаққонлик билан қадахларга коняк қуйиб аввал хўжасига узатди. Ҳосилбойвачча афтини бужмайтириб, «ичмайман», деб қўл силтади. Қилич ҳам рад этмоқчи эди, Шомил:

— Сен ич, — деб буюрди.

Қилич унинг амрини бажарди.

— Нимага чақиртирганимни биласанми? — деди Ҳосилбойвачча.

— Билмайман.

— Мен сени сотдим, а?

Қилич жавоб бермай, бошини эгди.

— Сотдим. Нега тўғри гапдан қўрқасан? Нима учун сотдийкин, деб ўйламадингми?

— Ўйладим.

— Хўш, нимага сотдим?

— Минг ўйласам ҳам сабабини билмадим.

— Билиш учун ақл керак. Ақл кимда бўлади? Ақл одамда бўлади. Сен одаммисан? Шомил бу одамми?

— Афт-башараси ўхшайди.

— Афт-башара итда ҳам, эшакда ҳам бор. Билиб қўй — сен одам эмассан. Сен, — Ҳосилбойвачча унга тикилганича ўйланди-да, сўнг сўзини давом этди. — Сен — гўнг титадиган қўнғизсан. Маконинг гўнг, емишинг гўнг. Шунинг учун дунёни гўнгдан иборат деб ўйлайсан. Мен сени Бек акангга сотдим. Мени сотқин деяётгандирсан, а?

— Йўқ.

— Шунинг учун ҳам аҳмоқсан. Сен хоинлик қилдинг. Сени едириб-ичираётган одамга хоинлик қилиб, менинг агарўдимдаги гўнгни титмоқчи бўлдинг. Шомил, ўз хўжайинига хоинлик қилган гўнгқўнғиз менга халол хизмат қилиб берадими?

— Бунақаси бўлмаган.

— Ана, эшитдингми, балони билади бу ғилай. Ҳали бунақаси бўлмаган, деяптими, демак, бўлмаган! Лекин сен менга кераксан. Керак бўлганинг учун сотдим. Хоинлик учун жазоланишинг лозимлигини билишинг керак эди. Менинг нималарга қодир эканимни билиб қўйишинг шарт эди. Энди сени чиқариб оламан. Сен Асадбек акангда ишлайверасан, лекин менга хизмат қиласан. Шунга розимисан?

— Розиман.

— Дарров рози бўлма, аввал ўйла. Бек акангдан қўрқмайсанми?

— Сиз борсиз-ку?

— Менми? — Ҳосилбойвачча кулди. — Мен сени деб Бек билан олишмайман. Эпласанг ўйнайсан бу ўйинни, эпламасанг ўтиравер.

— Эплайман.

— Шомил, эшитдингми? Эплар экан. Демак, ўйинга кирди. Карталар тарқатилди. Кўнга нима тикасан?

— Билмайман, айтганингиз.

— Жонингни, — деди Шомил ғилай кўзини ўйнатиб.

Бу гапдан Қилич бир қалқиб тушди.

— Нима, қўрқяпсанми? — деди Ҳосилбойвачча. — Битта жонинг билан қутулсанг катта гап. Бу ёқда бола-чақанг бор...

— Фақат... болаларимни ўртага қўшмайлик.

— Ўзинг биласан. Мен айтдим-қўйдим. Шунга қараб ўйнайверасан.

Ҳосилбойвачча шундай деб ўрнидан турди-да, керишиб қўйиб, қиз кириб кетган хона сари юрди.

Шомил қўйиб узатган конякни бир кўтаришда бўшатгач, Қилич изига қайтди.

### 3

Зайнаб... Кўзлари ғамгин боқувчи, сочлари паришон тўзиган Зайнаб... Этаги тўпигини беркитиб турган, енги бармоқларининг учларига қадар тушган ҳарир оқ кўйлақда. Оққуш каби сузиб юради. Жавдираган кўзлари ниманидир ахтаради.

«Зайнаб, нимани қидиряпсан? — дейди Элчин.

— Боламни... болам қани? — дейди Зайнаб йиғламсираб. Сўнг ҳеч кутилмаганда Элчиннинг бўғзига чанг солиб, бўға бошлайди... — Боламни топиб беринг, боламни...»

Елчин бўғилиб, хириллай бошлайди.. Ана шу хирқироқ уни уйғотиб юборди. Юмшоқ ўриндиққа ястаниб, оёқларини узатиб ўтирган эди. Кўзи илинибди. Соатга қаради: ўн дақиқагина мудрабди. Шу уйқусида кўрган туши — Зайнаб.

Кундузи касалхонага борган эди. Одатдагича қайнонаси билан кўришиб қайтди. Қайнонаси ҳам камгап: «Соғлиғи яхши, ётибди», деган гапдан нарига ўтмайди. Элчин бугун «ўрнидан туриб, юряптими?» деб сўраб, «ҳа, юряпти» деган лўнда жавоб олди. «Юраётган бўлса, нима учун чиқмайди?» деб сўрамоқчи эди, негалигини ўзи билгани учун саволдан ўзини тийди.

Зийрак Манзура куёвининг кўзларига қараб, сўрамоқчи бўлган сўроғини англади.

«Ҳузурингизга қандай чиқсин? Жон аччиғида бемаъни гапни айтиб юборди. Энди юзи шувут.

Бундан кейинги турмушинглар қандай бўлади, мен ҳайронман», демоқчи бўлди-ю, куёвидан садо чиқмагани учун индамай қўяқолди. Сукут билан берилган саволга жавоб ҳам сукут билан бўлди.

Боласини кўмиб келганидан бери Элчиннинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кўринади. «Боланг ўлик туғилди», деган хабарни эшитганида аввалига «бу чиркин дунёнинг сассиқ ҳавосидан нафас олиб яшашни истамабди» деган хаёлга борди. Болани тупроққа топширгач, гўё юрагидан бир нарса узилди, гўё ўша «бир нарса» ҳам тупроқ остига кўмилди. Ўша — «бир нарса» нима эди? Умидми эди? Бу дунёда бахт ҳам мавжудлигини англатиши мумкин бўлган нажотми эди? Умид ўлдими, нажот кўмилдими? У ҳолда бу дунёда нима қолди? Фақат қасосми? Фақат кўрқувми? Фақат ҳасадми?.. Энди яшамоқдан мақсад надир? Ўлик руҳи эндигина қайта жонланаётган эди, юрагида кўз юмиб ётган меҳр эндигина уйғонаётган эди. Алҳол бу руҳнинг тирилмоғига ҳожат борми? Бу юракка меҳр лозимми энди?..

Елчин ақл-ҳушидан айрилиб, девона ҳолига келди, дейиш ҳақиқатга хилофдир. Агар у девонаваш бўлганида эди, бу дунёда яшаб юрмоғи осонроқ кечарди. Мол-дунёсини кўпайтириш учун қумурсқадай ғимирлаб, кези келганида эса ваҳший ҳайвон сингари бир-бирини ғажийдиган одамлардан кулиб юраверарди.

Унинг эси жойида эди. Оқни қорадан ажрата оларди. Аммо катта шаҳарга келиб, чорраҳада гангиб турган одам ҳолида эди — қайси кўчага киришни аниқ билмасди. Қамоқда эканида тузган режалари хом экан, туздан солинган қаср экан — бир ёмғирнинг зарбига ҳам дош беролмади — эриб кетди. Асадбек билан шердек олишаман, деб ўйлаган эди, аммо ғанимнинг қуён эмас, ўз номига яраша арслон эканини ҳисобга олмабди. Энди нима қилсин? Зелихон кетди. Қачон қайтиши номаълум. Суянадиган тоғи ўша эди. Энди кимга суянади, кимдан маслаҳат сўрайди? Анварданми? У фалсафа сўқишдан бошқа нарса билмайди. Бугун келиб «Асадбекнинг отасига тааллуқли архивни ўрганяпман, зўр одам бўлган экан катта қайнотанг», деб кетди. Элчиннинг дарди қай- да-ю, Анварники қайда!

Анвар гапириб-гапириб, ўзи ҳам чарчаб, Элчинни ҳам чарчатиб кетди. У кетгач, Элчин юмшоқ ўриндиққа ястаниб, кўзи илинибди...

Элчин кўнгил хиралиги тарқалармикин, деган ниятда ҳовлига чиқиб муздек сувда ювинди. Бир оз роҳатлангандай бўлди. Аммо бу ҳузур узоқ давом этмади. Уйга қайтиб кириши билан этагига илашиб юрган дардли ўйлар яна вужудини қамраб олди. Кўз олдига оқ либосдаги Зайнаб келди.

«Болангиз туғилгандан кейин мени ўлдилинг!.. Мен... сизга хиёнат қилдим... Мен... Яшашни истамайман... Жамшид акамнинг ёнларига боришни хоҳлайман... Эркак бўлсангиз мени ўлдирасиз!..»

Йўқ, бу гапларни тушида эшитмади, ўнгида ўз қулоғи билан эшитган. Баъзи одамларнинг ўнг қулоғидан гап кириб, чап қулоғидан чиқиб кетса, Элчиннинг икки қулоғидан кириб, тўғри юрагига бориб, муҳрланиб қолган. Бўш қолди деганича ғимирлаб куйдираверади. Ҳозир кўрган туши эски яраларни яна тимдалади.

Руҳи шу зайлда азоб чекиб ўтирганида эшик кўнғироғи жиринглади. Тўй мавсуми бошлангани учун уни йўқлаб келувчилар кўпайган, ҳатто жонига ҳам теккан эди. Ҳозирги ташриф ҳам шулардан биридур, деб ўйлаб, ғижинди. Ташқарига чиққиси келмади.

Боласини тупроққа топшириб келган куни кечки пайт кўнғироқ худди шундай жиринглади. Бирор киши кўнгил сўраб келгандир, деб ўйлади. Айти дамбада у кўнгилга таскинлик бера олувчи одамга муҳтож эди. Афсуски, ўйлагандек бўлмади. Тавозе билан саломлашган одам уни тўйга айтиб келган эди. «Тўйимизни ўзингиз қизитиб берасиз, айтганингиздан бир сўм кам берган — номард», деб гап бошлашининг ўзидаёқ Элчиннинг жони ҳалқумига келди. «Бу одам ташвишимни билмайди-ку», деб ўзини босиб, эътибори учун миннатдорлик билдириб, таклифини рад этди. У одам буни санъаткорнинг ноз-финоқи деб англаб, эланишни бас қилмади. Тоқати тоқ бўлган Элчин ташвишини айтишга мажбур бўлди. «Тўй йигирма беш кундан кейин-ку, Ҳофиз ака? Ундан кейин бунақа болага аза тутилмайди», деган жавобни эшитиб, унинг ёқасидан бўғиб олганини ўзи ҳам сезмай қолди. «Йигирма беш кундан кейин бола тирилиб келадими?» деб бўралаб сўқди. Тўйга айтиб келувчи хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолгач, «Мени одам деб айтиб келган экан, тушунтирсам бўларди...» деб қилган ишидан афсусланди. Уни одам деб эмас, ҳофиз ҳам деб эмас, балки Асадбекнинг куёви бўлгани учун таклиф қилаётганини Элчин фаҳм этмади.

У ҳозир эшик очгани бораётиб шуларни эслагач, яна ғижинди. Эшикни очиб, башанг кийинган, тавозе билан салом бергувчини эмас, енги калта куйлак кийган, қорувли, қирғий кўз йигитни кўриб, ажабланди. «Адашиб келгандир», деб хаёл қилиб, унинг ёрилган лабига, шилинган ёноғига қараб қўйди.

— Элчин ака сиз бўласизми? — деб сўради йигит.

— Ҳа, мен...

— Сизда зарур гапим бор. Остонадан ҳайдаманг, илтимос.

Йигитнинг гапи Элчинга малол келди.

— Меҳмонни остонадан ҳайдайди, деб эшитган эдингизми?

— Озгина тўпорилигим бор, ака, афт-башарамни кўриб, гаплашмай қўясизми, деб кўрқдим-да.

— Йигитчиликда афт-башара деган шунақа бўлиб туради. Қани, кираверинг. Остонада туриб гаплашишнинг хосияти йўқ, дейишади.

Йигит ортиқча такаллуф кутмай аввал ҳовлига, сўнг меҳмонхонага кириб, Элчин кўрсатган жойга ўтирди. Кўз қарашларига қараб, уни бу ерга оғир дард бошлаб келганини фаҳмлаш мумкин эди. «Бу йигит ким? Асадбекнинг дастёрлариданми ё Асадбекнинг одамларидан тепки еб аламзада бўлганларданми», деб ўйлади Элчин. Йигит мақсадини айтишга қийналди.

Бармоқларини ўйнаб қисирлатди. Элчин:

— Сиз менинг исминни биларкансиз, мен эса... — деб гап бошлаган эди, йигит тилга кириб, сўзларини бўлди:

— Исмин Ҳалимжон.

— Исмингиз жисмингизга мосга ўхшамайди?

- Тўғри, ҳалимдек эмасман. Мен ўзи... «чўрний поясман»<sup>1</sup>
- Зўрига тушиб қолдингизми? — деди Элчин унинг юзига ишора қилиб.
- Зўрларига... Гап бунда эмас. Калтак еган билан одам ўлмайди, ака. Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деган мақол бор-ку? Бошимга бир иш тушди. Ўйлаб-ўйлаб чорасини топдим. Сиздан нажот истаб келдим.
- Нажот? — Элчин кулимсиради. — Мендан қандай нажот кутиш мумкин?
- Агар дардимга тушунсангиз, юрагингизда раҳм-шафқат бўлса, ёрдам бера оласиз.
- Ҳалимжон, сиз гапни жуда узоқдан бошляпсиз. Дардингизни йигитчасига шартта-шартта айтинг.
- Бўладиган гап шуки, бир қиз билан аҳду паймонимиз бор эди. Отаси унамабди. Қизни ўқишдан чиқариб юртига олиб кетишди. Изма-из бордим. Қизни олиб қочдим, десам ҳам бўлади. Унинг ҳам кўнгли тоза, меники ҳам тоза эди. Никоҳ ўқитамиз, деб турувдим. Билмайман, қаердан ис олишди, кеча кечқурун турган еримизга бостириб киришди. Қизнинг отаси, акалари бор. Акалари уришди, уларга тегмадим. Кейин яна уч-тўрттаси пайдо бўлишди. Биттаси ғилай, жуда беаёв экан. Улар билан олишдим. Лекин ҳаммасига бас келолмадим. Қўлоёғимни боғлаб, машинани юкхонасига босишди. Анча юришди. Кейин бир жойда тўхтаб, мени юкхонадан олишди. Қарасам, дарё бўйи. Ҳаммаёқ ахлат, тош. Сув бўйлаб кетган узун қувурга рўпара қилишди. Қувурнинг ичида энгашиб бемалол юрса бўлади. Ғилай қорнимга бир тепиб, букчайтирди. Сочимдан тортиб қувурга киритмоқчи бўлди.
- Кир, қувурга! — деб сўқди.
- Билдимки, кирсам — ўламан. Қаршилиқ кўрсатишга кучим қолмаган. Бирдан хаёлимга ғалати гап келди:
- Бу ишингни Асадбек акам билсалар, уруғингни қуритворадилар, палид! — деб бақариб юбордим. Нимага шунақа деганимни ҳозир ҳам билмайман. Хуллас, шу гапим таъсир қилди. «Бир куннинг ичида қорангни ўчирасан, бўлмаса — ўласан!» деб машиналарига ўтириб, жўнаб кетишди. Асадбек деган номдан қўрқидими, демак, ё ўшанинг одамлари ё ундан қўрқадиган бошқа тўданнинг одамлари, деб ўйладим. Мен Асадбек деган одамнинг номини эшитганману ўзларини кўрмаганман. Фақат шинаванда улфатлардан сизни у кишига куёв бўлганингизни эшитган эдим. Шу эсимга келиб, қора тортиб келдим, ака.
- Иш юришмаса, атала тиш синдиради, деган мақол бор. Сизнинг ишингиз шунақа бўлибди. Мен нима қилишим мумкин?
- Агар улар Асадбек аканинг одамлари бўлса, бир оғиз гапириб қўясизми? Менинг бировга зарарим тегмайди. У қизни яхши кўраман, шуни деб ўлиб кетсам, майли, розиман... Елчиннинг назарида бу арзон-гаров гапдай туюлди. У:
- «Киприги — ханжар, карашма — тиғ,  
кўз ташлаш — яшин,  
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг,  
Карбало шу ердадир»,  
деган қўшиғи билан машҳур бўлганидан бери «сенинг ишқингда ўлишга розиман» деган ашулаларни айтиб юргани учун ҳам шундай туюлди. У ишқ йўлида қурбон бўлишга тайёр ошиқларни киноларда кўрган, китобларда ўқиган, аммо бундай рўпара бўлмаган эди. Ҳалимжон «ўлиб кетсам, майли, розиман», деб ўйлаб, астойдил гапирдимми ё шунчаки тилидан учдимми? Наҳот муҳаббати учун жон беришга тайёр йигитлар ҳозир ҳам мавжуд бўлса?! Элчиннинг назарида ҳозирги йигитлар сақич чайнашдан бошқа нарсага ярамай қолишган, уларда бундай туйғунинг мавжудлиги мумкин эмасдай эди. Ҳалимжон айтган гапнинг арзон-гаров туюлишига яна бир сабаб шу бўлди. Қизиқ-да, атрофда хушсурат қизлар кўп, дарахтни тепсанг шохидан барг эмас, ҳурилиқолар ёғилиб турса... Хўп, бирига кўнгил қўйдинг, кўнмади. Ана, навбатда яна ўнтаси кўзларини сузиб турибди. Иккинчиси бўлмаса, учинчиси... Элчин йигитларни зимдан кузатиб, шу хаёлга келар эди. Ҳозир Ҳалимжоннинг сукутга берилганидан

фойдаланиб, унга зимдан тикилди. Унинг лаблари, бармоқлари титрамас, кўзларида ёлбориш нури йўқ, аксинча, қатъият зуҳур эди.

— Қизиқ гапни айтдингиз, — деди Элчин, сукутни узоқ чўзилишига йўл қўймай, — агар «бошқа чорангиз йўқ экан, иним, мана бу заҳарни ичингу тинчингизни топинг», десам кўнасизми?

Ҳалимжон унга ажабланиб қаради:

— Калака қияпсизми, ака?

— Шунчаки сўрадим-да.

— Ака, мен ҳузурингизга йиғлаб келганим йўқ. Заҳар ичиб ўладиган аҳмоқ эмасман. Ўлсам ҳам олишиб ўламан, — Ҳалимжон шундай деб шашт билан ўрнидан турди.

— Тўхтанг, қизишманг, ўтиринг.

«Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар, бу мазмун ила хат ул сафҳаи рухсора ёзмишлар».

— Нима деяпсиз, тушунмадим?

— Жойингизга ўтиринг, Ҳалимжон, ўйлаб кўрайлик-чи. Сиз менга ўша йигитларнинг афт-ангорини тасвирлаб беринг. Бошлиғи ғилайми? Гавдали бақувват одамми? Ёши... ўттиз беш-қирқларда, а?

Ҳалимжон воқеани қайтадан баён қилди. Элчин ғилайни эслади. Уни хор этган ўша тўйда Ҳосилбойваччанинг атрофида ишшайиб айланиб юрган ғилайни кўрган эди.

— Асадбекнинг одамлари орасида бунақа йигитларни кўрмаганман. Лекин мен суриштирай-чи. Аввал уларнинг кимлигини билай, сўнг чорасини излаймиз.— Шу онда Элчиннинг хаёлига бир фикр келиб, илмоқ ташлаб кўришни маъқул топди: — Агар бу ишга Асадбек аралашса, у ҳақ талаб қилади.

— Қанақа ҳақ? Пулми? Менда пул йўқ, ака, кетмончининг боласиман.

— Пул эмас... агар у сизнинг «чўрний пояс» эканингизни билса, хизматга таклиф қилиши мумкин.

— Хизматдан қочмайман.

— Нима хизмат, деб сўрамадингиз-ку?

— Ака, нима хизмат эканига ақлим етиб турибди. Одам ўлдир, демаса бас. — Ҳалимжон шундай дегач, қайтишга изн сўради.

Кутилмаган меҳмон кетгач, Элчин анчагача ҳовлида айланиб юрди. У хизмат масаласида атайин илмоқ ташлаган эди. Яқингинада ёлғиз қолганидан сиқилиб турувди, бу йигитни Худо етказдими, билмайди. Нима учундир бир суҳбатдаёқ унга ишонгиси келди. «Асадбек ҳаммани ҳам хизматга олавермайди, қайси йўл билан бўлса-да, бу йигитни тавсия этиш керак», деб ўйлади Элчин.

Ҳалимжоннинг қиз учун олишиб ўлиш ҳақидаги гапи Элчиннинг хаёлига ўрнашиб қолди. У ҳам ўзини чин ошиқлар сафига қўшарди. Ноиласини севарди. Аммо Ноилага етишолмаган тақдирда ўлиши мумкин ё мумкин эмаслигини ўйлаб кўрмаган эди. Ноилага осонлик билан етишгани учун балки шундай бўлгандир. Ҳа... осонлик билан етишган эди, осонлик билан ажради. Ана ўшанда ўлимни бўйнига олди. «Қамашсин, отишсин», деди. Катта хато қилганини кейинроқ англади. «Бу йигитнинг ақли жойида, ўлса ҳам олишиб ўлади», деб ўйлади Элчин.

У нима қилишини режалаштиргач, Ҳосилбойваччаникига қараб йўл олди.

Ҳосилбойваччанинг ҳовлиси Асадбекникига нисбатан кенгроқ ва шинамроқ эди. Фавворали ҳовуз ўртасига қурилган шийпонда Ҳосилбойвачча Шомил билан нард ўйнаб ўтирарди.

Элчинни қаршилаган йигит уни шийпон ёнига қадар кузатиб келиб, орқасига қайтди.

Ҳосилбойвачча ўйиндан бош кўтармаган ҳолда Элчиннинг саломига алик олди. Элчин Ҳосилбойваччанинг олифтагарчилик қилишини кутган эди, аммо бунақа тўнкалик қилар, деб ўйламовди. Бундай «лутф»га эътибор бермаган бўлиб, икки қадам нарида турганича ўйинни кузатди. Шунда Шомилнинг билагидаги черков тасвири диққатини тортди. «Майда ўғрилардан экан-да», деб қўйди. Ўйинни кузатиб, яна бир нарсани сизди: Ҳосилбойвачча ғирром ўйнади.



Катакларни тўлдиришда тошчаларнинг тушишига қарамасди. Шомил эса худди буни пайқамагандек, тиришиб ўйнади.

— Морс! — деди Ҳосилбойвачча хурсанд ҳолда.

— Тош яхши тушмади, — деб ўзини оқламоқчи бўлди Шомил.

— Тош яхши тушиб турса қозоқ хотин ҳам ютади, — Ҳосилбойвачча шундай деб керишиб, Элчинга юзланди. — Келинг, Ҳофиз ака, нимага турибсиз, ўтиринг. Нечук биз ғарибу ғураболарни йўқлаб қолибсиз?

Ҳосилбойвачча «келиб кўришар» деб ўйлаган эди, Элчин буни «унутгандай» Шомилнинг ёнидаги бўш курсига ўтирди.

— Тоққа тоғнинг иши тушмас экан, одамга одамнинг иши тушиб тураркан.

— Шомил, эшитдингми? Ҳофизда ақл кўп. Нардага ҳушингиз қалай, бир ташлашамизми?

— Хоҳишингиз.

— Морс бўлмасангиз, дўппингизни осмонга отасиз, — у шундай деб доналарни терди.

Элчин қарасаки, яна ўйинни фирромдан бошлади. «Нотўғри юряпсиз», деб ўтирмай у ҳам фирромга ўтди.

— Юришларингиз сал бошқачароқми? — деди Ҳосилбойвачча буни сезиб.

— Юришларим бинойи. Мен рақиб таклиф этган усулда ўйнашни яхши кўраман.

— Мен... рақибманми сизга?

— Мен ўйинни назарда тутяпман.

— Ҳаёт ҳам нардига ўхшайди.

— Буни сезмаган эканман.

— Сиз балони сезасиз, Ҳофиз, — Ҳосилбойвачча шундай деб ўйинни бас қилди. — Энди айтинг, қандай шамол учирди?

— Бу акамнинг шамоллари, — деди Элчин Шомилга қараб қўйиб.

— Шомил, одам учирадиган шамолнинг бор экан, а? Қойилман, — деди кулиб Ҳосилбойвачча. — Шамолинг Ҳофизники учирибдими, ёмон эмас экансан. Нима бало қилиб қўйди, бу ғилай? Қаттиқроқ аксирвордими?

— Шунақа бўлибди, жиянимга қараб аксирибди.

— Жиянингиз ким?

Элчин воқеанинг қисқа тафсилотини айтди.

— Иложсиз иш экан, қизнинг отаси билан олди-бердимиз бор. Жиянингизга жон ширин бўлса, қурисин. Бизнинг яхшилигимиз шу.

— Олди-бердини Бек акамга қўйиб берсангиз-чи?

Ҳосилбойвачча «наҳот шу ишдан Бек хабардор?» дегандай Элчинга тикилди. Кеча Шомил ишни ниҳоясига етказмай, «йигит Бекнинг номини айтди», деб баҳона қилганида етти пуштини ўқиб, бўралаб сўккан эди. «Кўчадаги учраган иприсқи Бекнинг номини айтса чўчийверасанми!» деб бақирган эди. Элчиннинг ташрифи Шомилнинг гапларини тасдиқлаб уни ўйлантирди. Элчин Ҳосилбойваччанинг қараши маъносини англаб, хотиржам, ҳатто бир оз кулимсираган ҳолда тураверди. У бир нарсадан ташвишда эди — агар Ҳосилбойвачча бу гапга ишонмай, Асадбекка телефон қилгудай бўлса, иш олдинга силжисин, Ҳалимжоннинг тақдири ўзгаришсиз қолуви мумкин эди. Хайриятки, Ҳосилбойвачча бундай қилмади. Аммо у Элчинга тўла ишона қолмади. «Бу ишга Бек аралашса, буни юбормас эди», — Ҳосилбойвачча шу тўхтамакча келиб, ишшайди.

— Олди-бердини мен қилдим, даллолга ҳожат йўқ. Лекин бу ишнинг бир иложиси ҳам бор. Жиянингиз ўйланмоқчимиз унга?

— Ҳа.

— Шомил, қиз қанақа экан ўзи?

— Шикалад!

— Унда қизни табаррук қилиб бераман. Кейин уйланаверади. Ҳа, уйланганидан кейин ҳам келинпошша у-бу хизматларни қилиб юради. Розимисиз?

Елчиннинг ғазаби қўзғаб, лаби учди.

— Тошни яхши ташламаяпсиз, бой, — деди у нардига ишора қилиб.

— Тошни яхши ташламасам ҳам ошиқни яхши тепаман. Меники ҳамиша олчи!

— Омадингизни берсин, — Элчин бу хилдаги гаплар яхшилик билан тугамаслигини билиб, ўрнидан турди.

— Ҳофиз, сиз қарта ҳам ўйнаб турасиз, а? Билиб қўйинг, мен доимо туз кўзир билан ўйнайман. Сизнинг қўлингизда кўзир йўқ, дама топпон бор. Эҳтиёт бўлинг.

— Бой, мен анчадан бери қарта ўйнамайман, шахматга ўрганганман. Шохни иккита пиёда билан мот қилишга ўрганиб кетганман. Шунга ўзим ҳам ҳайрон бўлиб қоламан.

«Ширин суҳбат»га шу билан якун ясалди. Элчин қандай «лутф» билан кутиб олинган бўлса, шундай «лутф» билан кузатилди. У шундай бўлишини кутгани учун ҳам бу ерга келган эди. Ҳозир Ҳосилбойвачча Ҳофизни хор этганидан қувониб ўтирибди. У билмайдик, Ҳофиз режаси бўйича ҳозир Чувриндиникига боради. Чувринди унинг гапларини диққат билан эшитади.

Ҳалимжон унда ҳам қизиқиш уйғотгач, телефон гўшагини кўтариб, лозим рақамни теради-да:

— Бой, женсоветга раис бўлган эмишсанми, муборак бўлсин, — деб гапни калта қилади. Мана шундан кейингина бу ишга Асадбек аралашганини англаб, аламини Шомилдан олади. Ўзича «шу қизни барибир татиб кўраман», деб аҳд қилади.

## Х I Б о б

### 1

Чувринди машинани дарвозасига тақаб тўхтатиши билан дарахт соясида ўтирган киши қаддини ростлади. Баланд бўйли, елкалари кенг бу кишини бир қарашдаёқ таниб, юраги увишди. Неча йилдан бери бу одам билан учрашишдан чўчийди, ўзини ундан олиб қочади. Қишлоғига борган кезлари уни бир-икки узоқдан кўриб, рўпара келмаслик учун йўлни бурди. Қишлоқда Ҳовуз полвон исмини олган бу одам ҳам инсоф қилиб уни таъқиб этмади. Учрашиш у ёқда турсин, уни ўйласа ҳам юраги увишарди. Чувринди билиб қилган кўп гуноҳлари орасида мана шунисини ҳеч кечиролмайди. Ҳовуз полвон қамоқдан чиқиб келиб уни яхшилаб дўппослаганида, ҳеч бўлмаса сўкканида бунчалик қийналиб юрмас эди. Билагида девнинг кучи бор бу одамнинг кенг феъл эканини кўпчилик билмаса ҳам Чувринди яхши билади.

Маҳмуд дастлаб уни кўрганида ёш бола эди. Уларнинг қишлоқларида бешта ҳовуз бўларди.

Учтасидан одамлар сув ичарди, бири мол ҳовуз, бири от ҳовуз эди. Сунбула туғиб, сув тиниш олдидан боғланиб, ҳовуз пича қуритилиб, сўнг лойқадан тозаланиб, қишга тайёрлаб қўйиларди.

Ҳовуз полвон қишлоққа шу дамда кириб келган эди. У ҳақда Маҳмуд дастлаб бобосидан эшитди. «Бир полвон келиб, ҳовузни ўзийла тозалаб қўйибди-я...» деган эди. Унга Ҳовуз полвон деган исми ҳам бобоси қўйган. Ҳозир ҳеч ким уни Эгамберди тоға, деб чақирмайди. Бу қишлоқда ҳам, бошқаларида ҳам ҳовузга ҳожат қолмаган, у ҳам ҳовуз тозаламайди, аммо Ҳовуз полвон деган ном унга ҳануз салобат, иззат бахш этиб туради.

Маҳмуд чувринди ҳолида шаҳарга келиб, Кесакполвон билан ишлай бошлаган кезлари эди. Бир куни бозор муюлишида пойлоқчилик қилаётганди. Ўзига ўхшаган икки бола гўшт бозорда «ов»да, муюлишдан ўтгандан кейинги чойхонада эса Кесакполвон пистирмада эди.

Болаларнинг «ов»и юришмай, чўнтак кесаётган маҳалда сездириб қўйишса шу муюлиш томон қочишарди. Қўлларидаги борини Маҳмудга беришарди-ю, йўлни чойхона сари буришарди.

Чўнтаги кесилган жабрланувчи чойхонадаги пистирмага дуч келгач, тухматчига айланарди-ю, бир-икки тепки, мушт еб, сувга бўккан мушук ҳолида изига қайтарди.

Маҳмуд чувринди шундай масъул вазифани бажариб турган онда:

— Маҳмуджон болам, сенмисан? — деган жарангдор овозни эшитиб, бир чўчиб тушди.

Орқасига қаради-ю, Ҳовуз полвонни кўриб қувониб кетди. Бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Полвон ҳовуз тозалаётган пайтда болалар чуғурлашиб атрофидан кетмай қолишарди. У ҳам чарчадим демай, шопмўйловини бураб улар билан ўйнашга вақт топарди. Баъзан болаларга от бўлиб берарди, уч-тўрт бола уни миниб олиб, ҳовуз атрофида «сайр» қилишарди. Бу манзарани кўрган катталар ҳам мириқишарди. Етим бўлгани учунми, Маҳмудга нисбатан полвоннинг меҳри бўлакча эди. Шу меҳрдан фойдаланиб Маҳмуд «от»ни кўпроқ минарди...

— Бу ерда нима қилиб писиб турибсан? — деб сўради Ҳовуз полвон.

— Битта танишимни кутиб турибман, бозорга кириб кетувди, — деди у.

Ўшанда «Ҳовуз полвон тоғам гапимга ишондилар», деб ўйлаган эди. Ҳовуз полвоннинг анча кузатиб турганини, унинг нима юмуш билан банд эканини фаҳмлаганини кейинроқ англаб етди.

— Юр, мен билан, — деди Ҳовуз полвон.

— Қаёққа? — деди Маҳмуд ҳадик билан. — Қишлоққами?

— Йўқ... Ўзим шу келишда қишлоқдан келяпман. Пахсачи жўраларим бор, ёзи билан пахса урамиз. Кузга бориб, ҳовуз тозалайдиган вақт етганда қишлоққа қайтамиз. Юр, менга қарашасан.

Маҳмуд гўшт бозор томонга ўғринча қаради. Болалар «ов»ни яхши тамомлаганлар шекилли, кўринишмади. Бундан кўнгли хотиржам бўлган Маҳмуд унга эргашиди. Уч кун бирга бўлди. Лой тепишди, чой қўйди, ош-овқатга қарашди. Улар янги барпо бўлаётган маҳаллада тўрт-беш иморатни баҳолаб олишган, бугун бу бино пахсасини уришса, эртага бошқасига кўчишарди.

Пишиқ ғишдан қурилган ҳашаматли ўйнинг ошхонаси уларга бошпана эди. Ҳовуз полвон аввалги йили ҳам шу маҳаллада ишлагани учун одамлар уни яхши таниб қолишган, ҳурмати қишлоқдагидан кам эмас экан. Ҳашаматли иморат эгалари чала-ярим кўчиб чиқишган, ертўла эшиги олдига баҳайбат ит боғлаб қўйилганидан бу ерда қўлга илинарли мол-ҳол борлигини англаш мумкин эди. Тўртинчи куни бозорга тушиб Кесакполвонга дуч келди. Қаерда йўқолиб юрганини айтиб, ҳашаматли ўйни ҳам тилга олди. Кесакполвон ундан яна баъзи нарсаларни сўраб билди. Эртасига ишдан қайтишганда итнинг ўлиб ётгани, ертўла эшигининг очилиб қолганини кўриб кўз олдига дарров Кесакполвон келди-ю, кўрққанидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

Ҳовуз полвон «Ё, қодир Худо!» деганича аввал итнинг тепасига борди, сўнг ертўлага тушиб чиқди-да, уй эгаларини хабардор қилиш учун кетди. Бир соатга қолмай уй эгаси, ит етаклаган милисалар етиб келишди. Итни ертўлага олиб тушиб ҳид олдиришган эди, Ҳовуз полвонга қараб вовуллайверди. Уни олиб кетиш учун шугина кифоя бўлди. Худони ўртага қўйиб ичган қасамларига эътибор беришмади. Улар қасамга ишонишмади, итга ишонишди. Ҳовуз полвон милисанинг машинасига чиқаётганда орқасига ўгирилиб бир қаради. Ана шу қараш Чувриндининг хотирасига муҳрланиб қолган...

Орадан йиллар ўтиб, қишлоғини қўмсаб биринчи марта борганида итдан кўрққан мушук боладай писиб юрди. Болалиқда орттирган дўстидан «Ҳовуз полвон тоға кўринмайдиларми?» деб сўраб, «шаҳарда ўғирлик қилиб қамалиб кетганлар», деган жавобни эшитди. Бу жавобдан сўнг «Полвон тоға билан учрашиб қолсам, мени урса ёки шарманда қилса-я», деган ҳадик кўтарилди. Ҳадик ўрнини ўзига нисбатан нафрат эгаллади. У Ҳовуз полвонни қамалган, деб гумон қилгану аммо кўп ўтирар, деб ўйламовди. У пайтда қўлидан ҳеч нима келмасди. Ўғри ким эканини билса ҳам айтишдан кўрқарди. Кейинроқ гуноҳини ювиш йўлларини қидирди. Қишлоқдаги ўртоқларига «Полвон тоғам тўй қилсалар албатта хабар беринглар» деб тайинлаган эди. Улар хабар юборишди, аммо боришга ўзида мардлик етишмади. Тўёна бериб юборди, аммо Ҳовуз полвон қайрилиб ҳам қарамабди — пулни қандай ўраб берган бўлса, шу ҳолда қайтиб олди.

Мана, орадан неча йил ўтиб ўз дарвозаси олдида учрашиб турибди. Чувринди худди ўшандаги каби «Полвон тоға!» деб бўйнидан қучгиси келди. Салом бергач, қучоқлашиб кўришиш мақсадида қўлларини икки ёнга ёйди. Лекин Ҳовуз полвон унинг шаштини қайтарди — ўнг қўлини узатиб қўя қолди. Атайин шундай қилдими ё одати шумиди, Чувринди билолмади.

— Полвон тоға, нега уйга кирмай бу ерда ўтирибсиз? — деди Чувринди гина оҳангида.

— Мен уйингни кўргани келганим йўқ, зарур ишим бор сенда, — деди Ҳовуз полвон. Унинг гап оҳанги ўзгармаган, гина ҳам, араз ҳам, пичинг ҳам йўқ эди. Чувринди қишлоқдан чиқиб кетганидан бери одамларнинг турли тарзда гапиришларига ўрганиб кетган. Тўйда бир хил оҳанг, мажлисда бошқа... Гап оҳанги ҳам суҳбатдошининг мартабасига қараб бўлади. Ҳовуз полвондай бир хилда гапирадиганлар кам. Чувринди ҳозир ундан пичинг кутган эди. Аниқроқ айтилса, Ҳовуз полвоннинг гап билан узиб-узиб олишини хоҳлаган эди. Шундай бўлганда кўнглини йиллар бўйи босиб ётган ғубор кўтариларди. Афсус, ундай бўлмади. Ҳовуз полвон ўзгариб турадиган буқаламун тоифа эмасди.

Чувринди кутилмаган меҳмонни уйга таклиф қилди. Ҳовуз полвон ўжарлик билан рад этди. Мезбон қатъиятлик билан зўрлайвергач, ноилож ичкари кирди.

Меҳмонхонада дастурхон тузоғлиқ эди. Келди-кетди кўп бўлгани учун дастурхон ҳамиша шундай турарди. Бундан беҳабар Ҳовуз полвон «меҳмон келар экан», деб ўйлади.

— Маҳмуджон болам, ўтир, гапимни айтаману кетаман, — деди у.

— Полвон тоға, оловга келдингизми, мунча шошасиз?

— Уйингни меҳмон босадиганга ўхшайди, ошга тушган пашшадайин ўтирмайин.

Чувринди унинг мақсадини тушуниб, кулимсиради:

— Хотиржам ўтираверинг. Келинингиз меҳмон келиб қолса, шошилмайлик, деб шундай тузаб қўяди. Сиздан бўлак азиз меҳмонимиз йўқ. Кетишни хаёлингизга ҳам келтирманг.

Ҳовуз полвон бир оз хотиржам тортса-да, шинам безатилган уйда яйраб ўтиролмади. Гул солинган бу деворлар, ўймакор шифт уни босаётгандай бўлаверди.

— Уйинг бинойи, — деди Ҳовуз полвон. — Мен билан юрганингда бунақа уйда яшамас эдинг. Қочиб тўғри қилган экансан.

Чувринди хотини узатган чойни олиб, меҳмоннинг рўпарасига ўтирди. Узр айтиш мавриди келганини англаб, сўз бошлади:

— Полвон тоға, ўшанда...

Ҳовуз полвон унинг мақсадини дарров фаҳмлаб, гапиришга йўл қўймади.

— Маҳмуджон болам, уйингни кўрдим, агар хўп десанг, ҳовлида ўтирсак. Ёз бўлди уйга кирсам, юрагим сиқилаверади.

Меҳмоннинг истаги дарров бажарилди. Ҳовлидаги сўрига ўтиришлари билан икки косада лағмон келтирилди. Ҳовуз полвон мулозаматни кутмаёқ косани қўлига олди. Кичикроқ коса унинг бақувват панжасида пиёладай кўринди. Чувринди ўрнидан туриб, ошхонага борди-да, хотинига «каттароқ коса йўқмиди, яна бир коса олиб бор», деб танбеҳ берди.

Ҳовуз полвон асли қўшни хўжалиқда яшаркан. Бир томони хўжалик камбағалроқ, бир томони аёлманд бўлганидан анча қийналибди. Икки кило гуручни дамлаб ош еб, қорни тўймаган оилани тасаввур этинг. Ҳовуз полвон тўйса, болалар тўймайди, болалар тўйса — у оч қолади. Хуллас, бойроқ ҳисобланган хўжаликка келиб, бошпана сўрайди. Хўжалик бой бўлса, ортиқча жой ҳам бўлмайди. Раис бақувват бу одамдан бир иш чиқармикин, деб ҳовуз тозалашда қарашишни таклиф этади. Ҳовуз полвон қарашиш у ёқда қолиб, бошқаларни аралаштирмаёқ бу ишни бир ўзи бажариб ташлаган. Унинг овқат ейиши ҳам ишига қараб эди. Қишлоқ аҳлининг лой отиши шарт эмас, унга овқат етказиб бериб турса бас эди.

От ҳовуз Чувринди яшайдиган уйнинг ёнгинасида эди. Ҳовуз полвон шуни тозалаётганда бирдан ҳовлига кетма-кет палахса-палахса лой туша бошлайди. Ҳовуз полвон «Ҳой мироб, овқат берасизми ё йўқми!» деб бақиради. Икки-уч йил ичида у Маҳмуднинг бобоси билан дўстлашиб, шундай ҳазил қилишга ҳадди сиғиб қолган эди.

— Ҳозир, ҳозир, — деб шошган эди бобоси ўшанда. — Худо сенга ўхшаган полвонларни лой ейдиган қилиб ярата қолса нима бўлади, а? Қишлоқдагилар сени кўрса, ошхонасига қулф уряпти...

Чувринди иккинчи косада лағмон келгач, бобосининг ўша гапини эслаб кулимсираб қўйди.

Бобосининг ёши Ҳовуз полвонниқидан анча катта, лекин худди тенгдошдай муносабатда бўларди. Буларнинг дўстлиги ҳам, ҳазиллари ҳам беғараз эди. Чувринди бу дўстлик ҳақида кўп ўйлаб: «Миннатсиз, риёсиз дўстликдан одамлар нега қочадилар?» деб ажабланарди. Худо уни емоқ-ичмоқдан, мол-дунёдан қисмади, айнан шундан қисди. Унга Собитхон айтган бир гап маъқул келиб, яхши эслаб қолган эди. Собитхон: «Расулиллоҳ «ҳақиқий дўстларни кўпайтиринглар, булар яхшилик кунларда зийнат бўлурлар, бало тушганда бошпанадирлар» деганлар», деб эди.

Дуруст, аммо ҳақиқий дўст топиш осонми экан? Чувринди мана шундан доғда. Баъзан юраги сиқилганида бор молимни битта дардқаш дўстга алмашардим, деб ўйларди...

Ҳовуз полвон косадаги овқатга қўл узатмади.

— Илгариги полвон тоғанг йўқ энди, — деди у. — Қариганда бир коса овқат ҳам кўплик қилиб қоларкан.

— Қаридим, деманг-е.

— Қаридим, болам... қаридим. Энди сен ҳадеб тураверма, жим ўтир, гапимни эшит. Мени бу ерга бир дард бошлаб келди. Шуни айтволай. Гапимнинг аввали шуки, сен у ишдан хижолат тортмагин, болам. Бола эдинг, кўп нарсаларга тушунмагансан. Мен сени айбламайман. Мендан ўзингни олиб қочиб юрганигни биламан. Айбингни тушунибсан, шунинг ўзи катта гап. Без бўлиб юрганигда адабингни бериб қўярдим. Энди... мақсад шуки... кичигим сал бевошроқ чиққан. Ўзим у ёқда бўлиб, тарбияси бошқачароқ кечди-да. Ҳа, майли, Худо инсоф бериб қолар. Хулласи, шу супра қоқди ўғлим кечаги ола-тўполондан сўнг бир-икки ошнаси билан Фарғонага тушибди. Турклар ташлаб кетган уйларга киришибди у аҳмоқлар. Назаримда ул-бул кўзига чиройли кўриниб олган-ов... Ана энди қамоқда ўтиришибди. Айб иш қилган экан, қамашсин, жазосини тортсин. Бунисига розиман. Лекин... қамоқда баттар бу-зиладими, дейман-да. У ёқни ўзим кўрдим, биламан. Мен-ку, эсимни таниганимда тушдим. Бу болаларнинг эси йўқ ҳали, яхши-ёмонни ажратмайди. Иккита боши бузуқнинг орқасидан эргашиб кетворади... Бу дардимнинг бир томони, дардимнинг ярали томони ҳам бор... Ўғрининг боласи ўғри бўлибди, деган таънани кўтариб юролмайман. Бошимни эгса шу таъна эгади, ўлдирса ҳам шу ўлдиради мени...

— Куюнманг, Полвон тоға, мен бир суриштириб кўраман.

— Ҳа, суриштир, омма, бир менинг ўғлимни эмас, ошналарини ҳам чиқартирасан. Ўғлим чиқиб, улар қолса инсофдан бўлмайди.

— Хўп, тоға, мен суриштирай. Агар масковлик терговчилар қўлига тушмаган бўлса, йўли осонроқ.

— Э, нима деяпсан, масковликми, бу ерликми — барининг жиғилдони бор. Жиғилдон бор жойда иш битмай қолмайди. Сен гаплашовур. Сўраганини товиб берамиз. Пули йўқлигидан келди, дема. Пул бор, Худога шукр. Гаплашадиган лаб-дахан йўқ, бизда. Сенинг доврўфингни эшитганмиз.

Ҳовуз полвоннинг «ўзим у ёқда бўлиб, тарбияси бошқачароқ кечди-да», деган гапи Чувриндига оғир ботди. «Сен туфайли қамалмаганимда боламни яхши тарбия этар эдим, ўғирлик билан қўлга тушмас эди, сенга бош эгиб ялинмасдим...» деган маънода англади. «Ҳамонки шундай экан, боланинг бу ҳолга тушишига мен айбдор бўлиб чиқаман. Уни қамоқдан қутқариб қолиш ҳам менинг зиммамда. Хўп, унда нима учун «суриштириб кўраман», деб ланжлик қиляпман?!» У шундай деб ўзидан-ўзи нафратланди.

— Полвон тоға, қўйнингизни дарров пуч ёнғоққа тўлдириб қўймай, деган мақсадда суриштирамиз, дедим. Ўзим бориб ўтирсам ҳам ўғлингизни чиқартираман.

— Ўзинг ўтирма, болам, бировни ўтиргулик қилмасин.

— Кейин уни менга топширасиз. Ҳамма ҳавас қиладиган одам бўлади. Ўқиса ўқитамиз.

— Э, йўқ, ўқийдағон боламас у. Хафа бўлма, омма, сенга ҳам топширмайман.

— Сиз мени ҳам...

— Йўқ, сен ўғри эмассан.

— Бир-икки жойда лимонад тсехим бор. Кооператив таксиларим бор. Мен унинг чўнтагига пул солиб қўймайман. Ишлаб топади. Пул топишни ўрганеди.

— Маъқул, аввал чиқсин, кейин мулоҳаза қилармиз.

Чувринди керакли жойларга телефон қилиб, масалани ҳал эта бошлагач, Ҳовуз полвоннинг кўнгли жойига тушиб, кетишга ҳозирланди.

Чувринди бугунча қолинг, деб ялинса ҳам, Ҳовуз полвон унамади.

— Бугунги поездда қайтмасам бўлмайди, — деди у қатъий оҳангда.

— Паттангиз борми? — деб сўради Чувринди.

— Бе, шу пайтгача патта билан юрибманми? Бешта сўм бераман, кетовраман-да.

Чувринди унинг ташвишини тушунди — кўнгли боласида. Бу ерда партўшак солиб берсанг ҳам тиконзорда ётгандек бўлади. У телефонда йигитлардан бирига патта тўғирлаб қўйиш ҳақида буйруқ бергач, меҳмонга қараб:

— Поезд кетишига ҳали икки соат вақт бор, шошилманг, — деди.

Чувриндининг хотини танбеҳни инобатга олиб, паловни катта лаганга сузди. «Лағмонга иштаҳалари бўлмади» деб ўйлаган эди. Ҳовуз полвон паловни ҳам аввалгидек тановул қилмади. Бу чиндан қарилик таъсирими эди ё ўғил ташвиши иштаҳани бўғган эдими,

Чувриндига қоронғи. У меҳмонга қараб туриб: «Шундай одамни ҳам дард енгиши мумкин экан-да, а?» деб қўйди.

Бекатда уларни калта энгли кўйлагининг тугмаларини киндигига қадар ечган, бўйнига тилла занжир осган бир йигит кутиб олди. Хўжайинининг ёнидаги одамни кўриб ажабланди. «Нозик одам деганингиз шуми?» дегандай кўзини лўқ қилиб турди.

— Бўлдими? — деди Чувринди унинг ажабланганини сезмагандай.

— Бўлди, жой ништяк, — деди йигит.

— Бошла.

Икки кишилик купе дим эди. Кун иссиқлигига қарамай галстук тақиб олган ўрта яшар киши газетадан елпиғич қилиб, елпиниб ўтирарди.

— Мана, Полвон тоға, шу ўрин сизники, — деди Чувринди бўш жойни кўрсатиб. — Баҳузур ҳордиқни чиқариб борасиз. Чой-пойдан хабар олиб туришади.

Галстукли киши бўйнидаги терни рўмолчаси билан артиб, Ҳовуз полвонга бошдан-оёқ разм солди-да, энсаси қотди.

— Бобойнинг билетлари борми? — деди у Чувриндига қараб.

Чувринди унга жавоб бермай, норози қиёфада йигитга боқди.

— Билет бор, — деди йигит. Кейин энгашиб унинг қулоғига нимадир деб шивирлади. — Бу ёққа чиқайлик тушунтириб бераман...

Галстукли киши довдираб ўрнидан турди-да, йигитга эргашди. Бир неча дақиқадан сўнг қайтиб, нарсаларини олди:

— Адашибман, билетим бошқа вагонга экан, — деб шошганича чиқди.

Чувринди йигитга қараган эди, у бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бирлаштириб, тешик кулча ҳолатига келтирди-да, «ҳаммаси жойида» дегандай чап кўзини қисиб, кулимсиради.

Чувринди Ҳовуз полвон билан хайрлашиб чиққач:

— Уни нима бало қилдинг? — деб сўради.

— Икки оғизгина гапирдим. Халқпарвар одам экан, умумий вагонда халқ билан бирга кетгиси келди.

## 2

Чувринди уйга қайтгач, каравотдаги кўрпачага ёнбошлади. Айвонда акалари билан ўйнаб ўтирган кенжатоёи уни кўриб «адда, адда» деб ҳаракатга тушди. Ошхонадаги юмушларини эндигина бажариб бўлган хотини болани кўтариб келди. Кенжатоё отасини ялаб-юлқай

бошлади. Ота учун масъуд дамлар бошланди. Дунё ташвишлари унутилди. Кимнингдир ўғли ўлдирилгани, кимнингдир ўғли қамоқда ўтиргани, кимнингдир берган қарзини ундирилмаётгани, кимнингдир умид қилган амалига етишолмаётгани, кимнингдир қайғуси ёки шодлиги... ҳаммаси унутилди. У ҳозир фарзандининг ширин тилидан чиққан биттагина сўз учун дунё нима экан, жонини беришга тайёр эди. Афсус шуки, масъуд дамлар учун вақт хасислик билан ажратилган бу дунёда телефон деган матах борки, унинг асабий жиринглаши кишини бахтиёрлик уммонидан ташвиш чўлига ирғитиб ташлайди. Тавфиқ тўтисига етишмак насиб этгунига қадар бу чўлда ғаззолани қувган сари сарсари кезади... Ҳозир ҳам шу ҳол юз берди. Чувринди боласининг эркалигига тўймасидан телефон бетўхтов жиринглади.

— Бошқа шаҳардан шекилли? — хотини шундай деб ўрнидан турди-да, айвон сари илдам юрди. Гўшакни қулоққа тутиб, салом-алик қилгач, эрига ажабланиб қаради-да, телефонни кўтариб келди.

— Ким? — деди Чувринди боласини бағридан бўшатмай.

— Билмадим, — деди хотини, сўнг ажабланганини яширмай деди: — Овозларидан Жамшиддонга ўхшатдим.

— Эсинг жойидами? — Чувринди шундай деб болани унга берди-да, гўшакни қулоғига тутди: — Алло, ким бу?

— Менман...

Дарҳақиқат, Жамшид эди...

Чувринди хотинига қараб қўйди. Бу қарашнинг маъносини англаган хотини отасига интилиб талпинаётган боласини бағрига босганича айвон сари юрди.

— Нима гап, тинчликми? — деди Чувринди, хотини узоқлашгач.

— Тинчлик, — деди Жамшид.

— Яхши кутиб олишдими?

— Кутиб олишди.

— Унда нима учун телефон қилдинг? Жим юратур, девдим-ку?

— Жим юролмаяман, Маҳмуд ака. Бек акамга нима гуноҳ қилдим, айтсинлар. Гуноҳим бўлса майли, ўлдирсинлар. Финг деган — номард.

— Овозингни ўчир. Мишиқи болага ўхшаб минғирлашингни қара! Бек акам ҳали бир нарса демадилар. Сўрашининг мавриди келса, ўзим сўрайман, сени ўзим топаман. Ўша ёқда жим юр. Е, ич, айшингни сур. Фақат бир ишқал чиқсагина телпон қил. Бошқа гапинг йўқми?

— Йўқ.

— Омадингни берсин... — Шундай деб гўшакни жойига қўйди.

Аввалига Жамшиднинг бетоқатлик қилганига аччиқланди. Кейин унинг аҳволига тушунди. У ҳали ўзининг «дорга осилиб, сўнг мурдаси ёқиб юборил-гани»ни билмайди. Билгани — Асадбекнинг ғазабга миниб, уни ўлимга ҳукм этиб юборгани. Нимага ғазабланди — ҳеч кимга аниқ маълум эмас. Чувринди Асадбек билан бирга Элчинникига боргач, Зайнабга алоқадор бир иш бўлганини фаҳмлаган, аммо гумонга суяниб иш кўрмасликни одат қилгани учун бу тахминга ишониб-ишонмайди. Шу фикр дастлаб хаёлига келганида «Наҳот Жамшид шу даражада аҳмоқ бўлса!» деб ажабланди. Хайрлашар маҳалидаги Жамшиднинг жавдираган кўзларига боқиб «Йўқ, бундай қилиши мумкин эмас», деган тўхтама келди.

Асадбек ўшанда буйруқни қатъий тарзда берган эди. Муҳлат ҳам оз — ҳукм эрталабгача ижро этилмоғи шарт. Ўйлашга, мулоҳаза юритишга фурсат йўқ. Буйруқ берилиши билан Чувринди: «Балки аблаҳлик қилгандир, лекин дунёда ундан беш баттар аблаҳлар яшаб юрганида у ҳам тирик қолса бўларди», деган аниқ бир тўхтама келди. Лекин унинг жонини қандай сақлаб қолиш керак — шу муаммо ечилмоғи лозим эди. Асадбекни фикридан қайтариш қийин. Ягона йўл — ўликхонадан эгасиз ўлик сотиб олиш. Чувринди бу йўлнинг тўғри эканига шубҳа билан қаради, охир-оқибат катта ташвишларга тақалишини ҳам олдиндан кўра билди. Аммо ўша дамда бошқа чораси йўқ эди. Бу ишга ўзларининг йигитларини аралаштиришмади. Жамшидни

Чувриндининг ўзи кузатди. Иккита кавказликни ёнига олиб, мурдани Кесакполвон топиб келди. Мурда ёнаётган маҳалдаёқ Чувринди ўзича «бу — иккинчи хато» деб қўйди. Шилимшиқнинг осилиб туришини ҳам у маъқулламаган эди. «Ўлдирди, ўчини олди, хумордан чиқди, энди мурдани йўқотиб юбориш керак», деди. Лекин унинг гапларига қулоқ осмадилар. «Елчин шунини маъқул кўрибдими, осилиб тураверсин», дедилар. Мана энди Зоҳид Шарипов дегани кавлаштириб ётибди. Чувринди ундан кўрқмайди, ишнинг ўзлари ўйлаганларича ёпилишига ишонади, аммо унгина анча безовта бўлиб юриши ёқинқирамайди. Зоҳиднинг чақирувидан сўнг нозик акахонларидан бирига буни айтди. У «расм-русмларни қилиш керак-да. Хўп, деб туринг, бир оз кавлаштириб хумордан чиқсин. Сал оғса ўзимиз тўғрилаб қўямиз», деб тинчлантирди. Ҳозир Жамшид билан гаплашганидан сўнг ўйга толиб, мана шуларни эслади.

### 3

Елчин Ҳосилбойваччаникидан чиққач, ўйлаб ўтирмаёқ шаҳар марказидаги уч қаватли уй томон йўл олди. Бўтқага учрашиб, Чувриндининг уйида эканини аниқлади.

Бу кун Чувринди Ҳовуз полвоннинг илтимосини бажариш билан овора бўлиб, яхшиликка олиб борувчи йўл топган, ишни юритиш учун йигитлардан бирини эндигина Фарғонага жўнатиб, кўнгли тинчиган ҳолда уйга қайтган эди. Ҳали бир пиёла чой ичишга улгурмай, эшикдан кириб келаётган Элчинни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Ҳа, Ҳофиз, тинчликми? — деди уни уйга бошлаб.

Елчин Чувринди кўрсатган жойга ўтириб, муддаога кўчиб қўя қолди. Ҳалимжон Чувриндини ҳам қизиқтириб қўйди. Йўқ, унда йигитни дарҳол хизматга олиш фикри туғилмади. Чувринди бунақа ҳолда арқонни узун ташлайди. Кимгадир яхшилик қилади. Ана шу пайтда бурунга бурундук илишни ҳам унутмайди. Вақти-соати етиб, лозим бўлганда бурундукни аста тортади. Жамшидни қамоқдан барвақт чиқишига ёрдам берганида ҳам унинг садоқатли йигит бўлишини ўйламаган эди. «Чиқаверсин-чи, балки фойдаси тегар», деб хаёл қилганди. Жамшид ўша яхшиликка садоқат билан жавоб берди. Асадбек Жамшиддан сўнг бошқа йигитларни ёқтирмай турибди, балки шу маъқул бўлар, деган фикр хаёлини ёритиб, Ҳосилбойваччага кўнғироқ қилди:

— Бой, женсоветга раис эмишсанми, муборак бўлсин, — деб гапни калта қила қолди.

Шундан сўнг орага сукут чўқди. Элчин ерёнғоқнинг пўчоғини бармоқлари билан эзғилаб хаёлга чўмиб ўтирарди. Чувринди унинг дардини биларди. «Ҳозир дардини ёради, худди Жамшидга ўхшаб саволига жавобни мenden ахтаради», деб ўйлади. Янглишмади. Элчин дардини ёриб, ҳасрат қилмаса ҳам сўради:

— Жамшиднинг ўлимини... нега мenden кўрдинглар?

Чувринди саволни кутган бўлса-да, жавобга шошилмади. Кейин бу бир арзимас гапдай:

— Бек акага шундай туюлибди, — деди.

— Бир гумон билан бадном қилиб юбораверасизларми? — деди Элчин.

— Бадном? — Чувриндига бу гап ёқмай, қошларини чимирди. — Сизни ҳеч ким бадном қилмади. Бек акам гумонларини шунчаки айтдилар. Агар гумонсирамай аниқ билганимизда гапимиз бошқача бўларди. Жамшидни ўлдириш кўнглингизда йўқ эдимиз? Ўғил бола гапни айтинг.

— Ўғил бола гапми? Ўғил бола гап шуки... ҳали кўп қон ичишим керак мен...

— Бу гапни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Одам қўлидан келадиган ишга ҳаракат қилиши керак. Кўрпага қараб оёқ узатаверинг. Агар менга ишонсангиз бир гап айтай.

— Айтинг.

— Аниқ билман: хотинингизнинг ўлимига фақат Шилимшиқ айбдор, Жамшиднинг алоқаси йўқ эди. У пайтлар Жамшид ёр эди, бунақа ишларга аралашмасди. Шилимшиқ билан боргани тўғри, аммо аралашмаган. Бу ишда қонунчиларга нисбатан Бек акамнинг ҳукмлари қаттиқроқ бўлган. Сиз ўшанда... — Чувринди «нодонлик қилгансиз» демоқчи эди, «яна жириллаб



юбормасин», деб фикрини бошқачароқ ифода этди: — Ўзингизга ўзингиз жабр қилдингиз. Ўша мардлингиз билан нимага эришдингиз? Ким сизга «баракалла, қойил, ўғил бола!» деди? Бу сўзлар игна ўққа айланиб Элчиннинг вужудига санчилаверди. Ўқ ҳар санчилганида юраги бир ларзага тушди. Машойихлар «бедарднинг олдида бошимни оғритма», деган эканлар. Элчин Чувриндининг гапини шарт бўлиб «Сенларда юрак деган нарса борми? Юракларинг қон ҳайдашдан бошқа юмушни ҳам биладими!» деганга ўхшаш гапларни айтгиси келди. Аммо ўзини тутди. Тўғри, у кўп ҳолларда туйғунинг қулига айланарди. Туйғу қаёққа ундаса ўша ёққа юрарди. Баъзан туйғунинг шайтонбулоқдан сув ичиб қўйишини эса инобатга олмас эди. Элчин айрим одамларни туйғусизликда айблаб, улардан нафратланар эди. Аммо айни дамда инсонга берилган улуғ неъматлар орасида ақл ҳам мавжудлигини, туйғу аччиқ ҳақиқат олдида ожиз қолишини ҳисобга олмасди. Чувринди ҳозир ҳақиқатни айтаётган эди. Унинг овозида ҳақорат, масхара ёки таҳдид оҳанги йўқ, самимий дўст каби оҳиста, сўзларни чертиб-чертиб гапирарди. Унинг сўзлари гарчи ўқ каби ботаётган бўлса-да, Элчин учун янгилик эмасди. Қамоқда эканида дардини айтганда Зелихондан бундан бешбаттарларини эшитган. Шу сабабларга кўра ҳам Чувриндига гап қайтармай ўтирди.

Чувринди гапларим қандай таъсир этипти, деган фикрда ҳамсуҳбатига қараб, бир оз сукут қилгач, яна сўзларини давом этди:

— Мактабда Александр Матросов жасоратини гапиравериб, тинкамадоримизни қуритишарди. У-ку, ҳар куни минг ўлимга дуч келавермай, деб осон ўлим йўлини топган, жонидан тўйгану таппа ташлаган. Сиз ҳам ўшанга ўхшадингиз. Сизнинг айбингиз ҳам бор: қиморга аралашмаганингизда бу машмашалар йўқ эди. Сиз эсламасангиз мен эслайман. Ўша воқеадан олдин Бек акам «Ҳофиз, қимор ўйнама» деб огоҳлантиргандилар. Энди мен бир гап айтай, сиз хафа бўлманг: сиз мушук-сичқон ўйнашни йиғиштиринг. Сиз икки дунёда мушук бўлолмайсиз. Анави чечен болангизга ишонаверманг. Ҳа, айтмоқчи, кўринмай қолдимиз?

— Юртига кетган.

— Яхши қилибди. Келишдик, а?

— Нимага?

— Сиз бундан буёғига ашулангизни айтиб, тинчгина юрасиз.

Елчин заҳарли жилмайди.

— Мен сиз билан сулҳ тузгани келмаган эдим.

— Тўғри, сиз илтимос билан келдингиз. Лекин эски пахтани чуваганингиз учун мен омади гапни айтдим.

— Мен эски пахтани чувганим йўқ. Жамшиднинг ўлими сабабини билмоқчи эдим.

— Бунни Худо билади.

Шу гаплардан сўнг кўзлар тўқнашди. Айни нафасда иккаласининг кўнглига бир мазмундаги гап келган, аммо тилга кўчиришга андиша қилишаётган эди. Андиша қаршисида тил ожиз қолган маҳалда кўзлар бевафолик қилиб, фикрни ошкор этиши мумкин. Ҳозир шу ҳол юз берди.

— Жамшид Зайнабга... суйкалган эдими? — деб сўради Элчиннинг кўзлари.

— Суйкалганини кўрганим йўқ, аммо уйингга борганини аниқ биламан, — деди Чувриндининг кўзлари.

— Асадбек... қайнотам буни қаёқдан билиб қолди?

— Ўз кўзлари билан гувоҳ бўлди...

— Зайнаб... шилта қизлардан эмас эди?

— Бу дунё ҳаётидан ҳар нарсани кутиш мумкин...

Сўнги саволга жавобни Чувриндининг кўзлари эмас, Элчиннинг кўнгли айтди. Ўз саволига ўзи жавоб берди-ю, юрагида санчиқ туриб, беихтиёр чап кўкрагини ушлади.

— Маза қочдимиз, Ҳофиз, — деди Чувринди. Элчин жавоб бермагач, худди ўзига-ўзи гапиргандай паст овозда деди: — моторни эҳтиёт қилиш керак.

Елчин ўрнидан турди. Эшик томон бир қадам ташлаб, Чувриндига ўгирилди:

— Мотор, Худо хоҳласа, елкадаги юкни манзилга олиб боришга чидайди.

## ХИИ 6 о 6

### I

Шундай одамнинг боласи?!

Анвар бундан қирқ йил аввалги тергов ҳужжатларини ўргана туриб, ўзига тез-тез шу саволни берар, аммо тайинли мақбул жавоб топа олмас эди. Неча минг одам чақув, тухмат қурбони бўлган йилларда Асадбекнинг отаси ҳеч бир чақувсиз, ҳеч бир тухматсиз ҳолда жазога тортилган эди. Уни қамаш учун чақувнинг ҳожати йўқ эди. Ҳуқуқ илмини ўрганаётган талабанинг урушнинг дастлабки ойларидаёқ сафарбар этилгани, қўшин қуршовда қолгани, кўплар қатори асир олингани, контслагердан қочгани, Югославия ўрмонларида, тоғларида жанг қилгани... чақувга муҳтож эмас, барчаси ҳужжатларга муҳрланган эди. Унинг айби бир — Югославия дохийси Тито билан шахсан таниш бўлган. Бу ҳам тухмат эмас. Уруш тугагач, дохий уни бағрига босиб суратга тушган, қаҳрамонлик нишони топширган. Аввалига у ҳам Иттифоқ қаҳрамони сифатида қадр топгандай бўлди. Сўнграқ, Сталин билан Тито орасидан ола мушук ўтгач, Югославия партизанлари билан бирга жанг қилган барча совет аскарлари хоинлар рўйхатидан ўрин олдилар. Уларга «Сен Тито қўшинида жанг қилгансан» деб айб тақашмади. Унга қадар асирга тушган эдилар, қамаш учун шунинг ўзи кифоя эди. Терговдаги саволларнинг мазмунига қараганда улар контслагердан қочмасликлари лозим экан, жонларини гаровга қўйиб, жанг қилмасликлари шарт экан. Ўзбекистон қаёқдаю Югославия қаёқда?! Асадбекнинг отаси минг кеча-кундуз ё ўларини билмай, ё қоларини билмай ажалнинг соясида яшади. Асадбекнинг онаси эрининг на тирик экани, на ўлик эканини билмай умид офтобида қовжираб ҳаёт кечирди. Минг кун-а!? Шунинг мукофотига яна қамоқ, яна айрилиқ ва ниҳоят Сибирнинг овлоқ бир ерида ўлим топиш. Ўлим топганда ҳам номини қора рўйхатларда қолдириб, армон билан кўз юмиш...

«Ажаб... — деб ўйлади Анвар, — душман бир бўлса, унинг чап томонида туриб уришдинг нимаю ўнг томонида туриб уришдинг нима? Ўнг томондагилари халқ қаҳрамонлари, чап томондагилар эса халқ душманлари бўлиб чиқса... Бундан ҳам ортиқроқ аҳмоқлик бўлармикин бу ёруғ жаҳонда...»

Анвар ҳужжатлар билан таниша туриб Холидийнинг суюкли шогирдларидан бири томондан ёзилган мақолани эслади. Шогирд устозга содиқ қолгани ҳолда Югославия партизанлари сафида жанг қилганларни сиёсий онгсизликда айблаган эди. Орадан кўп йиллар ўтди. Вазият ўзгарди. Аммо ўша мақола ҳануз ҳаёт, қайта-қайта нашр этилаётган тарих китобларида бирон-бир нуқта ўзгармагани ҳолда турибди. Асадбекнинг отаси ҳам «ҳаракатида жиноят излари бўлмагани сабабли» афв этилган. «Наҳот у олимлар бундан беҳабар қолишган? — деб ўйлади Анвар. — Орадан ўттиз беш йил ўтяпти... Бу ҳужжатларни нима учун ўғлига — Асадбекка кўрсатишмади? Бунга ўхшаган одамлар яна қанча?..»

### 2

Ешакни йўқласанг қулоғи кўринади, деганларидай, ҳеч кутилмаганда эшик очилиб, Холидий кўринди.

— Ие, мулла Анваржон, — деди у жилмайиб, — хурсандман, бағоят хурсандман.

— Мени кўрганингизданми? Эрталаб учрашувдик-ку? — деди Анвар.

— Иш билан, илм билан машғул шогирдларимни кўрсам, қувониб кетаман, — деди Холидий бўш стол томон юриб.

«Биз ҳам шогирдлар сафига қўшилибмиз-да, а? Шундай олий мақомда эканману билмай

қолганимга доғман энди», деб ўйлади Анвар. У бир пичинг гап отиб «устоз»нинг ғашига тегишни мўлжал қилиб турганда шу идора хизматчиси кириб Холидийга ҳужжатлар тўпламини узатди.

— Бу давру давроннинг қадрига етмоқ керак, — деди Холидий ҳужжатларни варақлай туриб. — Шунча йил илм қилиб ҳужжатларнинг асл нусхаларини варақлашга энди эришдик. Бизнинг фожиамиз шунда эдики, азизим, биз ҳужжат кўрмай, тарих илмини яратдик.

«Бу одам ҳам тўғри гапирар экан-ку, а? — деб ўйлади Анвар. — Ҳужжатга асосланмаган илм яратгани тўғри, аммо ҳужжатни ўзи кўришни истамаганми ё йўл беришмаганми? Бу одамга ҳамма эшиклар очиқ эди-ку? Энди нима учун ҳужжат титкилаб қолди? Титкилаш вазифаси шогирдларидан ортмас эди?.. Қизиқ...»

Анвар муҳим иш билан банд одамдай сатрларга кўз тикиб жим ўтираверди. Аслида ўқийдиганини ўқиб, аниқлайдиганини аниқлаб бўлган, чиқиб кетавериши ҳам мумкин эди. Бироқ, Холидийнинг ташрифи ажаблантирган, бу ташрифдан мақсад не, интиҳо не эканини билмоқ истаги уни ушлаб турарди. Холидий кўзларини саҳифаларга қадаб ҳарф терар, зарур жой келганда худди ялаб оладигандай тилини чиқариб қўярди. Анвар зимдан кузатар, унинг қўлидаги ҳужжатлар кимга тегишли эканини билишга қизиқиш тобора ортарди. Ҳар балога ақлим етади, деб ҳисобловчи, ҳақиқат барибир қарор топади, бунинг учун курашмоқ шарт, деб ишонувчи Анвар бу ҳужжатлар тўплами Холидий қўлидан кўп марта ўтгани, «устоз»нинг фикри ҳозир бу ҳужжатлар билан эмас, бошқа нарсалар билан банд экани, ҳадемай тилга киражагини билмас эди.

«Душманни бир ҳамлада йўқ қилиш ҳар қандай аҳмоқнинг қўлидан келади, — деб ўйларди Холидий. — Худога шукур, мен аҳмоқ эмасман. Мен — мерганман. Бир ўқ билан истасам ўн қуённи ураман. Душманни эса бошқа бир душманим қўли билан янчаман. Ҳамиша шундай қилиб келганманми, бу усул менга панд бермадими, бундан кейин ҳам шундай бўлади... Нодон бола... Ҳужжат титиш сенга нима беради? Хўп, ҳақиқатни англадинг, кейин нима бўлади? Сенинг ҳақиқатинг ҳеч кимга керак эмас. Ҳар бир даврнинг ўз ҳақиқати бўлади. Эсинг бутун бўлса сен ана шу ҳақиқатни фаҳмлаб ол. Йў-ўқ... бунга фаҳминг етмайди. Сенинг ҳақиқатинг жиннихонада. Қани, мени кузатавер-чи. Эртага борадиган жойингга боргач, мени соғиниб қоларсан...»

Холидийнинг бу даражада дадил фикрлаши бежиз эмас эди. У кеча муҳим бир масалани ечиб, кўнгли шодланганди. Анвар жиннихонадан чиқиб келганидан бери унинг ичини ит таталарди. Қарийб ярим йил бадалида бу «бола»ни йўқотишни ўйлаб, боши гангиди. Жиннихонадан Асадбек ҳукми билан чиқарилганини билиб анча вақтгача ҳадиксираб юрди. У умри мобайнида ўзига ёқмаган одамларни ғаним деб билиб, қанчасини янчиб ташлади. Улар олдида Анвар бир қумурсқа. Олдига озгина шакар сепиб қўйса, ўзи билан ўзи овора бўлади. Аслида олишишга ҳам арзимайдиган бир «мишиқи бола». Лекин шу мишиқининг олифтагарчилигини ҳазм қила олмайди. Бу олифтагарчилик бошқа ёшларга юқмасин, дейди.

Холидий ўйлай-ўйлай, аччиқни аччиқ кесади, деган ақидага амал қилиб, Асадбекнинг кушандаси ким бўлиши мумкин, деб сўраб-суриштирди. Асадбек ҳаммадан зўр бўлгани билан албатта кимдир, қайси бир қавақда туриб бўлса ҳам унга қарши тиш қайрайди. Кимдир чалишга пайт пойлайди. Шундай одамнинг мавжудлигини, унинг номи Ҳосилбойвачча эканини билиб, қувонди. Холидий Ҳосилбойваччанинг отасини яхши танирди. Уларнинг танишлиги Ҳосилбойваччанинг болалиги ўтган ҳовлининг олди-соттисидан бошланган. Ҳукумат томонидан Холидийнинг хизматлари тақдирланиб, унга икки қаватли уй берилгач, у маҳалладаги ҳовлисини Омилга — Ҳосилбойваччанинг отасига сотган эди. Ўшанда бир кенглик қилиб, жойнинг пулини биратўла яхлит ҳолда эмас, учга бўлиб бир йил давомида тўланишига кўнган эди. Омил унинг бу ҳимматини унутмай, ҳозирга қадар ҳам иззатини жойига қўйиб, ҳар кўрганда қуллуқ қилиб турарди.

Ўғлида шундай обрўли одамнинг юмуши борлигини билган Омил бу гапга ишониб-

ишонқирамай ажабланди. Холидий буни сезиб, изоҳ беришни лозим топди:

— Энди Омилбек, замон шунақа бўлиб қолди. Идора бажара олмайдиган ишни ўғлингизга ўхшаган шоввозлар бир нафасда, хамирдан қил суғургандай дўндириб қўйишяпти.

— Биронтаси қарз-парз олиб, бермиётибдими? — деди Омил соддалик билан.

— Омилбек... шунақа десак ҳам бўлади, — деди Холидий нохуш оҳангда.

— Йўқ, сиз қарзини қистайдиган одамларданмассиз. Бир дардингиз бору айтгингиз келмиётибди.

— Тўғри фаҳмладингиз. Баъзи ишларни буюртмачи-ю, бажарувчининг ўзигина билгани маъқул. Ҳар- ҳолда, тешик қулоқ, тилнинг эса суяги йўқ. Ҳали бизнинг гапимизга Ҳосилбой нима дейдилару...

— Нима дерди, бизга бир ишингиз тушибди. Биз ҳимматни унутадиган ношукур бандаларданмасмиз. Юринг, кетдик, уйига борамиз.

— Шу ерга чақира қолмайсизми?

— Чақиришга чақираману келишга вақти бўладими, йўқми...

Холидий шу гапдан Ҳосилбойваччанинг ҳавоси анча баланд эканини англади. Катта бошини яна бир марта кичик қилиш лозимлигидан дили ғашланди.

Ҳосилбойваччанинг уйида меҳмон бор экан. Шомил уларни шийпонга бошлаб борди.

— Шефни чақириб бўлмайти. Хоҳласангиз кутинг, бўлмаса эртага келинг, — деди ўтиришга жой кўрсатиб.

Бу гапни эшитиб, Омил савол назари билан Холидийга қаради. Холидий Шомил кўрсатган жойга ўтириб «кутамиз» деди. Баобрў зиёфатларнинг тўрида виқор тўкиб ўтиришга кўниккан Холидий учун бу ҳолда кутиб ўтириш хорликдай туюлиб, малол келса ҳам, эрта кел, индин кел, деган гаплар чиқиб қолишини ҳисобга олиб, бу таҳқирга чидади.

«Буларнинг зиёфатини ҳам бир кўриб қўяйлик-чи...» деб ўзини овутди.

Зиёфат анча чўзилди. Холидий келганига пушаймон ея бошлади. Бу ерга бош эгиб келишга мажбур этган Анварни сўқди. «Зиёфат берувчи уй эгаси ташқарига ҳам чиқмас эканми?» деб ғижинди. Итининг феъли эгасига маълум деганларидай, Омилга ўғлининг бу қилиғи малол келмади. Омил ҳаётида озми-кўпми хиёнат кўчасига кирган бўлса-да, бир нарсага — уйқуга ҳамиша содиқ қолган. Уйқунинг шарпаси сезилиши ҳамон уни ноумид қайтармаган. У фақатгина юраётган маҳалида ухлашга ўрганолмаган, бошқа ҳар қандай ҳолатда мизғиб олиши мумкин эди. Оғайнилари «Омилга ёстиқнинг расмини чизиб кўрсатсанг ҳам ухлайверади», деб бежиз ҳазиллашишмасди. Холидийга Омилнинг бу одати номаълум бўлгани сабабли, ўтирган ерида бошини осилтириб пишиллашидан ғаш келди. Рўпарасида ўтириб пиво симираётган ғилайга қараб жаҳли чиқди.

«Кимсан, қандай одамсан ҳам демайди-я... Шунчалик димоғдорми булар. Омил тўнка ҳам таништириб қўймади. Бу ғилай нима қилиб ўтирибди ўзи?..» Холидий шу зайлда бир оз ғашланиб ўтиргач, ўзини ўзи овута бошлади:

«Булар ким ўзи? Алифни калтак дейдиган бефаросат одамлар. Улар учун академик ҳам бир, кўчада ётган алкаш ҳам бир. Булар одамнинг қадрини пул билан ўлчашиди. Агар кўчада юмалаб ётган алкашнинг чўнтагида минг доллар бўлса, уларга академикдан кўра шу қадрлироқ. Ўша доллар учун унинг мишиғини ҳам артиб қўйишади. Агар мен олим эмас, фалончи бой бўлганимда бу ғилай ҳозир пиво ичиб газигига оёғимни ялаб ўтирарди...»

Холидийнинг тоқати тоқ бўлиб эндигина кетишга жазм қилганда, айвонда Ҳосилбойвачча кўринди. Ғилай сапчиб туриб кўча эшик томон тез-тез юрди. Башанг кийинган икки кишини Ҳосилбойваччанинг ўзи эҳтиром билан кузатди. У кўчада узоқ қолмади, хайрлашув маросими ортиқча такаллуфсиз, тез тугади. Шийпонга қайтиб, аввал отаси билан, сўнг Холидий билан сўрашди. «Узр, куттириб қўйдим» каби лутф унга бегона эди. У отасининг ёнига ўтириб, яйраб керишиб, эснади.

— Чарчабсан, болам, — деди Омил.

- Буёқни танитай турибман, — деди Ҳосилбойвачча, отасининг меҳрибончилигига эътибор бермай.
- Бу киши Холидий домла, уйни шу одамдан олганмиз-да, эсингдан чиқдими?
- Кунда мингта одам билан муомала қилгандан кейин бунақа гаплар эсда қоладими?
- Домла ўшанда бизга роса ҳиммат қилганлар. Бир ишлари тушибди. Йўқ демай, қилиб бер. — Омил шундай деб ўрнидан турди. — Гапларини менсиз айтаверадилар. Мен кетдим.
- Шомилга учранг, болалар олиб бориб қўйишади, — Ҳосилбойвачча шундай дегач, Холидийга юзланди. — Бугун шоирлар билан учрашадиган кун экан. Ҳали биттаси келувди.
- Мен шоир эмасан, — деди Холидий.
- Адам «домла» дедилару, барибир эмасми? — Ҳосилбойвачча шундай деб оғзини баралла очганича эснади-да, сўнг пастак курси устида ётган китобчани қўлга олди. Холидий китобни кўрган, «булар ҳам ўқишар экан, дуруст», деб қўйган эди. Ҳосилбойвачча китобни унга узатди. — Ёзганини ўқинг.
- Холидий дастхатни ўқиди: «Ўзбекнинг улў фарзанди Ҳосилжон акамизга жоним тасаддуқ».
- Ўқидингизми? — деди Ҳосилбойвачча. — Гапини қаранг. Кўчада бизни ўғри, деб сўкади. Иши тушса жони тасаддуқ бўлиб қолади. Вей шоир бола, мен ўғриман, шундай деб ёзгани уялмадингми, дедим. Мен бу китобини бошимга урамани! — у шундай деб китобни улоқтирди. — Мошинасини ўғирлаб кетишибди. Шунга минғирлаб келибди. Ҳойнаҳой, сизнинг мошинангизни ҳам шимо қилишгандир. Бизга ҳиммат қилган бўлсангиз ҳам айтиб қўяй: мен унақа майда ишлар билан шуғулланмайман.
- Машинамни ўғирлашганда кимга боришни билардим, — деди Холидий. Бу билан «сизларнинг даврангиз менга маълум» деб шама қилди. Сўнг гапни узоқроқдан бошлаб, муддаосини баён этди. Ҳосилбойваччага унинг гаплари аввалига эриш туюлди, эснади, керишди. Асадбек номи тилга олингач, бир оз сергакланди. Ана шунда Холидий бу ерга келиб янглишмаганига ишонди. Холидий гапини тугатгач, Ҳосилбойвачча бир оз ўйланди-да:
- Шаҳарда бошқа жиннихона ҳам бор, — деди. Сўнг қўшиб қўйди: — Ё бутунлай қораси ўчсинми?
- Йўқ, йўқ, — деди Холидий. — Унинг борадиган ери — жиннихона.
- Чиқимидан қочмасангиз бўлди. Эртага Шомил сизга учрайди. Ишни биргаликда пишитиб оласизлар.
- Хуноб бўлиб кутганига яраша масала кўнглидагидай ҳал бўлиб, қувонди.
- Ҳозир ўзига таниш саҳифаларни варақлай туриб Анварга хаёлан гапирди: «Сенинг масаланг кеча ҳал бўлган, бола. Бир қумурсқани супуриб ташлай олмаган Холидий бу дунёда ортиқ яшамаса ҳам бўлади. Сен чиранма, бола. Агар сени янчмай туриб ўлиб қолсам, атрофимда йиғлаб қолувчилар барибир сени янчишади. Мен-ку, сени ёш, деб аябман. Улар — ўзингнинг дўстларинг, улар аяшмайди. Мен эккан дарахтлар мева беради. У ҳеч қачон қуримайди. Сен мен эккан дарахтлар соясида қурийсан. Офтоб кўрмай, сув ичолмай қурийсан. Сен тутантириқдан бошқа нарсага ярамайсан...»
- Холидий хаёлидан шу гапларни ўтказиб, Анварга қаради:
- Во дариф! Во дариф! — деди у саҳифаларни шапатилаб. — Золим фалакнинг беаёвлигини қаранг. Ким шундай бўлади, деб ўйлабди-я! Имонли, инсофли, диёнатли деб юрган дўстимизнинг этагига ахлат илашган экан-у, а? Иноятуллодай одамнинг юзига оёқ қўйган экан, а? Бирга юриб биз ҳам билмаган эканмиз. Мана, ҳужжатнинг кучи қаерда! Ҳамма нарса бирдан ойдинлашди!
- Анвар бу гапларни эшитиб, Холидийнинг навбатдаги найранги бошланди, деб ўйлади. Иноятулло номини эшитгач, анча сергакланди. «Ҳужжатлар домла Иноятуллонинг «иши» эканми? Унинг юзига ким оёқ қўйган?»
- Аҳли илм бу одамни ўлимидан сўнг ҳам «домла Иноятулло» деб ҳурмат қиларди. Асли туркман бўлган бу олим ўттизинчи йилларда, йигит чоғида келиб қолган, дастлабки қама-қама шамоли

адолат истаб келган бу йигитни ҳам четлаб ўтмаган эди. Ўшанда бир йилдан сўнг афв этилиб, яна илмга қайтганди. Зуннуний мероси бўйича Анварнинг бобоси билан матбуотда анча тортишгани сабабли унинг қамалишига шу баҳсни асос қилиб кўрсатувчи гаплар ҳам мавжуд эди. Холидийнинг хитобларини эшитиб, Анвар ўша гумонни эслади. «Буванг ким бўлган, билиб қўй, жирилламай юрсанг ҳам бўлади» деган мақсадда атайин келган шекилли?» деб ўйлаб, баданига муз югурди.

— Иноятуллони билар эдим. Бизга дарс берарди. Папиросни тутатиб олиб, ўйчан ҳолда туриб гапирарди. Мен бунақа ўткир тарихчини кўрмаганман. Бунақаси бошқа туғилмайди. Зуннуний мероси масаласида кўпчилик уни қоралади. Бир йил ўтириб чиқиши балки шундандир, Худо билади. Урушга бориб келганидан кейин яна қамаб, йўқ қилиб юборишларига тушунолмаб юрган эдим. Тўрт йил урушда унга неча минг ўқ отишган экан, қаранг, мулла Анварбек, шу мингларча ўқдан биттаси ҳам тегмабди. Лекин бир-икки бўҳтон ўқи тегибди. Шахтада кўмир қазиб юрганида фалокатдан ўлибди. Ўлимидан сўнг уч ҳафта ўтиб номи афви умумийга ёзилиб турса... Бўҳтон ўқлари ёмон экан... Бу ўқларни ким отганини биларсиз? Билмайсизми? Менинг азиз дўстим Ҳикмат Ўролов. Ювошгина, мўмингина, беозоргина... Ҳамма уни яхши кўради. Иноятулло ҳам яхши кўрган. Аммо бир гап айтиб кетган экан. «Ҳикмат — балиқ, қўлда ушлаб туриш мумкин эмас». Зўр гап, а?

Анвар энди Холидийнинг муддаосини тушунгандай бўлди. Илмда ўзгариш кутилаётган дамда Холидийнинг кўп йиллик фаолияти пуч эканини айтиб, унга зарба бера олувчи ягона олим — Ҳикмат Ўролов эди. Тўғри, у табиатан анча эҳтиёткор эди, аммо айтиш мумкин бўлмаган гапларни унингдек усталик билан айта олувчи ҳам йўқ эди. Илмда ҳалоллик ва адолат бўлишини истаган ёшлар уни устоз сифатида қадрлар эдилар. Холидий яқинлашиб келаётган қора булутни сезган. Қичишадиган ерини аввалроқ қашиб кўядиган бу одамнинг Ҳикмат Ўроловни янчиш режасида эканини Анвар шу сўзларни эшитиб англади. Нафрати жўшиб, жони ҳиқилдоғига келгандай бўлиб, ўрнидан турди.

— Ҳа, мулла Анварбек, эшитмайдиларми? — деди Холидий, лабини ялаб.

— Ишимни тугатдим. Бир ерда зарур учрашувим бор эди, — деди Анвар.

— Ҳа, боринг. Зарур учрашувдан қолмаслик керак... Дарвоқе... мулла Анварбек, эшитганларингиз ўзаро гап-а?

Анвар «маъқул» ишорасини қилиб бош ирғади-да, хонадан чиқди.

«Ўзаро гап учун шу ерга овора бўлиб келиб ўтирарканми бу одам»деб ўйлади у.

### 3

Анвар фаввора ёнидан ўтаётиб, беихтиёр тўхтади. Ҳовуз юзаси анча кирланган, Худо фаросатдан қисган одамлар ташлаган сигарет қутилари, қоғоз парчалари, яна алланима балолар сув юзасида қалқиб турибди. Кирланган ҳовузнинг нақ ўртасида шиддат билан кўкка қараб отилаётган сув Анварнинг диққатини тортди. Бу фаввора ёнидан кўп марта ўтган, ҳовуз сатҳининг ифлослигини, сувнинг шиддат билан отилишини кўп кўрган, аммо бу манзара хаёлини бугунгидай тортмаган эди. Ўриндиқларга ҳали дарахтларнинг соялари етиб келмагани туфайли, бўш эди. Анвар офтобга орқасини қилиб фавворага тикилиб ўтирди. Унинг назарида отилаётган сув қувурлар орқали куч билан пуркалмай, балки тоза сув ифлосланган ҳовуздан қочишга ҳаракат қилаётгандай эди. Тоза сув бир зумгина бўлсин бу ифлослик бағридан юлқиниб чиқади, бир зумгина бўлсин қуёш нурларида роҳатланади, аммо... начораки, бутунлай узилиб кета олмайди, яна шу ҳовузга қайтади. Сўнг... яна интилади, сўнг... яна қайтади... Бу орада кимдир музқаймоқни еб, қоғозни ғижимлаб шу ҳовузга ташлайди, кимдир сигаретини ўт олдириб гугурт чўпини чертади, кимдир тупуради... Яхшики, атроф гавжум, бўлмаса бошқа бемаъниликларни қилишдан ҳам тоймайдиганлар топилар. Балки қоронғида одам сийраклашгач, ундай иш ҳам бўлар...

Шу фикр хаёлига келиши билан кўз олдида Холидий гавдаланди. Назарида ўша бемаъни иш

фақат шу Холидийнинг ёки шерикларининг қўлидан келадигандай туюлиб ижирғанди. Ҳовузга тупуриб ўтган одамни кўрганида Ҳикмат Ўроловнинг «устоз» ҳақидаги гапини эслади.

... Бир одам ҳар куни беш маҳал уйдан атайин чиқиб, маҳалла ҳовузига тупурар экан. Маҳалла аҳли яхши гапирибди — бўлмабди, пўписа қилибди — фойда бермабди. Охири маслаҳат қилиб, пул тўплашибди-да, «зора Худо инсоф берса», деб уни Маккаи мукаррамага юборишибди. У одамнинг Маккага бориб биринчи қилган иши — Замзам булоғига тупурибди...

Ҳикмат Ўролов бир куни шу ривоятни айта туриб «Устозинг шунақа хилидан», деб қўйган эди. Анвар хаёлини чалғитиш учун атрофга аланглади. Бу ҳам Ҳикмат Ўроловнинг ўғити. Анварнинг арзимаган нарсадан ҳам асабийлашиб юришини билиб, «асабингиз бузилган дамда атрофга алангланг, хаёлингизни чалғитинг», деган эди. Анвар бир неча марта бу ўғитга амал қилмоқчи бўлди, аммо эплай олмади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Кўзи ўнг томондаги бинога тушиб, беихтиёр ўйлади: «Қачондир шу бино ертўласида маҳбуслар сақланган экан. Улар қандай қийноқларни кўрганлар — билмаймиз. Қанчалари қийноқларга чидолмай неча-неча ҳужжатларга имзо чекиб беришган экан? Биз ҳозир уларни айблаймиз, муҳокама қиламиз. Олдинлари одамлар бу бинога қўрқув билан қараганлар. Энди атрофида бемалол сайр қилиб юришибди. Шу бинонинг рўпарасидаги майдончада мазза қилиб музқаймоқ ялашади. Қизиқ... ҳозир ҳам ертўлада маҳбуслар бормикин? Пахта иши билан қўлга олинганлар балки шу ердадир? Балки уларни ҳам қийнашаётгандир? Балки кимдир қийноққа чидолмай кимнидир сотаётгандир. Айни шу дамда сотаётгандир... Орадан яна эллик йил ўтгач, яна кимдир ҳужжатларни титиб, уларнинг қилмишини муҳокама этар, айблар. Ҳозир эса... имзолар чекиляпти, шу имзоларга қараб ҳукмлар ўқилипти... Эллик йил аввал Фалонов билан Пистончиан бу бинода гердайиб иш юритишган. Ажабки, ҳозир Пистонов билан Фалончиан шундай. Бу нима? Тақдир ҳазилими ё қонуними? Яна эллик йил кейин бу бинода ким гердайиб юради?..»

Анвар бу бинодан кўзини олиб, фавворага тикилди. «Нариги бинода «устоз» ўтирибди. Нималарни хаёл қилиб, қайси тирноқ остидаги қандай кирларни изляпти экан? Ҳикмат домлага бориб айтишинми? Нима дейман? «Сизга қарши бир иш қилмоқчи» дейманми? Бунини эшитиб, домла одатича кулиб қўяр. «Устозингизнинг касби шу», дейиш билан чекланар. Ичинини ит таталаса ҳам сездирмас. Мен гап ташувчи бир нодон бола каби изимга қайтарман...»

Анвар ҳужжатхонадан чиқаётганидаёқ Ҳикмат Ўроловникига боришни мўлжал қилган эди. Бир оз юриб, ўйлангач, Холидийнинг мақсадини аниқ билмай туриб боришни маъқул кўрмади. Фавворага яна бир муддат тикилиб ўтиргач, офтобда қизиби, ўрндан турди-да, уйга қараб кетди. Маҳаллага етганида «Елчиннинг хотини чиққандир, хабар олай, яна оқибатинг йўқ, деб минғирлаб юрмасин», деб ўнгдаги тор кўчага бурилди.

Дарвоза эшиги очиқ бўлгани учун кўнғироқни чалмай, ичкарига кирди-да «Елчин!» деб чақирди. Элчин дарахт соясига буклама каравотни қўйиб, ухлаб ётган эди. Анварнинг овозини эшитиб, эринибгина бошини кўтарди.

— Сен ҳам ўрис генералларига ўхшаб жонингнинг ҳузурини биласан, — деди Анвар каравот қиррасига ўтириб. — Арман радиосидан «кундузи ким ухлаши мумкин?» деб сўрашганда «Бойнинг куёви» деб жавоб берган экан.

Елчин унинг ҳазилига жилмайиб ҳам қўймади. Аслида Анвар ҳам ҳазиллашадиган кайфиятда эмасди. «Ошнамнинг дарди меникидан оғирроқ», деган фикрда ўзича Элчиннинг кўнглини кўтармоқчи эди.

— Ҳа, — деди Анвар унинг тумтайиб ётганини кўриб, — қани, бир ўнг томонинг билан тур-чи. Сени одам деб кўргани келдим.

— Келганинг яхши бўлди, уйингга бормоқчи эдим, — деди Элчин ётган ерида.

— Нечук? Биз ғарибларни...

— Бачканалашма. Масала жиддий, — деди Элчин қаддини кўтариб. — Сен анави гапни бировга айтибмидинг?

- Қайси гапни?  
— Асадбекнинг гумонини.  
— Уними? — Анвар чучмалроқ тарзда жавоб бермоқчи эди, аммо гапни айлантириб, алдагиси келмади. — Айтувдим... бир таниш прокурорга...  
— Унингни аралаштирма, девдим-ку?  
— Аралаштирганим йўқ. Шу масаладан огоҳ бўлиб тулинг, Асадбек тухмат қилиб қолса, лаққа тушманг, дедим. Биров суриштирдими?  
— Прокуратурага чақиртиришди.  
— Ким?  
— Шарипов дегани.  
— Зоҳидми? Нима деди?  
— «Қайнотангиз нима учун сиздан гумонсиради?» деб сўради.  
— Нима дединг?  
— Нима сабабдан гумонсираганини билмайман. Билиб қолсам, Анвар деган лақма ошнам бор, ўшанга айтаман, сизга оқизмай-томизмай етказадим. Кейинги пайтда шунақароқ бўлиб қолган, дедим.  
Бу гапдан Анвар ранжиди. «Шуни одам деб йўқлаб келдимми?» деб афсусланди. Ҳозир унинг пичингига жавоб қайтарса гап таллашиб қолишлари мумкинлигини билиб, индамади. Бошини ҳам қилиб ўтирди. Элчин бу ҳолатни пушаймонликдан деб тушуниб, жаҳл отидан тушди. Бир нафаслик сукут кераксиз гаплар сели йўлига тўғон бўлди.  
— Зайнаб чиқмадимми? — деб сўради Анвар бошини кўтармай.  
— Уч-тўрт кундан кейин, дейишяпти.  
— Тезроқ чиқса сен ҳам тинчирдинг, уйинг ҳам ҳувилламас эди. Хотиним онасиникига кетса, уй мени ютворай дейди. Бир кунга зўрға чидайман. Тагин ҳам сен темирдан экансан.  
— Сен ҳам тинчирдинг, дейсанми?.. Қайдам... Мен гўрда ҳам тинчимасам керак. Жиннихонадалигингда дунёнинг формуласини топганингни айтув-динг, эсингдами?  
— У эрдан чиқадиган формула эмас.  
— Мен ҳам бекорчиликда ёти-иб, бошқачароқ формула кашф этдим, — Элчин шундай деб кўкрак чўнтагидан шапалоқдай газета парчасини олиб узатди.  
Анвар газета ҳошиясидаги Элчин «формула» деб атаган ёзувни ўқиди:  
— «Дунё = қаллоблик + фирибгарлик + муттаҳамлик + ҳасад + иғво + порахўрлик + зўрлик + каззоблик + фаҳш = (ўлим)». Формуланга унча тушунмадим?  
Элчин газета парчасини унинг қўлидан олиб, икки буклади-да, яна чўнтагига солди.  
— Тушуниш учун ўқиш керак. Бунинг мактабида мен ўқиб келганман.  
— Шунақа доно бўлиб кетдингми? — деди Анвар кесатиб.  
— Энди билдингми? Ўн йил академияда ўқидим. Сен битта қаллоб билан олишиб минғирлаб юрибсан. Мен кўрган қаллоблар олдида сеники фариштанинг ўзи-ку?  
— Ол-а! Сен шу фаришта билан ўн йил эмас, ўн кунгина бирга бўлсанг билардинг.  
— Мен билган нарсаларни билишинг учун сен яна юз йил яшашинг керак. Мен кашф этган формула — ҳақиқат! Бунинг чораси эса ёлғиз ўлим. Қаллобни ўлдирасан — фирибгар сенга рўпара бўлади. Фирибгарни ўлдирсанг, фаҳшга дуч келасан. Буларни ўлдириб қутулдим, деб турганингда қаллобнинг фарзанди улғайиб турибди-да. Қаёққа қочасан? Бирдан-бир паноҳинг — ўлим!  
— Сен менга тақлид қиляпсанми?  
— Сенга аҳмоқ одам тақлид қилади.  
— Унда ўлимни истаб қолдингми?  
— Ўлгим ҳам йўқ... Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми қачондир ўламиз. Унгача муттаҳамларнинг оёқлари остида хор бўлиб яшаш алам қилади. Дунёни осонликча уларга ташлаб кетиш ундан ҳам ёмонроқ.



- Кўнглим хижил бўлиб турувди, юракни баттар сиқдинг.
- Ана шунақа, ҳақиқат чатоқ нарса. Ҳатто адолатпарвар олимларнинг ҳам юрагини сиқиб юборади.
- Бас қил, бўлмаса ҳозир ёрилиб кетаман, — деди Анвар овозини бир оз баландлатиб. — Мен бу ерга бир иш билан келдим. Қайнотангга учрашишим керак.
- Нечук, қайнотамга ишинг тушиб қолибди? Бунақа одамлардан ҳазар қилар эдинг-ку? Формуламнинг яна бир исботи бу: дунё шунақаки, ҳазар қилган одамларнинг қаршисида тиз чўкасан.
- Формулангни қўя тур. Қайнотанг битказиб берадиган ишим битмай қўя қолсин. Бир марта жиннихонадан чиқариб бергани бутун умримга татийди. Эсиндан чиқдими, отаси масаласида илтимос қилувди. Архивни кавлаштирдим, энди натижасини айтишим керак.
- Ўзи нимаю отаси нима бўларди?
- Бу гапни эшитиб, Анвар кулимсираб, қўлини унинг елкасига қўйди:
- Ў, куёв бола, сал пастроқ тушинг. Эртага «Елчинбой фалончининг невар куёви» дейишса керилиб юрарсиз. Катта қайнотангизга аталган имтиёзлардан фойдаланиб машиналар, уйлар оларсиз...
- Аравани қуруқ олиб қочиш бўйича жаҳон чемпионати бўлар экан, бормайсанми? — деди Элчин, энсаси қотиб.
- Ҳазиллашаётганим йўқ. Жиддий айтяпман. Зўр одам экан. Эшит...
- Анвар ҳужжатларда ўқиганларини бир бошдан баён этди. Элчин унинг гапларини бўлмай эшитди. Ўрнидан туриб, сигарет тутатди.
- Хўш, энди нима дейсан? — деди Анвар ғолиб одамнинг овозида.
- Елчин дарров жавоб бермади. Бир оз ўйланиб тургач, буклама каравотнинг қиррасига ўтирди.
- Нима дердим, кесакдан олов чиқибдими? Бунақа қаҳрамонлар сон мингта. Сезиб турибман, сен ҳужжатларни ўрганиб, ўзингча бир нарсани кашф этгансан. Ҳозир шуни пеш қилиб, мен билан баҳслашасан.
- Сезгингдан ўргулдим, сенинг. Қани, айт, нимани сездинг? — Анвар шундай деб қоғозларини тартибга келтирди.
- Сезганим шуки, отаси қамалмаса, Асадбек бунақа бўлмас эди, яхши одам бўларди, демоқчисан.
- Тўғри.
- Унда айт: бошқа минг-минг қамалганларнинг болалари-чи? Улар ҳам Асадбекка ўхшашадими?
- Ҳамманинг шароити бир хилми? Мен қайнотангнинг ёнини олмоқчи эмасман. Аммо жамиятнинг, муҳитнинг айбини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Дунёда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ. Қизиқ нарса, эшитгин-а: уруш бўлмасайди, Асадбекнинг отаси жангга бормас эди. Асирга тушмасайди, Югославия партизанлари сафида юрмас эди, шундай экан, демак, қамалмас ҳам эди, қамалмагач, боласини яхши тарбия қилар эди. Асадбек яхши одам бўлса, демак, Ноила ўлдирилмасди, сен қамалмасдинг, Жамшид тирик қоларди. Ва ниҳоят...
- Ва ниҳоят, — деди Элчин, дўстининг сўзини бўлиб, — сен архивда ҳужжат титиб келиб, менинг бошимни қотирмасдинг.
- Майнавозчилик қилмай тур. Яна бир нарса...
- Яна бир нарса шуки, — деди Элчин гапни бўлиб, — аданг ойингга уйланмаганларида сен туғилмас эдинг, мен ҳам мағзава гаплардан қутулар эдим.
- Ҳали гапимиз мағзава бўлдими? — деди Анвар ранжиб.
- Мағзава бўлмай нима? Унақа бўлмасайди, бунақа бўлмасайди... Бу Асадбек бўлмаса, бошқаси чиқарди. Униси бўлмаса буниси ўлдирарди. Жамшид Асадбекка хизмат қилмаса, ана, Ҳосилбойваччага, ҳатто Манасянга хизмат қилаверарди. Пешонага ёзилганидан кейин кимга хизмат қилса ҳам барибир шунақа ўлим топарди. Юзта-юзта қиламизми, отасанми?

— Йўқ, менга қайнотангни топиб бер.

Елчин ичкари кириб, телефон қилиб чиқди:

— Шу ерда ўтириб тур. Ҳозир келиб, иззатингни жойига қўйиб олиб кетишади.

#### 4

Елчин қўнғироқ қилганида Асадбек уйда хотини билан гаплашиб ўтирган эди. Бугун эрталабдан эти увишиб, юраги сиқилиб тургани учун кўчага ҳам чиқмади. Аъёнлари келишган эди, уларга ҳам жавоб бериб юборди. Ёлғиз қолишни истади. Хотинига аччиқ мастава буюрди. Овқат пишгач, иштаҳаси бўғилди, бир-икки қошиқ ичган бўлиб, косани сурди. Кейинги пайтда елкасидан бир нима босиб, суюклари зирқирайдиган, нафаси қайтиб, юраги сиқиладиган бўлиб қолган эди. Шунақа пайтда одам зотини кўргиси келмай қоларди. Бу ҳол бир-икки қайтарилгач, хотинига айтди.

— Вой адаси, дарров ўқитиб ташлаш керак, — деди Манзура.

Асадбек бунақа нарсаларга ишонмас эди, қўл силтаб қўя қолди. Лекин Манзура айтганини қилди: эрининг кўйлаги, рўмолчаси, қант, чой, майиз олиб бориб домлага дам солдириб келди. Шу амалнинг таъсирими ё бошқа сабабми, кейинги бир ой анча енгил эди, нечундир бугун эрталабдан оғир бўлиб турди.

— Адаси, дони қолса ҳам, сувини ичинг, — деди Манзура, ялиниш оҳангида.

Асадбек хотинининг кўнгли учун яна бир қошиқ ичди-да:

— Зўрлама, — деди. — Кўнглим ғаш. Иштаҳам йўқ.

Манзура косани олиб хонтахта четига қўйди-да, бошини эгиб индамай ўтирди.

Ерталабдан бери Асадбекнинг назарида уй ҳувиллаб, эгасиз бўлиб қолгандай туюлаётган эди. Ҳозир хотинининг мунғайиб ўтиришига қараб фақат уй эмас, вужуди ҳам эгасиз эканини, руҳи ҳам ҳувиллаб қолганини ҳис қилди. Ажаб... ахир кеча ҳам, бир ой олдин, ярим йил олдин ҳам аҳвол шу эди. Кунлик ишлар, ташвишлар қуёш ботиши билан чекингач, эр-хотин ёлғиз қолишарди. Аммо нечундир Асадбек ёлғизликнинг тирноқлари темирдан эканини, забтига олганда бу қадар аёвсиз бўлишини сезмаган эди.

«Тағин ҳам Манзурага қойил қолишим керак. Зайнаб узатилганидан бери уйда бир ўзи... Кун бўйи қайтишимни кутади. Аввалгидай жойнамоз устида ўтириб, қўрқиб кутмаса ҳам, хавотирланади. Мен ҳақимдаги миш-мишларни эшитади. Эшитади-ю... бу лақма шу гапларнинг кўпига ишонади-я?.. Ҳе, ношуд... Кечқурун эса мен келаман... жаҳлим чиқса кўпиртириб сўкиб қоламан. Шунда ҳам чидайди...».

Асадбек хаёлидан шу гапларни ўтказиб, ажабланди. «Менга нима бўляпти? Бунақа гапларни ўйламасдим. Қизиқ...».

Ўзи гапирмаса хотинидан садо чиқмаслиги Асадбекка аён. Шу сабабли нимадир деб, у ўлакка сукунатни ҳайдаши лозим эди. Бугун бош табиб Зайнабнинг аҳволини баён этган бўлса-да, хотинидан сўради:

— Қизинг бугун-ерта чиқиб қоладими?

Манзура эрига қаради, кейин гуноҳкор одамдай кўзини олиб қочди:

— Эртага чиқарамиз, дейишувди, бугун яна мазаси қочибди. Ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

— Нима бўлди?

— Аъзои баданида бирдан титроқ туриб ўзини билмай қолди. Ҳартугул, уколдан кейин тинчиб, ухлади.

— Касалхонадан чиқа қолгани маъқул. Касалларни кўравериб, дарди баттар ошади. Уйига қайтса, енгиллашади. Дўхтирлар келиб, қараб туришади.

— Уйга келгани маъқулку-я... — Манзура шундай деб, ҳадиксираганича эрига бир қараб олди.

— Гапингни ямлама, — деди Асадбек, нохуш бир янгилик айтилажани сезиб.

— Энди... қандай яшаб кетаркин, дейман-да...

— Бу нима деганинг? Олдин қандай яшаган бўлса, бундан кейин ҳам ўшандай яшайверади.

— Эрига ғалати гапларни айтворди-да...

— Қачон?

— Осган куни... Куёвингиз келувди-ку?..

— Нима деди?

Манзура эшитганларини бир оз юмшатиб айтишга ҳаракат қилди. То сўнги сўз тилидан учгунга қадар азобланди. Юраги тузоқдаги қуш каби потирлади. Агар уни биров бўғса ёинки бўғизласа, бунчалик азобланмаган бўлармиди... Бунақа аҳволда аёл кишининг суянадиган тоғи — йиғи бўлади. Аммо Манзура йиғлашга эридан қўрқди. Гапира туриб дам-бадам эрига хавотир билан мўлтиллаб қараб қўйди. Гапириб бўлгач, қочиби чиқиб кетгиси келди. Наиложки, бундай қилолмади. Энди эрининг сўзини, ҳукмини тинглашга мажбур эди. Ҳукм Манзура кутмаган ҳолда, биргина сўздан иборат бўлди:

— Аҳмоқ!

Ерининг овозида титроқ сезиб, Манзура чўчиди — бу яхшилик аломати эмас...

— Жон аччиғида айтди-да, — деди қизини оқлашга ҳаракат қилиб. — Ҳамма гапи ёлғон, алампдан айтиб юборди.

— Сен аҳмоқсан! — деди Асадбек овозини кўтариб. — Шу гапни айтгунича индамай турдингми? Уриб, оғзини ёриб юбормадингми?

— Вой, адаси...

Манзуранинг гапи чала қолди. Асадбек шу пайтгача қилмаган ишини қилди — чойи совиб улгурмаган пиёлани олиб, хотинига қараб отди. Жаҳолат билан пиёлани қўлга олганида қандайдир ғойибона бир овоз «бундай қилма!» дегандай бўлди. Аммо пиёлани отиш учун қўлга олган, демак, отмоғи лозим эди. Айни чоғда, ғойибона овоз ҳукмидан ҳам қутула олмади — мўлжални атай бузди. Пиёла Манзурани ёнлаб ўтди-да, дераза тоқчасига тегиб, синди.

Манзура қўрқувдан сапчиб, ўрнидан турди.

— Ўтир! — деб бақирди Асадбек.

Манзура эндиги бўладиган ҳукми, ёки ҳаракатни кутиб, титроқ бармоқларини дастурхон попуғи ортига яшириб ўтирди.

— Қизинг тўғри эриникига боради. Гапни чувалайдиган бўлса ўзим осаман уни!

Манзура эрига қаради. Қўрқувдан жавдираётган кўзларида «Кимни, куёвингизними ё қизингизними?» деган савол муҳрланган эди. Асадбек бу саволни ўқди:

— Қизингга тайинла, қадамни билиб боссин. У кўчадаги бир қаланғи-қасанғининг эмас, Асадбекнинг қизи! Мен қизимнинг бахтли бўлиши учун ҳеч нарсадан қайтмайман.

Асадбек ўша воқеадан сўнг, вақти келса номус ҳақида гапириб қўяман, деб ўйлаган эди. Ҳозир айтишни ҳам мўлжал қилди. Лекин хотинининг аҳволига қараб, бугунга шуниси ҳам етарли, деган тўхтамга келди.

Худди шу пайтда Элчин телефон қилди. Қўнғироқ овозини эшитиб, Манзура ўрнидан қўзғалмоқчи эди, Асадбек: «Ўтиравер, болалар олишади», деди. Манзура гап тамом бўлди шекилли, деб дастурхон устини йиғиштира бошлади. Бу орада болохонадаги йигитлардан бири деразани аста чертиб, овоз берди:

— Бек ака, Ҳофиз акам сўраяптилар.

Бу хабарни эшитган Манзура эрига савол назари билан боқиб, жойида қотди. Асадбек ўрнидан туриб «ишингни қилавер», деди-да, уй бурчагидаги юмалоқ стол томон юрди. Садаф рангли телефон гўшагини қулоғига тутди-да:

— Ҳа, Ҳофиз, тинчликми? — деди.

Елчин мақсадни баён қилгунича унинг гапини бўлмади. Сўнг:

— Ўша ерда ўтира турсин. Ҳозир машина юбораман, — деб гапни калта қилди.

Манзура ҳануз эрига савол назари билан қараб турарди.

— Ишингни қилавер, дедим-ку! Сенга тааллуқли гап эмас, — деди Асадбек зарда билан. Кейин хотинининг мўлтиллаган кўзларига кўзи тушиб, унга раҳми келди. Пича юмшоқроқ оҳангда

унга далда бермоқчи бўлди: — Зайнабдан кўнглинг хотиржам бўлсин. Кўёвинг битта гапга ишониб кетадиган аҳмоқ эмас. Ишонганида шу пайтгача бир нарса дерди. Телефон хабарини етказган йигит айвондан узоқлашмай, Бек акасининг амрини кутиб турган эди. Асадбек ташқарига чиқди-да: «Маҳмуд акангни топ», деб буюрди. Жамшид йўқ бўлганидан бери айрим дастёрлик ишлари ҳам Чувриндининг зиммасида эди. Бир неча дақиқадан сўнг йигит «телефонда Маҳмуд акасининг кутаётганини» маълум қилди. — Маҳмуд, дам олаётувдингми? — деб сўради Асадбек. — Хизмат бўлса айтаверинг, — деди Чувринди. — Ҳофизникига ўтсанг, ошнаси ўтирибди. Шу йигитни тез олиб кел. Ҳа, ҳали сўраш эсимдан чиқибди: машина масаласи нима бўлди? — Оқидан йўқ эмиш. Нол тўққизнинг оқидан бор. Одамлар ҳозир шунга ишқибоз. — Одамлар ишқибоз бўлса олаверсин. Менга ёқмайди, ўриснинг тобутига ўхшайди. Узоғи билан икки кун ичида бўлсин. Зайнаб шунга қараб, ё эрта, ё индин чиқади. Эрининг ўзи ўша машинада олиб чиқиши керак. — Яхши. Калитни ўзингиз берасизми? — Шунга ҳам дабдабами? Машинани олиб бор. Калитни бер. Гапни калта қил. Олифтагарчилик қилиб минғирласа эътибор берма. Ҳа, яна бир гап: йигитларингдан бирига тайинла — яхшилаб бозор қилиб, олим боланинг уйига ташлаб қўйсин. «Анжондан келувдик, бир суҳбатларини олмоқчи эдик, яна келамиз»ми дегандек гап қилсин, — Асадбек шундай деб гўшакни жойига илди. «Олим боланинг хабарини эшитишимни сезганимдан юрагим сиқилган бўлса керак», деб ўйлаб, Анварнинг келишини кута бошлади.

### ХIII 6 о 6

#### 1

Шариф Намозовнинг қамоқдан чиқарилиши ҳақидаги хабарни олиб кирганидан бери бу одамни Зоҳид ёқтирмай қолган эди. Кейинроқ билса, прокурор ёрдамчиси билан яқин алоқада бўлган бу терговчини бошқалар ҳам унча хушлашмас экан. «Ўзи чақа олмайди, аммо одамни сескантиради, бу — сувилон», деб аташаркан уни. Унинг қўлида тайинли иш ҳам йўқ. Ҳали у хонага, ҳали бу хонага кириб лақиллашдан бошқа нарсани билмайди. Унинг одати шуми, ё гап ўғирлаб юрадими — Зоҳид аниқ айтолмайди. Унга маълум бўлгани — «Сувилон» кириши билан тилга қулф урмоқ зарур. Қўшнингни ўғри тутма, аммо ўзингдан эҳтиёт бўл, деб бежиз айтишмаган-да.

«Сувилон»нинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш бахти бугун Зоҳидга насиб этган экан. Зоҳид эксгуматсия хулосаларини ўқиб ўтирганда у кириб келди.

— Ў, ёш ҳамкасбим, ишдаги ютуқлар қалай, яхшими? — деб кўришди.

Ўзидан икки-уч ёшгина катта бу «ёшулли ҳамкасб»нинг лутфи Зоҳиднинг ғашини келтирди.

«Бошимни қотирмай тезроқ чиқиб кетармикин», деган ўйда рўйхуш бермай кўришиб:

— Юрибмиз, тупроқдан ташқарида, — деб қўйди.

— Қойилман, чиройли гап айтдингиз, — деди «Сувилон» кулиб. — Бизнинг соҳамизда тупроқдан ташқарида юришнинг ўзи катта бойлик! Ишдан гапиринг, ишлар қалай?

— Бўляпти.

— Тезроқ бўлдиришга ҳаракат қилаверинг. Лекин сизга ҳам ҳавасим келади, ҳам ачинаман.

Ҳавасим келганики, зўр ишларни сизга ишониб топширишди. Эпласангиз, тез кўтарилиб кетасиз. Ачинишимнинг сабаби шуки, ҳали ғўрсиз. Эплай олмасангиз, фишт, — у «келган жойингизга қараб жўнайсиз», деган маънода ҳуштак чалиб қўйди. — Лекин сиз тушкунликка тушманг. Қийналсангиз, мана, биз бор. Тортинманг. Сизга шаҳар «угро»сидаги Солиев ёрдам

беряптими? Омадингиз йўқ экан, ланж у одам, ишни резинкадай чўзади. Ўрдакка ўхшаб, тумшуғини балчиққа тиқиб олиб, лой титкилайди.

— Чўзса ҳам пухта ишлайди. Хом ишдан пухтаси дуруст-да.

— Янглишяпсиз. Бизнинг ишимизда энг биринчи галда тезлик туради. Билиб қўйинг, янги бўлган энг каттамыз бошлиғимизни сўхбатга чақириб «суст ишляяпсизлар» деганмиш. Тушундингизми? Янги раҳбарнинг талаби ҳам янгича бўлади. «Суст ишляяпсизлар» дебдими, демак, биздан оперативлик талаб қилинади. Ишни чўздингми, тамом, жойни бўшатавер. Мана, сиз: бўйнингизда иккита қотиллик турибди. Иккита ретсидивистни ушлабсиз. Нима қилмоқчисиз?

— Нима қилардим, тергов-да.

— Ғўрсиз, дедим-ку. Омад қўлингизга қўниб турибди-я! Гувоҳ борми, бор. Олдинги қотилликни ҳам уларнинг бўйнига қўйинг-да, ёпинг ишни. Уларнинг борар ери тайин, — у шундай деб бармоғи билан ҳавода сиртмоқ шаклини чизди. — Битта қотилликка ҳам шу, ўнтасига ҳам. Нима сўраса, хўп денг, ваъдани каттароқ қилаверинг. Бўйнига олади. Ишнинг кўзини билиш керак, ука.

Унинг гапларини эшитиб, Зоҳиднинг кўнглида бир шумлик уйғонди.

— Шунақа дейсизу талабини бажариш қийин-да,— деди у, содда одамнинг ниқобига кириб.

— Нима дейди? — деди «Сувилон» сергак тортиб.

— Қотилликни биттаси бўйнига олмоқчи. Шунинг эвазига шеригини, яна икки кишини чет элга ўтказиб юбориши керак экан. Бу менинг қўлимдан келмайди-да.

— Э, сиз ваъдани беравермайсизми?

— Петрашвили дегани пихини ёрган экан. Аввал улар чет элга кетсин, ўша ердан менга хат ёзсин, кейин мен бўйнимга оламан, дейди.

— Оббо занғар-е, қалтис жойидан ушлабди. Мен бир ўйлаб кўрай-чи, йўли топилар, — «Сувилон» шундай деб хонадан чиқишга шайланди.

Зоҳид бу гапни шунчаки қитмирлик учун айтган эди, унинг ўзгаришини кўриб, ажабланди-да, эшикка етган жойида тўхтатди.

— Сизда мабодо Маҳмуд Эҳсоновнинг телефони йўқми?

«Сувилон» тўхтаб, орқасига ўгирилди:

— Маҳмуд Эҳсонов? Ким у? — деб сўради талмовсирагандай бўлиб.

— Иккинчи мурдани унинг уйдан чиқаришган-да. Асадбекка яқин одам, деб эшитдим.

— Уни нима қилмоқчисиз?

— Ҳеч нима қилмайман. Фақат эксгуматсия хулосаси билан таништириб қўйай дедим.

«Сувилон» бу гапни эшитиб, ўйланди-да:

— Бир қарай-чи, бўлса айтаман, — деб хонадан чиқди.

«Агар Эҳсоновнинг телефонини олиб кириб берсанг, фирт аҳмоқ бўласан», деб ўйлади Зоҳид.

## 2

— Ҳа, «Сувилон»нинг чиндан ҳам аҳмоқ экан, — деди маёр Солиев, Зоҳиднинг гапларини эшитгач.

— Бечора довираб қолган. Агар бу қилмишини эгалари билиб қолса...

— Билиб қолишса ҳам буни бало урмайди. Бунинг аҳмоқлигини эгалари билишмайди, дейсанми? Ҳар- ҳолда, ақлли одам уларга хизмат қилмас дейман-ов...

— Ҳар қандай идорада ҳеч бўлмаса битта аҳмоқ топилади, демак, улар истаган идораларига ин қўйишлари мумкинми? Гапингизни шундай тушунишим керакми?

— Хоҳласанг шундай тушун, хоҳламасанг ўзинг биласан. Аниқ гап шуки, улар ҳозир истаган идораларига кириб бора оладилар. Лекин бунга битта-иккита аҳмоқни сабаб қилиб кўрсатиш нотўғри. Асадбекка ўхшаган одамлар ўтган тарихда ҳам бўлган. Бунақалар ниҳоятда зийрак, пайт пойлашади. Агар ҳоқимият қаттиққўллик кўрсата бошласа, булар ин-инларига кириб

кетадилар, қўйдек ювош тортадилар. Шоирларнинг тили билан айтсам, бўрилар қўй пўстинига ўралиб, пайт пойлашади. Бўрининг урғочиси қўчқордан қочса ҳам барибир бўри туғади. Булар қўй пўстаги остида урчиб ётаверишади. Ҳокимиятда бўшанглар пайдо бўлса — тамом, қўй пўстини ечилади. Ҳозир биз шунақа даврнинг чўққисига келдик. Сен менинг «қарилик гаштини суришга» қандай кетганимни биларсан?

Зоҳид бу воқеанинг тафсилотини орқаворотдан эшитган эди, шу боис хижолатдаги одамнинг кулимсираши билан «йўқ», деб қўйди.

— Чет элда ишлаб келган икки одамнинг уйини ўғри урибди. Изига тушдим. Таппа босдим. Ишонасанми, ўн олти-ўн еттидаги болалар. Пулга муҳтож ҳам эмас. Ўғрибошиси катталардан бирининг боласи экан. Ота-онаси дам олишга кетиб, уйда маишат қилиб ётган экан. Шериклари ҳам ўзига ўхшаган такасалтанглар. Айбларини бўйинларига қўйсам ҳам ўзларига сув юқтиришмайди. Безгина бўлиб тураверишди. «Битта телефон қилиб олсам майлими» девди, «қани, нима қиларкин», деб рухсат бердим. Менинг хатоим шу бўлди. Бола отасининг ёрдамчисига қўнғироқ қилди. Биз ўғирланган моллар рўйхатини олгунимизча ёрдамчи етиб келди. Аввал юмшоқ гапирди, кейин пўписа қилди. Икки соатлардан кейин боланинг отаси Ялтадан телефон қилди. Очиқ савдо бўлди. Мен болаларни қўйиб юборадиган, у эса фалон-фалон нарсаларни ундирадиган бўлди. Савдо пишмади. Эрталаб бошлиқ чақириб турибди. Яна яхши гап, яна насиҳат, яна пўписа... Буларнинг тили бирлигини кўриб, ҳайрон қоласан. Хипчин ушлаган жойингдан эмас, эгилган еридан синаркан. Мен хипчиннинг бир учини ушлаб аҳмоқ бўлиб қолавердим. Аввал тўрт хонали уйни бўшат, эр-хотинга бир хонали ҳам бўлаверади, дейишди. Ўғлимнинг оиласи билан чет эл хизматида экани, ҳадемай қайтишига ҳам парво қилишмади. Уйни бўшатдим. Янганг билан ажралиб кетишимга сал қолди. Хуллас, иззат-икромсиз қарилик гаштини суришга кузатишди. Бир ярим йилдан кейин ҳалиги каттанинг ўзи қармоққа илинди. Боласининг иши қайта қўзғалиб, мен яна ишга қайтдим. Мукофот тарзида менга энди беш хоналик уй ҳам беришди. Кўрдингми, аҳволни? Сен адолат тантана қилди, деб ўйлаяпсан, а? Бекор гап! — Солиев шундай деб қўл силтади. — Ҳали каттанинг айбини яна ҳам бўрттириш учун мени эслаб қолишди. Ҳозирги катталар ўзларини адолатли қилиб кўрсатишга уринишяпти. Улар бошқаларга жилмайиб қарашади, бармоқлари эса бўғзимизда. Бўғиб туриб «нега яхши нафас олмайсан», деб бизни айблашади. Ўзлари эса оппоқ. Мана, кечаги раҳбарингни қара: Фарғонадаги фожианинг сабабини қулупнай бозоридан қидириб, катта минбарда лақиллатди. Энди думини тугишар, девдим, яна ҳам каттароқ амални бериб ўтиришибди. Юқоридаки шунақа аҳволми, пастдагиларга ажабланма.

— Пашшангни кўриб ўтиравер, демоқчимисиз?

— Бу энди ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Мен кўпни кўрдим. Билганим шуки, тегирмон тоши бир хилда айланмайди. Лекин замон ўзгаргунча чидашга тўғри келади. Ке, қўй, бу гапларни, — Солиев шундай деб тиззасига шапатилади. — Нимага чақирдинг?

— Эксгуматсия натижасини олдим. Дастлабки экспертиза натижаси асосан тасдиқланди. Эксгуматсияга Эҳсоновни чақиртирган эдим, келмади.

— Келади, деб ўйловдингми?

— Келишига ўзим ҳам унча ишонмаган эдим. Келмагани бир жиҳатдан яхши бўлди. Уйига боришга баҳона излаб турувдим.

— Уйда нима қиласан?

— Бир кўрай-чи, қандай яшар экан?

— Иш учун зарур деб ўйлайсанми?

— Йўқ, ўзим шунчаки қизиқяпман.

— Қизиқмаганинг маъқул.

— Нима учун? Ахир мен ниманинг эвазига жонларини хатарга қўйганларини билишим керак-ку?

— Жонларини мол-дунё учун тикканлар, нимасига тушунмайсан?

— Тушунмайман, Мақсуд ака, тушунмайман. Хўп ҳовлисида фаввора бордир, ҳожатхонасининг

деворларига чехларнинг гулли, ялтироқ кафеллари ёпиштирилгандир, шипига кийикнинг расми чизилгандир. Шуми? Жон шунинг эвазига тикилган бўлса, арзон кетмайдими? Ахир фавворасиз ҳам, кафелсиз ҳам, кийикнинг расмисиз ҳам яшаса бўлади-ку? Одамлар буларсиз ҳам яшаб юришибди-ку?

— Яшаяпти. Қизиғи шуки, булар ҳам бир пайтлар дабдабасиз яшашган.

— Мен ҳам шуни ўйладим. Мен баъзан ҳамма нарсадан безиб кетаман. Дадамнинг ёнларида кетмон чопиб юрганимни қўмсайман. Ҳозир бориб кетмонни қўлларида олсам, кечагидан ёмон яшамайман.

— Сенинг яхши ҳунаринг бор экан. Мен бечора нима қилай, бирдан-бир ҳунарим — жиноятчини қувиб юриш.

Зоҳид Солиевнинг гапларида истехзо оҳангини сезиб, кераксиз ҳиссиётга берилганини фаҳмлади-да, кулиб қўйди.

— Сиз нима бўлсангиз, мен ҳам шу. Ҳозир биров менга кетмонни ишониб бермас, дейман. Сиз менга бир масалани ечишда кўмаклашинг: «Сувилон» аниқ мақсад билан кирган эди, мен уни бошқа йўлга буриб юбордим шекилли.

— Қани, ўша аниқ мақсадини айт-чи?

— Тушунмадингизми? Ишни ёпишим зарурлигини шипшитиб қўймоқчи бўлди.

— Сен қандай хулосага келдинг?

— Ишни-ку, ёпмайман, аммо йўналишни ўзгартираман. Қотилни эмас, Жамшид Суннатуллаевни қидираман.

— Сабаб?

— Сабаб — Суннатуллаев тирик.

— Буни улар билишадими?

— Билишмаса ишни ёпишга уринишмас эди.

— Хўш, қидирдинг, топдинг ҳам дейлик?

— Калаванинг бир учи ўша йигитнинг қўлига боғланган.

— Биринчи қотиллик-чи?

— Биринчиси ҳам.

Солиев қатъий тарзда айтилган бу фикрни эшитиб, стол устини ноғора қилиб чертиб, ўйга толди.

— Чигал, ниҳоятда чигал иш, — деди оғир тин олиб.

— Иккинчи савол худди шундан келиб чиқади. Нима учун бу чигал иш айнан менга, тажрибасиз бир терговчига топширилди. Ахир бунақа ишлар тажрибали одамга, ёки прокурор ёрдамчисининг ўзига топширилар эди-ку? Бу ёр болса чигал ишни ечишга эриниб, қўл силтаб қўя қолар, дейишдими? «Сувилон» бу ишни ёпганимдан кейин кўтарилишим мумкинлигини шунчаки писанда қилмагандир?

— Тўғри англабсан. Бу ёғини энди ўзинг ўйлаб кўравер. Сенга бир янгилик бор, кеча заргарлик дўкони ўмарилган, шу ишни менга беришди. Ҳамдам эса Фарғонада...

— Шунга ҳайронман, Фарғонадаги ишлар билан марказдан келганлар шуғулланаятувди шекилли?

— Сен ҳайрон бўлма, ўйла. Мендан кўнглинг тўқ бўлсин, ёлғиз қолдирмайман. Петрашвилини сўроқ қилдингми?

— Ҳа. Аммо янги гап чиқмади.

— Ундан чиқмайди ҳам. Янгисини сенга мен айтаман. — Солиев шундай деб, портфелини очиб, муқоваланган бир даста қоғозни олди-да, Зоҳидга узатди. — Танишиб чиқ, Петрашвилининг иши.

Зоҳид қоғозларни варақлаб, ажабланди. Бу жиноий ишнинг юритилиши ҳақидаги расмий ҳужжатлар эмас, балки ҳаваскор изқуварнинг кузатишини эслатарди. Солиев Зоҳиднинг ҳайрон бўлганини сезиб, изоҳ берди:

— Тўғри пайқадинг, бу расмий иш эмас. Очиқроқ гап шуки, расмий равишда жиноий иш очишга имкон беришмаган. Жиноятчилар сен билан мени бир чўқишда қочирадиган бўлиб кетишган. Мана шу Петрашвили ҳар сафар майда ўғирлик ёки безорилиги учун қамалган. Буни биласан. Ўзини кўриб, гаплашганингда ажабланмадингми? Ким эканини кўз қара- шининг ўзи айтиб турибди-ку? У асосий хизматни қамоқдалигида бажарган. Мана охиргисида вилоят каттасининг беминнат дастёри бўлган. Демократия дегани ҳаммининг бошини айлантирмадимми?

Катталардан норозилар Масковга хатлар ёзишмадимми? Хат айланиб келиб, яна ўша каттанинг қўлига тушдимми? Ажаб ҳол, а? Қўй бўрининг зулмидан шикоят қилиб, шерга арз қилади. Шер «арзни адолатли ҳал қил», деб бўрининг ўзига оширади. Майда арзчиларнинг иши осон, бирикки пўписа билан тинчийди. Лекин катта билан олишадиган тоифалар ҳам чиқиб қолади-ку? Каттанинг сирини биладиганлар ғимирлаб қолса-чи? Ана шунда каттанинг калласи ишлаб қолади. Қамоқдаги Петрашвилини ёллайди. Каттанинг истаги билан Петрашвили бир кунга, ёки бир кечага, ёки бир соатга қамоқдан чиқарилади. У ишни битиради-ю, жойига қайтади. Жиноят содир бўлган, жиноятчи эса йўқ. Катта эса ҳамкасбларимизнинг гирибонидан олиб, булғалайди. Учинчи жиноятдан сўнг менинг бир қадрдоним изга тушади. Аммо уни ҳам менга ўхшатиб қариллик гаштини суришга ҳукм қилиб юборишади. У қўлидан келганича кузатган, Петрашвилининг жиноятларини исботлашга уринган. Бу қоғозлар энди тилга кириши мумкин. Ўша катта ҳозир жойини топиб кетган. Сен ишни яхшилаб ўрганиб чиқиб, Петрашвилини сиқувга ол.

— Буниси қизиқ бўлди, — деди Зоҳид, пешонасини силаб. — Шунақа маккорлик билан ишлаган одам нима учун бу шилта ишга илашиб қолди?

— Булар меъёрни билишади. Петрашвилининг услуби эскирди. Энди у арзон-гаров қўғирчоққа айланган, қадрни кетган. Петрашвилига қандайдир ваъда беришгандир. Бир нарсага зориқмаса, бунақа ишни зиммасига олмас эди. Уни бошқа қамоқхонага кўчиришга ҳаракат қилиш керак.

— Нима учун?

— Нима учун? — Солиев бош чайқади. — Сезмадингми? Петрашвили ҳам, шериги ҳам ё нашаванд, ё гиёҳванд. Бу қамоқхонада уларнинг одами бордир. Етказиб бераётгандир. Етказувчи занжирини узиш керак. Ана шунда улар хумордан тутайди. Бошини деворга уради. Бир чеким наша учун отасини ҳам сотади. Ҳозирча «мен ўлдирмаганман, мен ёқмаганман», деб турибдими, хумордан қийналганда биринчи айтадигани «мен ўлдирганман» дейди. Қотилликни бўйнига олади. Сен уларга ишонгандай бўласану бошқа томондан босасан. Сен шу кунлар ичи бошлиқ билан яккама-якка гаплашишга уриниб кўр. Эшитишимча, янги раҳбар уни суҳбатга чақирган. Қаттиқ талаб қўйган. Ҳозир учрашишнинг айна пайти. Фақат бу идорангдагиларга билдирма. Унгача турмада капитан Мусаев деган йигитга учраш. Кўрсанг, худди чумак арининг ўзи. Агар у ерда юзта ҳалол одам бўлса, юзнинг бири, биттагина бўлса, шунинг ўзи. Унга тайинласанг, кавказликларингга кўз-қулоқ бўлиб туради.

Зоҳидга бу фикр маъқул туюлди.

### 3

Чувринди уйга ҳазин бир аҳволда қайтаётган эди. Бугун унга онасининг хасталаниб қолганини маълум қилдилар. У «яна ўша эски дарддир» деб ўйлаб, боришга шошилмади. Мўлжалдаги ишларни бажа-риб бўлиб, бориб қарасаки, аҳвол у ўйлагандан ёмонроқ. Онаси айвонда шифтга тикилиб, бемажол ётибди.

— Қайфи йўқми? — деб сўради Чувринди пешвоз чиққан уй бекасига.

— Йўқ, кечадан бери сўрамайди ҳам.

— Диспансердан нима учун олиб келдингиз? — деб сўради Чувринди уй бекасидан.

— Хабар олгани борган эдим. Дўхтирлар олиб кетганингиз маъқул дейишди... — уй бекаси шундай деб лабини тишлади. У асосий гапни айта олмади.

Чувринди шу пайтгача онасига салом бермаган эди. Ажабки, ўзи истамаган ҳолда, паст овозда



Бўлса ҳам салом берди. Онаси унинг овозини эшитиб, шифтдан кўзини олиб, у томон қаради. Лаблари титради. Бир оздан сўнг ёноғига бир томчи ёш думалади. Бу аёлни танимаган одам уни ҳали олтмишга кирмаганига зинҳор ишонмас, камида саксон йил умр кўрган кампир, деб баҳо берар эди.

Уй бекаси асосий гапни айтолмаган бўлса ҳам, Чувринди унинг нима демоқчи эканини англаган эди. Ҳозир онасига қараб «Наҳотки?» деган фикр юрагига бир лаҳзалик энгил титроқ бериб ўтди. Она дейишга ҳам арзимайдиган бу шилта хотин ўлса бир туким ҳам қилт этмаса керак, деб ўйларди. Ҳозирги аҳволига ўзи ҳам ажабланди. «Ачинаяпманми? Нега? Бу дунёда бор бўлди нимаю йўқ бўлди нима? Ўзига ярашасини олди. Итдай хор бўлди. Энди хорликлардан қутулади. У-ку хорликдан қутулади. Мен-чи? Исноддан қачон қутуламан?» Чувринди онасига қараб шуларни ўйларди. Шу ўйлари билан юрагида ғимирлаётган ачиниш ҳиссини бўғмоқчи бўларди.

Онаси эса... унга қараганича унсиз йиғларди.

Нима учун йиғлаётганини ўзи ҳам билмасди.

Бу дунёдан қандай армон билан ўтаётганини идрок қила олмасди...

Ўғлига бир нима дегиси келарди, аммо тили гапга айланмас эди...

Нима десин? «Болам» десинми? Ҳаққи борми шундай дейишга. Туққанидан бери бирор марта «болам» деб суймаган, энди ўлари олдида шундай дейишга тил ҳам бўйсунмайди. Юрагида «Болажоним!» деган фарёд уйғонади, аммо қотиб қолган тил, бу фарёдни эгасига етказиб бера олмайди. Юракнинг таржимони бўлмиш тил ожиз...

«Рози бўлгин», десинми? Қайси қилган яхшилиги учун розилик тилайди?

«Розиман» десинми? Ўғли зорми экан унинг ризолигига?

Бу аёлнинг ҳозирги аҳволини билган одам умр бўйи Яратганга муножот этиб, «Ё Раббим, мени бу банданг ҳолига сола кўрма» деб зорланиб ўтарди.

Чувриндининг онаси «болам» дея олмаётганидан, рози-ризолик тилай олмаётганидан ўкинмас эди. Чунки бундай тушунчалар уни аллақачонлар тарк этиб кетганди. Тўмтоқлашган ақли жаъмики нурли туйғуларни бўғиб ўлдириб бўлган эди. У яна бир неча соатлик ёки бир неча кунлик умри қолганини билмас эди. Улим тўшагида азоб чекиб ётарди, дейиш ножоиздир, чунки у ароқ тополмаган кезлари бундан баттар азобга дуч келарди...

Ҳозир йиғлагиси келди. Унсизгина йиғлади. Авваллари кулгиси келарди, куларди, маишат қилгиси келарди, қиларди. Ана энди йиғлагиси келди...

Ажаб манзара: она ва ўғил... Ҳеч қачон бирга бўлмаган, ҳеч қачон бир-бирига меҳр кўрсатмаган икки тирик жон. Бу дунёда нима учун яшамоқ лозимлигини англамаган икки банда. Бир-бирларига айтмоққа сўзлари йўқ...

Мудҳиш манзара: ҳадемай жон бериши мумкин бўлган онасига айтмоққа ўғилда сўз бўлмаса?! Онанинг айтадиган гапи бор. Узоқ йиллар асраган гапини айтиши керак. Бу ҳақиқатни гўрига ортмоқлаб кета олмайди.

— Келиб тур, айтадиган гапим бор, — деди она хаста овозда.

— Гапингиз бўлса... айтинг, — деди ўғил.

— Ҳозир айтмайман... Жоним узилишидан олдин айтаман.

— Нега?

— Қўрқаман.

— Кимдан?

— ...

Билмайди... Чиндан ҳам шундай. Эрининг ўлимидан бери қўрқувда яшади, аммо кимдан қўрқанини ўзи ҳам аниқ билмади. Бу қўрқув ўша машъум воқеадан сўнг уйғонган. Ўшандан бери бу қўрқув хожа, у эса чўри. Шу қўрқув боласини ташлашга мажбур қилди. Шу қўрқув уни шаҳарга ҳайдаб келди. Ароқ ичиб, кайф қилгандагина қўрқув уни холи қўярди.

— Келиб тур, — у шундай деб бошини буриб, нигоҳини яна шифтга қадади.

- Эрталаб келаман, — Чувринди шундай деб дарвоза томон юрди.
- Омонат гаплари борга ўхшайди, — деди уй бекаси. — Келиб туринг. Айтмасалар жон беришлари қийин бўлади.
- Нега? — Чувринди тўхтаб, унга қаради.
- Одамлар шунақа дейишади. Кейин... ҳарна бўлса ҳам сизни туққанлар, «розиман», деб қўйинг. Ўзингиз ҳам розилиklarини олинг.
- Ҳозирми?
- Йўқ. Ҳозир орқага қайтманг, эртага келаман, деяпсиз-ку?
- Чувринди уйга келгач, машинасини одатича кўчада қолдирди. Ўртанча ўғли машинани тозалаб, ичкарига ҳайдаб киришга ишқибоз.
- Шом қоронғуси туша бошлагани учун ўнг томондаги дарахтга суяниб турган одамга эътибор бермаган эди. Дарвоза томон уч-тўрт қадам ташлагач, таниш овоз эшитилди:
- Эҳсонов!
- Уни ҳеч ким бунақа деб йўқламасди, шу сабабли ажабланиб, таққа тўхтади. Дарахтга суяниб турган одам унга яқинлашди. Чувринди уни таниб, ҳайронлиги ошди:
- Ие, прокурор, сизмисиз?
- Менман. Сизни кутиб турувдим.
- Тинчликми?
- Эксгуматсияга чақирган эдим, дарагингиз бўлмади. Иш кўпми?
- Иш-ку... кўпмас... Лекин очиғини айтсам... Ўликдан қўрқаман. Гапим кулгилими?
- Мен учун кулгили эмас. Чунки кўпчилик мурдадан қўрқади. Тирикдан қўрқишмайди, шуниси менга қизиқ туюлади.
- Қизиқми? — Чувринди Зоҳидга синовчан назар ташлади. — Тирикдан қочиб ё беркиниб қутулиш мумкин. Ўликнинг арвоҳидан қаёққа қочади одам?
- Сиз ҳақсиз. Рух бир ёпишса қутулиб бўлмаса керак.
- Зоҳид шу гапни айтгач, «уйига таклиф қилармикин ё йўқми?» деб ўйланди. Чувринди эса унинг бемалол туриб олиб гапни чўзаётганидан мақсадини фаҳмлади: «Уйга кирмоқчи шекилли?»
- Овора бўлиб келибсиз, хизматингизда бўлайлик, — деди озгина киноя билан. — Тинтув қилгани келмагандирсиз, а?
- Тинтувга келганимда сизни кутиб турмасдим. Агар сизга м а л о л келмаса, шу ерда туриб гаплашаверамиз.
- Зоҳиднинг кейинги сўзлари Чувриндининг киноясига ҳамоҳанг тушди. Чувринди буни сезиб, кулимсиради.
- Менинг уйимга келганлар остонадан ноумид қайтишмаган. Шу уй қурилганидан бери дарвоза қулф нималигини билмайди. Ишонмасангиз ана, қаранг. — У шундай деб уй томон йўл бошлади. Зоҳид дарвозага кўз ташлади: чиндан ҳам тутқич бору қулф йўқ.
- Мен қишлоқда туғилиб ўсганман. Қишлоғимизда қулфланадиган биронта ҳам эшик йўқ эди. Шаҳарда ҳам шундай қилса бўлармикин, девдим.
- Бўляптими? — деди Зоҳид остона ҳатлаб.
- Бўляпти шекилли?
- «Бўлмай-чи — деб ўйлади Зоҳид. — Бу уйга қайси ботир ўғри, кимнинг юраги билан яқинлашар экан? Қулф нима экан, аслида бу хонадонга дарвоза ҳам шарт эмас...»
- Чувринди уни кичик меҳмонхонага бошлади. Бу хонадонда учта меҳмонхона бўлиб, бири катта, иккинчиси ўрта, учинчиси кичик ҳисобланарди. Учқовида ҳам дастурхон ҳамиша тузоғлиқ турар, одамлар сонига, ҳамда даражасига қараб у ёки бу меҳмонхонага таклиф қилинарди. Чувринди аввалига Зоҳидни катта меҳмонхонага бошлаб қойил қолдирмоқчи эди. Кейин «буларнинг зоти қитмир бўлади, бир балони бошламасин», деб «камтарона» ҳисобланган хонага таклиф этди.
- Остона ҳатлаб ҳовлига кирган одам бир қарашдаёқ хонадоннинг саришта эканини кўради.

Мўъжаз фаввора, шийпон, уйларнинг жойланиши — ҳаммаси рисоладагидай. Агар ҳовлига товус билан кийик қўйиб юборилсами, эртақлардаги хон саройининг ўзи бўлиши мумкин. Чувринди бир неча дақиқа Зоҳидни меҳмонхонада ёлғиз қолдирди. Бу муддатда Зоҳид уй ичини кўздан кечиршига улгурди. Ҳовлида юриши керак бўлган товус меҳмонхона деворига муҳрланибди. Рассом ранг танлашга уста экану аммо меъёрни билмабди. Деворлару шифт табиат ва жониворлар тасвири билан тўлган, тасвирда фақат эшагу ит бўлмаса керак. Бу рассомнинг калтабинлигими ё хўжайин истагими — Зоҳидга қоронғу.

Чувринди кириб:

— Суратлар ёқдимми? — деб кулимсиради.

— Рассом яхши экану...

— Ҳайвонот боғи қилиб ташлабдимми?

— Ҳа.

— Мен сафарда эдим. Кичкинам кириб «уни чизинг» деса ҳам чизибди, «буни чизинг» деса ҳам чизаверибди. Мен ўзим бунақанги бачканаликни ёқтирмайман.

— Меъморчиликдан хабарингиз борми, дейман?

— Нега сўраяпсиз?

— Уй тартиб билан, яхши қурилибди. Меъморнинг қўли сезилиб турибди.

— Буни тўғри топдингиз. Бир меъмор ошнам ишбоши бўлиб қурган бу уйларни. Ўзимда савод йўқ. Мактабда ҳам чала-чулпа ўқиганман. Ўқишга ҳавас зўр эди-ку, шароит тўғри келмади.

— Нима сабабдан?

— Бунинг тарихини айтсам, минг бир кеча бўлади. — Чувринди шундай деб тузоғлиқ дастурхон устига ёйилган докани йиғиштириб олди.

— Қани, марҳамат қилинг.

— Меҳмон кутятувдингизми? — деб сўради Зоҳид. — Бемаврид келибман, шекилли?

— Қутаётган меҳмоним — сиз, десам ишонасизми?

— Йўқ, ишонмайман, — деди Зоҳид кулимсираб.

— Тўғри, ишонмайсиз. Ҳамма гапга ишонаверсангиз прокурор бўла олмас эдингиз, — деди Чувринди ҳам жилмайиб.

— Эксгуматсия хулосалари...

Зоҳид шундай деб гап бошлаган эди, Чувринди шарт кесди:

— Бу гапни қўя тулинг. Аввал таом, баъдаз калом, дейишганми?

Зоҳид «маъқул», дегандай қўлини кўксига қўйди.

Яхши ҳамки Чувринди сўзини бўлди. Дам ўтмай таом киритилиб, шўрвани ичаётган пайтда Зоҳид маёр Солиевнинг «Жамшид тирик эканига ишонишимизни ишашяпти», деган гапини эслади. Ажаб ҳолат: аввалига куйдирилган мурда — Жамшид, дейишди. Энди ўзлари «йўқ, у Жамшид эмас эди», дейишмоқчимми? Зоҳид шўрвани ича туриб Чувриндига бир-икки ўғринча қаради. Чувринди хотиржам овқатланар, юзидан, кўз қарашидан бирор маъно уқиш қийин эди. «Буларда бир сир бор, — деб ўйлади Зоҳид. — Ўзларига ёқмаган одамни ўлдириб, кўмиб ташлашса ҳам бўларди. Намойишкорона осишлари нимани англатади? Мақсуд ака бир нарсада янглишадилар. Уларнинг мақсадлари фақатгина бизни лақиллатиш эмас. Суннатуллаев — Асадбекнинг одами. Агар уни Асадбек ўлдиртурса, бундай осиб қўймас эди. Изсиз йўқолган одамлар рўйхатига кирарди. Бошқа тўда ўлдирган бўлса, булар нега жим? Нима учун хотиржам? Пайт пойлашяптими? Улар кутган фурсат қачон келади? Сўнг қандай балоларни бошлашади? Биз одатдагидай ғафлатда қолмаймизми? Наҳот буларнинг пайини қирқа олмасак?»

Зоҳиднинг қорни оч эди, шўрвани ҳам ичди, кейин қўйилган хасипни ҳам еди, ноз қилиб ўтирмади. Ташқаридан қараган киши буларни икки қарама-қарши қутб одамлари эмас, жонажон икки дўст ширин суҳбат қилиб, овқатланяпти, деб ўйлаши мумкин эди.

Чувринди «Еҳсонов!» деб чақирилиб, тўхтатилганида ғашланган эди. Ҳозир Зоҳиднинг айнан

шу кеч келганидан ўзича рози бўлди. Зоҳид келмаганида ёлғиз ўтириб, онасининг ташвиши билан банд бўларди. Зоҳид ташрифи билан ундаги андуҳни бир оз бўлса-да, чекинтирди. Айниқса гапларида расмиятчилик оҳанги йўқлиги Чувриндига маъқул келди.

«Овқат еяётганда туппа-тузук одамга ўхшаркан, а? — деб ўйлади Чувринди. — Лекин мenden нима истайди бу? Наҳот мени ҳаммасини айтиб берадиган гўл деб ўйласа? Хўп, ҳозир ҳаммасини тўппа-тўғри айтиб берайинми? Шунда ишониб, индамай кетадими? Ишониб бўпти. Яна ланжлик қилади, яна бефаросат ўрдакка ўхшаб тумшуғи билан балчиқ титаверади. Бўладиган гап шу — балчиғини титиб кунини кўраверсин. Балчиқдаги буларга ем бўлувчи чувалчанг қайда-ю, осмондаги бургут қайда?!»

Овқатдан сўнг Зоҳид икки пиёла чой ичгач, лабини сочиққа артди.

— Чойдан қуяйми? — деб сўради Чувринди, илтифот билан. Бу илтифот пардаси ортида «қани энди гапингизни айтаверинг», деган маъно ётган эди.

Овқатлана туриб бир қарорга келган Зоҳид Чувринди учун кутилмаганда қисқа гапирди:

— Эксгуматсия хулосасида айтарли янгилик йўқ. Мурда Суннатуллаевники, деган тахминда турибмиз.

— Тахминда, деганингиз нимаси?

— Аниқ хулосага келиш учун қўшимча далиллар керак.

— Қанақа далил?

— Буниси энди тергов жараёнида маълум бўлади. Сиздан бир илтимосим бор: бирор масалада безовта қилсам, аччиқланманг. Сиздан гумонсираётганимиз йўқ, фақат марҳумни яқиндан билганингиз учун у-буни сўраб турамыз.

— Ҳайрият-е, — деди Чувринди кинояли жилмайиб. — Мени гуноҳкор қилиб қўясизми, деб жоним ҳалақда эди. Энди эксгуматсия хулосасига келсақ, у мени мутлақо қизиқтирмайди. Биз уни Жамшид деб ўйлаб, иззати билан жойига қўйдик. Бошқа жиҳатлари билан шахсан менинг ишим йўқ. Мурда бошқа бўлса, Жамшид тирик бўлса, марҳамат, топиб беринг. Топсангиз, суюнчиси биздан. Мен сизнинг илтимосингизни қабул қилай. Сиз ҳам менинг насиҳатимни қулоғингизга олинг: балиғи йўқ ҳовузга қармоқ ташлаб овора бўлманг.

— Қани, бир уриниб кўрайлик-чи, балки суюнчи ёнингизга қолар. Балки қармоққа балиқ ҳам илиниб қолар? — Зоҳид шундай деб фотиҳа қилган бўлди-да, ўрнидан турди.

«Агар ниятлари бизни лақиллатиш бўлса, мен уларни чалғитдим», деб ўйлади Зоҳид.

## XIV 6 o 6

### 1

— Кўринишингдан чеченга ўхшайсану она тилингда гапирмаганингга ҳайронман, — деди машина ҳайдовчиси.

Зелихон унга дарров жавоб бера олмади. Озгина сукут сақлагач, бир хўрсиниб деди:

— Мен чеченман. Ота юртимда туғилдим у бошқа юртда улғайдим. Она тилимни биламан.

Гапирсангиз яхши тушунаману ўзим силлиқ гапира олмайман. Тил қотиб қолган.

— Тилим қотди, дейсанми? Унда сен адо бўлган одам экансан, оғайни, — деди ҳайдовчи, орқа ўриндиқда ўтирган Зелихонга кўзгу орқали қараб.

— Гапингга тушунмадим? — деди Зелихон.

— Она тилини билмаган инсон ўзини одам санамаса ҳам бўлади.

— Тилинг жуда узун экан, — деди Зелихон аччиқланиб, — аммо ақлинг калтага ўхшайди. Уруш даврида чеченлар бошига тушган кулфатни эшитмаганмисан?

Зелихоннинг ақл хусусидаги гапи ҳайдовчига малол келди, қони бир қайнади-ю, аммо

«ҳарҳолда бу ўз қондошим», деб дарров ўзини босди. Зелихоннинг гапига хотиржам жавоб берди:

— Эшитганман, лекин одамнинг ўзини ўзи унутиши учун бу ҳеч қандай имтиёз бермайди. Инсон ўз она тилини ўлгунича унутмаслиги керак, — ҳайдовчи шундай деб бир оз сукут қилди-да, сўнг қўшиб қўйди: — Балки ўлгандан кейин ҳам унутмаслиги керакдир. У дунёда қайси тилда ҳисоб беради? Сенга ўхшаб русчадамас дейман, а?

Зелихон унинг бир айтган фикридан қайтмаслигини билиб, кулимсиради:

— Ўжарлигингдан чеченга ўхшайсан.

Бу гап ҳайдовчига маъқул келиб, хахолаб кулди.

— Нима десанг, де: мен чеченман! Ҳа, мени қиймалаб ташласанг ҳам ҳар бир бўлак гўштим «мен чеченман!» деб ҳайқириб туради. Ана, тоғларни кўряпсанми? Менинг боболаримнинг боболари, уларнинг-да боболари ана шу тоғлар каби мағрур бўлишган. Отам ҳам мағрур эди, мен ҳам мағрурман. Чечен бўлганим учун мағрурман. Менинг болаларим ҳам мағрур. Уларнинг болалари ҳам мағрур бўлади. Тоғни шамол ёки ёмғир емириб тамом қилганда бизнинг ғуруримиз ҳам емирилади, уқдингми, доно одам?

Ҳайдовчи шундай деб қўшиқ айта бошлади. Зелихон бу қўшиқни аввал эшитмаган эди. Айрим таниш сўзлардан, қўшиқнинг авжидан ватан ҳақида эканини англади.

«Бахтли одам экан, бу ўжар, — деб ўйлади Зелихон. — Ватани бор, ғурури бор. Болалари ҳам бор. Улар ҳам мағрур. Худди тоғ чўққиларидай мағрур... Менда нима бор?»

Шу гапларни хаёлидан ўтказа туриб Исмоилбейнинг ғамгин чехраси кўз олдига келиб, қулоғи остида унинг овози жаранглади: «Ватани йўқнинг иймони йўқтур...»

Зелихон хаёлга берилиб, қўшиқ тугаганини сезмай қолди. Ҳайдовчи унга аввал кўзгу орқали қаради, сўнг бир ўгирилиб олди:

— Нималарни ўйлаяпсан? Қўшиққа тушундингми?

— Тушундим. Ватан ҳақида куйладинг.

— Ҳеч балога тушунмабсан. Мен дедимки, агар Ватан мени суймаса мен уни суярман. Агар мени нимталасалар-да бир бўлагимни Қора денгизга, бирини Оқ денгизга, бирини Ҳазорга ташласалар майли, розиман, фақат бир ўтинчим бор: юрагимни Ватанда қолдирсинлар. Ана шунда менинг нимталарим юрагимга талпинарлар, келарлар ва бирлашарлар! Юрак — Ватандир, Ватан — юракдир! Ким ўз юрагидан воз кечади? Ҳеч ким! Эй Раббим, ўзга юртда жонимни олиб, жаннатдан жой берганингдан кўра, жонимни ўз Ватанимда олу шунинг эвазига жойни дўзахингдан беравер! Энди қўшиқнинг мазмунини англадингми, биродар?

— Англадим, — деди Зелихон. Кейин бир тин олди-да, Исмоилбей сўзларини такрорлади: — Ватани йўқнинг иймони йўқтур...

— Яхши айтдинг. Она тилингни билмасанг ҳам, калланг жойида экан.

— Буни мен айтмадим. Бир турк оқсоқоли айтган эди. Уруш даврида уларни ҳам Ватандан ҳайдаганлар. Мусофирликда ўлди, Ватанига қараб туриб, жони узилди.

— Қараб туриб, дедингми? Тушунмадим?

Зелихон Исмоилбейнинг сўнги дақиқаларини айтиб берди. Ҳайдовчи гарданини силаб қўйиб:

— Ҳа-а... — деди. — Ўзбеклар ёмон қилишди. Улардан буни кутмаган эдим. Ўзбек йигитлар билан бирга хизмат қилганман. Мўмин болалар эди, ҳайронман...

— Нега ҳайрон бўласан? Уларни била туриб шу ифво гапларга ишондингми?

— Ишонмай бўладими? Телевизорда кўрсатиб турибди. Гапириб турибди. Каттаси ҳам айтди, қулупнай талашишибдими?

— Хафа бўлмагину, аммо аҳмоқ экансан. Олдинги гапларингни эшитиб сенга ихлосим ошаётувди. Бу гапларинг кўнглимни айнитди.

— Хўп, мен аҳмоқман. Телевизор ёлғонни айтаётган экан, ўзбекларинг нимага жим туришибди? Ғурури борми ўзи уларнинг? Бизга тухмат қиляпти, деб дунёни алғов-далғов қилиб юборишмайдими!

— Айтишга осон. Ҳозир мен чўнтагимдан ингичка сим арқон олиб бўйнингга ташлаб сиқай, сен эса дунёни алғов-далғов қилиб бер менга.

Ҳайдовчи индамади. Йўл иккига айрилган жойга яқинлашгач, машинани секинлатди.

— Менга қара, биродар, овулингга бугун боришинг шартми?

— Нима эди?

— Шу ердан ўттиз чақирим юрсак, менинг овулимга етамиз. Сен чечен бўлсанг ҳам ҳозир қўноқсан. Қўноқни овулимдан четлаб олиб кетсам, менга лаънат ёғилади.

— Шошилаётганим йўқ... Мени биров кутаётгани ҳам йўқ.

— Шошилмаганинг яхши, аммо биров кутмагани ёмон. Чеченни биров кутмаса ёмон, жуда ёмон.

Кичикроқ бир довонни ошиб ўтишгач, пастда бир қишлоқ кўринди. Аслида уларни бу ерда ҳеч ким кутмаётган эди. Ҳайдовчи дарё ёнидаги бир уй олдида машинани тўхтатди.

— Бу уй опамники, — деб ичкари кирди. Бир оздан сўнг қайтиб чиқиб, Зелихонни ичкари таклиф қилди. Хонадонда эркаклар кўринмади. Аёллар тезлик билан жой ҳозирлашди. Чой қайнагунча эркаклар ҳам келишди. Дам ўтмай ҳовли одамга тўлди. Биров Зелихонга сен кимсан, қаердан келдинг, бошингда қандай ташвишлар билан юрибсан, демади.

Бу хонадонда бир соатча ўтиришгач, бошқа хонадонга таклиф этилдилар. Шу зайлда ярим тунга қадар меҳмондорчилик бўлди. «Ҳаммани ҳам шундай кутишадими ё менгагина илтифот кўрсатишяптими?» деб ўйлади Зелихон.

Тунда дарё бўйидаги сайхонликда гулхан ёқилди. Зелихонни бошлаб келган такси ҳайдовчиси юракни ларзага соладиган ҳазин қўшиқ бошлади. Бир нафасдан сўнг уч-тўрт эркак унга жўр бўлди. Сайхонликка одам тўплана бошлади. Қишлоқдагилар ухляпти, деб ўйлаган Зелихон ажабланди. Ҳазин қўшиқ охирлагач, куй янгради. Дилни яйратди. Ёшлар ўйин-кулги бошладилар...

Тонгга яқин ҳайдовчи бир озгина мизғиб олгач, йўлга тушдилар. Зелихон ундан «қалай, овулим ёқдимми?» деган савол кутди. Ундан ҳадеганда садо чиқавермагач:

— Овулинг менга ёқди, — деди.

— Ҳайрон бўлма, сенинг овулинг ҳам худди шундай, — деди ҳайдовчи.

## 2

Уч-тўрт одам қулочи аранг етадиган йўфон чинор қишлоқ гузари ҳисобланарди. Чинор соясида гурунглашиб ўтирган қариялар тўхтаган машинага, ундан тушган йўловчига жиддий эътибор қаратмадилар. Ҳайдовчи уларга яқинлашиб, салом бергач, мақсадини айтди. Шундагина қариялар машинадан тушиб, очиқ эшикка жағини тираб турган Зелихонга тикилиб қарашди. Ҳайдовчи изига қайтди-да, Зелихонга:

— Аввал шуларга салом бер. Булар ота-бобонгни эслашди, — деди. Кейин жойига ўтира туриб қўшиб қўйди: — Овулимни кўрдинг. Бошинга иш тушиб қолса тўғри боравер. Кечаги гапларимга хафа бўлма. Мен тўғри гапни яхши кўраман.

Зелихон унга раҳмат айтиб, келишилган кира ҳақини узатди. Ҳайдовчи бир пулга, бир Зелихонга ўқрайиб қаради-да:

— Сенинг чеченлигинга ишонмай қолдим! — деб эшикни жаҳл билан ёпди.

Зелихон шитоб билан қўзғолган машина ортидан бир оз қараб турди-да, пулни чўнтагига қайта солиб, оғир қадамлар билан қариялар томон юрди.

Назарида бобоси оламдан ўтгач, бу ерга келиб қолгандай, шу қариялар даврасига қўшилгандай, ҳозир эса даврадан ажралиб чиқиб қучоқ очиб кутиб оладигандай эди. Шу фикрда даврага яқинлашгач, бобосига ўхшаган бир қарияни кўрди-ю, юраги шиғ этиб кетди. Оқсоқоллар саломига алик олишиб у билан кадрдонлардай қучоқлашиб кўришишди. Сўнг давра ўртасидан жой беришди. Зелихон булардан ҳам «тилингни билмайсанми» деган таънани эшитмайин, деб хижолат бўлиб турган эди, бобосига ўхшатган қария русчалаб гап бошлади:

— Бобонгни танирдим. У тенгсиз полвон эди. Чечен овуллар нима экан, у ёқда ингуш овуллар, у ёқда аварлар, қўмиқлар... Эҳ-ҳе, кураш бор жойда полвонлар ундан зириллаб туришарди.

Унинг кураги бир марта ерга теккан. Уни ўттиз олтинчи йилда мен енгганман. Худди шу ерда. — Қария шундай деб мўйловини бураб қўйди. — Мен ёш эдим, у эса кексая бошлаган эди. Йиқитишга йиқитиб қўйиб, «устоз, кечиринг» дебман. У ўрнидан туриб, мени кучоқлаб, пешонамдан ўпди. Кейин бир тарсаки туширди. Одамлар ҳайрон бўлиб сўрашди: «Қучоқлаб ўпганинг нимаю урганинг нима?» У айтди: «Мени енггани учун қучоқлаб ўпдим. Кечирим сўрагани учун тарсаки туширдим» Ҳа... шунақа одам эди... Аммо отангдан полвон чиқмади. У урушга мендан олдинроқ кетган эди. Мен қайтдим, ундан дарак бўлмади...

Қариялар шошилмасдан, бирининг гапига иккинчиси аралашмасдан қизиққан саволларини сўрай бошладилар. «Шу пайтгача нима учун келмадинг?» деган саволга Зелихон «Уй-жой, бола чақа билан ўралашдим», деб баҳона қилди. Бу гапни эшитиб оқсоқоллар жим бўлишди. Айримлари «аттанг» дегандай бошла-рини сарак-сарак қилиб қўйишди. Бобосига ўхшаган қария эса бургутники каби ўткир нигоҳини унга қадади-да:

— Бобонг тирик бўлганида шу гапинг учун бир тарсаки туширарди, — деди. Зелихон «нима учун?» деб сўрамади. Ёлғони фош бўлганини сезди.

— Бошқа сабаблар ҳам бор, — деди бошини эгиб.

— Ўша бошқа сабабларни гапиришинг жоиз эди. Бизни бу авлоқда пўпанак босиб ётган чоллар, деб ўйладингми? Қамоқдан қачон чиқдинг?

— Бир йил бўлиб қолди.

— Нима қилмоқчисан?

— Овулга сиғсам, шу ерда қоламан.

— Овулга сендайлардан миллиони бўлса, миллиони сиғади. Қани, тур ўрнингдан, орқамдан юр. Улар бир юк машинаси сиғадиган тупроқ йўлдан юқорига қараб юришди. Қария Зелихондан чаққонроқ эди. Уч-тўрт қадамдаёқ илгарилаб кетди. Айланма йўллардан бир оз юришгач, пастқамроқ бир уй қаршисида тўхташди.

Ҳовлида жўхори чопиқ қилаётган одам уларни кўриб, ишини тўхтатди-да, пешвоз чиқди: — Келинг, Алибек оға, — деди у қарияга, сўнг Зелихонга синовчан тикилди: — Зелихонмисан?

— Ҳа, Зелихон, янглишмадинг. Мен сенга айтардим-а, бир кунмас-бир кун келади, деб... — Қария Зелихонга қаради. — Мана шу сенинг уйинг. Арслон урушдан қайтганда уйи куйиб кетган эди. Маслаҳатлашиб, шу ерга кўчирдик. Сен хоҳлаган кунинг уйни бўшатиб беради. Арслон ўз ўғлини кутиб олаётган ота меҳри билан Зелихонни маҳкам қучоқлади.

— Отанг менинг қадрдоним эди. Сен туғилганда чунон яйраганмизки, сен сўрама, мен айтмайин.

Уй уч хонадан иборат, иккитасини Арслон банд қилган, биттасига уй эгаларидан нимаки қолган бўлса, асраб қўйилган эди. Эгалланган икки хона супуриб-сидирилганда, бу хона ҳам албатта тозаланарди. Арслон Зелихонни шу уйга бошлади. Хона эгасизга ўхшамас, уй бекаси ҳозиргина йиғиштиргандай саришта эди.

— Бу хона кетганларингдан бери сени кутяпти, — деди Арслон. — Бобонг билан онангни Худо раҳмат қилсин, уларнинг қайтиш қилганларидан хабаримиз бор. Алибек оғам тўғри айтдилар, сени кутдик. Худога шукр, келдинг. Ота-онанг, бобонгнинг буюмлари шу ерда. Ҳатто... — Арслон кулимсиради, — сенинг иштончаларинг ҳам жавонда турибди...

У шундай деб Зелихонни ёлғиз қолдирди.

Зелихон оёғидан мадор кетаётганини ҳис қилиб, аста тиз чўқди.

Шу уйда киндик қони тўкилган, шу уйда эмаклаб юрган, шу уйда «она» деб тили чиққан. Бу уйда отаси, онаси, бобосининг излари бор. Бу деворларга уларнинг овозлари сингиб қолган... Балки руҳлари ҳам шу уйда уни неча йиллардан бери чирқираб кутаётгандир? Нега шу пайтгача келмади? Агар Исмоилбей ўлмаганида, ўлим олдидаги гапларини айтмаганида умуман келмасмиди бу ерларга... Шу томонларга неча маротаба йўли тушди. Бир йили «овулимни бориб кўрай», деб қасд ҳам қилди. Аммо ярим йўлдан қайтди, оёғи тортмади. Оёғи тортмаганининг сабаби бор — ҳали унда иймон кўз очмаган эди. Руҳи жаҳолат ботқоғида

биқсиб ётарди.

У ўрнидан туриб жавонга яқинлашди. Эшигига юзини қўйиб турди. Шу эшикни онаси неча маротабалаб очган. Қўллари тафтлари хануз сақланиб қолгандир?..

Орадан кўп ўтмай ҳовлида жонланиш сезилди. Зелихон танимаган овулдошлари уни зиёрат қилгани йиғила бошлаган эдилар.

Унинг ҳовлиси уч кечаю уч кундуз тўйхонага айланди. Қўйларни олиб келганлар кимлар, сўйганлар кимлар, дастурхон тузаганлар кимлар — билмайди. Уч кун давомида қишлоқнинг эрка фарзанди сифатида иззатда бўлди. Неча хонадонда меҳмонда бўлганини санайман, деб санокдан ҳам адашди.

Тўртинчи куни Алибек оқсоқол кирди.

— Энди нима қилмоқчисан, шу ерда қоласанми? — деб сўради у дабдурустан.

— Шундай ниятим бор, — деб жавоб берди Зелихон.

— Арслон уйни бўшатсинми?

— Мен сўққабаш бўлсам, битта хона ҳам етади. Уларга малоллигим келмаса бас.

— Қўлингда ҳунаринг борми?

Зелихон панжаларига қараб, кулимсиради. Гулдай ҳунари бор-а, аммо чолга пўлат сандиқларни қандай очишию, қулфларни қандай усталик билан бузишини айтсинми?

— Ёмон, жуда ёмон, — деди Алибек оқсоқол. — Чечен йигитнинг ҳунарсиз бўлиши ёмон. Сен отбоқарга ёрдамлашасан, раисга айтиб қўйдим.

— Иш бўлса қочмас, яна уч-тўрт кун дам олай, — деди Зелихон.

Бу гапни эшитиб оқсоқол қалин қошларини чимирди. Бургут кўзларини эслатувчи нигоҳи ёнди:

— Сен эркакмисан? Эркак одам оғзини очиб ётиши мумкинми?

Зелихон унинг чиндан аччиқланганини сезиб:

— Хўп, эртадан чиқаман, — деди.

— Ҳозироқ ишга жўнайсан, қани, олдимга туш!

Зелихон қайсарлик қилмай унга эргашди. Унинг изидан бора туриб «бобом тарсаки тушириб яхши қилган эканлар», деб қўйди.

### 3

«Отбоқарга қарашасан», дейилганда «ем-хашагини берарман, суғорарман», деб ўйлаган Зелихон янглишган эди. Ёши йигирма бешларда бўлган қорувли йигит кўриниши зиёлинамо ёрдамчисига қараб, қошларини чимириб қўйди. Отбоқар ҳам кўпчилик қатори Зелихонни зиёрат қилган, унинг ўтмиши, ҳунари нима эканини ҳам биларди. Шу боис янги ёрдамчисини хушламайроқ қабул қилди. Бир нима деб рад этишга Алибек оқсоқолдан кўрқди. Чол «Оллоҳга топширдим», деб кетгач, Зелихон дарахт соясидаги тахта ўриндиққа бориб ўтирди.

Отбоқар унга бир оз қараб турди-да:

— Юринг, ишлаш керак, — деб отхона томон юрди.

Зелихон, «ишласак ишлаймиз-да», деб минғирлаб унга эргашди. Ичкарига киргач, отбоқар деворга сўёғлиқ белкурак билан узун дастали супургини олиб, унга узатди:

— Аввал гўнгни бир ерга тўпланг. Кейин замбилғалтакда ташиб чиқасиз.

Отбоқарнинг буйруғи қатъий, қисқа ва лўнда эди.

Бу буйруқдан Зелихоннинг бир энсаси қотди, бир ғаши келди, бир жаҳли чиқди. Кейин ўзини енгиллашга куч топиб, аста ишга киришди. «Қамоқда ҳам бунчалик хор бўлмаган эдинг, академик, — деб ўйлади у, — юра-юра топганинг гўнг ташиш бўлдимми?»

Бир қадам оралиқдаги гўнгни сургач, белкуракни жойига қўйиб, ташқарига чиқди-да, соядаги ўриндиққа бориб ўтирди. Саман отни қашлаётган отбоқар у томонга бир-икки норози қиёфада боқди. Сўнг Зелихоннинг бемалол ўтириб олганидан аччиқланиб, унга яқинлашди.

— Дарров бўлдингизми? — деди киноя оҳангида.

— Кунлик норма битди, — деди Зелихон мазах оҳангида. — Менга қара, комсомол, шу



отхонанинг ҳаммасини тозалаб чиқсам, колхозинг менга неча пул ёзади?

Бундай саволни кутмаган отбоқар бир оз ўйланиб, сўнг жавоб берди:

— Саккиз сўм ёзар дейман, буни суриштирмаганман.

— Агар сен тозаласанг-чи?

— Мен тозаладим нимаю сиз тозаладингиз нима? Иш бир бўлганидан кейин ҳақ ҳам бир бўлади-да.

— Йўқ, мен хашаки ишчиман. Сен эса тажрибали отбоқарсан. Сен бажарган ишнинг сифати бошқача бўлади. Шунинг учун сенга ўн сўм ёзишар. Комсомол, кел, келишайлик: мен сенга ўттиз сўм бераман, сен эса мени тинч қўясан.

Отбоқар қошларини чимирди:

— Савдони бошқача қилайлик: мен сизга олтиш сўм бераман, сиз эса менга олифтагарчилик қилмайсиз.

— Хафа бўлдингми, комсомол?

— Сиз шу гапларни айтишга уялмадингиз, а? Мен эсам гапингизни эшитиб, сиздан нафратландим, билиб қўйинг.

— Сен тушунмадинг, комсомол. Мен ишдан қочадиган одам эмасман. Курортда юриб, аллергия деган касал орттирганман. Касалим от гўнгининг ҳидига қўзийди. Нафасим бўғилади. Ишла, десанг, ишлайвераман, бўғилиб ўлсам, товонимга қоласан.

Отбоқар рост гапиряптими ё йўқми, деган маънода қараб турди-да, энсаси қотиб, нари кетди. Зелихон савдоси пишмаганидан афсусланиб, яна бир оз ўтирди-да, сўнг ноилож отхона томон юрди.

Уч кунлик иззат-икромдан сўнг, у ҳам қишлоқнинг оддий фақирига айланди. «Энди аҳвол шуми? — деб ўйлади у. — Эрталаб уйқудан уйғонаман, нонушта қиламан, сўнг отхонага бориб гўнг ташийман, кейин уйга қайтаман, лақиллаб ўтираман... балки бир бевага уйлантириб қўйишар. Уни бағримга босаман, сочидан молхонанинг ҳиди келиб туради...»

Зелихон бундай ҳаётга кўникмаган эди. Шу ёшга кириб бирон ерда қўним ишламаган, қўним уй-жойи бўлмаган, шаҳарнинг олағовурига, маишатларига, димоғи жувонлардан таралувчи ёқимли ҳидларга ўрганган одам узоқ тоғли қишлоқнинг осойишта ҳаётига кўника олармиди? Ватан туйғуси, Ватан меҳри деган тушунчалар эндигина уйғонаётган одам бир думалаб бошқа инсонга айлана олармикин?

Отхонадаги «меҳнат фаолияти»нинг бешинчи куни отбоқар унга «марҳамат» кўрсатиб, отларни қашлаб қўйишдек масъулиятли вазифани топширди. Зелихон қашқа билан муомаласини эндигина бошлаган пайтда отхона ҳовлисига оқ «жигули» шитоб билан кириб келди-да, майдончада кескин бурилиб, тўхтади. Зелихон одатига кўра сергакланиб, ўзини отнинг панасига олди. «Жигули» ҳайдовчиси машинадан тушиб, ҳуштак чалди-да, у томон қараб «бу ёққа кел», деган маънода қўл силтади. Зелихон худди ўзини панага олмагандай, машина кириб тўхтаганини сезмагандай ишини давом эттираверди.

— Зея! — деб бақирди ҳайдовчи, яна чўзиб ҳуштак чалиб, — Зея деяпман! Кармисан?!

Зелихон ўгирилиб, унга қаради. Кейин қашлағичини ташлаб, машина томон юрди. Машинага яқинлашиши билан орқа эшик очилди.

— Ўтир, — деди ҳайдовчи кўрслик билан.

Зелихон унинг амрига сўзсиз итоат этди. Ҳайдовчи жойига ўтириб, машинани яна шитоб билан жойидан қўзғотди. Отбоқар нима воқеа юз берганини идрок этолмай ҳам қолди.

Зелихон орқа ўриндиқда ўтирган қора кўзойнакли йигитни бир қарашда таниди — Москвада Хонгирей ёнида кўрган эди уни.

Қора кўзойнакли йигит унга қўлини узатиб кўришди-да:

— Академик амалий машғулот билан банд эканлар-да, а? — деб пиқиллаб кулди.

«Кеча келганингдами, академикнинг гўнг ташиётганини кўриб, эсинг оғиб қоларди».

Зелихоннинг хаёлига шу гап келди, тили эса бошқани айтди:

— Ҳа. Дарвин деган шогирдим «одам меҳнат қилиб турмаса яна қайта маймунга айланиб қолади», деган экан. Бир отбоқар мисолида шу назариянинг исботини синаятувдим. — Зелихон шундай деб киборона жилмайди, кейин жиддийлашиб сўради: — Хонгирей тинчми? Нега мени йўқлаб қолди?

— Хонгирей тинч. Аммо сен тинч эмассан, — деди йигит. — Фарғонада ишкалинг чиқибди.

— Қанақа ишқал?

— Кимларни ўлдирмоқчи бўлдинг?

— Ўлдирмоқчи бўлдинг? — Зелихон ажабланди. — Кимларни ўлдирдинг, демоқчимисан?

— Сен қўлингдан келмайдиган ўйинга аралашибсан. Энди сен пачағи чиққан одамсан, академик. Яхши ҳамки бахтингга Хонгирей бор.

— Қани, гапни чўзмай, мақсадни айт-чи, — Зелихон шундай деб йигитнинг қора кўзойнагини олиб, унга тикилди.

— Сен қопқонга тушибсан. Энди чиқишинг қийин. Сен ишонган маржа ментларга хизмат қилган. Сен Бўрининг томирига қора дори юбордим, деб ўйлаб лаққа тушибсан. У қора дори эмас, дармондори бўлган. Ҳозир ментлар изингга тушишган. Сени ушлаб суд қилишмайди. Сен йўқ бўлишинг керак, вассалом.

— Нега?

— Негалигини ўзинг биласан. Сен ниманидир биласан. Бир махфий ишдан ҳид олиб қўйгансан. Кимки сен билган нарсани билса ўлиши керак.

— Тушунарли.

— Йўқ, ҳали тушунмадинг. Ҳозир уйингга борасан. Бир чолни кўрдик, унга ишонсанг бўладими?

— Нимани?

— Унга айтасан: шерикларим билан олди-соттида ишқал бор экан, Махачқалъага кетяпман, елкамга юз минг илиб туришибди. Шу ишни ҳал қилиб қайтаман, дейсан. Нарсаларингни олма.

— Кейин-чи?

— Кейин сен Сочига борасан. Коммунистлар кўчасидаги ўттиз еттинчи уйда сени бир жонон кутяпти. Исми Валя. Ўша ерда тухум босиб ўтирасан. Биздан хабар етмагунча қимирламайсан.

— Кейин-чи?

— Нима кейин?

— Овулда қанақа гап тарқатасан?

— Мен гап тарқатмайман. Эртага қўл-оёғи, боши кесилган мурдани қопга солиб, ташлаб кетишади. Сени кийимингдан танишади.

— Шу шартми? Овулга қирқ йилда энди келишим. Мени бу ердан қидиришмайди.

— Агар Хонгирейни аҳмоқ деб ўйласанг, билганингни қил.

Зелихон унга эътироз билдирмай, айтганларини бажарди. Ўша куни шом қоронғиси чўка бошлаганда ўзини Адлерда кўрди. Адлерда автобусга ўтириб, Сочига, сўнг тайин қилинган Коммунистлар кўчасига қараб кетди.

Валя деганлари чиндан ҳам куйдирмажон эди. У эшикни очиб, Зелихонни кўрди-ю, «сизга ким керак, ўзингиз кимсиз?» деб сўрамади. Худди сафардан қайтган эрини кутиб олаётгандай бир ширин жилмайиш ҳадя этиб, «киравер, яхши етиб келдингми», деди. Бундай ҳолатга дуч келган одам довдираши, «адашмадимми, ишқилиб?» деб остона ҳатлашга шошилмаслиги турган гап. Тўғри-да, бегона шаҳарга, бегона уйга келсангу бир бегона ҳурилиқо чиқиб хушнудлик билан кутиб олса?... Танимай туриб жилмайганича қаршилаяпти, ҳали уйга киргач нима бўлади, Худо билади.

Маош олишни кутиб яшовчи, баъзан хизмат сафарига чиқиб қолувчи, меҳмонхона остоналарида тиланчидай мўлтиллаб тонг оттирувчи одам учун бу шундай ғалат туюлади. Зелихон мансуб олам учун эса одатий бир ҳол. Хонгирей бу жойни аниқ тайин қилмай, шунчаки «Сочига бориб кутсин», деб амр қилганида ҳам Зелихон учун бошпана муаммоси бўлмас эди. Ҳарҳолда, академик хор бўладиган одам эмас...

Зелихон даҳлизга ўтиши билан Валя эшикни ёпиб, қулфлади-да:

— Ўнгдаги эшик ваннахона. Тўғридагиси ётоқхона. Кийимларинг, ҳужжатларинг ўша ерда, — деди.

— Сен-чи? — деди Зелихон, — Бирор ёққа кетмоқчимисан?

— Ҳа, — деди Валя қўлларини белига қўйиб, — бормасам бўлмайди.

— Узоққами?

— Узоққа... Бу ердан беш қадам. Сўнг чапга. Ошхонага. Ваннадан эсон-омон чиқсанг етиб оларсан.

Зелихон қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ҳазилкаш экансан, менга шунақалар ёқади.

— Менга эса сендақалар ёқмайди. Соқолингни олишни унутма. Ҳайвонот боғидан қочганга ўхшайсан.

Валя шундай деб кескин бурилди-да, ошхона томон юрди.

Зелихон ювиниб чиққач, Валя айтган «йўналиш» билан бориб, ошхонага кирди. Валя фақат ўзига зеб берибгина қолмай, уйни ҳам ораста тутар эди. Зелихон жувоннинг ўзини тутиши, уйдаги саришталикни кузатиб, «Бу ер Хонгирейнинг қўноғи бўлса керак», деган тўхтамга келди.

— Бу ерга Хонгирей ҳам келиб турадимми? — деб сўради овқатланаётиб.

— Бу сенинг ишинг эмас.

— Жаҳлинг тез экан.

— Ҳа. Овқатингни е.

— Яхши. Биргина саволим бор: овқатни еб бўлгач, нима қиламиз?

— Сени билмайман. Аммо мен ётиб ухлайман, чарчаганман.

— Ана холос! Шундай сўлим шаҳарда, шундай сўлим кечада, шундай гўзал хоним уйига биқиниб олса... Худонинг ҳам қаҳри келади бунга.

— Бугунча қаҳри келмайди. Сен ҳам дамнингни ол. Ўзингни қувноқ тутишга ҳаракат қилма. Аҳволингни билиб турибман.

Зелихон овқатни еб бўлгач, Валя тезгина идиш-товоқни ювди-да, «яхши ётиб тур», деб хонасига кириб кетди.

Зелихон орқасидан кирайинми ё йўқми, деб иккиланиб турди. Кейин эшикни аста итариб кўрди: ичкаридан қулфланибди. Зелихон «шуниси ҳам дуруст», деб қўйиб, балконга чиқди. Бу ердан денгиз қирғоғи баралла кўриниб турибди. Соҳилдаги ранго-ранг чироқлар, қирғоқ бўйлаб аста сузаётган катта-кичик кемаларнинг чироқлари милтиллаб кўринади. Бу шаҳар кун нима, тун нима билмайди. Маишат, бузуқлик танаффуссиз давом этади. Эрдан безганлар ҳам, хотиндан куйганлар ҳам шу ерда топишадилар. Бузуқлик дарахтининг нимаики меваси бўлса тотиб кўриб, сўнг яхши дам олган ёки даволанган одам қиёфасида уйларига жўнайдилар. У ёқда лақма эрлар хотинларини ёки нодон хотинлар эрларини гулдасталар билан кутиб оладилар. Сўнг... тунда соғинч ҳислари жўш уради... Аслида қиёмат содир бўлса шу ерда бошланиши керак...

Балконда турган Зелихон буларни ўйламайди. Чунки бузуқлик унинг учун гуноҳ саналмайди.

Иштони йўқ иштони йиртиққа кулади, дейдилар. Зелихон бу мақолнинг акси ўлароқ, улардан кулмайди, нафратланмайди. Қачонки бундайларнинг биронтаси номус, поклик ҳақида ваъз айта бошласа, ғаблланади.

Зелихоннинг нигоҳи соҳилдаги чироқларга қадалган, хаёли эса Фарғонада эди. У қандай хатога йўл қўйди? Надуля... Бўри... булар кимлар, ўйлаб ўйига етолмайди. Агар ҳукумат изига тушган бўлса, чатоқ, узоқ вақт қочиб юролмайди. Хонгирей нимани мўлжал қилган? Ё чет элга чиқариб юборармикин? Чет элда нима қилади? Бу ерда «академик» тўртта бўлса у ёқда тўрт миллионтадир? У ёқда алмисоқдан қолган пўлат сандиқ, қулфлар йўқдир? Бу ҳунарининг сариқ чақалик қадри бўлармикин у ёқда? Ё гўнг ташиб тирикчилик қиладимми?

Зелихон шу пайтда яна овулига қайтгиси, яна ўша отхонага боргиси келди.

Валя икки марта эшикни ўғринча очиб, балкондаги Зелихонга мўралаб қаради. У қадрини ошириш учун эшикни атайин ичкаридан қулфлаган, Зелихоннинг бир-икки чақириши қулфнинг очилиши учун кифоя эди. Валя балкондаги ёлғиз эркакка қараб туриб «Академик»нинг ақли жойида шекилли?» деб ўйлади.

Ертасига пешинга қадар ҳам уйда ўтиришди. Валя кимнингдир қўнғироқ қилишини кутди. Қўнғироқ бўлгач, Зелихонга «озодлик эълон қилинди». Улар икковлашиб, севишган эр-хотин сингари сайрга чиқдилар.

Сайрнинг тўртинчи куни соҳилдаги ресторанга бордилар. Нимқоронғи ресторан гавжум эди. Кўз нимқоронғиликка кўника бошлагач, Зелихон одат бўйича атрофга разм сола бошлади. Чолғувчининг чап томонида ўтирган йигит унинг диққатини тортди. Жингалак сочли йигитнинг ёнбошдан кўриниши унга кимнидир эслатди. «Бўлиши мумкин эмас», деб ўйлаб нигоҳини ундан олди. Аммо нигоҳи ўзига бўйсунмай ўша жингалак сочга қадалаверди. Бу орада куй янграб, билган ҳам, билмаган ҳам ўрнидан туриб рақсга туша бошлади. Жингалак сочли йигитни назардан қочирмаслик учун Зелихон Валяни рақсга тортди.

Зелихон унга яқинлашди. Кўзларига ишонмади — Жамшид! Ўлган одамни, яна мурдаси ёқиб юборилган одамнинг овқат еб ўтиришини кўриб, эси оғиб қолди, деб бўлмас. Ҳа, бошқа бир одам ҳайратдан донг қотиши мумкин, баданига енгил титроқ югуриши ҳам мумкиндир. Лекин Зелихонда бундай ҳолат юз бермайди, юз бериши мумкин ҳам эмас. Чунки у ҳаёти давомида бунақа ҳодисаларни кўп учратган. «Ўз қўлим билан ўлдирдим», дегани «Бўри» тирик юрганидан кейин, бу Жамшид нима экан? Ўзи-чи? Ҳозир овулдагилар уни ачиниш билан эслашаётгандир. Кимнингдир бўлакланган гавдасини тўплаб, қабристонга элтишгандир. Ота-онасини, бобосини эслашгандир? «Ота-онаси, бобосининг қабри бошқа юртларда қолди, Худога шукр, ўзи ота юрт тупроғига қўйилди», деб ўзларини овутишгандир... Ҳозир шу ресторанга Алибек оқсоқол ёки отбоқар кириб қолсами...

Зелихон рақсдан тўхтаб, Валяни четга тортди.

— Валюша, — деди у, — сен уйга боравер. Мен бир танишимни кўришим керак.

Валя унга синовчан тикилди-да:

— Бирга келдикми, бирга кетамиз, — деди қатъий оҳангда.

— Қўрқма, қочиб кетмайман, — деди Зелихон ҳазиломуз тарзда.

— Қочиб қаерга ҳам борардинг, — деди Валя қошларини чимириб. — Танишингни бирга кўрамиз.

Зелихон жойига бориб ўтирди. У Валяга сўзсиз бўйсунуши лозимлигини биларди. Валянинг атрофида албатта Хонгирейнинг йигитларидан борлиги ҳам унга маълум. Ҳозир Валянинг «танишингни бирга кўрамиз», дейиши унинг ўжарлиги эмас, балки Хонгирей кўрсатмаларига қатъий амал қилиши эди. Хонгирей «бир нафас ҳам ёлғиз қолдирма», деганми, демак, ёлғиз қўймайди. Суюкли хотиндай бўйнига осилиб юраверади.

— Валя, чолғувчилар томонга қара, жингалак сочли одам ўтирибди.

Валя Зелихон кўрсатган томонга диққат билан тикилди.

— Осиёликми? Қавказликка ўхшамайди.

— Ҳа, осиелик. Ўша одам менга керак. Нима учун кераклигини сенга уйга боргач айтаман.

Унгача сен уни... айлантириб бер. У билан бу ерда гаплаша олмайман. Сен у билан танишиб Сухумига таклиф қилсанг яхши бўларди.

— Нима учун Сухумига?

— Афон ғорига олиб кириш керак уни.

— Кейин-чи?

— Кейин... ҳар эҳтимолга қарши иккита йигит ҳам керак. Агар бу режа маъқул келмаса уйингга таклиф қил.

— Мумкин эмас.

— Унда Сухуми... Қўлингдан келармикин? — деди Зелихон қитмирлик билан. Бу гап Валяга малол келди. Стол устидаги қутидан битта сигарет олиб, нозик бармоқларига қистирди-да, нозли юриш билан Жамшид томон юрди. Зелихон ундан кўз олмай ҳар бир ҳаракатини кузатди. Валя Жамшидга яқинлашиб нимадир деди. Сўнг сигаретни лабига қистириб энгашди. Жамшид гугурт ёқди. Валя жилмайди. Нимадир деди. Бўш стулга ўтирди. Жамшид унга ичимлик қуйиб узатди. Валя оёқларини чалиштириб ўтирди. Кейин Жамшиднинг сочини силаб қўйди. Жамшид у билан гаплаша туриб атрофга аланглаб олди. Чолғувчиларнинг танаффуси тугаб, куй янгради. Бир йигит келиб, Валяни рақсга таклиф қилди. Рақс туша туриб йигит Валянинг қулоғига нимадир деди. Валя сергак тортиб, Зелихон томонга қаради. Кўзлар бир сониягина учрашди. Валя шу сониядан фойдаланиб кўча томонни ишора қилди. Зелихон бу ишоранинг маънисини тушуниб, офитсиант билан ҳисоб-китобни пишитди-да, ташқарига чиқиб, чироқдан панароқ ерда ҳамроҳини кута бошлади. Валя узоқ куттирмади. Ресторандан чиқиб, худди ёлғиз аёлдай, худди биров кутмаётгандай ҳеч қаёққа алангласдан катта кўча томон юриб кетди. Зелихон орқасидан биров чиқиб қолармикин, деб пойлади. Валя узоқлашгач, унинг изидан кетди. — Сенга нима учун керак бўлиб қолди у одам? — деб сўради Валя, орқасидан етиб келган Зелихонни қўлтиғига кириб. — Оти нима экан? — деди Зелихон унинг саволидан бўйин товлаб. — Жора. — Балки Жамшиддир? — Балки Жамшиддир. Хўш, нима учун керак? — Сени рақсга таклиф қилган йигит ким? Хонгирейнинг одамими? У нима деб пичирлади? — Хонгирейнинг одами эмас. Шу ерлик итбалиқлардан. Сени қизиқтираётган Жора уларнинг меҳмони экан. «Унга тегмаларинг», деди. Хўш, у нимага керак? Валя ўжарлик билан суриштирмаса ҳам Зелихон айтарди. Чунки айтганлари Хонгирейнинг бу ердаги ноибига етиб бориши керак. Жамшид билан учрашув уларнинг ёрдамисиз бўлмайди. Шу сабабларга кўра ҳам Зелихон Жамшиднинг тарихини қисқа қилиб айтди. — Уларнинг ишларига аралашиб нима қиласан? Ўзингни ўйласанг-чи! Сенинг ишинг уникадан баттарроқ-ку? — Мен ундан фақат бир-икки гапни сўраб оламан. У ёқда дўстимнинг аҳволи чатоқ бўлиб қолиши мумкин. Чечен ҳеч қачон дўстини ярим йўлда қолдириб кетмаган. Ишонмасанг, Хонгирейдан сўра.

## XV б о б

### 1

Туннинг дардлари аримасдан тонг ота бошлади. Ой ботди. Ўтли ҳасратларнинг фиғонлари мангуликнинг сукутига фарқ бўлиб ботса эди. Тонг ёришиб борарди. Аммо дил қоронғулигича қолаверарди. Ҳар кун аҳвол шу: дил қоронғи, дил оғрийди, баъзан кўзёшлари ёмғир каби қуйилади. Кўзларни ёш куйдиради. Юраги қийма-қийма, чилпарчин, аламдийда Зайнаб тонгни шу зайлда кутиб олиб, кунни шу ҳолатда узатади. Кеч кирганда унинг ёлғизлиги бошланади. Ором кўзларига кела қолмайди, туннинг тушлари киприкларини юма қолмайди. Касалхонанинг алоҳида хонасида, алоҳида эътибор оғушида ётган Зайнаб ёлғиз қолган кезлари бошини қайси тошга уриб ёришни билмай қийналади. Ёлғиз қолган дамларида унинг учун на қуёш, на нур, на ҳаёт қўшиғи бор. У дарёдаги эгасиз, ёлғиз қайиқдай маёқсиз сузади. Ўзича

вақтни орқага суриб, ҳаммасини бошқатдан бошлагиси келади. Агар юзидаги уят пардасини сидириб ташлаб, Жамшидда кўнгли борлигини онаси орқали отасига билдирса, суйгани билан қовушармиди? Ахир минг-минглаб одам аро иккиси ғойибона ип билан қаттиқ улангани ёлғонми эди? Наҳот отаси Жамшидни куёв қилишни истамас эди? Бир неча оғиз сўз билан тақдири бутунлай ўзгариши мумкин эди. Ана шунда отарчининг қийшиқ панжалари баданини силамас эди. Ҳар тун мотам чойшаби ёпилган ўринда тўлғонмас ҳам эди. Энди ҳеч нарса йўқ. Севинчи каби ёнган у чироқ ўчган. Энди унинг ҳаёти пуч хаёллар зиндонига беркилган... Энди жонга ҳаловатли хабар эшитмайди...

Зайнаб ўқиган, билади: қадимда овруполик қиз-жувонлар бу дунё ҳаётидан тўйганларида роҳибалик ридосини эгниларига илганлар. Бу дунё ҳузур-ҳаловатларидан воз кечганлар. Зайнабга энди бу дунёда қандай ҳузур-ҳаловат қолди? Кундоши заҳаридан кўз юмган Кумушбиби ундан минг чандон бахтли эмасми экан? Дунёдан кетса ҳам бир неча муддат суйгани билан қовушди-ку? Муродига етди-ку? Унинг Отабегини ўлдирмадилар, ёқмадилар-ку! Унинг покиза баданига Ҳомиднинг нопок бармоқлари тегмади-ку?..

Зайнаб шу хилдаги хаёлларга чўри бўлиб ўтирганида баъзан онаси келарди. Онаси билан нимани гаплашсин? Онасининг қўлидан нима келади — йиғлашми? Онаси ҳар келганида «одамнинг тафтини одам олади, хонангда ётавермай, чиқиб, тенгқурларингга қўшилиб тур», деб тайинлайди. Онасининг айтганини қилиб, уларга ҳамсуҳбат бўлган тақдирда қандай наф олади? Кимнинг эри қанақалигини биладими, ё бозорда чиллаки узумнинг нархи қанча эканидан хабар топадими, ё машҳур қўшиқчи аёлнинг қанча ўйнаши борлиги ҳақида баҳслашадими?

Ўтган куни шундай бўлди. Онасини кузатиб қайтаётганида суҳбатлашиб ўтирган жувонларни босиб ўтиб кета олмади. Қоринларини қаппайтириб, юмшоқ ўриндиқларда ялпайиб, хунук бир алпозда ўтирган жувонлардан бири «келинг, овсин», деб уни даврага чорлади. Суҳбат мавзунга ўша қўшиқчию унинг ўйнашлари эди. Зайнаб бу гапларга тоқат қилолмай ўрнидан турди.

— Ҳа, овсин, гапимиз ёқмадими? — деди даврага таклиф қилган жувон.

— Ҳа, ёқмади, — деди Зайнаб.

— Вой савил, биз эшитганларимизни айтамыз-да.

— Ўша қўшиқчи хонимнинг қўшмачиси сизлар билган нарсаларнинг ярмини ҳам билмаса керак. Жувон Зайнабнинг эрини эслатиб, чимчилаб, узиб оладиган бир гап айтмоқчи бўлди-ю, ким билан айтишаётганини унутмай «вой савил», деб лабини чўччайтириш билан кифояланди... Онаси «одам тафтини одам олар» деб шуларни назарда тутган. Агар Зайнабнинг юраги кенгроқ бўлганида бундай бачканаликларга эътибор бермаган бўларди. Кенгга кенг дунё, торга тор дунё деганларидай, ҳозир унинг кўнглига ҳатто қил ҳам сиғмайди.

Зайнаб бу ерга келмасидан аввал, шодон кезлари ҳам тўплашиб олиб, ғийбат балчиғини титиб ўтирувчи хотинларни ёқтирмас эди. Баъзан ўқишдаги дугоналари ҳам шундай суҳбатни бошлаб қолишса «ўлларинг, қари кампирларга ўхшамай», деб нари кетарди. Хотинлар даврасининг бу даражада бемаъни бўлишини шу ерда аниқроқ билди.

Бу касалхонада унга далда бера олувчи, кўнгилга ором ҳадея этишга қодир биргина жувон — Мардона. Ҳамшира бўлиб ишловчи бу жувоннинг суяклари йўғон, юришлари қўполроқ бўлса ҳам, чиройли кўзлари ҳамиша кулиб турарди. Бир куни шу Мардона эмлашга кириб, ҳасрат дастурхонини ёйди. Севган йигити алдаб ташлаб кетгани, ундан бўлган боланинг ўлик туғилгани, сўнг эрга теккани, саккиз йилдан бери фарзанд кўрмаётганини айтиб, йиғлади. Дардига ҳамоҳанг гапларни эшитиб, Зайнабнинг унга раҳми келди. Шу-шу Мардона тез-тез кириб турадиган одат чиқарди. Кечки эмлашни Мардона бажарганида Зайнаб тиниқиб, ҳатто роҳатланиб ухлайдиган бўлди. Бунга у Мардонанинг суҳбатлари асабларимни тинчлантиряпти», деб ўйлади. Онасига ҳам шуни айтди. Отасининг касалхонадан чиқариш ҳақидаги амрини эшитганида «унда уйга Мардона бориб турсин, хўжайинларига айтинг», деди.

Мардона ким ўзи, айтган гаплари чинми ё алдовми, на Зайнаб, на Манзура ўйлаб кўрди.

Қизлик пайтида Шомилнинг қўлига тушганича унинг хизматларини беминнат бажариб келишини улар қайдан билсинлар?

Асадбек ҳам шу масалада гўллик қилди. Хотинининг гапига осонлик билан кўна қолди. Орадан ойлар ўтиб бу гўллиги учун ўзидан ўзи нафратланди.

## 2

— Ҳофиз! Уйда мисиз?

Елчин таниш овозни эшитиб, ўрнидан ирғиб турди. Дарвоза остонасида овоз берган Чувринди жавобни кутмай, ўз уйига кираётгандай бемалол қадам босиб келарди.

Елчин шошилганича енги калта кўйлагини кийиб, унга пешвоз чиқди.

— Уйқуни пулга сотиб олгансиз шекилли, а? — деди Чувринди у билан кўриша туриб.

Елчин бу ҳазилга кулимсираб қўйиб, уни ичкарига таклиф қилди. Чувринди ичкарига киришга унамади.

— Ошиқ Мажнунингизнинг ишлари нима бўлди, Лайлиси билан қовушдимиз? — деб сўради у.

— Ҳалимжонми? — Элчин гап ким ҳақида кетаётганини фаҳмласа ҳам, сўраб олиб, сўнг жавоб берди: — Лайлисига етишибди. Қизнинг отаси келиб фотиҳа берибди. Шунга ўзи ҳам ҳайрон. Келиб раҳмат айтувди, сизга бу омонатни етказишни унутибман. Айб менда.

— Мажнунингиз ҳайрон бўлмасин. Лайлисига етишган бўлса яхши-да. Энди уни менга рўпара қилинг. Гапларингизга қараганда дуруст йигитга ўхшайди. Балки хизматга олармиз. Яхши одамлар қанотимизда бўлиши керак.

— Қачон учраштирай?

— Қанча тез бўлса, шунча яхши. Итнинг олдидаги суюқни олсангиз ириллайди, а? Сиз Ҳосилнинг оғзидаги лаққа гўштни тортиб олдингиз. Мажнун бола шуни унутмасин. Тинч яшайман, деса биз билан бирга бўлгани маъқул. Нима дейсиз?

Елчин елка қисди:

— Ким билади, балки маъқулдир.

— Маъқул! — деди Чувринди кескин тарзда. Сўнг чўнтагидан машина калити билан ҳужжатини чиқариб, Элчинга узатди: — Биздан совға.

Елчин дарров тушунди. «Бу нима, нима кераги бор эди...» деб ўтирмади. Калитга бир оз тикилиб қолди. «Биздан совға? Нима учун «биздан», нима учун «Асадбекдан» эмас? Бу нима, «қизим билан аввалгидай яшайсан», деганими? Бусиз ҳам ажралиш ҳақида бирон ишора қилмовдим-ку? Бу даражада меҳрибонлик?..»

Унинг калитга тикилиб қолганини рад этишга чоғланиш, деб тушунган Чувринди изоҳ берди:

— Аслида совға эмас, қарзимиз бор эди.

— Қанақа қарз?

— Ўшанда машинангиз қаровсиз қолиб, қариндошларингиз сотиб юборишган эди.

Чиққанингизда ўрнини тўлдирамиз, деб ният қилгандик. Сизга маслаҳатим— ортиқча гап-сўзни кўпайтирманг.

— Гап-сўзга ўрин йўқ, — Элчин қўлини узатди.

— Қойилман, ўғил бола! — Чувринди калитни унинг кафтига ташлаб, кифтига оҳиста уриб қўйди-да, изига қайтди. Остонага етганида тўхтаб, ўгирилди: — Бир соатдан кейин касалхонага боринг. Кеннойим кутиб турадилар. Зайнабга бугун рухсат беришди.

Елчин бир кафтидаги калитга, бир Чувриндининг орқасидан қараб жойида қотиб турди. «Савдо осонлик билан пишди. Баҳоим ёмон эмас». Элчин кўча томон юрди. Кўчанинг нариги бетиде, дарахт соясида кулранг «Волга»ни кўрди-да: «Баҳоим зўр-ку!» Дуруст, арзон-гаров кетмабман», деб қўйди.

Елчиннинг машинани осонлик билан қабул қилганини кўриб Чувринди: «Кутган экан-да, мол-дунёга рўпара бўлганида ҳар қандай мард ҳам мўм тишлаб қолади. Бек акам етти қават ер остида илон қимирласа ҳам биладилар», деб ўйлади.

Унинг хулосаси хато эди. Элчин бундай совға кутмаган, ҳатто орзу ҳам қилмаган эди. Агар истаса, нари борса ярим йилда ўзи шундай машина сотиб олиши мумкин. Агар Зайнабда кўнгли йўқлигини бировга айтганида ҳам бу «совға»ни (ёки «қарз»ни) ўт қўйиб ёқиб юборса ёқиб юборардики, зинҳор-базинҳор қабул қилмасди.

Дастлаб Зайнабга мажбурият орқасидан уйландим, деб ўйлаган эди. Кейинроқ билсаки, Зайнаб у ўйлаган сал нарсага суюладиган ёки кибрланадиган қизлардан эмас. Унга нисбатан аста-секин меҳр, бошқачароқ айtilса, Ноилага бўлган муҳаббати мартабасида бўлмаса-да, шунга яқин даражада илиқлик уйғона борди. Шу илиқлик, гарчи гумон уйғотган бўлса-да, Зайнабнинг хиёнат ҳақидаги гапига ишонтирмади, ундан юз ўгиришга ундамади.

Гумон баъзан Зайнабнинг хиёнатига ишонтирмоқчи бўларди, юракни забт этган меҳр эса бунга йўл қўймасди. Элчин Зайнабдан юз ўгирган тақдирда Асадбек томонидан қандай «мукофот» тайин этилажagini ҳам фаҳм этарди. Лекин унинг шу «мукофот» кўрқувида яшайпти, дейиш ҳақиқатга мутлақ зид бўлур эди.

Елчин фақат бир нарсадан — Зайнаб билан юзма-юз қолишдан, хотинининг ўша машъум гапни яна қайтаришидан, ишонтиришга ҳаракат қилишидан чўчирди. Элчин яхши билади — Зайнабнинг унда кўнгли йўқ. Лекин кўнгилсизлик ҳамини хиёнатга бошлайвермайди. Кўп ҳолларда кўнгилсизлик ўти сабр суви билан ўчирилиб турилади. Элчин Зайнабни шундай деб билади. Агар Зайнаб бир неча кечадан сўнг суя бошлаганида, меҳри жўша бошлаганида унинг туйғуларига ишонмаган бўларди...

Мана ҳозир машинага ўтиради. Касалхонага боради. Қайнонасига дуч келади, сўнг хотини чиқади. Зайнаб машинани кўргани ҳамон «сизни сотиб олишибди-да», деган маънода нафрат билан қараб қўяр... Сўнг уйга келишар... Сўнг қайнонаси кетар...

### 3

Шундай бўлди: машинага ўтирди. Борди. Қайнонаси Зайнабни бошлаб чиқди. Зайнаб озиб, юзидан ранг қочган. Элчиннинг назарида у хаста эмас, балки янада сулувлангандай туюлди. Уйга қайтишгач, қайнонаси ошхонага кириб овқатга уннади. Зайнаб аввал хобгоҳга кириб, кийимини алмаштириб чиқди, сўнг ҳаммомга кирди.

Худди Элчин каби Зайнаб ҳам ёлғиз қолишдан, эри билан юзма-юз бўлишдан чўчиётган эди. Ошхонада эса Манзура ноқулай аҳволда: бир кўнгли тезроқ кетгиси келади, ҳарҳолда кўевининг кўзи олдида ивирсиб юриши маъқул эмас. Бир кўнгли қизини ташлаб кетгиси келмайди. Зайнаби эри билан ёлғиз қолганда нима дейди? Ўша гапини такрорламайдими? Элчин-чи? Нима дейди? Ўша гапни юзига солмайдими?

Манзуранинг қўли ишда, хаёли эса минг турли ташвиш кўчаларига кириб чиқади. Саволлар сел оқимидай бостириб келади. Қани эди, лоақал биттасига жавоб топа олса...

Сабзи-пиёзни қовуриб, сув солгунича Зайнаб ювиниб чиқиб, ошхонага, онасининг ёнига кирди. — Гуручни ўзинг соларсан, мен борай, аданг кутиб ўтиргандирлар, — деди Манзура қизига ўтинч билан боқиб.

— Овқатланиб борсангиз-чи? Адамга телефон қилиб қўйайлик.

— Адангнинг феълларини биласан-ку?

Билади. Уйда адаси интиқ кутмаётганини, онасининг баҳонаси арзон-гаров эканини, кетгиси келмагани ҳолда шошилаётганини ҳам билади. Билгани учун ҳам ноилож елка қисиб қўя қолди.

Қайнонасини қайтмоқчи эканини билиб Элчин ортиқча илтифот қилиб ўтирмай:

— Олиб бориб қўяман, — деди.

Қайнонасини яхши кўрганидан ёки меҳри жўшиб турганидан эмас, Зайнаб билан ёлғиз қолишга юраги бетламаётганидан кузатмоқчи эди. Машинани кўз-кўз қилиб миниб боришга тоқати йўқ эди, аммо начора, Асадбекнинг хотини автобусда кетмайди- ку?

Елчиннинг хавотири ўринсиз эди. Кўчага чиқиб «Волга»сининг рўпарасида «Жигули» кўрди.



Манзура улар билан хайрлашиб, ёшларни дуо қила-қила ўша «Жигули»га чиқиб ўтирди. «Ҳали ҳам нодонман. Кимлар билан гаплашаётганимни унутиб қўяман», деб ўйлади Элчин. Ҳовлига қайтиб кириб, икковлари кўз уриштириб олдилару айтарга гап тополмадилар. Зайнаб нима қиларини билмай ошхона томон бир-икки қадам қўйиб, тўхтади-ю, орқасига ўгирилиб сўради:

— Гуручни солаверайми?

Элчин беихтиёр соатига қаради:

— Ҳали эрта-ку?

— Бировни кутяпсизми?

— Йўғ-а...

Алдади. Кутяпти. Касалхона йўлида аммасиникига кириб «тез боринг», деб тайинлаган эди. Амма «шундай бозорга кираману чиқаман», девди. Унинг «кираману чиқаман» дегани камида икки соат вақтни олар. Шунинг учун ҳам Элчин соатига қараб олган эди.

Яхшики, қўни-қўшнилар бор. Яхшики, хотинларнинг «разведкаси» зўр ишлайди. Зайнабнинг қайтганидан хабар топган аёллар йўқлаб чиқишди. Сўнг «бозорга бирровгина ўтган» аммаси «шошилиб» етиб келди. Элчин бу ташрифлардан фойдаланиб, Анварникига бориб, Рисолат кампирни хабардор қилди. Оқшомда Анвар Хонзодаси билан келди. Шу зайлда шом қоронғусига қадар улар ёлғиз қолишмади.

Йўқловчилар кетгач, уларнинг уйларини ваҳимали сукунат забт этди. Телевизорда кино бошланди. Кинодаги гаплар, шовқинлар қулоқларига кирмайди, сукунат бу овозларни ҳам босиб кетган...

Элчин бу аҳвол узоқ давом этиши мумкин эмаслигини билади. Умуман... эр сулув хотин билан ёлғиз қолганида маъруза айтиши шартми?.. У Зайнабнинг ёнига ўтириб, қўлтиғи остига қўл юборди. Ўз хаёлларига банди бўлиб ўтирган Зайнаб чўчиб тушди. Эрига қаради. Бу қарашда «ўша гапдан кейин ҳам мени қучаверасизми?» деган маъно зоҳир эди. Элчин бу қарашнинг маъносини уқмагандай лаблари билан унинг лабларини излаб топди.

Тун бир оз таҳликали, бир оз гумонли, бир оз эса... ширин ўтди.

Қўрқув билан кутилган сўзлар айтилмади...

Бутунлай айтилмайдими ё вулқон каби куч йиғиб бир кунмас-бир кун отилиб, ҳаммаёқни вайрон қилиб ташлайдими? Буни ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади...

## XVI 6 0 6

### 1

Шаҳар марказидаги уч қаватли уйнинг ертўласи кейинги пайтда гавжум бўлмай қолди. Янги раҳбардан қўрқибми, «Волга»ларда келувчи азиз меҳмонлар ҳам қадамларини тортишди. Асадбек бу ҳолнинг вақтинча эканини биларди. Катта янги иш бошлаганда майдороқларининг пайтавасига қурт тушади. Одобли, ишчан, ҳалол одамларга айланадилар. Каттанинг эътиборига тушиб ёки қўлтиғига кириб олгач, яна эски ҳунарларини бошлайдилар.

Асадбек ишончли нозик одамдан янги раҳбар-нинг аввалгиларига ўхшамаслигини эшитиб, тунги меҳмонларнинг иши пачава экан-да, деб қўйди. Айни чоқда, ўзининг ишларини ҳам мулоҳаза қила бошлади. Ертўладаги хонасига барвақт келганининг боиси ҳам шундай.

Асадбек уйдан чиққани ҳамон хабардор этилган Кесакполвон у билан кетма-кет етиб келди. Чувринди улардан илгарироқ келишни одат қилган, улар эса бунга кўникиб қолишган эди.

Шунинг учун ҳам Кесакполвон хонага кириши билан:

— Маҳмуд кўринмайдими? — деб сўради.

— Маҳмуд Ҳофизникига бориши керак. Ундан онасини кўргани ўтмоқчи эди. Онаси оғир эмиш, — деди Асадбек.

— Оғир бўлса — ўлади, қайтага яхши, қутулади, — деди Кесакполвон юмшоқ ўриндиққа ястаниб ўтириб.— Мен бўлганимда бунақа онани захар бериб бўлса ҳам аллақачон ўлдириб юборардим. Маҳмудинг ғирт аҳмоқ, ўша шилтани «онам» деб юрибди. Ўлмаса яна юради. Ўлгани яхши-да.

— Бировга ўлим тилама. У Маҳмуднинг онаси. Нима қилишни Маҳмуднинг ўзи яхши билади, у сенинг ақлингга муҳтож бола эмас, — деди Асадбек қатъий тарзда. Кесакполвон бу мавзуда гапиришни бас қилиши лозимлигини ўқди.

Асадбек «нозик» одамдан эшитганларини, ўзининг хулосаларини Кесакполвонга баён қилгач, буюрди:

— Орқа-олдингни ўнглаб олларинг. Айниқса сен қадамингни ўйлаб бос. Ҳозир майда-чуйда ишларга аралашмаларинг.

— Майда-чуйда деганинг нимаси, сен нима десанг шуни қияпмиз-ку?

— Ўтган куни кимнинг машинасини топтириб бердинг?

— Ҳа, уми? Яхши танишлар ўртага тушишди. Мен топтириб бердим, шумо қилганим йўқ-ку?

— Топтириб берганинг — ўғирлаганинг бўлади. Ўзи ўғирлаб, соққасини олиб, қайтариб берди, дейишади. Машиналарини ким тинчитган бўлса, ўшанга боришсин. Биз уларни танитаймиз. Салом-алигимиз йўқ улар билан. Йигитларингга айт, дўконма-дўкон изғиб юришни тўхтатиб туришсин. Дўкондорларинг атаганларини ўзлари олиб келиб беришсин. Бергиси келмаганларга ҳозирча индамаларинг. Бунинг ўрнига тсехларнинг ишини кучайтир, савдо-сотикқа зўр бер, таксичиларингни тиндирма.

— Тушундим. Винзавод-чи?

— Винзавод ҳақида гап йўқ. У бизники, унга қарайдиган кўз ўйилади.

— Шунақа дейсану, лекин Ҳосилнинг ғимирлашига эътибор бермаяпсан. Филайи турмага борибди. Қилич билан учрашибди. Қилични сен чиқарасан. Хизматни эса унга қилса-чи?

— Ҳўкизнинг ўлгиси келиб, болтадан тоймаса, майли, кимга хизмат қилса қилаверсин. Ҳосил винзаводни тушида ҳам кўрмайди. Агар Қиличдан умидвор бўлса, бўлаверсин. Қилич нима? Пашшанинг юлинган қаноти. Пуф десақ, учади кетади. Яхши танбеҳ бердинг, Қилич чиққач, у сеники. Ҳар қадамини пойлайсан. Сал тойдими, нима қилишни ўзинг биласан. Фақат шошилма, арқонни узунроқ ташла. Шарифнинг аҳволи қандай, қанжиғингни йўқотдингми?

Кесакполвонга сўнги гап ёқмади. Қошларини чимирди. Асадбек буни сезиб, яна сўради:

— Ҳа, нимага чимирилиб қолдинг? Сендан гап сўрадим?

— Сенга ёқмаган ўша қанжиқ ҳақиқатпарвар ўша олимчангни гаҳ десанг қўлингга қўнадиган қилиб берди. Олимчангдан хавотир олма, даволаняпти.

— Сирканг сув кўтармаяптими? Бир нима десам дарров жириллайсан-а.

— Ўзинг ҳам баъзан оширворасан. Айниқса Маҳмуднинг олдида ер қилиб ташлайсан. Сен шунақа қилганинг учун у ҳам кўзларини лўқ қилиб менга ақл ўргатади. Ҳеч бўлмаса бошқаларнинг олдида ўйлаброқ гапиргин.

— Агар Маҳмуд ақл ўргатса хафа бўлма. У ўз жигарингдан аъло бола. Ақли ҳам жойида. Сен замонга қарамайсан. Сенга қолса ҳали ҳам кесак ўғирлаб юраверсанг...

Асадбек гапни ҳазилга бурмоқчи эди, Кесакполвон баттар тутоқди.

Думини гажак қилган чаён каби энди захрини солишга шайланганида эшик очилиб, Чувринди кириб келди. Унинг мунг шабадаси ялаб ўтган чеҳрасини кўрибоқ, иккови ҳам «онаси қазо қилибди шекилли» деб ўйлашди.

Чувринди акахонлари билан сўрашгач, одатдаги ўз ўрнига ўтирди. Асадбек унга савол назари билан қаради. Кесакполвоннинг эса сабри чидамади:

— Ҳа, онанг ўлдими? — деб сўради у.

Чувринди бош ирғаб қўйди. Асадбек эса Кесакполвоннинг қўпол муомаласидан ғаши келиб, унга норози қиёфада боқди.

Лутф деган тушунчадан бегона Кесакполвон бу қарашнинг, Чувриндининг жавоб ўрнига бош

ирғаб қўйишининг маъноларини ҳам англамади.

— Ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Шу ерга кўмдирасанми?

— Қишлоққа олиб кетишади.

«Қишлоққа олиб кетишади», дейиши Асадбекни ажблантирди.

— Ўзинг бормайсанми? — деб сўради у.

— Боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай турибман.

— Борма, — деди Кесакполвон. — Туғилганингдан бери онанг борми, йўқми, билмайсан.

Кўмгани бординг нима-ю, бормадинг нима? Яна ҳам тириклигида қарадинг. Сенинг ўрнингда мен бўлганимда...

— Бўлди, чўзилма, — деди Асадбек.

— Хўп, чўзилмадим. Лекин битта гапимни айтиб олай: Маҳмуд, хафа бўлмагин-у, аммо мен сенинг ўрнингда бўлганимда унинг хор бўлиб юришларини, хор бўлиб ўлишини, хор бўлиб кўмилишини видеога олиб, телевизорда кўрсатардим. «Боласини ташламоқчи бўлганлар, кўриб қўйларинг, эрта-индин сенлар ҳам хорланасанлар», дердим.

— Ҳайдар ака, — деди Чувринди босиқлик билан, — қўйинг, бу гапларни. Ҳар бир нарсанинг сабаби бор. Ҳарҳолда мени... бошқаларга ўхшаб... ўйнашдан орттириб ташламаганлар.

— Мен мисол учун айтдим, кўнглингга олма.

— Мисол учун ҳам айтманг. Мисолни бошқалардан келтиринг.

— Бўпти, мен фас! — Кесакполвон шундай деб қўлини кўтариб, оёқларини чалиштириб олди.

— Сен бугун йўлга чиқ. Биз Ҳайдар аканг билан эртага фотиҳага ўтамиз, — деди Асадбек.

— Овора бўлиб нима қиласиз? — деди Чувринди.

— Унақа дема, ука, ҳурматинг бор. Маъракани ўтказиб келганингдан кейин иккаламиз Красноярга жўнаймиз.

Бу гап аъёнлар учун янгилик эди. Иккови ажабланиб Асадбекка қарашди.

— Красноярда нима қиласан? — деб сўради Кесакполвон.

— Отам топилдилар, — деди Асадбек. Кейин Анвардан эшитганларини қисқа тарзда айтди. —

Қабрларини зиёрат қилиб келаман. Балки жасадларини шу ерга кўчириш керакдир, а?

Асадбек шундай деб Чувриндига қаради. У жавобга тараддудланиб, елка қисди:

— Бунақасини эшитмаганман. Муллалардан сўраб кўриш керак.

— Сен қайтишингда Собитхонга учра. Ҳолидан хабар олиб, баҳонада шуни ҳам сўрайсан.

Бўпти, бошқа гап йўқ бўлса, сен боравер.

— Тўхта, гап бор, — деди Кесакполвон. — Кавказликлар хол қўйишибди. Ишқал чиқадиганга ўхшайди. Биттасини чет элга ўтказиб юборишимиз керакмиш. Унгача ҳеч нарса айтмасмиш.

Тушуняпсанми, бўйнига олмасмиш.

— Ишни пишиқ қилганман, девдинг-ку?

— Иш пишиқ эди. Шартга кўнишган эди. Ҳайронман, бу аҳмоқ гапни уларга ким ўргатган экан? Хафа бўлмагин-у, Бек, шу ишда бир янглишдик.

— Сен янглишдинг. Мен ёқиб юборларинг, демовдим. Маҳмуд, нима дейсан?

— Нима дейин, ҳайронман?.. Прокурор уйимга келди. Тайин бир гап айтмади. Мурдани

кавлатиб яна текширтирибди. Чайналиб-чайналиб қўйишидан бир балони яшираётганини

фаҳмладим. Бошдаёқ ишни унга топширтириб хато қилдик. Ишончли одамлар билан

битираверсак яхши эди. Тажрибасизини йўлга солиш қийинроқ бўларкан. Агар кавказликлар

ростдан ҳам чет элни даъво қилишган бўлса, бошқа ишқаллик ҳам чиқади. Уларни бошқа

турмага кўчиртиришлари ҳам мумкин. Бошқа турмага кўчса, биз ваъдани бажара олмасак, улар

чидолмай қолишади. Терговчи шунда уларнинг ҳиқилдоғидан олади. Мана шуниси хавотирли.

— Хўш, нима қилиш керак, дейсан! — деди Асадбек бир оз асабийлашиб.

— Прокурор бола билан пачакилашмаслик керак, — деди Кесакполвон. — Кавказликлар чет элни хоҳлаб қолишган бўлса, яна яхши. Жўнаттираммиз. Фақат чет элдан сал нарироққа...

— Ўйлаб кўриш керак, — деди Чувринди.

— Нимани ўйлайсан? Уларни гумон билан қўлга олишдимми? Гувоҳ танидимми? Бўлди-да. Асадбек Чувриндига қаради. Чувриндига бу тўхтама маъқул бўлмаса-да, хаёлига дурустроқ бошқа фикр келмади.

— Сен ҳозироқ ишга кириш, — деди Асадбек, Кесакполвонга қараб. — Аммо эҳтиёт бўл, латта ҳиди келмасин.

— Хотиржам бўлавер, кесак ўғирлайдиган замонларим ўтиб кетган, — деди Кесакполвон. У ўрни келганда Асадбекни чўқиб олганидан хурсанд эди. Уларнинг суҳбатларидан беҳабар Чувринди бу сўз ўйинига тушунмади.

## 2

Чувринди машина калитини Элчинга топширгач, онасидан хабар олгани ўтган эди. У дарвоза остонасида кўриниши билан уй бекаси шошилиб пешвоз чиқди-да:

— Вой, хайрият-е, нима қилишни билмай, ҳозир отин ойига бола жўнатдим. Ўқимаса бўлмайди шекилли? — деди.

— Тинчликми? — деди Чувринди, айвон томон хавотир билан қараб.

Уй бекаси бошини сарак-сарак қилиб, лабини тишлади.

Чувринди айвонга яқинлашди. Онасининг кўзлари юмук. Унинг ҳали жони бор эканини кўкрагининг дам-бадам сал кўтарилиб тушаётганидан билиш мумкин эди.

— Эгачи, ўғлингиз келдилар, — деди уй бекаси.

Бу гапни эшитиши билан онасининг юзлари учди. Кейин иккала кўзи баралла очилди.

— Яқинроқ боринг, салом беринг, кейин... розиликларини олинг, — деди уй бекаси.

Чувринди унинг амрига сўзсиз итоат этди. Онаси соғлом одамнинг овози билан алик олди. Буни эшитган уй бекаси ажабланиб, «астаффируллоҳ» деб қўйди-да, нари кетди.

— Худога шукр, келдинг, — деди онаси. — Бир гапни айтишим керак. Шунда балки мендан рози бўларсан, — онаси кўзини бир юмиб, очди. — Отангнинг қаерга кўмилганларини билиб ол: ҳовлимиздаги балиқтутдан икки қадам нарида. Темир сўрининг тагида.

Чувринди бу гап ҳақиқатми ё ўлим олдидаги алаҳсирашми, билмади. Яна нима гаплари бор экан, деб кўзларига тикилиб тураверди.

— Отанг рашкчи эдилар. Тоққа чиқиб кетсалар ҳам тез-тез хабар олиб турардилар. Мен унда... покиза эдим. Отанг тирикликларида сира хиёнат қилмаганман. Бунақа иш хаёлимга ҳам келмаган. Ўшанда пичанга кетдилар. Қайнонам... бувинг билан муносабатимиз яхши эмасди. Ғалати одатлари бор эди... у киши ҳам рашкчи эдилар, — онаси шундай деб кулимсирашга ҳаракат қилди, аммо бу кулимсираш озғин юзига аянчли тус берди. — Ёлғиз ўғилларини ҳатто мендан ҳам қизғанар эдилар. Отангни кечалари ҳам чақириб турардилар. Шунақа асрардилар. Лекин... асраган кўзга чўп тушишини билмаган эканлар. Отанг пичанга кетганларидан кейин бувинг билан айтишиб қолиб, уйимга кетдим. Сен ҳали қорнимда эдинг. Уйга кетганимни кимдандир эшитиб, бир куни қоронғи тушганида келиб қолдилар. Ортиқча гап-сўз бўлмади. Дадам, акам билан ўтириб ичишди, овқатланишди. Кейин ораларидан гап қочди. Ёқа бўғишиб қолишди. Дадам бир урган эдилар... йиқилиб, бошлари тўнкага урилди. Шу билан оппа-осонгина жонлари чиқди-кетди. — Онаси шундай дегач, кўзларини оҳиста юмди.

Чувринди бу ҳолни кўриб қўрқиб кетди: ўлдими?! Шунақа осонлик билан жон бердимми? Йўқ, онаси ҳали тирик эди. Оғир нафас олди. Кўзларини очди.

— У кишини тут тагига кўмдик. Одамлар билиб қолса, дадам ҳам, акам ҳам кетар эдилар. Отангнинг бизникига келганларини одамлар кўрмаган экан, биздан гумон қилишмади. Мен эсам... уйга сиғмай қолдим. Отангнинг руҳлари у уйда ҳам, бу уйда ҳам таъқиб қилаверди. Тинчимни шаҳарда топмоқчи бўлдим. Тўғри ишлаб, тўғри юриб, тўғри яшамоқчи эдим. Одамлар дарров мени суюққа чиқаришди. Сени туғмасимдан олдин покиза эдим. Худога шукр, сен ҳароми эмассан. Сенга ҳаромнинг томчиси ҳам тегмаган. Бувинг билан буванг тирноққа зор эдилар. Шунинг учун ҳам сени уларга... қолдирдим. Ўзимнинг ота-онамга ишонмадим. Дадам

бехосдан уриб ўлдирган бўлсалар ҳам ёмон кўриб қолувдим. Ўзимни оқламайман. Майли, сен ҳам оқлама. Гуноҳларимни биламан. Сени туғиб қайнота-қайнонам билан бирга яшайверсам ҳам бўларди. Сени ўғринча туғиб, ўғринча ташламаслигим керак эди...

Дадил айтилаётган гаплар аста ўчаётган шамдек сўна бошлади. Сўнгги сўзлар шамчиноқ сингари титради. Кўзлар юмилди. Юмилиши билан бир томчи ёш ожиз киприклар орасидан сизиб чиқди. Шу дам дарвоза очилиб, бошига оқ рўмол ташлаган аёл кўринди. Уй бекаси шошилиб бориб уни кутиб олди. Аёл эркак кишини кўргач, юзини тўсди. Чувринди нари кетди. Аёл айвонга чиқиб беморнинг ёнига ўтирди-да, аввал пичирлаб, сўнг овоз чиқариб дуо ўқиди, сўнг «Ёсин» сурасини ўқий бошлади. Чувриндининг онаси кўзларини юганича ҳаракатсиз ётаверди. Аёл сурани ўқиб бўлиб, дам солгач:

— Эгачи, кўзингизни очинг, яқинларингиздан рози бўлинг, — деди. — Ўлим ҳақ. Ҳаёт Оллоҳ томонидан бизга берилган омонат. Муллака, яқинроқ келинг, сиз ҳам рози бўлинг.

— Розиман...

Биргина сўз... Тилдан учиши шунчалар оғирми? Юракда туғилган сўзнинг бўғиздан ўтиши нечоғли қийин кечди. Тилдан учиши эса янада мушкулроқ бўлди.

Ажабки... она-бола бу сўзни бир вақтда айтдилар...

— Энди, эгачи, «ла илаҳа иллолоҳ!» денг.

Онаси бу калимани эшитиб, кўзларини жавдиратди. Кимдандир нажот кутди, қийналди.

— Ла илаҳа иллолоҳ, денг. Енгиллашасиз, — деди аёл.

Онаси кўзларини жавдиратиб, тўлғонди. Неча кундан бери ҳаракатсиз ётган вужуднинг қимирлаши ажабланарли ҳол эди.

Аёл гапини учинчи марта такрорлагач, онаси кўзларидан ёш чиқди. Титроқ овозда деди:

— Ай-толмаяпман...

Аёл пичирлаб дуо ўқиб, яна дам солди.

— Ҳеч бўлмаса «Оллоҳ!» денг.

Онаси яна тўлғонди. Кўзлари ола-кула бўлди.

— Ай-тол-майман...

Шундай деди-ю, кўзларини чирт юмиб, бўшашди-қолди. Аёл унинг жағини ушлади:

— Бўлди, — деб Чувриндига бир қараб олди.

Уй бекаси ёстиқ тагидан оқ рўмол олиб аёлга узатди. У марҳуманинг жағини боғлади. Кейин рўмолча билан оёқларнинг бош бармоқларини боғлашди...

### 3

Чувринди мурдани қишлоққа жўнатиш хусусида йигитларига топшириқ бериб, Асадбек ҳузурига йўл олганида дафн маросимига бориш ё бормаслигини ўзи ҳам аниқ билмас эди. Кўнгли боришга ундарди, юрагида уйғонган бошқа бир овоз эса «ўликнинг орқасидан нима деб борасан? Қўлингга ҳасса олиб, тобутнинг олдига тушиб «Вой, онажоним!» деб фарёд соласанми? Ҳаммага кулги бўласанми, ташландиқ бола!» деб йўлини тўсарди. Бу овозни ўчиришга ўзида куч топа олмади. Бу овозни Асадбекнинг амри бўғди.

Уч қаватли бино ертўласидан чиққач, онасининг жони узилган уйга борди. Йигитлари «Тез ёрдам» машинасида келиб, мурдани олиб кетишган экан. Уй бекаси одамгарчилик қилиб, уларга ҳамроҳ бўлибди.

Қишлоққа кечки салқинда йўлга чиқишни мўлжаллаб, уйига кетди. Барвақт келганидан хотини ажабланди. Чувринди унга бўлган воқеани қисқа тарзда айтди. Хотини қайнонаси борлигини, унинг бир неча соат бурун жон берганини бугун эшитди.

— Нега аввал айтмаган эдингиз? — деди хотини ҳайратланиб.

— Бу сен аралашадиган иш эмас.

Хотини ортиқча гап айтиб юборганини фаҳмлаб, лабини тишлади.

Чувринди эса хотинига қўпол гапиришга гапириб қўйиб, афсусланди. Кўпинча шундай бўлади:

нимадандир кўнгли ғашланганида уйга қайтгиси, оила даврасида ўтиргиси, хотинидан, болаларидан ширин гаплар эшитгиси келади. Баъзан ишни ўзи бузади: бугунгидай кўполлик қилади-ю, хотини-болаларининг юрагини олади, бечоралар гапиришга ҳам кўрқиб қолишади. Баъзан эса қандайдир арзимаган иш катта бир ташвиш кўринишида унга арз қилинади-ю, хуфтон кўнгли баттар зулумот қаърига чўкади.

Ҳозир уйига келишидан мақсад — бир оз дам олиш баҳона, аслида хотинига дардини ёриб малҳам бўлгучи сўз эшитиш эди. «Бу сен аралашадиган иш эмас», деганидан сўнг малҳам бўлгучи сўздан умид қилмаса ҳам бўлар.

Хотини унга бир қараб олди-да, айбдор одамнинг овози билан сўзлашга ўзида журъат топди: — Адаси, мен ҳам борайинми?

Чувринди буни ўйлаб кўрмаган эди. Дарвоқе, борсинми? Борганида нима қилади? Келинлик вазифасини адо этиб «вой, онам»лаб додлайдими?

— Йўқ, — деди Чувринди, шуларни ўйлаб. Бир оз сукут қилди-да, сўнг кўшиб қўйди: — Бормайсан. Сен борадиган жой эмас.

Сўнги гапни айтиши бежиз эмас. Онаси-ку, ўлди-кетди. Аммо бу хонадонда ҳали «бобо» деб аталиши лозим бўлган одам, «тоға» деб аталувчи киши, яна ўзи ҳам билмайдиган бир тўда қариндош-уруғлари бор. Улар кўп, уларни кўришга эса унда кўз йўқ. Ўзи уларни кўришга тоқат қилолмайдими, бас, хотинининг кўришига ҳам ҳожат йўқ.

Чувриндининг маъюслигини кўриб, акахонлари, айниқса Ҳайдар акаси, энди эса хотини «онасининг ўлимидан қайғуряпти», деб ўйлашди. Қайғургани учун Ҳайдар акасининг ҳатто ғаши ҳам келди. Тўғри, ўлим туфайли ҳам узорига қайғу кўланка солди. Аммо кўнглини кемираётган бу кўланка эмас, балки онасидан эшитган янгилик — отасининг тақдири эди. Аслида уни қишлоққа боришга ундаётган ҳам дафн маросими эмас, балки отасининг неча йилдан бери яширин ётган ерини кўриш, зиёрат қилиш эди.

Салқин хонага кириб ётди. Хотинига «ухлаб қолсам бир соатдан сўнг уйғот», деди. Шу аҳволда уйқу келар эканми? Ярим соатча у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ётгач, ўрнидан туриб ҳовлига чиқди. Енгил-елпи овқатланган бўлиб, йўлга тушди.

Қишлоққа кириб борганида хуфтон намозига азон чақирилмоқда эди. Онаси яшаган уй олдида уч-тўрт одам гаплашиб турарди. Чувринди машинасини улардан ўн-ўн беш одим нарида тўхтатди. Машинадан тушиши билан турганлардан бири уни таниб, шошганича ичкарига кириб кетди. «Хабар қилгани шошиляпти. Менга ким пешвоз чиқаркин. Бобомми, тоғамми?» шу фикр хаёлига келиб, ижирғанди. Чунки ҳозир икковини ҳам кўришга кўзи йўқ эди.

Чувринди турганлар билан сўрашгач, эшик оғзида бир оз тўхтади. Бу ерда туриш ноқулайлигини билиб, йўлак сари икки-уч қадам қўйди.

Ҳовлига чироқлар ёқилган. Ана, тут дарахти кўриниб турибди. Сал нарида темир каравотнинг бир чети кўзга ташланади. Йўлакнинг охиригача борилса каравот баралла кўринади. Тут дарахти... темир каравот... одамлар ўтиришгандир... унинг остида эса... отаси...

Ҳовлининг чироқ нури етмаётган томонидан бир шарпа кўриниб, у томон юра бошлади. Ёруғ томонга ўтгач, бел боғлаган бақалоқ одамни таниди: «Тоғам-ку?» У ичкари киришни хоҳламаган эди. Ҳозир бу уйга келганидан, йўлакда турганидан афсусланди. «Ерталаб келиб кетсам ҳам бўларди», деб ўйлади. Энди вақт кеч, орқага қайтишнинг иложи йўқ. Тоғаси: —Вой жигарим, онангдан айрилиб қолдик, — деб кучоқ очди.

Чувринди тисарилди. Уни уриб юборгиси келди. Лекин ўнлаб кўзлар тикилиб турганини фаҳмлаб ўзини босди. Қучоқ очиб келаётган тоғасига қўлини узатди. Тоғаси йиғламсираб бир нима демоқчи эди, гапини шарт узди:

— Темир каравот устида одам ўтирмасин!

Дағаллик билан айтилган сўз тоғани гангитди. Сўнг Чувриндининг нима учун бундай деганини тушуниб кўрқиб кетди-да:

— Хўп, хўп, жиян, — деди.

— Жиян ҳам дема, тилингни суғуриб оламан.

Маҳмуднинг келганини эшитиб ажабланган тоға, энди бу гаплардан сўнг тамом довдираб қолди.

— Эрталаб келаман, — Чувринди шундай деб шарт бурилди-да, машинасига қараб юрди. Бу уйдан узоқлашгач, қаёққа боришини ўйлади. Болалиги ўтган уйда ҳозир бобосининг жиянлари туришади. Кириб борса, ҳарҳолда, бошлари осмонга етмаса ҳам, иззатини жойига қўядилар. Лекин ярим тунгача ўзига ёқмаган суҳбат билан банд бўлиши, кераксиз юзлаб саволларга жавоб бериши лозимлигини ўйлаб боргиси келмади. Болаликда орттирган дўстлариникига боришга ҳам нечукдир оёғи тортмади. Хаёлига Ҳовуз полвон келиб, машинани ўша ёққа бурди.

Ҳовуз полвонникида тунашни ўйламаган бўлса-да, бирров йўқлашни шаҳардаёқ кўнглига туккан эди. Ҳозир уникига бораётганидан ўзича қувонди. Аввало ўғлининг тақдирини билади, кейин полвоннинг суҳбатини олади, узоқ йиллик гуноҳдан фориғ бўлиш йўлида яна бир қадам қўяди.

Ешик оғзида машина тўхташи билан ичкаридан олти-етти ёшлар чамасидаги икки бола югуриб чиқди.

— Полвон тоғанинг неварасимисанлар? — деб сўради Чувринди, улардан тасдиқ жавобини олгач, буюрди: — Югур, бобонгни чақир.

Болалар ярим йўлга етмаёқ Ҳовуз полвоннинг овози эшитилди:

— Киравермайсанми, худди бегонага ўхшаб туришингни қара.

Чувринди Ҳовуз полвоннинг пешвоз чиқишини кутиб ўтирмай, ичкарига қадам қўйди.

— Келганинг яхши бўлибди. Эсли боласан, келишингни билувдим. Худо раҳмат қилсин, ким бўлсин, шу ёғоч отга барибир минади, — деди Ҳовуз полвон уни бағрига босиб.

«Ақлли одам, — деб ўйлади Чувринди, — «онангни бериб қўйибсан», демади, анави аҳмоққа ўхшаб «жигарим»ламади...»

Чувринди айвон баҳаво, шу ерда ўтирайлик, деган эди, Ҳовуз полвон «сен ҳам кичкина одам эмассан, иззатингни бил», деб ичкари уйга бошлади. Хонтахта атрофига икки қават кўрпача тўшалиб, лўлаболишлар ташланган эди. «Келишимни кутганми ё уй доим шундай ясатиғлик турармикин?» деб ўйлади Чувринди.

Келин салом бериб кириб, дарров дастурхон тузади. Бир пиёла чой ичарли вақт ўтгач, косаларда овқат киритилди.

— Уйингизни меҳмон босадиган пайтда келибман шекилли, — деди Чувринди қувлик билан. Ҳовуз полвон Чувриндининг уйида айтган гапини эслаб, кулимсираб қўйди:

— Йўқ, сен ошга тушган пашша эмассан. Эсингни таниганингдан бери уйимга энди келишинг. Мен бобонг билан ошна эдим. Бобоннинг руҳлари ором олсин, десанг, дўстларидан хабар олиб туришинг керак. Энди ёш бола эмассан, бунақа гапларга ҳам ақлинг етсин.

— Полвон тоға, сиз отамни билармидингиз?

— Йўқ, мен бу қишлоққа кейинроқ келганман. Лекин отангнинг йўқолганини эшитганман. Ҳар хил миш-мишлар юрарди.

— Қанақа миш-миш?

— Сўрайсан-а? Ўзинг эшитмаганмисан? Шаҳарда ўйнаши бор экан, ўша келиб ўлдириб кетган, деган гап-да.

— Ҳақиқатни ҳеч ким билмайдими?

— Нега билмайди? Худо билади.

— Мен ҳам... Ўлими олдида айтди.

— Билганинг яхши. Лекин энди фойдаси йўқ. Орада нима сир бор, билмайман. Лекин сирлигича қолавергани маъқул. Эсли боласан.

— Ҳа... — Чувринди хўрсинди. — Менга оғир мерос қолдирди. Бу сирни гўримга олиб кетаман.

— Овқатингни ич, кўзёшинг косага тушса, шўрванинг шўри чиқиб кетади.

- Кўнгли эзила бошлаган Чувринди бу танбеҳдан сўнг бир оз енгил тортиб, жилмайиб қўйди. Келин косаларни олиб чиққач, Ҳовуз полвон чой қўйиб узатди-да:
- Ўғлим эсон-омон чиқиб келди, раҳмат, — деди.
- Қани ўзи? — деб сўради Чувринди.
- Тоққа чиқиб кетди. Ўт ўряпти.
- Мен билан бирга кетсин.
- Йўқ, кўз олдимда бўлсин. Сенинг ишингни биламан, қалтис. Бугун ошиғинг олчи, эртага қарабсанки... Ке, қўй, меҳнат билан бўлаверсин. Ёрдаминг керак бўлиб қолса, югуриб боравераман.
- Унда уйлантириб қўйинг. Бевош юрмайди.
- Ҳа, мўлжал бор. Хашақдан тушсин-чи.
- Хизматнинг каттасини менга юклайсиз. Ҳофиз мендан. Гарнитурни бу томонларда куёв томон олади, а?
- Бе, — Ҳовуз полвон кулимсираб, қўл силтади, — шу уйга гарнитўрми? Қўйсанг-чи! Битта сандиқ, тўртта кўрпа-кўрпача билан турмуш-тирикчилигим ўтди. Гарнитўри керакмас. Худо бахтини берсин. Гарнитўрига тилла чойнак-пиёлаларни териб қўйса-ю, Худо бахтини бермаса ҳаммаси бир пул.
- Бу гапингиз ҳам тўғри. Лекин... мен шу ўғлингизни укамдай кўриб, тўйига бош қўшсам, девдим.
- Тўйга айтиб бораман, хотиржам бўл.
- Яна бир оз гаплашиб ўтиришгач, ош кирди. Ошни еб, дастурхонга фотиҳа ўқилиши билан Ҳовуз полвонни кимдир чақириб келди. У ташқарига чиқди-ю, дам ўтмай қайтди.
- Тоғанг келибди, кир десам кирмайди, ўзингга айтадиган омонат гапи бор шекилли, чиқа қол. Тоғаси ҳовлига киришга ҳам ботинмай, кўчада турар эди. Чувринди уни зўр бир ташвиш етаклаб келганини сизди. Эрталаб сингисини дафн этадиган одам расман жиян деб аталувчи меҳмонни бекорга йўқламайди. Чувринди тоғасининг ташвишини англаб турса ҳам ўзини билмаганга олди-да:
- Ҳа, тинчликми? — деб қўйди.
- Дадам юбордилар, нимага олиб кирмадинг деб, мени анча койидилар. Борсангиз яхши бўларди.
- Шунга айтгани келдингми?
- Тоғасини сенсираши Чувриндининг ўзига ҳам хунук туюлса-да, сизлашга тили бормади. Тоғаси эса бу сенсирашни бўлажак хунук бир воқеанинг даракчиси сифатида қабул қилди. Кексайиб қолган одамнинг довдираши ғалати бўларкан. Айтадиган гапини ҳам йўқотган тоғаси шу топда иштонини ҳўл қилиб энди онасидан шапалоқ кутаётган бола ҳолида эди. Чувринди «ўл, бу кунингдан», деб ўйлаб, унинг бу ҳолидан нафратланди, айна ўринда кулгиси ҳам келди.
- Эрталаб бораман.
- Жанозани бомдоддан кейин ҳовлида ўқийдиган бўлишди.
- Хўп, яна нима демоқчисан? Гапинг бўлса, айт, ичингда қолиб, сасиб кетмасин.
- Тоғаси дардини айтиши учун ундан фатво олган бўлса ҳам бир оз жим тургач, кейин аста сўз бошлади:
- Менга раҳмингиз келмаса ҳам, отамга жабр қилманг. Қариганда шу азоблар каммиди? Кўз кўрмаса, чап қўл-оёқ ишламаса, Худо ҳеч бир бандани бундай қийнамасин. Чақалоқдай бўлиб қолганлар...
- Унга бу азоблар ҳам кам, — деди Чувринди совуққонлик билан.
- Улғайганингизда ўзимиз айтмоқчи эдик. Синглим йўл бермади. Охири ўзи айтибди... Биз гуноҳкормиз... Лекин... атайин бўлмаган. Тасодиф... тўғри, жиян дейишга ҳаққим йўқ, лекин... қонимиз бир...
- Бекор айтибсан! Йигитнинг томирида отанинг қони оқади, тоғанинг эмас! Нимага келдинг,



чайналмасдан мақсадингни дангал айт!

— Мақсад... мақсад... гуноҳимизни кечинг, ўтган ишга...

— Салавотми? Ўрага сичқон тушди, гулдир гупми?— Чувриндининг қони қайнади. «Булар мени ким деб ўйлапти? Ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилади, милиса чақиради, қаматади», деяптими, қанақа аҳмоқ экан булар? Шуларни қаматишдан бошқа ишим йўқми? Тўхта, сени бир бопламайми...» Чувринди бир шум қарорга келиб, қатъий тарзда деди: — Эрталаб милиса келиб, каравотнинг тагини кавлайди. Кейин нима бўлиши ўшанда билинади.

— Йўқ, йўқ... жон... ука... ундай қилманг. Отамга раҳмингиз келсин... — Тоғаси энди росмана йиғламсиради. Тиз чўкиб ялинишга тайёр ҳолга келди.

— Менда раҳм йўқ, — деди Чувринди. — Раҳм нима қилсин. Шаҳарда дайдиб юрганимда раҳм-шафқат деган ҳислар ўлиб бўлган. Одамга меҳр она сути билан киради? Ҳа! Менда меҳр нима қилсин? Мен ёввойи одамман. Фақат одам гўшти емайман. Лекин одамни қийнаб, роҳатланаман. Сен отанг билан бирга қамокда ўлиб, ўша ерда чирийсан. Қайтага болаларингга яхши. Ўликларингни кўмишга сарф-харажат қилиб ўтирмайди. Ҳукуматнинг ўзи чиройли қилиб жойлайди. Ўликларингни қизиб турган ўчоққа тикади. Мурдаларинг худди тирик одамдай уч-тўрт марта сакрайди-ю, кейин бирпасда кулга айланади. Сенларнинг турган-битганларинг икки ҳовучгина кул.

Чувринди айтган бу гапларни эшитишнинг ўзиёқ даҳшат эди. Мурданинг ёниш олдидан сакрашини кўз олдига келтирган ҳар қандай одамнинг баданида енгил титроқ туриши тайин. Чувринди тоғаси билан бобосини шу дунёнинг ўзидаёқ дўзах оташига ҳукм қилаётган эди. У крематорийни ўзи кўрмаган, кўрганлардан эшитган, эшитиб бир сесканиб тушган эди. Ҳозир тоғасини ҳам шу ҳолга солмоқчи эди. Тоғаси сесканиш нима экан, биратўла жон таслим қилай деб қолди. Ялиниш учун эмас, оёқларида дармон қолмагани учун тиз чўқди.

Чувринди сўкиниб, елкасидан ушлади-да, турғизди.

— Аввал ҳам палид экансанлар, палидликларингча қарибсанлар. Аслида сен хунасаларнинг киндикларингдан бўғизларинггача тилиб ташлашим керак эди. Мен милиса билан иш битирадиган ҳеббим эмасман. Мени шунақа паст кетади, деб ўйладиларингми? Мен синглингнинг айтганларини тўғри ё нотўғрилигини билгани келдим. Отангни Худонинг ўзи уриб қўйибди-ку, мен туртиб нима барака топдим. Бориб айт, тинчгина ўлаверсин. Ўлганидан сўнг жаноза ўқишади, олиб бориб кўмишади. Кейин биттаси туриб «қанақа одам эдилар?» деб сўрайди. Ҳамма «яхши эди, Худо раҳмат қилсин», деб тарқайди. Сенинг ҳам кўнглинг жойига тушади. Хўш, мен-чи? Жанозаси ўқилмаган, молдай кўмиб ташланган одамнинг ўғли нима қилишим керак? Жўна, турқинг қурсин...

Тоғаси бошини эгганича, битта-битта оғир қадамлар босиб изига қайтди. Чувринди унинг қораси ўчгунича ҳаракатсиз туриб қолди. Сўнг «Полвон тоға!» деб чақирди. Ҳовуз полвон айвонда, уларнинг гапларини эшитиб, хайрат тузоғига банди бўлиб ўтирарди. Чувриндининг чақирувидан ўзига келиб, ёшига хос бўлмаган чаққонлик билан ўрnidан турди-да, кўча томон юрди.

— Полвон тоға, кетяпман.

— Ие, жанозага қолмайсанми?

— Йўқ... қололмайман. Жаҳл устида яна бир нарса қилиб қўймайин.

— Ўзинг биласан... Эсли боласан, аммо қаттиқ гапириб юбординг.

— Энг юмшоқ гапирганим шу. — Чувринди шундай деб хайрлашиш учун қўл узатди.

## XVII 6 o 6

### 1

Анвар қия очик турган эшик ортидан Чувриндини кўриб, юраги «шиғ» этиб кетди. «Наҳотки

тўғри бўлса?» деб ўйлади. Шу ўй хаёлидан ўтиши билан «Биз қачон сени алдаган эдик?» деган овозни эшитгандай бўлиб, юришдан тўхтади. Буни кўриб Чувринди кулимсиради:

— Ҳа, Анварбек, бирон нима эсдан чиқдимми? — деди қувноқ оҳангда.

Чувриндининг жарангдор овозидан Анвар ўзига келди. Қадамини тезлатиб юриб борди-да, кўришиб, сўнг уни ичкарига таклиф қилди.

— Эртага Красноярга жўнайдиган бўлиб турибмиз. Бирга борасизми, деб келдим, — деди Чувринди, ичкарига киришга унамай.

— Красноярга? Нима учун? — Анвар уларнинг Красноярскага нима учун боришларини билса ҳам атайин сўради. Чувринди «наҳот билмасангиз?» дегандай қараб қўйиб, сўнг жавоб берди:

— Бек акамнинг оталарини зиёрат қилгани кетяпмиз.

— Ким?

— Бек акам, мен, борсангиз — сиз, яна Бек акамнинг бир жонажон оғайнилари. Улфати чор — анда маза бор, дейишади-ку? Чор улфат бўлиб бориб келамиз.

Анвар тунги топшириқни эслаб, ўйланиб қолди.

— Агар борадиган бўлсангиз, эрталабки саккизда тўғри аэропортга чиқаверасиз. Майда-чўйда олиб юрманг. Йўқ, яхшиси соат етти яримда шу ерга машина келади.

— Бормасам керак, узримни айтиб қўйинг, — деди Анвар хомуш тарзда.

— Эрталабгача бир гап бўлар, — Чувринди шундай деб, машинаси томон юрди.

Анвар унинг машинаси кўздан йўқолгунича турган жойида қотди. Сўнг бурилиб, ичкари кирди-да, ярим йўлда яна тўхтади. Деразасига қараганича туриб қолди.

...Кеча тунда худди шу деразадан нур оқиб кирган эди. Йўқ, аввал ширин уйқудаги Анварни кимдир туртиб уйғотгандай бўлди. «Хотиним уйқусираб туртдимми?» деб ўйлади. Йўқ. Хонзодаси ўрин четида, орқа ўғирганича беозоргина ухлаб ётибди. Анвар, уйқуси тўла очилмасидан, таниш овоз эшитди:

— Сени биз уйғотдик...

— Нимага? — деди Анвар ажабланиб. — Безовта қилмаймиз, деган эдинглар-ку?

— Ҳа, сени биз безовта қилмаймиз. Ўзинг чақирдинг. Тур ўрнингдан.

Анвар буйруққа итоат этиб, ўрnidан турди-да, қўшни хонага чиқди. Хона ёришган, деразадан нур оқиб кирган эди.

— Мен сизларни чақирмадим.

— Тилинг билан чақирмадинг. Лекин дилдан истадинг. Биздан нажот кутдинг. Бир неча маротаба чақиришга чоғландинг. Лекин журъат этмадинг. Қўрқдинг.

— Бўлмаган гап! Мени қўрқоқликда айблашга ҳаққингиз йўқ!

— Ботирмисан? Ботирни ҳам, қўрқоқни ҳам бир илдиз қовуштириб туради. Ботир бир ишни қилишга жазм эта олгани учун ботир, қўрқоқ эса ўша ишни қилмай қочгани учун қўрқоқ.

— Бу фалсафангиз ноўрин.

— Баҳслашма, муддаога кўч.

— Мен домла Иноятуллони кўришим керак.

— Мумкин эмас, ижозат йўқ.

— Ҳақиқатни аниқлашим зарур.

— Ҳақиқат шуки, Ҳикмат Ўролов айбсиз айбдор. У Иноятуллога хиёнат қилмаган.

— Ҳақиқатни билмоқчиман, менга исбот керак.

— Ҳақиқатни сенга Ҳикмат Ўроловнинг ўзи айтади. Унга ишон.

— Қачон?

— Тонг отгач, сени Асадбекнинг одами йўқлаб, сафарга чорлайди. Сен у ёққа борма. Хизмат жо-йингда сени нохушлик кутади. Сен ўзингни йўқотма. Ҳеч ким билан айтишма. Тўғри Ҳикмат Ўроловнинг уйига бор. Гапларини эшит. Сўнг, биз уни олиб кетамиз...

— Йўқ! — Анварнинг овози худди жон таслим қилаётган одамникидай бўғилиб чиқди. — Йўқ!

— деб такрорлади у. — У яшаши керак!

— Унинг руҳи оромга муҳтож.

Шу гапдан кейин Анварнинг қулоқлари шанғиллади. Нур йўқолди. Терга ботган Анвар дераза олдида яна узоқ туриб қолди...

Ҳозир Чувриндини кузатгач, тунда эшитганлари ҳақиқатга айлана бошлаганидан қўрқди. Ҳа, қўрқди. Лекин уни бу ҳолатда қўрқоқликда айблаб бўлмас. У айна дамда ожиз эди. Бўлажак воқеаларга тўғаноқ бўла олмасди. Бўлажак нохушликларни изига қайтаролмасди. Мана шу ожизлик унинг юрагига қўрқув соларди.

Ана шу қўрқув билан ишга отланди. Шу қўрқув билан хонасига кирди.

## 2

Ҳамхоналари бирин-кетин келдилар. Хомуш ўтирган Анвар улар билан бош ирғаб сўрашди. Яхши кайфиятда кириб келган Гулнора унга бир қараб олиб «нима бало яна айнияти шекилли?» деб ўйлади-да, сумкасидан газит чиқариб, ўқий бошлади. Унинг бу ҳаракати Анварнинг зийрак назаридан четда қолмади. «Газит ўқийдиган бўлиб қолибдими?» деб ажабланди. Дам ўтмай хонага «енг кичик илмий ходим» кириб, Анвар билан қўшқўллаб сўрашди-да, газит ўқиётган Гулнорага ғалати қараб қўйди.

Хонада ўлик сукунат ҳукмрон эди. Аёлларнинг ўзаро пичирлашиб олишлари ёки нарх-наво янгиликлари ҳам нечукдир кун тартибидан ўчирилган. «Ғалати кун, — деб ўйлади Анвар. — Бу сукут ниманинг аломати? Вулқон портлаши арафасидаги осойишталикми бу? Булар бир нимани билишади, мен эсам билмайман... «Енг кичик илмий ходим» ҳам нимадандир хабардорга ўхшаб ўтирибди. Мен нима учун беҳабарман? Нима учун меровсираб ўтирибман?» Анвар бунақа кутишга, бундай сукутга тоқат қиладиган тоифадан эмас. У «енг кичик илмий ходимга» савол назари билан тикилди. У аввалига бу қарашга дош беролмай, нигоҳини олиб қочди. Кейин ўрнидан турди-да, Анварга яқинлашиб, газитни узатди. Анвар газитни қўлга олганида Гулнора «Вой, тавба-е», деди-да, ўрнидан туриб, хонадан чиқди. «Енг кичик илмий ходим» эса жойига қайтиб, Анварга айбдор одамнинг нигоҳи билан қараб қўйди.

Анвар «мени кутаётган нохушлик шу ерда шекилли?» деган ўй билан газит саҳифаларига кўз югуртирди. Унинг нигоҳи сарсари кезмади. Бир қарашдаёқ Холидийнинг номини топди. Катта ҳарфлар билан терилган «Жанозасиз кетганлар» деган сарлавҳа устида «профессор Холидий» деб қўйилибди. Анвар мақолани ўқимаёқ, гап нимада эканини англади.

— Ҳаммаси равшан! — деб газитни ғижимлади-да, «енг кичик илмий ходимга» қаради: — Домла Иноятулло ва Ҳикмат Ўролов ҳақида, шундайми?

— Шундай... Лекин... охиригача ўқинг.

Анвар газитни қайта текислаб, мақолани нафас ютиб ўқий бошлади. Холидий Сталин замонасидаги қатли ом натижасида илм, хусусан, тарих илми нечоғли таъқибга учраганини ёза туриб, кўплар қатори ўзининг ҳам азият чекканини қистириб ўтиб, сўнг гапни домла Иноятулло тақдирига бурган эди. Домла ўзига яқин олиб юрган, ҳатто «шогирдим» деб фахрланган бир гуруҳ олимларнинг унга хиёнат қилгани ҳам айтилган, ўша «бир гуруҳ» орасидан фақат Ҳикмат Ўроловнинг номигина зикр этилган эди. Анвар «Хотин кишининг макри қирқ туяга юк бўлади, дейдилар. Холидийнинг макри қирқ эмас, қирқ минг эшелонга юк бўлар-ов», деб юрарди. Бу мақолани ўқий туриб фикрини ўзгартирди: «Унинг макри қирқ миллион эшелонга юк бўла олади!» Холидийнинг ким экани, юраги оқми, қора эканини билмайдиганлар бу мақолани ўқигач, уни азият чеккан, куюнчак олим сифатида қабул қилишлари шубҳасиз. Газитни минглаб одамлар ўқийди. Энди кимга бориб «аслида Холидийнинг ўзи аблаҳ, Ҳикмат Ўролов ҳалол одам», деб ишонтириш мумкин?

Анварни кутаётган нохушлик мақоланинг сўнгида эди:

«...Мен ҳужжатхонада ўтириб бу далилларга дуч келгач, кўзларимга ишонмадим. Яқин дўстимнинг шундай сири борлигига ажабландим. Ана шунда бошқа бир ҳужжатларни ўрганиб ўтирган иқтидорли олим Анвар Сатторовичга ўқиб берган эдим, у жўшиб кетди. Ҳа, ҳалол одам

деб юргани бундай мунофиқ бўлиб чиқса чидаш қийин. Анвар Сатторович чидай олмади. Кўзда ёш билан ҳужжатхонани тарк этди...»

Анвар газитни ғижимлади, сўнг пора-пора қилиб йиртди. Кейин ўрnidан туриб, Гулнора ўтирган столга яқинлашди-да, ундаги газитни ҳам поралаб ташлагач, столни зарб билан тепди. «Енг кичик илмий ходим» югуриб келиб, уни елкасидан қучоқлади.

— Анвар ака, ўзингизни босинг. Ҳеч ким ишонмайди бу гапларга.

— Мен бор эдим ўша ерда, ўқиб берган эди, мараз! Шуларни ёзиш учун атай борган у ҳароми! Шу пайт Анварнинг қулоғи шанғиллаб, кўзлари тинди. Таниш овоз эшитилди: «Ҳикмат Ўроловниқига бор...»

Анвар «енг кичик илмий ходим»нинг қучоғидан бир юлқиниб бўшади-да, тез-тез юриб, хонадан чиқди. Овознинг ҳукмига бўйсунмай Холидийнинг хонасига борди: эшик берк... Ўлмас Акрамнинг эшиги ҳам берк... Ҳатто котибаси ҳам йўқ. Анвар эгасиз эшикни тепиб, бўралаб сўқди-да, овознинг буйруғига итоат этиб, Ҳикмат Ўроловнинг уйига қараб кетди.

Ҳикмат Ўролов шаҳар марказида, олимлар учун махсус қуриб берилган икки қаватли уйда яшарди. Эшик қия очик бўлса ҳам Анвар қўнғироқни босди. Дам ўтмай остонада Ҳикмат Ўроловнинг хотини кўринди. Эрини бениҳоя тарзда иззат қилувчи, ҳар қандай бетаъсир шамолдан асрашга интилувчи, сочлари текис оқарган хушрўй, хушмуомала бу аёл барчани ширинсўзлиги билан мафтун этарди. Ҳозир ҳам Анварни меҳрибонлик билан қаршилади.

— Келганингиз яхши бўлди. Домла сизни жуда яхши кўрадилар. Кўп гапирдилар. Анча вақт кўринмадингиз, хавотирландилар.

Анвар нима дейишни билмади. «Тобим йўқ эди», деса, жиннихонадан чиққанига ҳам ярим йил бўлди. Бирров келиб кетиши мумкин эди...

— Айб менда, эътиборсизлик қилдим, — деди Анвар дангал.

Аёл бу гапни эшитиб, ширингина жилмайди-да, бошини сарак-сарак қилиб, деди:

— Ундай деманг, жон ўғлим, ёшларнинг ишлари, ташвишлари кўп бўлади. Энг муҳими, дилингизда тутган бўлсангиз бас.

Анвар остона ҳатлаб ичкари кириб, тўхтади.

— Нега тўхтадингиз, кираверинг.

— Домла... ўқидиларми?

— Ҳа... — аёл маъюс жилмайди. — Лекин сиз қайғурманг. Бу ҳали фожиа эмас. Биз бундан баттарларини-да кўрганмиз.

— Ҳаммаси тухмат...

— Қайғурманг, деяпман-ку. Домлажон мутлақо эътибор бермадилар. Одатдагидек китобхоналарида иш билан бандлар. Юринг, юраверинг....

Анвар уй бекасининг изидан иккинчи қаватга кўтарилди. Бу уйдаги меҳмон кутишга мўлжалланган энг катта хона китобларга ажратилган. Тўрт девор гир айлана, ҳатто эшик-деразаларнинг ёнлари, тепаларига ҳам тахтачалар қўйилиб, китоблар терилган. Кўча томонга қараган катта дераза ёнида ёзув столи. Икки кишининг суҳбатлашиб ўтиришига мўлжалланган иккита юмшоқ ўриндиқ, пастак курси... Катта хонанинг жиҳозлари шулардан иборат.

Ҳикмат Ўролов юмшоқ ўриндиқлардан бирини банд этган, қўлида қадимдан қолган китоб.

Кўзлари китоб саҳифасига қадалган, хаёли эса нима биландир қаттиқ банд эди. У зинадан кўтарилаётган икки кишининг шарпасини сезмади. Анвар унинг ўтиришига қарабоқ, иш билан банд эмаслигини фаҳмлаб, ўғирилди-да, уй бекасига савол назари билан қаради. Уй бекаси бошини чайқаб қўйиб, енгил йўталди. Ҳикмат Ўролов бунга ҳам эътибор бермади. Шунда Анвар баландроқ овозда салом берди.

Хаёл чангалидан юлиб олинган Ҳикмат Ўролов чўчиб тушди-ю, аммо сир бой бермай алик олди-да, ўрnidан туриб Анварга қучоқ очди.

— Қўнғироқнинг чалинишидан сиз келганингизни билувдим. Сиз астагина, одоб билан чаласиз, — деди у Анварни бағрига босиб. — Хурсандман, меҳрибоним, хурсандман. Қани, ўтирсинлар.

Ҳозир иттифоқо мавлоно Румийни ўқиётган эдим. Бир ривоят хаёлимни ўғирлади. Ўқиб берай, эшитинг. Маликам, сиз ҳам тингланг. Гапни чўзмаслик учун мазмунини айттайинми?

— Мен ўзим ўқиб оларман.

— Дуруст. У ҳолда чойни шу ерда ичамиз. Икки олимнинг суҳбати китобхонада кечгани маъқул. Уй бекаси изига қайтгач, Ҳикмат Ўролов муқовасига ямоқ тушган китобни варақлади. Анвар ёзув столидаги газитни кўрган, домланинг атайин гапни чалғитишга уринаётганини фаҳмлаб турарди.

— Сиз якан нима эканини биласиз, а? — деб сўради Ҳикмат Ўролов.

Анвар бу сўзни эшитган, аммо нимани англатишини аниқ билмас эди. Шу боис ўйланиб қолди. — Фақат пул, деманг. Отарчилар бир пайтларда пулни «якан» дейишарди. Якан — ўсимлик, қамишзорда ўсади. Яканни ўриб олиб, қуритиб узум осадилар, ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Қамиш, биласиз, узун. Якан эса пастак ўсимлик. Хуллас, якан бир куни қамишга қараб: «Ў, биродар, ҳадеб ғўдаяверма, сал эгил, Оллоҳнинг қуёши нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик», дебди. Қамиш унга қарагиси ҳам келмай, бурнини жийириб қўйибди. Вақти-соати келиб қамишни ўрибдилар. Сўнг яканни. Тасодифни қарангки, ўша қамишдан ясалган бўйрани бир уйга тўшабдилар. Шу уй тўсинларига эса узумни осибдилар. Якандан тўқилган сават қалпоқни деворга илибдилар. Орадани кунлар ўтаверибди. Қамиш пастда, якан эса тепада экан. Охири қамиш тепадаги яканга зорланибди: «Мени ўриб олиб қуритдилар, тепкилаб қовурғаларимни синдирдилар, сўнг сувга бўқдилар. Сўнг қайириб букиб, бўйра ҳолига келтирдилар. Энди эса ҳар куни тепкилайдилар. Бу ҳам етмагандай бир четимни қайириб, тупурадилар...» — Ҳикмат Ўролов шундай деб кулимсиради: — Нос тупурсалар керак-да, а? Хуллас, қамишнинг ҳасратидан чанг чиқибди. Шунда якан дебди-ки: «Сиз бекор ғўдайдингиз. Ғўдайиб ўсавердингиз. Аммо ичингиз ғовак эканини унутдингиз. Ғовак бўлганингиз учун ҳам тепкиланишдан бўлак нарсага ярамадингиз. Ҳали ҳам кеч эмас. Сиз ўсган ерингизда илдизингиз қолган. Уларга етказинг, сизнинг ҳолингизга тушмасинлар...» — Ҳикмат Ўролов шундай деб Анварга савол назари билан тикилди: — Фаройиб ривоят, шундай эмасми? Қамиш ўриб олинаваради, келгуси йили эса илдизидан яна ўшандай қамиш ўсиб чиқаверади. Бечора оқибатда қандай хор бўлишини билмай ғўдаяверади. Оёқ остига ташланмай, томга тўшасалар ҳам барибир башарасига лой чаплайдилар... Қисмати оғир... аммо у якан бўлолмайди... Ҳикмат Ўролов шундай деб иягини қашиб қўйди. Шунда Анвар бармоқларнинг энгил қалтираётганини кўрди. «Дардни яшириш қийин, — деб ўйлади Анвар. — Холидийнинг аҳмоқона гапларига эътибор бермай бўларканми? Домла дардини ичига ютишга уриняпти. Юрагида бу дардни ҳам сингдириш учун бўш жой бормикин? Домла нимага бундай қиялпти? Андишаданми? Андишанинг отини кўрқоқ дейишади-ку? Индамай қўйгани барча бўхтонларга ризо эканини англатмайдими? Наҳот домла бунга тушунмайди? Қачонгача индамай ўтираверади? Мана шунақа индамай қўя қолиш одати борлиги учун ҳам Холидий тап тортмай унга ташланган. Қани, Миролимга шундай қилиб кўрсин-чи?! Йў-ўқ, бу шаллақидан кўрқади. Сталин замонида Миролим зиёлиларни қуритишда роса хизмат қилган. Холидий унга салгина тегиб ўтса, ўзи балоларга қолади. Миролим лўли хотинлардай дод солиб, Холидийнинг айбларини очиб ташлашдан ҳам қайтмайди. Ҳикмат Ўролов эса индамайди... Индамай туриб энгмоқчи бўлади... Шуларни унга айттайинми?.. У менинг насиҳатимга муҳтожми? Майли, бировга чанг солмасин, аммо... ҳеч бўлмаса ўзини ҳимоя қилса-чи?..»

Ҳикмат Ўролов бармоқларининг титрашидан ноқулай аҳволга тушди. «Сездими ё сезмадими?» деган ҳадикда Анварга ўғринча қараб қўйди. «Ўйга толди... ривоят таъсир қилдими ё Холидийни ўйлаяптими? Келгани яхши бўлди... Ҳалол йигит. Кўнглида кири йўқ... Шунинг учун қийналади. Умр бўйи қийналиб яшашга маҳкум...»

Уй бекаси патнисда нон-чой кўтариб чиқиб, орадаги сукутни бузди.

— Вой эсим қурсин, дастурхон олмабман-ку, — деди у хижолат бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ, маликам, — Ҳикмат Ўролов шундай деб ўрнидан чаққон турди-да, ёзув

столидаги газитни олиб, курси устига ёйди. — Қўлбола дастурхон ҳам бўлаверади, сиз азият чекманг.

Уй бекаси биринчи қаватга тушиб кетгач, пиёлаларга чой қуйилди. Ҳикмат Ўролов гапни чалғитиб, мақолани эшлашни хоҳламасди. Чойнакнинг тагида Холидийнинг мақоласи чоп этилган газит, икковининг кўнгли ҳам, хаёли ҳам шу гаплар билан банд. Аммо мақола тўфайли жабр чеккан одам ўзининг бу майда гаплардан юқори эканини кўрсатишга тиришади. Анвар эса бунга тоқат қилолмайди. У ўзини оқламоқчи эмас, бироқ ҳақиқатни айтиши шарт.

— Домла, мен ҳужжатхонада ростдан ҳам бор эдим, аммо... — деб гап бошлади Анвар. Бироқ, мезбон сўзларини давом эттиришга йўл бермади:

— Сиз мени ранжитяпсиз, азизим, — деди Ҳикмат Ўролов, бош чайқаб. — Шу гапларга ишонадиган гўл одамга ўхшайманми?

— Домла...

— Гапирманг, азизим, гапирманг. Умр бўйи ўша идоранинг хизматини қилиб келган одам ёнингизга кириб ҳужжат титадими? Э... унинг найранглари кўравери... Тағин ҳам «домла Иноятуллони Ҳикмат Ўролов ўз қўли билан отган», демабди. Шунисига хурсандман. Ҳамонки, шу мавзуда гап очдингиз, бир нарсани айтай: тўғри, домла Иноятуллони қамашганда кўплар қатори мени ҳам чақиришган. Мендан аввал Холидийни ҳам чақиришган. Менга унинг кўрсатмаларини беришган, ўз кўзим билан ўқиганман. Мана бу ердаги,— Ҳикмат Ўролов газитни бармоғи билан уриб қўйди, — гаплар ўзининг кўрсатмалари. Домланинг қўлларига кишан уриб берган Холидийнинг ўзи. Сиз ҳужжатлардаги менинг имзомни кўрдингизми?

— Йўқ... қарамай чиқиб кетдим. Жаҳл келганда ақл кетди...

— Хижолат бўлманг, зарари йўқ. Ҳужжатлар вақти келиб қўлингизга тушса қараб қўясиз. Мен кўп ёзмаганман. Ёзганларим аниқ эсимда: «Агар ҳалол олим мингта бўлса, мингдан бири домла Иноятулло, у шу мингнинг олдинги қаторида туради. Агар биттагина бўлса, демак, у шубҳасиз — домла Иноятулло». Мени қийнашмади. Бошқа сўроққа чақиришмади. Шунга то ҳозирга қадар ҳайронман. Балки мен ёзиб берган қоғоз йўқотилгандир. Балки имзо бошқа қоғозга кўчирилгандир, буниси менга қоронғи. Мен ҳали ҳам ўша фикримда қатъий тураман: домла Иноятуллодай олим олдида биз сариқ чақа қимматига ҳам эга эмасмиз. Бундай дейишимга асос борми? Бор. Сиз айтинг, азизим, бизни тарихчи олим дейиш мумкинми?

Сўхбатнинг бу тарзда бурилиши Анварни ажаблантирди, бундай саволнинг берилиши эса ўйлантирди.

— Мен сиздан жавоб кутяпман, азизим, — деди Ҳикмат Ўролов. — Айтинг, бизни тарихчи олим дейиш мумкинми?

— Агар кеча бошқа гап айтиб, бугун бошқасини даъво қилаётганимиз назарда тутилса...

— Бу бошқа масала. Айтиш мумкинки, бу имон масаласи. Унвонлар, илмий даражалар ҳам бошқа масала. Сиз менга бир сўз билан жавоб беринг: ҳа, ёки йўқ! Сўнг жавобингизни албатта изоҳлаб ҳам берасиз.

Ҳикмат Ўролов Анварнинг кўзларига тикилиб кулимсиради. Анвар бу саволга ақли етган даражада жавоб бера оларди, аммо унга мезбоннинг асл мақсади қоронғу эди. Шу боис жавобга шошилмади.

— Сиз қийналманг. Ўзим айтиб қўя қолай: йўқ! Сабаб: бир куни домла Иноятуллонинг уйларига борсам, заррабинга тикилиб ўтирибдилар. Сизда заррабин борми? Ҳа, менда ҳам йўқ. Хуллас, бир археолог олим домлага узум данакларини берибди. Данакнинг умри салкам минг йил эмиш. Археологнинг айтишича, Эски шаҳардаги қазилма пайтида ҳожатхона ўрнидан топилган эмиш. Домла Иноятулло археологлар билан яқин эдилар. Сиз археологлар билан охирги марта қачон учрашгансиз? Менинг ҳам ёдимда йўқ. Хуллас, ўшанда: «Домла, бу сизга нима учун керак?» деб сўрадим. Домла: «Ҳақиқий тарихчи олим шуларгача аниқ билиши шарт. Ҳусайни узум ҳозир қандай, минг йил ва аввал қандай бўлган, минг йил ичида табиат қандай ўзгаришларни, нима сабабдан бошидан кечирди — биз билмасак, ким билади? Тарихий воқеалар билан

табиатдаги ўзгаришлар орасида узвий боғланиш йўқми?» Хуллас, ўшанда ҳақиқий тарихчи олим — домла Иноятулло деб ишонганман. Биз китоб ўқиб, таҳлил қилиб, тарих илмини яратяпмиз, деб кериламиз. Бу китобларни бизгача кимдир ёзиб кетган. Биз фойдаланаётган адабиётларни араб ҳам, форс ҳам, фарангими немисми, жухудми ё русми, ким бўлса бўлсин, ёзган. Маълум бир ҳақиқатга ҳар бири ўз миллати фойдаси нуқтаи назаридан ёндошган ва баҳо берган.

— Худди шу нуқтада хато йўлга қадам қўйганмиз, — деди Анвар. — Биз қўлимизга жухуднинг китоби тушса, тарих шундай эди, деб жавраймиз. Немисники тушса, йўқ, бунақа эди, деб туриб оламиз. Мана, тарихга икки хил муносабатга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Кечагина ундай девдик, бугун эса бундай. Қадимда шундай ҳол юз бермаганми? Берган... — Анвар «гапларини бўлиб ранжитмадимми?» деган маънода мезбонга қаради. Ҳикмат Ўролов унинг хавотирини сезиб, «дуруст гапиряпсиз, азизим, давом этинг», дегандай жилмайиб қўйди. Анвар бундан дадилланиб фикрини давом эттирди: — Биз ўша китобларга кул бўлиб юраверамиз. Мен борайинда Миролим домламиздан: «Темур замонида тоифи узум бўлганми?» деб сўрай. Турган гапки, у «Темурга узумнинг нима алоқаси бор», дейди. Ҳолбуки домла Иноятулло йўлини тутган, ўзини тарихчи олимман дейдиган одам буни билиши керак экан. Ҳалиги айтган ривоятингизни қаранг... биз ичи бўш қамишга ўхшамаймизми? Бир масалага икки хил қарашга виждонимиз қандай йўл қўяди. Кечагина Миролим домламиз Темурни қонхўр, деб, Темурнинг салоҳиятига ижобий баҳо бермоқчи бўлганларни ямламай ютган эди. Бугун эса акси: ким Темур жанг қилган, деса «Сен тарихга қонли кўйлак кийгизмоқчимисан!» деб юмдалаяпти. Қизиғи шуки, Темур ҳақида кеча ҳам шу зот асосий ҳукми чиқарар эди, бугун ҳам. Баъзан ҳайрон қоламан. Бу Миролим деганлари, Темурнинг отаси уйланаётганида куёв жўра бўлганми ё Темур туғилганида киндигини кесганмикин?

Бу гапни эшитиб Ҳикмат Ўролов қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Топиб айтдингиз, баракалла, — деди у ўзини кулгидан тўхтата олмай.

— У домламиз нари борса Темур ҳақида тўрт-беш китоб ўқигандирлар. Олтинчисини топиб, буни ҳам ўқинг, дейилса, мен бунақасини билмайман, деб туриб оладилар. Қаранг-а! У киши билмасалар ўша олтинчи китобнинг яшашга ҳаққи йўқ экан. Ўша олтинчи китоб юз йиллар давомида дунё олимларининг диққати марказида турган бўлса-чи? Сиз куляпсиз домла, аммо хафа бўлсангиз ҳам бир гап айтаман.

— Айтинг, азизим. Биламан, сиз ноҳақ гап айтмайсиз.

— Сиз, сизга ўхшаган олимлар нима учун Холидийга, Миролимга майдонни бўшатиб бергансизлар? Янчиб ташласаларинг бўлмасмиди?

— Янчиб... — Ҳикмат Ўролов кулимсираб, бош чайқади. — Сояни янчиб ташлай оласизми? Ахир улар замон ғоясининг соялари эдилар. Сиз ҳақиқатчи йигитсиз. Сизга ўхшаган йигитлар кўп, шундан хурсандман. Лекин орангизда ёш Холидийлар йўқми? Уларни янчиб ташлай оласизми? Саволимга ҳозир жавоб қайтарманг, жавобни вақт беради. Азизим, сиз баҳсни яхши кўрасиз, биламан. Сиздан ўтинчим бор: бугун баҳслашмайлик. Ундан кўра, сиз келмай туриб ўқиган яна бир ривоят баёнини айтиб берай: Луқмони ҳаким билан илон баҳсини эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Тингланг, ажойиб ривоят: хуллас, Луқмони ҳаким йўлда бораётсалар бир уйдан нола эшитилибди. Кирсалар, хаста одам оғриқларга чидаёлмай дод дер эмиш. Табиблар келиб, уни бугун-ерта ўлади, дейишибди экан. Луқмони ҳаким хастанинг билак томирини ушлаб кўриб дебдиларки: — Дардингизга даво бор. Илон заҳри сизга шифо бергай. Хаста дебдики:— Илон заҳрини мен қайдан топай? Бир бедаво бўлсам... Ё мени шу аҳволда ташлаб кетаверасизми? Оллоҳ менинг зоримни эшитиб, Луқмони ҳакимга рўбарў қилганида эди, у зот мени ташламас эдилар. Луқмони ҳаким бу нолани тинглаб айтибдиларки: — Зинҳор ташламасман. Хуллас, ҳазрат Луқмони ҳаким илонзорга бориб бир ёшроқ илонни бўғзидан бўғиб тутибдилар. Шунда илон иттифоқо тилга кирибди ва дебдики: «Ёй инсон фарзанди, сен нечун мени бўға-ётирсан?

Оллоҳнинг менга берган жабрлари камми эди?» «Оллоҳ сенга қандай жабрлар қилди?» деб сўрабдилар Луқмони ҳаким. «Мени кўримсиз қилиб яратди, одамлар кўрсалар мендан қочадилар. Мени ертубан қилиб қўйди, судралиб юришга маҳкум этди. Энди сен мени бўғиб, жонимни оларсанми?» Луқмони ҳаким дебдилар: «Шундай қилмасам, бир одам ҳаётдан кўз юмар». Илон дебди: «Ажаб! У одамни сақлаб қолмоқ учун мени ўлдирасанми? Ахир у ҳам Оллоҳнинг бир махлуқи, мен ҳам. Бир жонни сақлаб қолмоқ учун иккинчисини маҳв этмоқ шартми? Эй инсон боласи, сен айт: мен бировни чақсам, менинг заҳримни даф эта оласанми?» Луқмони ҳаким айтибдилар: «Ҳа, даф эта оламан». Илон дебди: «Унда менинг заҳрим кучли эмас экан. Дунёда шундай заҳар борки, сен уни зинҳор даф эта олмассан!» «Қандай заҳар? Қора қуртниками?» — дебдилар Луқмони ҳаким. «Е, йўқ, — дебди илон. — Дунёда энг кучли заҳар одамнинг заҳри. Бунга даво йўқтур. Одам одамни чақса албатта ўлим ҳақдир! Оллоҳ биз — илонларни тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-биримизни чақмаймиз. Сиз — одам болаларини юқори қилиб яратди, сиз бир-бирингизни чақиб ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлаётган хастага менинг заҳрим даво эмас, янглишма. Уни ўз дўсти чаққан. Унинг заҳрига даво топа олмассан. Бунга ҳатто Луқмон ҳам даво топмагай. Қўй, у ўлаверсин, азобларидан қутула қолсин...» — Ҳикмат Ўролов шундай деб хўрсиниб қўйди. Унинг нима учун хўрсинганини Анвар эртасига фаҳмлаб етди.

### 3

Нима?!

Ҳикмат Ўролов ўлди?!

Анвар қулоқларига ишонмади.

Аввалига «енг кичик илмий ходим»ни институт остонасида кўриб «Ерталабдан кимни кутаётган экан?» деб ўйлаб, ажабланган эди. Энди билса, бу шумхабарни етказиш учун турган экан. Анвар ҳозир «нима учун мени қаршилади, нима учун мени ичкарига қўйгиси келмади» деб ўйламади. Буни кейинроқ, жиннихонада ётганида ўйлайди. Ҳозир эса шумхабар зарбидан карахт бўлиб турарди.

— Кеча оқшомда тўсатдан узилибдилар, — деди «енг кичик илмий ходим». — Кечқурун уйимга телефон қилишди. Кечаси билан шу ерда эдик, жой тайёрладик. Хайрлашиш учун шу ерга қўйишмоқчи экан. Кеннойи унамабдилар. Шунга... Ўлмас ака сиздан илтимос қилдилар. Бориб, кўндириб бераркансиз. Сиёсий масала, дейишяпти...

— Сиёсий масала?! — Анвар ҳамхонасининг ёқасига чанг солганини ўзи ҳам сезмай қолди. — Ўлиб ҳам қутулмасинми?!

«Анвар ака, ўзингизни босинг», деган огоҳлантиришдан сўнг унинг ёқасини бўшатди.

— Ўзи қани, директорчанг? — деб сўради титроқ овозда. Сўнг жавоб кутмай ичкарига қараб юрди.

Чиндан ҳам эрталабгача бу ерда анча иш қилинган эди: эшик оғзидаги қоровулнинг столи олинган, қўйилганидан бери ишлатилмаган кийим илгичлар ҳам йўқотилган, ўртага гилам тўшалган, зинанинг ёнидаги устунга Ҳикмат Ўроловнинг сурати осилган, сурат остида эса қора рангли ҳарфларда ёзилган «Бераҳм ажал атоқли олим, буюк инсонни бағримиздан юлиб олди», деб бошланиб, «ўлим уни даврамиздан олиб кетди, то тирик эканмиз номини қалбимиздан ҳеч қандай куч юлиб ололмайди» деб якунланувчи таъзиянома ёпиштирилган эди. Анвар бу сатрларни атайин тўхтаб ўқимади. Бир кўз ташлашда бошланишию хотимасига нигоҳи тушиб эслаб қолди.

«Енг кичик илмий ходим» зинадан чиқишига йўл қўймади:

— Анвар ака, фойдаси йўқ.

Дастлаб Анвар уни силтаб ташлагиси келди. Бироқ, унинг маънос боқиб турган толиққан кўзларига кўзи тушгач, шаштидан қайтди. Фазаб исқанжаси уни бир оз ҳоли қўйди-ю, орқасига ўгирилди...



Ҳикмат Ҷролов яшаган икки қаватли уй олдида одамлар тўпланиб туришган эди. Йўл четида насронийларнинг қизил мато қопланган тобути, дарахтга эса гулчамбар тираб қўйилган, Марҳумнинг уйига кираверишда эса икки йигит ёғоч отни минишга ҳозирларди— тобут атрофини оқ мато билан ўрарди. Анвар буни кўриб, йиғлаб юборди-да, юришдан тўхтади. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, кўз ёшларини артгач, аста юриб, тўпланиб турган одамлар қаторига қўшилди. «Енг кичик илмий ходим» ҳам унинг ёнидан жой олди. Раҳбариятнинг топшириғини эслатмади.

Ярим соатлардан сўнг бел боғлаган бир йигит Анварни имлаб чақириб ичкарига бошлади. Даҳлизда уни Ҳикмат Ҷроловнинг беваси қаршилади.

... кечагина «маликам» деб эркаланган бу аёл бугун бева эди...

Анвар уни кўриши билан яна йиғлаб юборди. Мусибатни чекинтира олувчи, дардга малҳам бўлишга қодир бирон сўз тилига келмади.

— Яратганнинг иродаси шу экан, иложимиз қанча... Сизни чақирганим ...раҳбарларингизга айтинг, хафа бўлишмасин, уларнинг топшириқларини бажара олмайман. Эл-юрт нима деса шу...

Бева шундай деб йиғи овози чиқиб турган хона сари юрди. Анвар бўғзини бўғаётган йиғини қайтаришга уриниб, жойида пича турди. У хонадан бу хонага, уйдан кўчага... кириб-чиқиб юрган, мусибатга банди бўлган одамлар унинг қотиб турганига эътибор беришмади.

Анвар беихтиёр зина сари юрди. Иккинчи қаватга кўтарилди. Китобхона эшиги ланг очиқ. Ичкари бўм-бўш... Етим қолган ёзув столи, китоблар... унсиз бўзлашади. Бу хонадаги фарёдлар пастдаги йиғидан баравжроқ, аммо уни ҳеч ким эшитмайди. Дам ўтмай пастда ғассол мурдани ювади. Бадандаги кир сувга қўшилиб тўкилади. Бу хонага эса тилга чиқарилмаган дарду ҳасратлар тўкилиб қолган. Юракни тирнаган, охир-оқибат томирларни узиб ташлаган аламлар ҳам шу хонада қолади. Энди бу хонага озод руҳ эгалик қилади...

Анвар ичкарига оёқ қўйишга ботинмади. Назарида юмшоқ ўриндикда Ҳикмат Ҷролов ўтиргандай, унга қараб жилмайиб қўйгандай бўлди. Кейин унинг овозини эшитди. Аниқ эшитди:

«...Дунёда шундай заҳар борки, сен уни зинҳор даф эта олмассан. «Қандай заҳар, қора қуртниками?» дебдилар Луқмони ҳаким. — «Е, йўқ, — дебди илон. — Дунёда энг кучли заҳар одам заҳри. Бунга даво йўқ. Одам одамни чақса албатта ўлим ҳақдир! Оллоҳ биз — илонларни тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-биримизни чақмаймиз. Сиз — одам болаларини юқори қилиб яратди, сиз бир-бирингизни чақиб ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлган хастага менинг заҳрим даво эмас, янглишма. Уни ўз дўсти чаққан. Унинг дардига даво топа олмассан. Бунга ҳатто Луқмон ҳам даво топмагай. Қўй, у ўлаверсин. Азоблардан қутулсин...» Анварнинг назарида Ҳикмат Ҷролов бу гапларни баланд овозда айтди. Бу гапларни пастдагилар ҳам, кўчадагилар ҳам эшитишди...

Анвар остонада яна бир оз тургач, изига қайтди.

«Бу аёл бунча саботли бўлмаса, — деб ўйлади у. — Шунақа вазиятда ҳам одоб чегарасида қолиш шартми? Дод солмайдими? «Еримни сенлар ўлдирдиларинг, чақиб-чақиб ўлдирдиларинг! Илон чақса ўлмай қоларди, сенларнинг заҳринг жонини олди! Келтирган тобутларинг ўзларингга буюрсин, ўзларинг тушиб ётларинг, роҳатланларинг!...» деб бақирса бўлмайдими! «Сен ҳам шуларнинг бирисан!» деб мени-да юлиб ташламайдими?..»

Анвар ташқарига чиқди. Таниш, нотаниш одамлар... Ачинган ҳам, лоқайд ҳам, мусибатга шерик ҳам, «ўлгани яхши бўлди» дегувчи ҳам шу ерда. Анварнинг кўзига ҳамма — дўст ҳам, душман ҳам илон бўлиб кўринди. Ўзини улкан бир илонхонада ҳис этиб, баданига муз югурди.

Назарида қўл қовуштириб, қайғуга берилгандай бўлиб турганлар одамлар эмас, балки лунжини шишириб, тилини ўйнатиб, бир ҳамла билан чақишга тайёр турган илонлар эди гўё. Судралиб юрувчи росмана илонлар чақаман, деб ният қилмайди, икки оёқли илонлар эса фурсат пойлайди. Мана шу турганларнинг қай бири қачон, қай бирини чақар экан? Мана шу

турганларнинг қай бири қачон одам захридан татиб ўлар экан? Росмана илонлар чақади-ю, қочади. Икки оёқлилар эса то кўмиб ташламагунича тинчимайди... Жасадни кўмиш билан чекланса кошки эди, хотирасини, номини ҳам кўмишга интилса-чи?

Анварнинг хаёли шу гаплар билан банд, кўзлари эса одамлар орасидан кимнидир қидирарди. Мурда олиб чиқилганда ҳам, масжид сари юрилганда, жаноза ўқиладиганида, ҳатто қабрга қўйиладиганида ҳам излади уни. «Қилган ишидан пушаймон едимиз, уялдими?» деган саволга жавоб топа олмади.

Қабрга тупроқ тортилгач, таниш овозни эшитиб, ҳайрат билан аланглади — «Қачон пайдо бўлди булар?!»

— Ҳурматли ўртоқлар! — деди Ўлмас Акрам баланд овозда. Ҳамма, жумладан, тўнқарилган тобут устига ўтириб қироатни бошлай деяётган имом ҳам овоз келган тарафга қаради. Тупроқни кетмон билан шиббалаётган гўрков ёнида Ўлмас Акрам, Холидий, Миролим, яна бир неча номдор олимлар пайдо бўлган эдилар.

Ўлмас Акрам «илм аҳлининг мусибатини» баён этгач, сўзни «марҳумнинг яқин сафдоши улў олим Холидий»га берди. Анвар унинг «Азиз биродарим...» деган дастлабки сўзларини эшитди-ю, вужудини зириллатган ғазаб қулоқларини кар қилди, кўз олдига қизил парда тортиди. У тамоман ўзини йўқотди-да:

— Мунофиқ! — деб бақирди.

Одамлар ҳайрат билан унга қарадилар. Анварни таниганлар мақсадни тушундилар.

Танимаганлар эса: «Бу йигит кимни «мунофиқ» деяпти, марҳумними ё воизними?» — деб ажабландилар. Холидий эса бу ҳитобни эшитмагандай гапни хотиржам тарзда давом эттирди:

— Мунофиқ!! — Анвар яна бақириб нотик сари сапчиди. — Уни сен ўлдирдинг, ҳайвон! Яна азиз биродарим, дейсанми?!

Анвар оғзидан чиқаётган сўзларни назорат қила олмас эди. Одамлар нима гаплигини тушуниб етгунларига қадар у Холидийнинг бўғзига чанг солишга улгурди.

Бу манзара узоқ давом этмади. Анварни ажратдилар. Кимдир қўлини қайириб олди.

— Сен илонсан! Сен ичи ғовак қамишсан! Тўқайга ўт қўяман, илдизингни қуритаман!

Анвар жон аччиғида бақирар, қўлларини ким қайираётгани, ким судраб бораётганини фаҳм этмас эди. Дафн маросимига тўпланганлар ҳам Анварнинг қўлларини қайирган бу бақувват ғилайнинг қаёқдан пайдо бўлганини билмас эдилар.

Холидий оташин нутқини тугатаётган дамда Анварни биқинида қўшув аломати бор, усти берк машинага зўрлаб чиқардилар. Устига енгсиз узун кўйлак кийдирдилар. Имом тиловатни бошлаганда машина жиннихона сари йўл олган эди.

## XVIII 6 о 6

### 1

Оддий ҳазил ёки кимнидир лақиллатиш мақсадида айтилган гап охир-оқибатда кимнингдир жонига қасд қилинмоғи учун сабаб бўлажagini барча ҳам вақтида фаҳм эта олмайди. Баъзида ҳатто кўпни кўрганлар ҳам «наҳот шу гап билан фалончини ўлдириб кетишибди?» деб ажабланишади. Ровийлар «айтган сўзим — ҳожам, айтмаганим — қулим» деб эканлар.

Шунданми, ҳожага айланган гап истаса кулдиради, истаса йиғлатади. Хоҳласа — жон беради, хоҳласа — жон олади. Олганда ҳам инсон боласига кўп азоблар берар, ит азобини бошига солар. Ўлимга етакловчи бошқа ҳеч бир йўлда бу қадарли азоблар йўқдур...

Зоҳид ёқимсиз ҳамкасбининг жиғига тегиш учун айтган гапи икки одамнинг жонини олиб кетиши мумкинлигини, оқибатда ўзи ҳам оғир аҳволга тушиб қолажagini ўйламаган эди.

Кеча оқшомда прокурор уни қабул қилиб, барча гапларини диққат билан тинглаб, сўнг яхши сўзлар билан кўнглига чироқ ёққан эди. Зоҳид авваллари ташвиш тиканаклари устида ётиб

тўлғониб чиққан бўлса, бу кеч яхшилик умиди чироғида кўзи қамашиб ухлай олмади. Прокурорнинг гаплари дам-бадам қулоғи остида жаранглади: «Сиз айтган Асадбеклар ким, ҳомийлари ким — биламиз. Улар билан ҳисоб-китоб вақти келади. Арқонни узун ташланг. Бир-икки одамни қафасга солган билан иш битмайди. Ҳаммасини бирваракайига илинтириш ҳаракатини қиламиз. Бу ҳаракатда сиз ҳам борсиз...»

Бу албатта яхши гап. Аммо... бирваракайига илинтириш вақти етгунча улар жим турармикин? Ўғирлашмасмикин, бокира қизларнинг номусларини булғашмасмикин, зўрлик қилишмасмикин? Ва ниҳоят... ўлдиришмасмикин? Хориж филмларига ишонилса, ундаги жинойтчилар, ундаги одам ўлдиришлар олдида Асадбеклар ҳалимдеккина, одобли одамлар, дейиш мумкин. Лекин арқон узун ташланса, улар ҳам ўша кинолардагидек, балки ундан-да баттар ваҳшийлашиб кетишмасмикин?

Зоҳид тунда шуларни ўйлади, прокурор билан хаёлан баҳслашди. Унга тасалли берган нарса — прокурорнинг ҳамма нарсалардан хабардорлиги, жинойтчиларга хайрихоҳ эмаслиги. Энг муҳими шу! Қолганини вақт ҳал қилади.

Зоҳид терговни давом эттириш, янада қатъийроқ ҳаракат қилиш қасдида ишга келган эди. Ўша ёқимсиз ҳамкасби, ёқимсиз хабар билан қаршилади:

— Эшитдингизми, кавказликларингизни ўлдиришибди, — деди у мамнун бир қиёфада.

— Ўлдиришибди? Ким ўлдиради? — деб сўради Зоҳид.

— Ҳаммомда уриш чиқибди. Ким ўлдиргани номаълум.

Зоҳид унинг гапини охиригача эшитмади. Хонасига кирди-да, эшикни қулфлади. Жойига ўтириб, бошини чангаллади. Боши саволлар оқимида шишиб, ёрилиб кетай дерди: нимага ўлдиришади? Ким ўлдиради? Кеча прокурор уларни бошқа турмага кўчиришга ваъда берган эди. Бу ҳақда буйруқ чиқаришга улгурдимиз? Ваъдаси чинмиди ё қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирдимиз?

Саволлар беҳисоб, жавоб эса йўқ.

Гумондаги одамлар сони ортиб боради. Ҳатто прокурор ҳам шу сафда. Аммо аниқ бир одамни айбдор деб айта олмайди.

Зоҳид гумонлар, саволлар пўртанасига банди бўлиб узоқ ўтирди. Пўртана домига тортгани сайин у ўзини ожиз, нотавон ҳис этарди. Назарида, мияси ўз фаолиятини тўхтатган, қувватдан қолган, фикрлашдан маҳрум бўлган эди. У гўё қоронғу ғорга кириб адашгандай — на изига қайтар йўлни билади, на рўпара-сида йилт этган чироқни кўради. «Мақсадим нима эди-ю, нимага эришдим? — деб ўйлади у. — Шамол тегирмонига от солган бефаҳм Дон Кихотдан нима фарқим бор? Арқонни узун ташлаганнинг фойдаси шуми? Узун ташланган арқон баттар чувалашиб кетмайдими? Кўзи ожиз одамларнинг оёқлари бу арқонга илашиб, йиқилмайдиларми?...»

Зоҳид тортмадан икки кавказликнинг суратини олиб, тикилди. Кўзларида ваҳшийлик учқунлари чақнаб турган бу одамсифат махлуқларнинг ўлдирилгани бир жиҳатдан яхши. Зоҳид уларнинг қисматига ачинмайди. Уларнинг ўлими бошқа жонларнинг омон қолишини таъминлар балки? Зоҳидни қийнаган нарса бошқа — уларнинг сирли ўлими кўп сирлар устига парда тортди. Энди бу пардани кўтариш мумкинми? Агар улар атайин ўлдирилган бўлсалар, энди навбат кимники? Зоҳид «улар атайин ўлдирилган» деган фикрдан узоқлаша олмас эди. Аввало девдай бу икки одамни унча-бунча куч енголмас. «Петрашвили шериги чет элга чиқариб юборишни талаб қилипти» деган гап кимларгадир ёқмаган, шартномада йўқ талаб уларни сергаклантириб, режаларини ўзгартирган бўлишлари мумкинми? Мумкин!

Зоҳид узил-кесил шу жавобда тўхтаб, маёр Солиевни топиш илинжида телефон гўшагини кўтарди.

## 2

Зоҳид учун кун зулмат пардаси остида ўтди. Қайси бир ишни ихтиёр этса боши омадсизлик

деворига бориб урилаверди. Маёр Солиевни топа олмади. Ҳар куни ҳеч бўлмаса бир қўнғироқ қилиб аҳвол сўровчи маёр бугун атайин беркиниб олгандай — қаердалигини на уйидагилари билади, на ҳамкасблари. Ҳамдам Толиповни йўқлашни хаёлига ҳам келтирмади — ҳали Фарғонадан қайтмаган деб ўйлади. Ҳамдамнинг эрта саҳарда қайтиб, ишга киришиб кетганини, чигалнинг бир учини ўликхоналардан қидираётганини Зоҳид билмас эди.

Қамоқхонага бориб ҳам Зоҳид тайин бир маълумот ололмади: мурдалар текшириш учун олиб кетилган. Уларни ким ўлдиргани ноаниқ. Фақат муштлашувни бошлаган йигит маълум. Уни ҳам ўша заҳоти бошқа қамоқхонага кўчирганлар. Бу иш шахсан прокурор назоратида эмиш! Шундай бўлиши Зоҳид учун дуруст эди. Чунки прокурор шахсан назорат қилдими — демак, бу анов-манов ишлардан эмас, аро йўлда ҳам қолдирилмайди. Лекин... ана шу «лекин»и бор-да. Прокурор ишни чуваламай тезроқ ёпиш тарафдори бўлса-чи? Ана шу гумон Зоҳидни саросимага солди.

Зоҳид шомга яқин қамоқхонадаги жанжални бошлаган йигитни тергов қилаётган ҳамкасби билан учрашди. Тилла ҳалли кўзойнак таққан бу йигит табиатан камгап эдими ё Зоҳид билан суҳбатлашишни истамадими, ҳар нечук саволларга қисқа-қисқа жавоб қайтарди. Вақти зиқ эканини айтди.

— Мен у йигит билан гаплашишим мумкинми? — деди Зоҳид, унинг қилиғидан ранжиб.

— Ҳозирча мумкин эмас.

— Қачон мумкин бўлади?

— Бу прокуратура терговчисининг саволи эмас.

— Яхши. Сиз тергов қилаётганингизда иштирок этишим мумкинми?

— Ҳозирча йўқ.

— Сиз бошлаган иш мен олиб бораётган иш билан бир ерда кесишяпти. Нима учун буни тушунишни истамаймиз?

— Тушуниб турибман. Прокурор ҳам яхши тушунганлари учун жиддий шуғулланишни вазифа қилиб қўйдилар. Вақти келиб, балки биргаликда иш юритармиз. Ҳозирча сизга айтадиганим: у йигит бир қизни зўрлашда айбланган. Иши судга ошириш арафасида экан. Айтишича, Петрашвили у йигитга бир-икки қилиқ қилган. Ҳаммомда эса зўрламоқчи бўлган. Йигит таеквандо билан шуғулланган экан. Бўш келмаган. Петрашвили бошқаларнинг ҳам жонига тегиб юрганми, ҳар ҳолда, муштлашувга кўпчилик аралашган. Менинг ҳозирча билганим шу.

— Демак... Сизнингча бу атайин уюштирилмаганми? — деди Зоҳид ҳамкасбига ишончсизлик назари билан боқиб.

— Ҳозирча менда бундай маълумот йўқ. Агар сиз бу қотиллик аввалдан тайёрланган, деган фикрда бўлсангиз, марҳамат, исбот қилишга уриниб кўринг, фикрларингизни инобатга олай.

— Йўқ, ҳозирча фикрим ўзимда тура турсин. Вақти келса ўртоқлашармиз, — Зоҳид шундай деб хонадан чиқмоқчи бўлганида ҳамкасби тўхтатди:

— Сиз ҳақингизда эшитувдим. Угрода ишлаб юрганингизда ҳам ҳақиқатпарастлик қилар экансиз. Бу яхши фазилат. Аммо бу соҳада фақат сизгина адолатли, сизгина ҳақиқатпараст эмассиз. Сиздан ёшим каттароқ бўлгани учун айтиб қўяй: ҳамкасбларингиздан сира гумонсираманг. Гумон билан узоққа бора олмайсиз. Биз бир-биримиздан гумонсирасак, бир-биримизга ишонмасак, халқ бизни сариқ чақага ҳам олмай қўяди. Шусиз ҳам одамлар бизга унча ишонмайди.

— Бунга асос бўлса-чи?

— Асос ҳамиша ҳам ҳақиқат бўлавермайди.

Зоҳидга унинг кейинги гаплари бир оз маъқул бўлди.

### 3

Зоҳид ҳамкасби билан гаплашиб турганида шаҳар атрофидаги ўликхоналарни бир-бир текшириб чиқаётган Ҳамдам Толипов муддаога яқин келиб қолган эди. Бу ишни у Фарғонага

кетмай туриб бошлаган, барвақтроқ қайтгани учун якунлаб қўя қолиш ниятида эди. Ёқиб юборилган мурданинг Жамшид Суннатуллаев эмаслигига ишонч ҳосил қилинган, ўликхонадан эгасиз мурда олинган, деган қарорга келишган эди. Экспертиза хулосасига кўра, бу эгасиз мурда автомобил ҳалокатига учраган одамники бўлиши мумкин. Шу фикр билан иш бошлаган Ҳамдам бир ойнанинг нари-берисида машина уриб юборган одамлар рўйхати билан қизиқди. Шаҳар билан чекланмай, атроф туманлардан ҳам маълумот олиб, шу маълумот асосида касалхоналарни айланди.

Тоғ ёнбағридаги касалхонага келганида, кеч кириб қолгани учун раҳбарият уй-уйига тарқаган эди. Ҳамдам ўликхонада бирор кимса бордир, деган тахминда тўрт қаватли бинонинг орқа томонидаги пастак, кўримсиз бино сари юрди. Қип-қизил рангга бўяб қўйилган эшик тепасидаги лавҳага «Бегона кишиларнинг кириши қатъиян таъқиқланади. Маъмурият.» деб ёзиб қўйилган эди. Ҳамдам бу ёзувни ўқиб кулди. «Бу ерда ким бегонаю ким бегона эмас,— деб ўйлади у. — Ўликхона бўлганидан кейин тириклар бегона-да. Ундан кўра «Хуш келибсиз, ўртоқ ўликлар!» деб шиор осиб қўйилса яхшироқ бўларкан...»

Эшик ичкаридан занжирланган эди. Ҳамдам астагина, одоб билан тақиллатди. Жавоб ҳаяллагач, такрор тақиллатди. Бир оздан сўнг ичкарида шарпа сезилиб, занжир туширилди. Эшикни очган соч-соқоли узун, оғзи-бурни аранг кўриниб турган, кўзлари балчиқда ётган мунчоқни эслатувчи малла одам Ҳамдамга қараб керишиб, баралла эснади-да:

— Бугун кеч қолдинг, братан. Бугун энди ўлик берилмайди, хўжайинлар йўқ, — деди.

Ҳамдамдаги ички бир сезги «шуни қўлдан чиқарма» деди. Ҳамдам бу ғойибона сасга қулоқ бериб, ўликхона эгасига салом бериб, қўл қовуштирди.

— Бугун ўлик берилмайди, гапимга тушунмадингми? — деди бадбашара.

Ҳамдам унга қараб туриб: «Бунча бадбашара бўлмаса, ундан ҳатто ўликлар ҳам қўрқса керак», деб ўйлади. Ҳамдамда ҳушламайдиган одамани очиқ менсимаслик одати бор эди. Аммо ишнинг битиши шайтонга боғлиқ бўлса, араваси лойдан ўтгунича унга-да таъзим қилиб туришдан тоймасди. Ҳозир шундай бўлди: бадбашарани тепиб юборишга тайёр бўлгани ҳолда, мўминлик билан деди:

— Бир қариндошимизни қидириб юрибмиз. Худо кўрсатмасину, аммо рухсат берсангиз, бир қараб чиқсам. Яхшилигингиз ерда қолмайди, хурсанд қила-ман.

— Йў-ўқ, — деди бадбашара, — хўжайин билиб қолса, паттамни қўлимга тутқизади.

— Хўжайин қолибдимми, шу пайтда. Ҳамширалари билан маишатини қилиб ётибди. Улар жонининг ҳузурини билишади.

Ҳамдам шундай деди-да, чўнтагидан наша аралаштириб ўралган папирос олиб тутатди. У бадбашаранинг нархни ошириш учун яна бир оз таранг қилишини биларди. Шу боис уни тўла ҳолда қўлга олиш мақсадида папиросни баралла тутатди. Наша ҳиди димоғига урилган бадбашаранинг кўзлари чакнади. Ҳамдам бу кўзлардаги ўзгаришни сезиб, қувонди. «Гаҳ десам қўлимга қўнасану таранг қилганинг нимаси?» Чиндан ҳам бадбашаранинг чидами узоққа бормади.

— Братан, менга ҳам бир торттирсанг-чи, — деди ютиниб.

— Ма, торт, — деди Ҳамдам, унга папиросни узатиб.

Бадбашара босиб-босиб чилим тортгандай ҳузурланди. Кўзлари сузилди. Ҳамдам охиригача тортиб тугатишига қўймай, қўлидаги папиросни олди. Бадбашара жони суғурилгандай энтикди.

— Қариндошинг қиз бола эмасми? — деди у юмшоқ оҳангда.

— Нима эди? — деди Ҳамдам тутунни у томон пуфлаб.

— Бугун битта қизни олиб келишди. Ишини олиб, ўзини ўлдириб кетишибди. Кўрасанми?

— Кўраман.

Ичкарига киришди. Қатор ётқизиб қўйилган мурдаларнинг оёқ томонида, эски стол устида ярми ичилган вино, колбаса, нон бурдалари турарди. «Маишатини бузибман-да», деб ўйлади ўзича Ҳамдам.

Бадбашара столга яқин ётган мурда тепасидаги чойшабни тортди. Ўн олти-ўн етти ёшлардаги гўзал худди уйқуда ётгандай эди.

— Шундай кетворган нарсани увол қилишибди, — деди Бадбашара хўрсиниб. — Ишини олибсан, ўлдириб нима қиласан? Қара, ўлиги ҳам зўр-а! Шу ҳолда ўпсанг ҳам маза қиласан. — Бадбашара энгашиб қизнинг лабидан ўпди. Ҳамдамнинг кўнгли айниди. Унинг гарданига мушт туширгиси келди. Бадбашара эса қаддини кўтариб унга қараб тиржайди: — Ўпиб кўрсанг-чи? Ҳамдам унинг биллагидан ушлаб, ташқарига судради.

— Ҳой, нимага судрайсан мени? — деди Бадбашара.

— Гап бор, юр, — деди Ҳамдам зарда билан.

Ташқарига чиққач, сал ўзини босди. Пастак зинага ўтириб, яна наша аралаштирилган папирос тутатди. Бадбашара унинг ёнига ўтириб, нажот кўзи билан тикилди.

— Эгаси йўқми бу жононнинг? — деди Ҳамдам унга тутун пуфлаб.

— Ҳозирча йўқ, — деди Бадбашара энтикиб.

— Менга сот уни.

— Қачон?

— Ҳозир.

— Йў-ўқ, ҳозир бўлмайди. Эгаси чиқиб қолиши мумкин. Беш-олти кундан кейин ҳеч ким келмаса «кўмвор», дейишади. Ана ўшанда келсанг, бошқа гап.

— Менга бугун керак. Бир оғайнимга зарур бўлганда сендан олган экан, менга таранг қилма.

— Қачон олибди?

— Ўн-ўн беш кун олдин. Машина урган одамни сотибсан.

— Э, уми, у эски ўлик эди. Кўмишга эриниб турувдим.

— Менга берадиганинг йўқми?

— Ҳозир йўқ, братан. Хафа бўлма.

Ҳамдам папиросни унинг қўлига тутқазиб, елкасига уриб қўйди:

— Эртага келаман, тайёрлаб қўй.

Шундай дегач, ўрнидан туриб, тез-тез юриб, узоқлашди.

#### 4

Зоҳидга еяётган лағмони шўр туюлиб, косани нари суриб қўйди. Феъли айниб турганини сезгани учун ҳам хотини индамади. Зоҳидга хотинининг индамаётгани ҳам ёқмади. У кун бўйи тўплаган заҳрини кимгадир сочиши керак эди. Заҳар сочиш учун эса биргина сўз талаб этиларди. Ана шу сўз коса сурилганда «Ҳа, овқатнинг нимаси ёқмади?» ёки «мен пиширган овқат кейинги пайтда ёқмай қолди ўзи» тарзида айтилмоғи даркор эди. Айтилмади. Энди бундай сўзни ўзи суғуриб олиши керакми? Керак!

— Одам ейдиган овқат қилсанг, бир нима бўлиб қоласанми? — Бу — Зоҳиднинг дегани.

— Одам ейдиган овқат бўлмай, нима бу? — Буни хотини айтиши лозим эди. Айтмади. Нигоҳини олиб қочиш билан чекланди.

— Туз текинми? Челақлаб солдингми? — Бу — Зоҳиднинг айтган гапи.

— Туз солганим йўқ, пешонамнинг шўри оқиб тушди. — Бу — хотини айтмаган гап.

Йўқ, заҳар сочишнинг ҳам имкони бўлмади. Бу кунга қарғиш текканми, ўз хотинига бақаришнинг ҳам иложини қилмади. Зоҳид заҳар сочишнинг янги йўллари излаб ўтирганида телефон қўнғироғи жиринглаб, хотини устига тўпланаётган булутлар тарқалди. Зоҳид Ҳамдамнинг овозини эшитиши билан енгил тортди.

— Қачон келдингиз? Тез кўришимиз керак, — деди Зоҳид шошилиб.

— Бўпти, анҳор бўйига кел. Яхши гаплар бор. Эрисанг, айтаман, — деди Ҳамдам қувноқ оҳангда.

— Мақсуд акамни кун бўйи тополмадим.

— Мен ҳозир гаплашдим. Чақирайми?

— Яхши бўларди...

Анҳор соҳилидаги ошхонанинг иш вақти тугаган, фақат бир-иккита столда эрка мижозлар маишатларини давом эттирар эдилар. Ҳамдам барвақтроқ келгани учун жой ҳозирлади. Унинг кимлигини яхши билган ошхона хўжайини хизматда бўлди. «Прокуратурадан нозикроқ одамлар» келишини билгач, янада илдамроқ хизмат қилди.

Зоҳид келиши билан Ҳамдам:

— Ишдан гапирмай тур, ўлардай очман, — деб огоҳлантирди-да, иккита пиёлага ароқ кўйди. — Қани, олдик. Олайлик, олдирмайлик, йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик.

Ҳамдан пиёлани бир кўтаришдаёқ бўшатиб, ўйланиб турган Зоҳидни аста туртди:

— Ол, тортинма, сенинг ҳисобингдан бўляпти. Зўр гап бор.

Зоҳид ҳам деярли оч эди. Ароқ дарров таъсир этди.

— Айтинг, ўша зўр гапларингизни, — деди иккинчи пиёладан кейин.

— Оқсоқол келсинлар, сабр қил.

Маёр Солиев кўп куттирмади. У ҳам уйда овқатланишга улгурмаган эди. Даврага кўшила қолди.

— Барвақт қайтибсанми? — деб сўради у, ликопчадаги гўштга қўл узата туриб.

— У ёқда биз қиладиган ишнинг ўзи йўқ, — деди Ҳамдам. — Иш Масковликлардан ортмаяпти.

Бизни дастёрликка юборишганми, ҳайронман. Мени Пётр Иванович деганига тиркаб қўйишди.

Қарасам, мени ишга аралаштирадиган эмас. «Шунчани қамайсан» деган план билан келганми, енгил-елпи тергов қилиб, ишни судга оширадиган. У-бу, десам, аралашма, дейди. Ҳе, дедим, онанг Сталинга ўптирган бўлса ҳам, ўзингни бос. Мен ҳам пасту баланд нарсага тушунаман.

Сенга дастёр бўладиган аҳмоқ йўқ, дастёрга муҳтож бўлсанг, малла болалардан қўшиб қўяйми, дедим. Минғир-минғир бўлса ҳам мардлиги бор экан. Пасту баландга тушунсанг, изингга қайтавер, мен хўжайинларингга бир нима деб қўяман, деди. Назаримда, улар бизнинг боришимиздан чўчишди. Бизни назорат қилишга келишган, деб ўйлашди шекилли.

Ҳамдам шундай деб пиёлаларга яна кўйда-да, Зоҳидга қаради:

— У ёққа мен эмас, сен боришинг керак экан. Ҳақиқат деган нарсанинг бунчалик булғаниб ташланишини умрингга кўрмагансан. Анқовларни бир чеккадан териб олишиб, билган ошларини ичиб ётишибди.

— Қанақа анқовлар? — деб сўради Зоҳид ажабланиб.

— Томошага чиққан анқовлар-да. Кимлардир ёққан, ўлдиргану жуфтакни ростлаб қолган.

Анқовлар эса «нима бўляпти экан?» деб томошага чиққан пайтда назарга тушган. Ижрочилар кетиб, томошабинлар қармоққа илинган. Мен шунча юриб, бир нарсага тушунмадим.

Одамларни ёқиб юборишибди. Бензин сепиб ёқишибди. Бунақасини кўз ҳам кўрмаган, қулоқ ҳам эшитмаган. Ўзбек, айниқса фарғоналиклар ғазабга минса, «ҳе энангди» деб шартта калла қўяди, жуда жонидан ўтиб кетса пичоққа ёпишади. Йигирманчи йиллардаги қирғинда ҳам одам ёқишмаган экан. Бу қанақаси бўлди?

Маёр бу гапни эшитиб, қўлидаги пиёлани жойига қўйиб, стол устини черта бошлади.

— Қизиқ гап, — деди у ўйчан тарзда. — Мулоҳаза қилиб кўрадиган гап.

— Ўйлаганда-ўйламаганда биз ҳеч нима қила олмаймиз. Ғишт қолипдан кўчиб бўлган. Биз бир-икки ўғрини ушлаб, қамаб, керилиб юрибмиз. Бу ёқда биз билмаган, минг ўйлаб бир каллага келмаган ишлар бор экан. Нималаргадир ақлим етиб турибди, лекин ўша нималарнидир исбот қилиб бера олмайман. Исбот қила олмаганимдан кейин менинг ақлимга нўл баҳо! Хўш, бу гапларнинг фойдаси йўқ. Қорин тўйди, бир ғам кетди. Бўладиган гаплардан гаплашайлик.

Прокурор, дардингни айт.

Зоҳид кавказликларнинг ўлими ҳақида билганларини, гумонларини баён қилди. Ҳамдам диққат билан эшитди. Маёр Солиев стол чертиш билан овора бўлди. Зоҳид гапдан тўхтаб, маёрга қаради.

— Эшитувдим, — деди Солиев хотиржам тарзда. — Гумонларингга жон бор. Лекин бу ўлим

тасодиф бўлиши ҳам мумкин.

— Гувоҳларни йўқотишга киришишган бўлишса-чи? — деди Ҳамдам.

— Бўлиши мумкин. Унда энди кимнинг гали?

— Албатта ўликхонадаги бадбашараники, — деди Ҳамдам.

— Бадбашара? У ким? — деб сўради маёр Солиев.

Ҳамдам бугунги ҳангомаларни бир бошдан, батафсил айтиб берди.

— Агар янглишмасам, энди иккита гувоҳ қолади. Биттаси ўша, яна биттаси — такси ҳайдовчиси. Уларни қўлдан чиқармаслик керак.

— Нима қиламиз? Қўриқлаймизми? — деб сўради Зоҳид.

— Фойдаси йўқ. Ўликхонадагини қамаш керак. Таксичини қочириб юборамиз. Буни ўзим эплаштираман.

— Эрталабгача ўйлайлик, — деди маёр Солиев.

— Бу ҳам яхши таклиф. Прокурор, энди чўнтакни кавла. Ошхона хўжайинига салом бериб қўй.

Олмайман, деб ноз қилади-ю, аммо чўнтагига беш-ўн танга солиб қўявер. Яна қорнимиз оғриб юрмасин.

## ХИХ БОБ

### 1

Чувринди Анварни бўлажак сафардан огоҳ этгач, Элчинни кига борди. Кечаги аҳдлашувга мувофиқ Элчин Ҳалимжонни топиб, уйда кутиши лозим эди. Ҳар ишда аниқликни, пухталиқни яхши кўрадиган Чувринди бу сафар ҳам одатига хиёнат қилмай, айтилган вақтда келди.

Дарвоза эшиги очиқ бўлгани учун Элчин унинг келганини билиб, ўрнидан турди. Ҳалимжон ҳам туриб унга эргашди. Чувринди ўрнидан қўзғолмади, ўтирган ерида сўрашди-да, Ҳалимжонга қараб «ўтир» деган маънода орқа ўриндиққа қараб қўйди. Элчин «мен ҳам борайинми?» демади. Чувринди унга «сиз ҳам юринг» деб лутф қилмади.

Машина ўрнидан қўзғолгач, Чувринди Ҳалимжонга кўзгу орқали қаради: «Гавдаси чайир, яхши. Кўзида маъно бор. Қаеридир Жамшидга ўхшайди. Шу ўхшашликни сезсалар, Бек акамга маъқул бўлар...»

— Менинг кимлигимни биласанми? — деб сўради Чувринди, унга бир қараб олиб.

— Элчин акам айтдилар.

— Унда қаёққа бораётганимизни, кимлигимизни ҳам биларсан?

— Ҳа.

— Асадбекни эшитгансан-а? Одамлар ҳар хил гаплар тўқиб юришади. Ўша гапларга ишонасанми?

— Гаплар кўп-ку, қайси бирини айтасиз?

— Масалан... — Чувринди бир оз ўйланди. — Масалан... одам ўлдиришга.

— Ишонсам ҳам бўлади, ишонмасам ҳам.

— Бу нима деганинг?

— Ишонса бўлади, деганимки, одамлар ўлиб турибди, йўқолиб турибди. Кимлардир қияпти бу ишларни. Асадбек қачондир...

— У сенга Асадбек эмас, ўртоғингми Асадбек, дейсан?! Бек ака, деб айт!

— Хўп... Бек ака қачондир одам ўлдиртирган бўлсалар, бас, бўрининг оғзи барибир қон-да.

Агар мени ўшанда ўлдириб юборишганда, балки буни ҳам одамлар Асадбек акадан кўрармидилар.

— Энди ишонмаслигингни айт.

— Ишонмаслигимки, ўз кўзим билан кўрмаганман. Мен ҳамманинг гапига ишонаверадиган лақма эмасман.



«Дурустсан, бола», деб қўйди Чувринди.

— Агар сенга одам ўлдиришни топширсак-чи, бажарасанми?

— Йўқ.

— Жавоб беришга шошилма. Аввал ўйлаб кўр.

— Ўйласам-ўйламасам жавобим битта.

— Биз билан бирга бўлган киши буйруқни бажармаса ўйиндан чиққан ҳисобланади. Ўйиндан чиқдим, демак, у хоин. Хоиннинг жазоси эса...

— Ўлимми?

— Бошқа жазолар ҳам бор.

— Барибир одам ўлдирмайман.

— Қизиқ... агар номусингга тегадиган иш бўлса-чи, унда ҳам ўлдирмасмидинг?

Ҳалимжон жавоб қайтармади. «Агар қизга етиша олмасам уларни ўлдираман», деб онт ичган эди. Аммо қасамни амалга оширишга қудрати етадим, йўқми — аниқ билмасди.

— Мен бир нарса сўраганимда дарров жавоб бер.

— Билмадим... Ҳар ҳолда ўлдиришга ҳаракат қилардим. Ёки...

— Нима ёки? Фикрингни яширма.

— Ёки... ўзимни ўлдирардим...

Чувринди кулди:

— Бу йигитнинг гапи эмас! Йигитнинг номуси топталса ўч олиши шарт. Ўчнинг шарти бир — ўлим! Ўч ололмай ўзини ўлдирадиган одам йигит эмас, ҳажикиз! Билиб қўй, бунақа гапингни бошқа эшитмай.

Машина уч қаватли бино қаршисида тўхтаганида Ҳалимжон «нима учун бу ерга келдик?» деб ажабланиб, Чувриндига қаради. Ҳалимжон бу ерга талаба дўстлари билан бир неча марта келган, учинчи қаватдаги йиғилишларда иштирок этган, оташин нутқларни эшитган эди.

Дўстлари оташнафас нутқлардан тўлқинланиб, қарсақлар чалишганда у таажжубланган. Бир куни дўсти:

— Гапларини эшитдингми, зўр у одам! — деб ҳаяжонланганида у:

— Бунақа гапларни телевизорда ҳам, чойхонада ҳам минг-минг одам гапириб ётибди. Кесақдан олов чиққандай ҳовлиқасан-а? Бу одаминг зўр алкашга ўхшайди. Ҳозир бу ердан чиқиб шотирлари билан юзта-юзта отади. Гаплари эсидан ҳам чиқиб кетади. Мингта гапиргандан кўра, битта иш қилсин, қойил бўлай, — деганди.

Ўртоғи эса ундан ранжиб: «Халқ фидойиларини тушунмасанг, бу ерга бошқа келма», деди.

Ҳалимжон ҳам: «Агар халқ фидойилари шунақалар бўлса, халқнинг шўри қуриган экан. Бу ерингга келмадим ҳам, кўрмадим ҳам, куймадим ҳам», деб оёғини тортган эди. Ўшандан бери бу бинога яқин келмаётган эди. Ҳозир машина тўхтагандаги таажжуби шундан.

Ҳалимжоннинг қимирламай ўтиришини кўриб Чувринди «Тушмайсанми?» деди-да, пастга олиб тушувчи зина сари юрди. Ҳалимжон таажжубдан қутулмаган ҳолда унга эргашди.

Чувринди Бўтқанинг саломига алик олиб, тўғридаги эшикни очди. Ҳалимжон унга эргашмоқчи эди. Бўтқа йўлини тўсиб ён эшикни очди.

— «Бу қанақа жой? Шуларнинг идорасими? Қизиқ, юқорида бошқа гап, пастда бошқа иш. Тоза топишган экан», деб ўйлади Ҳалимжон.

Ҳалимжонни ярим соатдан сўнг чақирди. Унга қадар хос хонада Асадбек аввал Красноярга бориш маслаҳатини қилди. Сўнг Чувринди Ҳалимжон ҳақида билганларини гапириб берди.

— Олдин обдан синаш керак эди, — деди Кесақполвон. — Тўғри бошлаб келганинг чакки бўлибди.

— Синашнинг ҳожати йўқ. Уни қарздор қилиб қўйганмиз. Тўғрисўз бола экан, менга шуниси ёқди.

Чувриндининг шу қатъий хулосасидан сўнггина Ҳалимжонни чақирдилар.

Кўринишидан чайир бўлган йигитнинг хонага кириб келиши, салом бериши Асадбекка ёқди.

Унинг қаеринидир Жамшидга ўхшатиб юраги ғалати бўлди.

Ҳалимжон ўзи учун нотаниш бўлган икки кишига бир-бир қараб олиб, «қайси бир Асадбек экан?» деб ўйлади. Чувринди унинг ўйини ўқигандай ўтирганларни таништирди:

— Бек акам, — деб Кесакполвонни кўрсатди. Сўнг Асадбекка қаради: — Ҳайдар акам.

Ҳалимжон жилмайди.

— Ҳа, нимага ишшайяпсан? — деди Кесакполвон, зарда билан.

— Узр, — деди Ҳалимжон. — Мен бу кишини Бек акамиклар, деб ўйлабман.

— Нега шундай деб ўйладинг? — деди Чувринди.

— Кўринишлари, қарашлари, ўтиришлари бошқача. Савлатлари бор.

— Бошқача деганинг нимаси?

— Нима десам экан... — Ҳалимжон ўйланиб туриб Асадбекка тикилди. Сўнг Кесакполвонга қаради: — Сиз хафа бўлманг, Бек ака, бу кишида бошқача виқор бор...

Кесакполвон ғижинди. Чувринди эса кулиб қўйди.

— Тўғри топдинг. Бек акам бу киши.

— Одам ажратишни-ку, биларкансан, ташқаридаги аканг билан солишсанг, эплансанми? — деб сўради Кесакполвон. — Ё ҳеббимга ўхшаб тагига тушиб ётиб оласанми?

Ҳалимжон унинг кимни назарда тутаётганини фаҳмлади-да, елкасини қисди.

— Қўрқасанми?

— Қўрқишга-ку, қўрқмайман. Лекин синамаган одамимга бир нима дейишим қийин. Худо хоҳласа бўш келмасман.

— Ўзингга ишонмайсанми?

— Ўзимга ишонмасам, сизга рўпара бўлмас эдим.

— Ҳозир чиқиб пачақлаб ташла, десак бажарасанми?

— Вазиятга қарайман. Синаш учун айтсангиз бажармайман. Зарур бўлса, бошқа гап.

— Демак, ўйлаб кўрасан, шундайми? Ақлинг шунақа кўпми?

— Ўзимга етарли бордир, дейман.

— Мен билан шундай гаплашгани қўрқмайсанми? Жаҳлим чиқса шартта отиб ташлашим мумкин-ку, а?

— Жаҳлингизни чиқарадиган гап айтмадим-ку? Сиз сўраяпсиз, мен жавоб беряпман. Жавобим ёқмаслигини билсам ҳам тўғриси айтяпман. Сизга яхши кўриниш учун бошқача гапиролмайман.

Асадбек Кесакполвон билан Ҳалимжоннинг савол-жавобини диққат билан тинглади.

Жавоблардан етарли қониқиш ҳосил қилиб ўрнидан тургач, Ҳалимжон гапдан тўхтади. Асадбек ташқарига чиқмоқчидай эшик томон юрди. Аммо Ҳалимжоннинг ёнидан ўтаётганида кескин бурилди-да, унинг жағига мушт туширмоқчи бўлди. Сергак турган Ҳалимжон ўзини четга олишга улгурди. Асадбек иккинчи марта урмоқчи бўлди, бу сафар ҳам йигит чап берди.

Кутилмаганда Кесакполвон ўрнидан сапчиб турди-да, унинг қаршисида яшин тезлигида пайдо бўлиб, тепди. Бироқ, оёғи мўлжалга етмай, мувозанатини йўқотиб, йиқилди. Ҳалимжон буларнинг қилиғини тушунмай, ўзини девор томонга олиб, муштини тугиб, ҳимояга шайланди.

Кесакполвон ўрнидан туриб яна ташланмоқчи бўлганида Асадбек унинг йўлини тўсди:

— Чиранма, етади, — деб Ҳалимжонга яқинлашди-да, елкасига уриб қўйди. — Қани, ўтир.

Кесакполвон мулзам бўлганини сездирмаслик учун Асадбекнинг қилиғини қайтарди: йигитнинг елкасига аста мушти билан уриб «дуруст» деб қўйди.

Ҳамма жой-жойига ўтиргач, Асадбек Ҳалимжонга қараб деди:

— Сен ҳозирча Ҳайдар аканг билан бирга бўласан. Бизнинг ишимиз ҳам нозик, ҳам хатарли.

Биз билан бирга бўлсанг, фақат ҳимояни ўйламай, ҳужумга шай туришинг керак. Бизнинг ишимиз фақат ҳужум билан битади. Ҳозирча шуни билсанг бас. Қолганини кейин гаплашамиз.

Ақлинг борлиги яхши, аммо биз айтган ишни сўзсиз бажаришинг керак. Ақл бизда ҳам бор. Бир иш буюришдан олдин ўйлаймиз биз ҳам. Кунимиз одам уришу ўлдириш билан ўтмайди. Энди

боравер, эртага сени ўзимиз топамиз.

— Бек ака, юрагимни қон қилиб юрган бир гапим бор, айтиб олай?

— Айт.

— Мен ўтган йили аэропортда тирикчилик қилдим. Билет олиб-сотдим. Кассир қиз билан чиқишиб қолган эдим. Менга ўйдан пул келмайди, аравамни ўзим тортишим керак. Беш-ўн сўм ишлаб турувдим. Бир йигит «бу ердан туёғингни шиқиллат» деди. Аэропорт кимга қарашини биласиз, а? Мен ҳам ўшанда билдим. Агар ўзбек келиб «бу жойга бурнингни суқма» деса, Худо урсин, бошқа қадам босмасдим. Унга бўш келишни истамадим. Яна огоҳлантирди. Учинчи марта тўрт киши бўлиб келиб урмоқчи бўлди. Тўртталасининг жағини ёриб, кейин оёғимни уздим. Бу қанақаси, Бек ака, ўзбек ўз юртида ўз ризқини териб юра олмаса? Сизлар билиб туриб нимага индамайсиз? Сиз унинг юртига бориб шундай хўжайинлик қила оласизми? Бир кун... йўқ, бир соат ҳам қўйишмайди.

— Бўлди, тушундим мақсадингга. Ҳар ишнинг вақти-соати бор. Ҳозир улар билан олишишнинг вақти эмас. Тўғри, уринсак, уларга бемалол кучимиз етади, лекин уларни суяб турган тоғ бор. Буни ўзинг кейинроқ тушуниб оласан.

Асадбек гап тамом, деган ишора қилгач, Ҳалимжон чиқди.

## 2

Асадбек Красноярга нима мақсадда кетаётганини айтгач, Жалил «мен ҳам бораман» деб қолди. Аслида Асадбек уни мазкур сафарга таклиф этмоқ учун ўйига борган, «тўғридан-тўғри айтсам, бобиллаб бермасин», деб гапни узоқдан бошлаган эди.

Тайёра ердан кўтарилгач, унинг бирга кетаётганидан қувонди. Ҳарҳолда, бу сафар болалик хотиралари билан боғлиқ. Болалик хотиралари Жалилсиз тўқис бўларканми? Жалил ҳам, Асадбекнинг ўзи ҳам отасини яхши эслашмайди. Урушга кетаётганида гўдак эдилар. Қайтгач эса, узоқ вақт бирга бўла олмади. Дийдорига тўймай яна айирдилар.

Отаси ўлмаган ким бор... деганларидек, ҳамма ҳам қачондир етим қолади. Аммо ота дийдорига тўймай етим қолишнинг армони бўлакча. Ота қабрининг бўлмаслиги яна ёмон... Ниҳоят бир ёмонлик чекигандай бўлди. Узоқ ерларда бўлса ҳам қабр мавжуд экан. Асадбек шунга шукр қилиб боради.

Тайёра бекаси йўловчиларни ширин сув билан сийлагач, Жалил чўнтагидан қоғоз чиқарди-да, пичирлаб ўқий бошлади. Асадбек унинг қайта-қайта ўқишидан ниманидир ёд олаётганини фаҳмлади. Ҳозир у суҳбатлашиб кетишни истаётган эди. Шу боис Жалилнинг бу тарзда ўтиришига узоқ тоқат қилолмади:

— Нима ўқияпсан?

— Жаноза дуосини ёдлаяпман, — деди Жалил, қоғоздан кўз узмай.

— Шу пайтда ёдлагинг келиб қолдимми?

— Етгунимизча ёдлаб олишим керак. Адангга жаноза ўқиймиз. Домладан сўрадим, кейин ўқиса ҳам бўларкан. Ҳойнаҳой сен қабрга гул қўярсан, мусулмончиликка сенинг ақлинг етмайди. Чиндан ҳам ақли етмади. Буни ўйлаб ҳам кўрмабди. Мурдани кўчиришни истабди-ю, бу хаёлига келмабди. Мурдани кўчириш ҳам орзулигича қолди. Чувринди Собитхон қорига учраб, маслаҳат солганида у қатъий равишда «безовта қилманглар» деди. Агар Собитхон қори «кўчириб кўминглар» деб фатво берганида Чувринди ҳам отасининг жасадини қабристонга кўчирмоқчи эди. Қоридан қатъий рад жавобини олгач, ўз дардини дастурхон қилиб ўтирмади. Ҳозир икки дўстнинг қисқа суҳбатини эшитиб, яна ўз отасини эслади. У «мен ҳам жаноза ўқитиб қўйсам бўларкан», деб ўйлади-ю, бувисининг: «Кута-кута тўртинчи йили боламга аза очдик, бобонг масжидга чиқиб йўқ ўликка жаноза ўқиттирди», деган гаплари ёдига тушди. «Жанозани-ку, кеч бўлса ҳам ўқитишган-а, кўмиш-чи? Кафанлаб кўмишганмикин? Ё қўрқувда, шошилишда икки буклаб кўмиб қўя қолишганмикин?» Шу фикр хаёлига келди-ю, онасидан, тоғасидан, унинг отасидан янада баттар нафратланди. «Бек акам бир армондан қутуляптилар.

Оталарининг сўнги маконини топадилар. Қабрда ётган оталари билан хаёлан бўлса ҳам гаплаша оладилар. Мен-чи? Мен қаёққа бораман? Қандай гаплашаман? Йиғлагим келса қайси қабрнинг тепасига бориб йиғлайман? Бек акам-ку, оталарини оз бўлса ҳам кўрганлар. Қучганлар, ўпганлар... Мен-чи?.. На ота ҳидини биламан, на она исини... Бек акам ўч олишга улгурдилар, пича бўлса-да, хумордан чиқдилар. Мен-чи? Кимдан ўч оламан, ўша чолларданми? Умр бўйи қўрқувда, титроқда яшаган бу чолларни ўлдириб нима барака топдим? Сирлари ошкор бўлганини билиб, ўлмай туриб ўлишди, пичоқсиз сўйилишди...»

Бошини суюнчиққа қўйиб, кўзларини юмиб олган Чувринди мана шуларни ўйларди. Асадбек яна бир гап айтса, Жалилнинг портлаб кетиши мумкинлигини билиб, жим бўла қолди. Бегона одамлар орасида Жалилга ортиқча гап айтган одамнинг шарманда бўлиши тайин. «Майли, дуосини ёдлайверсин, жаноза ўқигиси келса, ўқисин. Домла ўқиш керак, деб бежиз айтмагандир. Ўқиб қўйгани дуруст. Ўқимаса нима бўларкин? Жаннатга тушмасмикин? Нега тушмайди? Бу дунёни азоб билан ўтқазган, бировга ёмонлик қилмаган бўлса?.. Гуноҳни қилиб юра-юра ўлганида жаноза ўқиб қўйилса, тўғри жаннатга тушаверса?.. Қизиқ...»

Асадбек, гарчи маҳалласидаги масжид қурилишига ҳомийлик қилаётган бўлса-да, ислом илми, шариат ҳукми деган тушунчалардан ниҳоятда йироқ эди. Унинг назарида марҳум лаҳадга қўйилиши билан тўғри жаннатга ёки дўзахга йўл олади. Асадбек қиёмат, ундаги ҳисоб-китоб, номаи аъмол, Расуллуллоҳнинг шафоати каби гапларни эшитмаган, эшитган бўлса ҳам уқмаган бандалардан эди. Шу сабабли отасига жаннатдан жой тайин этиш учун жаноза ўқиб қўйиш албатта зарур, деган қарорга келди. Шунга ақли етган дўстини қучиб олгиси келди. Лекин бунга журъат этмади. Чунки у Асадбек, дўсти эса Жалил, яъни иккови оҳанрабоининг икки қутби эди.

Шу онда курагида қаттиқ оғриқ туриб, инграб юборганини ўзи ҳам сезмади. Кўзлари юмук бўлса-да, ўзи зийрак ётган Чувринди бошини кўтарди.

— Бек ака, нима бўлди? Мазангиз қочдимми?

— Курагим шамолладими, дейман. Санчиқ турди. Эзиб қўйсанг-чи...

Асадбек шундай деб энгашди. Чувринди унинг елкаларини уқалади. Оғриқ зўрайиб, Асадбек қақдини ростлади.

Чувринди тайёра бекасини чақириб, сув сўради. Асадбек сув ичгач, суюнчиқни тушириб, оғриётган курагини тираб ётди.

Красноярга етганда тайёра тоғдай бўлиб турган қўнғир булутлар орасини ёриб кириб, титрай бошлади. Йўловчилар ўзларини тайёрада эмас, шағал ётқизилган йўлда кетаётган эшак аравада хис қилдилар. Хаста одамларнинг дарди қўзиб, тайёра бекаси тинчини йўқотди. Тайёра барчани беҳаловат қилиб қўйди.

Шаҳар осмонини булут қоплаган, салқин шамол эсиб турарди. Бир неча соат илгари жазирамадан нолиган одамлар энди салқинда қунишиб туришарди.

— Асад, — деди Жалил жунжикиб, — битта такси тўхтатиб, борадиган жойимизга жўнаворайлик.

Асадбек унга қараб «хўп», деб кулимсираб қўйди. Кўнглидан эса бошқа гап ўтди: «Е нодон бола, сен Асадбекни ким деб юрибсан? Ҳаммага ўхшаб хуржунини осилтириб, таксига қўл кўтариб юрса Асадбек бўлармиди? Дунёдан гўллингича ўтасан шекилли, сен бола. Ҳозир «бу ерларда такси бўлмайди, яёв кетамиз», десам ишонармикинсан? Ке, қўй, яна шаллақилигинг тутиб қолмасин...»

Жалилнинг чиндан ҳам соддалиги бор эди. Содда бўлмаганида оғайнисининг кўзга кўринмас, аммо ўзига хос кичик бир мамлакат подшоси эканини, бундай подшоҳлик ҳар бир юртда мавжудлигини фаҳм этган бўларди. Росмана юрт эгаларининг борди-келдилари, расмий кутиб олиш, музокараларидаги асъасаю дабдабаларни телевизорда ҳамма кўради. Пинҳоний юртчаларнинг подшочалари учрашувида ҳам иззат-еътибор зўр бўлади, пинҳоний юртчаларнинг бу ишлари ҳам пинҳоний кечади. Катта мамлакат раҳбари бошқа мамлакатга

боришдан аввал ўнлаб, балки юзлаб мутахассислар ўзаро учрашиб, кўриладиган масалани тайёрлайдилар. Худди шу каби Чувриндининг йигитлари ҳам бу ерга уч кун аввал келишган, Бек акаларини лозим даражада кутиб олиш тадоригини кўришган. Шубҳасизки, Жалил бундан беҳабар, шу боис ҳам таксига тушиш истагини билдирган эди.

Йўловчиларнинг аксари жомадонларини олмоқ учун юкхонага қараб юрдилар. Улар эса тайёрагоҳнинг кенг залига бурилиб, йўлни ташқари майдон сари олдилар. Чувринди бу ерга аввал ҳам бир-икки келгани учун қаёққа юришни яхши биларди. Зални кесиб ўтиб, кўчага чиқай дейишганда уст-боши уринган, кўзлари ҳадик билан олазарак боқувчи аскар йигит Жалилга яқинлашиб, ўзбекчалаб салом берди.

— Ҳа, укам, хизматлар қалай? — деди Жалил, саломга алик олгач.

— Жуда зарур гапим бор, — деди йигит, атрофига аланглаб олиб.

Жалил тўхтади-да, «нима гап?» дегандай орқасига ўгирилган Чувриндига:

— Ҳозир орқаларингдан етиб оламан, — деди.

— Кўчада турамиз, ҳаялланманг, — деди Чувринди.

— Ҳа, укам, пул-мулинг тугаб қолдимми? — деб сўради Жалил йигитдан.

— Жуда зарур гап бор, юринг, йўқ деманг, илтимос. Дўппингизни кўриб, Ҳизир бувани кўргандай қувониб келдим олдингизга, — йигит шундай деб йўл бошлади.

Жалил: «Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, бола пақирнинг иши чатоққа ўхшайди», деб унга эргашди.

Аскар йигит йўл ости йўлаги орқали юриб юк сақланадиган хона ортига ўтди. Нимқоронғи бурчакда яна икки аскар йигит ўтирарди. Улар ўринларидан туриб салом беришди. Уларнинг заиф, титроқ овозлари аҳволлари ночор эканидан далолат берарди.

— Сенларга нима бўлди, нимага бу ерда биқиниб ўтирибсанлар? — деди Жалил ажабланиб.

— Икки кундан бери шу ердамиз. Очмиз. Уйга кетолмаяпмиз.

— Нима бало, қочдиларингми?

— Қочдик... Бошқа илож қолмади. Қочмасак ўлардик.

— Нега?

— Фарғонада ўзбеклар туркларни қирган экан. Шундан бери «узбек басмач» деб бизга кун беришмайди. Турткилашади, уришади, «ваҳший итсанлар» деб ҳақорат қилишади.

— Командирларингга айтмайсанларми?

— Айтдик. «Қўлимиздан ҳеч нима келмайди» дейишди. Қўшни қисмда бир болани уриб ўлдиришди. Уч кун олдин бизни ёмон уришди. Анави оғайнимнинг кўкрагига тепишибди.

Қовурғаси синганга ўхшайди. Оғриғига чидай олмаяпти.

Йигит шу сўзларни айтиб, умидвор кўзлари билан тикилди.

— Бизни ташлаб кетманг, амаки, ёрдам беринг, — деди кўкрагини ушлаб ўтирган аскар заиф овозда.

— Гапингни қара, укам, сенларни ташлаб қаёққа кетаман. Тўхта, нима қилишни ўйлаб олай. Ўйлагани билан тайинли фикрга келолмади.

— Патрулнинг қўлига тушсақ, ҳаммамиз кетамиз, — деди бояги зорли овоз.

— Йиғлама, укам, ҳар қандай шароитда ҳам йиғлама, сен эркаксан, эркакка ўхшаб гапир. Энди гап шу: қимирламай турларинг. Шерикларим билан маслаҳатлашиб келаман.

— Кечадан бери икки киши шундай деб кетди, — деди бошлаб келган йигит.

— Менга қара, укам, мен унақалардан эмасман. Дўппимни кўриб ишониб келдингми, энди шу ишончингда тур.

Жалил шундай деб тез-тез юрганича изига қайтди.

Кўчада Асадбек билан Чувринди кулранг костюм кийган, қизил галстук таққан, кўриниши кибор, қирқ ёшлардаги бир одам билан гаплашиб турардилар. Жалил яқинлашиши билан Асадбек уни «қадрдон дўстим», деб таништирди. Кибор эса сохта жилмайиш билан унга қўл узатди-да:

— Козлов, Алексей Петрович, — деб ўзини танитди.

- Шу ерлик қадрдонлардан, — деб изоҳ берди Асадбек.
- Асад, жиддий гап бор, — деди Жалил, унинг изоҳига эътибор бермай.
- Кейинроқ гаплашсак бўлмайдами? — деди Асадбек нохуш тарзда.
- Йўқ, эшит, — Жалил шундай деб кўрганларини баён қилди. — Ташлаб кетсак болалар увол бўлади. Аҳволини кўрсанг, йиғлаб юборасан. Юр, ўзинг бориб кўр уларни.
- Асадбек «буёғи қандоқ бўлди?» дегандай иягини қашиди. Сўнг Чувриндига қаради:
- Маҳмуд, бориб кела қол. Пул-мул бер.
- Одаммисан ўзинг! — деди Жалил зарда билан. — Ўзинг борсанг, моягинг узилиб тушадими?! — Бақирма. Нима керак бўлса Маҳмуд эплаштиради. Сендан битта илтимос, бу одам олдида билиб муомала қил, шарманда бўлиб кетмайлик. Уйда ҳар қандай зардангни, сўкишингни кўтараман. Бу ер ўрни эмас. Иззатни билиш керак.
- Козлов уларни муҳим бир нарса ташвишга солаётганини сезиб, гапга аралашди:
- Асад, нима гап, айт менга?
- Асадбек Жалилдан эшитганларини қисқа ҳолда баён қилди.
- Маҳмуднинг боришига ҳожат йўқ. Ўша йигитларни учуриб юбориш керакми? Нў проблем! — Козлов шундай деб тўрт-беш қадам нарида турган басавлат йигитлар сари юрди-да, уларга нимадир деб уқдирди. Улардан иккитаси шу заҳоти ичкарига қараб юрди. Козлов эса Асадбек ёнига қайтди: — Шу самолётда учуриб юборишади. У ёқда кутиб олишни ташкил қилиш керак. Патрул у ёқда ҳам бор.
- Телефон қилиб депутатга тайинлайман, — деди Маҳмуд Асадбекка қараб. Асадбекнинг пешонаси тиришди:
- Керакмас. Унинг ғалва кўтаришга баҳона тополмай юради. Ҳайдарга айт. Болаларни кутиб олиб, уй-уйига етказсин. — Асадбек Жалилга қаради. — Кўнглинг ўрнига тушдими?
- Мен кузатиб келай. Ҳар ҳолда... ишончлими буларинг?
- Майдалашма. Биз сенинг ҳукуматингга ўхшаб иккита гапирмаймиз.
- Улар Козловнинг таклифи билан машиналарга ўтирдилар. Жалил такси ҳақидаги гапини эслаб, «Буларни ҳам ўзимга ўхшаган одам дебман-да», деб соддалигидан кулиб қўйди.
- Уларни шаҳар ташқарисидаги ўрмон бағрига жойлашган хос меҳмонхонага олиб бордилар. Дарахтлар панасидаги икки қаватли ёғоч уй унча кўзга ташланмас эди. Уйнинг орқа томонидаги қизлар билан гавжум бўлгучи ҳовуз ҳаво салқинлиги туфайли бугун бўш. Шодон қийқириқлар ҳам эшитилмайди. Уй ёғочдан бўлгани билан ичкариса шоҳона безатилган эди.
- Ёғоч уйга олиб келди, деб энсанг қотдими, Асад, — деб кулди Козлов. — Уй пишиқ ғиштдан. Экзотика учун олд томонига ёғоч қоплатганман. Руснинг уйи экани билиниб турсин.
- Меҳмонхонада зўр зиёфат учун ҳозирлик кўриб қўйилган эди. Козлов кўрсатган ўринларга ўтиришгач, Жалил колбаса солинган ликопчани Асадбек томонга суриб қўйди. Унинг бу ҳаракати Козловнинг зийрак нигоҳидан четда қолмади.
- Чўчқа емасликларингни биламан. Бу ердаги ҳамма нарса мол гўштидан, еяверинг, — деди у кулимсираб.
- Барибир чўчқа ёғи солинади, — деди Жалил бўш келмай.
- Қилиқ қилмай, ана қайнатилган гўшдан еявермайсанми? — деди Асадбек аччиқланиб.
- Гўшт ҳам емайман. Шу колбаса кесилган пичоқда кесишган. Барибир ҳаром.
- Кечагина ароқни бўкиб ичиб, дўппингга қусиб юрувдинг. Энди ҳаромни ажратадиган бўлиб қолдингми?
- Сен ўзингни бил, — Жалил шундай деб бир бурда нон синдириб оғзига солди. — Мен сенга ўхшаб зиёфат еб ўрганмаганман. Нон ҳам бўлаверади.
- Нонни ҳам шу пичоқда кесишган.
- Бу гапни эшитиб Жалил чайнаган нонини ютишни ҳам, ташлашни ҳам билмай қолди.
- Ют, ютавер, сендақа мулладан ўргилдим.
- Асадбек шундай дегач, ажабланиб қараб турган Козловга изоҳ берди:

— Ошнам муллалардан. Тандирдан кечагина узилган хилидан.

Козлов буни ҳазил деб тушуниб кулди.

Даврада Козловнинг йигитларидан ҳеч бири иштирок этмади. Овқатланиб бўлишгач, юмшоқ ўриндиқларга ўтиб ўтиришди.

— Сен, Асад, анархист экансан. Горбач ҳаммага демократия берди-ю, қайта қуриш сенга етиб бормабди. Йигитларинг ҳеч бир нарсани ўзича ҳал этолмайди. Винони тсистернада юборишни ташкил қилинглар, десам, аввал Бек акамдан сўрайлик, дейди. Зўр пушқалар бор, десам... Гап шу ерга келганда Асадбек йўталиб қўйди-да, Чувриндига қаради. Бу қарашнинг маъносини тушунган Чувринди Жалилга гап айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо улгурмади. Жалил ўрнидан турди-да:

— Йўтални ҳам эзвординг. Йўталишни билмасанг, ўзингни қийнаб нима қиласан, чиқиб ҳовузда чўмилиб кел, дегин, ёмғирда чўмилишнинг мазаси бошқача бўлади, — деб эшик сари юрди. Чувринди ёлғиз ўзининг чиқиши ноқулай бўлмасин, деб эргашган эди, Жалил орқасига ўгирилиб, тўнғиллади: — Менга думнинг кераги йўқ. Гапларингни гаплашиб олаверларинг. — Жалил менинг энг қадрдон дўстим. Лекин бизнинг ишларимиздан ниҳоятда узоқ. Унинг ҳаёти бошқа, — деди Асадбек.

Асадбекнинг «енг яқин дўстим бўлса ҳам унинг олдида сир айтма», демоқчи эканини Козлов тушунди.

— У қаерда ишлайди? — деб сўради Козлов.

— Аниқ билмайман, қаердадир ишчи.

— Ёнингга олмаган экансан-да?

— Бунақа ўжар дунёда битта. У бу дунёда ҳалол меҳнат билан кун кўриш мумкинлигини исбот қилмоқчи.

— Ошнанг битта эмас, бунақалар ҳаммаёқда тўлиб-тошиб ётибди. Горбач айтяпти-ку, ҳамма нарсани ўз номи билан айтиш керак. Буларнинг номи — АҲМОҚ! — Козлов шундай деб кулди. — Хуллас, йигитларинг келди-ю, кетди. Ҳеч нима ҳал бўлмади. Мен сизлардан хафа эмасман. Орамиздаги иш пухта, ҳалол бўляпти. Лекин бир йигитинг бизни гўл қилиб кетди. Эсингдами, сен уни ўн йилча олдин юборган эдинг. Қараб турдик, хор қилмадик. Лекин кетишда ҳаммамизга тупуриб, анча нарсани ўмариб кетибди. Орқасидан одам юборай дедиму, сенга малол келмасин, дедим.

Чувринди гап Шилимшиқ ҳақида кетаётганини билиб, суҳбатга қўшилди:

— Алексей Петрович, одам юбормаганингиз яхши бўлибди. У тинчиди. Хизматига ярашасини олди.

— Йигитларга тайинлаб қўйиш керак: бунақа қилиқ жазосиз қолмайди. Мен бу ерда яшаганим билан қўлимни узатсам Ўзбекистонга, керак бўлса ундан нарига етади, шундай эмасми, Асад? Козловнинг кейинги гапи Асадбекка сал малол келди. Шу боис гапни бошқа ёққа бурди:

— Яхши. Таклифларингни айт. Систернани ўйлаб кўрамиз.

— Пушқадан олинглар. Ортиқчаси зарар қилмайди.

— Ҳозирча етарли, бор.

— Асад, сен эртани кўрмайсан. Эртага етарли бўлмай қолади. Зўрлари бор. Сенга илиняпман. Хитой томондан қора дори...

— Йўқ, — деди Асадбек қатъий, — бу ишларга ўзинг ҳам аралашма, бизни ҳам аралаштирма. Асадбекнинг курагида оғриқ қўзғалиб, афтини бужмайтирди.

— Нима бўлди? — деб сўради Козлов.

— Курагимни шамоллатдим шекилли, — деди Асадбек.

— Нў проблем! Момент тузатамиз. Тур ўрнингдан. Бунақа касалнинг давоси массаж!

Козлов уни иккинчи қаватдаги ётоқхонага бошлади. Дам ўтмай у хонага оқ шойи халат кийган хушбичим қиз кирди.

Козлов айтган массаж фойда бермади, аксинча оғриқни зўрайтириб, иситма чиқарди. Боражак манзиллари Красноярдан қарийб тўрт юз чақирим нарида эди. Козлов меҳмонларни уринтирмай олиб бориб келиш чораларини кўриб қўйган бўлса-да, Асадбекнинг аҳволини билиб, «сафарни кечиктирсакмикин?» деди.

— Пиёда юрмасам, елкамда бир қоп юк бўлмаса, машинада борамизу келамиз, — деди Асадбек, ўзини жилмайишга мажбурлаб.

Бу жилмайиш ниқоби остида оғриқ азоблари яширин эканини барчалари сездилар.

Асадбек гўдак эмаски, уни авраб, насихат қилиб ёки алдаб кўндириш мумкин бўлса.

— Йўлда крайкомнинг статсионари бор. Бирров кириб чиқамиз, — деди Козлов мулоҳазаларга яқун ясаб.

Козлов «статсионар» деб атаган жой касалхонани эмас, шоҳона дам олиш уйини эслатарди.

Энг камида райкомнинг иккинчи котибларигагина насиб этувчи бу кошонанинг катталари

Козловни яхши танир эдилар. Унинг биргина имоси билан Асадбек атрофида парвона бўла

бошлашди. Асадбек бу ерга киришда «иситмамни ўлчаб дори беришар», деб ўйлаган эди. Қон таркибини текширишдан тортиб юрак уришигача текширилди, ҳатто рентген хонасига ҳам кириб чиқди.

— Бу ер шунақа «ТО-2»1, — деди Козлов кулиб.

Текширишлар тугагач, Козловни иззат билан кутиб олган киши уни четга тортиб, деди:

— Бу оддий шамоллашга ўхшамай турибди. Эмлаб қўйдик, иситмаси тушади. Аммо кечга бориб яна кўтарилиши мумкин. Уч-тўрт кун шу ерда ётса, яна яхшилаб текшириб, узил-кесил бир хулосага келар эдик.

— Ҳозир бир жойга кетяпмиз. Қайтишда кирамиз. Ҳар ҳолда, эртага қайтсак керак. Битта люксни тайёрлаб қўяверинг. Доридан беринг, иситмаси кўтарилса ўша ерда ҳамшира топилар. Ярим соатлардан сўнг дори таъсир қилиб, Асадбек ўзини енгил ҳис этди. У олдинги ўриндиқда, суюнчиқни пастлатиброқ ётиб борарди. Кўзи илиниб ўн-ўн беш дақиқа мизғиди-ю, уйғониб, ўзини аввалгидек тетик сезиб, қаддини кўтарди.

— Қалай? — деди Козлов, уни елкасидан ушлаб. — Тузукмисан? Рангинг яхши.

— Дардни берган Оллоҳ шифосини ҳам ўзи беради, — деди Жалил Асадбекнинг ўрнига жавоб қайтариб.

— Умуман, тўғри гап айтдинг, — деди Козлов, — Худо хоҳламаса Христос2нинг жияни бўлсанг ҳам ҳеч нимага эриша олмайсан. Мен буни амалда кўп синаганман. Мен Худога ишонаман, лекин ибодат қилмайман, шуниси чатоқ. Биласанми, Жора...

— Мен Жора эмасман.

— Жора бўлмасанг Женядурсан?

— Мен Жалилман. Отам раҳматли шунақа исм қўйган, — деди Жалил ўжарлик билан.

— Ҳа, Жалил, узр, эсимдан чиқибди, — деди Козлов кулимсираб, — Асад, шу ўртоғинг менга ёқди. Тўғри одам экан. Бунақа одамни Горбачга рўпара қилиш керак. Қани бир қайта қуриб кўрсин-чи...

— Оғайнимнинг кўнглида кири йўқ, гапларидан хафа бўлма, — деди Асадбек унинг ҳазилидан кулиб.

— Хафамасман, чин айтяпман. У менга ёқди. Шунақа одам билан разведкага бемалол боришим мумкин.

— Мен эса бормайман, — деди Жалил.

— Нимага энди? Яширмай айтавер, нимага?

— Сизлар пулга ўрганган одамсизлар. Дўппи тор келса шерикларингни ҳам икки пулга сотиб юборасизлар.

— Йў-ўқ, — деди Козлов жиддийлашиб. — Шу ерда янглишдинг. Ҳаммани ҳам сотавермаймиз. Асадбек бошланаётган баҳсдан латта иси келаётганини сезиб, суҳбатга аралашди:



— Алексей, сен бошқа нарса демоқчийдинг. Гапни бурвординг?

— Тўғри танбеҳ беряпсан. Мен айтмоқчи эдимки, ким бўлса бўлсин, мусулмонми, христианинми, буддистми — Худога сиғинади. Лекин бир-бирини тан олмайди. Шунисига ажабланаман. Мана, Жалил, бизларни тан олмайсанлар, а? Нима дердинглар?

— Қайси маънода?

— Бошқа диндагиларни.

— Ҳа... — Жалил бир оз ўйланиб, сўнг жавоб берди. — Кофир деймиз.

— Эсладим. Айнан кофир дейсан. Хўш, нимага? Ахир мен ҳам якка Худо дейман, сен ҳам. Қани жавоб бер.

Жалил бу хилдаги баҳсни, бунақа қийин саволни кутмаган эди. Ислом илмининг алифбосини ҳам билмайдиган одам учун бошқа дин вакили билан баҳслашиш осон эмас. Асадбек кеча ҳазил билан бўлса-да, тўғри айтиб эди. Тағин ҳам Асадбек уни аяди «чала мулла» деса янада аниқроқ баҳо берган бўларди.

Жалил шу топда жавобга қийналса ҳам, чала муллалигини ошкор қилгиси келмади. Чунки баҳсга чорлаётган одамнинг диний илми баттарроқ чала эканини билиб турарди. Жалил «шу чалага гапимни берайинми энди», деган фикрда муллалардан эшитганларини эслаб, жавоб берди:

— Кофир деганмизнинг боиси шуки, Худо деган билан иш битмайди. Худо деб туриб ҳаромдан қайтмайсизлар. Ароқ ичасизлар, тўнғиз гўшти ейсизлар, зино қиласизлар...

— Шунинг ўзимми? — деди Козлов.

— Бу камми? — деди Жалил.

— Яхши. Бу нарсалар сизларнинг китобингизда ҳаром қилинган. Бизникида ҳаром қилинмаган. Хўш, бунга нима дейсан?

— Қуръони карим охирги китоб. Оллоҳ бандаларини ҳаромдан қайтариш учун бу муқаддас китобни туширган. Бутун инсон болаларининг шу охирги китобга бўйсунуши шарт.

— Итоат этмаса-чи?

— Итоат этмаса кофир бўлади, қиёматда дўзахда ёнади.

— Демак, мен дўзахда куяман, сен эса жаннатда мазза қиласан, шундайми?

— Буни Оллоҳ билади.

— Йўқ, бу гап билан мендан қутула олмайсан. Сен ўз гапингни айт.

— Менинг билганим... — Жалил қарасаки, масала чигаллашиб кетяпти. Қайси бир йиғиндаги Собитхоннинг «баҳсда чуқурлашманглар» деган гапини эслаб, суҳбатга яқун ясамоқчи бўлди:

— Мен ўрисчада яхши тушунтириб беролмайман. Биз томонларга борсангиз, ўрисчани қотириб ташлайдиган муллаларимиз бор. Ўшалар тушунтириб беришади.

Асадбек унинг бу баҳонасидан кулди:

— Бўш келмайсан-а, кўп нарсани ҳали билмайман, деб қўя қолсанг-чи.

— Сен жим ўтиравер. Ҳарҳолда сендан кўпроқ биламан.

Шундан сўнг йўлда бора-боргунча бундай жиддий мавзуларга қайтмадилар.

Пешинга яқин катта йўлдан бурилдилар. Ўрмончининг уйини эслатувчи овлоқроқ ерда уларнинг келишларига турли таомлар тайёрлаб қўйилган эди.

— Меҳмондорчиликни ўрнига қўйяпти-а, — деди Асадбек Чувриндига.

— Бухорога олиб борганимизда ҳар икки соатда бир зиёфат берган эдик. Эсида қолган экан-да.

— Ҳарна бўлганда ҳам ёмон бола эмас, бу. Алоқани сира бузмаслик керак.

Манзилга етгунларига қадар яна икки ерда шундай ҳордиқ чиқаришди.

— Ярим соатда етамиз, — деди Козлов оқшомга яқин. — Олтмишинчи йилдан бери лагерга одам қўйилмаётган эди. Эшитишимча, яна одам қўйишга тайёрлашаётган эмиш. Лагер ёнида қабристон бор. Отанг ўша ерда. Йигитлар лагер архивини титиб, рақамига қараб аниқлаб қўйишган.

Занглаган симтиконлар билан ўралган, Козлов «лагер» деб атаган улкан қамоқхона яқинида

уларни икки йигит кутиб олди.

— Асад, — деди Козлов, йигитлар билан саломлашиб олгач, — лагерни кўрасанми ё қабристонга борасанми?

Асадбек симтиконлар ортидан кўриниб турган, ярми ер остида бўлган бостирмаларнинг хунук манзарасига тикилиб қолди. Шу ерларда отаси юрган... Ҳозир қийшайиб қолган ёғоч миноралар устида соқчилар турган... Итлар акиллаган... Зобитлар бақирган... Қарийб ўттиз йилдан бери бу қамоқхона ташландиқ ҳолда. Симтиконларга атайин тегилмагандай. Гўё бу симтиконларнинг бугун ҳам хизмати бордай... Аввал унинг вазифаси одамларни қочирмаслик эди. Энди-чи? Бу симтиконлар ортида одам бўлмаса-да, неча минг юракнинг зорли нолалари қолган, неча минг марҳумнинг руҳлари тунлари сарсари кезади бунда... Зорли нолалар бу симтиконларга урилиб акс-садо беради. Шу қадар кучли акс-садо берадики... уни ҳеч ким эшитмайди. Қақшаган руҳлар эрк илинжида ўзларини шу симтиконларга уриб фарёд урадилар. Уларнинг фарёдлари шу қадар кучлики... уларни ҳеч ким эшитмайди... Асадбек симтиконларга қараб шуларни ўйлайди. Қулоғи шанғиллади. Назарида у отасининг фарёдини эшитгандай бўлди. Юраги зириллади. Нафаси қайтди. Кўзи тинди. Гандираклаб кетай деди. Зийрак турган Чувринди уни билагидан ушлаб қолди.

Асадбек чуқур нафас олиб, сир бой бермаслик учун:

— Қабристонга борамиз, — деди.

Козлов бу гапни эшитиб имо қилган эди, буйруққа илҳақ бўлиб турган йигитлар чаққон равишда «Жигули»га ўтириб, йўл бошладилар.

Ўнқир-чўнқир йўл бўйлаб анча юришди.

— Лагер дегани битта колхознинг ерича бор экан-да, а? — деди Жалил ҳайратланиб. — Минг-минг одам сиққандир бу ерга? Дарахт кестиришганми уларга?

— Омади борлар дарахт кесишган. Қолганлари шахтада ишлашган. Ўн чақирим нарида шахта бор, — деди Козлов.

«Отам нима қилган? Ким биледи? Ҳеч ким...» деб ўйлади Асадбек.

Ниҳоят тиконли симдевор тугаб, йўл чапга қайилгач, кичкина ёғоч уй қаршисида тўхташди. Улар машинадан тушгунларига қадар уй остонасида бир кекса одам кўринди. Узун соқолли, қошлари оппоқ оқарган, устига эскироқ, аммо озода костюм кийган бу одамнинг юзидаги нур барчаларига бирдек таъсир қилди.

— Шу қабристонга қараб тураркан. Оталарини танир экан, — деди йигитлардан бири Козловга. Бу гапни эшитиб Асадбекнинг юраги ҳаприқиб кетди. Югуриб бориб қарияни қучоқлаб олгиси келди. Югуришни истади, бироқ оёқлари ўзига бўйсунмади. Жойидан қимирлай олмади. Қария улар томон бир-бир босиб келиб:

— Ассалому алайкум, меҳмонлар, келинглари, — деб барчаларини ҳайратда қолдирди.

— Сиз, бўтам, Асаджонсиз, тўғри фаҳмладимми? — У шундай деб тошдек қотган Асадбекни бағрига босиб, юзини юзига қўйди, елкаларини силади. — Баракалла, бўтам, хуш келибсиз. Келишингизга дадангиз раҳматли ишонган эдилар. Сиз дадангиз раҳматлига ўхшабсиз, умрингиз ўхшамасин. Бу йигит... Самандарми? — деди у иккиланган ҳолда.

— Бу йигит тутинган укам — Маҳмуд. Бу девор-дармиён қўшним, ошнам Жалил, — деди Асадбек.

— Самандар қани? — деб сўради қария.

— Самандар... ўлган. Эллик учинчи йилда.

— Эллик учда? Астаффируллоҳ!.. Қайси пайтда?

— Сталин ўлган куни.

— Астаффируллоҳ... Астаффируллоҳ... Ё Раббим, ўзинг қудратлисан! Бўтам, отангизнинг хасталиклари худди шу куни бошланган эди. Аниқ эсимда. Бир ҳафта деганда жонлари узилди. Оллоҳ раҳмат этсин, — қария шундай деб пича сукут қилди. — Қани, лутф қилингиз, кулбамизни обод этингиз.

Отаси ҳақидаги ўйлар билан банд бўлган Асадбек қариянинг уйга таклиф этаётганини дарров тушуниб етмади. Буни фаҳмлаган Чувринди унинг ўрнига жавоб берди:

— Аввал мозорбошига борсакмикин?

— Ихтиёрингиз... — Қария шундай деб дўмпайиб турган қабрлар сари юриб пичирлаб дуо ўқиди, сўнг овозини чиқариб деди: — Ассалому алайкум, эй мўъминлар, сизлар бизлардан аввал келдингиз бу ерга, биз ҳам бир кун келармиз...

Бу гап Асадбекка таъсир этиб, этлари жимирлашиб кетди. Қария билан изма-из бораётган Жалил ундан аста сўради:

— Бу ердагиларнинг барчаси мусулмонми?

— Йўқ, — деди Қария, — аралаш қўйилган. Рақамларга қараб кўпларини эслаб қолганман. Биродарларимни кунда бир зиёрат қилиб тураман.

Ўт босган қабрлар орасидаги лозимини қийналмай топиб боришди. Ўтлар топталиб, ёлғизоёқ сўқмоқлар ҳосил бўлганидан қариянинг рост сўзлаётганини сезиш мумкин эди.

— Раҳматли дадангиз шунда мадфундурлар, — деди қария, сўнг кўрсатган қабри ёнига ўтирди. Асадбек унинг ўнг томонига, Чувринди билан Жалил чап томонига ўтирдилар. Орқароқда келаётган Козлов, гул кўтариб олган йигит бир неча қадам нарида тўхташди.

Қария «тиловат қиласизми, бўтам?» деган маънода Асадбекка қаради. Буни сезган Жалил билган сураларини овозини баралла қўйиб ўқий бошлади...

Дуодан сўнг Жалил ўрnidан турди-да, «Салоти жаноза» деб қўйди. Қария унга ажабланганича қараб:

— Бўтам, жаноза вақтида ўқилган, — деди.

— Шу ерда-я? — деди Жалил таажжубини яширмай. — Ким ўқиган?

— Мен... Қани, ўтирсинлар... Тарих шуки, камина ҳам шу қамоқхона тузини тотганлардан. Мўъминлар бандаликни адо этганда жанозаларини ўқир эдим.

— Кафан-чи?

— Бу ёғига ожиз эдик. Насорийлар ҳам тобутсиз кўмиларди. Мўъминларнинг юзларини қиблага мойил қилиб, сўнг бетларини тупроқ тегмайдиган қилиб ёпиб, сўнг кўмардик. Бошқа иложимиз йўқ эди.

Бу гапни эшитиб, Чувринди ўз отасини эслади. «Булар-ку, иложсиз эканлар, улар-чи? Кафанладиларми? Юзни қиблага қаратдиларми? Лаҳад қазидиларми экан?..» Чувринди шуларни ўйлаб, хаёлига бир гап келди-ю, сўради:

— Тақсир, энди қабрни очиб, кафанлаб, лаҳад кавлаб қайта кўмилса бўлмасмикин?

— Бунга ҳожат йўқ, бўтам. Бирламчи, марҳумларни безовта қилмаган маъқул. Бунда жасад ётадир. Рухлари эса валлоҳи аълам эркинликдадир. Иккиламчи шуки, бунда мадфун этилганлар, валлоҳи аълам, шаҳидлик мартабасидадирлар. Аксарлари кофирлар билан олишиб ўлдилар, иншоллоҳким, Яратганнинг ўзи уларга шаҳидлик мартабаси берар. Шаҳидларга эса кафан лозим эмас. Қабристонни зиёрат қилмоқнинг одоби шуки, билган одам «Ёсин»ни ўқимоғи даркор. Орангизда билганлар борми? — Қария шундай деб Жалилга қаради. Жалил елка қисиб, бош чайқагач, тиловатни ўзи бошлади. Унинг қироати шу қадар ёқимли эдики, уччовлари бир онда сеҳрландилар. Козлов қаққайиб туришни ўзига ноқулай деб билиб, йигитнинг қўлидан гулни олди-да, қабр устига қўйиб, аста изига қайтди.

— Раҳматли дадангиз билан уч йилдан ортиқ бирга бўлдик, — деди қария дуодан сўнг. — Чўрткесар, ҳақиқатпарвар эдилар. Худо кучдан ҳам берган эди. Дадангиз келгунларича бизга кун йўқ эди. Аристонлар орасида бир девдай махлуқ бор эди. Тўнғиз деб лақаб қўйгандик. У бор жойда ҳазрати Азроилга ҳожат йўқ эди. Дадангиз келганларида уч-тўрт карра хиралик қилди. Бир куни қарасак, тунда кимдир тўнғизнинг бошини болтада чопиб ташлабди. Бу ишни ким қилганини ҳамма фаҳмлади. Хўжайинлар ҳам сезишди-ю, гувоҳ бўлмагани учун бўйнига қўя олишмади. Раҳматли дадангиз туфайли ўшандан кейин бағримизга шамол тегиб қолди. Катта начайник итфеъл эди. Дадангизнинг пайига тушди. Шахтага ҳайдади. Уч марта овга олиб

чиқди. Ов деганимиз Худонинг бир балоси эди. Итфеъл ўзига ёқмаган аристонларнинг беш-олтитасини ўрмон ичкарасига ҳайдаб бориб, сўнг қўйиб юборар эди. Ким эвини қилиб, унинг ўқларига чап бериб, лагерга қайтиб келса келди, бўлмаса «қочишга уринганда отиб ташланди» деб хатга тиркашарди. Учинчи марта дадангизнинг ёлғиз ўзларини олиб чиқишди.

Эвлашолмади. Худо ўз паноҳида асраганидан кейин, ўқ дўли ёғдирилса ҳам бир туки узилмайди-да. Дадангизга бошқача ўлим насиб этган экан. Сталин ўлгани ҳақидаги хабар бизга саккизинчи мартда етди. Ўшанда дадангизнинг хасталикларига уч кун бўлган эди. Бу ернинг дўхтири ҳам аристонлардан эди. Ё қўли калтамини ё илмими, ҳарҳолда чора топмади. Яна уч кундан сўнг иситма аралаш алаҳсираб туриб, узилдилар. Самандарни кўришга илҳақ эдилар. Шу армон билан кетдилар. Яна бир армонлари — сизлардан ҳеч хат-хабар бўлмади. Кўзлари тўрт бўлиб кутдилар.

Бу гапни эшитиб, Асадбек ялт этиб қарияга қаради:

— Қаерга ёзишни билмас эдик. У ёқдаги идоралар маълумот беришмади. Ўзларидан хат олмадик.

— Кўп ёздилар. Ўзим гувоҳман. Билмасам, нечүкдирки, сизларга етмаган экан.

Хасталанмасларидан бурун ҳам ёзганлари ёдимда. Балки хат бу қамоқхонадан чиқарилмагандир. Балки турадиган ерингизда ғаламислар бўлгандир. Шунақасини ҳам эшитганмиз.

Бу гапдан кейин Асадбек Чувриндига қаради. Чувринди бу қарашнинг маъносини тушуниб, «маъқул» дегандай бош ирғади.

Барчалари учун кутилмаганда Жалил қарияга савол берди:

— Ўзингиз нима учун ўтиргансиз?

Асадбек аччиқланиб, Жалилга қовоқ уюб қаради. Чувринди хижолатлик билан бошини эгди.

Қарияга эса бу савол малол келмади:

— Ҳар нарса мавриди билан, бўтам. Бу ерда ҳасрат дафтари ўқиш жоиз эмас.

Қария шундай деб ўрнидан турди. Жалил билан Чувринди унга эргашди. Асадбек ўрнидан жилмади. Унинг қолганига эътибор бермагандай, учовлон уй сари юрдилар.

Асадбек бу оннинг қандай кечишини кўп хаёл қилган эди. Дам қабрни қучоқлаб йиғлаган бўларди. Дам отасининг руҳи билан суҳбатлашарди. Онасининг тақдири, Самандарнинг ўлими, ўзининг саргузаштларини... гапириб берарди. Қария билан учрашув, унинг ҳикояси хаёлларини тўзитиб юборди. Ҳозир тўзонга айланган хаёлларига банди бўлиб, қабрга тикилганича нест ҳолида ўтирарди.

Қария уйига яқинлашгач, Козлов меҳмонларни олиб кетажagini маълум қилди. Қария унинг гапларини эшитиб, бош чайқади.

— Аввал уйга киринглар. Бир пиёладан чой ичинглар. Кеча бу йигитлар келишгандан бери йўлга кўз тикаман. Ошга уннаб қўйганман, ҳозир гуруч солсам, ошдан сўнг майли, сиз мезбонга ўхшайсиз, ихтиёр сизда. Унга қадар Асаджон бўтам ҳам бир нима дер-лар. Бугун у кишининг кўнгилларига қарамасак бўлмас.

Қария шундай деб меҳмонларни ичкари киришга ундади. Козлов «ҳозир бир жойга бориб келаман», деб йигитлари билан «Жигули»га ўтирди. Жалил олдинда, Чувринди унга эргашган тарзда торроқ даҳлиздан ўтиб, уйга кирдилар. Уй ичи саришта, озода эди. Тўрда энсиз каравот, ўртада думалоқ стол. Ортиқча ашёлар кўзга чалинмайди. Қария фотиҳа ўқиғач, ўрнидан турди-да, дастурхон ёйди. Токчадаги майиз, туршак, бодом, ёнғоқ солинган ликопчаларни олиб қўйди. Мўъжаз сандиқдан нон олиб, пичоқ билан кесди. Сўнг «дастурхонга марҳамат қилинлар», деб чиқди-да, дам ўтмай чойнақда чой кўтариб кирди.

— Сиз газда қайнаган чойга ўрганиб қолгансиз. Самоварчойни ҳам бир кўринглар-чи, — деди жилмайиб.

Чой ича туриб, қария Жалилга қаради:

— Бўтам, энди ҳалиги саволингизга жавоб берайин.

— Унчалик шарт эмас, — деди Жалил ўнғайсизланиб.

— Шарт эмас-ку, аммо қизиқ-да. Ўрисларнинг овлоқ бир маконида бу ўзбек чол қайдан пайдо бўлди деб ажабланасиз-да. Аслида-ку, бу жойлар кейиноқ ўрисники бўлган. Бу ерларда азалдан турк қавмлари яшаб келган. Бу ёғи Энасой, у ёғи Бойқўл, Ёқутистону Туман, Жета... Замонанинг зайли билан энди ўрисники бўлиб кетди-да. Мен асли марғилонликман, бўтам. Дадам раҳматли ҳофизи қуръон бўлганлар. Атлас тўқишда дадамга тенг келадигани бўлмаган. Йигирма тўққизинчи йили «Ҳамзахонни муллалар ўлдирди», деб илми борларни териб, қамашди. Дадам раҳматлини ҳам ўшанда олишган. Косибчилик қилиб рўзғор тебратаётган одам Марғилонда яшаса, Ҳамзахонни Шоҳимардонда ўлдиришган бўлишса... Шўроларга бир баҳонаи сабаб керак экан-да. Агар дадам ҳофизи қуръон бўлмаганларида биров тегмас эди. Асаджон бўтам билан тақдиримизнинг шу ери ўхшаш экан. Раҳматли дадамни бошқа кўрмадик. Мана шунақанги турмаларда азоб чекиб ўтгандирлар, дейман. Эсласам, ҳали ҳам юрагим ўртаниб-ўртаниб кетади. Кўп ўтмай бизни ҳам қулоқ қилдилар. Украинага тушдик. Шунисига ҳам шукр қилиб, деҳқончиликдан насибамизни териб еб юрувдик, уруш бошланса денг. Қисматимизда бу ҳам бор экан. Бақувват йигит эдим. Немис катталаридан бирининг назарига тушибман. Хизматкор керак экан, Олмонияга жўнатди. Онам, икки укам, синглим фарёд солиб қолаверишди. Уларни шу бўйи кўрмадим. Қамокдан чиққанимдан кейин ҳам кўп қидирдим, йўқ, топмадим. Немис нима учун менга харидор бўлиб қолди, десам, у урушдан олдин Туркияда юриб мусулмонларнинг озодалигига, тўғрилигига тан берган экан. Бирон ойлардан сўнг ўзи ҳам уйига қайтди. Хизматини ҳалол бажариб юравердим. Мен борган жой урушдан ҳоли экан. Урушнинг тамом бўлганини билмабман ҳам. Бир куни хўжайин: «Уруш тугади, истасанг уйингга қайт, истасанг бошқа хизмат қил, истасанг мен билан юр, Америкага кетяпман», деб қолди. «Америкада менга нима бор», деб уйга қайтмоқчи бўлдим. Марғилонга қайтиш қайда, тўппа-тўғри турмага тикдилар. Одам болалари шу даражада тўғри йўлдан тойганларки, фақат бир-бирларини алдаб яшайдилар. Ёлғон гап топилмай қолган дамдагина бир-икки рост гапиришга мажбур бўладилар. Шу сабабли бир-бирларига ишонмайдилар. Шу сабабли менга ҳам ишонмадилар. Ҳали у турмада, ҳали бу қамокхонада юриб, охириги маконим шу ер бўлди.

— Оқланганингиздан сўнг уйингизга қайтавермадингизми? — деб сўради Чувринди.

— Марғилонга қайтиб бордим. Пича яшадим. Уй-жойларимиз мусодара бўлиб кетган. Қариндош-уруғлар танимамайди. Танигани борди-келди қилгани кўрқади. Энди қоним қўшилмаслигини сездим. Яна денг, тушларимга шу ерда ётган биродарларим кираверишади. «Бизни ёлғиз қолдирдингми?» деб чирқирашади. Шу сабаб бўлиб бу ёққа қайтвордим-да. Аввал қишлоқда яшадим. Кейин шу уйчани кўрдим.

— Тирикчилик нима бўляпти, тирикчилик? — деб сўради Жалил.

— Тирикчиликми? Ерга эгилсангиз, бўтам, ер боқади. Бу томонларда ернинг ҳисоби йўқ. Истаганча деҳқончилик қилиш мумкин. Боғим бор, деҳқончилик қиламан. Оллоҳ насибамни бериб турибди, алҳамдулиллаҳ.

Қария шундай деб соатига қараб олди.

— Мен гуручни солаверай. Кейин шомни ўқиймиз, — деди Жалилга қараб, сўнг Чувриндига қаради: — Сиз бўтам, Асаджонни чақиринг.

Қария билан Чувринди чиқиб кетишгач, Жалил хонага кўз югуртирди. Каравотнинг оёқ томонига жойнамоз тахлаб қўйилибди. Бош томондаги токчада китоблар. Жалил ўрnidан туриб улардан бирини олди-да, варақлади. Араб ҳарфларига тиши ўтмагани учун ҳеч нимага тушунмади. Ўзича «Қуръон бўлса керак» деб тахмин қилди. «Бу одам катта муллага ўхшайди, мен аҳмоқ, унинг олдида жаноза ўқимоқчи бўлдим», деб ўзини ўзи койиди.

Бир оз фурсат ўтгач, қария кириб ундан сўради:

— Таҳоратингиз борми, бўтам?

— Йўқ, — деди Жалил. — Таяммум қилиб қўя қоламан.

— Нимага? — деб ажабланиди қария. — Сув бор-ку? Сув бўлса, сихатингиз кўтарса, таяммумга

йўл йўқ, бўтам..

Шомни ўқиб бўлишганда ҳам Асадбек қайтмади. Жалил бундан фойдаланиб йўлдаги баҳсни айтиб берди.

— Баҳслашмаганингиз дуруст бўлибди, бўтам, — деди қария. — Бунинг учун одамга илм керак. Бунинг учун Инжил билан Қуръони Каримни пухта билиш шарт. Уламолар ҳам бу масалада эҳтиёт бўлиб баҳсга киришадилар. Илм саёз бўлса, исломнинг афзаллигини кўрсатаман, деб акс иш қилиб қўйиш мумкин.

— Сиз билсангиз керак, — деди Жалил китобларга ишора қилиб.

— Менда илм йўқ, бўтам. Ўқиганларим етарли эмас. Бу соҳада менинг билганларим шуки, насронийлар Исо алайҳиссаломдан сўнг адаш йўлга кириб кетдилар. Инжилга ўзларича ўзгартишлар киритдилар. Исо Масихни Худонинг ўғли деб атадилар. Аммо, билингки, бўтам, шу гапларни айтиш билан баҳсни енгиб бўлмайди. Айниқса илмдан узоқ бир одамга гап ўқтириш мушкул.

Асадбек кириб уларнинг гаплари узилди. Қария шамчироқни ёқди. Козлов келгач, ош сузилди. Асадбекнинг томоғидан овқат ўтмади.

Козловнинг қишлоққа бориб ётиш ҳақидаги таклифини Асадбек рад этди.

— Мен шу кеч отам ёнида қолай. Жалил билан Маҳмуд сен билан бирга қайтишади, — деди у. Асадбекнинг аҳволини тушуниб туришгани учун баҳслашиб ўтиришмади. Козлов қарияни бир четга тортди-да:

— Асад бетоб, — деди. — Муюлишдаги машинада бир йигит ўтиради. Агар Асад беҳаловат бўлса, дарров хабар қилинг.

Асадбек қария билан отамлашарман, деб ўйлаган эди. Ёлғиз қолишгач, гаплашгиси келмади. Кўнгил ёлғизликни истади. Ташқарига чиқиб ёғочдан ясалган ўриндиққа ўтириб, қабристон томонга тикилди. Вужудидаги оғриқни ҳам, иситмаси кўтарилганини ҳам сезмади.

Ертасига қария билан хайрлашиб, Краснояр сари йўлга тушдилар. Шаҳарга кирмай, касалхона йўлига бурилдилар. Асадбек анча ҳолсизланиб қолгани учун ундан сўраб ўтирмадилар. Асадбек учун жой ҳозирланиб қўйилган эди. Уни қолдириб шаҳарга қайтишгач, Козлов:

— Асад камида бир ҳафта-ўн кун ётиши зарур экан. Шошилиш ишларинг бўлса, қайтаверинглар. Ўзим хабардор бўлиб тураман. Бу ер ишончли жой, — деди.

— Мен қоламан, — деди Чувринди қатъий оҳангда. — Сизларни ортиқ безовта қилмаслик учун меҳмонхонада тураман.

— Маҳмуд! Сен мени хафа қиляпсан. Агар Козловда битта ошиқча уй, битта ошиқча машина бўлмаса юрган экан-да, а?..

— Жалил ака, сиз-чи? Қайтасизми?

— Калланг борми, сен боланинг! — деди Жалил аччиқланиб. — Агар сенга халақит бераётган бўлсам, айтавер, меҳмонхонангга пулим етмаса вокзалда ҳам ётавераман. Қора нонга қорним тўяди.

— Унақа маънода айтмадим, Жалил ака, хафа бўлманг, — деди Чувринди хижолатлик билан. — Ишингиз зарурмикин...

— Ишим йўқ менинг. Менинг бунақа дўстим битта, билиб қўй. Сен бошқа хўжайин топишинг мумкин, мен бошқа дўст топа олмайман!

## XX 6 o 6

### 1

— Менга бу ишларинг ёқмаяпти, — деди Валя, кўзгу қаршисида ўзига оро бераётиб. — Хонгирей билиб қолса... албатта билади, мени жазолайди, сенга эса индамайди.

— Қўрқма, сенга ҳам индамайди.

— Олов билан ўйнашяпсан, Зеля.

— Оловнинг устида туғилганман, оловсиз туролмайман, — деди Зелихон кулиб.

— Шунинг учун ўзинг кўймай қоласан, бошқалар эса сен учун жизғанақ бўлишади.

— Қўрқма деяпман-ку.

— Яхши, қўрқмадим. Ҳозир йўлга чиқаман. Жамшид келмаса-чи? Аҳмоқ бўлиб қайтиб келавераманми?

— Нега аҳмоқ бўларкансан? Келмаса, иккаламиз ёрни айланамиз. Иштаҳа келиб қолса, балки ўпишармиз. Сен ҳеч ёрда ўпишганмисан?

— Йўқ, — деди Валя жеркиб. — Майнавозчилик қилма. Эслаб қол: ёрнинг учинчи бўлмасида кутасан. Икки йигит орқадан пойлайди.

Зелихон Валянинг чиндан ҳам аччиқланаётганини билиб, бошқа гапирмади.

Зелихон сайёҳларга қўшилиб, ёр ичкарасига олиб кириш учун мўлжалланган вагонга ўтирди-да, ҳар эҳтимолга қарши атрофга аланглади. Ўзини кузатаётган нигоҳни сезмагач, хотиржам бўлди. Ичкарига киргач, яна аланглади. Вагонлар маълум манзилга етгач, тўхтади. Сайёҳлар йўлбошловчининг ёр тарихи ҳақидаги ҳикоясини тинглаб, томошани бошладилар. Зелихон учинчи бўлмага қадар улар билан бирга юрди. Сўнг ёлғиз ўзи қолди.

Новоафон ёрининг учинчи бўлмаси бошқаларига қараганда кичикроқ ҳамда қоронғироқ эди.

Сумалакка ўхшаб қотиб турган рангли маъданлардан сув чакиллаб томарди. Зелихон соатига қаради: ўн беш дақиқадан сўнг Валя Жамшид билан учрашиши керак. То у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб ёрга киргунларича яна ўн беш дақиқа ўтар, демак, ярим соат кутиши лозим.

Зелихон атрофни синчиклаб кузатиб, пана жой мўлжаллади. Маъқул жой топилмагач, тўртинчи бўлмага чиқди-да, Валя билан Жамшид кўрингунича шу ерда кутишга қарор қилди.

Улар мўлжалдан аввалроқ кўринишди. Сайёҳлар учинчи бўлмадан чиқишгач, режа бўйича Валя Жамшидни бир баҳона билан ушлаб қолиши керак. Шунда Зелихон киради. Шунда Жамшид ҳайрат тузоғига тушади. Тузоқдаги қушнинг аҳволи эса маълум.

Учинчи бўлмага киргунларига қадар Жамшид Валянинг етагидаги гўл йигит кўринишида эди. Сайёҳлар чиқа бошлашгач, Валя маъданларнинг сифати ҳақида сўз очди. Жамшид эса унинг сўзларига қулоқ бермай, атрофга аланглади.

— Гапимни эшитмаяпсанми? — деди Валя нозли оҳангда.

— Ҳа, — деди Жамшид.

— Нега?

— Бу гапларни кўп эшитганман. Сен менга бошқа нарсани гапир: академик шу ерда кутиши керакмиди?

— Қайси академик?

— Билмайсанми? Ҳа, яхши, унда гапиравер, кутамиз, — Жамшид шундай деб бўлма оғзига орқасини қилиб туриб олди. Шарпа сезилганда ҳам қарамади.

Зелихон бўлмага аста кирди. Валя уни кўрди, кўзлари билан ишора қилди. Аммо Зелихон бу ишорани нимқоронғида сезмади. У Жамшидга яқин келиб, елкасидан ушлади:

— Жамшид!

Жамшид Зелихон ўйлаганидек сапчимасди, кескин ўгирилмасди. Ўгирилиб, ҳайратга ҳам тушмасди. Астагина ўгирилди-да, заҳарли жилмайиш билан Зелихонга тикилди.

— Академикнинг буйруғига биноан етиб келдим. Хизматларига тайёрман.

Зелихон «айтиб қўйдингми?» дегандай Валяга норози қиёфада боқди.

— Унга қараманг. Сизни кеча кўрганман. Сиз ўғирликда балки академикдирсиз, лекин бунақа ишларда мишиқи болага ўхшаркансиз. Шунча одамни овора қилганингизни қаранг. Мен сиз ўйлагандай нодон ёки лақма бўлсам, шунча йил Асадбекнинг қанотида юрармидим? Гап шу: хонимчангизга ҳам, орқадаги икки югурдагингизга ҳам жавоб беринг. Гапингиз бўлса, яккама-якка гаплашамиз.

Зелихон «чиқ» дегандай Валяга қаради. Валя истамайгина чиқиб, тўртинчи бўлмадаги

сайёҳларга қўшилди.

— Шу ерда гаплашамизми ё ёруғ жаҳонга чиқамизми? — деб сўради Жамшид.

— Ёруғ жаҳон ҳам гап эканми, — деди Зелихон, — нақ жаннатнинг киндигида отамлашамиз.

## 2

Улар тушган машина тоғнинг айланма йўллари бўйлаб юқорилади. «Глория» деб номланган қаҳвахона катта йўлдан четроқда, бегона кўзлардан панада бўлса-да, гавжум эди. Бу ер бошқа жойларга қараганда тинч, тўпланганлар тасодифий хўрандалар эмас, балки доимий мижозлар экани уларнинг бамайлихотир ўтирганларидан сезилар эди. Зелихон қамалмасидан илгари бу ерда тўрт-беш марта бўлган, ҳатто Хонгирей билан ҳам бирга келган эди. Орадан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай, капалакнусха галстукли, орқага таралган сочлари оқарган қаҳвахона оғаси уни таниб, иззат билан қаршилади-да, икки кишилик жойга бошлаб борди. Улардан ҳеч ким нима ичасиз, нима ейсиз, деб сўраб ўтирмади.

Жамшид атрофга кўз югуртирди: пастда денгиз ястаниб ётарди. Сарв қоматли арчалар шабадада аста чайқалади. Юқорида қорли чўққилар кўринади.

— Уч-тўрт чақирим нарида Сталиннинг дачаси бор, — деди Зелихон. — Хоҳласанг кўрсатишим мумкин. Хоҳлайсанми?

— Мен бунақа нарсаларга қизиқмайман, — деди Жамшид.

Хизмат қилиб юрувчи йигит биллур идишларда пиво келтириб қўйди.

— Дам олгани келдингизми? — деб сўради Жамшид, пиводан хўплаб.

— Шунақа десак ҳам бўлади.

— Ёлғиз келибсиз?

— Ким билан келишим керак эди?

— Масалан... Ҳофиз билан?

— Унинг ўзига яраша ташвишлари бор.

— Яна қанақа ташвиш? Ўчини олди. Кўнгли жойига тушди. Ё тушмадимми? Ҳа... энди мени ўлдиргиси келаётгандир. Биламан, мени ёмон кўради. Аммо айтиб қўйинг унга, мен Шилимшиқ эмасман, менга тиши ўтмайди.

— Сени ўлдирмайди, — Зелихон шундай деб заҳарли илжайди. — Битта одамни икки марта ўлдириб бўлмайди.

— Бу нима деганингиз?

— Элчин сени ўлдириб бўлган. Бунинг учун қайнотасидан тепки ҳам еган.

— Тушунмадим?

— Овсармисан, десам, эсли-ҳушли болага ўхшайсан.

Бу гапдан Жамшиднинг ғаши келиб қошларини чимирди.

— Мени кўпчилик келажакдаги Асадбек, дер эди. Эшитмаганмисиз?

— Эшитмаганман. Аммо қулоғимга «Жамшид — Ўқилоннинг сояси» деган гаплар чалинган.

Хўш, ўзингни овсарликка солмаётган бўлсанг айт-чи, мени ресторанда кўрибсан, маржанинг мақсадини англабсан, нимани кутдинг?

— Бир шумликни ўйлаганингизни сездим. Отарчи ҳам шу ердадир, деб ўйлабман.

— Шумликни мен эмас, акаларинг қилган. Сен ҳар ҳолда бу ерга ўйнагани келмагандирсан?

— Шунақа десак ҳам бўлади.

— Бу ер вақтинчалик қўниш жойи. Кейин қаёққа учасан?

— Қаёққа? Уйга-да.

— Уйга учолмайсан.

— Нега?

— Сени Ўқилон ўз ўғлидай яхши кўрармиди? Унга нима ёмонлик қилувдинг?

Жамшид Зелихоннинг ўткир нигоҳига дош беролмай, кўзларини олиб қочди.

— Гапларингга қараганда сен асосий ҳукми билмайсан, шекилли?



Бу гапни эшитиб, Жамшид Зелихонга ялт этиб қаради:

— Асосий ҳукм?

— Акаларинг сенга «уч-тўрт кун Бек акамнинг кўзларидан нари юра тур», дейишганга ўхшайди, а? Сени бу ёққа учириб, эртасига сени кўмишган. Тушунмадингми? Диққат билан эшит: Ўқилон сени қайси бир гуноҳинг учун ўлимга ҳукм қилган. Сенга меҳрибон бир, ёки икки, ёки уч одам сени бу ёққа жўнатиб, ўрнингга бошқа одамни худди Шилимшиққа ўхшатиб ўлдириб, ёқиб юбориб, кейин кўмишган. Сенинг ўлигингни Чувриндининг уйидан чиқаришган.

— Ёлғон!

— Сенга ёлғон гапиришдан менга фойда борми? Нима учундир Ўқилон қотилликда Элчинни айблади. Мен шунга ҳайронман. Сенинг ўлганинга мен ҳам ишонган эдим. Кеча кўриб, кўзларимга ишонмадим. Сени панага тортганимнинг сабаби ҳам шу. Сени деб Элчиннинг яна жабр тортишига йўл қўя олмайман.

Хизмат қилаётган йигит ёқимли ҳид таратаётган кабоб келтириб қўйди. Кабоб ҳиди иштаҳаларини қитиқласа ҳам таомга қарамадилар. Жамшид бир оз сукут сақлаб ўтиргач, ўрнидан турди.

— Ҳа, қаёққа? — деди Зелихон.

— Шу бугуноқ жўнайман.

— Шошилма. Аканг ҳали-бери ҳукмни ўзгартирмас. Сен аввал нима гуноҳ қилганингни аниқлаб ол.

— Гуноҳим йўқ.

— Лекин айрим одамлар орасида миш-мишлар юрибди. Сени кўмиб келишган куни Асадбекнинг қизи ўзини осган. Кейин боласи тушган... Балки у билан...

— Йўқ, — деди Жамшид кескин. — У менга сингил қатори эди. Бек акамнинг гумон қилишларига ўрин йўқ эди.

— Унда нимага?..

— Бу ёғига ишингиз бўлмасин.

— Яхши, ишим бўлмайди. Лекин билиб қўй, шилта ўйинларингга Элчинни аралаштирмаларинг. Элчин ёлғиз эмас. Мендан ташқари ҳам ҳимоя қиладиганлари бор. Булар олдида, — Зелихон атрофдагиларга ишора қилди. — Ўқилон чувалчангдай бир гап.

— Катта кетманг, ака, — деди Жамшид эшик томон юриб. У келган машинасида қайтди.

Зелихон эса қаҳвахона хўжайинининг хонасига кириб, телефон гўшагини кўтариб буюртма берди.

Ўн дақиқадан сўнг Элчиннинг телефони жиринглади. Зелихон Элчиннинг овозини эшитди-да, саломлашмасдан туриб дона-дона қилиб деди:

— Элчин, бир гапни айтаман, довдирама. Гапларимни қайтарма. Хотиржам эшитиб, трубкани ҳам жойига аста хотиржамлик билан қўй. Гап бундай: Жамшид тирик. У Сочида. Ҳозир бирга пиво ичдик. У ўзининг ўлганини билмайди. Сен ҳушёр бўл. Қолган гапни кейин айтаман.

### 3

Ешикни Валя очди. Зелихон унинг кўзларидаги хавотир учқунини сезиб, ичкари кириши хавфли эканини англади. Энди орқасига ўгириламани деганида биқинига ўткир тиғ тиралди. Зелихон уй бурчагида икки йигитнинг бежо туришига аҳамият берган, уларни Хонгирейнинг йигитлари деб ўйлаган эди.

У иложсиз бир аҳволда ичкарига қадам қўйди. Катта хонага кирди-ю, кўзларига ишонмади.

«Нима бало, ўликлар тирила бошлаганми?» деб ўйлади. Хона тўридаги юмшоқ ўриндикда талтайиб... Федя ўтирар эди. Жамшид масаласини аниқ билмас эди, ахир буни ўз қўли билан ўлдирган эди-ку?!

— Ҳа, Зеля, кўзларингга ишонмаяпсанми? — деди Федя ўрнидан туриб. — Мен ўша, ўзинг билган Бўриман. Нариги дунёда эдим. Қарасам, маишат зўр. Мен маишат қилиб юраверсаму

- академик дўстгинам ёруғ дунёда хор бўлиб юрса, инсофданми, деб у ердагиларни аврадим. Мени ёруғ дунё азобларига қайтаринглар, қоронғу дунё лаззатларидан академик дўстим ҳам баҳраманд бўлсин, девдим, кўнишди, паразитлар. Тўғри, уларга ҳам озгина харажат қилишга мажбур бўлдим. Сендай дўст учун мен ҳеч нимама ни аямайман, биласан-ку?
- Сен... қандай тирик қолдинг? — деди Зелихон, ҳайратдан ҳануз ўзига келолмай.
- Худо хоҳламади ўлишимни, — деди Федя тиржайиб.
- Худо-ку, хоҳларди-я... Федя, бир сафар тирик қолганинг билан, хоинлигинг кечирилмайди, биласан,а? Ментларга хизмат қилаётганинг учун теринг шилинади ҳали.
- Сен ўзингни ўйла. Сен академик эмассан, хомкалласан. Хонгирей ҳам аҳмоқ. Сени бунақа жойдан қидиришмайди, овлоқлардан излашади, деб ўйлаганидан кейин аҳмоқ-да. Сен пўстак, томиримга қорадоридан бошлаб урдим, деб қувондингми? Сенинг келишинг маълум эди. Энди сен шилта иш билан кетасан. Қайтмайдиган бўлиб кетасан.
- Сен тириксан-ку?
- Шерикларим ўлган.
- Булар... ментларми? — деди Зелихон орқадаги йигитларни кўрсатиб.
- Ишинг бўлмасин. Ўтир. Қоронғи тушгунча ўтирамыз. Кейин кетамиз.
- Қаёққа?
- Очиғини айтайми, Зея, сен умрингни яшаб бўлдинг. Сени қамашмайди, суд ҳам қилишмайди, ҳукм аниқ, ижро қилинса бас.
- Биз бир пайтлар дўст эдик, Федя?
- Бир пайтлар отанг онангга уйланган эди? Қани у? Дўстлигимиз ҳам шунақа. Сен мени ўлдирмоқчи эдинг. Ўшанда дўстлигимизни эсламадинг-ку?
- Ўзинг-чи? Ўзинг ҳам мени ўлдирмоқчи бўлмадингми? Хуллас, ошнам, ҳисоб-китобимиз тўғри.
- Йўқ, Зея, сенинг ҳисоб-китобинг ўтмайди бу ўйинда. Энди сен қойилмақом қилиб ўлишни ўйла.
- Отасанми, чопасанми ё қиймалайсанми?
- Ўзингга маъқулини танла, менга барибир. Сени қишлоғингдагилар кўмиб бўлишган. Энди биров сени қидирмайди.
- Унда мени... от. Бир ўқ билан тинчит.
- Яхши, отаман. Битта ўқ етса етди, бўлмаса сендан ўнта ўқни ҳам аямайман.
- Фақат... қишлоғим атрофида от. Чирисам ўша ерда чирий.
- Федя бу гапни эшитиб, баралла кулиб юборди.
- Вей, аҳмоқ, қаерда чиришингинг нима аҳамияти бор? Йўқ, мен сени узоққа судраб бора олмайман. Сен жон дўстим, чиришдан кўрқма. Чиришга улгурмайсан. Сени қийнамасликнинг чорасини кўриб қўйганман. Отамизу устингдан кислота қуямиз. Сенинг ўрнингга қишлоғингда Зелихон деб кўмилган аҳмоқ чирийверсин.
- Билиб қўй, сени Хонгирей тинч қўймайди.
- Хонгирейни кўндирадиган одамлар бор. Сен бу ёғидан хавотир олма. Хонгирей ҳам одам, у ҳам ҳисоб-китобли дунёда яшайди.
- Зелихон орқадаги йигитларга қараб қўйиб жилмайди.
- Нимага тиржайяпсан? — деди Федя.
- Шунақанги осонгина ўлиб кетаманми, деб ўйламовдим. Федя, сен билан менга осон. Вақти етса ўлиб кетаверамиз. Бу дунёда бир-икки кунлик ўйнашларимиздан бошқа ҳеч кимимиз йўқ. Ўлсак, биров ачиниб юрмайди ҳам.
- Сенинг ҳеч киминг йўқдир. Менинг эса онам бор.
- Онангми?.. Ўлганингни эшитиб онанг қувониб кетса керак.
- Шунақа дегин?.. Хотиржам бўл, онам ҳали-бери қувонмайди. Мен ҳали кўп яшайман. Бу дунё маишатларига ҳали тўйганим йўқ.
- Федя, сен менга номарднинг ишини қиялпсан. Ўлимим олдида сенга бир гап айтай, бу

йигитлар чиқиб туришсин. Қўрқма, қочиб кетмайман.

Федя бир оз ўйлангач, йигитларга «чиқинглар» деган маънода ишора қилди.

— Федя, — деди Зелихон, ёлғиз қолишгач. — Бир масалада келишиб олсак, ўзингга ёмон бўлмайди. Қамалишимдан илгари банкни ўмарганимни биласан-а? Айбни бўйнимга қўйишди, лекин пулни топа олишмади, буни ҳам биласан, а? Мен сенга ўхшаган киссавур эмасдим. Катта-катта топардим. Бу ҳам маълум сенга. Қишлоғимга нима учун келдим, буни биласанми? Йўқ, билмайсан. Мен ўғирликни йиғиштириб, тинчгина еб-ичиб ётмоқчи эдим. Бу пул менинг етти авлодимга етиб ортади. Менга насиб этмаганга ўхшайди. Мен шу пулни деб яшадим, энди мендан кейин чириб увол бўлмасин. Ярмига келишсак, қаердалигини айтаман.

— Ярмини нима қилмоқчисан?

— Ярминими?.. Бир дўстим бор, ўшанга олиб бориб берасан.

— Алдаётган бўлсанг-чи?

— Сени алдашдан фойда борми, менга? Кечгача ўйла, билиб қўй, сен бунча пулни умрингда кўрмагансан. Яна бир гап: кечгача бу ўтиришда сиқилиб ўлмайлик. Агар мендан чўчисанг, оёқларимни боғлаб қўй. Аммо йўлга чиққунча бир маишат қилайлик. Агар таклифимга кўнсанг, кечқурун йўлга чиқсак, эрталаб етиб оламиз. Агар инсоф қилсанг, маржанинг тўшагига кириб чиқишга рухсат берарсан.

Федя йигитларни чақириб Зелихонни стулга ўтқазди-да, оёқларини боғлатиб қўйди. Валя стол устига ароқ, колбаса, нон, пиёз, туз келтириб қўйиб, ётоғига кирди-да, эшикни занжирлаб олди.

Федянинг ўзини эркин тутиши, Валянинг булардан қўрқмаётганидан Зелихон билдики, бу ишларга Хонгирейнинг ижозати бор. «Хонгирейнинг нозик бир жойидан ушлашганга ўхшайди. Бўлмаса у мени осонликча бермас эди, — деб ўйлади Зелихон. Кейин бирдан фикри чарақлаб ёришди: — Э, ҳа, Хонгирей, азизим, менга яхшилик қиламан, деб ёмонликни раво кўрибсан-ку? Қишлоғида ўлиб кетмасин, беш-ўн кун Сочида яйраб олсин, дединг-ми? Бунинг учун ўз ўйнашингни қўшдингми, менга? Эҳ, Хонгирей, шу масалада чеченга ўхшаманг. Қишлоғимда ўлганим, одамга ўхшаб кўмилганим яхши эмасмиди?..»

Зелихоннинг муқобилида ўлим тўрлари ташланган қоронғи йўлакдан ўзга йўл йўқ. Истасанистаси ҳадемай ўлимнинг ширин сувини ичмоғи жоиз. Ўлим уни бағрига олмоққа шай. Фақат яна қанча соат ёки дақиқадан сўнг, қаерда олади — фақатгина шу масала ҳал этилса бас. Зелихон Фарғонада эканида ўлим билан юзма-юз келмоқ даҳшатини ҳис этган. Тўғри, ўзи айтганидай, ўлими ҳеч кимни ларзага солмайди. Агар Федянинг гапи рост бўлса, кислота билан куйдирилса, бу дунёда жасади ҳам, номи ҳам қолмайди. Чеченнинг бир авлоди томири билан узилиб, йўқ бўлади. Худо бу оилага биттадан ўғил бераётувди. Зелихонга буни ҳам раво кўрмади. Энди бу уруғ қуриди ҳисоб... Зелихон буни аввал ҳам кўп ўйлаган, оила қуришни режа қилган, аммо ўй ўйлигича, режа режалигича қолиб кетаверган. Агар шу келишида қишлоғида тинч-омон яшаб қолса, оила қурурмиди, Худо унга ҳам ўғил берармиди...

Зелихон маишат қилиш истагини билдирган бўлса-да, томоғидан ҳеч нарса ўтмади.

«Насибамни еб-ичиб бўлганман, шекилли?» деб ўйлади у. Шу аснода сўнгги луқмани юта олмай жон бераётган бобоси кўз олдига келди.

Федя катта қадахни тўлдириб икки-уч кўтаришда бўшатди. У топшириқни қаерда, қачон, қай ҳолда бажариш хусусида аниқ кўрсатмага эга бўлса-да, Зелихоннинг таклифи уни икки йўл қаршисига келтириб қўйган эди. Ҳар қандай одамнинг фикрини ўғирлаш жозибасига эга бўлган пул Федянинг нозик қитиқ патларини ўйнай бошлаган эди. Умри фақат пул ўмариш дарди билан ўтаётган одам катта бойлик ҳақидаги хабарга эътиборсиз қараши мумкинми? Пул, бойлик — гўзал бир санамки, унинг тўшагида ором олмагунча кўнгил тинчлик бермайди. Пул, бойлик — ўргимчак тўри кабики, киши кўзи очиқ ҳолатда бу тўрни кўради, оқибатда бу тўр азобга гирифтор қилажагини билади, билса-да, йўлдан қайтмайди, тўр ортидаги гўзал санамдан ҳеч бўлмаса биттагина ўпич олиш илинжида тинчимайди.

Федя ҳозир тинчини йўқотди. «Алдаётган бўлса-чи?» деган саволга «алдаса ҳам ўлади, алдамаса ҳам ўлади. Сочида отдим нима-ю, қишлоғида отдим нима?» деб ўзига тасалли берди. Федя қистайверганидан кейин Зелихон ҳам ичди. Вужуди қизиби, ўлим васвасасидан узоқлаша бошлагандай бўлди. Шунда рўпарасидаги зулумот йўлагиди бир чироқ йилт этгандай бўлди. «Паноҳ бор,— деди у ўзига ўзи.— Хонгирей сақлай олмаса, сақлайдиган одамлар топилади. Одам топилмаганда ҳам, мен сўлаги оқиб юрган ношуд бола эмасман-ку!»

Федянинг марҳамати билан Зелихон Валянинг ётоғига кириб чиққач, йўлга отландилар. Туни билан йўл юриб, тонготарда манзилга яқинлашдилар. Юқорига ўрлаган тоғ йўлида Зелихон сергакланди. У орқа ўриндиқда, икки йигит ўртасида, Федя эса ҳайдовчининг ёнида ўтирарди. Йигитлар ҳам, Федя ҳам мудрашарди. Зелихон ҳайдовчини ҳам уйқу элтаётганини сезди. Машина тик жарлик ёқасидан ўтаётганида Зелихон таваккал қилди: қаддини кўтариб рулга ёпишди-да, машинани жарлик сари бурди.

У тасодиф билан тирик қоларман, деб фикр қилган эди. Тасодиф юз бермади. Аммо Худонинг унга раҳми келди — жасади кислота билан куйдирилмай, ота юрти тупроғига қўйилди. Фақат насли насаби номаълум одам сифатида дафн этилди...

## XXI 6 0 6

### 1

Онаси унга: «Умид билан яшагин, қизим, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деб қайта-қайта уқтирди. Зайнаб онасини ранжитмаслик учун «хўп» деб қўя қолади. «Нимага умид қилай, нима яхши бўлиб кетади?» деб ўзига ўзи қайта-қайта савол беради. «Менинг умидларим аллақачон жон берган, кўмилган. Ёки ҳаётда бир умид ўлгач, бошқаси туғилиши мумкинми? Юрак шунақа бевафоми? Ўзи йиллаб ардоқлаб келган бир умидни бўғиб, бошқасига жой бераверадими? Мен энди нимага умид қилай? Яна ҳомиладор бўлишни, туғишни... бола ўстиришними? Ҳаёт шундангина иборатми? Туғиласан... туғасан... ўласан...»

Зайнаб ёлғиз қолган кезлари кўпинча шуларни ўйларди.

У тўлин ой ва осмон сингари топишмоқни истаган эди. Энди осмони тўлин ойсиз тунд бўлиб қолган дамда нимага умид қилсин? Бу осмонга янги ой чиқишигами? Бу осмонга янги ой ярашарми экан?

Зайнаб онасигагина ачинарди. Ўлмайд қолганини ҳам онасининг бахтидан деб биларди. «Худо онамни авайлаб, мени у учунгина сақлаб қолди», деб ўйларди. Кейинги ювошлиги, мўъминлиги ҳам онаси туфайли эди. Онаси айтгани учун, оёғи тортмаса-да, Элчинга қўшилиб келди. Орадан кунлар ўтар, Элчин гўё Зайнабнинг ўша гапини унутгандай, йўқ, худди эшитмагандай эди. На бир ҳаракатида, на бир гапида ўша воқеага ишора қилди. Бу Элчин учун осон эмасди. Ўша гап унинг юрагидан тош бўлиб жой олган, бу тошни эритиш эса мушкул эди. Зайнабнинг нима сабабдан шундай деганини англаш учун кўп ўйларди. «Балки хиёнат қилгандир, лекин буни айтишдан мақсади нима?» деган саволга жавоб топиш учун хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқарди.

Елчин ҳадеб уйда ўтирмаслик учун маданият уйига ишга кирди. Мусиқа тўғарагига номигагина раҳбар эди, аслида тўйма-тўй юрувчи гуруҳи билан шуғулланарди. Шарт шу эдики, маданият уйи бирон тадбир ўтказса, улар ҳаваскор ишчилар сифатида иштирок этиб беришарди. У Зайнаб ўзига келиб олсин, деган фикрда бўш кунлари ҳам «ишга кетяпман», деб уйдан чиқиб кетарди. Унинг навбатдаги янглишиши ҳам айнан шу эди.

Зайнаб учун ёлғизлик азоб саҳросида сарсари тентираш каби эди. Гарчи Элчин билан бўлганида юраги эзилиб турса-да, унинг кўчага чиқишини истамай қолган, аммо «мен билан уйда ўтиринг», дейишга тили бормас эди. Фақатгина Мардона келадиган кунигина Элчиннинг чиқиб кетишини хоҳларди. Фақат Мардонагина унга лаззат олиб келарди. Мардона келишидан

бир кун аввал унинг вужуди зирқирай бошларди. Ҳамшира келиб, эмлагач, оғриқ таққа тўхтар, юрагидан ғубор ҳам кўтариларди. Мардондан қизиқ-қизиқ хангомаларни эшитиб, мириқиб куларди.

Елчин Мардонани дастлаб кўрганидаёқ ёқтирмай қолган эди. Ўрни келса айтаман, деб юрган кезлари уйга кийимини алмаштиргани кирди-ю, Зайнабнинг шодон кулгисини эшитди. Бу кулги Элчин учун тансиқ эди. Шу боис ҳамширанинг келишига монелик қилиш фикридан қайтди. Бу унинг яна бир навбатдаги янглишиши эди.

Мардона энди келишида эмлаб бўлганидан сўнг, Зайнабнинг баҳри-дили очилган дамда сумкасидан видеокассета чиқарди.

— Бир танишимникига кирувдим, зўр кино деб берди. Бирга кўрмаймизми, қанақа бало экан? — деди у. Зайнабга бу таклиф маъқул келди. Чунки уйдаги кассеталарни уч-тўрт мартадан кўриб бўлган эди.

Бир неча дақиқадаёқ филмнинг «қанақа бало» экани маълум бўлди. Мардона тўхтатармикин, деган маънода Зайнабга ўғринча қараб қўйди. Дори таъсиридан ақлига қулф урилган, лаззат булоғида чўмилаётган жувон телевизорни ўчирмади. Мардона ҳар эҳтимолга қарши:

— Вой ўлайин, вой шарманда! — деб қўйди.

Зайнаб унга қараб бир кулимсиради-ю, яна томоша билан овора бўлди.

Номи «чет эл бадийи филми» бўлган бу томошада киши ақли билан ўйлаб топиш мушкул бўлган беҳаёлик, шармандаликнинг беадад турлари мавжуд эди. Филм ўрталаганда Мардона Зайнабга яқин сурилди. Аввал елкасига ўнг қўлини ташлаб ўзига тортди. Сўнг чап қўли билан кўкрагини ушлади. Зайнаб бир силтанди-ю, кейин дугонасининг қилиғи ёқиб, қаршилиқ билдирмади.

Бу ҳолва эди.

Бундан бешбаттари филмдан сўнг бўлди.

## 2

— Эрингиз тўйдами? — деб сўради Мардона.

— Ҳа, — деди Зайнаб энтикиб.

— Бир жойга бормаймизми?

— Қаёққа?

— Сўраманг. Эрингиз маишат қилганида сиз ҳам бир айшингизни сурсангиз, осмон узилиб ерга тушмас.

— Йўк, шу ерда ўтираверайлик.

— Мен сизга ёмонликни раво кўраманми? Хоҳламасангиз ўтираверинг, мен кетдим. Ўзим бораман. Буни кўрганимдан кейин жойимда ёта олмайман.

Зайнаб ўйланиб қолди. Аммо бу ўй ақлга урилган қулф зулфини буза олмади. Итоаткорлик билан ўрнидан туриб, кийимини ўзгартирди. У ҳозир чўпон етовидаги қўй ҳолига кирган эди.

Унинг кўнгли ниманидир тусарди, у нимагадир етишмоқни истарди. Ўша «нимадир» унинг хаёлини ўғирлаган, фикрлаш йўлларини тамом тўсиб ташлаган эди. Ўша «нимадир» томирида қонни гупиртириб оқаётган қорадори эканини, кўрган томошалари эса руҳини лойқалатиб ташлаганини ҳозир идрок эта олмас эди.

Улар катта кўчага чиқишиб, йўловчи машинани тўхтатишди. Машинада Мардона унинг белидан маҳкам қучиб борди. Мардона айтган кўчага бурилгач, ҳайдовчи «қаёққа юрай?» деб сўради.

— Ҳаммом олдида тўхтатинг, — деди Мардона амр оҳангида.

Машина тўхтаб, Зайнаб тушгач, Мардона ҳайдовчига:

— Ярим соатча пойлаб тура оласизми? — деди.

— Пулига чидасангиз, эрталабгача ҳам туравераман, — деди ҳайдовчи.

— Қойилман, ўғил бола! — деди Мардона.

— Закалат ташлаб кетинг, — деди ҳайдовчи.

Мардона сумкасидан пул олиб унга узатди:

— Сиздақа ўғил бола керак менга, кейин гаплашиб оламиз. — Мардона шундай деб бир кўзини қисиб қўйди.

Улар ҳаммомнинг ҳовузли бўлмасига кирдилар. Мардона патта ҳам олмади. Бировдан «кирсак бўладими, бўшми?» деб сўраб ҳам ўтирмади. Ўз уйида юргандай тўғри кириб борди. Зайнаб «қанақа жой бу ўзи?» дегандай атрофга бир аланглади. Одамларнинг эътиборсиз турганини кўриб, индамай дугонасига эргашди.

Ичкари кириб, эшик зулфини солгач, Мардона стол устида ёпиғлиқ оқ дастурхонни йиғди. Зайнаб тайёрлаб қўйилган емак-ичмакни кўриб ажабланди. Мардона эса пивони шартта очиб икки пиёлага қўйди-да, манзират қилиб ўтирмай, ичиб юборди. Сўнг:

— Бу ерда пиво яхши кетади,— деб лабини ялади.

Ечиниб, иссиқхонада ўтирдилар. Бу ерда ҳам Мардона уйдаги қилиғини қилди. Бу сафар унинг ҳаракатлари аввалгидай хуш ёқаётган бўлмаса-да, Зайнаб қаршилиқ кўрсатмади. Сўнг ҳовуз лабига боришди. Бу ерда ҳам Мардона унинг оқ баданини эҳтирос билан силаб, кутилмаганда сувга итариб юборди. Кейин қийқириб кулганича ўзини ҳовузга отди. Икки дугона анча вақтгача қийқириб, бир-бирларига сув сепиб ўйин қилдилар. Сувдан чиқишгач, Мардона Зайнабнинг елкаларини силаб:

— Бунга қара, кумушдек товланиб кетдинг. Бундай бадан катта отарчига хайф...— деди.

Иссиқхонадан сўнг салқинроқ сувга тушиб, руҳидаги лойқа тина бошлаган Зайнаб бу гапни эшитиб, енгил сесканди.

«Кумушдек... товланиб кетдинг...»

Мардона бу гапни айтганда Кумушбибини назарда тутмаган бўлса-да, Зайнабнинг кўз олдида ўзи севган, йиллар бўйи қалбининг тўрида ардоқлаб-асраган мўъмина аёл гавдаланди. Шу аснода ақлини банди этиб турган қулф бузилиб, нималар қилганини идрок эта бошлади. Идрок этгани сайин ўзидан ўзи нафратланаверди. Мардона ундаги ўзгаришни сезиб:

— Ҳм, ўртоқжон, нима бўлди? — деб сўради.

— Иссиқ ёқмади шекилли,— деди Зайнаб бир оз довдираган ҳолда.— Мен чиқиб тура қолай.

— Майли, мен яна бир шўнғиб чиқаман,— Мардона шундай деб яна пиводан симириб, ўзини сувга отди.

Зайнаб тез-тез кийиниб, ташқарига чиқди. Нима қиларини билмай довдираб турганида машина сигнали чалиниб, ҳайдовчининг:

— Мен бу ердан,— деган овозини эшитди.

Зайнаб аввалига «сен кимсан?» дегандай унга ажабланиб қаради. Сўнг бу ерга шу машинада келганини эслаб, тез-тез юриб бориб, ўтирди-да, «кетдик», деди.

— Опохонимиз-чи? — деди ҳайдовчи.

— Уни қайтиб келиб, олиб кетасиз.

— Пулига чидасалар бўлди. Қайтиб кел, десалар қайтиб келавераман. Қаёққа қараб ҳайдай?

Зайнаб уйига қайтса, Мардона изма-из етиб келишидан хавотирланиб, ота ҳовлисига бормоқни ихтиёр этди.

### 3

Мардона эртасига қўнғироқ қилди.

— Ҳа, ўртоқжон, нима бўлди? — деди у ўпкаланиб.

Зайнаб унинг овозини эшитди-ю, юраги ҳаприқиб, юзлари қизариб кетди.

— Сал мазам қочди,— деди у совуқроқ гапиришга ҳаракат қилиб. У кечаги воқеадан сўнг Мардонани кўришни истамай қолган эди. Мардона унинг муомаласидаги совуқликни сезса-да, қувноқ оҳангда давом этди:

— Шундай зўр маишатдан қуруқ қолдингиз. Майиздек бўлиб борардик. Отаси ўпмаган йигитларни кўрардингиз. Сиз учун бугун бошқатдан ташкил қиламиз.

— Йўқ, йўқ,— деди Зайнаб.— Керакмас. Мени бунақа ишларга... бошланг. Умуман... энди бизни келманг.

— Кассетамни олгани борсам-чи?

— Кассета?.. Мен уни мажақлаб, ахлатга ташлаб юбордим.

— Шундай жонон нарсани-я! — Мардона кулди. Зайнаб гўшакни қулоғидан узди. Аммо жойига қўймади.

— Ўртоқжон, эшитяпсизми? Майли, келма, десангиз бормайман. Лекин уч кундан кейин менсиз туролмай қоласиз. Мени ўзингиз чақирасиз.

Бу гапни эшитиб Зайнаб ажабланди-да, гўшакни қулоғига олиб борди:

— Уч кундан кейин? Нимага?

— Уч кундан кейин дорини қўмсайсиз.

— Қанақа дорини?

— Ўшанда биласиз. Мен гиначи эмасман. Телефон қилсангиз, етиб бораман. Тортинмай чақираверинг.

Бу гапдан кейин Мардоннинг нима демоқчи эканини англагандай бўлиб, Зайнаб қўрққанидан титраб кетди. Билагидаги игна изларига қаради. «Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас», деб ўзига ўзи тасалли берди. Лекин унинг бу тасаллиси ўлиб ўлаёлмай, тузалиб тузалаёлмаётган бемор каби эди. У энди ана шу ўлим тўшагидаги тасалли билан куч йиғаетган навқирон гумонга асира бўлди.

«Ҳали ҳаммомдан чиққач, яна бир шармандаликка бошлаб борар экан-да?! Мақсади нима унинг? Наҳот мени шундай шармандалик кўчасидан қайтмас жувон деб ўйласа? Наҳот мени бузуқ деб ўйласа?! Ўзи-чи? Ўзи шу қадар бузуқми? Мен шу бузуқ билан апоқ-чапоқ бўлдимми? Ҳатто опа-сингил тутинишни фикрладимми? У менинг кимлигимни билади-ку? Наҳот бу шаҳарда Асадбекдан чўчимайдиган бир бузуқ топилса?» Зайнаб шуларни ўйлаб, отасига айтмоқни ҳам фикр қилди. Бироқ, отасининг қаҳридан қўрқди. Яна арқонни пича узун ташламоқни, Мардона билан якка ўзи олишиб кўрмоқни лозим топди. «Шундай бир шилта билан олишиб енга олмасам, мен Асадбекнинг қизи эмасман!» деб қўйди. Шундай деб катта кетган бўлса-да, Мардона айтган уч куннинг ўтишини хавотир билан кутди. Тасалли билан гумоннинг ҳаёт-мамот жанги шу уч кун бадалида ҳал бўлиши керак...

Учинчи кунга ўтар кечаси уйқусининг тайини бўлмади. Энди кўзи илинганида босинқираб уйғониб кетаверди. Бир маҳал қаттиқроқ бақириб юбориб, Элчинни ҳам уйғотди. «Нима гап, тинчликми?» деган саволга «босинқирабман», деб қисқа жавоб бера қолди. Элчин чарчаб келгани сабабли хотинининг ҳолатига эътибор бермай яна уйқуга кетди.

Асад ойининг ўн беши. Кундузи қуёш тафтидан ҳориган осмонга тўлин ой ҳукм ўтказди. Зайнаб босинқираб уйғонганида Ой дераза рўпарасига келиб, ҳобгоҳни нурга белаё бошлаган эди. Зайнаб чалқанча ётиб, Ойга тикилди. «Ой қачондир бир гуноҳ қилиб юзи шармандалиқдан доғ бўлган экан. Неча минг, балки миллион йилдан бери бу доғни кеткиза олмайди. Балки Ой одамлардан уялгани учун ҳам фақат кечаси чиқар? Мен-чи? Бир қадам қолган экан-а... Мени Кумушбибининг руҳи сақлаб қолдимми? Шундайдир. Балки деразадан тушаётган нур Ойники эмас, Кумушбиби руҳининг нуридир? Қани эди шундай бўлса. Қани эди, Кумушбибининг руҳи ўзимни, уйимни садоқат, поклик нури билан ўраб, ҳимоя қилса. Қани эди. Отабек бегимнинг руҳи эримнинг юрагига муҳаббат оташини берса... Отабек бир туғилиб қолган экан. Энди Отабеклар йўқ. Кумушбибининг заҳарланиб ўлгани бир жиҳатдан дуруст бўлган экан. Агар дунё айланиб ҳозир туғилсамиди... Ҳозир туғилса Кумушбиби бўла олмасди. Ўзи айтмоқчи, Тупроқбиби бўларми эди... Худди менга ўхшаб... Мен Тупроқбиби эмасманми ахир?..» Шу каби хаёллар оқимига берилган Зайнаб яна мудради. Сал ўтмай яна уйғонди. Шу тарзда хавотирланиб кутгани учинчи кунга етди. Аммо хавотири ўринсиз чиқди. Вужудида ўзгариш сезмади. Мардонани лаънатлади. Кўнглига севинч офтоби мўралади. Лекин бу севинч нури қора булутлар чокидан аста қараб қўйган офтоб мисоли алдамчи эди.

Кун аср вақтидан ўтганида ҳовли қизиб, ўтириб бўлмайдиган даражага етди. Зайнаб ичкари кириб салқин хонадаги ўриндиққа ёнбошлаб, телевизорни ёқди. Кексароқ бир бахши дўмбира чертиб дoston айтарди. Зайнаб бахшиларнинг овозини хириллатиб айтишларини ёқтирмас эди. Шу туфайли телевизорни бошқа каналга олмоқчи бўлди. Бироқ, бахшининг тилидан учган байт уни тўхтатди:

*Хазон бўлган боғда гул сўлармикан,  
Сўлган гулга булбул кеп қўнармикан...*

«Ақлли гап экан,— деб ўйлади у.— «Сўлган гулга булбул кеп қўнармикан...» Худди мен ҳақимда айтилганга ўхшайди.»

Бахши «Барчин» исмини тилга олгач, «Алпомиш» дostonи айтилаётганини фаҳмлаб, диққат бериб тинглади.

«...Лочин қўнган тўшимга қарғани қўндирмайман...»

Барчин тилидан айтилган бу гап Зайнабни ларзага солди. Салқин уйда ҳаво етишмагандай туюлиб, ташқарига чиқди. Юзига иссиқлик сели урилиб, янада лоҳас бўлиб, изига қайтди. Бахши дўмбирани шитоб билан чертиб, дoston айтарди.

«...Лочин қўнган тўшимга қарғани қўндирмайман...»

«Лочин ким? Эримми? Йў-ўқ... у лочин бўла олмайди. Бу тўшга лочин қўнмай ўтди. Қарға қўнди...»

Зайнаб Жамшидни эслаб, юраги эзилди. Юрак тўлғоғини кутиб тургандай вужуди ҳам зириллай бошлади. Зайнаб асабини тинчлантириш учун хапдори ичиб ётди. Вужуди бир оз ором топгандай бўлди. Бахтига эри бугун тўйга кетмади. Бирга овқатланиб, сўнг гаплашиб ўтиришди. Зайнаб сабоқдош толиба дугоналарини соғинганини, меҳмонга чорлаш нияти борлигини айтди. Элчин бу фикрни маъқуллаб, «қўлбола ош биздан», деб қўнглини кўтарди. Мардона айтган ҳолат ярим тунда тўсатдан бошланди. Зайнаб безгак тутгандай титрарди. Қўнгли айниб ўқчирди. Элчин қайнонасини безовта қилгиси келмай, «тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Табиб келиб, лозим текширувини ўтказгач, бир билакдаги игна изларига, бир Элчинга қараб елка қисди. Элчин унинг нима демоқчи эканини англаб, бош чайқади-да:

— Яқинда касалхонадан чиқди. Ҳамшира келиб эмлаб турибди,— деди.

— Қанақа дори, кўришим мумкинми?

— Ҳамшира дорини ўзи олиб келади,— деди Зайнаб инграб.

— Эмлаганидан кейин енгил тортармидингиз?

— Ҳа.

— Нима экан у? — табиб ўйланиб, гарданини қашиди.— Агар истасангиз касалхонага олиб кетай?

— Дўхтир, бу Асадбекнинг қизи,— деди Элчин, унинг қулоғига шивирлаб.

— Мен учун бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Мен касал кўргани келган одамман,— у шундай деб қутисини кавлаштириб дориларни танлагач, Зайнабни эмлади-да, кетишга ҳозирланди.— Тинчлантирадиган дори бердим. Ҳозир ухлайди.

Элчин уни кўчага қадар кузатиб чиқди.

— Мен сизни танидим,— деди табиб, хайрлашиш учун қўл узатиб.— Менга шунинг ўзи кифоя эди. Асадбекни эслатиб, ўзингизни пастга урдингиз. Дард «бу Асадбекнинг қизими?» деб суриштирмабди-ку, тўғрими? Нима учун шифо суриштириши керак экан? Паст кетманг, ҳофиз оғайни, сира паст кетманг.

Элчин мулзам бўлиб қолаверди. Уйга қайтиб кирганида Зайнабнинг титроғи анча камайган, нафас олиши ҳам мўътадиллашган эди. Элчин унинг устидаги чойшабни тортиб, тўғрилаган бўлди-да, ўзи диванга ёнбошлади.

Зайнаб уйғонганида вужудини нимадир босиб тургандай ҳис этди. Тунги безгак хуружи



чекингани учун оғирликка парво қилмасликка тиришиб, ўрнидан турди-да, чой қўйди, нонушта тайёрлади. Элчин хотинининг ҳаракатларига қараб «анча тузук», деб ўйласа-да, барибир сўради:

— Ойингни чақирайми?

— Ўзим чақираман. Йўқ, уйга бориб келақоламан.

— Унда олиб бориб қўяман.

— Йўқ, кетаверинг, бирпасдан кейин бораман.

— Сени дорилар ҳам қийнаб қўйди чамамда. Баъзи дардларни баданнинг ўзи ҳам енгиб ташлайди. Ҳадеб дори ичиб қийнаш керакмасдир.

— Тўғри айтасиз, Мардонага бошқа келманг, деганман.

— Дугона сифатида келавериши мумкин.

— Йўқ, йўқ, у менга қанақасига дугона бўлсин. Шунчаки... ҳамшира.

Зайнаб эзгин кайфиятда бўлгани сабабли Элчин гапини калта қила қолди. Ишга отлана туриб:

— Бугун раёнда контсертларимиз бор. Ойингникига борсанг, ётиб қолавер. Эрталаб ўзим хабар оламан,— деди.

Зайнаб итоаткорлик билан «хўп» деди. Эри кетгач, уйни йиғиштириб, онасиникига отланаётганида яна безгак титроғи хуруж қилди. Бу сафар оёқ-қўли акашак бўлиб қолди. Бу ҳолатидан ўзи ҳам қўрқиб кетди. «Енди ўламан шекилли?» деб ўйлади. Бу ўй уни ҳоли қолдирмай туриб, хаёлига Мардона келди. Азоб исканжасидаги Зайнабга Мардона нажот фариштаси каби кўринди. Унинг кўз олдида шилта қилиқлар қилаётган жувон эмас, жилмайиб турган бокира қиз сифатида кўринди. У безгак титроғига ортиқ дош беролмай, телефон рақамини терди. Мардонанинг овозини эшитиб, асроил жонини қайтиб бергандай суюнди.

— Тез келинг, келмасангиз ўламан,— деди титроқ овозда.

— Сабр қилинг, жоним, ҳозироқ етиб бораман,— деди Мардона.

Чиндан ҳам у тез етиб келди. У кирганида Зайнаб уй бурчагида ғужанак бўлиб олган, бир нимадан қўрққандай титрарди. Мардона уни қўлидан ушлаб турфазиб, сўнг диванга ётқизди.

Зайнаб унга мўлтиллаб қаради.

— Ёнимда дори йўқ,— деди Мардона совуқ оҳангда.

— Нимага? — деди Зайнаб.

— Дори берадиган одам «ўзини олиб кел», деди.

Зайнаб аввалига бу гапнинг мазмунини англамади. Тушунгач, кўзларини катта-катта очиб:

— Менга бераётганингиз қорадоримиди? — деб сўради.

— Нима деб ўйловдингиз? — деди Мардона кулиб.— Эмлагандан кейин мацца қилардингиз-ку?

— Шундай деб Зайнабнинг кўкрагига қўл юборди.

Зайнаб ўзида қандайдир куч топиб, бу қўлни уриб юборди-да, ўрнидан турди:

— Ҳайвон! Фоҳиша! Йўқол! — деб бақирди.

Мардона заҳарли жилмайди.

— Бетаҳорат бенамозни бўйнига қўйган экан. Мен ўз хоҳишим билан келмадим. Сиз чақирдингиз, ҳайдасангиз кетаман. Аммо кейин ялинсангиз ҳам қайтмайман. Ўйлаб кўринг, кўчада машина кутяпти. Бир неча лаҳзада етамиз. Оғриқлардан қутуласиз. Роҳатланасиз. Роҳат ўрнига азобни яхши кўрсангиз, нима дердим, мен кетдим...

Зайнаб Мардона дарвозага етгунига қадар чидади. Сўнг оғриққа ортиқ бардош бера олмай бақирди:

— Тўхтанг!

Мардона дарвоза остонасида тўхтади. Зайнаб эса бузуқлик остонасида ўзини тўхтата олмади.

Унинг остона ҳатлаши Асадбекнинг Красноярда касалхонага ётган кунига тўғри келди.

## XXII 6 о 6

### 1

Машина ўрнидан жилганида биқинига икки мушт тушгач, Анвар ўзини у ёқ-бу ёққа уришнинг фойдаси йўқлигини, ҳақиқат талаб қилса яна мушт эмоғи мумкинлигини фаҳмлаб, тинчиди. Унинг ғазабдан ёнаётганини тез-тез нафас олишигина ошкор этиб турарди.

Машинадан тушиб ўзини нотаниш жиннихонада кўрди-ю, ҳайратланди. Қабристон яқинида жиннихона машинаси кутиб турганидан у ажабланмаган эди. Ғазаб оташида ёнаётган бўлса-да, бу ишни Холидий усталик билан уюштирганини тушунган эди. «Яна эски тос, эски ҳаммом», деган фикрда ўзини аввалги жиннихонада кўрарман, девди. Бошқа жиннихона унинг учун кутилмаган зарба бўлди.

— Нимага мени бу жиннихонага олиб келдинглар?— деб сўради у, етаклаб келаётган йигитдан.

— Сенга атаб қурилаётгани ҳали битмабди,— деди йигит дўнғиллаб.

— Мен тўғрилиқча сўраяпман.

— Мен қийшайтириброқ айтяпман.

— Одам эмас экансан.

— Ҳалиги мушт камлик қилдимми?

Анвар унинг башарасига бир қараб олиб «Турқи совуқ одамдан илиқ гап чиқармиди», деб қўйди.

Тиббий текширув наридани бери ўтказилди-да, икки ошёнли иморатнинг биринчи қаватидаги тўрт киши ётишига мўлжалланган хонага бошлаб келишди. Дераза ёнидаги каравотдан тик туриб олиб ўнг қўлини олға чўзган бемор Анвар кириб келиши билан унга қараб хитоб қилди:

— Яшасин, совет жиннилари, ура! — Шундай дегач, у қувониб чапак чалди-да, индамай турган Анварга ўшқирди: — Сен нима учун олқишламаяпсан? Сен совет жинниларига қаршимисан? Ҳа, ҳа, сен жинни душманисан! — У шундай деб бармоғини бигиз қилганича каравотидан тушаётган эди, Анварни кузатиб келган йигит унга қараб бақирди:

— Жойингга қайт, қимирлама! Бу ҳам ўзингдан, душман эмас. Фиринг десанг, ейсан!

Хитобчи барвасти муштни кўргач, нафаси қайтди. У, гарчи эси оғиб қолган бўлса-да, муштнинг қадрини билар эди.

Хонадаги яна икки бемор индамаслар тоифасидан экан. Кузатувчи чиқиб кетгач, хитобчи яна Анварга қаради:

— Мен билан коммунизмга бормайсанми?

«Битта арбоб, иккита индамас жинни ҳамкорлигида яна қаёққа бориш мумкин?» деб ўйлади Анвар. Саволга жавоб бергудай бўлса бу «арбоб»дан қутула олмаслигини билиб, ўзини индамаслар сафига қўшишни маъқул кўрди. «Арбоб» бир-икки саволига жавоб ололмагач, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди.

Кечки овқатдан сўнг дори-дармонларни қабул қилишгач, ҳамхоналари одобли болалар каби ётиб, уйқуга кетишди. Анвар ҳам ётди, аммо остига тиконли тўшак солингандай ором топмади. Аввал қаддини кўтариб ўтирди. Сўнг туриб, даҳлизга чиқди. Навбатчи ҳамшира ўрнида барваста, ёноғида тукли холи бор аёл катта дафтарга нимадир ёзиб ўтирарди.

— Нимага чиқдинг, кириб ёт,— деди у қўполлик билан.

— Уйқум келмаяпти, бугун олиб келишди мени. Келажаги порлоқ жиннилардан бўлсам керак. Қўрқманг, қочиб кетмайман.

— Қочиб гўрга борармидинг, бор кириб ёт, бошимни оғритма.

Аввалги жиннихонада ҳам навбатчи ҳамшира уни кириб ётишга ундаган эди. Аммо бу тарзда эмас, ялиниш оҳангида илтимос қилиб эди. Шунда Анвар унга бир шеър айтган, у «яхши шеър экан», деб бир оз суҳбатлашган эди. Анвар гарчи бу хотиндан яхши гап чиқишига гумонда бўлса-да, ўша шеърни ўқигиси келди:

*Баҳорда гуркираб авж олган чечак,  
Сўлар хоҳ истама, хоҳи сен иста.  
Унга ёр на ўтмиш, на-да келажак,  
Тупроққа жо бўлиб кетар оҳиста.  
Шунинг-чун сўнгги бор куйлайди қумри  
Билмам не марсия, билмам не вола.  
Ҳей, менинг умримдир чақмоқнинг умри  
Бир чақнаб маҳв бўлсам чекмагин нола!*

Навбатчи ёзишдан тўхтаб, унга ғалати қаради:

— Нима бало, шоирмисан? — деб сўради, шеър ўқиб бўлингач.

— Йўқ, жинниман,— деди Анвар истехзо билан.

— Жиннилингинг билиниб турибди, кириб ёт дедим сенга.

Анвар «хўп бўлади» деди-да, орқаси билан юра туриб яна бир тўртлик ўқиди:

*— Ёмғирдан сўнг очилди боғлар,  
Енди еллар гирдикапалак.  
Астагина титрар япроқлар,  
Хайр дема, беозор малак...*

Навбатчи аёл сўнгги сатрни нотўғри англаб, қўлидаги қаламни тақ этиб стол устига қўйди-да, ўрнидан турди:

— Қани, кир ичкарига, деяпман! Ҳали мен сенга малай бўлдимми, ҳув туркинг қурсин!

Анвар бу ер шеър ўқийдиган, ҳазиллашадиган жой эмаслигини англаб, шошиб ичкарига кирди.

Навбатчи ҳамшира эшикни очиб, то у жойига ётгунича қараб турди.

Анварга алам қилди. Аслида у юракни сиқаётган исканжа азобидан бир дамгина бўлса ҳам қутуларман, деган ниятда даҳлизга чиққан эди. Аввалги жиннихонада айнан шундай бўларди.

«Бу ер нима ўзи — жиннихонами ё қамоқхонами?» деб ўйлади у.

Аламдан ҳоли бўлмоқ учун хаёлини чалғитишга уринди. Қўлини болиш қилиб, чалқанча ётганича ўй ўйлади: «Уйимга хабар бергани ким борган экан? Ҳар ҳолда «енг кичик илмий ходим»ни югуртиришади. У бечорагина бўйнини қисиб туриб минғирлайди. Нима дейди? «Ишда бирдан касаллари тутиб қолди», дермикин ё... ҳа, «устозларининг ўлиmidан қаттиқ қайғурдилар» дер. Шундай дегани дуруст, шуниси сал обрўлироқ. «Бир оз дам олсин, даволансин, деб касалхонага («жиннихонага» демайди) жойлаштиришди» дейди. Дейди-ю, зипиллаб изига қайтади...»

— Ҳа, айнан шундай бўлди.

Анвар таниш овозни эшитиб, сергакланди.

— Ким бу? — деди пичирлаб.

— Танимадингми? Асқар акангман.

— Сиз?..

— Мен сени кўргани келдим. Мени ҳам шу ерда сен каби «даволашган».

— Навбатчи хотинни танийсизми?

— Танимай-чи? Агар уни мол десанг, дунёдаги барча моллар ҳақоратга чидай олмай «мени келиб-келиб шунга ўхшатдингми», деб ўзини осадди.

— Сизнинг шеърингиздан ўқиган эдим, тушунмади.

— Шеърни хор қилма, ука.

— Одамлар нима учун бундай туйғусиз бўлиб кетишяпти?

— Бунга англашинг учун ёнимга келишинг керак. Мен билан сенинг оламинг бошқа.

*Ҳақсизликни кўрсам қалбим бозиллар,  
Во дариғ, мум тишлаб турар фозиллар.*

Есингдами бу сатрлар? Фозиллар нечун мум тишлайдилар, англаб етмадингми? Сен ақлли йигитсан. Дўстлар учун минг бир фазилатинг ҳам кам, душман учун бир фазилатинг ҳам кўп эканини биласан. Одам бу дунёга яланғоч келади. Кетишида ўзи билан ҳеч нима олмайди. Ололмайди. Унга икки қулоч сурп, икки қулоч ер кифоя. Ҳеч нарсасиз келиб, ҳеч нарсасиз кетишини билса ҳам бир чимдимгина умрида бойлик талашади, амал талашади, обрў талашади. Сен Худога шукр қил. Биз бундай бачкана нарсалардан устун турдик.

— Мен бир кўҳна китобда ўқиганман: кимики ўз нафсини хор тутса, Худо унинг қадрини ошираркан. Кимки ўз нафсини иззат қилса, Худо бандалари олдида уни хор қиларкан.

— Айни ҳақиқат бу. Эшит:

*Кўқдаги қуш пастдан луқма излайди,  
Пастда сайёд ов қилмоқни истайди.  
Фалати бу манзара.*

*Самодаги тузоқ нима ҳам билмагай,  
У ҳеч кимга итоат ҳам қилмагай  
Бир қара-я, бир қара.*

Англадингми? Энди йўлга отлан. Сен билан менинг жойим самоларда.

— Самоларда? Ерда-чи? Бунда ким курашади? Ким адолат учун бошини тикади? Сиз айтган эдингизки «Нафси ёмон катта балиқ оғзин очиб, ютди кичик балиқларни дарёда ҳей...»

Шундай бўлиб қолаверадими? Айтинг?

Нечундир жавоб бўлмади. Анвар ажабланганича қаддини кўтариб атрофга аланглади. Асқар Қосимнинг овози ўрнига ҳамхоналарининг хурраги эшитилиб, энтикди. «Мен чиндан шоир билан суҳбатлашдимми ё алаҳсираб ўзим билан ўзим гаплашдимми? Асқар ака нимага даъват этди? Ё нурдан элчи бўлиб келдимми?»

— Сен ўзинг билан ўзинг гаплашдинг. Биз элчи юбормаймиз.

Анвар таниш овозни эшитиб, шошилганича деразага қаради: деразадан нур пояндоз каби тушиб турарди.

— Нима учун мени йўлдан қайтардингиз? Асадбеклар билан кетганимда бу кўргилик йўқ эди.

— Бу бизнинг истагимиз эмас, тақдиринг шундай. Тақдирдан ҳеч ёққа қочиб қутула олмайсан.

Сен энди бу дунёда яшай олмаслигингга амин бўлдингми? Сенга сўнгги имконият берамиз.

Истасанг, устозинг Ҳикмат Ўролов билан учраштирамиз.

— Истайман.

— Нурга оёқ қўй.

Кўз очиб юмгунича Анвар ўзини сафолик боқчалари бор гўзал манзарали бир ерда кўрди.

Ҳикмат Ўролов фаввора ёнида ўтирарди. У қўлидаги китобни қўйиб, ўрнидан турди:

— Ў, азизим, сизни кўрганимдан бағоят хурсандман. Қаранг, илоҳий осойишталикка ҳам етишдим.

— Сизни охир-оқибат еди, у мараз! — деди Анвар.

— Ундай деманг, азизим. Мен хурсандман. Худо жонимни дўстларим қўли билан эмас, ғанимларим қўли билан олганидан ҳам қувонаман. Душманинг қўлидан қазо топмоқ ҳам бир бахт, азизим.

— Бу гапингизда жон бор. Муҳими — сиз жаллодингиз умридан кўпроқ умр кўрасиз.

— Янглишманг. Ҳали улар кўп яшайдилар. Улар омадли одамлар. Эшитмаганмисиз, омадли одамларнинг хўрози ҳам тухум қиларкан. Биласизми, араблар қаҳва ичишаётганда нима

дейдилар? Улар дер эканларки, биринчи қултум аччиқ — ҳаёт каби, иккинчиси— лаззатли — муҳаббат каби, учинчиси — сирли — ўлим каби. Биз уччала қултумни ичиб бўлдик. Сирнинг тагига ҳам етдик. Энди навбат сизники.

— Сиз ҳам мени чорлайсизми?

— Бошқа йўл йўқ-ку?

— Ҳар бир одам туғилганидаёқ ўлимга маҳкумдир. У умри бўйи ҳукмнинг ижросини кутиб яшайди. Ҳар куни бир ўлиб, бир тирилади. Ҳукм қай ҳолда, қачон ижро этилади — Худо билади.

— Ҳукм ижросини тезлатмоқ мумкин.

— Шошилманг. Мен ҳали бир масалани ҳал қилиб олишим керак.

— Қандай масала? Балки бирга ечармиз?

— Масала шуки, одам боласи ҳар бир нарсани олдиндан билишни истайди. Кўп нарсаларга олдиндан тайёргарлик кўради. Аммо ўлим онларини кам ўйлайди, кам тайёрланади. Хўш, сўнгги нафас қандай бўлади? Наҳот одам бу билан қизиқмаса? Биринчи нафас, кўз очиб дунёни кўриш ўз ихтиёрида эмас. Аммо сўнгги нафасига тайёрланиши мумкин-ку? Покиза ҳолда кетадими бу дунёдан ё ҳаром ҳолидами — ўзига боғлиқ-ку?

— Сиз, азизим, масаланинг бу томонидан хотиржам бўлинг. Сизнинг сафарингиз хайрли, бу оламга покиза ҳолда кириб келасиз. Қўйинг, у ғовак қамишларни, балчиққа беланиб яшайверишсин. Сиз бағримизга келинг.

Ҳикмат Ўролов шундай деб кўздан йўқолди. Анвар нур оқиб кираётган дераза рўпарасида ёлғиз қолди. Йўқ, у ёлғиз эмасди. У бу дунёни тарк этган яхшиларнинг руҳи билан бирга эди. Бундай ҳолат уч кун такрорланди. Учинчи куни овқат ҳам емади. Чанқаганини ҳам сезмади. Беҳаловат тунда яна таниш овозни эшитди. Яна деразадан нур оқиб кирди.

— Ўрнингдан тур, чойшабни ол. Узунасига йиртиб, арқон қилиб эш. Ҳожатхонага чиқ.

Деразадаги темир панжарага арқоннинг бир учини боғла. Бир учини сиртмоқ қил. Уч-тўрт дақиқа кифоя. Биз сени бутунлай олиб кетамиз. Истасанг хат ёзиб қолдир. Холидийни айбла. У тинчини йўқотсин...

Овоз тинди. Аммо Анварнинг руҳига эгалик қилаётган шайтоний ҳис уни ўрnidан туришга, чойшабни олиб йиртишга ундайверди. Ниҳоят, у ўрnidан турди-да, чойшабни олиб йиртди. Арқон қилиб эшди. Сўнг эшик томон юрди. Остонага етганида изига қайтди. Қоғоз-қалам олиб ёзди. Ғира-ширада ёзаётган хатлари беўхшов чиқаётганлигига эътибор бермади. Тасодифни қарангки, унинг ёзганини ўша — ёноғида тукли холи бор навбатчи ҳамшира биринчи бўлиб ўқиди:

*Бошгинамга ағанаган, катта тоғлар, алвидо!*

*Мен кетарман ҳасратланиб, руҳи соғлар алвидо!*

*Бу дунёнинг шўришига навнихоллар тебранинг,*

*Еслироқ боғбони йўқ, қолди боғлар алвидо!*

*Асқар Қосим.*

Ҳамшира буни ўқиб, тушунмай елка қисди-да «қизик, фирт жинни экан-ку», деб қўйди.

## XXIII 6 о 6

### 1

Чувринди, Асадбек тайинламаса ҳам эрталаб, кечқурун Манзура, Кесакполвон, кечқурун эса ўз уйидагилар билан телефонда гаплашиб турар эди. Красноярга келишганининг саккизинчи туни кутилмаганда Чувринди билан Жалил қўнган уйнинг телефони жиринглади. Меҳмонларнинг

хизматини қилиб юрган йигит Чувриндини уйғотиб, бир аёл шошилинич сўраётганини айтди. Чувринди Манзуранинг овозида хавотирни сезиб, сергакланди.

— Масковдан доктор Худоёр деган бир киши телефон қилди. Олмондан келдим, дейди. Ўғилларингизга тааллуқли гапим бор, дейди. Бу гапини фақат акангизга айтармиш. Юрагим ёрилиб кетай деяпти.

Манзура сўнги сўзларини йиғламосираб айтди.

— Хавотирланманг. Болалар бирор зарур гап айттириб юборишгандир. Ўғил боланинг фақат отасига айтадиган гапи ҳам бўлади, биласиз-ку. Бу ёққа келишдан аввал гаплашдик-ку. Бир ойда борармиз дейишувди, шу сафар машмашасидур-да.

— Ким билсин, юрагим ўйнаб кетяпти. Акангизга нима деймиз?

— Ўша одам телефонини бермадимми?

— Вой, берди, ёзиб оласизми? — Манзура айтди, Чувринди ёзиб олди. Кейин «ҳозирнинг ўзида гаплашамиз» деб тинчитган бўлди. Чиндан ҳам ўша заҳоти Москвадаги рақамни терди. Доктор Худоёр дегани хонасида йўқ эди, жавоб бўлмади. Чувринди яна икки қайта қўнғироқ қилгач, Манзурани тинчлантириш мақсадида унинг рақамини терди. Манзура телефон ёнидан жилмаган эди, бир жиринглашдаёқ гўшакни кўтарди. Чувринди: «Доктор Худоёр билан гаплашдик. Болалар соғ, тижорат мақсадида бир гап айттириб юборишган экан. Шу ой ичи келишга тайёрланишаётганмиш», деб Манзурани тинчитди. Аммо ўзи хавотирли саволлар тўрига ўралди. Яна Москва рақамини терди. Жавоб бўлмагач, Кесакполвонга қўнғироқ қилиб, огоҳлантирди.

Чувринди олтинчи уринишда Москва билан боғлана олди. Гўшакдан салобатли овозни эшитгач, беихтиёр равишда салом берди.

— Ваалайкум салом, марҳабо афандим,— деган жавобни эшитгач, ўзини танитиб, бу зотнинг тасодифий қўнғироғидан бир оз хавотирга тушганларини ҳам маълум қилди.

— Узримни қабул этинг, афандим,— деди доктор Худоёр.— Айтилажак омонат гапим Асадбек жанобларининг ўзларигагина аталгани сабабли ул жанобнинг аҳли аёлларига айтмоқни лозим топмадим. Аммо билингизким, хавотир олмоғингизга асло асос йўқтур. Айтажак гапимнинг маъноси хайрли кечажакдир. Асадбек жаноблари лутф қилиб бурая келсалар эди, чўх гўзал бўлурми эди, афандим. Менинг-да сафарим уч кундан сўнг халос бўлажак.

— Ўзбекистонга келмайсизми?

— Оҳ, Ўзбекистон қалбимдадир, аммо бормоғимга ижозат йўқтур. Афсуслар чекурман.

Чувринди бу гапдан сўнг эзмаланиб ўтирмади. Бугун ёки эртага етиб боражакларини маълум қилиши билан у томонда гўшак жойига илинди. Чувринди доктор Худоёрнинг кимлигини билмаса-да, унинг Оврүпо одатлари руҳида тарбия топган ўзбеклардан эканини фаҳмлади. Чувринди яна Кесакполвонга қўнғироқ қилиб, Олмониядан келган ватандошнинг юртга келиши учун ижозат олиш мумкинми ё йўқми эканини аниқлашни топширди. Кесакполвон буни Асадбекнинг топшириғи сифатида қабул қилиб, ишга ҳозирроқ киришажагини айтди. Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай, Чувринди Козловга ҳам қўнғироқ қилди. Буларнинг оламида тунми, кунми, одам хастами ё соғми— фарқи йўқ, зарур гап чиқдими, телефон қилинади ё излаб топилади. «Сен мени тунда уйқумни буздинг» ёки «хасталигимда безовта қилдинг» деган гаплар бўлмайди. Чувриндининг мезбонга бемалол қўнғироқ қилиши шу ёзилмаган қоида асосида эди.

Козлов овоз бериб, бир эснаб олгач: «Ешитяпман, гапираверинг», деди. Чувринди доктор Худоёрни Ўзбекистонга келиши учун рухсат олиш масаласини ҳал этиш мумкинми, деганда «нў проблем», деб гапини калта қилди.

Тонга яқин аввал Кесакполвон, сўнг Козлов қўнғироқ қилишиб бу масалани ечиш асло мумкин эмаслигини айтишди.

— Москвада турганининг ўзи катта гап экан,— деди Козлов.— Бунақа сиёсатга аралашмаганинглар маъқул. Уларнинг ҳисоб-китобларига бизнинг тишимиз ўтмайди.

— Унда бугуноқ Москвага учишимиз керак.

— Яхши, уч кишига буюриб қўяман.

— Москвага Бек акам билан учамиз. Жалил акани уйига юборамиз.

— Нў проблем. Маҳмуд, билиб қўй, кеча врач билан гаплашдим. Асаднинг касали жиддий. Яхши даволанмаса узоққа бормаслиги мумкин, деган тахминлари бор. Москвада олиб қолиб, ўша ерда даволаш керак. Мен у ердаги одамларимга тайинлаб қўяман.

Иш жадаллашиб кетди. Уч соат деганда Чувринди билан Асадбек тушган тайёра Москвага қараб учди. Жалилни эса Козловнинг йигитлари пешиндан сўнг кузатадиган бўлишди. Жалил тунги қўнғироқлардан беҳабар, дўстининг «тузалиб қолганидан» мамнун бўлиб, «буларнинг Масковда битадиган иши бордир, хира пашшадай юраманми орқаларидан» деб уйга ёлғиз қайтишга кўнди.

Асадбек ўзини бир дон чўқиб, бир атрофга хавотир билан аланглаб қўядиган мусичага қиёс қиларди. Ўғилларим ўзимга ўхшаб умр бўйи қил кўприк устида яшашмасин, деб болаликларидан ўқишларига жиддий эътибор берди. Юқори синфга чиқишгач, қўшимча муаллимлар ёллади. Ўғилларини сира ҳам ўзининг ишлари, ташвишларига яқинлаштирмади. Олдинма-кейин мактабни битирган ўғилларининг Москвада ўқишларини истади. Сўнг, Германияга бориб ўқиш имкони туғилгач, ҳеч иккиланмай жўнатди. Манзуранинг хавотирларига ҳам, инжиқликларига ҳам парво қилмади.

Болаларини икки йилдан бери кўрмаган эди. Бу ёзда таътилга келишларини кутаётганди.

Доктор Худоёрнинг кутилмаган ташрифи, гарчи у хайрли гапни ваъда қилган бўлса-да, Асадбекнинг тинчини олган эди. Хасталик сабабми ё икки йиллик соғинчми, унинг ҳаловати бузилганди.

Ерталаб Чувриндидан воқеани эшитгач, доктор Худоёрга ўзи қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Ҳатто телефон гўшагини кўтариб, дастлабки рақамларни терди ҳам. Кейин «бу телефонда гаплашадиган гап эмас» ёки «Мен Олмониядан келиб, сенга гап айтаман десаму сен телефонда олифтагарчилик қиласанми?» деб қолса яхши бўлмас, деган фикрга келиб, шаштидан қайтди. Ҳозир гўё осмон ҳам, ундаги тайёра ҳам қимир этмай турган каби туюлиб, юраги сиқилди-ю, қўнғироқ қилмаганига афсусланди. Кейин: «ҳар ҳолда яхши гап айтаркан-ку, ёмон хабар бўлса бир учини чиқарарди...» деб ўзига ўзи тасалли берди. Тайёра бекаси нонушта билан сийлагач, мудроқ босиб, суюнчиқни пастлатди.

Тайёра Асадбекнинг жисмини Красноярдан тобора узоқлаштираётган бўлса-да, хаёли уни изига қайтарарди. Аввалига уни қабристон бўсағасида ўша қария қаршилади. Қаршилади-ю, бош чайқади. «Мен сенинг кимлигингни биламан. Шунинг учун сўрамадим. Сен эса: «Нима учун сўрамади-я?» деб ўйлаб ҳам кўрмадинг» деди. Асадбек «Мен тижорат билан кун кўраман», деди. Қария бош чайқади. «Тижорат — дарахтнинг барглари. Дарахтнинг танаси бор, озиқ оладиган илдизлари бор. Сендан кўрқаман. Сендайлар мана шу қамоқда бизларга кун бермас эди». Қария шундай деб тесқари қарадию кўздан ғойиб бўлди. Сўнг... ўт босган қабрлар орасида отаси кўринди. Бир қўлида чана, бир қўли билан имлаб чақиради:

— Келақол тойчоқ, чанада учираман,— дейди.

— Ҳозир ёз фасли, чанада училмайди,— дейди Асадбек.

— Келавер тойчоқ, учираман. Эсингдами, охириги кўришганимизда сенга чана олиб келган эдим. Аммо учиролмадим. Шу менинг армоним. Кел, армоним ушалсин.

— Қишда келаман, учирасиз.

— Кел, албатта келасан, учираман. Самандар ҳам шу ерда, онанг ҳам шу ерда. Ҳаммамиз бир бўлиб учамиз... Кел тойчоқ, келақолгин...

Кўкатлар ямлаб ютгандай отаси йўқ бўлди.

— Ота!..

Асадбекнинг нафаси қайтди.

— Бек ака, Бек ака...— Чувринди елкасига аста туртиб уйғотди.— Ёмон туш кўрдингизми?

- Алаҳсирадимми, бақирдимми? — деди Асадбек қаддини ростлаб.
- «Ота!» дедингиз... Ярангиз янгиланди. Шунақа тушлар кўриб турасиз энди. Тасалли учун айтилган бу гапни эшитиб Асадбек бош ирғаб қўйди. Сўнг бир оз сукут сақлаб, Чувриндидан сўради:
- Сен ҳам тушингда отангни кўрасанми?
- Йўқ.
- Кўрмаганинг маъқул.
- Нега?
- Ҳали ёшсан... Вақтики келиб отангни тушингда кўрсангу, отанг «кел болам, отга миндираман», деса эҳтиёт бўлавер.
- Сиз... шунақа ирим-сиримга ишонасизми? Мен ишонмайман. Умуман... мен отамни тушимда кўрмасам керак. Унинг сурати бўлганида ҳам, уни соғиниб, қўмсасам ҳам бошқа гап эди.
- Ёшсан, Маҳмуд, кўп нарсаларга ақлинг етмайди. Мен Красноярда бекор ётиб ўйлай-ўйлай бир ҳақиқатнинг тагига етдим: биз бу дунёда ўзимизга хон, ўзимизга бекмиз, деб керилиб юрарканмизу, аммо ўзимиз истаганча яшамас эканмиз. Бизни қандайдир куч бошқарар экан.
- Худоми?
- Балки Худодир. Мен буни билмайман. Диний илмим бўлганида сенга аниқроқ бир нарса айтардим. Қайтганимдан кейин Собитхон билан учрашсак, ундан сўрайдиган саволларни йиғиб қўйдим.
- Боргунимизча оёққа туриб қолар. Дўхтир «юриб кетишига умид бор», девди.

## 2

Москвага кун ёйила бошлаган маҳалда етиб, қўнишди. Асадбек ҳам, Чувринди ҳам тайёрада Козловнинг йигити кузатиб келганидан беҳабар эдилар. Кузатувчи улардан аввалроқ ҳаракат қилиб тайёрадан тушди-да, зина олдида уларни қаршилади:

— Кўчада машина кутиб турибди,— деди у, икковини баравар ажаблантириб. Сўнг кўчага чиқиб, машинага ўтиришгач, изоҳ берди: — «Россия» меҳмонхонасидан жой буюрилган. Сизга керакли меҳмон ҳам ўша ерда шекилли, а?

Улар меҳмонхонага жойлашишгач, Асадбекнинг ювингани кирганидан фойдаланиб, кузатувчи йигит Чувриндига кимнингдир исми ёзилган бир шапалоқдай қоғоз берди:

— Мана шу врач эртага соат ўнда сизни кутади. Зарур бўлса уй ёки хизмат телефонига истаган пайтда қўнғироқ қилаверинг, огоҳлантириб қўйганмиз. Мана бу Красноярдаги тиббий хулосалар. Хўжайинга кўрсатмас экансиз, — у шундай деб қўлидан қўймай келаётган қоғоз ўрамини узатди. — Мен бир соатдан сўнг яна келаман. Қайси хонага жойлашганимни айтаман. Кетгунингларча сизларнинг хизматингизда бўламан. Буйруқ шундай бўлган.

Улар доктор Худоёр билан бир қаватдаги хонага жойлашган эдилар. Чувринди чиқиб навбатчидан доктор Худоёр келиши билан хабардор қилишини сўради.

Орадан бир ярим-икки соатча вақт ўтгач, доктор Худоёрнинг хонасига кириб кетгани маълум қилинди. Чувринди «мен ҳам чиқайми?» дегандай Асадбекка қаради. Асадбек иккиланди. «Сен қолавер», деса кўнгли оғрийди, бошлаб чиқса-да, доктор Худоёр «бу ёлғиз ўзингизга айтиладиган гап», деса яна ноқулай. Асадбекни бу ўнғайсиз ҳолатдан Чувриндининг ўзи қутқарди:

— Ресторанга тушиб, беш-олти кишилик жой тайёрлаб тураман,— деб ўрnidан турди.

Асадбек эшикни тақиллатгач, ичкаридаги одам немисчалаб нимадир деди. Асадбек тушунмади. Адашдимми, деб изига қайтмоқчи бўлганида эшик очилиб, ўрта бўйли, қорачадан келган, тилла ҳалли кўзойнак таққан олтмиш ёшлардаги киши кўринди. У Асадбекни кўриши билан жилмайди-да:

— Марҳабо,— деди,— фикри ожизимча сиз Асадбекдирсиз, а? Марҳабо, жаноб, қалбимдасиз. Асадбек салом бергач, остона ҳатлади-да, сўрашмоқ учун қўл узатди.



— Биз учун ватандош ила бундайин тарзда кўрушмак чўх уятдур,— у шундай деб Асадбек билан қучоқлашиб, юзини юзига босди.— Сиздан Ватан ҳавоси келадур, чўх мамнундирман, афандим.

Доктор Худоёр уни ичкарига бошлаб кирди. Асадбек жойлашиб ўтиргач, ўзини танитди: — Афандим, сизни мен билурман. Чўх гўзал ўғулларингиз вордур. Бир олманинг бир юзи сизу яна бир юзи фарзанду аржумандларингиз, демак мумкиндр. Камина доктор Худоёр. Катта бобом Худоёрхоннинг қулоғига азон айтмиш эканлар. Отам раҳматли шу воқеани унутмаслик мақсади ила менга Худоёр исмини бермиш эканлар. Мен Туркияда камол топдим, сўнгроқ Олмонияга илм истаб келдимки, ҳануз шундадурман. Биофизика илмини дуруст фаҳм этиб, Олмонияда хизматдадурман. Москвада олам олимлари конференс этмиш эканлар. Менда Олмон фуқароси сифатида иштирок этурман. Менинг сафарга отланажагимни хабарлаб жаноб Музаффархон бир ўтинч қилибдурлар.

— Музаффархон? Ким у?

— Сиз у зотни билмайсиз?

— Йўқ.

— О, у зот чўх гўзал инсондур. Олмониядаги туркийлар орасинда чўх эътибори вордур. Ватандошлар у зотни чўх эъзоз этурлар. У зотнинг бойлиги ҳам ҳисоб билмас. Сизнинг фарзанду аржумандларингиза жанобнинг назарлари тушибдур. Оллоҳ Музаффархонга бойлик баробаринда икки қиз ҳам бермиш. Музаффархон жаноблари икки ўғлингиза ошиқ бўлуб, уларнида куяв ўғул қилиш илинжида аввал Оллоҳдан сўнгра сиз жанобдан изн сўрайдурлар. Жанобингизни, алалхусус, совчи десангиз-да маъқул бўлаверар,— доктор Худоёр шундай деб жилмайди.

Ерталабдан бери турли гумону фикрларга банди бўлган Асадбек учун бу таклиф кутилмаган эди.

— Юзма-юз ўтириб фикрлашмакка амр этилгани сабабиндан сизни бу ёна чорладимки, айб этмассиз. Агарчи бу таклифни маъқул кўрсангиз, сиз ҳам, Музаффархон жаноблари ҳам ташвишлардан халос бўлурсиз. Яъниким, фарзандларингиз эмин-еркин ҳолда илм олажаклар. Музаффархон эса қизларини мўъмин, солиҳ фарзандларга берадур, қизлари Ватанда яшамоқ шарафига етажаклар, иншооллоҳ.

— Жавобни ҳозир айтишим шартми? — деди Асадбек.

— Йўқ, асло! — деди доктор Худоёр.— Бизнинг ихтиёримизда бир кун вордур. Конференс эртага халос бўлажак. Мен индин сабох кетажакман.

— Ўғилларимнинг бу гаплардан хабарлари борми?

— Албатта. Уларда ризо. Сиз ризо бўлсангиз, барча тўйга ҳозирдур. Сиз ўйламангки, Музаффархоннинг қизлари Овруро қизлари кабидур, деб. Асло, улар муслимадурлар. Ўзбекчани сўзламакнида, урф-одатнида мендан дуруст билурлар.

Доктор Худоёр ўрнидан туриб стол устидаги қоғозлар орасидан икки варағини олиб, Асадбекка узатди:

— Бу Олмонияга даъватдур. Ризо бўлсангиз аҳли аёлингиз кузатувида борурсиз. Тўйни аввал атта қилурмиз. Ризо бўлмасангизда борурсиз, Олмонияни томоша этурсиз. Сиз истак билдирурмисизки, ҳозир телефон қилиб Музаффархон ила сўзлашмакка?

— Йўқ, ҳозир эмас. Озгина ўйлаб олай. Агар имкон бўлса, ўғилларим билан гаплашиб олардим.

— Чўх гўзал фикр, афандим,— доктор Худоёр телефон гўшагини кўтариб, Олмония билан улашларини илтимос қилиб лозим рақамни айтди. Буюрма қабул этилгач, Асадбекка юзланди:

— Тўрт соат кутмоғимиз зарур экан.

— Унга қадар, меҳмон, бирга чой ичсак. Ресторанда жой тайёр. Бир-икки оғайниларни ҳам таклиф этаверинг. Уйга борганингизда-ку, бошқача кутардик.

— Насиб... насиб...— деди доктор Худоёр.— Афандим, чой ичмакка мен ризо. Фақат ювиниб олайин.

Асадбек ярим соатдан сўнг киражагини айтиб, хонасига қайтди-да, уйига қўнғироқ қилди. Манзуранинг саволларига қисқа қилиб жавоб бергач, доктор Худоёрнинг йўқловидан мақсадини айтди.

Бу кутилмаган таклиф Асадбекники гангитдими, Манзуранинг аҳволини тасаввур этаверинг. Кўча-кўйда, таниш-билишлар орасида чиройли қизларни кўз остига олиб юрган, келин тушириш, орзу-ҳавас кўриш умидида яшаётган аёлнинг барча мўлжаллари бир гап билан пучга чиқарилса нима ҳам дея оларди? Қизининг қисмати каммиди унга? Энди ўғиллари чет элдаги қизларга уйланишса... Келин бўлмишлари хипча белларини тортиб турган шим кийиб кириб келишса... қонсиз юзларига обдон бўёқ чаплашса... улама киприклари сийрак қошларига тегиб турса. Супурги нималигини билишмаса, ошхона нималигини билишмаса... Ресторандан бери келишмаса...

Манзура Музаффархоннинг қизларини шундай тасаввур этиб, бадани жимирлаб кетган, шу боис эрига бир нима дея олмай жимиб қолган эди.

— Ҳа, нафасинг қайтиб ўлиб қолдингми? — деди Асадбек, жаҳл билан.

Дарров жавоб қайтармагани учун Манзура бу қизларни ўзи топиб, ўзи бемаслаҳат келин қилаётгандай эридан балога қолди.

— Адаси, кўрмасдан туриб нима деймиз? Қўй оладиган ҳам бозорга бориб, кўриб олади-ку? — деди эридан эшитадиганини эшитиб олгач.

— Ҳов, калла борми, сенда? Бу амма-холангнинг маҳалласимас, қиз кўргани икки кўча нарига бориб келадиган. Улар Германияда туради, дедим, тушунмадингми?

— Тушундим, лекин...

— Лекин-пекинни қўй. Ўғилларинг билан гаплашаман, хўп дейишса, тамом, мен ҳам кўнаман.

— Адаси, бу умр савдоси...

Манзуранинг гапи чала қолди. Асадбек гўшакни жойига қўйди. Аслида қўнғироқ қилишдан мақсади хотини билан маслаҳатлашиш эмас эди. Чунки бу, унинг назарида, хотин киши билан маслаҳатлашиб пишириладиган ош эмасди. Асадбек хотини хавотирда эканини Чувриндидан билиб, уни тинчлантириб қўймоқчи эди. Манзура бу қўнғироқдан сўнг бир томондан тинчиди-ю, аммо иккинчи томондан ташвиши ортди.

Ваъдага биноан ярим соатдан сўнг Асадбек доктор Худоёр жойлашган хона эшигини тақиллатди. Ресторанга қадар ёнма-ён юриб гаплашиб бордилар. Ресторан эшигига етганда доктор Худоёр тўхтаб:

— Кечинг,— деди.

Асадбек бу сўзга тушунмади.

— Сиз ўнг томондасиз, аввал сиз кечинг,— деди доктор Худоёр,— қўли билан эшикни кўрсатиб. Шундагина Асадбек «аввал сиз ўтинг», деган маънони уқиб, ичкарига йўналди.

Чувринди дераза олдида олти кишилик жой ҳозирлаб ўтирган эди. Доктор Худоёр ўтиргач, дастурхон устидаги ичимликларни кўриб, Асадбекка ажабланиб қаради:

— Булар кимга?

— Бизга... сизга...— деди Асадбек.

— Булар ҳаром-ку? Сиз... намоз қилмайсизми?

Асадбек бу саволдан ўнғайсизланди. Уни бу ҳолатдан чиқариш учун Чувринди суҳбатга аралашди:

— Бек акам шаҳарда катта масжид қурдирыптилар. Бизга ҳам Худо инсоф бериб, намоз ўқиб қолармиз.

— Астаффируллоҳ! — деди доктор Худоёр.— Масжид қуриш савоб, аммо фарз эмас. Аввал фарзни адо этмак жоиздур. Ажабки, биз христиёнлар юртида яшаб намоз қиламиз. Сиз ўз юртингизда, мусулмонлар юртида яшаб-да, намоз қилмайсиз. Сиз Расули акрам афандимиз жаноб Ҳақдан ривоят этган «менга бир қарич яқинлашганга мен бир аршин ва бир аршин яқинлашганга эса бир қулоч яқинлашгайман. Бирон кимса Мен томон кела бошласа, Мен ҳам

унга пешвоз чиқаман», калимасин эшитмаган чиқарсизлар? Я Раббим, гуноҳкор қулларингнида ўзинг авф этгайсан...

Асадбекнинг ишораси билан Чувринди ўрнидан туриб, офитсиантни бошлаб келди-да, шисаларни, колбаса қўйилган ликопларни йиғиштирди. Унга қадар доктор Худоёр индамай ўтирди. Дастурхон усти ҳаромдан ҳоли бўлгач, тилга кирди:

— Афандим, бундай асъасага ҳожат надир? Сиз мени чойга таклиф этиб эдингиз? Бунча нарса ўн кишигада кўпдир.

— Меҳмоннинг иззати-да,— деди Чувринди, Асадбекнинг ўрнига жавоб бериб.

— Инсоннинг иззати исроф билан ўлчанмайдир, афандим. Иззат яхши ила, яхши саъй ила ифодаланур. Буни англамак жоиздир.

Бир неча дақиқалик суҳбатдан сўнг маълум бўлдики, доктор Худоёрнинг одоби ҳам, одати ҳам европалашган. Манзират, лутф, хилм деган тушунчалардан бирмунча йироқ. Нимани ўйласа, шуни айтади, суҳбатдош бу тўғри гапдан ранжийдими йўқми — фарқламайди. Ҳар нарсага, ҳатто айтаётган сўзларига ҳам иқтисод нуқтаи назаридан ёндошади.

— Мен бу оқшом сизлар билан узоқ ўтира олмасман, афандилар,— деди у.— Ҳар куни икки соат китоб ила ёлғиз қолмакни ҳар нарсадан афзал билурман. Йигирма дақиқадан сўнг сизларни тарк этажакман.

— Мажлисдан сўнг дам олмайсизми? — деб сўради Асадбек.

— Дам? Бунга ҳожат надир? Сиз менга айтинг, жаноб Асадбек, Горбачев қайта қуришни олам аро эълон қилди. Болтия давлатлари советлардан ажралиб, мустақил бўлиш арафасидадир. Ўзбекистонда бундай ҳаракат мавжудми ёки йўқми?

Асадбек «бу ҳақда сен гаплаша қол», дегандай Чувриндига қаради. Чувринди бу қараш маъносини англаб:

— Ҳа, бор,— деб жавоб берди.

— У ҳолда нечукким, бизлар беҳабармиз?

Чувринди Орзубек ҳақида сўз бошлаганда Асадбек «шуни гапирмасанг бўларди» деган маънода қошини чимирди. Чувринди бу ишорани ҳам пайқаб гапини мухтасар қилди.

— Ватанга фақат муҳаббат керак. Ватанни юракдаги муҳаббат ила севмас эканмиз, у саҳродаги сувсиз ниҳол сингари қуришга маҳкум ўлажак. Ватанга сизнинг муҳаббатингиз бўлак, бизникида бўлак, азизларим. Сиз Ватан ичида яшаб Ватандан айрилгансиз. Бизнинг қалбимиз Ватан соғинчи ила тепар. Умримиз халос бўлгач, устимизга Ватан ҳажри кафанини ёпажаклар,— у шундай деб соатига қараб олгач, ўрнидан турди-да, бошини киборларча эгиб таъзим қилди.— Чўх ташаккур азизларим. Оқшомингиз хайрли ўлсун.

Асадбек кузатмоқчи эди, у унамади. Одати европача, гаплари ўзбекча-туркча аралаш бўлган бу одам Асадбекда яхши таассурот қолдирди.

Ертасига эрталаб Асадбек шаҳарга чиқишга истак билдирмади. Шунинг учун Чувринди Козловнинг йигити айтган врачни йўқлаб борди. Врач у келтирган тиббий хулосалар билан танишгач, ўйланиб қолди:

— Хулосалар тўғри — рақдан бошқа нарса эмас бу. Олди олинмабди. Кечикдингиз, деб қўрқаман.

— Кечикдингиз? Қанақасига?! — Чувринди унга ҳайрат билан тикилди. — Ўн кун бўлмади бошланганига.

— Йўқ, азизим. Камида ярим йил аввал бошланган. Балки ўтиб кетадиган оғриқ деб эътибор бермагандир. Қизиқ, ўзингизда яхши мутахассислар бор, Красноярскка олиб бориб нима қилардингиз?

— Красноярга иш билан борган эдик. Оғриқ зўрайиб кетди.

— Агар истасангиз, уни ётқизиб яна бир қайта текширувдан ўтказишим мумкин. Лекин бунақа ҳолларда мен аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтишни лозим кўраман.

Чувринди унинг ҳузуридан руҳи эзилган ҳолда чиқди. Красноярда эканида Козлов хасталикнинг

номини айтганида бир чўчиб тушган, уларнинг хулосаси хатодир, деб ўйлаган эди. Умид чиннисини шу врачга икки қўллаб, эҳтиётлаб кўтариб келган эди. Энди бу чинни ҳам синди. Синди?! Йўқ!! Биттаси тахмин қилди, иккинчиси тасдиқлади. Энди элликка кирган одам бир неча ойда қуриб бўлар эканми? «Йўқ! Ўнтаси айтсин, мингтаси айтсин, барибир ишонмайман!» Чувринди шу хаёлга келиб, қўлидаги қоғозларни бурдалаб ташлади. Йўлда бора туриб Асадбекнинг тайёрада айтган гапларини эслади. «Наҳот тушида аён бўлди?» деб ўйлади. Бу ўйни «тушга нималар кирмайди», деб шу заҳоти бўғиб ўлдиришга интилди. Меҳмонхонага қайтгач, нотаниш одамларни кўриб таажжубланди. Тўрдаги ўриндикда хаёлга берилиб ўтирган Асадбек у кириши билан таништирди:  
— Сен бу кишини эшитгансан: Хонгирей.

### 3

Хонгирей деганлари қирқ ёшлардаги, ўзига оро бериб кийинган, бармоқларига тилла узук таққан одам эди. Чувринди унинг чақчайган кўзларида бир ёввойи куч илғади. Асадбек унинг шерикларини таништириб ўтирмади.

Хонгирей Чувринди қайтишидан сал олдинроқ кириб келган эди. Асадбек у билан икки марта учрашган, гарчи бир оламнинг фуқароси бўлсалар-да, ораларида яқинлик йўқ эди. Шу сабабли унинг тўсатдан кириб келишидан таажжубланди. Хонгирей Асадбек билан кўришаётганда ўзини киборларча тутди. Аввалги икки учрашувда ҳам шундай бўлгани учун унинг бу қилиғидан ранжимасди.

— Асад,— деди Хонгирей, тик турганича,— яқинда менинг энг яқин одамим ўлди. Унинг васиятига кўра сени топдим. Марҳумнинг васияти биз учун қонун.

— Қани, ўтир, Хонгирей, тик туриб гаплашишнинг хосияти йўқ.

Хонгирей юмшоқ ўриндикқа ўтириб, оёқларини чалиштирди.

— Академикни эшитганмисан? У менга устоз қатори эди. Ана ўша ажойиб одамни ўлдириб кетишди.

— Ким?

— Кимлигини ўзим биламан. Муҳими шуки, у қўлидан келмайдиган ишни қилмоқчи бўлди. У ўлими олдидан менга бир-икки гап айтибди. Зелихоннинг Элчин деган дўсти бор экан, сенинг юртингда. Ўша ўлмаслиги керак!

Бу буйруқ оҳангида, Асадбекнинг ғаши келиб, заҳарли илжайди:

— Одамларнинг яхши ишламай қўйишдими ё ўзингни гўлликка соляпсанми? Элчин — менинг куёвим.

— Биламан бунини. Шунинг учун ҳам ўлмаслиги керак. Бу — бир. Қамалмаслиги керак, бу — икки. Хуллас, уни биров чертмаслиги керак, бу — уч. Энди у бизнинг ҳимоямиздаги одам.

— Яхши. Шунини айтгани келдингми?

— Йўқ, бошқа гапларим ҳам бор. Сен Козлов билан яқинлашаверма. У билан битказадиган ишни аввал мен билан келишасан.

— Ҳаддингдан ошяпсан, Хонгирей.

— Мен ҳаммага ҳам яхши гапиравермайман, бу — бир. Ҳамма гапни ҳам ўзим келиб айтмайман, йигитларимдан айттириб қўя қоламан, бу — икки. Шундан билки, Асад, мен сени ҳурмат қиламан. Майли, шу ҳурмат ҳаққи сенга осилмайман. Лекин Козлов менинг ихтиёримдаги одам бўлиши керак. Сен менга тўсиқ бўла кўрма.

— Мен Козлов билан савдо-сотик қиламан, бошқаси билан ишим йўқ. У сенга тобе бўладими, катта холасигами, менга барибир.

— Ҳа, ана, энди тушуниб етяпсан. Энди мен айтгунимча у билан савдо-сотик ҳам қилмай тур. Мен ошни пишириб олай, кейин гаплашамиз.

— Бунини ўйлаб кўраман.

— Асад, сен менинг ҳурматимга яраша иш қил. Сенинг қўлинг калта. Меники эса узун. Мен

билан тортишма. Мен истаган куни бутун уруғинг билан қирилиб кетасан. Сен битта шаҳарга хўжайинсан. Мен эсам,— Хонгирей деразадан кўриниб турган Кремл деворларига ишора қилди,— ҳатто бу ердагиларни ҳам ўйнатишим мумкин.

— Мени кўрқитма, Хонгирей. Сенинг кучингни биламан. Лекин сендан кўрқмайман. Бировдан кўрққан куним ўзимни ўзим отаман.

Шу гапларни айтаётганда эшик очилиб Чувринди кириб келди.

Хонгирей айтадиган гапини айтиб бўлган эди. Шу боис ўрнидан туриб, хайрлашиб чиқди. У кетгач, Асадбек анчагача индамай ўтирди. Чувринди «Хонгирей нима учун келибди?» деб сўрамади. Агар Асадбек лозим топса ўша гапни ўзи айтади. Лозим топмадимми, сўрашнинг ўзи ортиқча. Чувринди Москвага келиб Асадбекнинг икки сиридан огоҳ бўла олмади. У учун доктор Худоёрнинг суҳбати ҳам қоронғилигича қолди.

Ресторандан қайтишгач, Асадбек Чувриндини хонада қолдириб яна доктор Худоёр ҳузурига чиқди. Телефонда ўғиллари билан гаплашди. Уларнинг тўйга майллари борлигини билгач, «онанг билан борамиз, келмай туринглар», деб ризолигича шама қилди. Чувринди Асадбекнинг Манзура билан гаплашганидан ҳам беҳабар, «доктор Худоёрнинг гапларини айтиб, янгамни тинчитиб қўйсакмикин», деган эди Асадбек унга ола қараш қилиб «янганг тинч ўтирибди», деб тўнғиллади.

Чувринди Хонгирей чиқиб кетганидан бери индамай ўтирган Бек акасига ачиниб қаради.

Дардига малҳам бўлгиси келди. Лекин бу ўжар хожаси уни яқин йўлатгиси йўқ. Бошқа пайт бўлганида Чувринди бу ҳолатга зўр аҳамият бермас эди. Ҳозир, врачнинг хулосасини эшитиб келган чоқда, гарчи бу хулосага ишонгиси келмаса-да, ўзи учун ота каби яқин бўлмиш бу одам дардига бефарқ қарай олмас эди. У ора-сира Асадбекка зимдан, ўғринча қараб «наҳот шундай одамнинг умри шу қадар қисқа бўлса?» деб ўйларди.

Асадбек унинг ўғринча боқишларини сезиб ўтирарди. «Мендан гап кутяпти. Аввал ўзим ўйлаб, пишитиб олай, унга айтмасам, яна кимга айтаман?»

— Чой чақиртирайми? — деди Чувринди узоқ чўзилган сукутдан бетоқат бўлиб.

— Чақиртир, ташқарига чиққим йўқ,— деди Асадбек мулойимлик билан.

Чувринди навбатчи аёлга пул бериб, нималар келтириш лозимлигини айтгач, дарров изига қайтди. У ичкари кириши билан Асадбек қарорини маълум қилди:

— Тунги самолётда қайтамиз. Тайёргарликни кўриб қўй.

— Меҳмон эртага кетади шекилли, кузатмаймизми?

— У манзиратга тушунмайдиганга ўхшайди. Хафа бўлмайди. Сен ҳозир Ҳайдар акангга қўнғироқ қил, боргунимизча билиб қўйсин: Ҳосил яқин орада Москвага келиб кетмадимми ё Хонгирейнинг одамлари биз томонларга бориб у хунаса билан учрашишмадимми?

Чувринди шу гапнинг ўзиданоқ Хонгирейнинг мақсадини англагандай бўлди. Телефонга яқин ўтириши билан Асадбек қарорини ўзгартирди:

— Аввал Козловни топ менга. Ҳайдарга кейин айтасан.

Козловни топиш осон бўлмади. Чувринди Асадбек излаётганини маълум қилгач, бир соатдан сўнг унинг ўзи қўнғироқ қилди.

— Соғлигинг қалай? — деб сўради у Асадбекдан.

— Яхши. Ҳозир Хонгирей билан гаплашдим.

— Тушундим... Сенга аввалроқ айтишим керак эди. Мазанг қочгани учун индамаган эдим. Қисқаси, Ҳосил деган билан алоқа қилишимни истаяпти у. Мен ҳеч қанақа Ҳосил деганни билмайман, деб турибман.

— Сен у билан ўчакишма. Хўп, деявер. Бу ёғини менга қўйиб бер.

Шу билан масала ҳал бўлди. Чувринди Козловнинг гапларини эшитмаган бўлса-да, масаланинг жиддийлигини, Ҳосилбойвачча Хонгирей билан яқинлашиб, Асадбекни йиқмоқ қасдида эканини фаҳмлади.

Агар врачнинг гаплари тўғри чиқса, масала ақл бовар қилмас даражада жиддийлашади.

Чувринди учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи кўндаланг тушади. У Ҳайдар акаси билан бирлашган тақдирда ҳам Ҳосилбойваччага тенг келолмаслигини билади.

## XXIV 6 о 6

### 1

Зоҳид ишга бораётиб йўлда сабоқдош дўсти Солмоновни учратиб қолди. Қачонлардир илм толиблари орасида Ҳабиб Сатторовнинг бир қаноти Зоҳид бўлса, бу дўсти иккинчи қанот эди. Икковлон илмда тўнтариш яшаш қасдида шўнғишди-ю, ярим йўлда Зоҳид фанга хиёнат қилиб, адолат қасрини тиклашга енг шимарди.

— Сенинг фақат башаранг одамга ўхшайди. Меҳр-оқибат тариқча йўқ сенда,— деб гина қилди Солмонов.— Диссертатсия ёқладим, келмадинг. Лоақал телефонда табрикласанг ҳам майли эди.

— Ҳимоянг тушимга кирибдими? Айтсанг бораман-да,— Зоҳид шундай деди-ю, Ҳабиб Сатторов билан сўнги учрашувида домласининг «Солмонов ўн саккизинчида ёқляпти» деган гапини эслади. Эслаб ўзидан ўзи ранжидию, аммо дўстига сир бой бермади.

— Мелисахонангга телефонда айтганман. Навбатчи милиса ёзиб олган, эшитгансану боргинг келмаган.

— У ердан кетганимга яқинда бир йил бўлади. Табрикнинг эрта-кечи йўқ, ҳозир ҳам табрикласам майлими?

— Энди табригингни қизиғи йўқ. Уйга келасан, юзта-юзта қилиб кейин ўйлаб кўрамиз. Мен сендан хафа эмасман. Ҳабиб аканикига нима учун келмадинг, ё буни ҳам эшитмадингми?

— Тўй қилдиларми? Бундан ҳам беҳабарман, рост. Қачонлиги аниқ эсимда йўқ, лекин укаларини кўрувдим. Индагани йўқ. Ҳабиб ака Англиядан келдиларми?

— Йўқ, ҳали. Домланинг ошиғи олчи. Англиядаги илмий маърузалари тугаганидан кейин Америкага таклиф этилганлар. Сен, аҳмоқ, ростдан ҳам беҳабарга ўхшайсан: домла тўй қилганлари йўқ, укалари оламдан ўтди.

— Укалари? Қайсиниси?

— Билишимча, укалари биттагина бўлса керак, тарихчи олим.

— Шу укаларини кўрувдим-да яқинда. Нима бўлибди?

— Жиннихонада экан, ўзини осибди. Эртага маъракаси экан. Балки Ҳабиб акам ҳам келиб қоларлар.

Ана шу нохуш хабарнинг сояси остида хайрлашдилар.

Солмонов бу нохуш хабарни одатий ҳол каби айтди. У Анварнинг жинни бўлгану ўзини осганига ишона қолган. Зоҳидда эса бу хабар таажжуб уйғотди.

Ертасига барвақт туриб Ҳабиб Сатторовнинг ота маҳалласига борди. Ошни еб чиқиб ҳассакашлар орасидан Ҳабиб Сатторов билан Элчинни қидирди. Домласи кўринмади. Элчин эса уч-тўрт оғайниси билан сўхбатлашиб турарди. Тўғри бостириб боргиси келмай, қатор турган одамлар сафига қўшилиб, нигоҳини Элчиндан узмади. Бир неча дақиқадан сўнг, Элчин шу томонга беихтиёр қарагач, нигоҳлари тўқнашди.

Елчин иккиланиб ўтирмай, даврадан ажралди-да, Зоҳидга яқинлашиб, саломлашди.

— Бандалик экан, ошнангизни ҳам бериб қўйибсиз.

Зоҳид барча учун анъанага айланиб қолган таъзия сўзларини айтди. Бундай ҳолларда қарши томон «Оллоҳнинг иродаси» деб қўйгучи эди. Аммо Элчин бу анъанага зид равишда қошларини чимирди-да:

— Бандаликми ё аҳмоқликми? — деди. Атрофдагилар бу гапдан ажабланиб уларга қарашган эди, Зоҳид одамдан холироқ томонга қараб юрди. Элчин унга эргашди.

— Гапингизга тушунмадим? — деди Зоҳид четга чиқишгач.

— Қандай ўлганини эшитмадингизми? Холидий деган хўжайини бор. Ўша билан ўчакишарди. Ўтган қишда бир жиннихонага тиқувди. Бурнига сув кирмабди. Яна жиннихонага тиқибди. Бу аҳмоқ ўзини осибди. Ори келгандир-да.

— Қўйинг, ўтганлар ҳақида ёмон гапирманг.

— Хўп, энди айтинг, уни ўлдиришга мажбур қилишди, а? Хўш, буларни нима қилиш керак? Сиз қамай олмайсиз, чунки сиртмоқда уларнинг бармоқ излари йўқ, сизга эса фақат бармоқ изи керак. Бу Холидий дегани нечта одамни қуритган, сиз билмайсиз. Даъво ҳам қилолмайсиз. Мен бориб Холидийни ўлдирсам, мени отасиз. Мантиқан қаралганда, мен уни ўлдирганим учун мукофотлашингиз керак. Чунки, уни ўлдирсам, нечта одамнинг ҳаётини сақлаб қолган бўламан.

— Сиз ҳеч қандай қонунни билмайдиган одамнинг гапларини айтяпсиз.

Елчин қўл силтади-да, чўнтагидан сигарета чиқарди.

— Жамшиднинг қотилини топдингизми? — деди сигарета тутатиб.

— Йўқ, қидиряпмиз.

— Жамшид ўлдирилганини аниқ биласизми, ўзи?

— У тирик, деб ўйлайсизми?

— Ўйламайман... шунчаки сўрадим. Менда гапингиз бормиди?

— Йўқ, кўнгил сўрамоқчи эдим. Ҳабиб ака келмабдилар шекилли?

— Англиядан келиб-кетиш осонми. Мен хизматдаги одамман, ичкари кирай. Ҳа, бояги гапим жиддий эмас, яна Холидий ичбуруғдан ўлиб қолса, мендан кўриб юрманг.

Елчин шундай деб сўнгги найзасини санчди-ю, нари кетди. Зоҳид азахонадан узоқлаша туриб унинг гап-ларини яна фикр тарозисидан ўтказди. «Жамшид ўлдирилганини аниқ биласизми, ўзи?» деган гапи уни ўйлантирди. Элчин шу гапларини айтаётганида кўзида қувлик учқуни чақнади. Зоҳиднинг зийрак нигоҳи бу учқунни илғади: «Бир нарсани билади шекилли, бекорга сўрамади буни». Зоҳид ишхонасига боргунига қадар Элчиннинг илмоқли саволини ўйлади. «Ҳарҳолда бир нарсани билади. Асадбек тўдасида қандай гаплар борлиги унга маълум. Лекин айтмайди. Қайнотасидан қўрқадими?..»

Саволлар янги саволларни уйғотаверди-ю, аммо биронтасига жавоб топилмади. Шундан кўнгли хира бўлиб, хонасига кирганида Ҳамдам кўнғироқ қилди.

— Прокурор, икки соатдан сўнг менга керак бўласан, хонангда ўтириб тур,— деди у.

Зоҳид унинг кўнғироғини кутишга ваъда берди. Бироқ, ярим соатдан сўнг уни кавказликларнинг ўлими билан шуғулланаётган ҳамкасби чақириб, ваъдани бузишга мажбур бўлди.

## 2

Ҳамдам эрталабдан Сайфи Турдиевни йўқлаб таксопаркка борган, унинг ишга кечроқ келишини билиб, идорадан Зоҳидга кўнғироқ қилган эди.

Сайфи Турдиев ярим соатлардан сўнг келди. Идора олдида турган Ҳамдамни кўрди-ю, оёғи беихтиёр қалтирай бошлади. Орадаги масофа ўттиз қадам чиқмаса-да, минг чақирим йўл босиб ҳоригандай аранг етиб келди. Ҳамдам унинг судралиб қолганини сезиб, кулди:

— Ҳа, ўғил бола, мени кўриб ичинг ўтиб кетдим, нима бало?

Бу ҳазил Сайфига сал дармон бергандай зўраки жилмайди:

— Нега унақа дейсиз, окахон?

— Юришинг бирданига майда қадам бўлиб қолди-да. Хўш, қалайсан? Уканг омонми?

— Худога шукр.

— Очиғини айтайми? Бугун сени тирик кўраман, деб ўйламовдим.

— Ёмон нафас қилманг-е...

— Туш кўрибман. Ана шу дарвозада сенинг каттагина расминг. Тагида таъзия ёзилган: «Сотсиалистик меҳнат зарбдори, ажойиб инсон, меҳрибон дўст Сайфи Турдиев...» Қара-я, ажойиб инсон экансан.

— Ўлгандан кейин ҳамма ажойиб инсонга айланади.

— Хуллас, нимадан ўлганингни билолмай уйғониб кетдим. Тушда ўлик кўрсанг, ўнгингда тирик кўрасан, дейишади, юр, би-ир айланиб келайлик.

Ҳамдам шундай деб кўча томон юрди. Бир неча дақиқадан сўнг Сайфи машинасини ҳайдаб чиқди. Ҳамдам ўтиргач:

— Қаёққа борамиз, окахон? — деб сўради.

— Ўликхонага қараб ҳайда,— деди Ҳамдам совуқ оҳангда.

Сайфи енгил титраб олди-ю, сир бой бермасликка ҳаракат қилиб:

— Қайси ўликхонага? — деди.

— Йигирма саккизинчи майда ўлик сотиб олган жойларингга.

Сайфи бу гапдан чўчиб, Ҳамдамга қаради:

— Менга қарама, йўлга қара. Қўрқма, мен сени қамамайман. Сен мен учун гувоҳсан. Агар ўзингни гўлликка солсанг, жиноятчиларнинг шериги деб рўйхатга тиркаб қўйиш ҳам қўлимдан келади.

— Жон окахон...

— Йўлга қара, деяпман. Ўликхонага ҳайда, гап бор. Калласи йўқ бола экансан. Тайёр ўликни олиб бориб ёқиб юборганларингни билишимиз ўзинглар учун яхши-ку? Одам ўлдириш ёмонми, ё тайёр ўликни ёқиб юбориш ёмонми? Билиб қўй: бизнинг олдимизда гуноҳларинг камайди, лекин хўжайинларинг олдида ёмон гуноҳга ботдинг. Баъзан гувоҳ бўлгандан кўра жиноятчи бўлиб ўтирган ҳам маъқулроқ.

— Бу нима деганингиз?

— Бу деганимки, сени ким ёллаган бўлса, ўша йўқ қилишга уриниши мумкин. Сен овсар, довдираб кириб қолган оламда гувоҳлар ҳеч қачон узоқ яшамайди. У оламда ё ўлдиришинг керак, ё ўлишинг керак, аросат деган гап йўқ. Машинани тўхтат!

Сайфи бу гаплардан довдираб қолгани учун, Ҳамдамнинг ўзи рулни бошқарди.

— Ўлик сотиб олганларингни бизга биров айтмади, ўзимиз топдик. Лекин барибир буни ҳам сендан кўришади. Сен учун ҳозир икки йўл бор: биринчиси қамоқ, қамаб қўйсам, жонингни сақлайсан. Иккинчиси, ҳеч ким билмайдиган ерда яшириниб турасан. Қамаб қўя қолайми?

— Йўқ, йўқ,— деди Сайфи дудуқланиб.— Беркинаман.

— Бугуноқ қорангни ўчир. Мен қўрқитаётганим йўқ. Анави ўзинг топиб берган икки кавказликни ўлдириб кетишган. Сенга ҳам ёпишишлари мумкин, деб ўйляпман. Сен довдирама, менга тўғриси айт: сени ким ёллаган эди?

Сайфи жавоб бермади. Қалтираётган бармоқларига қараб ўтираверди.

— Шу қуёнюрак билан бунақа шилта ишларга аралашиб юрибсанми?

— Мен бунақалигини билмовдим.

— Билганингда-чи? Укангнинг ишини тўғрилаш осон эканми? Кимлигини айтасанми ё йўқми? Билиб қўй, ҳозир хотамтойлигим тутиб турибди. Ёмонлигим тутиб қолса, онангни Учқўрғондан кўрсатаман.

Ҳамдам шундай деб шартта тормозни босди. Сайфи мункиб, пешонасини олдтокчага уриб олай деди.

— Айтмасанг, бекорга ўлиб кетворасан, бола. Мен овозингни ёзиб олаётганим йўқ, протокол ҳам йўқ. Айтсанг, ўзингга яхши. Хўш?

— Айтман, майли, нима бўлса, Худодан. Ҳайдар ака билан гаплашганман.

— Ўзининг шунча йигити туриб, нима учун сенга буюрди? Илгари ҳам борди-келди қилармидинг?

— Йўқ. Уч-тўрт ой олдин бир одам келувди таксопаркка. Ўша билан гаплашаётиб, укамнинг ишини айтувдим. «Чиқариб берадиган одам бор, оҳанини тўласанг, бас», деди. Чиқимдан қочмадим, озгина закат ҳам бердим. У мени Ҳайдар ака билан таништирди. Кейин ўзи йўқ бўлиб кетди. Билсам, ўлдириб кетишибди.



— Жалол Комиловмиди?

— Ҳа, биласизми уни?

— Билганда қандоқ? Уни ҳам ўшанда сен ўлик оборман ўша дарахтга осиб кетишган. Ўша дарахт, чамамда, кимгадир ёқиб қолган. Битта одамни осиб ўлдиришди, битта ўликни осиб ёқишди. Энди кимни осиб экан? Ҳўп, давом эт-чи? Жалол Комилов пулни олиб ўлиб кетди. Пулга ачиниб юрганинга, Ҳайдар аканг йўқлаб келди. Сен хурсанд бўлиб кетдинг. У эса «фалон жойдан биттагина ўлик олиб чиқиб берасан», дедими?

— Йўқ, ўликлигини билмовдим. «Иккита кавказлик йигитнинг молини олиб бориб берасан, хитлар билиб қолса, тўғриси айтиб уларни кўрсатасан, сенга тегишмайди», деганиди. Ўликни кўрганим йўқ, ўраб олиб чиқишди. Машинани айтган жойларига ҳайдадим. Бир четда пойлаб турдим.

— Ўликхонадаги одамни танийсанми?

— Танисам керак. Кўтаришиб чиқувди.

— Нега мужмал қияпсан, «танисам керак», деганинг нимаси?

— Фира-шира эди, чироқ нурида башарасини яхши кўрмаганман.

— Унда башара бор эканми, қоп-қоронғида кўриб таниса ҳам бўлади.

— Ҳа, сочлари узун эди.

Ҳамдам Сайфини машинада қолдириб, касалхона бош табибининг хонасига кирди-да, ўзини танитгач, воқеани қисқа ҳолда баён қилди. Сўнг ўликхонадаги бадбашарани чақиртирди. Бадбашара Ҳамдамни танигандай бўлди-ю, қаерда кўрганини эслай олмади.

— Мен сендан йигирма саккизинчи кунни бир ўлик сотиб олган эдим, эслаяпсанми? — деди Ҳамдам дабдурустан.

Бу гапни эшитган бадбашара чўчиб бош табибга қаради-да, бошини сарак-сарак қилди.

— Алдаяпти, ўртоқ главврач. Бунақаси бўлмаган,— деди.

Ҳамдам гапни чўзмай бош табибдан яна икки хизматчининг киришини илтимос қилди.

Хизматчилар киришгач, уларни бадбашара билан ёнма-ён турғазди-да, Сайфини чақиртирди:

— Йигирма саккизинчи май, кечқурун буларнинг қайси бири ўликни олиб чиқиб берган? — деб сўради расмий равишда.

Сайфи иккиланмай, бадбашарани кўрсатди.

Ҳамдам бу маросимни қоғозда расмийлаштиргач, бош табибдан сўради:

— Нима учун мурда судмедэкспертизада эмас, сизнинг ўликхонангизда ётган эди?

— У касалхонага оғир аҳволда келтирилди. Ҳалокатдан сўнг, тўрт кун яшади. Агар ҳалокат бўлиши билан жони узилганда судмедэкспертизага юборилар эди, буни ўзингиз биласиз-ку? Ҳамдам унга жавоб бермай, бадбашарага қаради:

— Бу биз билан кетади. Калит-палитларини олиб қолинг. Жиноятга алоқаси бўлмаса ҳам, ўликхонадаги қилиғи учун осиб керак буни.

Бадбашара бир оз оёқ тиради-ю, Ҳамдам бақириб, гарданига бир мушт ургач, мулла минган эшакдай бўлди-қолди.

Ҳамдам уни ички ишлар бўлимидаги қамоқхонага қамаб, Зоҳидга телефон қилди. Зоҳиднинг телефони жавоб бермади.

### 3

Зоҳидни ўша кунги ҳамкасби очиқ чеҳра билан қарши олди. У телефонда «тезлик билан учрашишимиз керак», деганидаёқ Зоҳиднинг юрагида чўғланган ғулғулага ҳозирги очиқ чеҳра мой бўлиб сепилиб, аланга олди. «Бир дарди бўлмаса, бунчалик мулойим бўлмас», деб ўйлади Зоҳид. У янглишмади. Гапни узоқдан бошлаган ҳамкасби Жамшиднинг ўлими тафсилотига яқинлашгандаёқ, Зоҳид гумони тўғри эканини фаҳмлади.

— Суннатуллаевнинг қотиллари ўлдирилди,— деди ҳамкасби унга синовчан назар ташлаб.

— Аввал ўша мурда Суннатуллаев эканини исботлаш керак,— деди Зоҳид.

- Биз ҳозирча ўша мурда Суннатуллаев, деб ишонгандай бўлаверайлик-чи. Хуллас, қотиллар...
- Қотил деб гумон қилинганлар,— деб тузатди Зоҳид.
- Ҳа, гумон қилинганлар тасодифий ҳолда ўлдирилди.
- Балки атайиндир?
- Тўғри, балки атайиндир. Фақат илтимос, гапнинг белига тепмай, эшитинг. Демак, қотиллар ўлдирилган. Юзаки қаралса, ишни ёпиш ҳам мумкин. Биздаги маълумотларга қараганда, биродарларимиз орасида ишни шу тарзда ёпишни истовчилар ҳам бор. Бу каттамузга ҳам маълум. Биз маслаҳатлашиб, бир қарорга келдик. Майли, шундай бўлишни истовчилар муродларига ета қолсинлар. Биз гўё ишни ёпайлик.
- Бу мумкин эмас,— деди Зоҳид кескин тарзда.
- Гапимни диққат билан эшитинг, мен «гўё» деяпман, а? Ишни ёпайлик-да, кузатайлик, яна нималар қилишаркан?
- Нима қилишарди, эртага яна биттасини, индинга ўнтасини ё осади, ё отади. Биз «гўё» деб ўтираверамиз. Эшакларга ферма йўқ, а? Худди шунга ўхшаб, уларга ҳам қонун йўқ.
- Сиз туппа-тузук жиззаки экансиз. Бизнинг ишимизда бу ёмон иллат ҳисобланади. Бир нарсани аниқ тушуниб олинг: сиз бир киссавурнинг ишини олиб бормаяпсиз. Сиз газитчиларнинг тили билан айтганда, «уюшган жиноятчилар» билан олишмоқчисиз. Тушуняпсизми, улар чиндан ҳам уюшган. Улар битта ё иккита эмас. Сиз-чи? Хўп, ёнингизда яна иккита, боринг, ана уч-тўртта угро инспекторлари бордир. Сизнинг ҳамлангиз улар учун писта чақиб ташлангандай бир гап. Улар айрим идораларга қадар кириб борганларини мендан яхши биласиз. Каттамуз буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, аниқ режа билан, илдизни қуритар даражада ишлаш керак, деяптилар. Шунинг учун керак жойда ҳийла ишлатамиз. Ишни ёпиш — биринчи ҳийламуз бўлади. Сизга бугун-ерта ишни ёпишни шама қилишса, майли, аввал жиззакилик қилинг. Каттага рапорт ҳам ёзинг. Фақат рапортга рад жавоб берилса, дод деманг. Сизга топширилган бошқа ишни юритаверинг. Лекин бу ишдан бутунлай кўз юммайсиз, зимдан иш юритаверасиз. Кавказликларнинг ўлими бўйича ишни мен юритаман, демак, барча маълумотлар менда тўпланиши керак. Гапимга тўла ишонишингиз учун бир сирни очай: бу масала бошқа идоралар билан ҳам келишилган. Биргаликда ҳаракат қилинади. Масаланинг жиддийлигини энди тушундингизми?
- Зоҳид гап оҳангидаги самимиятга ҳам унча ишонқирамади. Бир оз ўйлаб ўтиргач:
- Балки аввалги ишимга қайтганим маъқулдир? — деди.
- Бу фикрни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Бир гап айтаман, талтайиб кетманг яна: каттамузнинг сизга меҳри тушган. «Прокуратурани Шариповга ўхшаганлар ҳисобига мустаҳкамлаш керак», деди. Худо билади, балки яқин ўртада ёнма-ён хонада ишлармиз?
- Мен ўйлаб кўришим керак.
- Ўйлаб кўришим керак? Гапларимга ишонқирамаяпсиз шекилли?
- Тўғриси айтмайми? — деди Зоҳид унга тик қараб.— Унча ишонмаяпман.
- Ўтган сафар ҳам кўришганимизда айтган эдим. Бу касалликдан қутулишга ҳаракат қилинг. Шундай дегач, у Зоҳидни кузатиб қўйди.
- Зоҳид ташқарига чиқиб соатига қаради-ю, Ҳамдамнинг гапини эслади. «Мени қидираётгандир», деб изига қайтди-да, навбатчининг телефонида унга қўнғироқ қилди.
- Қаёқларда санқиб юрибсан, прокурор, тез етиб кел, сенга алламбало совға тайёрлаб қўйдим,— деди Ҳамдам.
- Зоҳид аввал ўзи ишлаган депара ички ишлар бўлимига келиб, Ҳамдамнинг алламбало совғаси нима эканини билгач, ўйланиб қолди.
- Ҳа, қилган ишим ёқинқирамадимми? — деди Ҳамдам гина оҳангида.
- Ёқишга ёқди... Лекин бу иш... ёпиляпти.
- Нега ёпилади? Чигални энди ечяпмиз-ку? Яна бир ҳаракат қилсак, уларнинг гирибонидан оламуз.

— Шунақа-ку... лекин... Ҳамдам ака, илтимос, сиз ҳозир қистовга олиб сўраманг, мен айтмай.  
— Мендан сир яширадиган бўлиб қолдингми?  
— Яширмайман. Вақти келганда айтаман, хафа бўлманг,— Зоҳид шундай деб телефон гўшагини кўтариб, ҳамкасбига телефон қилди:  
— Шариповман,— деди у.— Йигирма саккизинчи майда ёқилган мурдани сотган одам ушланган. Нима қилайлик?  
Ҳамкасби дарров жавоб бермай, ўйланди. Сўнг:  
— Қўйиб юборинг,— деб амр этди.— Бошқа ёққа кетиб қолмаслик ҳақида тилхат олингу қўйиб юборинг.  
— Қўйиб юборсак, кавказликлар ортидан жўнаб қолмасмикин? Балки жонини сақлаш учун ҳам қамаш керакдир?  
— Йўқ, уни кузатиш масаласини ўзимиз ҳал қиламиз.  
Зоҳид гўшакни жойига қўйиб, оғир тош кўтариб чарчаган одамдай Ҳамдамга қаради:  
— Шунақа гаплар, ака, тилхат олиб қўйиб юборинг. Таксичини ҳам.  
— Мен унга қочиб қол, девдим.  
— Йўқ, қочмасин. Эҳтиёт чорасини кўришар экан.  
— Мен сенга тушунмай қолдим, прокурор? — деди Ҳамдам овозини баландлатиб.  
Зоҳид эса унга қараб ҳазин жилмайди-да:  
— Ўзим ҳам тушунмай қолдим,— деди.  
— Қулоққа лағмон осма, прокурор, сен балога тушунадиган боласан. Бир денгизчидан «аҳвол қанақа?» деб сўрашса, «кайфиятлар аъло, чўкяпмиз» деган экан. Бизнинг аҳволимиз ҳам ўшанақа эмасми?  
Зоҳид Ҳамдамга жавоб қайтара олмади.

## XXV б о б

### 1

Елчин Зайнабдан хабар олгани нонуштадан сўнг келди. Тўйда кечаси билан хизмат қилгач, пешинга қадар ухлаш одати бор эди. Хотинининг кечаги аҳволи унинг бемалол ухлашига йўл бермади.  
Елчин ўзига пешвоз чиқиб, саломлашган қайнонасининг кўзида яширин бир саросимани сизди. «Яна мазаси қочдимми, яна касалхонага олиб бориб қўйишдимми?» деб ўйлади. Айвонга етар-етмас уйдан Зайнаб чиқиб келгач, «хайрият» деб қўйди. Зайнаб эрига салом бераётганида нигоҳини олиб қочди. Элчин буни ҳам сизди. «Она-болага бир гап бўлган-ми?» деб қўйди. Ичкари кириб дуо қилинган, Манзура чой баҳонасида чиқди.  
— Тузукмисиз? — деди Элчин, хотинига тикилиб.  
Зайнаб бу қарашга дош беролмади.  
— Раҳмат,— деди синиқ овозда. Сўнг нигоҳини кўтармаган ҳолда: — Дадам келгунларича шу ерда туриб турсам майлими, ойим ёлғизлар, — деб сўради.  
Елчин Асадбекнинг хасталаниб қолганидан беҳабар, «бир-икки кунда келиб қолар», деб рухсат берди. Авваллари Зайнаб бундай илтижо билан сўрамас эди. «Уйга бораман» ёки «ётиб қоламан» деб қарорини маълум қиларди. Шунда Элчин «минг қилса ҳам отасининг қизи-да», деб ғаши келарди. Ҳозир иболи хотин сингари одоб билан ижозат сўрагани учун ҳам осонлик билан кўнди.  
Манзура эр-хотин гаплашиб олсин, деган фикрда чойни дамлаб, дарров кира қолмади. Бундан Зайнаб бетоқат бўлди. У онасининг тезроқ киришини, эрининг тезроқ кетишини истаётган эди. Назарида, эри кўзига тикилиб туриб:  
— Кеча қаерда эдинг? — деб сўраб қоладигандай эди.

Онаси киравермагач, Зайнаб ўрнидан турди:

— Мен борай энди, — деб Элчин ҳам қўзғолди.

Ер-хотинни айвонда кўриб, Манзура ошхонадан шошилиб чиқди:

— Вой, нимага турдингиз? Ҳозир чой қайнайди. Газ ўлгур аксига олиб пастлаб қолди-я...

Елчин ишини баҳона қилиб хайрлашди.

Зайнаб эрининг тезда қўзғалганидан мамнун бўлиб, ётоғига кириб кетди. Манзура изма-из кирди-да, қизининг юзини силади:

— Эринг бир нима дедими?

— Адам келгунларича туришимга рухсат бердилар. Ҳозир тўйлари кўп, эрталабга яқин келадилар.

— Тўй-пўйини йиғиштирса бўларди. Адангга айтайлик, биронта иш топиб берсин.

— Қўйинг, ойи, билганини қилсин. Бирпас дам олай...

Онаси пешонасидан ўпаётганида Зайнабнинг эти сесканди.

Онаси чиқиб кетгач, юзтубан ётиб олди.

У ярим тунда келиб, онасини қўрқитиб юборган эди. «Куёвингиз тўйдалар, уйда ёлғиз қўрқдим», деб баҳона қилди. Манзура бу баҳонага унчалик ишонмади. Чунки кеч соат ўнларда қўнғироқ қилганида ҳеч ким жавоб бермаган, болохонадаги йигитлардан бирини юборганида у «дарвоза қулф, чироқ ўчган», деб келган эди. Манзура «ер-хотин меҳмонга кетгандир», деб ўйлади-ю, аммо «нима учун менга айтмади?» деб барибир хавотир олди. Қизининг тунда, паришон ҳолда кириб келиши, ундан қандайдир ёқимсиз ҳид таралиши Манзурани ғалати ҳолга солди. Зайнабни қийин-қистовга олишга қўрқди. Бир томондан тоби йўқ, бошқа томондан жаҳл устида яна ўзини бир нима қилиб қўйишидан қўрқди...

Куёви келгандаги нигоҳида беҳос зуҳур бўлган ҳавотир учқуни шундан эди.

Зайнаб одамийлик либосини ечиб, ҳайвонлик мартабасига тушган уйдан чиққанида кўчалардаги қатнов ҳали тўхтамаган эди. Шайтон ғолиблигида аввал лаззат топган, сўнграқ ўз-ўзидан нафратланган бу жувонга кўчалар, наинки кўчалар, олам тор туюлар эди. У овсар ҳолатида кўп кўчаларни кезди. Қаерларда тентираб юрганини ҳозир ҳам фаҳм эта олмайди. Қаёққа боришни, нима қилишни истади — бу ҳам эсида йўқ. Ёдида қолгани — анҳор кўпригидан ўтаётганда «ўзимни ташласам-чи, бира тўла қутулсам-чи», деган ўй хаёлига келди. Назарида, сувдан бир овоз ҳам келди: «Кел, чўмилиб ол, покланиб ол. Поклик дунёси шу ерда, кела қол!» Овозни эшитиб қўрқди. Ўзини қирғоқдан олиб қочди. Ёдида қолгани фақат шу. Уни ажаблантиргани, янада аниқроқ айтсак, ваҳимага солгани шуки, уйга келиб бир озгина мудраганда ҳам, уйғонганида ҳам шу овозни эшитгандай бўлди. Ҳозир, онаси чиқиб кетганидан сўнг ҳам қулоғига шу овоз урилиб, сапчиб туриб кетди.

«Бунақада жинни бўлиб қоламан, — деб ўйлади, икки чаккасини уқалаб. — Нима қилай? Ёлғиз ўтирсам вос-вос бўлишим турган гап. Ким билан гаплашай? Ким кўнглим чигилини ёзади?

Мардона... Йўқ, йўқ...».

Зайнабнинг нафаси қайтиб, ҳовлига чиқди.

## 2

Аввал бир қанот қирқилди, сўнграқ иккинчиси...

У икки қаноти кесилиб, мушуклар орасида қолган мусича ҳолига тушди. Кечагина у ўзини лочин ҳис этган эди. Душманига човут солмоқни ният қилган эди. Энди билса у бор-йўғи мусича экан... Икки қаноти йўқ мусича...

Дунёдаги ҳамма зўр табиблар йиғилиб «шу одам жинни», деб хулоса чиқарганида ҳам Элчин ишонмас эди. Айниқса жинни бўлиб, ўзини осиши. Элчин дўстидан айрилганига бир куйса, одамларнинг «ақлдан озган эканда, а?» деб ишонганларига ўн куяр эди. У Хонзоданинг «кейинги пайтларда ғалати бўлиб қолувдилар ўзи», деганини эшитиб, бу хотиндан ҳам нафратланиб кетди.

Тушларида Анварни кўриб, алаҳсираб уйғонадиган бўлди. Бир куни мизғиган чоғида Анвар оппоқ либосда кўриниб, маймунбашара одамга қўлини бигиз қилди: «Менинг қотилим шу, устознинг қотили ҳам шу,— деб Элчинга қаради: — Қасос олмайсанми? Ноила учун қасос олмоқчи эдинг. Мен-чи? Арзимамайманми?..»

Елчин кўзини очиб, ўйланиб қолди. Кўргани тушими ё ўнги эканини англамади.

Ўша куниёқ у Ҳалимжонни излаб топди. Дафъатан мақсадини айта олмай, гапини узоқдан бошлади:

— Ишлар қандай бўляпти энди? — деди.

Ҳалимжон «буларнинг иши қандай эканини наҳот билмасангиз?» дегандай унга ажабланиб қаради.

— Қанақа қопқонга тушганимни билмай турибман, ака, — деди гарданини қашиб. — Ҳайдар ака деганлари, билмайман, одамми ё хўкиз-пўкизми... Гапга тушунмайди. Хўкизга «хў-ўш!» десангиз тушунади, бунингиз тушунмайди. Ўзи жимиттақкинаю ҳавоси девдак. Бир хил пайтларда мижиб ташлагим келяпти. Бошқалари ҳам шунақа бўлса, ранжимангу ака, булар минан менинг чатағим йўқ.

— Ҳа, нима бўлди ўзи?

— Мен Асад акага ҳам тўғриси айтганман. Уриш-ўлдириш менинг касбим эмас. Ҳайдар ака туновинда бир иш топширди. Ака-укаларнинг кимдандир қарзи бор экан. Икковини тутиб келишди. Укага айтилди-ки, уч соатда пул бўлсин, етказиб келмасанг, аканг ўлади. Мен содда, буни пўписа деб ўйлабман. Уч соатда пул келмагач, акани уриб, мижиб қўясан, деб менга буйруқ берди. «Урмайман», дедим. Тўғри-да, уни танимасам, билмасам. Пули йўқдирки, вақтида бермагандир. Йўқ, тушунтира олмадим. Бошқалар уриб кетишди. Мен уни ажратиб олдим.

— Бекор қилибсиз. Улар балки сизнинг ҳимоянгизга арзимас.

— Нега ундай дейсиз? Пул учун ҳам одамни шундай уриш мумкинми?

— Мумкин. Пулнинг қанчалигини билмадингизми? Бу ака-ука кимнидир куйдирган. Буларнинг қўлида пул айланиб туриши керак. Айланмаса «ўлик пул» дейишади. Гаровда миллион сўминг турибди нимаю миллионта мурданинг эгаси бўлдинг нима, фарқи йўқ. Улар орасида «пул жигар қонидан бўлган» деган ақида юради. Пул учун қотил ёллаб, энг яқин одамни ҳам ўлдиртириб юборишдан қайтишмайди. Ўша сиз раҳм қилган ака-ука, бугун қарздан қутулиб, эртага бировни қарз қилиб, худди шу ҳолга солади.

— Барибир ноҳақлик-да, ака?

— Ноҳақликка ноҳақлик. Мен уларни оқлаётганим йўқ. Вазиятни тушунтиряпман. Ҳалимжон, бу кеча ё бугун бошланган иш эмас. Қадимдан шунақа бўлиб келган. Шу маҳаллада инқилобдан олдин Букир қиморвоз деган одам ўтган экан. Қариб, қимордан нари бўлгач, қозилик қила бошлабди. Ким сигирми, отми йўқотса шу одамга арз қиларкан. У топиб бераркан. Сигир эгасидан ҳам топиб бергани учун, ўғридан миршабга топширмагани учун ҳақ оларкан. Ана ўшанинг иши ҳозир сал бошқача кўринишда-да. Сиз ноҳақлик дейсиз. Хўп, унда ҳақ томонга кўчайлик: Кесакполвонни ўлдириш керак, десам, ўлдирасизми?

— Қим?

— Ўша Ҳайдар акангизнинг лақаби Кесакполвон. Унинг маразлигини билиб турибсиз. У ўлдирилса бу ёқдаги қанча жонлар омон қолади.

— У ўлдирилса шериклари бор-ку, ишни давом эттираверишади.

— Улар ҳам бирин-кетин ўлдирилади.

Ҳалимжон ҳуштак чалиб қўйди.

— Бўладиган гап эмас, бу ака.

— Мен сизга бир сирни очишга мажбурман. «Ҳофиз акам булар билан бир қозондан ош ичади», десангиз янглишасиз, ука. Мен ўлганимнинг кунидан улар билан биргаман. Мен уларнинг товоғидан ош ичмайман. Мен илон бўлиб уларнинг бағрига кириб олишим керак эди. Кирдим.

Энди битта-битта чақиб ўлдираман. Биламан, бу осон эмас. Менга ёрдам керак. Сизни биринчи марта кўргандаёқ мен шуни хаёл қилдим. Асадбек ёнида юрсангизу, менга лозим пайтда кўмаклашсангиз, биз буларнинг илдизини қуритамиз.

Кутилмаган бу гап чинми ё синаш учун айтиляптими, Ҳалимжон тушунмади.

— Буларнинг қилиб юрган ишидан кўпчилик норози, кўпчилик қўрқади. Лекин кимдир унга қарши чиқиши керак-ку? Сиз ҳалол, адолатпарвар дўстларингиз билан мени таништиринг.

Мана, яқинда бир қадрдон дўстим ўзини осди.

— Шуларни дебми?

— Йўқ, бошқа одам мажбур қилган. Ўша одам ўша жиннихонада, ўша ҳожатхонада осилиши керак. Дўстимнинг руҳи шуни талаб қиляпти. Бунинг учун ҳам менга ёрдам керак.

— Ҳофиз ака, ранжиманг, бу гапларингиз менга ёқмаяпти.

— Ҳалимжон, ўйлаб кўринг. Бусиз адолат бўлмайди. Понани пона билан чиқарилади.

Бу ёвузлик уясига тушиб қолиб, ёлғиз қуш ҳолатида юрган Ҳалимжонга Элчиннинг гаплари бошқа бир ёвузлик уясига чорлаш каби туюлди. Элчин унинг ҳолатини тушунгани учун «енг муҳими айтдим, ўйлаб кўради», деб узоқ даъват қилмади.

Ҳалимжон хайрлашиб, қайтаётганида дарвоза бўсағасида Шомилга дуч келди. Иккови аввал бир-бирига таажжуб билан тикилди. Бир нафасдан сўнг таажжуб ўрнини бургут қараш эгаллади. Яхшики, буларнинг хўроз каби патлари йўқ, бўлгандами, дарров ҳурпайтириб олардилар. Шомил Ҳалимжоннинг орқасидан келаётган Элчинни кўриб совуқ тиржайди-да, дарвоза бўсағасидан чекиниб, йўл бўшатди. Ҳалимжон эса заҳарли қарашига ислоҳ киритмаган ҳолда унинг ёнидан ўтиб, машинасига ўтирди. Ўн қадам наридаги «жигули»да бир аёл ўтирганини кўрди, аммо «ким экан у?» деб синчиклаб қарамади.

Ҳалимжон кетгач, Шомилнинг ишораси билан жувон машинадан тушиб Элчин сари кела бошлади. Жувон ғоят гўзал, юриши ҳам ўзига яраша таманноли эди. У Элчинга яқинлашиб, ёш кўнгилларни энтиктириб юбориш қудратига эга бўлган ширин жилмайиш ҳадя этди-да, қўлини узатиб:

— Валя, — деб ўзини таништирди.

Энтикиш ёшидан ўтган бўлса-да, Элчинга бу жононнинг жилмайиши хуш ёқди, оппоқ, момик қўлнинг тафти эса вужудига илиқлик берди. Бу илиқликни ўша заҳоти Шомилнинг ёқимсиз овози ҳайдади:

— Хонимнинг зарур иши бор экан сенда, — деди у Элчинга.

Елчин ўзини таништириб, ичкари таклиф этгач, Валя Шомилга қаради-да, «сен машинада ўтира тур, бу ерда машина ўғрилари кўп деб эшитдим», деб остона ҳатлаб ичкари кирди. Валя шу амри билан ўзининг мартабаси баланд экани, Шомилни эса ночор бир қул эканини таъкидлади.

Елчин: «Шомилнинг попугини пасайтириб қўйган бу ойимча ким бўлди?» — деб ажабланди. Валя Элчинни жумбоқлар денгизида сузишига йўл қўймади. Уйга кириб ўтириши билан мақсадга кўчди:

— Мени Зея юборди.

— Ким? — деди Элчин ўзини тушунмаган қилиб кўрсатиб.

— Зелихан, академик, — деди Валя.

— Ўзи қаерда?

— Ўзи Сочида. Зарур иш билан банд. Келолмади. Бир гапни айтиб юборди: охирги марта тунаган жойда Достоевскийнинг тўртинчи жилди орасида бир варақ қоғоз бор экан. Унда пул қаерга яширилгани айтилган экан.

— Қанақа пул? — деди Элчин юзига овсарлик ниқобини тушуриб.

— Йиғиб қўйган пули бор экан. Шуни топиб, ярмини мендан бериб юборар экансиз.

— Ярми-чи?

— Ярми сизга экан. Нима қилишни ўзингиз билар экансиз. Қаерда тунаганини биларсиз?

Бўлиқ сонига Элчиннинг бот-бот қараб қўяётганини сезган Валя этагини янада юқори кўтариб, оёқларини чалиштириб олди.

— У бир жойда яшамас эди. Ётиб юрадиган бир-икки жойини биламан, вақтим бўлганда қараб қўярман.

— Кутишга фурсат йўқ. Бирга борамиз. Шу бугуноқ.

— Менга ишонмайсизми?

— Сиз-чи? Менга ишоняпсизми?

— Ҳам ишонмаяпман, ҳам ишоняпман, — деди Элчин кулимсираб.

— Сабаб?

— Ишонишимнинг боиси, Зели оға чиройли аёлларни танлашга усталар. Иккинчидан, яқинда менга Сочидан қўнғироқ қилдилар. Ишонмаслигимнинг сабаби — телефонда бу ҳақда ҳеч нима демадилар.

— Бу телефонда айтадиган гап эмас. Кетдикми?

— Ҳозир мен ишга боришим керак. Кутишяпти.

— Ансамблингиз бор экан, а? Мен ҳам санъатга ўлардай қизиқаман. Репетитсиянгизга олиб боринг, зерикмайман, рост.

Елчин «қувгина хонимча эканми?» деб ўйлади-да, унга қараб жилмайиб:

— Марҳамат, юринг, — деди.

Елчин машинани кўчага олиб чиқаётганида Валя Шомилни имлаб чақирди-да, «орқамиздан қолма», деб шипшиди.

Елчин Валянинг мақсадини дарров фаҳмлади. Рўпарадаги кўзгудан қараб, Шомилнинг изма-из келаётганини кўрди. «Зели оға ташлаб кетган бойликнинг чўғини билишади шекилли, — деб ўйлади Элчин. — Ширага ёпишган итпашшага ўхшаб қолишдим, энди булардан осонликча қутулиш мумкинмасдир. Бирон чора ўйлашим керак. Бу хонимча чиндан ҳам Зели оғани билади. Достоевскийнинг тўртинчи жилдини фақат Зели оға айтиши мумкин. Лекин нима учун айтди, нима учун айнан шу хонимчага айтди? Нима учун бу хонимча ғилайни лайчадек эргаштириб юрибди?..»

Валя унинг кўзгу орқали бот-бот қараётганини сезиб:

— Бир нарсдан хавотирдамисиз? — деб сўради. Кейин изоҳ берди: — Орқадаги машинадан қўрқманг. Керакли уйга кириб чиққанимиздан сўнг сизга юк бўлмай олиб кетар, деган мақсадда «изимиздан юр», девдим.

— Валя, сиз менга яхшироқ қаранг, мен қўрқадиган ёшдан ўтганман. Зели оға тарихимни айтиб бермадими?

— Сиз ҳақингизда жуда оз гапирди. Лекин энг муҳим ишни айтиб кетди.

— Айтиб кетди? — Элчин ажабланиб унга қараб олди.

— Айтиб юборди, демоқчиман, — деди Валя хатосини тузатиб. — У сиз ҳақингизда Хонгирейни огоҳлантирди. Энди сиз шахсан Хонгирейнинг ҳимоясидасиз. Ҳеч нарсдан қўрқманг.

— Анави ғилайдан ҳамми? — деди Элчин ҳазил оҳангида.

— Фу, — деди Валя лабини буриб, — у пешка-ку! Қулвачча-ку!.. Ҳа-я, эсимдан чиқибди. Зеля яна бир гапни айтиб юборди. Сизни қизиқтирган одам чиндан ҳам Сочида эди.

— Ким?

— Жамшид, — Валя Жамшид билан танишганини, ғордаги учрашувни қисқача баён қилди.

— Ҳозир ҳам Сочидами?

— Кетган бўлиши ҳам мумкин.

— Қаёққа?

— Балки Москвададир. У энди Хонгирейнинг хизматини қилади.

— Ўзи истадими?

— Унинг истаги кимга керак, Хонгирей истади.

— Ўзи хоҳламаса-чи?

- Унда... ростдан ҳам ўлади.
- Хонгирейнинг одами камми, уни нима қилади?
- Бу, азизим, уларнинг иши. Сиз ҳозир репетитсиянғизга кетяпсизми, демак, шу ишни ўйланг.
- Умуман, яхши таклифни айтдинғиз. Бизда оч қорним, тинч қулоғим, деган мақол бор.
- Мақолинғиз ёмон эмас, аммо қорин тўқ, қулоқ тинч бўлса, яна яхшироқ.
- Валя, бир нарсени сўрамасам, «бу одам ғирт лақма экан, бир оғиз гапимга ишониб хазинани қўлимга тутқазиб юборди», дейсиз. Мен Зели оғани биламан, қўли очиқ одам. Лекин сизга бунчалик хотамтойлик қилганининг боиси нима экан? У билан яқин эдинғизми?
- Эр-хотиндан ҳам яқинроқ эдик.
- Тушунмадим?
- Нимасига тушунмайсиз? Сизга ўз хотининғиз яқинми ё ўйнашинғизми? Ҳар бир эркак хотинидан қизғанганини ўйнашига ҳеч иккиланмай сарфлайди, ё нотўғрими? Буни сиз яхши биласиз. Санъаткорнинг ўйнаши кўп бўлади.
- Афсуски, мен ўйнаши йўқ санъаткорларданман.
- Ў, шундайми? Бунинг учун чиндан ҳам афсус қилиш керак ва бу хатони тузатиш шарт, — деди Валя кулиб. — Менга ўхшаганларни топиб олинг.
- Сизга ўхшаганлар бу шаҳарда бошқа йўқ бўлса-чи?
- Мен ҳозирча шу шаҳардаман-ку?! — Валя шундай деб кўзларини нозли сузди. Елчин кўзгуга қараб олди-да, машина тезлигини оширди. Буни сезган Валя «нима гап?» деб хавотирланди.
- Қозоқлар чиройли жувонларни олиб қочиб кетишади. Мен ҳам сизни ғилайдан олиб қочяпман.
- Сиз қозоқ эмассиз-ку?
- Чиройли жувонга етишиш учун қозоқ бўлсам ҳам майлига.
- Бир неча чорраҳани кесиб ўтишгач, Шомил бошқараётган машинанинғ қораси ўчди. Бу Элчин учун муддаонинғ ўзи бўлди. У ғилайни қандай чалғитсам экан, деб турганида жонон қочиримли гапи, нозли қараши билан унга баҳона топиб берди. Валяга эса Шомилнинг кўздан йўқолгани ёқмади. Чунки Ҳосилбойвачча унга Элчиннинг ким эканини айтган, эҳтиёт бўлишни тайинлаган эди. Уларнинг мўлжалича, Зелихон бойликнинг ярмини инъом этдими, демак, ҳаммасига эга чиқиш мумкин, отарчини улушга қўшишнинг ҳожати йўқ.
- Ҳосилбойвачча: «Елчин у жойни балки дарров кўрсатмас, балки чалғитишга ҳаракат қилар, майли уринаверсин, биз унинг ҳар бир босган қадамини кузатамиз», деб эди. Биринчи ҳаракатдаёқ кузатувчиси панд еди. «Чиндан ҳам айёрга ўхшайди», деб ўйлади Валя. Лекин ташвишга тушмади. Ўн уч ёшидан бери Хонгирейнинг тарбиясида бўлган бу жувон бири иккинчисига ўхшамаган ҳийла-найрангларни кўравериб, кўзи пишиб кетган. У Элчинни дастлаб кўрганидаёқ «буни мушук боладай ўйнатаман», деб қўйган эди, ҳозир унинг ҳаракатини кузата туриб, «барибир ўйнатаман» деб аҳдини қатъийлаштирди.
- Валя Элчиннинг сонига шапатилади:
- Секинроқ ҳайда, ғилай сенга ёқмаса шундай ҳам орқасига қайтариб юбораман, — деди.
- Буйруқ билан қайтаришнинг қизиғи йўқ, олиб қочишнинг мазаси бошқа, — деди Элчин, ўзини гўлликка солиб. — Валя, репетитсияга бормайман. Сени ҳозир Зели оғани кузатиб қўйган уйга олиб бораман. Еттинчи қават, ўнгдаги биринчи эшик. Сенинғ адашинғ, Валентина Михайловна. Кирасан, айтасан, ўша китобни ўзинг оласан. Кейин, рози бўлсанг, ресторанда отамлашамиз.
- Яхши. Аммо уйга бирга кирамиз. Алдаб кетасан, деган гумонда эмасман. Ўша нарса иккаламизга тегишлими, демак, бирга кириб, бирга оламиз.
- Еттинчи қават, ўнгдаги жигарранг чарм қопланган эшикни ёши элликларда бўлган, аммо малоҳатини сақлаб қололган аёл очиб, Элчинни очиқ чеҳра билан қарши олди.
- Бу Валя, Зели оғанинғ хотини, — деди Элчин, «ўйнаши» дейишни эп кўрмай.



- Хотини эмасман, нега ёлғон айтасан? — деди Валя. — Ўйнашиман. Ўйнаш хотиндан ҳам яқинроқ бўлади, шундай эмасми, Валентина Михайловна.
- Тўғри, — деди уй бекаси кулиб, — Зелянинг уйланганига барибир ишонмас эдим. У уйланиб, оёқ-қўлларини боғлайдиган эркаклардан эмас. Ўйнаш эканингизга ишонаман. Чунки Зелянинг диди зўр. Унча-мунча жувонни ўйнаш тутмайди.
- Валентина Михайловна, сизда Достоевскийнинг китоблари борми? — деб сўради Элчин.
- Бор. Тўлиқ асарлар тўплами бор. Нима эди?
- Тўртинчи жилдда менга аталган бир хат бор экан, кўзингиз тушмадимми?
- Савол қизиқ, мен китоб ўқийманми? Муқоваси чиройли бўлгани учун жавонга териб қўйганман. Кир, қарай қол.
- Тўртинчи жилдда дарҳақиқат мактуб бор эди. Элчин қоғозни олиб, Валяга узатди. Валя хатга кўз югуртир- ди-ю, ранги бўзариб, уни яна Элчинга қайтарди-да:
- Қайси тилда ёзган ўзи? — деб минғирлади.
- Элчин хатни ўқиб, Валяга нигоҳини ўқдек қадади:
- Зели оғага нима бўлди? — деб сўради совуқ оҳангда.
- Валя унга жавоб бермай, хатни олиб сумкасига солди-да:
- Раҳмат, Валентина Михайловна, биз шошиб турибмиз, — деб эшик томон юрди.
- Унинг тез-тез юришидан, гапиргиси келмай қолганидан, машина эшигини қарсиллатиб ёпишидан Элчин билдики, ҳаяжонланяпти. Элчин арқонни узунроқ ташлашга аҳд қилиб, машина моторини ўт олдириди-да «қаёққа?» дегандай Валяга қаради.
- Ҳосилникига ҳайда, — деди Валя амр оҳангида.
- Бир неча дақиқа бурун кўзлари нозли сузилиб, ўйнашликка рози бўлаёзган хоним энди бекалик мартабасига чиқиб олди. Элчин ҳам унга сўзсиз бўйсунди.
- Нима ёзганини сўрамадинг? — деди Элчин бир оз юришгач.
- Ҳосил таржима қилиб беради.
- Ҳосилникига боргунча хатнинг мазмуни ўзгариб қолмайди. Унда хазина ҳақида гап йўқ.
- Нега? — Валя унга ҳайрат билан тикилди. — Нимани ёзибди?
- Сен аввал Зели оғага нима бўлганини айт.
- Айтсам, айтмасам у энди йўқ, билдингми?
- Нима бўлди?
- Менинг билганим шуки, у Москва юритаётган бир сиёсатга аралашиб қолган. Бу соҳада бирон нимани билиб қолган кимсанинг тирик юриши мумкин эмас.
- Ўлдиришдимми? Қаерда? Сочидами?
- Билишимча, ўзининг қишлоғида.
- Қизиқ... у қишлоғига кетган эди. Менга Сочидан қўнғироқ қилди. Сочига нима учун борди, сени кўрганими? Кейин яна қишлоғига қайтдимми?
- Менинг билганим шуки, Сочига уни Хонгирей олдириб келди. Қутқариб қолмоқчи эди, эплай олмади. Бу масалани чуқурлаштира, қанча тез унутсанг, ўзингга шунча яхши. Хатда нима дебди? Унга бир нима бўлганини қайдан пайқаддинг?
- «Узоқроқ сафарга қайтмас бўлиб кетсам...» деб ёзибди.
- Кейин-чи?
- Бўйиндаги қарзни сен тўлаб қўй, дебди.
- Қанақа қарз?
- Фарғонада бир турк қадрдони бор эди. Уйлари ёниб кетган экан. Шунинг ўрнига масжид қурдир, дебди.
- Масжид? — Валя сумкасидан сигарет чиқариб лабига қистирди-да, тутатди. — Эси паст эди Зелянинг, эси пастлиги учун ўлиб кетди.
- Унинг ўлганини ўзинг кўрдингми?
- Йўқ... Менинг уйимдан олиб кетишди. Ўлганига ишонмаяпсанми? Ишонавер. Уларнинг

чангалидан чивин ҳам қутулиб чиқолмайди.

Елчин Ҳосилнинг маҳалласига етганда чап қолиб, атайин ўнг томонга бурилди. Валя буни кўриб:

— Чапга юрмайсанми? — деди.

Елчинга шу гап керак эди — Валянинг бу ерда аввал ҳам бўлганини аниқлади.

Дарвоза остонасида уларни Шомил қаршилади. У ғилай кўзларини Элчинга хунук тарзда қадади.

— Ҳосил уйдаими? — деди Валя ҳовлига кириб.

— Ҳа, — деди Шомил, — ичкарида.

Валя Элчинга қараб «кутиб тур», деди-да, уй томон юрди. Элчин турган жойида қотиб тураверди. Шу топда, кутилмаганда хаёлига бир фикр келди: «Зели оғани шуларнинг ўзи гум қилмадими? — деб ўйлади у. — Буларга фақат пул керакми? Ҳосилбойвачча шу пулга муҳтожми?»

Зелихон хайрлашаётган пайтда, қайтиб келмас бўлиб кетаётганини сезганми, семиз дипломатни Элчиннинг қўлига тутқазиб: «Бунинг ичида озгина пул, тилла, жавоҳир бор. Қайтиб келмасам, мен айтгандай ишлатасан. Нима қилишингни бир хатга ёзганман. Хатни Валентинаникига қўйганман. Қаердалигини сенга алоҳида маълум қиламан. Ишонмаяпти, деб ўйлама. Шу хатни ўқиб, нима бўлганимни, нима қилиш кераклигини биласан», деган эди. Кейин «бу дипломат сен учун бомбадай гап, бунинг хушторлари кўп. Ўн йилдан бери қидиришади. Ўзинг ҳам эҳтиёт бўл, буни ҳам эҳтиёт қил», деб тайинлаган эди. Хазина Элчиннинг ихтиёрида, хат мазмунидан хабардор. Унга фақат буларнинг асл мақсадлари қоронғу.

«Зели оға айтган хушторлардан бири шуларми? Ўлим олдида буларни чалғитдими? Ўлим олдида? Мени булар лақиллатмаяптими? Унда хат-чи? Хат сўнги чора эдими у учун?»

Елчин Зелихоннинг Федяни лақиллата олгани, унинг марҳамати билан кетар чоғида тўшак баҳона, Валянинг ётоғига кирганидан, маишат ўрнига Валяга гап тайинлаганидан беҳабар эди. Валянинг Москвага учгани, Хонгирей билан учрашгани, Элчинни ҳимоясига, Жамшидни эса хизматига олиш ҳақидаги Зелихоннинг илтимосини етказгани ҳам у учун қоронғи эди. Зелихон эртами-кечми Жамшид қайтса, Элчин уни гумдон қилишга уриниб, ўзи ҳам ҳалок бўлиши мумкин, деган хавотирда шу илтимосни Хонгирейга етказган эди.

Зелихоннинг ўлимга бораётиб ҳам биродарининг беҳавотирлигини ўйлаши Элчинга номаълум эди. Маълум бўлгандами, бу айрилиққа чидаши ниҳоят даражада оғир бўларди...

Бир оздан сўнг Ҳосилбойвачча эшик остонасида кўриниб, Шомилни чақирди-да, унга нимадир деб пичирлади. Шомил Элчин томон қараб олгач, тез-тез юриб кўчага чиқди. Элчин бир фитна бошланганини сезса ҳам, жойида тек тураверди. Ҳосилбойвачча келиб кўришармикин, деган мақсадда остонада пича турди. Элчин унинг мақсадини сезмагандай, бош ирғаб бўлса-да, саломлашмади.

Ҳосилбойвачча заҳарли илжайиб, у томон юрди.

— Келинг, Ҳофиз ака, қандай шамол учирди? — деди пичинг билан.

Елчин «Сочининг шамоли» демоқчи эди, Валянинг «Сиз энди Хонгирейнинг ҳимоясидаги одамсиз», деган гапини эслаб:

— Хонгирейнинг шамоли, — деб, у ҳам заҳарли илжайди.

Валя ҳам уйдан чиққач, учовлари шийпон томон юрдилар.

— Ҳофиз ака, бир суҳбатингизни олайлик, жа соғинтириб юбордингиз.

Елчин бу заҳарли жилмайиш, бу сохта мулозамат ортида қандайдир шумлик борлигини билса-да, ўзини ҳеч нима билмагандай эркин тутди.

— Хўш, Ҳофиз ака, тўйлар қалай, бўлиб турибдими? — деди Ҳосилбойвачча ястаниб ўтириб. — Чўтални энди кимга беряпсиз? Бек акамгами?

— Бек акангиз чўтал оладиган гадолар тоифасидан эмаслар. Шуни билмасмидингиз? Мен ҳам

чўтал берадиган овсар эмасман. Оғзидаги луқмасини олдирадиган лақмалар бошқалар. Елчин «чўтал оладиган гадолар» деганда энг аввал Ҳосилбойваччани назарда тутиб, ўз кўнглида уни тузлаган эди. Ҳосилбойвачча ўзига қарата ҳақорат тоши отилганини билди. Билди-ю, сир бой бермай масҳараомуз кулди:

— Катта кетманг, Ҳофиз ака, бузоқнинг югургани сомонхонагача.

Елчин «бир марта тузлаганим етади, тўнғиз билан олишишдан фойда йўқ», деган фикрда бу заҳарли гапга жавоб қайтармади.

Икки соат давомида майда-бачкана гаплар билан банд бўлдилар. Шомил ҳовлига кириб узоқдан «йўқ» маъносида бош чайқагач, Ҳосилбойвачча тиззасига шапатилаб уриб, ўрнидан турди:

— Раҳмат, Ҳофиз ака, би-ир мириқдик суҳбатингиздан. Шунақа келиб тулинг... Отамлашиш яхши нарса-да, а?

Валя хайрлашиш учун қўл узатмай, совуққина бош ирғаб қўйди.

— Акангиз буни туфламай ёпиштирибди, шунга хафа, — деди Ҳосилбойвачча.

— Қайтишга йўлкираси бўлмаса берайми? — деди Элчин пичинг билан.

— Ўпкангизни сал босиброқ юринг, Ҳофиз ака.

Елчин «бу кунларингдан ўлганларинг яхши» деб ўйлаб кўчага чиқди-да, машинасига ўтирди. Шомилнинг нима сабабдан йўқ бўлганини уйига қайтгач билди: уйи ёв босган дала ҳолига келтирилган эди. Филай ҳеч нарсадан тап тортмай уйни алғов-далғов қилиб, Зелихоннинг хазиначисини қидирган эди.

Елчин шундан сўнг Валяни бошқа кўрмади. Лекин Ҳосилбойваччанинг йигитлари кузатиб юрганини сезди. Шу сабабли Фарғонага бориш, масжид қуриш ишини кейинроққа сурди.

## XXVI б о б

### 1

Хаста Асадбек учун Краснояр сафарининг ўзи етарли эди. Жисмини эзаётган оғриққа чидади, сабр этди, лекин руҳ азобига дош бериши оғир кечди. Отаси билан ғойибона учрашувининг ўзиёқ юраги учун оғир юк эди. Ана шу юк билан уйга қайтаман, деб турганида янги сафар ташвиши кўндаланг бўлди. Ўғилларини уйлантириш масаласи фикрини банд этса-да, уни яхши маънодаги ташвишлар сирасига қўшиш мумкин. Бироқ Хонгирей билан учрашув...

Ҳосилбойваччанинг Хонгирей орқали тазйиқ ўтказмоқчи бўлиши... Асадбек бу йигитнинг қачондир чанг солишини биларди. Лекин бошқа бировнинг тирноқлари билан чанг солиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаган эди. Кесакполвонга: «Ҳосил ҳаддидан ошган куни бир чертсам, чиққан жойига кириб кетади», деб янглишганини энди англади. Ҳосилбойвачча билан олишув ойлари, кунлари яқинлашганини ҳам фаҳмлади. Бу ҳақиқатни кечроқ тушуниб етганини ҳам билиб «нега ғафлатда қолдим?» деб эзилди.

Хонгирейнинг чиқиб кетаётиб, эшик остонасида айтган гапи Асадбекни ҳам, Чувриндини ҳам узоқ ўйга ботирди. «Бир йигитинг энди менинг хизматимни қилади. Уни қидирма, у сен учун ўлган», деган гап Асадбек учун муаммо бўлиб қолаверди. Чувриндига эса чигалнинг бир учи кўринди. У ўша куниёқ Сочига, Жамшид яшаётган уйга қўнғироқ қилди. Уй бекаси Жамшидни икки йигит келиб олиб кетганини айтди. Чувринди Жамшидни Хонгирейнинг йигитлари олиб кетганини тушунди. Лекин унга бир нарса қоронғи эди: Хонгирей Жамшиднинг изига қандай тушди?

... Асадбек кутиб олгани чиққан Кесакполвонга қараб «ески шаҳарга бораман», деди. Унинг хоҳиши Кесакполвонга ғалати туюлса-да, амрига итоат этди.

Асадбек болалиги ўтган уйга қадам босганида ўпкаси тўлиб, йиғлагиси келди. Бўғзи фарёд тўлқинларига тўғон бўлса-да, киприклари ёш дарёсини тўса олмади. Чувринди унинг ҳолатини

билиб, Кесакполвонни тўхтатди. Икки аён ҳовлида қолди.

Асадбекнинг хаёлида онаси уйда ўтиргандек, «болам, адангни кўриб келдингми?» деяётгандек эди. Ичкари уйда Самандар хаста овози билан «Самалўт, қанотийни пастлаб ўт...» дегандай бўлди... Асадбек курсига даҳанини тираб, анчагача ўтирди. Кўзларидан ёш қуюлаверди. Бўғзини ҳатлаб ўтолмаётган фарёд юрагини эзаверди.

У қанча ўтирганини билмайди, ёш дарёси қуриб, фарёд пинакка кетганида Чувриндини чақирди:

— Маҳмуд!

Йиғи аралаш, титраб чиққан бу овозни эшитиб, иккала аён ҳам шошилиб ичкари кирдилар.

— Маҳмуд, сен маҳаллага чиқиб, Соли отани топ. Эллагинчи йилда бир почтачи бўларди.

Ўшани бошлаб келсинлар. Ҳа, чап қулоғини ўқ олиб кетган почтачи дегин.

Чувринди кўчага чиқиб кетгач, Кесакполвон «мен уйда қолаверайми ё чиқайми?» деган маънода қаради. Хаёли ота-онаси билан банд бўлгани учун Асадбек унга эътибор ҳам бермади.

Красноярдаги учрашувда отасининг уйдан мактубни орзиқиб кутганини эшитгандаёқ чап қулоғи йўқ одам билан гаплашиб қўйишни ният қилган эди. Асадбек унинг исмини билмасди.

Ёдида қолгани — онаси деярли ҳар куни унинг йўлини пойларди. Кўчада кўриниши билан Асадбекни чақирарди. «Болам, хатчи амакинг келяптилар, югура қол, «адамлардан хат борми?» деб сўрагин. Аввал салом бер, хўпми?» дерди.

Асадбек ҳар сафар унга пешвоз чиқиб «ассалому алайкум» дерди. У эса қовоқ уюб қараб қўярди, алик олмасди. Асадбек онасига «хатчи амаки саломимга алик олмаяпти, энди салом бермайман» деганида, онаси «алик олмаса гуноҳи ўзига, сен салом беравер», деб ялинган эди.

Бир куни хатчи салом берган Асадбекнинг қулоғини буради:

— Ҳой, душман боласи, — деди ўдағайлаб, — сен нега менга Худони гапирасан?

Асадбек тушунмади:

— Қачон гапирдим? — деди йиғламсираб.

— «Ассалому алайкум» дейсанми? Бу нима дегани, биласанми? Худодан соғлиқ сўрайман, дегани. Мен сенинг худо-пудойингга ишонмайман, билдингми! Мен атеистман! Мен боевой коммунистман! Иккинчи шунақа десанг, тилингни суғуриб оламан. Хат ҳам сўрама. Мен душман хатини ташийдиган аҳмоқ эмасман!

Асадбек онасига буларни айтмади. Онаси йўлга чиқарганда итоат этаверди, аммо хатчига салом ҳам бермади, «адамлардан хат борми?» деб ҳам сўрамади. Ўша дамларда у «нима учун ойимнинг ўзлари сўрамайдилар», деб кўп ўйларди. Саволига жавобни кейинроқ, улғайгач топди. «Хатчи ойимга сасиган бўлса, сўрашга чўчиб қолган эканлар-да», деган ажримга келди.

Чувринди кўп ўтмай Соли ота билан хатчини бошлаб кирди. Асадбек ўрнидан туриб Соли ота билан кўришди. Хатчининг узатилган қўли муаллақ қолди. Асадбек унга ўтли назарини қадади:

— Мени танийсизми? — деди қаҳр билан.

— Танийман, Бекжон ўғлим, адангиз билан фронтовой ўртоқ эдик.

Тилёғламалик билан айтилган бу гапдан Асадбек портлади:

— Фронтовой ўртоқмидинг ҳали сен?! Адамнинг хатларини нима қилардинг, хунаса?!

Асадбекнинг важоҳатидан чўчиган Соли ота «яна уриб қолмасин», деган хавотирда ўртага тушди.

— Асаджон, болам ўзингни тут. Бу бечорани касал ётган жойидан турғизиб олиб келдим.

— Бунақа тўнғизни ажал ҳам олмайди, — деди Асадбек. — Уруғи билан қуришиб йўқ қилиш керак.

Асадбек бу гапни ғазаб оловида айтиб юборган, хатчидан, унинг оиласидан қасос олиш ёки жазолаш нияти йўқ эди. Хатчи эса бу гапни қатъий ҳукм ўрнида қабул қилиб талвасага тушди:

— Менда айб йўқ, — деди у йиғламсираб. — Менга буюришган.

— Ким?

— Домком.

— Ким у?

— У одам раҳматли бўлиб кетган, — деди Соли ота.

— Хатларни нима қилгансан?

— Ёқардик. Бир ўзим эмас, домком билан...

— Маҳмуд, йўқот бунни, турқи қурсин.

Хатчи юкдан бўшаган қопдай, шалвираб тиз чўқди:

— Ўлдирманг мени, — деди йиғламсираб.

— Йўқол-е, — деди Асадбек бир қадам тисланиб.— Ўзи ўлолмай юрибсану сени ўлдириб нима барака топдим. Йўқол, деяпман! Маҳмуд, уйига олиб бориб қўй, йўлда ўлиб қолмасин. Соли ота, сизни ҳам олиб бориб қўяди. Красноярга бориб, адамларнинг қабрларини топдим.

Кейинроқ хотиржам гапириб берарман.

Улар чиқиб кетишгач, Асадбек яна жағини курсига тираб ўтириб олди. Бир оздан сўнг қаттиқ йўтал тутиб, силласини қуритди.

...Асадбек Кесакполвоннинг қистови билан уйига кетди. Унинг нияти тунни болалиги ўтган уйда ўтказиш эди. Бедарднинг олдида бошимни оғритма, деганларидай, Кесакполвон дўстининг дардига шерик бўла олмас эди. Гарчи умр деб аталмиш йўлда бир аравада бораётган бўлсаларда, уларнинг юракларидаги дард бошқа-бошқа эди.

Манзура эрига бир қарашдаёқ аҳволини сизди. Асадбекнинг озиб, юзлари заъфарон тус ола бошлаганини унинг зийрак нигоҳи илғади. Асадбек меҳмонхонада, ўзи ошхонада бўлса ҳам эрининг йўталанини эшитиб юраги эзилди. Меҳмонларнинг тезроқ қайтишини истади. Йўқлаб келувчиларнинг жилиш ниятлари йўқлигини фаҳмлаб, Чувриндини имлаб чақирди:

— Акангиз чарчаганга ўхшайдилар?

Чувринди унинг мақсадини англади.

— Ҳозир ими-жимидида бир нима деб қўяман.

Чувриндининг «ими-жимидида» гапидан сўнг меҳмонлар қўзғолишди. Бир оз фурсат ўтиб Кесакполвон билан Чувринди ҳам кетишгач, Манзура идиш-товоқни қизига топшириб, ўзи меҳмонхонага кирди.

Диванда ёнбошлаб ётган Асадбек ўрнидан қўзғолмади.

— Жойингизни қилиб берайми? — деб сўради Манзура.

— Ўтир, — деди Асадбек. — Нима қарорга келдинг?

— Билмасам... Сиз нима десангиз шу.

— Унда тайёргарлигингни кўр.

— Қизлари... — Манзура «қанақа экан?» деб сўрамоқчи эди, Асадбек гапиртирмади.

— Қизлари ўғилларингга ёқибди. Совчи бўлган киши қизлар европача эмас, муслмонча тарбия кўрган, деди. Сен аввал бор, кўр, ёқса келин қил, ёқмаса йўқ. Мен ўғилларингни ўша ерда ўқиб, ўша ерда ишлашини хоҳлаяпман.

— Биз-чи?

— Биз... нима, уч-тўрт йилга чидай олмайсанми? Иш ўрганиб, ўзларини тутиб олишгач, келишади.

— Бутунлай қолишмайдими, ишқилиб?

— Калланг борми? Бутунлай қоладиганлар бошқа, болаларимиз бошқа. Хуллас, овоза қилмай, тайёрланавер.

— Зайнаб-чи?

— Уни кейинроқ юборамиз.

— Күёвингиз...

— Нима бўлди яна?

— Ҳеч нима бўлмади, ўзи айтаман-да...

— Чайналма.

— Тўйларда юриб... қизингиз ёлғиз қоляпти-да. Тўй-пўйни йиғиштирса бўлмасмикин? Бошқа

иш топиб берасизмикин, девдим.

Зайнаб касалхонада эканида Асадбек ҳам буни ўйлаган, аммо аниқ бир қарорга келмаган эди. Хотини қўрқибгина айтган гап маъқул тушган бўлса-да, сир бой бермай:

— Сен аралашма бунга,— деб қўйди.

Кечаси Асадбекнинг курагида яна оғриқ қўзғолди. Хотинининг хавотирли кўзига қараб: «Шамоллаш тарқамаяпти», деб изоҳ берди. Курагига иситгич қўйгач, жони ором олиб, уйқуга кетди. Эрталаб ўйғонганида оғриқ ҳам бош кўтарди. «Уйда ўтирсам баттар бўлади», деб Чувринди келиши билан шаҳар марказидаги қароргоҳ томон юрди.

Асадбек кечқурун хайрлашар маҳалида Кесакполвонга Қилич Сулаймоновни топишни тайинлаган эди. Кесакполвон буйруқни бажариб, уч қаватли иморат ертўласида Асадбекни кутиб олди.

— Турма ёқибди сенга,— деди Асадбек, Қилич Сулаймонов билан кўришиб.— Одамбашара бўлиб қолибсан.

— Акахон, айбимга ярашаси бўлди, гап йўқ,— деди Қилич Сулаймонов бош эгиб.

— Айбингни билганинг яхши, дўзахдан сени ким олиб чиқди, буни биласанми?

Қилич Сулаймонов дарров жавоб бермади. Шомил: «Ишингни Ҳосилбойвачча тўғрилади», девди. Неча ой ётган бўлса, Филай хабар олиб турди. Асадбек буни биладими ё йўқми, Қилич Сулаймоновга қоронғи. Билиб сўраяптими ё пичинг қиляптими, буни ҳам фарқлай олмади. Энг яхши жавоб сукут деб билиб, бошини эгганича тураверди.

— Маҳмуд, бунга тушунтириб қўй. Хўш, заводда ишляяпсанми?

— Ишляяпман, раҳмат.

— Амалинг директорлик бўлмаса ҳам ишни ўзинг юритасан. Олимчадан қўрқма. Красноярга тсистерналарда вино юбориш керак. Бехит қилиш қўлингдан келадими?

— Келишга келади-ю...

— Чайналма.

— Олим болангиз... Баъзи қоғозларга унинг қўли керак.

— Қўл қўяди. Шу бугун ишга кириш. Олимчадан ростдан ҳам қўрқаётган бўлсанг, у яқин кунларда Португалияга кетади. Маҳмуд, иши тўғри бўляптими?

— Ҳа, бугун ўзим шуғулланаман. Фақат... эшитишимча, қуруғини тортишдан қайтмабди.

— Қайтмаса ҳам жўнат. Бир-икки ой юрсин. Қилич, биринчи тсистернани унинг қўли билан чиқарасан. Ишқал бўлса, ғалвадан йироқда тураверасан. Билиб қўй: сен менинг одамимсан. Мен сени олимчага алмаштирганим йўқ. У ҳам керак менга, лекин сен бошқасан. Сени хоинлигинг учун жазоладим. Бизнинг орамизда хоинга фақат битта жазо бериларди. Сени аядик. Шунга яраша қадам бос энди.

Қилич Сулаймонов подшо ҳузуридаги мулозим сингари таъзим қилиб чиқди. Шундан сўнг Асадбек ўйга толиб, анчагача жим ўтирди. Иккала аён ҳам унинг муҳим гапи борлигини англаб, сўз бошлашини кутишди. Ўшанда Хонгирейнинг хонага кириб, амрини баён этиши, ҳеч бир қаршиликсиз, ҳатто эътирозсиз чиқиб кетиши Асадбекнинг ожизлигини билдириб турарди. Тўғри, Хонгирейга бас келиб бўлмайди. Аммо Асадбек кимнинг олдида бўлсин, ожиз эканини билдиришни истамас эди. Айтмай деса, бу мадда боғлаган яра, эрта-индин ёрилиб, йиринг оқиб, ҳаммаёқни булғайди. Айтай деса, тил қурғур тиш хатлашни истамайди. Сукутни узоқ чўзиши мумкин эмаслигини фаҳмлаган Асадбек ниҳоят тилга кирди:

— Ҳосил ҳаддидан ошяпти,— деди Кесакполвонга қараб.

— Қиличга эга чиқмоқчимми?

— У энди Қилични бошига урадимми. Бу хунасаннинг иштаҳаси бошқачароқ. Козловга осиялпти. Хонгирей билан тиллашиб қолган, шунга ҳайронман.

— Вой итвачча! — деди Кесакполвон.— Вой турқингга урай!..

— Вой-войламай тур,— деди Асадбек жеркиб.— Хўп, дейлик, биз Козлов билан олди-сотди қилмадик. Кейин нима бўлади? Шу билан тўядими?

— Тўймайди,— деди Чувринди.— У гўрда ҳам тўймайди. Мен ўзимча бир фикр қилдим. Ҳосилнинг асл мўлжали винзавод эмасмикин?  
— Менинг фикрим ҳам шундай,— деди Асадбек.  
— Винзавод керак бўлса, Козловга осилиб нима қилади? — деди Кесакполвон.  
— Вей, сен қаеринг билан ўйлайсан, ўзи! — деб аччиқланди Асадбек.— Козлов билан асосий ишимиз нимада, винодами? Қиличга нима учун ёпишди.  
— Чақир уни. Очиғини айтсин. У-бу деса тинчителиб юборамиз.  
— Тинчителиш осонмас,— деди Чувринди.  
— Осонмас...— деди Асадбек.— Лекин тинчителиш шарт! Бошқа йўл йўқ. Фақат... исини чиқармай тинчителиш чорасини топиш керак. Ҳозирча арқонни узунроқ ташлайлик-чи. Бир-икки тсистерна юборганимиздан кейин ўзи ҳам ғимирлаб қолар. Ўшанда шартта бўғамиз. Мен уни чақирмайман, ўзи келсин...

## 2

Осмонни бало булут қоплаган, тепасидан қайғу ёмғири томчилаб, ҳовлисида ташвиш алафлари кўкара бошлаган одам дардини кимга айтсин? Асадбек кейинги ҳафталар ичи ана шу ҳолга тушди. У баъзан ўзини қоронғу жарлик ичида ҳис этар, бу жарликда абадул-абад қолиб кетадигандай ваҳима босарди. Бироқ у ваҳима қули бўлиб қолмади. Бу жарликдан чиқишга ўзида куч топди. Дарди оддий шамоллашмаслигини билганида, бир чўкай деди-ю, қаддини ростлаб олди. У таниш табибга учрашиб ҳақиқатни айтишини талаб қилди. Асадбекка бундай бедаво хасталик билан узоқ яшаш мумкин эмаслиги аён эди. Айни чоқда, ўлимидан сўнг хонадониди ҳаёт давом этажани ҳам яхши англари, ўзидан сўнг кечажак бу ҳаётнинг мунаввар бўлмоғини истарди. Мисқоллаб йиққанини ботмонлаб созурилишига йўл қўя олмасди. Ҳақиқатни билгач, эндиги ҳисобли кунларида нима қилиши лозимлигини ўйлай бошлади. Биринчи галда, Манзурани ўғиллари ёнига жўнатишни тезлатиши керак эди. Хуфтондан сўнг у Чувриндини чақиртирди.

Чувринди дарров етиб келди. Асадбек меҳмонхонада эди. Кузнинг салқини таъсир этиб, уй деразаларини ҳам ёпиб олганди. Чувриндини Манзура қаршилаб, паст овозда:

— Маҳмуджон, акангизни тузукроқ дўхтурга кўрсатинг. Балғам ташлашлари яхши бўлмаяпти-да,— деди.

Чувринди:

— Кўрсатяпмиз, Худо хоҳласа, тузалиб кетадилар,— деб меҳмонхона сари юрди.

Ичкари кириб, Асадбекнинг қаршисига ўтирди. Асадбек унга синов назари билан тикилиб қолди.

— Маҳмуд, Красноярда мазам қочганида билганмидинг буни?

Чувринди жавоб бермай, кўзини олиб қочди.

— Яширма. Сен билибсан, бошқалар билмасин.

— Дўхтурлар гапираверади. Касалхонада ётиб даволаниш керак.

— Йўқ. Касалхонага ётсам, дунёга овоза бўлди, деган гап. Тўғри айтасан, балки унақа касалмасдир, Худо билади. Лекин юракда ғулғула бор. Шунинг учун баъзи омонат гапларни айтиб қўйишим керак сенга.

— Ёмон нафас қилманг.

— Гапларимни эшит: сен менга бегона эмассан, укамсан. Ўғилларим-жиянларинг. Уларнинг ўқиши чала қолмаслиги керак. Кеннойингни тезроқ жўнат.

— Сиз-чи?

— Мени қўя тур. Тиллани кўпайтир. Кеннойинг белни бақувват қилиб борсин. Агар менга бир гап бўлса, хабар бермайсан, ўша ёқда узоқроқ тураверсин. Мен сенга ишонаман, лекин Ҳайдар акангдан хавотирдаман. У хомкалла қовун тушириб қўйиши мумкин. Ўзи ўзига хон бўлса, ё қамалиб кетади, ё итдай ўлим топади. У аҳмоқ сенинг гапингга кирмайди, сен уни бошқара

олмайсан, биламан. Иккаланг икки қўчқор бўлиб сузишсанг — тамом!

Асадбек унга тикилиб олиб гапирар, Чувринди эса бошини эгиб жимгина тингларди. Москвада эканида, тиббий хулосаларни йиртиб ташлаганида юрагида умид бор эди. Бу ердаги табибларнинг гаплари ҳам ўша хулосага мос келгач, юрагига ваҳима оралади. Уни ҳақиқатдан хабар топган Асадбекнинг ҳолати ташвишга соларди. Асадбекнинг ўзини бу қадар дадил тутишини ўйламаганди. Иккинчи катта ташвиши Асадбекдан сўнг Кесакполвон билан бўлажак можаролар эди.

Асадбек айтадиганини айтиб бўлгач, Чувриндини гапиртирмади. «Ўйингга бориб, дамингни ол», деб рухсат берди.

Чувринди кетиши билан Манзура кирди. Асадбек хотинига ёлғиз рўпара келишдан, унинг гап бошлашидан чўчиди. Умрида биринчи марта нигоҳини яширишга ҳаракат қилди. Эрининг кўз қарашиданоқ нима демоқчи бўлаётганини англашга ўрганган Манзура унинг бир дардини яширишга уринаётганини сизди. Рўпарасига ўтириб:

— Адаси...— деб гап бошламоқчи эди, Асадбек ўрнидан турди.

— Сафарга тайёرمىсан, эрта-индин жўнайсан,— деди.

— Сиз-чи? — деб сўради Манзура ҳайратланиб.

— Мен... менга ҳукумат рухсат бермабди. Тўғриласа бўлади, дейишяпти, орқангдан етиб бораман. Боролмасам, тўйни ўтказиб, келинпошшаларни бошлаб келаверасан. Тўйнинг ўғил боласини шу ерда қиламиз.

— Вой, адаси...

— Бўлди, гапни чўзма. Мен ётаман, чарчадим.

Ўтишга ётдию кўзига уйқу илинмади. Ярим соатдан сўнг телефон жиринглаб, болохонадаги йигит Красноярдан Козлов сўраётганини маълум қилди.

Козлов ҳол-аҳвол ҳам сўраб ўтирмай, муддаога кўчди:

— Асад, менга ҳеч нима юбормай тур, вазият ўзгарадиганга ўхшайди.

— Ие, кеча бир тсистерна жўнатдик-ку?

Бу гапни эшитиб, Козлов сукут қилди, кейин бир қарорга келиб:

— Бир иложини қиларман, ташвишланма. Жуда бўлмаса Иркутскка ўтказиб юборарман.

Ҳозирча алоқани узиб турамиз. Иш тўғри бўлиши билан ўзим хабар қиламан.

— Хонгирейми?

— Ҳа.

— Эҳтиёт бўл.

Шу сўз айтилиши билан телефон узилди.

Асадбек учун бу кутилган нохуш хабар эди. Лекин у Хонгирей бу тарзда тез сиқувга олар, деб ўйламаганди. «Хонгирей у томонда ишга киришган бўлса, Ҳосил нима каромат кўрсатар экан?» Асадбек бу ҳақда кўп ўйлади. Ўзи берган саволга тайин жавоб топа олмагач, аъёнларини чақиртирди.

### 3

Қилич Сулаймонов қил устида яшаётганини биларди. Ёлғиз Асадбекка хизмат қилаётган бўлса ҳам, ёки аксинча, фақат Ҳосилбойваччанинг юмушларини бажарса ҳам ўлажаги унга маълум эди. Шу боис уста дорвоз ҳолида яшашдан ўзга чораси йўқ эди. У Асадбекнинг хизматларини бажариш баробаринда Ҳосилбойваччани бўлаётган ишлардан хабардор қилиб турарди.

Красноярга бир тсистерна вино юборилгани Ҳосилбойвачча учун хушxabар эди. У хабарнинг суюнчисига «заводни ўз-ўзингга олиб бермаган — номард» деб ваъда берди. Ўша заҳоти бу хабар Хонгирейга етказилиб, мўлжалдаги режани амалга оширишга киришилди.

Ҳосилбойвачча бундай фурсатни узоқ вақт кутди. У аввалига Асадбекка ҳавас қилган бўлса, бора-бора бу ҳавас ҳасадга айланди. Бу ҳасад йиллар бўйи бир он бўлсин, уни тинч қўймади. Агар шу йиллар ичи ундан «яшашдан мақсад нима?» деб сўралса, шубҳасизки, «мақсадим



ягона — Асадбекни янчиш», дерди. У ўйлай-ўйлай ғолибликнинг энг қулай, энг яқин йўлини топа олди. Зўрни зўрроқ билан йиқиш афзаллигига ақли етгач, фурсатни бой бермади. Хонгирейнинг қирқ ёшга тўлганини эшитди-ю, «бахтимдан ўргилай», деб отни қамчилади. Ортиқча чиқимга тоқати бўлмаса-да, бу сафар хасислик қилмади. Тилладан чиройли тумор ясатиб, «2049 йил, 100 ёш» деб ёздирди-да, Москвага қараб учди. Уч кун давом этган катта зиёфатга у яқинлаша олмади. Тантаналар тугаб, Хонгирей ҳордиқ чиқаргач, уни қабул қилди, Ҳосилбойвачча салом бериб кириб, унинг бўйнига тилла туморни осиб, «Сиз-бизнинг валинеъматимизсиз», дейиши Хонгирейга ёқди. Кимлигини сўраб-суриштирди. Хонгирей Асадбекни биларди. Асадбекнинг бир оз мағрурлиги унга ёқинқирамасди. Бу йигитнинг Асадбек ўрнидан умидворлиги шу сабабли маъқул келди. «Менга шунақа мутелар керак», деб уни қўллашга аҳд қилди. Красноярда Козловни синдириши қийин кечаётган эди, энди бир ҳамлада икки рақибни енгиш имкони туғилиб Ҳосилбойваччанинг ташрифидан мамнун бўлди. Ҳосилбойвачча орқасида қад кўтараётган тоғдан қувват олиб, қалъани тўла забт этмоқ қасдида дадил ҳужум бошлашга аҳд қилди. Ана шу пайтда Шомил унга яна бир хушxabар етказди: — Асадбек ўладиган касал эмиш,— деди у иршайиб.

— Қаёқдан олдинг бу гапни? — деди Ҳосилбойвачча ишонқирамай.

— Дўхтири айтди. Асадбекни кўриб қўйганини эшитиб, гирибонидан олдим. «Қасам ичганман, айтолмайман», дейди. «Қасам керакми сенга ё жонми?» дедим, дарров гуллади. Ё икки-ё уч ойлик умри қолибди. Ўлиши аниқ экан.

— Икки-уч ойлик дедингми? Яхши! Винзаводни ўз қўли билан топшириб кетса ҳам бўларкан, а?

— Ўлишини кутмайсизми?

— Йў-ўқ. Осонгина ўлиб кетмасин-да. Менинг кимлигимни билиб, кейин ўлаверсин. Бир пайтлар кўкрагимдан итариб, ёнига йўлатмовди. Мендан кўра Чувринди кулларини афзал кўрувди. Барибир мен уни енгдим! Аввал менинг кулгимни кўрсин, кейин ўлсин!

— Энди унга кассетани кўрсатса бўлар?

— Шошмай тур. Мен ҳали ундан баттарини кўрсатаман. Сен лалайганроқ йигитларингдан бирини тайёрлаб қўй.

— Кесатяпсизми, лалайганини нима қиласиз?

— Ўлиб кетса ачинмагин дейман-да, — Ҳосилбойвачча шундай деб кулимсираб қўйди. Унинг кўмма гапини Ғилайнинг калта фаҳми англаб етмади. Танлаган йигитини бир ҳафтадан сўнг қонга беланиб ётганини кўргачгина тушунди.

Унга қадар эса...

Унга қадар Ҳосилбойвачча Асадбекни йўқлаб уч қаватли иморатнинг ертўласидаги қароргоҳига борди. Манзурани кузатгач, Асадбек уйга боргиси келмай тўғри шу ерга келган, хона иссиқ бўлишига қарамай, қалин кийимда ўтирар эди. У Чувринди билан қандайдир қоғозларни кўздан кечираётганда Ҳосилбойвачча кирди. Чувринди қоғозларни йиғиштириб «нима қилай?» деган маънода Асадбекка қаради. «Ўтир», деган ишорага итоат этиб, жойидан жилмади.

— Бек ака, соғ-саломат бориб келдингизми сафарларга? — деди Ҳосилбойвачча Асадбекни қучоқлаб. Димоғига ёмон ҳид урилдию нафаси қайтиб «ўлиши чин шекилли?» деб ўйлади.

— Ўзинг қалайсан? Ишларинг юришяптими? — деди Асадбек совуқроқ оҳангда.

— Соянгизда юрибмиз-да, ака.

— Менинг соямдами? — деди Асадбек синов назари билан тикилиб.

— Ҳа-да, сизни акам деганман.

— Шунақами? Мен акангманми? Хонгирей-чи? Тоғангми ё аммангнинг эрими?

— Гапни ҳам қийворасиз-да, акахон.

— Сен бўладиган гапни қил. Шу пайтгача Асадбекни биров лақиллата олмаган. Сен гижингламагину дардингни айт: нима керак сенга?

— Дангал гапми? Гапнинг ўғил боласи шуки, менга ҳозирча винзавод керак.— Ҳосилбойвачча шундай деб ғолиб одамнинг назари билан унга тик қаради. Асадбек ундан бу даражадаги

сурбетликни кутмаган эди. Шартта тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди-ю, ўзини тийиб сўради:

— Ҳозирча винзаводми? Ундан кейин-чи?

— Ундан кейингисини ўшандан кейин гаплашамиз.

— Агар Хонгирейга баччалик қилмаганингда сенга винзаводни совға қилиб берардим.

— Акахон, оғзингизга қараб гапиринг. Бизда ҳам иззат-нафс бор.

— Сенда иззат-нафс бор эканми? Келиб-келиб ўша ҳаромига орқа қиялсанми? Икки ўзбек мол талашсаю лўқмасини бегона олиб кетса, яна сен иззат-нафс ҳақида гапирасанми? Бу кундан ўлганинг яхши.

— Энди, акахон, совуқ нафас қилманг, ҳаммамиз иссиқ жонмиз, ким олдин ўлади, Худо билади. Ҳосилбойваччанинг бу илмоқли гапини эшитиб, Асадбек Чувриндига савол назари билан қараб олди.

— Бек ака, жаҳлингиз чиқмасин, дунё бозор-да, бир сизнинг омадингиз келди, энди гал меники. Винзаводни текинга олмайман. Жуда катта нарх қўяман. Дарров рози бўлганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

— Бу нима деганинг?

Ҳосилбойвачча кулимсираб пиджаги чўнтагидан видеокассетани олиб узатди.

— Бу нима? — деди Асадбек ажабланиб.

— Қўйиб кўринг. Мен ярим соатдан сўнг телефон қиламан,— Ҳосилбойвачча шундай деб чиқди.

— Дўхтирни топ,— деди Асадбек Чувриндига.— Гапини эшитдингми, ис олганга ўхшайди.

Чувринди лозим рақамни териб, табибни топди-да, дабдурустан:

— Нега қасамни буздингиз? — деди. Табиб жавобга тараддудланганидан фойдаланиб, сўроқни давом этди:— Кимга айтдингиз?

Табиб ғудраниб бир ғилайнинг зўрлаганини маълум қилди.

— Ғилай Шомил,— деди Чувринди гўшакни жойига қўйиб.— Нима қиламиз?

Асадбек йўталиб олгач, ёшланган кўзларини унга қадаб жаҳл билан деди:

— У қасамни бузди!

Чувринди чиқиб Бўтқага табибни нима қилиш лозимлигини айтгач, хонага қайтиб видеокассетани қўйди. Ҳаммом... Икки жувон... Бири бирини қучоқлапти...

— Ўчир! — деб бақирди Асадбек. Чувринди амрни бажаришга улгурмай, сапчиб ўрнидан турди-да видеоманитофонни тепди. Оғзига келганини қайтармай бўралаб сўка бошлади. У Ҳосилбойваччани сўкяптими, ё Зайнабними, Чувринди фарқлай олмади.

Хасталигини ҳам, вужудидаги оғриқни ҳам унутган Асадбекни ғазаб ўзини билмас даражага келтирган эди. Унинг кўзига ҳозир ҳеч нима кўринмасди. Мана шундай ҳол юз бериши мумкинлигини ҳисобга олгани учун ҳам Ҳосилбойвачча видеокассетани ташлаб, тезгина чиқиб кетган эди.

Чувринди ҳожасининг елкаларини силаб, бир оз овутгандай бўлди.

— Анави қанжиқ таниш кўринди, ким у? — деди Асадбек ҳансираб:

— Касалхонадаги ҳамширага ўхшатдим.

— Топ уни, топ! Ернинг тагидан бўлса ҳам топасан, ўлигини бўлса ҳам топ, хотини ўзим йириб ташлайман!

Чувринди шошиб эшикни очди. Бўтқа ҳали топшириқни бажаргани кетмаган эди. Чувринди унга касалхонага боришни, Зайнабни боққан ҳамширани топишни буюрди. Бу орада Асадбек ўтириб, титроқ бармоқлари билан телефон рақамини терди. Гўшақдан Элчиннинг уйқули овози эшитилгач, бақириб сўради:

— Зайнаб қани?

— Дўхтирга кетувди...

— Эрмисан ё ҳезалакмисан ўзинг?! — Асадбек шундай деб гўшакни куч билан уриб, телефонни синдирди.

Бир оздан сўнг эшик қия очилиб, Бўтқанинг ихтиёридаги қиз аста мўралаб, Ҳосилбойвачча

деган одам телефонга чақираётганини айтди. Чувринди эшик томон бир қадам қўйган эди, Асадбек «Тўхта!» деб ўзи юрди. Телефон гўшагини кўтариши ҳамон:

— Ҳосил, билиб қўй, киндигингдан бўғзинггача тилмасам, юрган эканман, эркакман деб.

— Ўзингизни босинг акахон,— деди Ҳосилбойвачча, уйқудан туриб эснаётган одам овози билан.— Сиз ҳойнахой кассетани охиригача кўрмагандирсиз? Томошанинг зўри бир жойда бўляпти, истасангиз бориб кўринг. Қизингиз ўша ерда айшини суряпти.— Ҳосилбойвачча кўчанинг номини айтди, гаранг ҳолдаги Асадбек дарров илғаб олмади. Ҳосилбойвачча буни сезгандек, манзилни яна икки марта такрорлаб, гапни бас қилди.

Асадбек меров одамдек қаққайиб туриб қолди. Кейин фикри бир оз тиниқлашгач, шашт билан юриб, ичкари кирди-да, темир жавонни очиб, тўппончани қўлга олди.

Маҳмуд масаланинг жиддийлигини тушуниб:

— Йигитларни чақирайми? — деб сўради.

— Йўқ! — Асадбек шундай деб тез-тез юрганича кўчага чиқди. Машинага суюнганича қўлини қовуштириб турган Ҳалимжон унинг авзойини кўриб шошиб қолди.

— Маҳмуд, рулга ўтир,— деб буюрди Асадбек машинага яқинлашгач. Машина жойидан жилгач, манзилни айтди.

Борадиган жойлари бу ердан узоқ эмасди. Тўрт қаватли ғиштин иморатнинг учинчи қавати. Ўн еттинчи хонадон. Эшик қулфланмаган. Чувринди бир итаргандаёқ очилди. У ичкари кирмоқчи эди, Асадбек елкасидан ушлаб тўхтатди-да, ўзи олдинга ўтди. Ўнг томондаги эшик ўрнига парда тутилган. Ўша хонадан Зайнабнинг овози келди. Асадбек пардани юлди. Қизи билан йигитнинг шармандали ҳолатини кўриб, тахтадек қотди. Юраги уришдан тўхтагандек бўлди. Қўл-оёғи музлади. Парда юлинганини сезган йигит ўгирилди. Асадбекни кўргач, кўрқувдан кўзлари косасидан чиқар даражада бақрайди. Унинг кўрқув аралаш қараши Асадбекни ҳушига келтирди. Титроқ бармоқлари чўнтагидан тўппончани олди. Тепки босилди. Зайнаб чинқирди. Йигит оҳ уришга ҳам улгурмади. Тўппончадаги барча ўқлар унинг кўкрагидан макон топди. Чувринди Асадбекни тўхтата олмади. Аниқроғи тўхтатишга ҳаракат ҳам қилмади. Бошқа чора йўқлигини у биларди. Фақат Зайнабга ўқ тегмаганига ажабланди.

Тўппончада ўқ қолмаган бўлса-да, Асадбек унинг дастасини маҳкам сиқиб турарди. Чувринди бармоғини дастадан айириб, тўппончани олди-да, Зайнаб томон бир қараб олиб:

— Пастда кутамиз,— деди.

Кўчага чиқишганда Асадбек букчайиб қолган эди. Ундаги ғазаб чекиниб, вужудига дам қасос, дам алам ҳислари ҳукм ўтказарди. Кечагина кимсан, Асадбек (!) эди. Энди-чи... Ўз қизи номусини ҳимоя қила олмаган бир нотавон... Ўз ҳолига йиғлагиси келди. Бу шармандалик юкини кўтариб юргандан кўра ўзини отишни ҳам истади. Бармоқлари беихтиёр равишда чўнтакни пайпаслаб тўппончани излади. Машинага ўтиргач, Чувринди гап бошлади:

— Касалхонада игнага ўтқазишганга ўхшайди. Уйда игна билан дорига кўзим тушди. Бўлмаса бунақа қилмасди.

— Ёнини олма...

— Ёнини олаётганим йўқ...

— Овозингни ўчир... Кетдик...

— Чиқсин...

— Юр, дедим, сенга!

— Одамлар кўрмасин... олиб кетайлик.

Дам ўтмай замин қадар оғир дардни елкасига ортиб, дир-дир титраётган Зайнаб кўринди.

#### 4

Онасининг сафар тадориғи, кузатиш ташвишлари билан бўлиб Зайнаб дори топиб эмлаш чорасини қила олмади. Онасини кузатди-ю, ортиқ чидай олмай, Мардонага телефон қилди. Мардона қаерга келиш лозимлигини айтгач, бу янгиликни дарров Ҳосилбойваччага маълум

қилди. Бу хабарни интиқ кутаётган Ҳосилбойвачча видеокассетани олиб, Асадбек ҳузурига йўл олди.

Бу ҳаракатларни Зайнаб билмас эди. У парда юлиниб, отаси кўринганда ҳам, нима бўлаётганини англамай карахт эди. Ўқ отилиб, беихтиёр чинқириб юборганидан кейин ҳушига келиб, қўрқув исканжасига тушди. Қонга беланган тўшакдан дарров туриб кета олмади. Ўрнидан тургач, нима қиларини билмади. Дераза олдига яқинлашиб, ўзини пастга отгиси келди. Машина сари юриб бораётган отасини кўриб, юраги эзилди. «Ўзингни отма, отанг бунга чидай олмайди», деди. «Нега чидай олмайдилар? — деб ўзига ўзи савол берди.— Бу шармандаликка-чи? Чидайдиларми? Нега мени отмадилар? Аядиларми? Энди-чи, энди нима бўлади? Онажоним... яхши ҳам кетганлари...»

Зайнаб довдираб тура-тура кийиниб, пастга тушди. Машина эшигини очишга мадори етмади. Уйга боришгач, машинадан биринчи бўлиб тушди.

Асадбек ҳовлига киргач, Чувриндига қарамаган ҳолда буюрди:

— Отарчидан хабар ол, уйдамикин? Уйда бўлса бил: бугун отари борми?

Чувринди болохонага кўтарилиб, бир нафасда қайтди. Унга қадар Асадбек жойидан жилмади.

— Уйда экан. Тўрт яримларда жўнаркан.

— Соат бешда кел, бўлмаса.

— Бек ака, ақл ўргатяпти, демангу...

— Соат бешда кел, дедим, тушунмадингми?

Чувринди итоаткорона бош эгиб, кўча томон юрди.

Соат бешга қадар бўлган вақт Асадбекнинг назарида гўё минг йилдек чўзилди. Кенг, ёруғ меҳмонхона тор, қоронғу зиндон каби туюлди. Тўрт девор тобора бостириб келаётгандек бўлаверди. Хотини кетиши билан ҳувиллаган, энди эса зиндонга айланган уйдан қочиб чиқиб кетгиси келди. Эзилган, пораланган нотинч юраги кўкрак қафасини зарб билан тепиб, синдириб кенгликка чиқишни истади. Юрак кенгликни соғинади, қани ўша кенглик? Юрак ҳаловатни қўмсайди, қани ўша ҳаловат? Юрак ярасига малҳам истайди, қани ўша малҳам?.. Малҳам — қасосми? Ҳа, ғалаён қилаётган юрак қасосни тилайди. Йигитларни тўплаб, Ҳосилбойваччаникига бориб уни ўз қўллари билан қийма-қийма қилиб ташлаш Асадбек учун ҳеч гап эмас. Лекин унинг соғлом ақли юракнинг бу инжиқликларидан устун туради. Қасос онларини кейинроққа суради. Ҳозир эса қизини шармандалик юкидан озод қилишни ўйлайди. Бунинг йўли бир — уни ҳур қизлар сафига узатиш... Бу мудҳиш фикр унда видеокассетани кўргандаёқ уйғонган, шармандаликка ўзи гувоҳ бўлгач, қатъийлашган эди. Ўша уйда тўппонча оғзини унга қаратишни истамади. Бу ҳаромхонада қон тўкишини, жон беришини хоҳламади. Тобора бостириб келаётган деворлардан қизалоқнинг ширин кулгиси ширин тил билан «адажон, менга нима опкелдийиз» дегани эшитилди. Бу — кичкина Зайнабнинг ширин кулгиси, ширин тили... Унут бўлаёзган овозни шу деворлар ўзига сингдирган эди, ҳозир йилларни оралаб ўтиб, акс-садо беряпти. Асадбек эшитмаслик учун қулоқларини беркитиб олди. «Ада, адажон...» Деворлар шундай деб акс-садо бераверди.

Соат бешга қадар шундай бўлаверди. Соат бешга қадар, Асадбекнинг назарида, минг йил бу овоз тинчлик бермади. Лекин мудҳиш фикр ширин хотиротдан устун эди...

Асадбек уйга сиғмай, ҳовлига чиқди. Ҳовлини, ошхонани, ертўлани кезди. Нимадир излади. Охири ертўладан бир қулочли арқон топиб, билагига ўраб олди.

Чувринди айтилган вақтда келиб, билакка ўралган арқонни кўрди-ю, муддаони фаҳмлади. Арқонни олмоқчи эди, Асадбек силтаб ташлади.

Чувринди Зайнабни чақирди. Машинага ўтирдилар. Элчиннинг уйи сари юрдилар. Дарвоза қулф эди. Зайнаб тушиб очди.

— Маҳмуд, айт унга, покланиб чиқиб, келинлик қўйлагини кийсин.

Остонада нима қиларини билмай қотиб турган Зайнабга Чувринди бу амрни етказди.

Зайнаб ўлик оёқларини зўрға судраб ичкари кирди. У отасининг билагига ўралган арқонни

кўрган, умри ниҳоясига етганини сезган эди.

...Атрофга шом қоронғуси бостириб келадир. Кеч кузнинг изғиринли нафаси сочларини аста тўзитадир. Жувоннинг вужудини эса хуфтон зулумоти босадир, юраккинаси музлайдир, танаси совуқданми, ёхуд ўлим шарпасининг қўрқувиданми енгил титрайдир... Кумушбиби бўлмоқни орзу этган, бокира, аммо инжу орзулари лойга қоришган Тупроқбиби, ундан-да баттар қавмда сўнгги нафас сари борадир...

Отаси покланиб олсин, дебди, сув поклай олармикин унинг руҳини?

Асадбек бир соатга яқин машинада ўтирди. Сўнг аста тушиб ҳовлига, ундан уйга кирди. Назарида, оёқлари чалишди. Қандайдир куч кўкрагидан итарди, орқасига қайтмоқчи ҳам бўлди. Бошқа бир куч эса тисланишга йўл бермади.

Зайнаб оқ либосда, уй ўртасида ҳаракатсиз турар эди. Асадбек остонада бир нафасгина тўхтади. Шунда уларнинг кўзлари тўқнашди.

— Жон қизим, мен сени жазоламоқчи эмасман, сени бу дунёнинг ифлосликларидан қутқармоқчиман,— деди Асадбекнинг кўзлари.

— Жоним адажон, қийналиб кетдим, қутқара қолинг... фақат онажонимни соғинаман... Онамни бир ўпсам эди...

— Сен ҳур қизлар билан бирга бўласан...

— Йўқ, улар мендайин шармандани қаторларига олмаслар...

— Ҳадемай изингдан етиб бораман...

Асадбек бир қадам қўйди. Зайнаб отаси томон интилиб, у ҳам бир қадам қўйди. Ота кўнгли қизини сўнгги бор бағрига босмоқни истади. Ўзини тутди. Қиз ота олдида тиз чўкмоқни истади

— тиз чўкди. Асадбекнинг кўзига ёш қуйилиб кела бошлади. Фарёд уриб юбормаслик учун билагидаги арқонни бўшатиб, Зайнаб олдида ташлади-да, шарт бурилиб чиқиб кетди. Тиз чўккан Зайнаб отасининг биргина сўзига зор бўлиб, илтижоли нигоҳини унинг изларига қадаб қолаверди.

Рози-ризолик сўралмади.

Асадбек машинага индамай ўтирди. Кўкрагини рулга қадаб олган Чувринди қаддини кўтариб, унга савол назари билан қаради.

— Ҳайда,— деди Асадбек ҳирқироқ овозда.

Чувринди уй томонга қараб қўйди-ю, буйруққа итоат этди. Машинани секин юрғизди. Асадбек: «Нима учун тезлатмаяпсан?» деб сўрамади.

«Гуноҳларни сен қилдинг-у, жабрини қизинг тортди, айбдор ўзинг бўла туриб қизингни жазоладингми?..»

Орқа ўриндиқда ўтирган кимдир шундай деб бақиргандай бўлди. Асадбек чўчиб, орқасига қаради. Ҳеч ким йўқ... такрорланди. Энди овозни таниди — Жалил. Янада қаттиқроқ айтди гапини. Сўнг яна такрорлади. Ҳар гапирганда юракдаги муз парчалана борди. Юрак муздан холи бўлиб, илий бошлагач, бақириб юборди:

— Тўхта! Қайт орқага!

Чувринди машинани қайтараётганида Асадбек:

— Зайнаб, жон қизим! — деб ҳўнграб юборди...

## **С ў н г г и б о б** **ёхуд учинчи китобнинг дебначаси**

**Асадбек, Элчин, Ҳосилбойвачча.**

*1989 йил, 29 ноябр*

### **1**

Ҳосилбойвачча бу олишувда мутлақ ғолиб чиққанига амин эди. Ҳатто Хонгирейга қўнғироқ

қилиб, уни ғалаба билан қутлаган, «акахон, сиз бу ерларнинг хўжайинисиз, биз сизга ноибмиз халос», деб камтарлик ниқоби остида ялтоқланган эди. У энди кейинги қадамлари ҳақида бош қотирар эди. Асадбек ўлгач, аввал Кесакполвонни йўқ қилишни ўйларди. Чувринди билан гаплашиб кўради, хизмат қилишга кўнса, унга тегмайди. Кўнмаса уруғи билан қуритиб юборади. Ана ундан кейин майда-чуйда тўдалар ўз хоҳишлари билан эмаклаб келаверишади. Эгилгиси келмаганларнинг бели синади... Ҳосилбойвачча янги йилни режаси бўйича ягона ҳоким сифатида қаршилаши керак. Бу Ҳосилбойвачча учун хом хаёл эмас, тайёр пиширилган ош эди. Сузиб еса, бас...

Бироқ... пишган ошни ейиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ҳосилбойвачча орзу булутига ёнбошлаб, роҳатланиб сузиб юрганида Асадбек кўнғироқ қилди.

— Ҳосил...— Асадбек шундай деб сукут қилди. Гапини айтишга қийналди.

— Гапиринг, акахон,— деди Ҳосилбойвачча меҳрибонлик билан.

— Сенга тан бердим, гап йўқ...— Асадбек шундай деб хўрсинди.

Ҳосилбойваччанинг юзини шодлик ели силаб ўтди. Мағлубни бир оз калака қилиш мақсадида:

— Сизга ҳам қойилман. Бунақа тан бериш фақат ўғил боланинг қўлидан келади,— деди.

Асадбек унинг бу лутфини жавобсиз қолдириб, муддаога кўчди:

— Ҳосил, менга видеокассетанинг асл нусхасини берасан.

— Гап йўқ, акахон.

— Анави қанжиқни қаерга қочирдинг, уни ҳам берасан менга.

— Буниси энди тўғри келмайди. У қанжиқ ҳали менга кўп керак бўлади. Унинг ишини унча-мунча қанжиқ эпллолмайди.

— Барибир топаман уни.

— Бир укалик маслаҳатим — уни қидирманг. Мен уни сизнинг ўнта йигитингизга ҳам алишмайман. Сиз кассетани олингу бошқасини унутинг. Ўзингиз келасизми, ё одам юборасизми?

— Бу иккаламизнинг орамиздаги иш. Мен боролмайман. Касалман, биласан. Эски шаҳардаги уйимда кутаман. Ёлғиз ўзинг кел. Бирга бир гаплашаман. Винзаводга тегишли қоғозлар бор, бераман. Агар яна бошқа даъволаринг бўлса, айтасан, келишамиз.

— Мен ўйлаб кўраман, акахон.

— Майли, ўйла. Каллали боласан. Сен мен қилган хатоларни четлаб ўтсанг, узоққа борасан. Бугун соат бешда кел, бир ўзим кутаман. Қўрқма, пистирма қўймайман. Менинг ўйиним ҳамма вақт ўғил болача бўлади, биласан-ку?

Ҳосилбойваччанинг кўнгли қандайдир нохушликни сезди, аммо ғолиблик сурури бу сезгини бўғди. У Асадбекнинг таклифини кўп мулоҳаза қилиб ўтирмади. Жон таслим қилаётган ғанимнинг илтижоли кўзларини кўргиси келди. Кўкрагига оёқ қўйиб, қаҳ-қаҳ отиб кулишни истади.

Соат тўрт яримда видеокассетанинг яна бир нусхасини олиб Шомил билан бирга эски шаҳар сари йўл олди. Шомилни ўттиз-ўттиз беш қадам берида, кўча муюлишида қолдириб ўзи Асадбек ҳовлисига кирди.

## 2

Асадбек болалиги ўтган ҳовлига пешинда келди. У хасталик оқибатидами ё кейинги кунларда кўрган-кечирганлари таъсиридами, анча ҳолсизланиб, руҳсизланиб қолган эди. Машинадан тушишда бир оз қийналди. Чувринди чаққон туриб унинг қўлтиғига кирди. Кеча Чувриндини яқин йўлатмай, қаддини тутиб олган эди. Бугун қаршилиқ билдирмади. Улар ҳовлига киришгач Чувриндининг топшириғи билан уйга қараб турган йигит чиқди. Асадбек иссиқ танчага ўтириб роҳатланди. Чувринди узатган пиёладан бир хўплам қайноқ чой ичди.

— Маҳмуд, мен душманларимдан ўч олмай туриб кета олмайман. Қасоссиз кетсам, ётқизиб кўма олмайсан, гўримда тик тураман.

— Ўша одамларни айтинг, эзфилаб ташлайман.

— Ўз қўлим билан ўлдирмасам, хумордан чиқмайман. Ҳозир отарчи келади. Ҳосилни ҳам чақирганман. Сен нима қилишингни билиб ол.

Асадбек Чувриндига режасини тушунтирди.

### 3

Елчин қайнотасининг кутилмаган йўқловидан ажабланди. Одам юбормай, шахсан ўзи қўнғироқ қилганига, эски шаҳардаги уйига чақирганига, машинани катта кўчага қўйиб келишни тайинлаганига ҳайрон бўлди. Ҳатто бир оз хавотирланди. Қайнотасининг бир шумликни ўйлаб қўйганини сизди. Унда мулоҳаза қилиш учун муҳлат кам эди. Шу сабабли айтилган вақтда йўлга отланди.

Асадбек бу уйга келганида албатта машинада пойлоқчи ўтиргувчи эди. Катта йўл ёқасига машинасини қўйган Элчин аста юриб келиб, пойлоқчи йўқлигидан ҳайрон бўлди. Кейин «Асадбек келмагандир», деган хаёлда ҳовлига кирди. Ичкаридаги чироқ ёруғида ёлғиз ўтирган Асадбекни кўрди.

Асадбек куёви кирганда ўрнидан жилмади. Ўтирган ерида қўл узатиб кўришди. Элчин ўтираётганида йўтал тутиб, анча роҳатсизланди. Йўтал босилгач, кўз ёшини артиб, бир оз сукут сақлади. Кейин Элчинга қаттиқ тикилиб, сўз бошлади:

— Мен ҳаётимда кўп хато қилмаганман. Энг катта хатоим нима, сен биласанми?

Қайнотасининг дабдурустдан сенсирашидан суҳбат оқибатида кўнгилга ханжар бўлиб санчилажагини сизди. Сизгани учун ҳам саволга жавоб қайтармади. «Қани, гапираверинг», дегандай бошини эгиб ўтираверди.

— Энг катта хатоим — сени ўлдирмаганим. Сен қизимнинг ҳаётини барбод қилдинг. Мен хотамтойлик қилиб юбордим. Сен Шилимшиқни ўлдирдинг. Аслида у сени ўлдириши керак эди. Сен хотинни эплайдиган эр эмас экансан. Зайнабни сен бадном қилдинг... Мен сенга ҳамма гапни айтмайман. Энди бир ўғил болалик қиласан, ўч оласан!

Елчин бу гапни унча тушунмади. Бошини кўтариб сўрамоқчи эди, Асадбек гапиртирмади:

— Жим бўл. Сен бугун айтганимни қиласан. Қолган гапларни кейин биласан. Ҳозир айтадиганим битта: эркак бўлганингдан кейин эркакча яша. Чироқни ўчир.— Асадбек шундай деб соатига қараб олди. Элчин чироқни ўчиргач, ўрнидан туриб бориб дераза ёнига ўтирди. Уй совуқ эмас эди. Элчин унинг қўлқоп кийиб олганидан ажабланди.

— Деразани қиялаб оч,— деб буюрди Асадбек.

— Ташқари салқин-ку?

— Бир табақасини қиялаб оч. Ўзинг панада ўтир. тур дейишим билан турасан. Айтган ишимни тез бажарасан. Ўйлаб ўтиришга фурсат бўлмайди.

— Нима қилмоқчисиз, билишим мумкинми?

— Мен сенга қасос олиш қанақа бўлишни кўрсатаман. Ҳозир ўлиши керак бўлган одам сенинг ҳам, менинг ҳам номусимни булғади.

Асадбек шундай деб қўнжидан тўппонча чиқарди-да:

— Энди менга халақит берма,— деб қия очиқ дераза оша кўча эшикни мўлжалга олди.

Асадбек болалигида, янги йил кутадиган куни шу эшик очилишини, отасининг кириб келишини, сўхтаси совуқ икки кишини уриб-уриб ҳайдаб юборишини кутган эди. Бу икки киши отасини олиб кетганидан кейин ҳам шу ёққа кўп тикилди. Унинг учун бу эшик ҳовли билан кўчани боғлайдиган бир восита эмас, балки умид қопқаси эди. Афсус шуки, ўша йиллар бу умид эшиги очилмади...

Ҳозир ҳам тикилиб ўтирибди. Ҳозирги умиди бўлак — қасос! Ҳозир ажал бир малъунни ҳайдаб келиб унга рўпара қилади.

Ниҳоят эшик очилди. Ҳосил кўринди. У ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳовлига қадам қўйди. Бир

қадам... иккинчиси... Учунчисига улгурмади.

Тепки босилди.

Одам жонига ташна ўқ кўкракка қадалди. Сўнг иккинчиси... учинчиси...

Ҳосилбойвачча аланглашга ҳам улгурмади.

Мағлуб одамнинг илтижоли кўзларини кўра олмади.

Асадбек тўппончани Элчинга тутқазди:

— Чиқ тез, ўлмади шекилли, қўлим титради. Тирик бўлса от.

— Нимага?

— Чиқ деяпман! Зайнабни булғади бу, эшитяпсанми?! Эркакмисан ўзинг!

Елчин бу гапга ишонқирамай, тўппончага қўл чўзди. Асадбек яна бақиргач, ҳовлига чиқди.

Ҳосилбойваччага яқинлашди. Лекин ўқ узмади. Тепкини босишга ҳожат ҳам йўқ эди. Шу заҳоти

эшик тепки зарбидан очилиб остонада Шомил кўринди. Филай ерда қонга беланиб ётган

хўжасини, тўппонча ушлаб турган Элчинни кўрди-ю, ўйлаб ўтирмай унга ўқ узди. Элчин

қаршилиқ қилишга ҳам улгурмади.

Шу нафаснинг ўзида пайдо бўлган Чувринди аввал Шомилни отмоқчи бўлди. Лекин

Асадбекнинг топшириғини эслаб, Филайнинг орқа миясига тўппонча қўндоғи билан зарб билан

урди. Филай Шомил хўжаси ёнига беҳуш йиқилди.

Асадбек уйдан битта-битта босиб чиқиб келди. У энди бир неча соат илгариги ҳолсиз хаста

одам эмас, қаддини мағрур тутувчи Асадбек эди...

Ниҳоят... шайтанат олами воқеаларининг баёни шу ерга келганида, Яратганга шукрлар айтган ҳолда иккинчи китобга нуқта қўяман. Мазкур баённи ўқиган ҳар бир кимсага миннатдорлик билдириб, Оллоҳдан хонадонларингизга файзу баракот тилайман. Шайтанат дарахтининг сояси ҳеч биримизнинг хонадонимизга соя ташламагай. Омийн ва Роббил олабийн.

© Тоҳир Малик

Ислон.уз маърифат марказидан олинди.

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) - 2008